


МУХТОР АВЕЗОВ



АБАЙ

ТАРИХИЙ
РОМАН

II
КИТОВ

№ 11941
3

ҚОЗОҚЧАДАН
ЗУМРАД
ТАРЖИМАСИ

Н. С.
А19.

ЎЗССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ 1953

ROYAL CANADIAN MOUNTED POLICE

RECEIVED

1911

RECEIVED

1911

RECEIVED

RECEIVED

RECEIVED

RECEIVED



ТОЙҒОНОКДА

1

Тонготарга яқин бир соатгина мизғиб олгани бўлмаса, Абай бу кечани уйқусиз ўтказди. Лекин ҳали ҳорғинлик ҳис этмади. Ҳамон китобга тикилганича ўтирарди. Турли тилларда яратилган бу китоблар бугун тўсатдан шу ерга йиғилиб, қизиқ бир анжуман қурганлар. Абай яхши биладиган чиготой, турк китоблари блан бирга, у қийналиб тушунадиган араб, форс китоблари ва буларга қараганда яна қийинроқ туйиладиган рус тилидаги китоблар ҳам бор эди.

Абайнинг бошқа вақтлардаги ўқишига қараганда, бугунги ўқишидан мақсади ҳам бошқача эди. Китоблардан олинадиган билим ва сабоқларни бугун ҳаётга татбиқ қилиш зарурати туғилган. Абай сўнгги кунларда, айниқса шу кеча, ўзи илгари одатланмаган бир тарзда, гўё қадим замонлардаги «олимлар» ёки «ровийлар»га ўхшаб ўтирарди. Шу зайлда ўтиришига баъзан ўз-ўзидан ҳайрон бўлиб, қизиқиб ҳам қўярди.

Бу китоблар уни гоҳ Шерознинг гулзорларига, гоҳ Самарқанднинг серҳашам мақбараларига элтар; дам Марв ва Машҳаднинг майин шабадали, булбуллар сайраб турган мевазор боғларига, зилол сувли сарҳовузларига элтар; баъзида улуғ шоирлар, адиблар макони бўлган Ҳирот,

Ғазнав, Бағдоднинг ҳашаматли саройларига, мадраса ва китобхоналарига олиб кетарди. Асрлар бўйи давом этган тинимсиз урушларда Исфаҳоний эгри қиличлари бир-бирига қарши гуриллаб ўтган араб, форс, турк, мўғул тарихлари ҳам унинг диққатини тез-тез жалб қилиб турарди. Бу китобларни йиғиштириб қўйиб, рус китобларига кўчганида Урта Осиё, Эрон, Арабистоннинг ер-сувларини, чўл-қумларини, шаҳарларини, ҳаёти, савдо-сотиқларини аниқ билиб олаётгандай бўларди. Абайнинг бунчалик мук тушиб ўтиришининг боиси мана шу эллар, вилоятларнинг бугунги аҳволини билиш эди.

Ўқиб ўтираркан, карвон юрадиган савдо йўлларини, катта бозорларни, машҳур шаҳарларни, сув йўлларини очиқ-ойдин қилиб бир қоғозга ёзиб борарди.

Бу маълумотларнинг ҳаммаси ҳозир узоқ сафарга чиқиб кетай деб турган йўловчи учун керак эди. Абай ўқиб ўтириб, ба'зан, болалик чоғидан буён кўп эшитгани ўша йироқдаги кўкимтир туманга чулғанган мамлакатлар томон қараб: «Қани энди шу сафарга ўзим кетаётган бўлсам» деб, орзу қиларди. Кўришга, билишга қизиқарди.

Очиқ деразадан тўсатдан салқин шабада эсди. Катта, нафис оқ пардани учирди. Уни ҳилпиратиб келиб, дераза олдида қўйилган столдаги китоблар устига ташлади. Парда, гоҳ шўхлик қилаётган боладек, Абай ўқиётган китобнинг бетини беркитиб қўяр, гоҳ китоб бетини сийпалаб, ҳарфларини супуриб туширишга тиришаётгандек бўларди.

Абай орқасидаги эшикнинг ланг очилганини эндигина пайқади. Тонг отгандан буён унинг эшиги очилиб, одам киргани ҳам шу эди. Абай қайрилиб қаради. Нафаси оғзига теқилиб, битта-битта юриб келаётган онаси экан. Шу кунларда гавдаси анча оғирлашиб, юриши ҳам, қўзғолиши ҳам қийинлашиб қолган Улжоннинг икки томонидан икки аёл қўлтиқлаб келаётган эди. Абай ирғиб туриб, онасига кўрпача солди. Яхши кийинган, Абайга ўхшаб кетадиган оппоққина гўзал жувон ястиқлар келтириб қўйди. Бутун қиёфаси блан Қунанбойни эслатадиган бу ёш жувон,— шу уйнинг келини, Абайнинг опаси Макин эди. Иккинчиси — Улжонга ҳамроҳ бўлиб, овулдан бирга келган Қалиқа деган жувон. У, Улжоннинг олдида ялтироқ мис жом қўйиб, ўймагулли қашқар обдастада сув келтириб қўлига қуйди. Макиш катта уйнинг ўртасида турган буклама хонтахтани очиб юборди-да, эшикка қараб:

— Қани, кел, дастурхонни ёзавер!— деди.

Эшикдан Макиш блан тенгқур оқ-қизил юзли, баланд бўйли бир жувон кирди. Уқа тутилган қора бахмал камзил кийган, қопқора йилтироқ сочларини силлиқ қилиб тараган бу гўзал жувон нонуштага дастурхон ёзиб, меҳмонлар учун ҳозирланган таомларни қўябошлади.

Онаси юз-қўлини ювиб бўлгандан кейин, Абай ҳам камзилини ечиб, юз-қўлини ювабошлади. Уйқусиз ўтказилган кечадан кейин боши гангиб қолганини энди пайқади.

Макиш уни меҳмондек иззат қилиб, қўлига сув қуяётганида:

— Макиш, сувинг жуда ёқимли, муздаккина экан. Бироз тетикланиб олай. Бошимга ҳам қуйиб юборчи!— деб, бўйнидан то бошигача ювинди.

Юз-қўлини артиб, эндигина нафасини ростлаб олган Улжон, Абайнинг иш столига кўз ташлади-да, боласининг юзига қаради. Абайнинг ранги анча синиққан, икки кўзи қизарган эди.

— Абайжон, тонг отгунча ухламадингми дейман-а?— деди.

— Йўқ, ярим кечага борганда бироз кўз илинтириб олдим!— деди Абай.

— Ҳадеб хатга тикилаверса, кишининг хаёли чалғиб кетмайдими? Қўйга бўри келганини нега пайқамай қолдинг, ухлаб қолгандирсан-да!— деганимда, бизнинг Қўдига: «Ухлаганим йўқ-ку, броқ тонготарга яқин кўзимга туянинг ўркачи ҳам тўртта бўлиб кўринабошлади, ана шу пайтда думини қисиб ёнгинамдан ғизиллаб ўтиб кетган бўрини ит экан, деб қўрага киргизиб юборибман» деган эди. Уша айтганидек, туянинг ўркачи тўртта бўладиган пайтда, гангиб турган бошга илм кирармиди, болагинам?— деди.

Онасининг ҳазилига Абай ҳам, Макиш ҳам кулиб юборишди. Абай:

— Опа, Қўдиганинг гапи тўғри. Лекин, вақт тигиз. Йўловчилар бугун жўнашади-ку!— деди.

Улжон: «Йўловчиларнинг қайси йўл блан боришини китобга қараб аниқ билса бўлар эканми?»— деб сўраган эди, Абай: «катта, яққол йўлни билиб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда истаган ерга олиб борадиган сўқмоқ йўлни» билалганини айтди. Яна шу сўнгги кунларда китобдан яхши билиб олган янгиликлари ҳақида онасига:

— Ана энди, ўша ерларга ўзим бормасам ҳам боргандан зиёд билиб олдим! — деди, худди қимматли ўлжа топган кишидек мамнун бўлиб.

Йўл жуда узоқ эканини Улжон яхши биларди. Энди чой устида Абайдан ўша сафарда учрайдиган хавф-хатарлар, азоб-уқубатлар тўғрисида сўрайбошлади. Уйда бегона одам йўқ эди. Абай ўзи билган ҳақиқатни ҳечқачон онасидан яширмас, яшириш зарур деб билмас эди. Макиш ҳам Абайнинг шу тўғридаги жавобига интиқ бўлса керак, онасига қўшилиб:

— Ҳа, Абайгинам, шуни айтиб берчи! — деди ранги ўчинқираб, ичида қаттиқ ташвиш тортаётганини сездирди.

Абай опасинининг авзойини кўриб, бироз ўйланиб қолди. Гарчи Макиш, шаҳарлик катта бойнинг эрка келини бўлса ҳам, ўз уйи, ўз она юрти, овулини эслаганда, юракбағри узилиб, қизгин тилакдошлик блан ўйларди. Унинг қалбидаги кечинмаларни яхши тасаввур қилиш учун ёшлигида ёт элга узатилган қиз бўлиш керак-да, ҳаётга унинг кўзи блан қараш керак. Бу ғоят мунгли, армон-ҳасратга тўла нозик бир дард.

Вақт ўтиши орқасидагина эмланадиган, бориб-бориб тузаладиган, тезгина унутиб бўлмайдиган ғусса.

Абай, Макишнинг аҳволини кўриб, онасига очиқ айтмоқчи бўлган гапларини унинг олдида айтмай қўяқолай, деган эдию, Макиш унй қўярда-қўймай:

— Қозоқ боласигина эмас, ҳатто бу атрофдан ҳечким қадам босмаган жойлар дейишади-ку... Яна қайтиб эсон-омон келадими, келмайдими? — деди.

Айтишга Абайнинг юраги бетламай турган гапни Макишнинг ўзи очди. Абай бир пиёлагина чой ичди-да, пиёласини четга суриб қўйди. Қуйи хонадаги пазанда пиширган сомсалардан ҳам емади. Тонг отгунча ўтириб, китобга қараб ёзган қоғозларини олиб, онаси блан Макишнинг саволларига жавоб берабошлади. Макишга қараб:

— Макиш, отанг осон сафарга кетаётгани йўқ. Лекин тавяккал қиласан-у, умидингни узмайсан! — деди.

Опасининг қаттиқ ҳаяжонга тушганини кўриб, Абай жим бўлиб қолди.

Улжон Макишга:

— Отанг сафарга кетаётганда: болам кўрқоқ экан, деб кетмасин! — деди.

Абай индамасдан ўрнидан тураётган эди, эшик очилди-да, Такежон блан Ғабитхон шошилганларича Қуланбой-

минг келаётганини айтишди. Улжондан бошқа, ўтирганларнинг ҳаммаси дув этиб туришди-да хонтахта атрофига кўрпача солиб, ястиқлар қўйиб у ёқ-бу ёқни тузата-бошлашди.

Қунанбой блан Изиқутти олдинда, орқаларида эса бир гала одам келаётган экан. Лекин, кўпчилик даҳлизда қолди. Даҳлиз ҳам яхши жиҳозланган каттагина хона бўлиб, у ерда ҳам дастурхон ёзилаётган эди. Ичкари уйга Қунанбой блан шу уйнинг эгаси Тинибой кирди. Тинибой, Қунанбойнинг қадрдон қудаси, кўнгли яқин дўсти эди. Шаҳарнинг отоқли бойларидан бири. Яхши кийимлар кийган Тинибой, бемалол ёзилиб ўтирмай, Улжонга ғалати кўринган бир тарзда, муллаваччаларга ўхшаб чўкка тушиб ўтирди. Тўрга чиқинг, деганларига унамай, Макишдан хиёл юқориоққа ўтирди. Шунда ҳам, Қунанбойнинг пиёласини ўзи олиб бериб, хизмат қилиб туришлик учунгина шу ерга ўтирган эди. У худди имом ҳазратларини кутаётган кишидек одоб сақлаб, вужудидан камтарлик ёғилиб, эшон олдидаги муридга ўхшаб ўтирарди.

Қунанбой Улжоннинг ёнига ўтирди-да, Макиш блан Абайнинг юзларига қаради. Уйдагиларнинг кайфиятини бир қарашдаёқ биларди. Айниқса ҳозир болаларига алоҳида бир диққат блан қарагандай кўринди.

Қунанбойнинг афти-ангоридан, унинг ҳозир кексалик қаҳрига учрагани очик кўриниб турарди. Кеч оқарабошлаган соч-соқоли ёши етмишга етгунча ҳам мош-гурунч бўлиб, энди оқ кўпроқ оралаган эди. Юзи ва пешонасидаги ажинлари чуқурлашган. Лекин, ҳали ҳам қадди-қомати келишган, этдан тушмаган. Юриш-туришда Қунанбой ҳали тетик эди.

Ҳозирги қиёфасида ҳам ҳечқандай руҳий ўзгариш кўринмайди. У ҳечқачон ҳаяжонланган одам эмас. Макишнинг икки кўзи қизариб, ранги ўчиб ўтирганидан унинг йиғлаганини пайқади. Нариги уйдан битта-битта киришиб, хонтахта атрофига ўтиришаётган яқин кишилари ичида Такежон, Успон, Жақин, Мойбосар, Ғабитхонлар бор эди. Бу сафарга чиқишга Қунанбой бундан бир йил аввал аҳд қилган эди. Шундан бери, ўтган йил кўк-ламдан бошлаб, бутун ёз, куз ва қиш бўйи мол сотдириб пул жамғариб, ҳозирлик кўриб келганди.

Шундай қилиб, пулдан ҳеч ғам емайди. Бу машаққатли сафарнинг ягона ташвиши — кексайиб, куч қувватдан кетиб қолганлиги, холос. Қунанбой айниқса шу томонлар-

ни ўйлаб, Изиқуттини ҳам бирга боришга ундаб ҳамроҳ бўлишга кўндирган эди. Чунки у, кўпдан бери Қунанбойнинг ишончли йўлдоши ҳисобланарди. Сафар кийимларини шаҳарда Макишга тикдириб, кийиб олган Изиқутти ҳозир ҳам Қунанбойнинг ёнгинасида ўтирарди. Изиқуттининг ёши қирқдан ошиб қолган бўлса-да, йигирма беш яшар йигитдай ғайратли, тетик, абжир эди.

Қунанбой уйга киргач, бироз индамай ўтириб, чой ичди, иссиқ сомсалар, яхна гўштлардан еб, обдон тўйиб олди.

Гарчи дастурхон ёнига келишмаса ҳам, Қунанбой жўнаши олдидан бирнафас унинг ёнида ўтиргиси келган қариндош-уруғлари битта-битта кириб келабошлашди. Қунанбой йироқ сафарга жўнаш олдидан холироқ бир жойда бола-чақасига айтмоқчи бўлган гапни шу уйда, шу дастурхон устида айтаман деган эди, қараса одам кўпайиб кетадиган.

Макишга яна бир назар ташлаб, яна ҳам жиддийлашиб кетди-да, гап бошлади:

— Эй менинг болаларим, ёру дўстларим, оға-иниларим!—деб ўтирганларга ўйчан кўзи блан совуққина назар ташлади. Уйга сукунат чўкди, чой қуйиш ҳам тўхтатилди. Қунанбой бироз қаддини ростлаб олиб, ягона кўзи блан тўғрига тикилганича гапида давом этди.

— Сенлар мени шу сафарга жўнатишни лойиқ кўрмаётганга ўхшайсанлар. «Кексайган чоғида қаерга боради, яна қайтиб кўраолмаймиз! Энди қайтиб келмайди-ку!» деб, юракларинг увушиб қараётирсанлар! Бундай қилишларинг мени шу сафарга лойиқ кўрмаслик эмас, шу сафарни менга лойиқ кўрмаслик бўлади. Ўт бошида¹ набираларга, қозон бошида келинларга, мол бошида молбоқарларга «ҳой-ҳой» лаб бақироқ чол бўлиб ўтсам қандай мурод ҳосил қилган бўлар эдим!? Бу сафарим — қолган умримдаги сўнгги мурод-мақсадим. Ҳаммаларингдан қиладиган илтимосим, шу сафарда буйруқ бўлиб, куним битиб, қазо қилганимни эшитсаларинг, бирортанг менга ачиниб, ўқсиб: «Оҳ, шўрлик, армони ичида кетди» деб эсга олма. Бу менга дўстлик эмас. Ҳали сенлар узоқ яшаб ўтказадиган ёшлик даврини, мен ҳам ўз вақтида беармон ўйнаб-кулиб ўтказганман. Сенлар энди тотиб кўрадиган аччиқни ҳам, чучукни ҳам тотиб ўтдим. Озми-кўпми, насиб

¹ Ўт боши — уйдаги ўчоқдан юқори жой, я'ни уйнинг муқаддас саналган тўри. Қадимги вақтларда бу ерга фақат оила бошлиқлари ва ҳурматли кишилар ўтиришар эди. — *Ред.*

бўлган кунларни жигарлар, қариндошлар блан бирга кечирдик. Менга шунинг ўзи ҳам етади. Увалик-жўвалик бўлиб бирга яшаб, бирга турганимиз блан ҳарбиримизнинг қазойимиз ўз ҳолича, алоҳида-алоҳида етади. Тўпдан, тўдадан айириб олиб кетади. Қазои-қадар етган бўлса, унинг қаерда, қайчоқда келганининг нима фарқи бор? Боши берк жарни ўзига сўнгги макон қилган кекса архарнинг¹ қисқагина сўқмоқ йўлидек, озгина умрим қолди. Менинг шу қисқа йўлимга сенлар ҳам рози бўлинглар! Йиғламай-сиқтамай кузатинглар! Гап шу. Қани энди, бизларни жўнатиш ҳаракатига тушинглар! — деди.

Изиқуттига қараб, тайёргарлигини кўр, деяётгандай ишора қилди. У ўрнидан қўзғолиши блан Такежон, Ғабитхон, Ўспонлар сингари ёшларнинг ҳаммаси туришди. Абай ҳам қўзғолган эди, отаси Қунанбой қўли блан астагина унинг тиззасидан босди:

— Қани, болам, сен топган-билганларини айтчи! — деди. Абай чўнтагидан сиёҳ блан ёзилган бирқанча қоғозларни олди-да, Изиқуттига қараб:

— Мана, Изиқутти оға, нимаики топган бўлсам, ҳаммаси шу қоғозда, буни ёнингда сақлагайсан! — деди.

Абай қоғозларни Изиқуттига бераётганида, Қунанбой ундан йўлда учрайдиган катта шаҳарларнинг номини яна сўради. Абай қозоқ еридаги қумларни, чўл-биёбонларни, Қарқаралидан Қунанбойга ҳамроҳ бўлиб кетадиган Ундирбой халфанинг ўзи вилади деб, йўлнинг бу қисмини тушунтириб ўтирмади. Тошкентгача қозоқлар ичидан борилади. Ундан нарида учрайдиган Самарқанд, Марв, Машҳад, Исфаҳон, Ободон шаҳарларининг номини қайта-қайта такрорлаб, айтиб берди. Ундан уёғига ё Арабистоннинг чўлларидан ўтиб, ёки, яхшиси, кема блан айланиб бориб Макканинг рўпарасига тушилади, — деди. Абайнинг кўп китобларни қараб тузган энг қисқа йўл режаси шу эди. Бу йўлларни Абай отасига бугунгина эмас, китобдан ўқиганларини ҳар куни айтиб берарди. Йўлдаги вилоятлар, уларнинг халқи, ҳаёти, географик тузилишлари, касб ва ҳунарларини бирнеча бор айтиб берган эди.

Қунанбой блан бирга боришга ваъда берган Ундирбой халфа Қарқаралидан қўшилиб кетиши керак эди. Ҳозир йўловчилар Иртиш дарёсидан четлаб, қозоқ саҳросининг ўртасидан йўл олиб кетишлари керак. Ундан уёғига йўлов-

¹ Тоғ кўчқори. — *Ред.*

чиларнинг улови турли-туман бўлиб алмашиб борса ҳам ҳозирча Тинибойнинг маслаҳатига кўра Семейдан Қарқаралигача извошда кетадиган бўлишди.

Қунанбой блан Изиқутти тушиб кетадиган кенг извошга отлар қўшилиб, Тинибойнинг катта ҳовлисида турарди. Қиш бўйи ем блан боқилган, яхшилаб совутилган, ўйноқлаб турган учта жийрон от сўлиғини чайнаб, тез-тез пишқиришар, дўғасини силкитиб, қўнғироқларини жаранглайтиб туришарди.

Озиқ-овқат, кўрпа-ёстиқ, турли-туман ёзлик, қишлик кийимлар извошга жойланган. Қунанбойни Қарқаралигача шу извошда элтиб қўйишга тайёр турган кучер Мирза-хон ҳам аллақачон ўрнига чиқиб олган эди.

Шундай қилиб, эрта баҳор, чошгоҳ пайтида, Тинибойнинг икки қаватлик уйини тўлдириб ўтирган одамлар дув этиб ҳовлига чиқишди. Кўпчилиги қир кийимини кийган, элдан келган одамлар. Ораларида шаҳарли савдогар-бойлар, халфа-ҳазратлар, мадраса муллаваччалари сингари меҳмонлар ҳам кўп. Қунанбой буларга Тинибой орқали садақасини тарқатиб, ҳаммасининг фотиҳасини олган. Бу тоифа меҳмонлар зиёфатнинг қуюғини еб, чўнтакларидан ҳам рози бўлиб, кайфи чоғ, илжайганларича уйдан чиқишди.

Қунанбой шу тўданинг олдига тушиб, извош томон келаётган пайтда, ўша извош соясида ўтирган икки одам ўрнидан туриб, унга қарши келабошлади. Олисдан салом бериб, тўғри Қунанбойга қараб келаётган бу икки одамнинг бири — соқолига анча оқ оралаб қолган Даркембой, иккинчиси — жулдир кийимли, озғин, яланг оёқлари ёрилиб-ёрилиб кетган, ўн-ўн бир яшар бир бола эди. Даркембой, Қунанбойнинг олдига келиши блан: «Сафарингиз беҳатар бўлсин» деди-да, дарҳол гапни бошлади.

— Қунеке,¹ худо йўлига тушиб йироқ сафарга кетаётган экансиз. Буни ҳам мусофирчилик сафари дейдилар. Кетаётган чоғингда бу ердаги бир чин мусофирнинг арзига қулоқ солиб кетсанг, деб кутиб ўтирган эдик. Мана бу боланинг арзи бор экан. «Худо ҳақиға менинг арзимни унга тушунтириб бер» деб мени бошлаб келди! — деди.

Қунанбой бир ҳурпайиб тушиб, қовоғини солганича тўхтаб қолди-да:

¹ Қунеке — Қунанбойни қисқартиб, ҳурмат юзасидан Қунеке дейилган. — *Ред.*

— Мен дун'ёнинг ишларидан овлоқ кетаётган кишиман, арзинг бўлса, мендан бошқага айтсанг бўлмайди-ми? — деди.

— Қунеке, ўзгага эмас, ўзингга айтиладиган арз эди-да.

— Арзини мендан бошқага айтмайдиган қандай бола бунинг ўзи?

— Ўзингга айтиладиган арз бўлгани учун келдик-да. Қунанбой атрофидагилардан, айшиқса шаҳарли савдогар-бойлар, муллалар, халфалардан хижолат тортди. Қўз қириши ташлаб, ҳамманинг бу гапга қулоқ солиб, ҳайрон бўлиб турганини пайқади. Мойбосар Даркембойни энди таниб, уни Қунанбойнинг йўлидан четга қоқмоқчи бўлди.

— Даркембоймисан?! «Арзим бор» деб, сафарга чиқиб кетаётган одамнинг оёғига нега ўралашаётирсан? Нарироқ тур! — деди. Сўнгги сўзларини астагина айтган бўлса ҳам жеркиб айтди.

Лекин Даркембой бунга парво қилмади. Қунанбой блан Мойбосарнинг кўпчилиқ олдида хижолатда қолганини пайқаб, энди товушининг борица барала сўзлай-бошлади:

— Бу боланинг арзи — мингларча ғариб-ғураболар ичида сен қулоқ солишинг зарур бўлган арзлардан. Худо йўлига кетаётганда эшитиб кетадиган гап.

— Бу қандай бола ўзи? Нима арзи бор экан? Қани, бўл, гапир! — деди, зарда блан, қовоғидан қор ёғилиб бораётган Қунанбой.

— Бу бола ўша Бўрсоқ Қўдарининг иниси, — Кўгедойнинг ўғли. Ўша Қўдар ўлдирилган вақтда унинг ёлғизгина иниси Кўгедой узоқ Сибонда бир одамга ёлғизлиб ишлаб юрган эди. Ўзи нимжон, касалманд одам эди. Мана олти йил бўлди у ҳам ўлди. Шундай қилиб, Қўдар авлодидан мана бу ёлғизгина етим бола, Қиёсбой қолди! — деди, болани кўрсатиб.

Озғин, юзидаги туклари пих боғлаганга ўхшаб хурпайган, эти бориб устихонига ёпишган, чакка томирлари бўртиб чиққан, бир кўзини кир латта блан боғлаган бола турарди.

Қиёсбой кўз ёшларини зўрга тўхтатиб, ияги титраган ҳолда Қунанбойнинг юзига эндигина қаради. Қунанбой унга ҳам ўқрайиб турган экан.

— Бу боланинг менда нимаси бор экан?

— Нега нимаси бўлмасин, Қунеке?— деб, Даркембой ўт кир кўзларини Қунанбойнинг кўзларига қадаб, синовчи назар блан тикилди.

— Қани, гапир бўлмаса, нима демоқчи бунинг, юр бу ёққа!— Қунанбой Даркембой блан болани четроққа бошлади. Даркембой кўпчилик олдида гапирадиган бўлса, бошига оғир калтак бўлиб тушишини, обрўйи тўкилишини яхши биларди.

Қунанбойнинг атрофида, ҳовлида турган ёшу қари Ирғизбойларнинг усти-боши шай, яхши кийинган, айниқса шаҳарнинг қундуз телпакли савдогар-бойлари, салла-каллалик, зарбоб тўнлик муллалар, имом-халфаларнинг ҳам савлати бўлакча. Мана шу казо-казолар орасидан туртиб чиқарилгандек бир четда туришган Даркембой блан Қиёсбой ўз қиёфалари, озгин-тўзгинликлари блан яна ҳам ғариброқ кўринишарди; жулдир-жулдир, кўҳна кийимлари блан ўзгача бир азоб-уқубат оламидан келганларга ўхшашарди. Йўқчилик қўлида асири-мажруҳлар эди. Қунанбой буларни эргаштириб четга чиқаркан, Такежон блан Мойбосар уларнинг орқасидан кетди. Абай ҳам ўша томонга борди. Даркембой сўзида давом қилиб:

— Қўдарнинг гуноҳи бўлмаса-да, хун деб ун ҳам чиқарилмади. Сенга боққан замоннинг беомонлиги-да!

Унинг: «Сенга боққан замоннинг» деган гапи Қунанбойга қаттиқ тегди. Зардаси қайнаб, жаҳл блан жеркиб сўзлайбошлади.

— Нима деб алжирайсан ўзинг, Даркембой? Бориб Қунанбойдан Қўдарнинг хунини талаб қил, деб сени менга қайси Бўрсоқ блан Бўкенши юборди!? Отини айтчи менга ўшаларнинг!? — деб, ғазабланганида, Қунанбойнинг қиёфасида эрталабдан бери акс этиб турган мўминлик, сўфиликдан из ҳам қолмади. Яна ўша, илгариги ёвлашиб, қасдлашиб, жанг қилиб юрган чоғидаги сингари, кучли ғазаб пайдо бўлиб, кўкариб кетди. Шу ондаёқ тиш-тирноғини қайраб, юнгини ҳурпайтириб, душман устига ташланишга, уни титиб ташлашга ҳозир турган йиртқич қиёфасига кирди қўйди.

Даркембой унинг бу важоҳатидан ҳам чўчимади.

— Хун сўра, деб юборган Бўрсоқ йўқ. Бўрсоқда хун талаб қилгудек кун ҳам йўқ. Хун деяётганим йўқ. Лекин, Қорашўқи ҳақида нима дейсан? Ўша ер мана бу боланинг ҳақи эмасми? Қорашўқида мана бугун катта хотининг, Кункенинг овули яйраб-яшнаб, молини боқиб, дав-

латини ошираётгани йўқми? Тангрининг уйига кетаётирсан... Елғизгина етимчанинг ҳақини гардонингга юклаб кетаверасанми?

Қунанбой ҳайқириб юборди.

— Бас қил, Даркембой!

— Мен айтадиганимни айтиб бўлдим.

— Умрбод пайт пойлаб, пайимни қирқадиган, мудом орқамдан тигини тираб юрадиган душманам, беомон бало сен экансан-да?

— Қунекел! Мен бало бошловчи эмас, балодан бош асровчи бўлиб келганман.

— Ўша вақтларда ҳам, менга милтиқ ўқталган сен эдинг-да!

— Милтиқ ўқталган бўлсам ҳам отмаган эдим. Бегуноҳдан бегуноҳ бўйнимизга сиртмоқ солиб дорга осган ҳам омон юриптику!— деди Даркембой, ғазабига чидамай Қунанбойга ўқрайганича.

Қунанбой қанчалик мудҳиш қиёфага кирмасин, Даркембойнинг гапи уни гангитиб қўйди. Ранги ўчиб, титроқ босди.

— У вақтда отмаган бўлсанг бугун отдинг. Мана бу менинг гўримга отаётган ўқинг-да. Еқамдан олаётирку бу-а!— деди, чорасизлигидан шикоят қилаётгандек ялт этиб Мойбосарга қараб. Гапида: «Қандай тоқат қилиб турибсан?» деган оҳанг бор эди. Шу тобда зардаси қайнаб кетган Мойбосар юлқиниб бориб Қунанбой блан Даркембойнинг орасига кирди. Кўпчиликка орқасини ўгирдида, Даркембойни ҳақорат қилиб, муштуми блан кўкрагига бир урди.

— Еп оғзингни!— деди, ғазаб блан пичирлаб,— энди товушингни чиқарсанг соқолингдан олиб, улоқдек бўғизлаб ташлайман!

Шу чоғ Қунанбой ўрнидан қўзғолди. Такежон блан Мойбосар Даркембойнинг икки баридан босганларича ўтираверишди. Қиёсбой товушининг борица йиғлаб юборди.

— Ҳақим кетди бўйнингда... ҳақим!— деди.

Даркембой, икки зўравон мирзанинг чангалида ўтирган бўлса ҳам, товушининг борица қичқириб Қунанбойнинг орқасидан сўнгги сўзларини айтиб қолди.

— Кечагина ҳукмингни оғасултон бўлиб юргизган эдинг, энди Қунанбой ҳожи бўлиб юргизгали кетаётган экансан. Билдим, худонинг йўлини эмас... Яна ўша Қунанбойлик йўлингни йўқлаб кетаётган экансан. Талат, ға-

жит мана бу бўрибаччаларингга!— деди. Мойбосар блан Такежон Даркембойга икки томондан ўдағайлаб:

— Учир товушингни, аблаҳ!— дейишди титиб ташла-гудек бўлиб.

Шу тобда Абай, тўпланиб турганларга орқасини ўгириб ўтириб олди-да, Даркембойнинг ёқасидан олган Мойбосар блан Такежоннинг қўлларини силтаб-силтаб, қаттиқ қоқиб юборди.

— Худо ургир орсизлар! Торт қўлингни!— деб қолди.

Даркембойнинг кўзи Абайга тушган эди, унинг ранги ўчиб, икки кўзи қон талашиб Такежон блан Мойбосарни тешиб юборгудек бўлиб ўт сочиб турган экан.

— Кўп ҳадларингдан ошма, беорлар! Бу айтаётган гап отам тангри олдида жамоб берадиган гап. Сенлар нимани биласанлар! Виждонсиз беомуслар! Отам Маккага ҳам шундай гуноҳларим бор деб, тавба қилгани кетаётгани йўқми?— деб, Мойбосар блан Такежоннинг оғзини очирмади. Шу ондаёқ Даркембойга қараб:

— Даркембой! Айтмасликнинг иложи қолмаганга ўхшайди. Арзинг жўялик бўлгани учун, шундай пайтда айтдинг деб айблайолмайман. Отам учун мен қарздорман. Қарғаб, ранжиб кетма, азизим. Сўзларингни хўп англадим. Этимдан ўтиб, устихонимга бориб етди. Боринглар, ҳозирча кетаверинглар!— деб, Даркембойни суяб турғизди-да, чўнтагидан юз сўм чиқариб, Қиёсбойга бериб, икковини жўнатиб юборди.

Қунанбой анча вақтгача дамини чиқаролмай, тавба қилаётган кишидек пичирлаб, серрайганича қотиб қолди. Изиқутти блан Улжон энди унинг ёнига келиб, жўнаш кераклигини эслатишди. Қунанбой шундан кейингина, кузатгани келган шаҳарлилар блан тезгина хайрлашдию, извошга тушди.

Қунанбойнинг извошига Изиқуттидан кейин Улжон ҳам чиқди. У ҳам қариндош-уруғ, ёр-дўстлари блан бирга эрини анча ергача узатиб қўймоқчи эди.

Учта жийрон от қўшидган чиройли извош қўнғироқларини жиринглатиб бой ҳовлисининг катта дарвозасидан чиққанида, кузатучилар ҳам салт от ва арава блан кўзғолишди. Қунанбойнинг извоши орқасидан яна икки извош чиқди. Биттасида — Макиш блан Абай, иккинчисида — Тинибой блан унинг хотини ўтирган эди.

Шу зайлда, кўчанинг чангини бошига кўтариб, бара-ла сўзлашиб кетаётган тумонат йўловчиларни тамоша қи-

лиш учун кичкина шаҳарнинг эркак-хотин, бола-чақа, кек-саларидан тортиб, ҳаммаси югурганича келиб дарвозалар, деразалардан қарашди.

Чувалишиб бораётганларнинг олдида отлари қаттиқ елиб кетаётган Қунанбойнинг извоши тезгина шаҳардан чиқиб, кун ботишга томон чўзилиб ётган йўлга тушди. Кузатиб қўйгани чиққан салт отлиқлар гоҳ тўпланиб, гоҳ узилиб-уланиб отларини елдириб боришмоқда эди.

Қунанбой бирор марта орқасига қайрилиб қарамади. Ёр-дўстларини, ҳеч бўлмаганда, бир бекат ерга узатиб қўйишини биларди.

Даркембойдан ажралгандан кейин, анча вақтгача Қунанбойнинг дами ичига тушиб, қовоғи солиниб қолди. Ичида бирнеча бор: «Тиниғимни лойқатди», «тип-тиниқ сувимни лойқатиб кетди, ҳалиги!» деб такрорларди. Ба'зан кўз ўнгида тип-тиниқ, тинч турган сувга кесак отиб тўлқинлатган бир ҳаракат гавдаланарди. Жўнаш олдида ўзини қандай тутиш ҳақида аввалдан ўйлаб юрган режаси, эрталабгидек эди. Ундаги мулойимлик, сўфиликларнинг ҳаммаси орқасида қолаётганларни ўзига тилақдош этиш ниятида қилинган гап эди. Даркембой ўшаларнинг ҳаммасини қуюндек учуриб тўзғитди, кетди. Шу блан бирга Қунанбойни ҳаётдан қаттиқ туртиб, четга улоқтириб ташлагандек бўлди. Бундан зардаси қайнаб узоқ вақт сукут қилиб ўтирдида, ниҳоят ўзини тутиб олди. Энди ҳеч бўлмаса, Улжон блан рози-ризолик тилашиб, кўнглини ёзиб кетмоқчи бўлди.

Мирзахонга отларни бўшаштирмай, шу зайлда қаттиқ ҳайдаб кетаберишни буюриб, ўзи Улжонга ўгирилиб ўтирди. Зийрак Изиқутти Қунанбой блан Улжон охири сўзларини бемалол сўзлашсин, дегандек қилиб, дарҳол сирғилиб кучер томон ўтирди-да, уларни ўз ҳолига қўйди. Ўзи йўлни, бурилишларни кўздан кечирганича Мирзахон блан суҳбатга тушди.

Эрта баҳор эди. Бу атрофда ҳали майсалар бир текис бош кўтармаган, қиш заҳрининг шу дамгача кетмай тургани ҳақида гаплашиб кетди.

Қунанбой энди биратўла Улжон томонга ўгирилиб ўтирди-да, унга:

— Бойвучча,¹ уй йўлдошимгина эмас, умр йўлдошим ҳам эдинг. Кўп йиллар бирга кечирган ҳаётимизда қай

¹ Бойвучча — қозоқларда катта хотинни байбише дейиладди. — *Ред.*

довоннинг остида юрсам ҳам орқамдаги суянган тоғим эдинг. Сен мендан норози бўлсанг ҳам, менинг сендан ҳеч гинам йўқ. Соф қалбинг, оқ кўнглинг учун болаларингнинг бахти очилсин, — деди.

Улжоннинг нурли, қизил товланиб турадиган юзи юрагини увуштириб юборган ҳисдан оқариб, кўкимтир товланиб кетди. Лекин, анча вақтгача индамай ўтириб, ўзини босиб олди.

— Мирза, шундай сафарга кетаётганингда гина у ёқда турсин, бирор ноз билдириб жўнатсам тушунмаслик қилган бўламан!— деб, ма'нолик қилиб эрига қаради. Энди у, ҳар жиҳатдан тенг одам блан суҳбатлашаётгандек, бамайлихотир ўтирар, ўйчан кўринарди. Бу чоғ унинг ранги ўз аслига келиб, чеҳрасига бир турли нур югурди. Аввалгидек виқор ва кўркамлиқ кашф этди, мазмундор сўзлар қуйилиб келабошлади.

— Ёшликда одамга тўшак ҳам, уй ҳам, ҳатто олам ҳам тор кўринар экан. Ёши қайтиб, субҳи ўтиб, шоми яқинлашган сайин олам кенгаяборар экан. Ўзи бўлса кичиклашиб, атрофида бўшлиқ пайдо бўлиб, ўзгаларга ўрин бўшатгуси келаверар экан. Ғараз камайиб, узр кўпайиб совунаборар экан. Мана шу ҳис мени қамраб олганига кўп вақтлар бўлди!— деб, бир нафас жим қолди. Қунанбой борлиғи блан берилиб, жим ўтириб қулоқ солди. Улжоннинг юзига телмуриб қолди. Улжон қошларини кериб, кўзларини хиёл қисиб, яна сўзида давом этди.

— Хотин киши эрининг ёнида юрса ҳам, четлаб атрофида юрса ҳам, гўё онасининг бағридаги қулундек, унга суяниб ўсар экан. Хотин киши эридан ёмонликни ҳам олади, яхшилиқни ҳам олади. Қамчилигим бўлсин, фазилатим бўлсин, бир чети ўзингдан ўтган. Шунча йил бирга умр қилиб, энди сен розилик тилаб кетаётганингда сендан норози бўлиб қоламанми, Мирза!— деди. Кўп йиллар бирга кечган ҳаётида эри туфайли тортган кўп озорлар ёдида бўлса ҳам, ичига ютиб, у ҳақда гап очмай қўя-қолди.


Шундан кейин Қунанбой гапни кўнгиллироқ, кишининг руҳини сиқмайдиган томонга бурди. Эндиги суҳбатта Изиқутти ҳам қўшилди. Қунанбой блан Маккага бирга кетаётган Ўндирбой унинг кўп йиллик қадрдонларидан бири эди. Мана ҳозир ҳам бошқа қариндошларидан кўра ўзини яқин тутиб, шу сафарга ҳам бирга жўнамоқчи.

Ҳундирбой Қунанбойга кўнглидаги бир орзусини айтиб: «Е қиз олиб, ё қиз бериб, қуда бўлсак» деб юрарди. Агар ўша гап яна очилгудай бўлса, Қунанбой шу гал гапни бир жойга қўйиб кетмоқчи эди. Ҳундирбойнинг ёшигина қизи бор экан. Агар иш битиб қолгудек бўлса, Мирзахондан хат қилиб юбормоқчи бўлди. Ушани Улжон келин қилиб, ўз қўлига туширишни маслаҳат кўрди. Қунанбойнинг кевжа ўғли тентак, шўх Успоннинг уйланишига икки-уч йил бўлган эди. Узининг парвойига келмаса ҳам, кенжа ўғилдан набира кўрмаслик ота-онани анча ташвишга солабошлаган эди. Қисқаси, Успонга яна бир қиз айтиришнинг хонаси келган, Улжон шунга ҳозирлик кўриши керак.

Қолган йўл давомида бу извошдаги суҳбат шу сингари масалалар устида кетди.

Учта саман от қўшилган иккинчи извошда Абай блан Макиш кетишмоқда эди. Улар анча вақтгача индамай боришди. Уйдан чиққандан кейин, Макиш тўхтамай йиғлаб борди. Абай бир-икки марта: «Макиш, бўлди энди!» деб, юпатмоқчи бўлган эди, опаси қулоқ солмади. Шундан кейин Абай жимгина, хаёл сурганича кетаверди.

Ҳозир Абайнинг бутун хаёлини банд қилган нарсаси — Даркембойнинг бояги сўзлари, қилган ишлари эди. Абайнинг назарида ҳам у, Қунанбой эндигина олдига қўйиб, ичариб деб турган лаззатли овқатни бир тепиб тўкиб, косасини тўнкариб кетгандай туйиларди. Қўдар... Қўдар... Ундан қолган шўрли етим... Паноҳсиз қолган бола Қиёсбой. Озғин бола Абайнинг кўз ўнгидан нари кетмасди. Унинг бошидаги кир увадаси йўқсиллик гирдобига ўхшайди. Боланинг ҳаёти, ғариб-қашшоқлиги, Даркембойнинг оғзидан чиққан ҳаққоний даъволари Қунанбойнинг устидан ҳаётнинг ўзи чиқарган қатъий ҳукмга ўхшарди. У — тоат-ибодат, намоз-ниёз, рўза, ҳожилик блан оқлаб бўлмайдиган ҳукм. Кошки Қунанбой: «Мана шундай гуноҳларим бор эди» деб, пушаймон қилиб кетаётган бўлса. Йўқ, отасининг қиёфасида пушаймонликнинг изи ҳам кўринмайди. Ҳалигидек, қаҳр-ғазабгина кўринади. Ҳамон шундай экан... бу сафарга чиқишнинг, бу ишларнинг нима ҳожати бор? Ўша Даркембойнинг гапи тўғри! Худо йўлини излаб эмас, ҳали ҳам ўша Қунанбойлик йўлини излаб кетаётир-ку! Абай, қовоғини солиб истеҳзо блан кулдида, тўсатдан Қунанбойни ҳам, унинг сафари ҳақида ўйлашни ҳам йиғиштириб қўйиб, бошқа хаёлларга чўмди.



Бу вақтда отларини елдириб бораётган извош икки томони эндигина сабз уриб келаётган кўмкўк майса блан қопланган йўлга тушиб кетаётган эди.

Кўп вақтлардан буён шаҳардан чиқмаган Абайга эрта баҳор ўзининг эндигина келаётганини баён этабошлади. Чап томонда, олис уфқда кўкимтир туманга чулғаниб ётган Семей тоғ кўринди. У ҳам қор ёлуғини ташлаган экан. Катта, юмалоқ бир тўлқин қаттиқ отилиб бориб, мангу қотиб қолганга ўхшайди. Бепоен дала ўртасида, тўсатдан пайдо бўлиб қолгандек қаққайиб турган ёлғиз тоғ. Абдий жимликка чўкиб чўзилиб ётган шу саҳронинг бир замонлар нимадандир бўғилиб, тутоқиши орқасида отилиб чиққан даҳшат тўлқиними? Ё ғазаб оқибатими?— худди шунга ўхшаб турган бўлакча тоғ.

Абай тоғ тузилишида шу сингари ўзгача бир ҳолат кўриб, тикилганича бошидаги тумоғини олди. Семей тоғдан эсаётган майин шабада терлаган бошига, юзларига келиб аста урилди.

Вужуди тетиклашиб, енгил тортиб, бир хўрсинганида, кўнгли ҳам кўтарилгандек бўлди.

Абай ер юзининг кўркини, ўз кўнглининг эркинлигини куйлайбошлади...

Ана шу майин шабада эсиб турган ёқимли баҳор кунда Абайнинг кўнгли алланечук тўлқинланмоқда эди. Қанча-қанча алангали ҳислар гўё вужудига сиғишаолмай сиқилишарди... Эркаланиб ше'рга, куйга айланарди... Маромсиз тўлғанарди.

Абай пайқаманти. У айтаётган бор ўланни — қўшиқни Макиш эшитиб келаётган экан. Бошқа кишининг ўлани эмас, инисининг ўз ўлани эканлигини ҳам билиб ўтирган эди.

— Абай, дейман, сен оқин бўлсанг керак-а!— деб, кулиб юборди.

Абай ёнида Макиш борлигини унутиб юборган экан. Аввалига чўчиб кетиб, биров ўнғайсизланди-да:

— Ҳа, қаердан билдинг?— деди.

— Эшитиб келаяпманку... Ё яширмоқчи эдингми?— деб, Макиш яна кулди-да,— Эрбўлдан тортиб, ҳамма ўртоқларинг гапиришади, «ўлан айтишларда қатнашмагани бўлмаса, Абай чин оқин» дейишади, ростми?— деди.

Абай кулиб юборди.

— Рост! Оқинман!

— Қандай ўлан айтаётирсан?

— Эй, Макишжон, ўланларимнинг ҳаммаси елга учиб кетаётир.

— Нега энди?

— Мен суйган блан куйганни куйлаётирман. Суйганим йироқда, ҳечқачон келмайди. Дардим-аламим бўлса, мудом қошимда, бирнафас нари кетмайди. Шуни куйлаш елга куйлаш блан баравар эмасми?

— Дарди-аламинг нимаси? У нима деганинг? Сенда қандай дард бўлиши мумкин?— деб, Макиш азмойиш блан Абайга қаради. Иниси қошларини чимирди-да, ранги яна ҳам ўчинқираб кетди. Унинг тўладан келган юзида ҳали биронта ажин пайдо бўлмаган, ҳозир хиёл узайиб қолган мўйловлари, қисқароқ қора соқоли ҳам унинг гўзал чеҳрасига ярашиб турарди.

Макиш энди мароқ блан инисининг юзига боқаркан, Абайнинг бурни усти бироз йилтираб, юзларидан ёқимли нур ёғилиб турарди. Эндигина камолга етган йигитнинг гўзал чеҳраси. Ўт сочиб турадиган, жасоратли, ўткир кўзларининг оқи оқ, қораси қора бўлиб, порлаб турарди. Бу кўзлар, худди магнити бордек, бир қараган одамни беихтиёр яна қаратадиган жозибали кўзлар эди. Чаккасига тушган ингичка ва қийғоч қора қошлари ҳам йигитнинг ҳуснига ҳусн қўшарди.

Макиш ўз жигарига — инисига боқаркан, ич-ичидан фахрланарди. Унинг: «дардим бор», деганига ишонмади. Шундай бўлса ҳам гапга солиб кўрди.

— Ўша дардингни қандай қилиб айтдинг, қани айтчи!— деди.

Абайнинг кўнглида ўша вақтлардан буён гўзал саробдек бўлиб қолган бир хотира ётарди. Ўша куни юрак дардларини шу куйи блан изҳор этган эди. Бу куй ҳам содиқ ҳамроҳига айланган. Хотирида ҳамон Жонибек яйловида ўтказилган ўша кеча. Суюндик овулидаги арғимчоқ. Тўғжон блан иккови арғимчоқни тепиб туриб, сирларини шу куй блан изҳор этишган эди. Кўпчилик олдида юраклари фақат шу куй орқали топишган эди. Абай ўша «Тўпай кўк»¹ куйини бошлади. Бу куй яшнаб турган баҳор кунда Тўғжонни яна соғинтириб, йўқлатаётир.

Опасининг айт, деб қилган илтимоси унинг ўз кўнглидаги истаги эди. Бу гал у «Тўпай кўк» куйини баланд

¹ Т ў п а й к ў к — кўркам ол.— *Ред.*

овоз блан эмас, хиргойи қилиб куйларкан, сўзлари ўзгача бир ҳазин дардни ифода этди. Макиш айниқса, ўланнинг сўзига алоҳида эътибор бериб тинглади. Қалби изтиробга тўла ёш йигит:

Ярқ этмас қора кўнглим на қилса-да,
Осмонда ой блан кун барқ урса-да,
Дун'ёда менга сра сендай ёр йўқ,
Сенга ёр мендан ортиқ топилса-да!..
Шўрлик ошиқ сарғайса, соғинса-да,
Ёр аҳду паймонидан янгилса-да,
Чидайди рози бўлиб ёр жабрига,
Шафқатсиз мазах қилса, хўрласа-да.—

деб, ранги ўчиб жим бўлиб қолди. Шу ўланда ўзини ҳам, унинг ҳам ҳолини изҳор этган эди. Икки интиқ. Иккови ҳам ўт ичида ўртанади. Лекин начора, беомон тақдир шу экан. Уша дарднинг сўнгги пайтларда асти нари кетмайдиган нафасидек бўлиб шу шеър қолган кўринади.

Лекин, Макиш уни англайолмади. У авваллар ўзи эшитиб кўрмаган, кутилмаган гаплардан фақат «ёр» деган сўзнигина англаб, қараб туриб-туриб, Абайга:

— Тушунмадим. Ёр деяётганинг киминг ўзи?— деди.

Абай кўнглидаги гапларни опасига айткиси келмас эди.

— Ёр деяётганим шу кўйларга солган кимса-да! Ёр деган гапни билмас эдингми?

— Билишимча, киши ёр деб умр йўлдошини айтади-да!— деди.

Абай бир сесканиб тушиб, ялт этиб опасига қаради.

— Дилда демоқчи бўлсанг керак?

— Ҳа! Дилда десам, нима бўпти?

Гап шу ерга етганда ёш йигит айтганларига ҳам уқингандек, тўсатдан тескари қаради, хуноб бўлиб:

— Ё раббий, Макиш тушқурей, Дилданг нимаси? Нима деяётирсан ўзи!— деди.

Макиш оғзидан Абайга қаттиқ тегадиган гап чиқиб кетганига хижолатда қолди. Ўнғайсизланиб, кулганича:

— Епирым, Абай, гапим сенга жуда қаттиқ тегди-а, Дилда шўрликнинг нима ёзиғи бор?— деди.

— Тўғри, Дилданинг ёзиғи йўқ. Лекин унга интиқлик блан ўлан чиқаргудек менинг ҳам ёзиғим йўқ. Тўрт болалик бўлган Дилдани айтаётганингни қара-я?

— Ҳа, бола туғиб берса сенга гуноҳкор бўлдимми?

— Йўқ, нега гуноҳкор бўлсин, қайтага болаларни жуда яхши. У — болаларимнинг онаси. Отам блан онам қўшган умр йўлдошим, холос. Самимий юрак, оташин интиқлик, дўстлик десанг, унинг кўксида бундай ўтли ҳислар сўниб кетган. Илгари ҳам у қадар ярқираб турган аланга кўринмаган эди. Юрак ўти эрта сўнган, эрта совуган бир жон-да у! — деб, Абай гапни қисқа қилиб қўя. қолди.

Шундан кейин суҳбат узилиб, бу извошдагилар, шаҳардан чиққан вақтларидагидек, йўлда жимгина давом этишди.

Салт от блан учта-тўрттадан, беш-олтитадан бўлиб, кўчанинг чангини кўкка кўтариб бораётган шаҳарлилар, дала одамларининг бир учи араваларга бориб тақаларди.

Шу отлиқлар тўпининг ўртасида Такежон ҳам кетаётир. Унинг ёнида мулла Ғабитхон, Жумағул, Эрбўл яна қўшчи¹ йигитлардан Дарқон ҳам бор эди.

Такежон отаси важидан шаҳарда ҳам, йўлда ҳам анчагина ташвиш тортиб келаётган бўлса-да, энди анча тинчиган эди. Аслида у Абай айтган йўл машаққатлари ҳақида у қадар чуқур ўйламади. Шаҳардан чиққанларидан кейин кўнгли ғаш тортиб, Ғабитхондан сўраган эди, оқ кўнгил мулла Ғабитхон унинг кўнглидаги чигилини ёзиб юборди.

Такежон ҳозир анча тўлишиб, ўзини қўйиб, йигит мирзоси бўлиб қолган, ўзи яна кўп хушчақчақ аскиячи ҳам эди.

Айниқса, у, битта-яримтани тилга олиб, тегажаклик қилиб, аскияга кўтармаса, ичган оши танасига сингмайдигандек туйиларди. Бирга юришга тўғри келган пайтларда, у ҳамини шу Ғабитхонни эрмак қилиб аския қиларди.

Тили қизиқ, соддаликда Хўжа Насриддиндан қолишмайдиган Ғабитхон ҳақида Такежон халқ ўртасига қанча-қанча кулгили ҳикоялар тарқатган эди. Бу қиссалар кўпинча Ғабитхоннинг қозоқ тилини ўз тилига қўшиб, бошқа ма'но чиқариб қўядиган сўзлари устида тўқиларди.

Такежон ба'зан ўзининг икир-чикир, керак-яроғи учун ҳам Ғабитхоннинг соддалигидан фойдаланиб юрарди.

¹ Қ ў ш ч и — кўп йилқини боқучи одам.— *Ред.*

Бундан икки кун аввал Тинибойнинг меҳмонхонасида ётган сон-саноксиз меҳмонлар ўртасида Такежоннинг қамчиси йўқолиб қолди. Шундан кейин Такежон, уй одамлардан холи қолган бир пайтда Жумағул блан Дарқонга буюриб, уйни яна бир остин-устин қилиб қамчисини излатди. Топилмагандан кейин бутун меҳмонларнинг қамчисини олдига териб қўйиб қараса, қамчилар орасида бир ажойиб сариқ қамчи бор экан. Суриштириб кўрса, Ғабитхоннинг қамчиси экан. Аслида Ғабитхон энг чиройли, нодир, антиқа қамчи, камар, қин ва пичоққа ўхшаган икир-чикир буюмларга кўп ишқибоз одам эди. Қаердан бўлса-да, қўлга тушириб оларди.

Такежон бошқа қамчиларни четга улоқтириб ташлаб, сариқ қамчини қўлига олиб пиқ этиб кулди-да:

— Менинг қамчим шу бўлади!— деди.

Жумағул ҳадиксираб:

— Ие Такежон, Ғабитхон бермайди. Қизилга қиздек ёпишади. Асти бермас!— деди.

Такежон қулоқ солмади.

— Дамингни чиқарма, сўраб олади деяпсанми? Ўғирлаб оламан!— деди.

Уччови ҳам тушуниб кулиб қўйишди.

Шу ўртада Жумағул Такежоннинг буйруғи блан Ғабитхоннинг қамчисидан чиройли боғични олиб ташлаб, дағал қайишдан боғич тақиб, бошқа уйга беркитиб қўйди. Такежон уни узоқ сафарга чиққандагина тутиб чиқмоқчи бўлди.

Ғабитхон икки кунгача бутун меҳмонларнинг жонига тегиб, қамчисини излагани блан тополмай тинкаси қуриди, ноилож қамчидан умидини узди. Ғабитхон куйиб-пишиб қамчисини излаб юрганида, Такежон пинагини бузмай, парвои фалак ўтираверди. Ўша қамчини Такежон бугун биринчи марта тутиб чиққан эди.

Такежон Ғабитхон блан ёнма-ён кетаётган бўлса ҳам, анча ергача жўрттага мулланинг ўнг томонида юриб, қамчини эгасига сездирмай келди. Лекин Такежоннинг қўлидаги қамчига Ғабитхоннинг кўзи тушиб қолиб, бирдан отининг бошини тортди-да:

— Ҳай, Такежон, қамчиним сенда экан-ку? Бу қандай хиёнат!— деди, бир фалокатнинг устидан чиқиб қолгандек Такежонга қараб.

Такежон сиртига ҳам юқтирмади.

— Қўйинг-е, мулла. Қамчи ўзимники, билиб гапиринг-да!— деди сиполик блан, ҳайрон бўлган кишидек қараб туриб-туриб. Қамчини энди биратўла кўрсатиб, отининг ёлига кўндаланг қўйиб ушлаб турди. Ғабитхон ҳайрон бўлиб бир қамчига, бир Такежонга қаради. Урилиши, сопи, боши... сопига ўралган сариқ жези — ҳаммаси ўзининг қамчиси. Гумон йўқ. Энди жаҳли чиқиб, Такежонни койиб ташламоқчи бўлди. Унинг ёши катта бўлгани учун, тегажаклик қилаверадиган Такежонга ба'зан қаттиқ гапларни ҳам айтиб юбораверар эди.

— Оббо аҳмоғе, буни кўр, қамчимни ўғирлаб олипти-я!— деб, қамчига қўл чўзди. Такежон қаршилиқ қилмади. Ўзиёқ қамчини муллага узататуриб:

— Мулла, аччиғланмай туриб, аввал яхшилаб таниб олинг. Қамчи мана, дурустроқ қаранг. Ҳақиқатан шу сизнинг камчинингиз бўлиб чиқса: «кўзим етди, имоним комил» денг-да, олақолинг. Агар сизники бўлмаса, бундай кўпчилик олдида одамни беҳуда гуноҳкор қилманг!..— деди.

Ғабитхон қамчига ёпишиб, у ёқ-бу ёғини айлантриб кўриб, ниҳоят боғичига қаради-да, қовоғи солиниб кетди. Искаб кўраётгандай дам кўз олдига олиб келиб, дам узоқлаштириб кўрди-да, охир танглайини қоқиб бошини чайқади. Жумағул, Дарқон, Такежон учови ҳам кўзини олмай, мулланинг бор ҳаракатини кузатиб туришарди.

— Эҳ, эссиз, эссиз...— деди Ғабитхон умидсизланиб.— Ҳаммаси меники, фақат шу беўхшов боғичи меники тугул... Ўхшашга ўхшаб турипти-ку, лекин қамчи меники эмас. Ма, Такежон, хафа бўлма!— деб қайтариб берди.

Такежон аввалгидек, сир бой бермай, вазминлик блан қамчини оларкан:

— Ҳа, муллака, айтмадимми!— деб, Жумағулга қараб, кўзини қисди-да, мийиғида кулиб қўйди.

Ғабитхон олдинга ўтиб, узоқлашиб кетганида, Дарқон, Жумағул учови хўп кулишиб олишарди. Шундай қилиб, улар Қунанбойни кузатиб борилаётган бир бекат ерга қандай етганларини ҳам пайқамай қолишди.

Олдинда кетаётган извошлар тўхтаган экан. Извошдаги йўловчилар, катталар ерга тушиб бўлишипти. Уларга етиб олган салт отлиқлар ҳам отларидан тушишаётир.

Тинибой извошининг орқасига бир катта мешда қимиз боғланган эди. Кузатучиларнинг ҳаммаси йиғилишгандан кейин, ўша қимиз келтирилди.

Кузатучилар Қунанбой блан Изиқуттининг қаторида давра олиб ўтиришиб, сўнгги марта у блан бирга қимиз ичишди.

Қунанбой энди тезроқ жўнаб кетиш пайида эди. Изиқутти шунга ишора қилгандай, кузатучиларни шошира-бошлади. Ниҳоят, Қунанбой ўрнидан турди. Ўтирганлар ҳам дув этиб туришди. Қунанбой бу ерда гапни кўп чўзиб ўтирмади.

— Қани энди, биродарлар, шу ерга кузатиб келганларингиз ҳам етар. Эл-юртимга салом айтинглар. Хайр энди! Туз-намак қўшилган бўлса эсон-омон, ўйнаб-кулиб дийдор кўришни насиб қилсин!— деди.

Тинибой бошлиқ катталарнинг ҳаммаси:

— Иншоолло, иншоолло, омин!— дейишди.

Шундан кейин Қунанбой Улжондан бошлаб ҳамма блан бирма-бир қучоқлашиб хайрлашиб чиқди.

Қунанбой Абай блан ҳаммадан кейин, сукут ичида хайрланди.

Бирозгина терчигани бўлмаса, ҳали ортиқча терламаган, учта бақувват жийрон от қўнғироқларни жиринглатганича извошни олиб кетди. Тез кетаётган извош орқасидан кўтарилган чанг ичида жаранглаб бораётган қўнғироқлар анча вақтгача ўйнаб, сўзлаб борди. Лекин, секин-аста товуши сусаябошлади. Тикилиб, қотиб қолгандек чурқ этмай қараб турганларга сўнгги марта бир «жиринг» этди-ю, сўниб кетди...

Извош йироқлаб бориб, майса блан қопланган доводан ошабошлади. Яна бир нафасдан сўнг йироқ сафарга чиққан йўловчилар кузатучилар кўзидан ғойиб бўлди...

Шу дамгача сўзсиз тикилиб, қараб турган кузатучилар эндигина қайтиш ҳаракатига тушишди.

Улжонни Абай блан Макиш қўлтиқлаб келиб, ўзлари тушиб келган извошга ўтқазिशди. Улжон ўтиргандан кейин извошда жой торлик қилди. Абай извошга тушмасдан опасини олдин жўнатиб юбориб, ўзи отга минди. Енига Эрбўлни олиб, тўпдан айрилиб, шошмасдан аста-секин қайтди.

2

Кўпдан бери Тинибойнинг уйини тутиб ётган меҳмонлар Қунанбой жўнаши блан тез тарқалишди. Лекин Улжон эрини жўнатгандан кейин ҳам элига тез қайтмади. Кўп вақтлардан буён шаҳарга келгани ҳам шу эди. Яна

мудом ўз овулини, элини соғиниб юрадиган Макиш ҳам онасини юбормади. Қудаси Тинибой ҳам Улжонга: «Шошманг, туратуринг, мана бу Макиш болам жуда ғариб бўлиб қолади. Эри бўлса савдо блан узоқ сафарга кетган. Шунинг кўнгли яна ҳам ўксимасин, кетишни қўятуринг» деди...

Энди Тинибойнинг уйидаги иззат-икром блан кутилаётган азиз меҳмонлар — Улжон блан Абай яна Такежон ва уларнинг ёнида қолган уч-тўртта йигитларгина эди. Ҳозир Тинибойнинг икки қаватли ёғоч уйининг бутун хоналари янгидан кўп жиҳозлар блан безатилиб, яшнаб кетган: гилам, шолча, гулдор наметлар қоқилиб, тозаланиб қайтадан солинган.

Яқин кунларда эл яйловга чиқиб кетади. Шаҳардан йироқлашади. Бола-чақа, келин-кеватларга ёзлик кийим керак, ўз овулига ва келди-кетдини кутишга қанд, чой каби кўпгина нарсалар ҳам олиниши керак. Кўп овулли, сержамоа уруғ-аймоқнинг онаси ҳисобланадиган Улжондан совға-салом умид қилучилар ҳам кўп. Улжон шаҳарда тураркан, ҳар кун эсига тушган нарсаларни Абайга, Такежонга, Ғабитхонга, Эрбўлга айтиб, бозордан олдира бошлади.

Онаси жўнайдиган кун яқинлашган сайин, Абай ҳар кун кечқурун бошқа буюмлар блан бирга тўп-тўп китоблар ҳам келтирарди. Шу қиш олти ой элга бормай, отасини жўнатиш ҳаракатида шаҳарда ётган Абай рус тилини ўрганишга кўп қунт қилди. Бирнеча йиллар давомида босим ўтириб, қаттиқ уринмаган бўлса ҳам, шу тилни ўрганиш, ундаги маърифат-Силим булоғидан баҳраманд бўлиш ниятидан қайтмаган, интилишини қўймаган эди. Лекин, олдинга босган сайин бу тилни тўла-тўқис ўрганиш нақадар оғир эканини англади, мудом: «Аттанг, ёшлигимда фурсатни бой берибман-да, ўша вақтлардаёқ ўрганиб олсам бўлар экан!» деб кўп ачинарди.

Абай шу кунларда, шаҳарда турганида, айниқса шу қишнинг узоқ кечаларида ёлғиз ўтириб изланиш, уриниш ёрқасида енгил тил блан ёзилган русча ҳикояларнинг кўп жойларини тушунадиган бўлиб қолди.

Ҳозирча унга оғирроқ англашиладигани — рус шоирларининг асарлари эди.

Лекин, энди қандай бўлмасин, рус китоблари дўсти бўлиб қолди. Онаси блан элга бериб юбориш учун китобларни йиғиб юришининг боиси ҳам шунда эди. Ҳозир у

аввалгидек эмас, элга қайтганда ҳам бутун вақтини шў китобларга бағишламоқчи эди.

Улжон унча шошилмаётган бўлса-да, охири элга жўнайидиган фурсат ҳам келди. Унинг блан Такежон, Ғабитхон, Дарқон, Жумағуллар бирга кетадиган бўлишди.

Извошга Улжон-у Қалиқа тушди. Асов отларни ўргатучи ёш йигит — Масақбой кучер бўлди.

Онаси Абайга бирга кетайлик деган эди, лекин боласининг ҳали бери битмайдиган ишлари бор экан. Қунанбой топшириб кетган ба'зибир олди-берди ишлари бор экан. Халқ яйловга кўчар пайтда етиб боришга ва'да бериб, Эрбўл блан яна шаҳарда қоладиган бўлди.

Абай узун бир сандиқни китоб блан лиқ тўлдириб, извошнинг орқасига ортди, онасини қўлтиқлаб ўз қўли блан аравага ўтказган пайтда, Улжон боласининг қўлидан ушлаб туриб:

— Олти ой қиш овулга бормай, йироқ сафарга кетган йўловчидек бўлиб кетдинг. Уйда ёринг-рафиқанг сарғайиб кетди-ку, болам. Жўжалардек қанот қоқиб толпинаётган болаларинг кўз тутаётир. Қачондан буён: «оғам, оғам келади,» деб кутишаётир. Абишим блан Мағашим қандай дегин, худди эгизак қўзиларга ўхшайди! Ушаларни ўйлаб, соғинганимда, менинг уйқум ўчиб кетади-ю, сен қандай чидаб юрибсан?— деди.

— Опа, уларни мен ҳам ўйлайман... Мен ҳам соғинаман. Ҳалиги иккита набирангиз ўзим ҳам яхши кўрадиган болаларим. Мени оталиққа бўйсундирган ҳам ўша иккови. Лекин мана бу ишларни ўзингиз кўриб турибсиз-ку.

— Қайдам. Баҳонага баҳона қўшилаберганига кўни-киб, ўзинг ҳам шу шаҳарнинг чангини ютишга ўрганиб қолдингми, дейман. Бундай қилаверсанг уй ҳам бир, дала ҳам бир бўлиб, маконидан безган ёш қулонга ўхшаб кетасан-ку. Тезроқ бор, болам, Абайжон!— деди.

Унинг сўнгги сўзларида, Абайнинг кўнглидаги шикастликни сезгандек, шубҳа ва безовталиқ ифодаси бор эди. Ғоят зийрак, ҳуш'ёр она шаҳарга келгандан бошлаб қиш бўйи овулга бормаган боласининг авзойига зимдан зеҳн солиб юрарди. Лекин унинг на овулни соғинганини, на юраги узилиб уйдагиларни йўқлаганини билолмади. Бундан бирнеча йил муқаддам, Абай бундай эмасди.

Ёки: Макиш блан ҳали ўтириб сўзлашганида ўғлининг Дилда ҳақида, унга кўнгли йўқдек, айтган совуққина гапларини эшитдими?

Гарчи Улжоннинг гаплари ётиғи блан мулойимгина айтилган бўлса ҳам, чуқур ма'ноли оғир гап эди. Лекин шу тобда бу гапларни очишнинг хонаси эмас. Абай онасининг кўнглида қандайдир ғашлик қолдирганини билса ҳам индамай қўяқолди. Фақат:

— Худо хоҳласа эл яйловга кўчиб, сизлар Чинғизни ошган пайтда етиб борамиз. Бола-чақаларга салом айтинг. Қани энди, оқ йўл бўлсин! Ҳормай-чарчамай, ўйнаб-кулиб, эсон-омон етиб олинглар!— деб онаси блан хайрлашиб, жўнатиб юборди.

Такежонлар отларига миниб, Макиш ва Тинибойлар блан хайрлашиб бўлиб, катта дарвозанинг олдида тўп-ланиб туришган эди. Масақбой ҳам отини ҳайдади. Уч саман от қўшилган кенг извош қисирлаб қўзғолди-да, гулдираб юриб кетди.

Шундан ўн беш-йигирма кун кейин, Абай блан Эрбўл ҳам элга қайтиб кетишди. Шаҳардан куёш чиқар-чиқмас отта минган йўловчилар баҳорнинг узоқ кунда яхшигина йўл босишди. Абай блан Эрбўл иккови ҳам қаттиқ юришга чидамли ва чиниққан эди. Қишда ҳам, ёзда ҳам қанча узоқ, қанча оғир йўл босишмасин бир-бирига: «чарчадим, уриндим», деган гапларни айтишмасди. Аксинча, ҳарқандай юриши қаттиқ отлар блан кун бўйи дам олмай, йўл босиб келганларида ҳам, чидамликка бас бойлашгандек, кечқурун тушган жойларида бир-бирларига чарчашганини, а'зойи-баданлари қақшаб оғриётганини билдирмасликка тиришар эдилар.

Айниқса шу бугун, айтса айтгудек йўл босишди. Бу йўл уларгина эмас, ҳатто умр бўйи ўз касби туфайли отдан тушмай, қаттиқ юришга жуда чиниқиб кетган Қорабос, Жумагуллардек чопарлар ҳам, Элевсиз ва Бесбебойлардек Улжай ичидаги абжир ва шер йигитлар ҳам аҳ'ён-аҳ'ёнда юраоладиган йўл эди.

Семейдан чиққан икки йигит кун ботарга яқин Ўрда тоғининг Шиликти кезенги деган бир четига етиб келишди. Бор эллар яйловга томон кўчиб кетиб, йўл юзида қўниб ўтгудек овул сийраклашиб қолганди. Мабодо қўнар жой топилса ҳам, Ўрда тоғининг мана шу еридан топилиши мумкин эди. Шиликти кезенгида Мамай қабиласининг Бойшўра уруғидан бечораҳол овуллар қишларди. Улар яйловга ҳам бироз кечикиброқ кўчишарди. Йўловчилар шу овулларнинг биронтасига қўниб ўтамиз, деган умидда эди. Абай ўз қистовларининг юқорисидан ўтмай, йўлни

Ўрдадан олгани — Улжоннинг овули бу йил ҳам Бўкенши эли кўчиб чиқадиган Кўлдененгдан ўтиб, Боқонос сувининг бўйига жойлашмоқчи эди. Уша ерга тикка кесиб чиқадиган яқин йўл Ўрда тоғидан ўтарди.

Шаҳар блан Шиликти Кезенгининг ораси юз ўттиз чақирим келарди. Абайнинг остидаги кулранг қашқа от — босқинчилар минадиган михти отлардан. Бу отни илгари миниб юрган Изиқутти унинг қадами илдамлигига, асти ҳормаслигига завқ қилиб тулпор деб атарди. Эрбўлнинг остидаги бақувват, қорамтир човкар от кулранг қашқа отнинг юришига дош беролмади. Намозгарга бориб хила қамчи талаб бўлиб қолди. Шундан кейин Абай Эрбўлнинг ўзи етаклаб кетаётган човкар отга минишини таклиф қилди. Бу отни Абай, келишган жуссаси, мрамардек човкарлигига қизиқиб «уюрга қўшиш» ниятида бозордан сотиб олган эди.

Эрбўл отни алмаштириб минган бўлса ҳам, кулранг қашқа от ҳамон ўйноқлаб кетаётир. Қўён ботиб бораётган пайтда Ўрда тоғининг орқасидан булут кўтарилди. Йўловчиларнинг қаршисидан кучли ел эсиб, момоқалди-роқ гулдираб, шаррос ёмғир қуйиб келаверди. Абай буни пайқади-да: «қош қораймасдан элга етиб олайлик», деб яна жадаллади, кулранг қашқани елдириб кетди. Кўкрагига урилиб эсаётган совуқ шамол кулранг қашқанинг қаддини ростлаб еликдириб юборгандай бўлди. Ҳозир ҳориб қолади, деган шубҳа туғилган пайтда, кулранг қашқа ўчакишгандек, сўлиғини чайнаб, бошини чайқаб, пишқирганича ер сузиб бормоқда эди. Агар Абай отининг бошини қаттиқ тортиб ушламаса, олиб учиб, алангадек кўтарилиб кетишга ҳозир эди.

Эрбўл анча вақтдан буён кулранг қашқага зеҳн солиб келаётганди. Абай отини елдириб кетганда, човкар от блан Эрбўл орқада қолиб кетди-да, отини чоптирганича қувиб етди. Кулранг қашқада хил ўзиб бориб, кўз қирини ташлади:

— Оббо қурғурей, буни кўр, Абай! Тўшидаги теригача қуришиб олипти-я. Епирим, бунинг ҳорадими асти ўзи?— деди. Абайнинг ўзи ҳам кулранг қашқани содиқ дўстдек ҳис этиб, чидамлигига завқ қилиб келаётган эди.

— Ким билади, Эрбўл. Ўзим ҳам ҳайронман. Белининг бақувватлиги ўша Тинибойнинг дарвозасидан чиққан чомимиздагидек. Одам чидаш беролса, бу от юриб борадиган ернинг охири йўққа ўхшайдику!— деди.

Кучли шамол ҳайдаб келаётган ёмғир Абайлар Шилик кезенгига етиб қолганда қуйиб юборди. Шамол тўхтади. Илиққина ёмғир ёгабошлади. Урда тоғининг ёнбағри ямишил эрмон, филгонлар блан қулф уриб турарди. Йўловчилар шаррос қуйиб берган ёмғир остида яна ҳам мавж уриб кетган майса ичидаги шағал йўл блан боришаркан, мурғак эрмонларнинг ҳиди анқиб турарди.

Лекин ёмғир кучайиб, булут туташди. Қай вақт бўлганини билиб бўлмайди. Кун ботиш томонни булут қоплаб, куннинг кўзини бутунлай яширган. Худди қош қорайиб бораётганга ўхшайди. Шом пайти яқинлашганми, ёки ботиб бораётган қуёшнинг кучсиз нури булут орқали сузилиб ўтаётирми, ҳар ҳолда кун ботиш томон уфқида, кўкимтир туман устига сарғиш шу'ла қўнди. Сўниб бораётган умид узилай деб турган ҳаёт сингари тобора ҳолдан кетиб, заифлашаётган охириги шу'ла. Бироздан кейин у ҳам хираланабориб, ранги ўчабошлади. Сарғиш шу'ла кул рангга кирди. Яна бир нафасдан кейин гунгурт тортиб бориб, қора-қизил товланди. Кўкиш тортиб бориб ғамгин, ҳазин осмоннинг тун қоронғилигига йўл берди.

Қош қорайиб, қоронғи тушди. Абайлар отларини тасирлатганларича келиб кичкинагина тошлоқ тепага чиққанларидагина олдиндан итлар ҳуриб чиқди. Ёмғир ёғиб, қоронғилик босаётган бир чоғда, йилт этиб ёнган умиддек милт-милт қилиб кечки ўтлар кўринди. Яқин ерда, йўлнинг чап томонида, майсазордаги булоқ бошида етти-саккиз уйлик юпунгина овул кўринди. Бечора ҳол овулнинг озгина қўйи қўрада ётарди. Озгина сигир ва туялари ёмғирдан қочиб, пана-пана ерларга тўпланишган. Эчкилар ҳам уйларнинг кетига тиқилишиб, орқаларини ёмғирга қилиб, жимгина жунжиб туришарди. Овулнинг атрофида арқонланган, тушовлаб қўйилган беш-олтигина от кўзга чалинарди. Отларни қаттиқ елдириб келаётган Абайлар овулга яқин келганларида юришни секинлатишди-да, қайси уйга тушишни мўлжаллаб келаверишди.

Олдиндан боя ҳуриб чиққан итлар овулни бошларига кўтариб, тоғ-тошни янгратиб, шиддат блан ташланмоқда. Йўловчилар овулга яқинлашган сайин уларнинг сови ортиб, саттарроқ ташланиб, чуввос солишди. Туллаган юнги тўкилиб битмаган, думи эгри қанжиқлар. Шалпонг қулоқ, найнов кўппаклар. Овозини ўчириб бўлмайдиган акилдоқ, озғин-озғин кучуқлар:

«Авлоқ! Қўнмайсан! Тентираб юрган йўловчиларга жой йўқ! Сенларга бераверсак, сочининг туки ҳам етмайди. Ёмғир ёғаётган бўлса, бизга нима? Бор! Бор! Кетавер. Ёмғирдан отининг пинжига тиқил. Менга деса тўқинингни ёпин. Жўнаб қол! Бор! Бор! Бор!» деб ҳайдаган-дек ҳуришарди.

Эрбўл, тушадиган уйни сиртидан мўлжаллаб келаётган экан. Мана шу саккиз уйнинг ичида энг бутуни ҳам, каттароғи ҳам ўша ўртадаги беш қанотли япасқигина уй эди. Эрбўл Абайдан олдинроқ бориб, ўша томонга қайрилди.

Абай етиб келган пайтда, уйнинг эгаси эшикка чиққан эди. Елкасига чакмон ташлаган, серсоқол бир одам экан. Афтидан, бир оёғини оқсаб босса керак. Эрбўл олдингап бошлаб «меҳмонмиз», деб ўзларининг ким эканлигини танитди. Уй эгаси:

— Қани, йигитлар, тушинглар. Насиба ҳайдаб келган экан-да! Боримизни баҳам кўрамиз! Қани!—деб келиб, Абайнинг отини олиб бойлагани кетди...

Эрбўл бу одам билан кўз таниш экан. Уйга кираётганида Абайга секингина:

— Шу Ўрдада Бекей, Шекей деган икки оға-ини бор эди-ку, Бойшўра уруғидан, уларнинг Бекей дегани шу,— деди.

Йигитлар бу овулга илгари келмаганди.

Уйда ўт ловуллаб ёниб турарди. Меҳмонлар ичкари кириб, сўрашиб бўлиб, уй ичига зеҳн солабошлашди. Бу оила кўпчилик бўлмаса керак. Ўнг томонда, кўрпачада оқ-сарикдан келган бир кампир тўрт-беш яшар набирасини бағрига босиб ўтирипти. Яна бир баланд бўйлик, қотмагина, оппоқ, қора кўз, қирқ ёшлар чамасидаги бир хотин ҳам бор эди. Афтидан, бу аёл ўз вақтида жуда гўзал бўлган кўринади. Уйда Бекейнинг ўзидан бошқа кўзга чалинганлар шуларгина бўлди.

Абай уй эгасини энди яхшилаб кўрди. У тўлқинланиб тушган узун қўнғир соқолли, икки юзи қипқизил, кўзлари мовий, бурни каттароқ, гўзал одам экан. Йигитларнинг қаердан келаётганлари, қаерга кетаётганларини сўраб билди. Товуши салмоқли, йўғон экан. Абайлар келгандан буён гуриллаб ёнаётган қоқ-қуруқ қий ҳали ҳам қизғин аланга сочиб, уйни иситар, меҳмондўст, кўнгилли маконга айлантириб турарди. Ўт устига ўрнатилган уч оёқли баланд темир ўчоқда каттакон қора чойдиш осиглик экан.

Бекей онаси томонда ўтирган эди. Абайларнинг ким эканлигини билгач, бироз сурилиб онасига ёндошди-да, ивир-шивир қилабошлади. Буларнинг ўзаро гаплари узоққа чўзилмади. Бекей ўрнидан туриб эшикка чиқиб кетаётди, хотинига:

— Оловни тежаброқ ёқ. Қуруқ ўтиннинг етмай қолмасин. Қозон осишга сувнинг етарликими?.. Мен ҳалиги бола блан бориб, қўй олиб келай. Қозон осиб, сувингни ҳозирлайвер!—деб буйруқ берди. Хотини ҳам эрининг гапини ма'қул кўрди шекилли, индамасдан овқатнинг ҳаракатига киришди. Бироздан сўнг таниқаридан Бекейнинг:

— Наймантой! Ҳой Наймантой! Қани бери келчи, болам!—деб кимнидир чақираётган йўғон, салмоқли товуши эшитилди.

Тезгина қайнаб чиққан чой Абайларнинг олдига келтирилган пайтда, ўтовнинг эшиги катта очилди. Сўйилдиган қўйни олиб кириш учун эшикни очиб турган Бекейнинг ўзи экан. Уйнинг ичидаги ловиллаб ёнаётган оловдан ҳуркиб, тихирлик қилаётган қўзини кўндалангидан тurtганича ёшгина йигит Наймантой кириб келди.

Қиш ярим бўлмайтуриб, бемаҳал туғилган қўзи семизгина кўринди.

Абайлар чой ичишмоқда. Қизил чит кўйлагини липасига қистириб, билакларини шимариб олган ҳалиги оппоққина хотин, энди қозон осиб, сувни ҳам иситабошлаган эди.

Бекей бўлса энди меҳмонларнинг ёнига ўтириб, ўзи чой қўябошлади. Наймантой қўзини бир зумда сўйди. Қаллапчаси ҳам куйдирилабошланди.

Абайлар ҳўб қониқиб чой ичиб олишди. Қўзи сўйилётган пайтда, Бекей:

— Шукимон қаёқда юрипти-а? Келиб сенга қараш-сачи!—деган эди, хотини:

— Шукимонни нима қиласиз? Нариги уйда, куёв йигитларнинг ёнида ўтирипти. Ўзимиз ҳам саранжом қиламиз! Ўйнаб-кулиб ўтирсин!—деб, уни чақиртирмади.

Эрбўл Шукимон деган исмни эшитганидан буён: «Бу, қизнинг исмику! Эҳтимол буларнинг бўйи етиб қолган қизи бўлса керак?»—деган хаёлга бориб, атрофига назар солабошлади. Уйнинг чап томонида, Бекей ётадиган ёғоч кроватънинг бошида ерга ёзиб қўйилган яна бир тўшак кўринди. Кўрпа-ястиғи қизил-яшил гуллик, янги қопланган экан. Агар бу уйнинг қизи бўлса, у ўша Шу-

кимон-у, бу, ўшанинг тўшаги бўлса керак. Уй ичини кўздан кечираётган Эрбўл шундай фикрга келди. Бекей қозонга гўшт солаётган хотинига: «Сол! Уни ҳам стол!» деб турарди. Хотини: «Кўп-ку, бўлди-да» деяётгандек эрига бир қараган эди, Бекей:

— Ҳалиги куёв йигитларни ҳам бир чақириб олиш лозим эди. Шукимонинг ҳам даромад қилаётган эди-ку. Меҳмонлар озчилик, яна ўзларининг тенгқурларидан экан, уларни ҳам шу ерга айтдириб юборақол. Шекейнинг хотинига айтиб юбор!— деди.

— Ундай бўлса, овқат пишганда, Шукимон меҳмонларни ҳам бирга олиб келсин. Сен бориб айтиб қўй!— деди, ҳалиги оппоққина хотин Наймантойга қараб.

Қозон осилгандан кейин, кўп ўт ёқилди-да, уй исиб кетди.

Ташқарида ёмғир тинган, шамол босилган, илиқ кеча эди. Одамни лоҳас қиладиган, ҳавоси оғир қопқоронғи тун ҳукмрон эди.

Жимгина ўтирган Абайнинг боши гангиди, нессиқ элитиб уйқуси келди. Овқат пишгунча мизғиб олмоқчи бўлди-да, ёнбошлаб ётди. Эрбўл ҳам ухлаб қолди.

Абай ўзининг қанча ухлаганини билмайди. Лекин чўчиб уйғониб, ёстиқдан бошини озод кўтарганда, уйқусираб сўзлаб, уйғониб кетганини фаҳмлади. Сўнгги сўзлари тўла айтилиб ҳам бўлмагандек, ҳали кўнглида турарди, назарида:

— Кел! Келчи, маш'алим!— деган сўзларни аниқ айтгандек бўлди.

Товушини чиқариб айтдими? Уйдагилар ҳам эшитдими? Уни билмайди. Абай уйғонганида Эрбўл ҳам бошини кўтарганди. Абайнинг икки кўзи қипқизариб, бўртиниб турарди. Босинқираб қолдими? Лекин гап унда эмас. Абай туриб ўтириши бланоқ ялт этиб қараб, ташқарига қулоқ солди-да, диққат блан тинглайбошлади. Эрбўл эндигина тушунди. Қўшни уйдан ёлғиз бир аёл киши айтаётган гоят та'сирли, майин куй эшитилаётган эди. Абай шу куйни тингларкан, борлигини титроқ босиб, ҳаяжонланиб бетоқат бўлабошлади. Эрбўл қарасаки, йўлдоши уйқусираётган кишидек, ирғиб ўрнидан туриб кетадиган бир вазиятда. Рангига қараса: ранги ўчиб кетипти. Кўзлари ёшланиб, нафаси қалтираб чиқиб, елкаси, қўлларигача титраётир. Ўзини бутунлай йўқотиб, эс-ҳушидан адашиб қолганга ўхшайди. Икки кўзи қон тала-

шиб, қинидан чиқиб бораётгандек бежо; ажиб бир сирли шу'ла кўриб, бу оламини унутиб юборганга ўхшайди. Тўсатдан Эрбўлни қаттиқ туртиб:

— Тур, тур! Турсангчи Эрбўл!— деб қолди.

Эрбўл:

— Ҳа, нима, нима бўлди, Абай? — деб, чўчиб кетди. Ховотирланди. Кўнглига: «бирор нарсга тегиб кетдими, авзойи бузуқ-ку, ёки тоби қочиб турдими?» деган ҳархил ваҳимали гаплар келди. Абай унинг кўнглига келаётган гапларга парво қиладиган ҳолатда эмасди. Тумоғини кийиб, чопонини елкасига ташлади-да, Эрбўлга:

— Эшикка чиқайликчи, юр! — деди.

Уй ичидагилар буларнинг шундай аҳволга тушганини пайқашмади. Кампир ухлаб қолган. Бекей ўчоқ бошида, меҳмонларга орқасини ўгириб мудроқ босиб ўтирарди. Уларнинг сезмагани дуруст бўлди. Ўрнидан бирхил бўлиб турган, ўзгача ҳаяжонга тушган Абай, ҳали ҳам ўзига келмаган. Қулоғи ҳам, бутун хаёли ҳам ўша эшикда. Ўша куйда. Борлиғини ўша куй асир этганми? Ўрнидан отилиб тураётган чоғида бўғинлари титраб йиқилиб тушаёзди. Эрбўл суяб қолиб, зўрга турғазиб қўйди. Шунда ҳам Абай эс-ҳушини йиғиштираолмади. Бир туманли туш ичида олдаги бир нурга қаттиқ интилиб, энтикиб бораётганга ўхшади. Ўзгача куй узлуксиз давом этмоқда, Абайнинг қулоғи ўша куйда. Борлиғини ўша куй мафтун этган. Қай тахлитда эшикни очиб, қай ҳолатда уйдан чиққанини ҳам билмади. Эшикдан чиқиши билан Абай бошидаги тумоғини юлиб олиб, ўша куй эшитилаётган томонга тикилганича берилиб қулоқ солиб, қотиб қолди. Айтилаётган куй «Тўпай кўк» куйи. Гўзал куй тўлқини шунчалар нозиклик билан латиф тўлқин отиб, эркаланиб бориб эндигина тўхтади. Куй тамом бўлди. Абай Эрбўлга қараб интилиб:

— Тўғжон! Епирим, Тўғжон-ку! Менинг Тўғжоним-ку! Худди ўзининг овози, ўшанинг куйлаши! Эрбўл, мен қаердаман ўзи? Ўша уйда мени чақираётган Тўғжоним-ку!— деб, яна бетоқат бўлиб биратўла ўзини йўқота-бошлади.

Абай қанчалик кучли ҳаяжонга тушаётган бўлмасин, Эрбўл буни энди англайбошлади. Ҳалиги товуш дастлаб уйда эшитилгандек қулоғига иссиқ кириб, у ҳам: «Бу кимнинг товуши бўлди экан?» деб ҳайрон бўлган эди. Лекин Абай ихтиёридан айрилиб, эс-ҳушини йиғиб ол-

маган ёш боладек ҳаллослаб, ошиқиб бораётир. Эрбўлни ҳам сургаб бораркан, эс-ҳуши ўша куй чиқаётган уйда эди.

Абайнинг Тўғжонга нақадар интизор, нақадар муш-тоқ эканлигини, кўп йиллардан буён Тўғжон дарди унинг қалбини тилкалаб келаётганини Эрбўл яхши биларди. Лекин, Абайнинг ҳозиргидек, сабри-тоқатидан айрилиб, жонини фидо қилишга ҳам тайёр бўлганини кўрмаганди. Абай шу кайфиятда, мана бу бегона одамларнинг олдида хунук кўринадиган ишлар қилиб, ўринсиз гаплар ҳам айтиб юборадиган. Шу томонларини назарда тутган дўст уни қаттиқ силтаб тўхтатди-да:

— Ҳай, Абай, шошмай тур! Бу нима қилиқ? Ўзимизни ўтга ташлаймизми? Аввало эс-ҳушимизни ййғайлик. Ўзи нима гап!— деб зўр-базўр ушлаб қолди.

— Йўқ, ўша уйда Тўғжоннинг ўзи ўтирипти. Тўғжон эмасми ўша? Ҳеч бўлмаса шуни билиб берчи!— деб, Абай қани энди Эрбўлнинг гапига қулоқ солса.

— Хўп, Абай, бироз сабр қил. Ахир, икки киши бир-данига кириб бормаймиз-да у уйга. Мен ўзим бориб билиб келаман.

— Қани бор, бор бўлмаса. Бошингни суқасан-у қайтиб чиқасан. Уша уйда Тўғжон ўтирипти.

— Вой Абай, уйқусираётирсан-ку. Бу ерда Тўғжон нима қилсин? Тўғжон йўқ...

Абай Эрбўлни оғиз очгани қўймади.

— Қўй, Эрбўл... ундай дема. Ҳалигина ўзи келиб белги берди,— деди.

Айниқса бу гап, Эрбўлга ажиброқ туюлди. Телбаларнинг гапига ўхшайди. Броқ Абайга ёмонлик са'я қилгуси келмайдиган дўсти ичидан зил кетиб, қаттиқ ачинди. Худди инисини эркалаётгандек, узромиз кулиб юборди. Унг қўли блан Абайни қучоқлаб олди-да, Бекейнинг уйи томон олиб борди.

— Уша куйни куйловчи ҳам ҳозир шу ерга келади. Бироз тоқат қилайлик-да, шу уйда кутиб олайлик. Лекин: «белги берди» деганинг нимаси? Гўдакларга ўхшаб, бунчалик ўзингни ўтга-чўққа уришининг боиси нима? Қани олдин шуни айтчи!— деди буюраётгандек.

Абай ўзининг бу ҳаракати Эрбўлга қандайдир бошқача кўриниб, ғалатироқ туюлаётганини эндигина англади.

— Айтаман, ҳаммасини айтаман. Ҳозир мени «гўдак» де, «эсар» де, «телба» де... ўзим ҳам тушунаолмай-

ман. Лекин, умримда бошимдан кечириб кўрмаган ажиб бир кайфиятга тушиб турибман. Фақат айтиб беришдан олдин сендан ва'да оламан. Қим келади, қачон келади, аҳамияти йўқ, бирор он кутгудек тоқатим йўқ. Ҳозир мендан эшитиб бўласан-у, югурганингча ўша уйга бориб, ўтирганларнинг ҳаммасини кўриб келиб менга айтасан. Шунга хўб десанг айтаман, бўлмаса йўқ,— деди.

Абай, Эрбўлнинг икки елкасига икки қўлини ташлаб, дам бағрига босиб, дам силкитиб итариб, сабрсизлик блан жавоб кутиб турарди. Эрбўл ҳам ҳозир боришга ва'да берди. Шундан кейин Абай, товуши қалтираган ҳолда, шошганича ҳозиргина бошидан кечган бир ажойиб ҳодисани дўстига изҳор эта бошлади.

— Бу туш эмас! Бу иш ўнгимда бўлди. Ўнгимда бўлмаса киши ҳайрон қоларлик иш-ку ўзи, Эрбўл. Бошида ўша камчат телпаги, чўлписи, ўша қора бахмал камзули. Худди ўша Жонибек сувининг бўйидаги кеча эмиш. Умримда учрашиш жуда оз насиб бўлган дамларда ҳечқачон шундай интилиб, шундай дадиллик блан келмаганди. Қисилиб-қимтниб тортинаверар эди-ку! Энди шу қадар қизғинлик блан келиб, интизорлик блан «Юрак бағрим эзилиб кетди-ку, зориқдим-ку!» деди. «Ўзинг ўргатган «Тўпай кўк» бор эди-ку. Уни мен кечаю-кундуз айтаман. Мана эшит!»— деб нафис овоз блан бир оғизгина айтди-да, «Кел энди, яқинроқ келчи, мана мен ёнингдаман, ҳечқандай тўсқинлик йўқ. Ёнингда ёлғиз турибман-ку!» деди. Мен ҳам қучоғимни ёзганимча интилиб: «Кел, келчи маш'алим!» деб туриб, уйғониб кетдим.

— Тўғри, шундай дединг. Шундай деб туриб, уйғониб кетдинг,— деб юборди Эрбўл ҳам.

— Шошмай тур, ажабо... Кўзимни очсам туш экан. Лекин куй, «Тўпай кўк» куйи, худди Тўғжоннинг ўзи айтаётгандек, ҳалигина тушимда эшитганимдек узилмай янграб турипти. Бошқаси-ку туш бўлсин, буёғи нима бўлди? У туш эди, ўнгимда ҳам ўзганинг товуши эмас, чип ма'шуқамнинг товуши ёнгинамда янграб туриши қандай гап? — деб, Абай яна ҳайрат ичида бетоқат бўлди. Юлқиниб Шакенинг уйи томон бурилди.

Абай ўзининг шу кеч қандай кўйга тушганини кечаси ҳам, эртасига ҳам англаёлмади. Аслида, Эрбўл иккови ўйлагандек «ажиб иш» дегудек ҳеч гап йўқ эди. Абай аввало туш кўрган. Тушида Тўғжонни кўраётиб, бетинч уйқудан чала уйғонганида, бошқа уйдан келаётган куй

қулоғига кириб, тушга аралашиб кетганди. Шу сингари, уйқу блан уйғоқлик, туш блан ўнгнинг орасида бўлади-ган, айниқса қаттиқ чарчаб уйқига кетганда рўй берадиган қизиқ бир ҳолат эди, холос.

Эрбўл ҳали Абайга ва'да берганди. Шунинг учун яна айтдириб ўтирмай, ўша уйга қараб кетди, кетаётганида ҳамроҳига:

— Қани энди, сен тўхтаб тур, мен бориб келай. Шу ерда кутиб тур, кираман-у чиқаман! — деди.

Айтганидек, Эрбўл дам ўтмай шошилганича Абайнинг ёнига етиб келди. Броқ ҳозирги Эрбўл, ҳалиги Абайдан ҳам баттарроқ гангиб қолганди.

Етиб келиши блан ёқасини ушлаганича, нафаси оғзига тиқилиб:

— Е раббий, Абай, сенинг кўрғанинг туш эмас. Ўзи, худди ўзгинаси ўтирипти,— деди.

— Нима дединг, ростми! Тўғжонми, ўзими? Айтмадимми! Айтдим-ку! — деганча Абай ўша уйга қараб югуракетди.

— Тўхта! — деди Эрбўл товушининг борица, — Тўғжон эмас. Ўзи эмас!

Абай тўсатдан қайрилиб қараб, умидини узган ҳолда:

— Ие, нима деяпсан ўзинг? Бу нима деганинг? — деди, жаҳли чиқиб.

— Ўзи эмас. Лекин Тўғжон блан туғилган эгизакнинг биттаси. Эй, худоё тавба қилдим, Тўғжоннинг ўзгинаси-я, яна ўша Жонибекда қандай бўлса худди ўшандай. Гулгун, ёш, ма'сум чоғи. Тўғжондан айириб бўлмайдиган бир қиз ўтирипти.

— Ростдан-а! Бу ажойиб ҳодиса-ку. Куйлаган ҳам ўша ёканми?

— Ким куйлаганини билмадим. Отини ҳам сўрамадим. Кўрдим-у, кайфим учиб кетди.

— Агар ўшанинг Тўғжонга ўхшагани рост бўлса, куйлаган ҳам ўша. Бошқа киши ундай куйлаши мумкин эмас.

— Куйлаган ўша, менинг ҳам кўнглимга шу келди. Ўзини кўришим блан сўрашнинг ҳожати ҳам йўқ деб билдим. Хўш, энди Абай, бу қандай афсун? Маст уйқуда ётиб сен қандай сездинг? Ёки муаккилларинг борми, азизим? Бу туш эмас, бу бир авлиёлик-ку. Е икковимиз ҳам уйқусираётирмизми? — деб, Эрбўлнинг ўзи ҳам додирай бошлади.

«Тўғжоннинг ўзгинаси» деган гапни эшитгандан буён, Абай пичирлаганича қайта-қайта шу сўзни такрорлаётир. Юраги отилиб борарди. Унинг кўнглида ҳам шодлик, борди-ю, ўхшамаса, унда бунинг ҳаммаси туш, алаҳлаш бўлиб чиқиб, саробдек бир лаҳза кўздам ғойиб бўлиб кетади-ку, деган қўрқинч ҳам бор эди.

Энди қандай бўлса ҳам бир нурга қаттиқ интилар, умид боғларди. Гарчи ўртаб юборадиган ўт бўлса, шу интилишда бориб ўзини ўша ўтга ташлашга ҳам тайёр эди.

Иккови уй томон юришди.

Шу онда Шекей уйининг эшиги очилиб, ташқарига қизғиш шу'ла тушди. Кулишиб, гангир-гунгир сўзлашиб, эшикка чиқиб келаётган эркак ва аёлларнинг товуши эшитилди.

— Ана, улар ҳам чиқишди. Ҳозир ҳаммаси овқат егани Бекейнинг уйга келишади! — деди, Эрбўл улардан олдинроқ уйга кириш ниятида Абайни уйга томон судраркан.

Икки йигит уйга кириб, аввалги жойларига, тўрга чиқиб ўтиришди. Эрбўл ўчоқдаги ўтга яқинлашиб:

— Еруғроқ бўлсин, шу ўтга ўзим қўл уриб жўнаштириб юборай! — деди ўтнинг кулини тушираётиб.

Абай сабрсизлик блан кутмоқда. Ёшлар эшикда ҳазил, аския блан бўлиб, ҳа деганда уйга киришмади. Уйдаги Бекей блан Наймантой обдаста, жом ҳозирлай бошлашди. Ҳалиги оппоққина хотин онасини уйғотди-да, тутқични¹ олиб қозон бошига келди.

Шу онда ўтовнинг эшиги очилиб, келаётганларга йўл берди. Уйга аввало иккита йигит кирди. Уст-бошлари юпингина, қўнжи узун этик кийган, ерга қараб салом бериб, уялинқираб кирган бу икки йигит, куёв йигитлар экан. Уларнинг орқасидан ёш-ёш қизлар киришди. Бир-иккита жувон кирди. Ҳаммаси бўлиб етти-саккиз киши эди. Абайда на сабр қолган-у, на тоқат. Эшикка тикилганича ўтирарди. Яна бироздан сўнг бошига кумуш ранг чопон ёпиниб, юзини ярмигача беркитган ўрта бўйлик бир қиз кирди. Бурни хиёл кўтаринки, қора тўридан келган қизга ўхшайди. Шекейнинг қизи — қаллиқча шу бўлса керак. Унинг орқасидан чўлписини астагина шилди-

¹ Қозоннинг қулоғидан ушлаб кўтариш учун ишлатиладиган кичкина рапида. — *Ред.*

ратиб, оппоқ юзидаги нимранг қизили нурдек ҳуснига ҳусн қўшиб турган «Тўғжоннинг ўзгинаси» кўринди. У эшикдан мулойимгина жилмайиб кириб келди. Садафдек оппоқ тишлари қўл блан тизиб қўйилгандек. Икки юзидаги ним қизиллик Абай зориқиб кутаётган тонг шафағига ўхшарди.

Қисилиб-қимтиниб меҳмонлар блан сўрашаётганида, юзидаги нафис қизиллик дув этиб туташди-ю, бутун юзини қоплаб олди. Беғубор, ма'сум ёшликда бўладиган уятчанлик аломати кўринди. Уни уялтирган Абай эди.

Ўртача келган бўйи ҳам худди Тўғжоннинг бўйидек. Юз тузилишлари, оқлиги, юзидаги ниҳол қизили Эрбўл айтгандек, худди Тўғжоннинг ўзи. Бунинг ҳам ипак толалик, қўнғир-қора сочи бор экан. Лаблари, бурни даф'атан кўринишданми, Абайга худди ўша интизор бўлиб юрган ма'шуқасининг, мудом ўзгача, иссиқ кўринадиган гоят латиф бурун ва лабларига ўхшаб кўринди. Бироз кўтаринки қирра бурнининг учи юмалоқлашиб, жуда бежирим кўринарди. Нимпушти лабларида гўдаклик, ма'сумликдан дарак беручи ҳароратли бир шарпа билинарди... Атрофга шодлик тарқатиб тургандек алланучук ёқимли табассум кўринарди. Ма'шуқаси Тўғжоннинг ўзи... Ҳали тушида кўрганидек, ғубор қўнмаган ўша ёш ма'сума Тўғжон. Даставвал баҳор оқшомида Суюндикнинг уйида, Туйеўркешда кўрган гўзалини кўрди. Ажиб бир тасодиф устида янги туғилган ой намоён бўлди. Аввалги севгили ой ўша ҳусни, ўша латофати блан янгиланди-да, ҳаёт кўкининг саҳнида ўзига муносиб, алоҳида бир ўрин олгандай бўлди.

Эс-ҳуш, борлиқ ҳислар, то қиз келиб ўрнига ўтиргунча бир мажҳул туманга чулғонди. Абай ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам унутиб юборди. Фақат кўрган тушидан кейин юрагида қуюндек кўтарилган ҳисларнигина сезарди, холос. Унинг устига бутун сири мажҳул бўлиб, кўриниши, келиши бу.

«Қошингдаман. Мана келдим!» деган эди-ку. Ўша айтгани рост, ёлғон-яшиғи йўқ. Ўзи, ўзи келди. Ўша беғуборлиги, сезгирлиги блан қалбидаги нозик ҳислар жўшурган ҳолда келди.

Ёш қиз кириб келган пайтда, маҳлиё бўлиб турган Абайнинг ранги бутунлай ўзгариб кетганди. Икки кўзи қинидан чиқаёзиб, қадалиб қараб турарди. Мурдадек

оқариб кетган юзида, кўкдан тақдир юлдузини кутаётгандек, ўзгача бир ифода бор эди. Саросимага тушган, эсанкираган ҳолда, сукут аралаш ўтинаётгандек, лабла-ри беихтиёр аста қимирларди, холос.

Уйга кирганлар кўришиб, сўрашаётганди. Абай уни ҳам пайқамади. Кўзига ҳечким кўринмас, борлиги блан ўша жон офатига берилгану, муккасидан кетган.

Гўзал, зийрак қиз эшикдан киргандаёқ ўзига тикилиб турган кўзларни сизди. Ўнғайсизланиб тортинибгина сўрашди. Лекин, ақлу-ҳушидан айрилгандек тикилиб турган йигит, қизнинг саломига жавоб бермади. Лаблари алланучук, астагина қимирлади, холос. Шунинг учун гўзал қиз ўнғайсизланиб, қипқизариб кетганди.

Эрбўл, Абайнинг эрш кўринадиган тарзда ўтирганини билиб турар, уй ичидагилар, келган меҳмонлар блан очилиб-ёзилиб сўзлашишга тиришарди. Куёвлар шу Мамай элидаги Эломон авлодидан экан. Эрбўл уларнинг овулини, оқсоқолларини яхши биларди.

Ҳозир уларга: овуллари қаерда? Яйловга кўчишганми? Чинғизни ошиб кетишдими? — деб, шу сингари одатдаги саволларни бераётир.

Қиз ҳақида Абайнинг билаолгани—бу қиз шу уйнинг боласи экан.

Меҳмонлар жойлашиб ўтиришгандан кейин, Бекей унга қараб:

— Шукимон, қароғим, онангга қарашиб юборсангчи, ана у сочиқни олиб бер, дастурхон ёзиб юбор!— деди.

Шундан кейин Шукимон меҳмонлар олдида мулойим ҳаракатлар блан бир-икки бор ёлғиз юриб, қоматини кўрсатди. Бунинг ҳам камзили, оқ кўйлаги қадди-бастига кўп ярашган. Фақат бошидаги анча уринган сариқ қундуз телпаги унча ўтиришмапти.

Абай, кўнглидаги гўзал кўринишларни шу телпак хира қилиб тургандай, ўз ичида: «олиб ташларми эди» деб ўтирарди. «Шукимон» деган исми ҳам мақул бўлмади.

Дастурхон устида ҳам Эрбўл блан куёв йўлдоши — чўққи соқолли қора йигитнинг гапи чортанг келди.

Шукимон Абайни сиртдан биларди. Бундан бир йил муқаддам шу элдаги Қўнғир-Кўкше бўлисига Қунанбойнинг ўғли ёшгина йигит Абай сайланди, деган гапни эшитган эди. Шу йил қиш ўша бўлисликдан ўз

яхтиёри блан тушганини ҳам эшитганди. Лекин Шукимон бу гапларга баҳо бериб, бир фикрга келиб ҳам кўрган эмас. Абай ҳақида эса яхши гапларни ҳам, ёмон гапларни ҳам эшитмаган.

Заҳри ўткир изғирин эсиб турадиган олисдаги тор сингари Кунанбой деган мирза бор. Ушанинг бўлис бўлиб юрган ўғли блан бу кичкина, мўмин овулнинг нима иши бор? Мирза аталадими, бўлис аталадими, бу ердигиларнинг иши йўқ. Айниқса шуларнинг ичидаги жонидили куй бўлган, ёшлик даврини ўйнаб-кулиб, эркалик блан ўтказиб, эркин ўсаётган Шукимонга ҳеч алоқаси йўқ.

Абайнинг келганини Шекейнинг уйида эшитган эди. Лекин, кўришга шошилмаганди. Ҳали келиб сўрашганида, Абайнинг дамини чиқармай, жавоб қайтармай ўтиришини у ёмонликка йўйди.

Хукмрон овулнинг босар-турарини билмай қолган мирзасига сўрашиш ҳам малол келса керак, деб кўнгли озор топиб, дарҳол ўзини босиб олганди. Энди Абайга қиё боқмай қўйди.

Овқатдан кейин қайтадан катта қора чойдиш осилди. Яна аланга олиб, кўнгилли шу'ла сочиб ўт ёнабошлади.

Наймантой нариги уйга бориб анча уринган дўмблрани олиб келди-да, куёв йўлдошига узатди.

Бекей бу йигитга қараб:

— Болалар, нариги уйда ўлан айтишиб, чақчақлашиб ўтирган эдинглар-ку. Бу ер ҳам тортинадиган жой эмас. Бемалол ўйнаб кулиб ўтиринглар, чироқларим! — деди. Бекей аввал ҳам Абайнинг дидига ёққан эди. Бу гапи айни муддао бўлди. Эндигина тилга кириб, Бекейнинг сўзини қувватлаб, очиқ чирой блан:

— Дарҳақиқат, биродарлар, бу ерга келиб, бизга қўшилиб, ўйин-кулгиларинг совумасин. Ҳали бир яхши куй ҳам эшитилган эди. Етсираб тортинманглар! — деди.

Эрбўл ҳам Шукимонга: «ўзинг айтган эдингку» деяётгандек, «ўша бир куй» деб ёпишиб олди.

Шукимон ўнғайсизланиб, қизариб жилмайган бўлса ҳам, жавоб беришдан тортинмади. Ипакдек майин товуши блан астагина кулиб қўйди-да:

— Куй фақат биздами? Кўп куйларни эшитиб юргансиз. Сизда кўпроқдир. Олдин меҳмондан деган гаплар ҳам бор-ку! — деб Абайга қараб жилмайиб қўйди.

Унинг кулгиси ҳам ғоят жозибали, ёқимли, майин экан. Товуши Тўғжоннинг товушидан ҳам та'сирлироқ, асти унутиб бўлмайдиган сеҳрли куй сингари экан.

Абай тортинмасдан:

— Куйлаш менинг зиммамга тушган бўлса, яхши бўлмаса ҳам бир қўшиқ излаб қарайчи! — деб уйдагиларни кулдириб олди-да, дўмбирани жаранглатиб, енгилгина машқ қилиб, куйлайбошлади.

Дардга тўла содда куйнинг сўзлари Шукимон эшитмаган, билмаган ғамгин ва сўлим сўзлар эди:

Ярқ этмас қора кўнглим на қилса-да,
Осмонда ой блан кун барқ урса-да,
Дун'ёда менга сра сендай ёр йўқ,
Сенга ёр мендан ортиқ топилса-да...

Бугун бу сўзларда, одатдагидек армон эмас, зўр ишонч, алангали умид порлаб турарди. Ниҳоят эгасини топиб, ўшангагина айтилаётгандек бўлар эди. Дўмбира садоси ҳам, куйловчининг тўлқинланиб чиқаётган овози ҳам отилиб, шу сингари умид қирғоғига ташланаётир.

Абай уйдагиларнинг нақадар эриб қулоқ солаётганликларини пайқаб, бу ше'рни уч бандигача айтди.

Шундан сўнг Шукимонга қараб, ўзи илтимос қилди:

— Шукимон, ҳисобли дўст ажралмас, дейдилар-ку. Нариги уйда айтилган «Тўпай кўк» Эрбўл икковимизнинг қулоғимизда қолди. Уни ким айтган эди, деб сўрашнинг ҳожати ҳам йўқ. Сиз айтганингизга шубҳа қилмайман. Шуни яна бир қайтариб айтиб берсангиз! — деди.

Шукимон мулоғимгина кулиб, ҳазил аралаш:

— Оббо, уни ўша уйдаги бир кекса янгамиз айтган эди-ку, аттанг, асли айтдириб юборсак бўлар экан!... — деди, йигитнинг ўзига шунчалик ишончи бўлганини кулгига олиб.

Ёнидаги қизлар блан қаллиқча ҳам кулишиб, буларни бироз калака қилмоқчи бўлишган эди, Абай блан Эрбўл кўнмади. «Ўзингсан», «Ўзинг айт» деб, қўярда қўймай ўтинишди.

Шундан кейин Шукимон «Тўпай кўк» куйини бошлаб юборди. Сўзлагандаги ёқимли овози, куйлаганида бира-тўла ўзига асир этиб борарди. Ипак толасидек майин, нозик бир соз. Бу куй Абайга ер юзида учрамайдиган, умрида эшитмаган сирли, гўзал навозишдек туюлди. Йигитлар яхши билса ҳаг «Тўпай кўк» ҳечқачон бундай сеҳрли товуш блан, шу сингари жонланиб, юрак сирла-

рини изҳор этганини кўришмаган эди. Абай лол бўлиб, тикилганича тинглади. Шукимоннинг юзига бир кўзи тушиб қолган эди: гўзал қизнинг энди тортинмасдан бор қалби, бор вужуди блан қўшиқ тўлқинига фарқ бўлиб кетганини кўрди. Ингичка, қийғоч қошлари гоҳ хиёл чимирилиб, гоҳ эркин ёзилиб, юрак тўлқинининг шарпасини акс этдирарди.

Энди Шукимон нафис, жаранглаган тиниқ созида бор фазилатини очди. Сиймосида бир ўзгача сан'атнинг нури жилва қилиб, яна ҳам латофати ортди. Қуйлаётган қўшиғида ёқимли куйдан бошқа, яна бир оромбахш шарпа сингари, енгилгина тўлқинланаётган ўзгача оҳанг ҳам бор эди.

Йигитнинг юрагига айниқса мана шу қўшимча оҳанг ўзгача та'сир этди. Унинг кўз ўнгидан гўзал манзаралар ўтабошлади. Гоҳ шилдираб ингичка бўлиб оқаётган булоқ сувига ой нури тушиб ярқираб жилваланадими! Гоҳ кеча нидосига шодланиб келиб, чароғон нури тўкадими! Айниқса шу сингари бир манзара кўз олдидан кетмасди. Шукимон ёқимли овозини пасайтириб бориб, вазмин бир эркалик блан куйини астагина тўхтатди.

Ўтирганларнинг ҳаммаси сукут этиб, тикилганларича завқ блан қулоқ солиб туришарди.

Абай дамини чиқаришга мажолсиз, термулиб ўтирарди. Чехрасида қувонч, бахтиёрлик акс этган ҳолда қаттиқ хўрсинди. Шукимонга қараб турди-да, астагина бош эгди.

— Шўрлик куй, айтучисига дуч келмай юрган экан-да! Бу тахлитда айтилган «Тўпай кўк»нинг армони ҳам йўқдир! — деб юборди Эрбўл ҳам азбаройи завқланганидан.

Абайнинг ҳам кўнглидан шу гап ўтганди. Лекин қалбидаги оромбахш ҳисларни сўз блан ифодалашдан ожиз эди. Кўнгли тўла нур, ўша чароғон нур тўлқини борлигини ёритмоқда... Сўз қотиб бирор нарса деса, ўша ҳаловатини ўзи бузиб, қувлаб юбораётгандек туюларди. Назарида, қалбига қуёш чиққанга ўхшайди. Чексиз бахтиёр. Йўқолган, умидини уздирган бахт-саодати ўзи топиб келиб, уни аяб, яна эркалаётгандай туюларди.

Шу онда Абайнинг кўнглида қат'ий бир аҳд пайдо бўлди. Бир вақтлар-ку ёшлик, чорасизлик, нотовонлик орқасида бахт-саодатидан айрилган эди. Шунинг учун ўзини айбдор ҳис этарди. Энди мана бу юлдуздан на кўз олишни истар, на айрилишни... Унга деса бутун дунё

остин-устун бўлсин. Ота-она, қариндош-уруғ, ёри-дўстлар юз ўгирсин... Борлиқ олам воз кечиб, безсин бундан... Шунда ҳам бу гўзалдан Абай безмоқчи, айрилмоқчи эмас. Айриладиган бўлса, ҳаёт ҳам керак эмас. Унинг ягона орзуси шу, шунга содиқ бўлишга аҳд қилди.

Ешлар тарқалишаётган пайтда, Абай Шукимонга қайта-қайта офарин айтди, холос. Ранги ўчган, товуши қалтираб чиқаётган йигитнинг оғзига шундан бошқа гап келмади.

Шукимон ғоят ҳуш'ёр, кўп серфаҳм эди. У, қизариниб турди-да, мулойим табассум блан сўнгги марта Абайга қаради. Ҳозир у ҳалиги йигит эмас. Даставвал кўринганидек, қовоғидан қор ёққан, мағрур Абай эмас. Хушфе'л, барчага баравар, оқ кўнгил, олийжаноб одамга ўхшаб кўринаётган эди. Шукимон учратмаган, ўйламаган бир яхши одамга ўхшайди. Қиз уни ўз жигаридек кўрди. Очиқ чирой блан тикилиб туриб хайрлашди... Ешлар тарқалаётганида, Шукимон бир яқин янгасининг уйига ётгани кетди. Меҳмонларни кузатгани чиқиб кетганича қайтиб келмади.

Эртасига, Абай блан Эрбўл отланиб Шиликти кезенгидан чиқишлари блан Шукимонни тилга олишди...

— Керим!... Керим... Нимасини айтасан! — деди Абай.

— Ай, керим!.. Ай, керим. — деди Эрбўл ҳам суқланиб.

Абай «Нима дединг, нима дединг?» деб, ҳамроҳининг ҳалиги гапини бирнеча марта такрорлатди-да:

— Хўп, бўлмаса мен бир гап айтайми? Унинг Шукимон деган исми гўзал исмлардан эмас. Жисмига лойиқ эмас!.. Янги исм қўямиз. Уни ҳам ҳозир сен топдинг. Шукимон демайлик. Чин исми «Айгерим!» Айгерим бўлсин! — деди.

Буларнинг суҳбати яна кечаси Абай кўрган тушдан бошланиб, охири ҳайратда қоларлик ҳақиқат блан тамом бўлган сирли воқиага кўчди. Иккови қанча сўзлашмасин, бу воқиада қандай сир борлигини, нима учун бундай ҳолат рўй берганлигини англашдан ожиз эди. Кўп хаёлларга боришди. Ниҳоят, Абайнинг ўзи дудмолроқ бир таҳминга келди.

— Эрбўл, гарчи ақл бовар қилмаса ҳам, мен бир гап айтайми? Шу сингари олдин тушда кўриш,— бахшилар, фолбинларда бўлади. Еки китобларда ривоят қилиниши-

¹ Керим — олийжаноб, сарвиноз. — *Ред.*

ча, авлиё-анбиёларгагина хос хусусият. Мен буларнинг биттаси ҳам эмасман. Нега менга аён бўлди? Бундай фазилатим борлигини бир-иккида синаб ҳам кўрган эмасман. Лекин ўзгача ақл ва идрок блан иш тутиш шу сингари ҳуш'ёрлик, сезгирлик яна бир нав' одамларда ҳам бўлади... Бу хислат — оқинларда учрайди. Мен ҳам аслида оқин бўлсам керак! — деди.

Эрбўл Абайнинг оқин эканлигига ишонар эди. Лекин, бу масалага келганда тушунолмай қолди. Англаб бўлмайдиган ажиб бир ҳол деган фикридан қайтмади. Абайнинг ўзи ҳам, Эрбўл ҳам, бу тушга дурустроқ тушунаолмай, фақат фол очаётгандек дудмол тахминга боришди. Лекин Абай: «Оқин бўлсам керак», деган гапни ҳозир очикдан-очиқ сезилиб келаётган кучли илҳом та'сири остида айтган эди.

Йўл Шиликти кезенгидан ошиб, тўғри ўша Ўрда тоғининг ғарб томонидан ўтарди.

Йўловчиларнинг қаршисидан Чинғиздан келаётган шабада эсди. Йироқда саҳронинг ажойиб эртаги сингари гўзал сароб жилваланарди. Алвон турли сиймолар, шакллар намоён бўлиб, ғойиб бўларди. Ба'зан кўкимтир туманга чўлғанган қистов ва баланд соғоналар, тоғлар, ба'зан тўқайзорлар ердан узилиб парвоз қилиб кўкка кўтарилиб кетарди. Ўша сароб орқасида кетма-кет қад кўтариб юксалган, кўкимтир туманга чўлғанган буюк Чинғиз тоғининг қорамтир чўққилари кўринарди.

Бутун атрофни ямяшил филғон, сада-сада пушти ранг саҳро кўкати қоплаган. Йўл бўйида ўтган йилдан қолган тўп-тўп чийлар учрайди. Тагигача тебраниб-тўлғаниб, тўпи блан ғоят нозик бир куйни куйлайди. Ҳарқайси тўп ўз овозига эга бўлгани ҳолда, ҳамма тўпи бирга қўшилиб, бирлик куйини куйлаб чайқалаётирми? Янги униб чиққан мурғак майсаларини бағрига босиб улар ҳам янги ҳаёт, янги баҳорни мадҳ этаётирми?

— Севинчу, бахт сездим: турар ямлаб,
Сиримни сўзлаб келдим синаб-синаб.
Эскам сайин шивирлаб, ел сирлашиб,
Эгади чийлар бошин чин-чинлашиб.

деб Абай, ўз-ўзидан қулоғида чалинаётган оҳангни хотирида қолдиришга уринди. Шу кунга қадар кўнглида бўлган ма'юслик шу кечадан кейин, айниқса ҳозир ўз-ўзидан кўтарилиб кетгандай бўлди. Орзуси, илҳомига

қалбида кенг йўл очилди. Ше'р мисра'лари сиқилишиб, жўш уриб чиқаркан, хилма-хил бўлиб келарди. Юрак жўшқин шодликка тўлган. Фикру хаёли беқарор. Олов ёшлик, шўх тентаклик истаклари сингари, бебош хаёлларга ўхшайди. Ҳозир тўқиб келаётган ше'рлари ҳам шу ондаги юрак тўлқинига мос, узилиб-узилиб чиқаётир. Қалтираб чиқаётган қисқа-қисқа пафасдек, дам ўтмай ўзгариб, тўлганиб чиқаётир. Бир лаҳзада янглишиб йўлдан, куйдан адашиб, бошқа хилга тушиб отилиб-отилиб чиқади. Одатда Абай ўз ше'рларини тўқишда қўллайдиган бирхил йўл, бузилмас «вазн» йўқ. Ба'зан у:

— Сенсан жон лаззати,
Сенсан тан шарбати...—

деб, шарқ шоирларига тақлид қилишга уринарди. Яна ўзича уни куйга солишга тиришарди. Куйини ҳам ўзи чиқармоқчи бўларди. Бошқалар айтганини айтса, ўз ҳисларини ифода этаётган эмас, ёлғон айтаётганга ўхшайди. Юраги яна бир жўш уриб келганда, Тўғжон блан Айгеримнинг қошларини кўз олдига келтириб, уларнинг беғубор, ўтдек иссиқ ҳуснига маҳлиё бўлиб:

Чизиб қўйган ингичка қора қошни.
Ўхшатаман туғилган янги ойга...

дейди. Ўша ой аввалгидек, йироқда, кўк саҳнида эмас, уни танлаб, ўзи таниб келиб, қошига яқинлашиб тушгандек. Абай шуни ҳис этган сайин тинмай ше'р тўқиди. Қалбида болалик, ёш йигитлик қайтадан уйғониб, қайтадан шодланиб ўйноқлайди. Эндиги ҳаёт ҳам, ҳозир кўз олдида жилваланиб турган сароб сингари, оромбахш орзулар томон тортиб боради. Ёшлигини, чексиз порлоқ ёшлигини қайтадан топди. Соғиниб шодланиб топди. Уни топиш блан бирга ўз кўнглидаги бўғилиб, яшириниб ётган шоирлик ҳам отилиб, парвоз қилиб қанот қоққанини кўрди. Сон-саноқсиз ше'рлар қуйилиб келмоқда.

Сўзлар, қафасдан қутилиб озодликка чиққан, бахт-саодатга эришган қушдек эркин парвоз қилиб, ўйноқлаб, эркаланиб келаётир. Куй қофияга енгил чирмашиб кетаётир. Дамба-дам ўзгариб, бир лаҳзада олмошишга қараб қаердандир куйлар пайдо бўлаётир. Абай ўзининг ҳали Эрбўлга: «Мен оқин бўлсам керак!» деган гапига мана шу бепоён гўзал далада, кимсасиз, жимжит йўл бўйида ишонч ҳосил қилабошлади.

Абай Ұрдадан чиқиб, Қоровулга етгунча, то тушлик қилинадиган жойга боргунча бир нафас тинмай, узлуксиз ше'р тўқиб, куйлаб борди. Қаерда, қай ҳолатда келаётганини ҳам унутиб юборгандай кўринарди. Фақат Қоровул сувининг бўйига етгандагина хаёл-тушидан чўчиб уйғонгандек бўлди. Бу уйғониш ҳам ором бахш этди. Қиш бўйи элини, ўлкасини соғиниб қолган экан. Ўзи туғилиб ўсган ўлка. Айниқса кўзга иссиқ кўринадиган Қоровул суви.

Кўз ўнгидан қатор-қатор манзаралар ўтаётир. Даставвал Тўғжонни кўрганида, шу сувнинг бош томонида, ана у, олисда кўкимтир товланиб кўришаётган — Туйеўркешда кўрган эди... Мана шу Қоровул суви тошиб кетган эди. Тошқин қаҳри блан қирғоқларга отилиб ўтаётган пайтда, Абай Тўғжонни беғараз, гўдакларча биринчи марта интиқ, иссиқ қучоғига олган эди. Ўша Тўғжон, куйдирган, армон-ҳасратда қолдирган Тўғжон, бугун мана, йиллар, аламлар, дардларнинг ҳаммасини бир ҳул'ё каби учуриб юборди. «У гаплар бекор. Мен ҳали ҳам ўша ма'сум ёшлигимча турибман. Ўша соф кўнглим блан сени яна топаоламан. Севиб, қувонтириб бахтли этаоламан» деб, келди.

Ўлан ва ширин хаёллар, ниҳоят, қат'ий бир фикрга олиб келди.

Абай эндиги сирини ғоят зўр ишонч блан Эрбўлга ҳам билдирди. Кечаси қилган аҳдини айтди. Бу аҳд — кечадан буён қуюндек остин-устун келаётган, сабрни ҳам, тоқатни ҳам билмайдиган ҳислар оқибатида пайдо бўлган кескин аҳд эди.

Абай кечаси, бугун эрталаб ва бутун йўл бўйи кўнглини жўш урдириб келаётган ҳисларини сирдош дўстига сўзлаб келди-да, ниҳоят:

— Эрбўл, мени айблама, мени англа! — деб қўйди.

Ҳамиша бир кутилмаган ишни бошлашга қарор қилса, Эрбўлни ўз фикрига мойил қилиш ниятида, гапни шундай деб бошларди. Эрбўл ниманидир сезгандек, кўзларини шинграйтириб қараб, илжайиб қўйди. Афтидан, дўстининг ҳолини жуда яхши тушуниб келаётган бўлса керак. Абай унинг бу хилдаги кулгисини пайқамади. Сўзида давом этиб:

— Эндиги ҳаёт мени авваллари қадам босмаган бир соҳилга тортаётир. Мен эришаолмаган, менга насиб бўлмаган бир даврга бошлаётир. Бораман. Боришга аҳд

қилдим. Айгерим менинг ёрим бўлади. Ушани оламан!— деди.

Ҳамроҳининг Айгеримга мубтало бўлиб, йўлга чиққанини Эрбўл яхши билган эди-ю, лекин ишнинг бунчалик «оламан» гача боришини кутмаган эди... Ҳайрон бўлиб, ҳа деганда жавоб бераолмай, ўйланиб қолди. Энди, йўл бўйи икковининг суҳбати шу гап устида кетди.

Чинғиз ошиб, Шалқарда ўтирган Улжон овулига кун ботар пайтда етганларида, икки йигит Абайнинг аҳдини амалга оширишга қарор қилиб келишди.

Бепоенлигидан Шалқар деб аталадиган бу яйлов қулф уриб турар эди. Оқар сувлари типтиниқ, булоқлари муздек, мавж уриб турган ўтлоқлари чексиз, эни блан бўйи баробар кенг. Киройи Шалқар деса дегудек жой эди. Кечаю-кундуз Сари-Орқадан¹ бир зайлда эсиб турадиган шабада, айниқса Шалқарда ёқимли бир шарпага айланиб кетарди, ўт-ўланлар блан қопланган пасти-баланд тепаликлар — яшил ипак тўлқинига ўхшайди. Бу йил Шалқарга беҳисоб овуллар ўрнашган экан. Абайлар то ўз овуллариини топгунча, бирқанча овулларни оралаб ўтишди. Бу ерда шу қўниснинг эгалари — Бўкенши, Бўрсоқ элларида ташқари, кўнгли яқинлиги орқасида бу йилча шу ерни қароргоҳ этган Жигитек овуллари ҳам бор экан. Улжон овули блан кўчган Ирғизбой, Жуантаёқ, Қоработир эллариининг овуллари ҳам бор эди. Кўкше элидан ҳам битта-яримта овуллар келиб қўнипти.

Афтидан, насиба² олиб келган ҳадрдон овсин-ажинлар, бойвучча келин — Улжоннинг овулини босиб ётган кўринади. Абайлар яқинлашиб борган пайтда, арава-арава хотинлар шарқ томонга, Суюндик овулига қараб йўл олишди. Яна яхши-яхши йўрғалар, катта-катта семиз отларга минган бир гала хотинлар ғарбга қараб кетишди. Булар, Сарикўлдан, Жигитек овулларида келган меҳмонлар бўлса керак.

Абай блан Эрбўл меҳмонлар тарқаб бораётган пайтда етиб келганлари учун ўқинишмади.

Эшикка чиқиб, меҳмонларни ўзи кузатган Улжон ҳали уйга кирмаган эди. Абайларни катта уй ёнида турган бирқанча хотинлар, ёш-яланг йигитлар, бола-чақа бир гала бўлиб қарши олишди.

¹ С а р и - О р қ а — Орол — Иртиш сувларининг раҳаси (оралиги)даги сариқ қумли саҳро.

² Н а с и б а — товоқ, дастурхон олиб келиш ма'носида. — Ред.

Янги жой. Кўмкўк сўрқулдоқ ўт-ўланлар ҳали деп-салмаган. Овуллар — уйларнинг атрофи топтоза. Шунинг-дек Улжондан тортиб, атрофида турган овсин-ажин, келин-кеват, болаларнинг усти-боши ҳам чиннидек, янги кийимлар кийишган. Хотинларнинг пахтадек оқ рўмол-лари, қийиқ бел камзуллари, рангбаранг бўлиб оқ уйнинг олдини, кўмкўк майсазорни безатиб, нақш бериб турарди. Четроқ уйлардаги ранги-рўйи бир ҳолатда, усти-боши титилиб кетган мол соғучилар, тезак теручилар, чўпон-ларнинг бола-чақалари бу тўдага яқин келаолмай, чекка-чеккада юришарди. Кундузи меҳмонлар келгандан буён Ойғиз блан Қалиқа уларни бу уйлар томон йўлатмай қўйишганди. Шундай пайтлардаги одатларини қилиб, улардан кулиб: «Қўсқинг қурғур, ҳамманинг ўтини ёриб, тушига киргали кўринмоқчимисан? Нар и бор!» дейишиб, қурум босган кўҳна кулбаларга, мол соғиладиган жой-ларга ҳайдаб юборишганди.

Қариндош-уруғлари Абайни шодланиб, очиқ чехра блан қарши олишди. Аввало Улжоннинг ўзи кулиб келиб, юзини ўғлининг юзига қўйиб кўришди. Дарҳол кичик набираси, икки-уч яшар Мағашни рўпара қилди. Суяги ушоққина, оппоқ, рангпаргина, қош-кўзлари попукдек Мағаш ширингина бўлиб, нозик ҳаракатлар блан Абайга яқинлашиб келган он, ўзига томон энгашган отасининг бўйнидан қучоқлаб олиб, юзини-юзига босди. Меҳри тов-ланиб кетган Абай «Мағашим», деб кўтариб олиб ўпган-да, уялиб тортинмади. Кўпдан буён отасини кўрмаган бўлса ҳам, ётсирамади. Энасига қараб маржондек майда, оппоқ тишларини кўрсатиб илжайди. Ўнг қўли блан ота-сининг юзини силаркан, шўхлик қилиб, ёпишиб кулга-нича:

— Оға, сен мени Мағаш дедингми? Вой, эсингдан чиқариб қўйибсан-ку. Мен Мағаш эмас, Абишманку! — деди.

Ким ўргатган, ма'лум эмас. Лекин ҳали ғубор қўнма-ган тугмачадек соф, шу қадар ёқимли, яна энг севикли боласининг оғзидан чиққан бу киноя Абайга қаттиқ тег-ди. Овулдагиларнинг ҳаммаси блан ўйнаб-кулиб кўриша-ётиб, Абай, Мағаш айтган ҳалиги гапга кўчди. Буни Улжон ўргатган эмас, унга Абай ишонади. Мағаш ҳали-гиндек деб юбориши бланоқ, Абайнинг дили сиёҳ бўлиб кетганини Улжон пайқади. Мағашнинг орқасига қоқди-да, салмоқлаб:

— Ҳай, тентак, у нима деганинг? Одам йироқдан сўғиниб келган оғасини шундай деб қарши оладими?— деди. Лекин онаси шундай дегани блан, Абайнинг кўнгли таскин топмади. Қимдандир нолигандек, кўнглига келган гапни ўша ондаёқ онасига айтди.

— Бу боланг нима деяётир-а, опа-а? Шу гапни ким ўргатган бўлса, эси йўқ киши экан! — деб, гижинганича уйга кирди. Ҳалиги ясанган-тусанган, хушчақчақ одамлар ҳам тўдалашиб катта уйга киришди.

Улар: «Дарак борми», «хабар келдими», «соғ-саломат кетаётган эмишми!» деб, Қупанбойнинг аҳволини сўрай-бошлашди. Абай отасидан фақат Қарқаралига, Ундирбой халфанинг ҳузурига эсон-омон етиб келдик деган қисқагина хабар олган эди. Шуни айтди.

Ташқарида Абайни қарши олган одамлар ичида Дилда ҳам бор эди. Катта уйга у ҳам бирга кирди. Ҳалиги гапни Мағашга ўзи ўргатиб қўйган эди. Дилда Абайнинг қаттиқ озор чекканини сезди, лекин заррача ўкинмади. Аксинча, ичидан «ажаб бўлди» дегандек истеҳзо блан кулиб қўйди. Олти ой қиш ўтиб, бир марта уйга келмаган эрига жаҳли чиққан Дилда, бирнеча бор ёмонлаб, қарғаган ҳам эди. «Ўша ёқда битта-яримтада илинжи бордир-да. Ўша бош-кўзини айлантириб қўйгандир... Бола-чақа, уй-жойдан кечиб, топгани ким экан? Бир кўргилигинг бор-ку, тортарсан ахир. Келмасанг, сатқайисар!» деб ба'зан назар-писанд қилмаган бўлиб Улжонга ҳам эшиттириб, барала қарғайверарди.

Ўн ёшдан ошиб, кўзга кўриниб қолган Оқилбой деган ўғли Нурғанимнинг қўлида ўсарди. Ундан кейинги олти яшар қизи — Гулбодон, тўрт яшар ёқимтойгина ўғли Абдурахмон, энг ширин кенжаси Мағаш — ҳаммаси ҳам Дилданинг бағрида ўсаётган эди. Эл-уруғ бўлсин, Улжон блан Ойғиздек оналари бўлсин, Дилданинг кўнглига қарашади. Болалари—катта оғалар, янгалар, овсин-ажинларнинг чин кўнгилдан севадиган овунчоғи. Шу сингари бирдан-бир ширин ўғиллар туғиб берган, яна кимсан, фалончининг қизи бўлган келин, қайин бўйнига эрка бўлмаёй иложи йўқ. Тили ҳам узун, аччиқ-тизиқ гапларга ҳам чечан бўлади. Дилда Абайга жаҳл қилиш орқасида яна ҳам тўнгланиб, кибрланиб, думоғдор бўлиб бораётган эди.

Абай сафардан шу гал келганида, Дилда икковининг ўртасига раҳна солиб турган шу сингари совуқчилик бор

эди. У кўпдан буён ингичка бўлиб билиниб келди-да, энди биратўла сиртга тепиб, ўзини кўрсатди. Кеч кириб, уй бошқалардан холи қолган пайтда ҳам Абай блан Дилда бир-бирига у қадар иссиқ муомила қилишмади. Лекин Абай хотинига нақадар совуқ, бепарво бўлса, соғинган болаларига шу қадар меҳрибон ота бўлиб келди.

Умрида биринчи марта, Улжон олдида Гулбодон, Абиш, Мағашларни бағрига босиб, пинжидан чиқармай эркалатди. Абай ичида бугун йўлда қилган қароридан қайтмаган бўлса ҳам, болаларига ҳаминша мана шу бугунгидек меҳрибон, ғамхўр ота бўлишга аҳд қилди.

Бугун кечқурун, Улжон блан Ойғизни ҳайратда қолдириб, ўзгача бир қарорни айтди. Маслаҳатлашмай, ўзи ўйлаб, ўзи ҳал қилган иш экан.

У: Гулбодон блан Абишни шаҳарга олиб бориб, рус мактабига бериш масаласи эди.

Улжон Абишнинг ҳали ёшлик қилишини, унинг устига соғлиги ёмонлиги, нимжонлигини эслатиб, бу набирасининг ҳозирча овулда, ўз қўлида тарбия қилинишини ма'қул кўрди. Абай қайвақт юбориш ҳақида тортишмади.

— Лекин, опа, шу иккала болангни одам қиламан. Билим ва тарбияни ёшлигидан бериб, яхши одам қиламан. Ҳали иккови ҳам ёш-ку, лекин шаҳар тарбиясини, ўз замонасига яраша тарбияни беришим турган гап. Шунга аҳд қилдим!— деб қўйди.

Отасини қаттиқ соғиниб, эркалаб ўтирган болалари Абайнинг гапидан хурсанд бўлишиб:

— Борамиз. Уқиймиз. Тезроқ шаҳарга олиб боринг!— дейишди. Урдада қилган аҳдини Абай уйдагиларга ҳали бери билдирмоқчи эмас эди. Аввало бу ниятни амалга ошириш осон ишми, мумкин бўладими? Қай тахлитда бошлаб, қай йўсин киришиш керак? Айгеримни айтдириб қўйган ери бор дейишган эди, у ким? Қизнинг ўзи қандай қарайди? Қариндош-уруғлари нима дейишади? Уни билиш керак. Эҳтиёт бўлиб қадам қўймаса, шошилиб, ҳовлиқиш блан бир иш чиқариб бўлмайди.

Эрбўл блан иккови пинҳон тутаетган бу сирни ўзаро маслаҳат қилганларида, бу ишга бирорта ишончли дўстни кўмакка чақириш керак, деган фикрга келишди.

Бу ишга ма'қул кўриб, лойиқ топганлари — Жиренше бўлди. Абай блан бирнеча йилдан буён дўст бўлиб юрган Жиренше ҳозир кўп эслик-ҳушлик, сўзамол деган ном чиқариб, э'тиборли киши бўлиб қолган эди. Сержамоа

Котибақ элининг ичида Бойсолонинг ишончли йўлдоши бўлган, билимдон йигит-да.

Абайнинг ўзи Қўнғир-Кўкше элига бўлис бўлганида, Жиреншени ўша элнинг бир бийи қилиб кўтарган, ҳаммиша бирга юриб, бирга турган эди.

Утган йил қишда Абай отасининг сафарга жўнаш баҳонасида, ўз ихтиёри билан бўлисликдан тушганида, у ўз хоҳиши билан бийликдан тушмай ҳали ҳам Қўнғир-Кўкшенинг ўша Мамай элида бийлигини қилиб келаётган эди.

Абай Эрбўлни юбориб, аввало Жиреншени айтдириб келди.

Жиренше Улжоннинг овулида бир кеча ётиб, яна эртасига тушгача қолиб, ёш дўстининг бор дәрдини эшитди. Уёғини ўйлаб, буёғини ўйлаб, салмоқлаб кўриб, ниҳоят қаршилиқ қилмади. Яна ўзи ўртада туришга ҳам розилиқ билдирди. Абай унинг фикрини билгач:

— Ундай бўлса, мен бор инон-ихтиёрни ўзингга бераман, Жиренше. Қиз қалай, аввало унинг ўзини синаб билиб ол. Даставвал ўшанинг кўнглини бил. Ундан кейин ота-онаси, қариндош-уруғларининг авзойига қара. Бир ишдан жуда эҳтиёт бўл. Сенга қаттиқ тайинлайдиганим шу. Қайсибири кўнса ҳам, Қунанбойнинг ўғли бўлса, юрт устида турган, қўлидан ҳар иш келадиган ҳукмрон овул бўлса, бермасам яна бир балога дучор қиладими, зиён-заҳмат етказадими, деган андишага бормасин. Худонинг ўзи гувоҳ. Борди-ю, қизнинг кўнглига ёки қариндош-уруғларига ёқмасам, иложим йўқ. Отамнинг донғи, қариндош-уруғимнинг обрўи орқали оладиган бўлсам, унда қиз олган, ёр олган бўлмайман, иснод олган бўламан. Сендан алоҳида ўтинадиганим шу. Нима бўлса ҳам, менга очигини айтасан!— деди.

Жиренше кетаётганида топширилган гапларнинг ўрнига қўйиб бажарилишини кузатиб туриш учун Эрбўлни ҳам бирга юборди.

Мамайга юборган дўстлари, Абайни кўп интизор қилиб сарғайтиришмади. Уч кун деганда келақолишди.

Жиренше Айгеримнинг ўзи билан сўзлашипти. Қизнинг ҳусни унга ҳам кўп ма'қул бўлипти. Айниқса ақли-ҳушидан, хушфе'ллигидан хурсанд бўлипти.

Абай эндигина билди. Айгеримни айтдириб қўйган жойи Мамай уруғининг ўзидан экан. Лекин аввал айтдирилган йигит ёшлигида ўлиб кетиб, кейинчалик урф-одат

бўйича қайнағасига унаштирилган экан. У киши кексайиб қолган, яна ёшлигида олган хотини ҳам бор экан. Илгаридан қалин моли бериб қўйилган қиз бўйига етиб қолгандан кейин, ҳалиги қайнаға ўзим оламан деб, Айгеримни бошқа бировга узатишга розилик бермапти. Шундай қилиб, Бекейнинг қизи ипсиз боғланиб қолипти. Қизнинг яқин қариндошлари қудасидан Айгеримнинг бошини очиб беришни илтимос қилишган ҳам экан. Лекин қайнаға: «худо қўшган бевам¹, ўзим оламан» деб кўнмапти. Лекин, шундай деб қизнинг бахтини бойлаб ўтиргани бўлмаса, ҳали қалин молини ҳам батамом беролмай, қаллиқ кўргали ҳам келолмай, яна хотинининг юзидан ҳам ўтолмай, сарсон бўлиб юрган экан.

Жиренше Бекей, Шекейлар блан сўзлашиб бу томонларига хўп қаноат ҳосил қилди-да, Айгеримнинг кўнглини ҳам ўз оғзидан эшитди. У — озодликка чиқишни ўйлар, унга теккиси йўқ экан. Броқ Абайнинг ҳам бошида бирқанча чигал туғунлар бор. Қариндаш-уруғ, ёри-дўстлар, оналари ҳали унинг бу ниятини билишмайди. Олшинбойнинг қизи Дилда бор. У нима дейди? Маълум эмас. Бу томонларини назарда тутган, уддабурон Жиренше, Бекей ва Айгерим блан сўзлашган чоғида, бу ишни ҳозирча мумкин қадар сир тутиш кераклигини сездирди. Оғзидан чиқармай туришни маслаҳат кўрди.

Бу Абай учунгина эмас, айниқса қиз учун қилинган гамхўрлик эди. Борди-ю кутилмаган бир монилик юз бериб, бу гаплар беҳуда гап бўлиб қоладиган бўлса — Айгеримнинг бахтини бойлаб қўйиши мумкин. Яна қуда томон билса, икки элнинг ўртасида ғараз туғулиб қолиши ҳам мумкин.

Шу томонларини ўйлаб, яна эл тарозисига ҳам қараб чуқур мулоҳаза блан иш олиб бораётган Жиренше, бу ердагиларга ҳам уқдириб қўйди. Мамай элининг бевасини айнитиб, Қунанбойнинг ўғлига олиб бермоқчи бўлди, икки элнинг ўртасида ғараз туғдирди деган гаплар чиқиб қоладиган бўлса: яна Абай қизни ололмай, бир иш чиқараолмай, фақат бадном бўлиб қоладиган бўлса, унда бу гап Жиреншенинг ўзига ҳам иснод бўлиб тушади. Шундай қилиб, бир томондан Абайнинг Айгеримга уйланишини юракдан олқишлаб қайтса, иккинчи томондан бу сирни четга чиқмайдиган қилиб, усталик блан устини ёпиб келди.

¹ Бева — қозопларда унашиб қўйилган бўлажак келин. *Ред.*

Абай блан гапни чўзиб ўтиришмади. Бор маслаҳат уччовининг ўртасида битди. Энди гап шунга ўтганда, Абай Жиреншедан ғоят миннатдор бўлгани ҳолда:

— Қани энди бир ишни бошлаганингдан кейин охирига ҳам ўзинг стказ. Бу менинг бошқа биров блан маслаҳатлашадиган ишим бўлмаса ҳам, онам — мен сўзини ерда қолдирадиган кишим эмас. Отам бўлса, йироқда. Энди онам блан сўзлашиб, унинг рухсатини ҳам ўзинг олиб берасан!— деди. Абайнинг бу иши Улжонга асти ма'қул тушмади. Жиреншенинг узупдан-узоқ гапини беҳад ранжиб, қовоғини солиб ўтириб тинглади-да:

— Чироғим, ҳамон Абай шундай иш қилмоқчи бўлса, бу хупия эмас, ошқора қилинадиган иш-ку, нима қилиб энди ўртага одам қўйиб, гапни ингичка қилиб чиқараётир. Ундан кўра ўзини чақир. Ўзини ҳам айтиб кел. Уч киши ўтириб сўзлашайлик,— деди. Абай келгандан кейин Улжон тикка гап бошлади. Оғир хаёлга чўмган, ғамгин ҳолда, боласининг юзига тикилганича салмоқлаб:

— Абайжон, болам, мақсадингни анигладим. Қизиқаётган кишинг ким? Уни ҳам мана бу Жиренше айтиб берди. Менга маслаҳат солибсан. Шу ишим яхшими демоқчисан-ку? Яхши демайман. Сўзим қисқа. Мен айтадиганининг кўпини ўз кўзинг блан кўриб ўсган эдинг. Кўп хотинининг биттаси мен бўлганимда, ўша кўп хотиннинг биттасидан туғилган кўп боланинг бири сен эдинг! Сирдош, ҳамдард эдик-ку. Мен ширин ҳаёт кечирдимми? Сен яйраб-яшнаб ўсдингми? Биз босган изни босмаса экан, дер эдим, бирдан-бир тилагим шу эди. Укинарсан деб қўрқаман. Олди қизиқ кўрингани блан, осон туюлгани блан бундай ишнинг охири заҳарлик бўлади. Пушаймонлар қиларсан, яхши болам. Мана, айтадиган гапимни айтдим. Лекин, ҳузур-ҳаловатини ҳам ўзинг кўрасан, заҳрини ҳам тортадиган ёлғиз ўзинг бўласан. Мана бу Жиренше ҳам, мен ҳам четда қоламиз. Мен кўнглимдаги қийнаётган хавфимни айтдим. Уёғини ўзинг биласан! Ўзинг ўйлаб, ўзинг ҳал қил!— деди.

Абай жавоб қилмади. Индамай кетди. Опаеси блан биринчи марта бир-бирларини англайолмаганлари шу эди. Абай айтар эди, кўп гапларни айтар эди. Лекин унинг ҳозирги кўнглини англаш керак эмас, ҳис этиш керак. Ҳисларни эса Абай шу сингари муздаккина ўтаётган маслаҳат устида англатаолмайди. Ақл югуртириб кўрилганда, бу ишнинг нотўғри бўлиб чиқишини йигитнинг ўзи

ҳам билади. Онаси ҳам шуни айтаётир. Юракдагисичи? Борини очиб сирлашишга онасини аяйди. Кўнглидаги энг оғир тугун мана шу ота-онасининг, унинг ихтиёрини, кўнгли бор, йўқлигини сўрамай, бўйнидан бойлагандек олиб бориб Дилдага қўшганлари эди. Ма'шуқаси Тўғжон ҳақида оғиз ҳам очмай, унинг ёш умрига зомин бўлиб, айиргани эди... Лекин бугун қандоқ қилиб бу ҳақда онасига айтади? Яна келиб-келиб: «Заррача бўлсин айбим бор» деб озор чекиб кўрмаган, ўз тушунчаси бўйича: «Ғамхўрлик блан ўтдим» деб ҳисоблайдиган, ўз хатоси борлигини билмайдиган меҳрибон онасига нима деб айтади. Шу сингари юз ёқнинг мулоҳазасига бориб, Абай жўрттага индамай чиқиб кетди. Лекин ўйлаган ишини тўхтатмади. Жиренше яна Мамай элига кетди. Бу гал ўн беш кунча юриб, бутун гап-сўзларни ўзи бартараф қилиб, битириб келди. Айгеримни айтдириб қўйган қуда томонни ҳам тиндириб, рози қиладиган бўлиб келди. Чигал тугун шунинг блан ечилди. Абай Бекейга ҳам, Мамайларга ҳам кўпгина мол берадиган бўлди.

Қунанбойнинг катта уйида, Улжоннинг қўлидаги мол-дун'ёга бош бўлиб Ўспон қолган эди. У Абайдан ҳечнарсани аямасди. Айгерим учун бериладиган молни қаторлаштириб, биратўла ҳайдатиб юборди. Жақип, Жиренше, Ўспон, Ғабитхонлар бўлиб, Бекейнинг овулига бориб қуда тушиб сарпалар кийиб келишди. Шундан кейин ҳалиги Ўспон яна қолган-қутган қалин мол, оқсолар ва фотиҳа қилиб қўйишларга бериладиган мол-дун'ёларни ҳам битта қилиб юборақолди. Шунинг блан бирнеча кун ўтди, ниҳоят, Абай қаллиқчанинг уйига борадиган кун ҳам келди. Яна Жиренше бошлиқ Эрбўл, Ўспон, Ғабитхонларни олиб, бир тўда йигитлар блан жўнаб кетди.





ЯЙЛОВДА

1

Кенг чаманзорда ёйилиб ўтирган катта овулнинг ўнг томонида катта-катта оқ ўтовлар. Булар мол тунайдиган қўтандан, қўланса ҳидлардан, ғала-говурдан атайлаб нарироққа, четроққа ўрнашган.

Овулнинг иккинчи томони блан мол тўхтатиладиган ерда деярлик ҳаммаси, эски-туски ўтовлар. Бу томонда йиртиқ-ямоқли кулбалар, қурум босган капалар, кичик-кичик чодирлар ҳам бор, «қашшоқ-қўшни» деб аталадиган хизматдаги кўпчиликнинг бошпанаси шу ерда. Кекса чўпон, қўзи боқадиган бола, туячи, мол соғучи, йилқи боқучилар шу томондан чиқади.

Ҳозир катта овулнинг мана шу томонидаги қўли бўш ёш-яланглар ҳам, пилта ўраб, урчуқ йигириб ўтирган кекса хотинлар, кампирлар ҳам — ҳамма овулнинг у томонига қулоқ солаётир. Ҳамма ўша томонга боришни орзу қилади. Уларни сабрсизлантириб, шунчалар шайдо қилаётган — янграб турган ягона овоз; у — куй. Қизик туш пайтида, жимжит овул устидан ошиб, парвоз қилиб, беғубор кўкка кўтарилаётган ғоят та'сирли, ғоят нафис, гўзал куй.

Четки уйларда яшовчилар бу куйлаётган одамнинг куйини йироқдан бўлса ҳам эшитиб, гўё ҳумордан чиқишган.

Мўнкиллаган бир кампир, куй нималигини англамайдиган гўдак набирасини опичганича букчайиб, ўша қўшиқни эшитишга ошиқиб бораётир.

У, кексалик орқасида оғирлашиб қолган қулоғи устидаги лачагини орқага қайириб қўйиб, бошини юқори-роқ кўтариб, қулоғини тутиб қўяди. Қуёш нуридан қамашиб, ёшланган кўзларини шинграйтириб қисганича юзларидаги қинғир-қийшиқ ажинларини чуқурлаштириб бораркан:

— Вой ўвалик-жўвалик бўлгур, куйчи бегим! Бизнинг кўнғлимизни кўтарсанг, худо сенинг ҳам кўнғлингни кўтарсин!..— деб, тишсиз энгагини олдинга чиқариб сўзлаб келаётир. Қўтан ўртасида турган Қалиқанинг энсаси қотиб, кесатди:

— Ҳа, қариб қуйилмаган, сен қолма-да! Сени эшитсин деб айтаётир, балога йўлиққур! Ула!..— деди.

Кампир Ийс бу кесатиқни эшитган бўлса ҳам, тўхтамади, ёнида яна бир кекса хотин блан кетаётиб:

— Ҳа, сен кесатмасанг Қалиқа бўласанми! Куйиб ўл!..— деди-ю кетаверди.

Овулнинг катталари яшайдиган катта-катта оқ уйлардан ҳам четлаб ўтди. Нарироқдаги алоҳида ерга тикилган тўртта уй томон кетаверди.

Бу овулдаги донғи кетган ўланчи меҳмон сўнгги кунларда элларни оралаб юриб, кеча шу ерга келган эди. Бу овулдаги одамлар унинг эртага ўз элига кетар эмиш, деган хабарни ҳам эшитишган. Бу овулнинг кўпчилиги буғун унинг сўнгги куйларини эшитиб қолиш орзусида эди.

Лекин, орзу қилгани блан четки кўҳна уйдагилар, хизматкорлар, молбоқарлар оиласидан шу куйни эшитишга интилган кўплари боролмай, ўксиганларича дөгда қолишди.

Ойғиз уйининг ёнидаги эски бир уйда ирkit¹ пишаётган икки аёл ҳасратлашаётир. Бунинг биттаси — озғингина қопқора жувон Баян, иккинчиси — қирғий бурун, оппоққина Эсбике. Икковининг ҳам юзларини эрта тушган ажин босган, чакак-чакаги кириб кетган, устларидаги

¹ И р к и т — қатиқ.—Ред.

кўйлаклари ҳам бирхилда, равақ-равақ. Яна кўпдан буён ювилмаган, кир. Баян — шу овулнинг неча йилдан буён чўпони бўлган Қаскенинг хотини. Эсбике блан тенгдош, ҳамдард. Қора қурум босган уйнинг ўртасига қурилган дош қозонни тўлдириб Эсбике қурут¹ қайнатаётган бўлса, Баян тонг-саҳардан бошлаб тинмай катта кувда ирkit пишаётир.

Баян ўзларининг ўлан эшитгани боришолмаганидан ўксиб, ҳасрат қилди.

— Уйин-кулги сен блан менга муносиб ишми! Ҳали Ойғиз Қалиқадан шуни айтиб юборган-да. Иккови қимирламай қурут қайнатиб, кув пишсин депти-ку! — деди.

Юзини ажин босган, ранги заҳил Эсбике қовогини солиб, чимирилди-да, бу оғир меҳнат остида икковининг аҳволи нақадар оғир эканлигидан гап очди.

— Бизга ўлан эшитдирадиган Қалиқами? Ё Ойғизми? Биз — сигир соғсак, қўй соғсак, кув пишсак, қурут, иримчик² қайнатсак, ундан бўшасак елкаси узилиб тушган кўйлагимизнинг устига қоп ташлаб бориб, тезак териб келсак бас.

— Улиб қолмай юрганимизни айт. Эл ётгандан кейин уйга бориб, кун бўйи қадам қўймаган уйимни йиғиштиришга ҳам мадорим қолмайди. Тинкам қуриб, остонадан ҳатлашим блан гуп учаман.

Эсбике ҳам Баяннинг гапини эшитиб, яна ўз ҳасратига тушади.

— Ҳали «арқон эш», ҳали «нуқта эш» деб, бошингда калтак ўйнатади. «Оқсоч, ялпайиб ўтиришни сенга ким қўйди» деб куни кечагина жон-жонимдан ўтказди: «Сепинг блан оқсоч бўлиб келган сен эмас эдингми? Эринг Башибек — қулоғини кесиб қўйган қулим эди-ку?» деганида, худди бошимга таёқ блан ургандек бўлди. Мени шундай оқсоч қилиб, у шўрлик Башибекни қул қилиб қўйгандан кейин, отар тонг, ёруғлик кун йўқ бўлса нима ҳам дейман! — деб, ўчоқдаги алангаланиб турган ўтни кавлаштирганича ўпкасини тутолмай, кўз ёшларини тўкади, — оёғимдан адо бўлиб юрсам ҳам ҳечнарсa орtdирганим йўқ. Қизим Сақиш ҳали: «Жон опа, мен ҳам борай, ўлан эштай!» деб ҳоли-жонимга қўймади. Борсанг борақол, қуёшим, деб усти-бошига қарасам, бўйга етиб қолган қиз-

¹ Ба'зан қатиқни қайнатиб, сўнг қурут қилинади.

² И р и м ч и к — пишлоқ. — *Ред.*

ку, остона ҳатлатиб, бировнинг кўзига кўрсатадиган эмас. Кийими меникидан ҳам баттар, ит талагандек, равақ-равақ, ямоқ устига ямоқ,— деб Эсбике, оқиб бораётган кўз ёшларини тиёлмайди.

Баян кув пишиб туриб, Эсбике томон эгилиб пичирлайди. Қалиқа, Ойғизлар эшитиб қолмасин, деб олазарак бўлганича, яна икковининг дарди-ҳасратини чўзади.

— Тонг ғира-шира отар-отмас, бўзтўрғайлар чирилламасдан туриб, то бекалар ётгунча, оқ уйларнинг тундиги¹ ёпилгунча, бир нафас тиним топмай ҳаммадан кейин ёта-миз. «Эл ётса ҳам, энагам ётмайди» деган биз-ку. Қишин-ёзин қулоч отиб, меҳнат қилганимда Ойғизнинг менга қўйган оти — «исқирт оқсоч» бўлипти. Яна ўлан деймиз. Ўланни бизга ким қўйипти?— деб, икки аламзада бошларидаги оғир кун, унумсиз меҳнатнинг ғамгин куйини куйлашади. Қунанбойнинг катта овулидаги оқсоч хотинлар, мол соғучилар ош-сувнинг инон-ихтиёри қўлида бўлган шафқатсиз Ойғиз солаётган тинимсиз меҳнатдан зорланиб, бўзлашади.

Мана шу қурум босган уйнинг ёнидаги уч қанотли кўҳна кулбада, шу он узоқдан келаётган куйни эшитиб, Эсбикенинг қизи Сақиш, бир тўп увадани олдига олиб, эғнидаги қирқ ямоқ кўйлагининг тиззасини ямаб, товуш чиқаришга ботинолмай, пиқ-пиқ йиғлайди. Жингалак сочли, қайгули бошини икки тиззасининг орасига қисганича, ўзининг бахтсизлигига йиғлайди. Ахир, унинг орзуси катта ҳам эмас-ку. Ҳеч бўлмаса ўша кетаётган Ийс кампирдек ўша ўлан айтилаётган уйга бориб, остонада ўтириб, мўралаб, ўша уйдагиларни кўриб эшитса бас. Лекин кеча Қалиқа келиб Ойғиз айтиб юборди, деб зуғум блан буйруқ қилиб:

— Оқсоч Эсбикенинг, Башибек қулнинг исқирт қизи ёмон туянинг ёпиғидек жулдур эғни блан девоналарга ўхшаб оқ уйларга бормасин. Ўлан эшитишни унга ким қўйипти, уйгинасида ўтирсин!— деб кетди.

Овул устида куй янграмоқда. Лекин уни бориб эшитолмай, йироқдангина қулоқ солиб армонда қолаётганлар Эсбике блан Баянларгина эмас. Эртадан қора кечгача жели² бошида бия соғадиган Буркутбой ҳам ҳар бияни

¹ Т у н д и к — ўтов тепасига ёпиладиган тўрт бурчакли паметча.

² Ж е л и — соғин бияларнинг қулушларини боғлаш учун тортиб қўйилган арқон.— *Ред.*

соққани ўтираркан, ёнидаги ёрдамчиси Боймағамбет деган йигитчага ўзининг оғир, дарди-аламли ҳасратларини айтади. Битта-яримта эшитиб қолмасин деяётгандек, атрофга кўз ташлаб астагина пичирлайди. Сариқ қошлари қуюқ-қуюқ, ўткир мовий кўзли йигитча Боймағамбет борлиғи блан берилиб, кекса Буркутбойнинг ҳасратига қулок солади.

— Куйлаётир! Кеча-ю кундуз куйлаётир. Ёз бўйи меҳмон бўлиб ётган ўша куйчининг афтини Буркутбой ҳали кўрдими десангчи! Йўқ, йўқ, йўқ! Кўришга ҳол қани? Тонг саҳарда боғланган эллик бияни кунига ўн марта соғаман. Жели бошига боғлоқлик қулунлар блан бирга боғланиб, арқонланган отдек банди бўлиб куним ўтиб кетаётир. «Ўлжоннинг уйи қимизсиз қолмасин, Ойғизнинг уйидаги мешлар тўла турсин, меҳмонхонадаги икки мешдан қимиз узилмасин. Қалиқанинг уйида қимиз бўлсин» деявериб, тинкани қуритди-ку. Кўриб турибсан, қош қорайгунча бу овулнинг биялари бўшатилмайди. Қулунларни бўшатишим блан ечинишга мажол қолмайди, уйга бораман-у, таппа ташлайман!— деди. Олисдан куй янграб кетганда Буркутбой чала-чулпа эшитиб, тўхтаб қолади-да, яна челагини кўтарганича иккинчи бияга қараб кетади. Боймағамбет ҳам нўхталаб қўйилган қулуларнинг биттасини қўшоққа боғлаб, иккинчисини ечиб келиб онасини ийдираётган пайтдагина йироқдан келаётган оҳангни тинглайди. Дам ўтмай яна, биянинг бағрига тикилиб, икки қўли моромсиз ҳаракат қилиб, биянинг эмчагини чўзғилаганича, оғир ҳаётидан ҳасрат қилаётган озгин, кекса Буркутбойнинг нолишини тинглайди.

— Йигирма йил, роса йигирма йил Буркутбой тинмай бия соғипти. Кошки Буркутбойнинг бири икки бўлса. Ойғиз блан Қалиқа бир коса қимиз берса: «Мечкай ўлгур», деб ништарини санчиб туриб, заҳарини қўшиб беради. «Охират ошингни ичкур, сутидан ичақолсанг бўлмайдами, соққанингдан кўпроқ қимизни ўзинг ичасан»— деб қақиллайди туради. Менинг бўлса, икки тиззам сариқ сув йигиб оғирлашиб боради. Икки қўлим соғишнинг зарбидан юқумли касалга учраган қўйнинг ёғидек керикиб кетди. Кечалари оёқ-қўлимнинг қақшаганидан тонгни тонгга улайман,— деди.

Боймағамбет Буркутбойнинг доимий кўмакчиси бўлма-са ҳам, унинг қўл-оёғи дардга чалиниб қолганини биларди. Одамнинг устида жонини фидо қиладиган, раҳимдил-

лиги орқасида ба'зан Буркутбойга маслаҳат бериб ёрдамлашгуси келарди:

— Қўйсангчи, шу соғиш қурғурнинг баҳридан ўтақолсангчи. Бирорта бошқа ишни қилақолсанг бўлмайдими, Буке!— деди.

Буркутбойнинг кулгуси қистаса ҳам, ранжиб турганидан юзида истеҳзоли тиржайиш пайдо бўлди, холос.

— Оббо, боласи тушқурей! Менга қолса, ташламай дейманми, лекин, қаерга бораману, нима касб қиламан. Болаларим Бейсембой блан Оғай бўлса ҳали ёш. Узим бўлсам оёқ-қўлдан айрилиб, нотовон бўлиб, дардга чалиниб қолган ҳолимда қандай ишга ярайман,— деди.

Овулдан ҳали ҳам куй, янграган гўзал куй парвоз қилиб келмоқда. Гоҳ узилиб бораётгандай сусайиб кетар, гоҳ яна янграганича четдаги кулбаларга, жели бошига, булоқларнинг ёқасигача келиб кўпларни турли-туман кўйларга соларди. Бировни руссага кўмиб, бировнинг кўз ёшини оқизиб, яна бировнинг дилини вайрон қилиб «оҳ уришга» олиб борарди.

Катта сувнинг бўйида, чўлоқ тойга миниб юрган бурни катта, озгин бола Бойсугир ҳам овулга яқинлаб келиб, отининг ёлига ёпишганича куй эшитаётир. У ҳам шу бадавлат овулнинг нариги четидаги қурум босган кичкинагина кўҳна кулбада яшайдиган чўпон бола. Кўп йиллардан бери шу овулнинг қашшоқ қўшниларида бўлган, ҳозир оғир дардга чалиниб, сомондек сарғайиб, чўпдек қотиб ёстиқ устида ётиб қолган кекса, ғариб Бойтўрининг ўғли. Тонг отар-отмас қўзи боққани кетган бола, туз тотмай, оч-наҳор юрган бўлса ҳам, куйга қулоқ соларкан, очлигини ҳам унутиб, тойнинг устидан энгашганича анча вақт қотиб қолди. Овулга бориб, тойдан тушиб, уйга кириб эшитаолмайди. Овулда қўй ётипти. Қўшоқланган қўйлар орасида букчайганича қўлидаги челагини кўтариб, иссиқда терлаб қўй соғиб юрган онасининг бўйини ҳам Бойсугир онда-сонда бир кўради.

Овулга келса, қўзилар оналарига қараб ёпирилиб кетади. У ҳолда бунинг кичкина боши каттакон кулфатга қолади. Шу ёз бепарволик қилиб, икки марта қўзиларни оналарига қўшиб юборганида, Мойбосардан эшитган ҳақорати ҳам, еган калтаги ҳам эсида эди. Ҳозир қўзилар Борлибой сувининг бўйида тинчгина ётгандек эди. Оналарига қараб югурақолмас деб ўйлаган бола, той блан жели бошига яқин келиб, куйга қулоқ солганича турарди. Эриб

тинглаганича анча туриб қолди. Хоргинлик, ёлғизликдан эзилишнинг оқибати бўлса керак, ёш бола ўзини унутиб юборгандай, узоқ туриб қолди. Шу куйнинг товушидан бошқа товушларни унутиб юборгандай кўринарди. Шу ҳолда тураркан, орқа томонидан қаттиқ, ғазабли овоз чиқди. Семиз югурик отда ҳайқириб-ўшқириб келаётган яна ўша Мойбосар экан.

— Отангни... ҳа, куй эшитмай бўйнинг узилгур, сен расво ҳам эшитаётирсанми! Кўзингни ўйиб олай!— деб, узун қамчисини кўтариб келаётир. Қўрқиб ўти ёрилиб кетган бола тойдан йиқилиб тушаёзди. Ялт этиб қараши блан Мойбосарнинг шунчалар ғазабланишининг боисини ҳам кўрди. Ҳалигина сув бўйида баҳузур ётган қўзилар энди ба'рашганича, сувдек оқиб келиб, овулга яқинлашиб қолипти. Овулдаги қўшоқлаб қўйилган қўйлар ҳам ба'рашаётир.

Қўзиларга қарамай, ёпирилтириб юбординг, деб ғазабига олиб келаётган Мойбосар Бойсугирга кетма-кет қамчи тортиб юборди. Аямай урилган қамчи орқасини қилич блан тилгандек жизиллатиб ўтганда озгин боланинг қўрқув аралаш аччиқ фар'ёди кўз ёшлари блан бирга чиқди.

— Жон оға! Оғажон дейман! Ўлдирасан-ку!— деб тойдан юмалаб тушди. Мойбосар ҳайқириб-ўшқириб боланинг ота-бобосидан тортиб ҳақорат қилганича, отнинг бағрига тиқиб савалайбошлади.

Қунанбой ҳажга кетганидан буён бу овулнинг ичка-рисидagi инон-ихтиёр такаббур, шафқатсиз Ойғизнинг қўлида бўлса, ташқарига «бош-қошлик» Мойбосарда эди. У, Қунанбой йўқлигида мол боқучилар, чўпонлар бебош бўлиб, санқиб кетмасин, деб сўнгги йилларда бу овулнинг отбоқари, чўпони, бия боқучи, туя боқучилари, ҳатто қўзи боқучиларигача, ҳар қўнисда бир-бир калтаклаб, юрак зада қилиб турарди.

Мойбосарнинг ғазабига бу ёз Бойсугир шунинг блан учинчи марта дучор бўлди.

Қўзилар оналарига аралашиб кетишди. Мойбосар отини нихтаб, болани чинқиртириб савалаганича, ҳали ҳам ҳайқирмоқда. Бойсугирнинг овулда қўй соғиб юрган кекса онаси, саваланаётган боласига ичи ачиб, қўлидаги челаги блан жон аччиғида унга томон югурди. Боласини Мойбосар яна ураётганини уйда ётган Бойтўри ҳам эшитиб, ўрнидан тураолмай:

— Ниятинга етмагур! Чумчуқдѣк боламни яна чирқиратди-я, қонхўр Мойбосар!— деб ажриққа агнайди.

Қўзиларнинг югуришиб кетаётганини Бойтўрининг сезгир қулоғи аллақачонлар эшитган. Еш боласи ҳақида: «Уйқуси қонмай эрта кетган эди, далада ухлаб-нетиб ғафлатда қолдими, ёки тойдан йиқилиб тушдими?», деб ётганди. Энди хотинининг: «Мойбосар япа ураётир-ку бу шўрликни, бир қарич болани отининг бағрига тиқиб савалашини қаранг, шўринг қурғур бетолимни», деганича югуриб кетаётганини ҳам эшитди. Қўйлар қўтоп ўртасига қўшоқлапмай: овулнинг шу кўҳна уйларига яқин бир четда, Бойтўрининг уйига яқин ерда соғилаётган эди. Ғалаговур оқ уйлардан нарироқ бўлсин деб Ойғиз блан Қалиқа қўйларни шу қора-қура уйларнинг ёнида соғдирадиган қилишган эди.

Узун оғриқ бўлиб қуруқ ерга ташлаб қўйилган увадага елимлаб қўйилгандек ётган Бойтўри, туриб-туриб ўзининг касалидан ҳам хафа бўлиб:

— Шу касофат дардни сенинг йилқинг орқасида, қор тўшаниб, муз ёстаниб юриб ордтирмаган эдимми, Ўскенбойнинг ўғли! Шудринг тушиб, қиров босиб кузнинг қора совуғи қақшатиб турган кечаларида қўрангнинг четида, қўйингни кузатаман деб, ордтирган эдим-ку-я! Ноинсоф Мойбосар, ўзим бўлиб, энди заҳрингни мурғак боламга сочаётирсанми? Сенинг дўзахинг авлод-авлодимга етадиган бўлди-ку. Худо-худо эмас, мени қаҳри-ғазабига олган ноинсоф, бераҳм худо сен бўлдинг. Дўзах ўтида ёндирган ниятинга етмагур Мойбосар!— деб, Бойтўри ўпкаси тўлиб энгаги титраб, қовоғи солиниб, кўзларини юмганича мук тушди; бошини муштига уриб, унсизгина йиғлаб ётди.

Ойғиз блан Қалиқанинг қаҳрига қарамай, ўлан эшитгали кетган Ийс кампир меҳмонхоналарга етди.

Бу уйлар бутун овуллардан четроқда эди. Узгача қадрли меҳмонлар кутилаётган уйларга ўхшайди. Тўрт уйнинг орасига ҳам кермелар¹ ўрнатилган. Олти қанотли кашта тикилган катта уйни ўртага олиб ўрнатилган бир тўп уйларнинг деярлик ҳаммасининг олдида эгар-жабдуқ уйиб ташланган. Эркаклар эгар-жабдуқларидан кўра, аёллар учун махсус ишланадиган Қўқон эгарлари мўлроқ. Кермеларда боғлоқли от йўқлигига қараганда, меҳмонларнинг келганига анча вақт бўлган кўринади.

¹ Керме — от бойлаш учун сим дорга ўхшатиб ўрнатилган ёғоч дор.—Ред.

Уйларнинг ёнида, эшикда юрган олам кам. Фақат бир-неча жойга ўрнатилган қозонларнинг бошида, яна катта-катта сариқ самоварларнинг тутунини бурқиратиб қўйиб, жимгина юрган аёллар, қозон бошида ўтин келтириб юрган йиртиқ кийимли бир-иккита хизматкор кўринарди, холос.

Ҳозир меҳмон кутилаётган тўрт уйнинг учтаси бўш. Ҳамма ўша ўртадаги катта уйда экан... Кўпчиликни ўзига тортаётган куй, ҳануз гоҳ янграб кўкларга кўтарилиб, гоҳ тўлқинланмоқда.

Қозон бошидаги ошпазларнинг ёнига яқинлашиб борган Ийс, самоварга тобилғи ташлаётган қора тўри жувондан:

— Янги келин, ёш келин ўлан айтдимиз?— деб сўради.

— Ҳа, айтди. Қўрқар эдимиз?.. Айтмаганига қўйишадими!..— деди жувон.

Ийс ҳайрон қолгандек тамшаниб қўйиб:

— Ана у бойвуччалар ёқтиришмаётган эди-ку, «келин бўлиб овулга келар-келмас куйламасин, кўп тантиқланмасин» деб, тийиб қўйилган эмиш дейишаётган эди-ку...

— Улар айтмасин дегани ўлан, бу ердагилар айт деб, қўярда-қўймай айтдиришаётир-да.

— Ҳа айланай яна битта айтсачи...

— Ушанинг овозини яна бир эшитсак экан!.. Ўзи ҳам ипакдек мулойим, камтаргина экан-ку!— деди иккинчи кампир ҳам гапга араллашиб.

— Ҳаммадан ҳам қўни-қўшнига муомаласини айтинг? Ҳаммани «сизлаб» одамнинг бағрига кириб кетади!— дейишиб, кекса аёллар янги келиндан хурсанд бўлишди. Ўша ёш келиннинг оқсочи, қора тўридан келган Злиҳа деган жувоннинг ўзи ҳам севиниб, сир айтаётгандек пичирлаб:

— Фе'ли жуда яхши, камсухун. Лекин, ана у уйдагилар «кўп ошинмасин», «қандай жойга тушганини унутмасин!» деб ёзғиришаётир!— деганда, бошқа аёллар танглай қоқишиб:

— Ҳалитдан-а?

— Ҳа, кундош-да!

— Ойғиз блан Қалиқа борми, айтади!..

— Вой, шундоқ лобар келинга-я!..— дейишди.

— Бу ердагилар уларнинг гапини писанд қиладиган эмас... «Қани айт! Қўкрагини кўкка тираганлар сенга етиб кўрсиш-чи... Тортинма!» деб, қайтага кечаю-кундуз айт-

диришаётир! — деб, Злиҳа қиқирлаб кулиб юборди. Келган аёллар, уй томонидан келаётган куйни эшитиб, ўша-ёққа кетишди.

Қўшнилар мақтаган «ёш келин», «ўланга уста келин» — Айгерим эди.

Мана бу меҳмон босиб ётган ўтов ҳам ўшанинг уйи.

Абай бундан уч ой муқаддам Айгеримни олиб келган эди. Ҳозир бошидаги желегини¹ олмаган янги келин кўп меҳмонлар ўртасида, Абайнинг ёнида ўтирарди.

Буларнинг икковининг шу галги меҳмонлари ҳам ўзгача. Фақат — қиз-жувонлар-у, ёш йигитлар. Буларнинг бошлиғи Абай бўлиб, ҳозир бу овулнинг ўзга тирикчилигидан бегона бўлиб кетган бир гуруҳга ўхшарди. Қамчисидан қон томган катта, ҳукмрон овулнинг осойишини ўлани, сан'ати блан бузаётган эди. Шунинг учун бу уйларни Мойбосар, Ойғиз, Қалиқалар сиртдан чипқондек кўришарди. Орқадан ёзғириб, чекка-чеккада кесатиб юришади. Битта-яримта, шу овулга келишни истаганлар бўлса, уришиб, жеркиб, асти яқин йўлатишмайди.

Абай ўзининг кичкинагина, сан'ат оролидек бўлган уйларининг шу сингари нафратли назар, кўролмовчилик қуршовида қолишига парво ҳам қилмади. Яйловдаги моҳир ўланчилар, сан'аткор ёшларни йиғиб келиб, ҳурматлаб, қадрлаб кутаётир. Уйин-кулги сан'атига берилганларнинг ўртасида бирнеча, кўп қадрли меҳмонлар бор. Бошқа элдан келган меҳмонлар. Булар — ҳозир тўрда, кўрпача устида катта-катта оппоқ ястиқларга ёнбошлаган сол-серилар.² Буларнинг ичидаги кўзга кўринган, яна мажлис аҳлига қадрли, севиклиси — мана шу жарангла-тиб дўмбира чалаётган ўрта бўйлик, қипқизил мағиздек, пешонаси кенг, икки юзидан пур томган йигит. У, — Сари-Орқага донғи кетган, бутун Ўртаюзин³ бебаҳо сози, гўзал куйлари блан ўзига мафтун этган Биржонсол.

Тўбуқтига олисдан, Кўкшетовдан келган, ғоят қадрли ноёб меҳмон. Ўзи ҳам шоир, ҳам ашулачи, ҳам бастакорлик фазилатларига молик бўлгани учун сол деб атала-

¹ Желек — келинчаклик лаккиси.

² Сол-серилар — бастакор, шоир, ашулачилик фазилатларига эга бўлган одамлар. Булар рангба-ранг кийимлар кийиб юришарди.

³ Қозоғистон Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар учга бўлиниб, ба'зан Улуғ юз, Ўрта юз, Қичик юз деб ҳам айтиларди. — *Ред.*

диган Биржон. Эгнида кенг, яланг қават қора бахмал тўн. Оқ яктагининг устидан сарғиш хитой товаридан камзил кийган. Бошидаги зар дўпписининг попуғи аста силкиниб турарди. Мажлис аҳли унинг гўзал, ўйноқи куйини эриб ўтириб тинглаётган пайтда, олийжаноб ашулачининг ўз юзи ҳам хиёл қизил товланиб, нурланиб кетди-да, ўзи ҳақида:

Қўжағулнинг боласи — Биржон солмаи,
Юртимга зиёним йўқ, юрган жонмай.
Ўзим қатор кишига бош эгмайман,
Ўзим шоир, ўзим сол, кимга зормап...—

деб, куйлайбошлади.

Ашулачининг «Биржон сол» деган шу ашуласи ўзининг нафис, сирли сози блан бошланганда — мажлис аҳлининг ичида нафас ҳам олмай қотиб тинглаган кишининг биттаси Абай эди.

Абай ўзининг қадрли оқин, ҳурматли меҳмонига тикилганича ўтирарди. Оқ-қораси ҳали ҳам тиниқ, беғубор, қийғоч кўзлари катталашиб, алланечук бўлиб термулганича боқарди. Лекин ҳозир киприк қоқмай тикилгани блан, бу кўзлар куйловчининг юзини кўраётган кўзлар эмас. Куйни, ундаги сўзларни, сан'аткорнинг ўзини — ҳаммасини бир қўшиб, бир бутун хаёлий манзарадек кўз олдида келтириб, ўшанга боқаётган кўзлар.

Абай, ўзгача та'сирли куй блан кўп ма'қул бўладиган ашулаларни тингларкан, куйланаётган сўзлар қаторида яна бир ўзгача дунёларни ҳам ўйлаб кетарди. Кўз олдида ҳаёт, хаёлий манзаралар, воқиа тошқинлари, яратилиши, емирилиш тўлқинлари гавдаланиб, ўшанга кўмилиб кетарди.

Ҳозир ҳам мана, ма'лум юксак ғояси бўлган куй, олийжаноб ўланчини шу ерлардан айириб олиб кетди. Аллақайларга, йироқларга олиб кетди. Кенг яғринлик, барваста келган, жаранглаган баланд овозлик оқин, саҳронинг ажойиб баҳодирига айланди.

Ўша баҳодир, сан'ат баҳодир, Сари Орқанинг энг буюк чўққиси Қўкшетовнинг бошига чиқиб олиб, бепоеъ Сари Орқага, саҳронинг салқин тепаликлари, тиниқ суали кўлларнинг бўйини қароргоҳ этган эллар — халқларга кўз ташлайди. Зўравонлари кўкрак кериб, мағрурлари гердайиб, кўпчиликлари халқи охи-зор чекиб ҳаёт кечираётган бепоеъ далалар, тепаликларга кўз ташлабгина қўймай, ун қотаётир. Куй блан сўз қотаётир. Жанговар нидо' сингари,

улуғ вужудидан қайнаб чиқаётган баҳодиропа куйини тўкаётир.

«Мен келаётирман! Мен — сан'ат келаётирман! Танимай кўрчи, англамай кўрчи! Суяк-суягинг бўшамай, томир-томиринггача эрмай кўрсинчи!..» деб, бош эгдириб, куй тўкаётир, куй эмас, порлоқ нур тўкаётир. Оламдан ёвузликни, жабр-зулмни ҳайдаб кетиб, ер юзини, Сари Орқанинг устини ҳамма офат-фалокатларидан тозалаб кетаётгандек туюларди... Куй парвоз қилиб, кўтарилиб кетганда Кўкшетовнинг қалин қарағайлари — ўланчининг бошидаги зар дўппининг ипак попугидек чайқалиб бориб, ёпирилиб, бир томонга энгашиб йўл берар, бош эгарди... Сари Орқанинг қоронғи туши ҳам, мана шу оқиннинг эғнидаги қора бахмалнинг сиртидек мулойим, шафқатли кечага айланади... Шу чоғ халқнинг юзида ҳам шу оқиннинг сиймосидаги сингари порлоқ нур акс этади. Халқнинг юзида, шу куйлаётган оқин чехрасидаги мулойим табассум сингари шодлик кулгиси кўринади Абайнинг кўзига.

Мажлис аҳли жони-дили блан оқинни олқишлаётган экан... Куй тамом бўлипти. Фақат Абайнинг хаёлигина узилмай, энди охирига етиб қолган экан. Унинг қинидан чиқиб кетгудай бўлиб ўт сочиб турган ўйчан кўзлари оқиннинг юзига тикилганича қотиб турарди.

Абайнинг а'зойи бадани ивишиб қолгандек кўринди. Ундаги ҳолатни ҳаммадан олдин сезган Айгерим эрининг тиззасига суялган киши бўлиб, тирсаги блан хиёл қўзғотиб, астагина кулиб, уйғотди... Абай ялт этиб Айгеримга қараб эси-ҳушини йиғиштириши блан ўзи ҳам кулиб юборди. Лекин ранги қум-қуйт ўчган, нафаси қалтираб чиқаётганди. Унга шунчалар диққат қилиб, аҳволини англаб турган зийрак Айгеримдан хурсанд бўлиб, қараб турди-да, сўнг Биржон томонга ўгирилиб:

— Бошқасининг нима кераги бор, Биржон оға! — деб, сўз бошлади, меҳмонга шодланиб қараб, — сан'атиға кўпчилик иқрор бўлган оқинлар ҳам бор. Тилини безаб, жонини фидо қилиб, тиланчилик блан бойларни соғиб, сўзининг қадрини тушириб юришарди. Номига ўланчи бўлишса бас. Қимнинг бўлмасин ҳайбаракаллагиси бўлиб, кўринган мансабдорға елпатаклик қилиб, куйининг қийматини тушириб, бир отим носвойдек арзон қилиб юборишган. Сен куйни бўсағадан юқорилатиб тўрга чиқардинг, шунгагина қувонаман. Сенда нақадар буюк фазилатлар борлигига шунинг ўзи шоҳид! — деди.

Биржон, қулоқ солиб турди-да, хурсанд бўлиб, қаддини ростлаганича:

— Ҳа ўлма, куйлаш мендан-у, тушунтириш сендан бўлса қани энди, Абай!— деди. Айгерим ҳам, бошқалар ҳам уларнинг гапига дув кулиб юборишди.

Эрталабдан буён катта дастурхоннинг уч четида дам-ба-дам шопириб қуйилиб турган қимиз бироздан бери ичилмай қолган эди. Ҳозир Эрбўл, Мирзағул, Успон уччови уч томондан яна шопириб, заранг косаларни меҳмонларга тутабошлашди. Куй тамом бўлгач, мажлис аҳли чекка-чеккада гангур-гунгур гап бошлаб, кулги кўтарилиб турди.

Абай ҳалиги фикрини охирига етказмоқчи бўлиб:

— Йигит деган бой-кибор бўлиш блан қадр топавермайди! Ласқатли бўлиб, ўша лаёқатини ишга солабилан орқасидагина қадр топади. «Сан'аткор бўлсанг — юксак бўл» дейдилар-ку, Биржон оға. Қашшоқ бўл, камбағал бўл, у нуқсон эмас. Сан'аткор оқин, зўр ўланчи бўлсанг халқнинг кўнглидаги дардини ифодалаб, кўз ёшини тийсанг, сендан улуғ, сендан қадрли одам бўлмаслиги керак!—деб Абай ёнида ўтирган Айгерим блан иниси Амирга қаради, гўё шуларга айтаётгандек.

Бу мажлисдаги Тўбуқтин ёшларининг ичида ёши улуғ бўлган Бозорали кулиб жавоб қилди. У ҳам қадрли меҳмонлар қаторида, тўрда ўтирарди. Абайга қараб ҳазил қилиб:

— Бу гапларинг ҳақ гап, Абай. Йигитнинг қадри-қиммати, исте'доди блан ўлчансин! — деб, ҳушчақчақлик блан гапни чертиб-чертиб бошлади,—шошмай тур, гап шу! Хўш энди мен нима деган эдим?! Ҳа, менинг бор айтадиганим, Тўбуқтиннинг бор одамига англатишга уриниб юрган гапим ҳам шу эмасми эди, вой, омон бўлгурей! Қашшоқ-лигимга қарама, одамгарчилигимга қара, дер эдим-ку? Оббо хумпарей, сени гапга анча тушунадиган йигит деб юрсам, сен ҳам шундай юзаки ўйлар эдингми, Абай? Сенга шу гапни уқдириш учун ўша Кўкшетовдан, ўша Сарин Орқадан Биржон оға келиши керак эдими?— деб, чеҳрасида қувноқ ҳазил акс этгани ҳолда хандон ташлаб кулиб юборди...

Бозоралининг беғубор ҳазили Биржон блан унинг ҳамроҳларидан тортиб, мажлис аҳлининг ҳаммасини кулдирди.

Абай ҳам кулиб туриб, гапни илиб кетди:

— У ку, тўғри-ку Бозеке, ҳаммаси тўғри! «Қашшоқлигига қарама, одамгарчилигига қара», деганда, Тўбуқтидан ёлғиз сени кўрсатса бўлади. Лекин, ҳозир гап исте'дод устида кетаётир. Биз, бир тоифа Тўбуқти деган элнинг ёшлари эканлигимиз рост. Ёшлари — сиз блан биз, лекин бизлар исте'додли йигитларми? Ана шу исте'додга келсак, сиз блан мен — халқнинг хотирида қолгудек нима қилдик, ўрناق бўларлик иш қилдикми? Тенгдошларимиз ичида қандай хизмат кўрсатдик?!— деб Абай товушини барала қўйганича жиддий вазият блан шу саволни ташлади-да, бир нафас жим бўлиб, ўтирганларга бир қур қараб чиқди. «Мен ўз исте'додимни кўрсатдим», «Мен меҳнат қилдим» дегудек одам чиқмади. Шундан кейин Абай Бозоралига тикилганича астагина, салмоқли товуш блан:

— Бозеке! Сиз блан биздан халқ: «Ёш бўғиним», «янг-явлудим», деб умид қилади. Бизлар ҳам бирор сан'ат қолдирадиган кишидек, умидвор қилиб юрибмиз. Қани энди тўғрисиини айтиб, ҳақиқатга келайлик-чи! — дейиши блан Бозорали ўтирган ерида бир кўзғолиб қўйиб, кулим-сираганича гапни илиб кетди:

— Қани шундан кел, тўғрисиини айтасанми, ҳақиқатини айтасанми, муддаонгни айтчи!— деб, хиёл олдин сурилди.

Абай ҳали гапни тамом қилмаган эди. У ҳам қимизни кўтариб юбориб, қизишиб олди-да:

— Бозеке!—деди жиддийлик блан. Бозорали синовчи назар блан Абайга тикилганича қараб турди.

— Сиз блан биз халқни умидвор қилиб қўйдик-ку. Лекин улар кутган нарсани берганимиз йўқ. Биз сирти силлиқ беэҳсон човкарми? Йўрғаси қаттиқ, лекин ўзидан насл қолмайдиган қисир бедовми? Ҳамма гап шунда эмасми?— деди.

Бозорали танглайини қоқиб, бошини чайқади-да:

— Бозорали бундай гапни айтмаган эди шөкилли. Мен бу ўйинда йўқман. Менда йўқ фазилатларни излаётирсан. Энди, Бозорали йўқни йўндирадими!?— деб, четга қараб кулди-да, ястиғига ёнбошлади. Абайнинг саволига жавоб йўқлигини ёшларнинг ҳаммаси англади. Бозорали на оқин-у, на ашулачи. Ўтирганлар гапнинг тагига тушуниб, кулиб қўяқолишди.

Абайнинг бу гаплари Биржоннинг сан'атини юксакларга кўтариб, ўз элининг ёшларига «бу биздан ортиқ!» деган фикрни англатди. Буни шунчаки ёлғондан номус

қилиб эмас, софдиллик, самимийлик блан айтиши Биржонда янги бир ҳис уйғотди.

Биржон яна дўмбирасини жаранглатиб чалиб турди-да, «Жонбўта» деган куйни куйлаб юборди. Ешлар бу куйнинг нима учун яратилганлигини, Биржоннинг кўксидаги қандай жароҳатларни очиб кўрсатишини билишарди.

Бу — Биржоннинг ҳали Абай сўзлаган «бойлар», «киборлар» дан бири ноҳақ савалаб урганини очиқ ифодаловчи куй эди.

Жонбўта ўзинг бўлис, отанг Қарпик,
Сакиз бўлис ичида ченинг¹ ортиқ,
Сен каби, Аза бойнинг югурдаги
Қўлимдан дўмбирамни қолди тортиб.

Тортса-да дўмбирамни берганим йўқ,
Тентакни югурдакдай кўрганим йўқ.
Қамчилаб, тўп ичида урган эди,
Номусдан во дарифо ўлганим йўқ.

Жонбўта, шуми эди ўлган ерим,
Кўкшетовда номусга қўйган еринг.
Бир бўлис фуқаросин, биров саваб,
Бормиди ҳеч қонуида кўрган еринг?..—

деди.

Дарди-ҳасратни айтиб, аламли ғуссаларни изҳор этиш. «Сен мени ҳаммадан ортиқ десанг, менинг кўксимни мана шундай алам, номус дарди босган; зўравонлар, ҳукмронларнинг қамчисининг изи, доғи босган» дейиш эди.

Бу — чуқур ғояли кўнгилнинг мунгли дарди: «назарингда мени камолот эгаси деб биласан, қани Биржоннинг ортиқлиги шуми?» дегани эди. Биржонга Абайнинг жони ачиди, юпатгуси келиб:

— Ўша Жанбўта, яна биттаси Азнабойми, ҳукмрон, золим деганлари. Бойлар, киборлар деганлари? Улар «тўнг бўйинлик блан қанчалик ваҳшийлик қилаётган бўлсалар ҳам Биржон оғамнинг мана шу «Жонбўта» деган ше'ридан кейин «Бўта»гина эмас «бута»дек ҳам бўлолмай, ер блан яксон бўлиб депсалиб қолгани йўқми?» — деди, қандайдир чуқур хаёлларга кетгандек.

— Азнабойлар бу ерда бугунгина азнашаётгандир². «Ер тангриси менман» деяётгандир. Лекин, эртага улардан из ҳам, зарра ҳам қолмайди. Қолмаслиги турган гап!

¹ Чен — русча (чин) сўздан бузиб олинган, «мансаб» ма'носида.

² Азнаш — янграш, гуркираш ма'носида. — *Ред.*

Ушанда Сари Орқанинг атрофидаги Атиғай, Қоровул, Керей, Уоқ уруғларининг тарихида сенинг номинггина қолади. Яна ўша ёвуз Азнабой, ҳукмрон Жонбўтанинг юзига улоқтирган калтагинг қолади. Кейинги наслларни улардан жиркантирадиган иснод тамғаси, кетмас доғ бўлиб қолади. Иложи йўқ. Албатта қолади Биржон оға!— деди.

Бу гапларни ёшларнинг кўпчилиги тушунаолмаган бўлса ҳам, эси-ҳушини тутганларнинг ҳаммаси қувватланди. Айниқса тўрда ўтирган Бозорали, Жиреншелар ма'қуллашди.

— Номи қолгани шу эмасми. Шу ерда ўтирган, ўланчи бўламан деб юрган, юрагида ўти бор ёшларнинг ҳаммаси икки ойдан бери эргашиб юриб, Биржоннинг куйларини ўрганишди. Энди ундан ўрганиб олганларини асти унутмас. Шу куйларни унутмагандан кейин, ўргатган, та'лим берган Биржонни унутадики? — деди Жиренше, шундай пайтларда билинадиган зийраклиги, хуш фаҳмливига бориб, Абайнинг ҳалиги гапини илиб кетиб яна ҳам очикроқ ифодалади. Шунинг блан ўз сўзига далил келтирмоқчи бўлгандек, Амирга қараб:

— Мана, айтайлик, Амирнинг кўнглида Биржондан устун турадиган сан'аткор борми?— деди.

Ҳамма бирдан Амирга қаради. У дўмбирасини аста чертиб, Биржон ўргатган «Жийирма бес» куйини машқ қилаётган эди.

Биржон ёш йигитнинг илҳоми келиб турганини пайқагандек бўлиб:

— Қани, шу куйни бир олиб юборчи!— деб оға буйруқ қилди.

Амир тортинмади. Фақат оппоққина юзи хиёл оқариб кетди-да, янградиб куйлайбошлади. Овози нафис, ажаб ёқимли, тиниқ экан. Биржон ўргатган йўлни бузмасликка тиришиб, зўр ихлос блан қунт қилиб айтаётир. Сўзларини ҳам куй блан бирга Биржондан ўрганган эди. Яқиндагина Зилқоро чиқарган бу гўзал «Жийирма бес» куйи ҳали Тўбуқти эли эшитмаган тўлқини, ажиб сози бўлган, бутун томирларига қадар та'сир этадиган куй эди. Сўзлари ҳам ёшларнинг юрагига ўт ёқадиган сўзлар эди.

— Бериб кет узугингни мис ҳам бўлса,
Юрайлик, ўйнаб-кулиб, қиш ҳам бўлса,
Этигингни ечгин-да, пайпоқчан кел,
Пешонамдан кўрайин ушлаб олса...—

деб, эркалик блан тўлғаптириб кетганда Бозорали ястиқдан бошини юлиб олди. Сўлим чехрасида иссиқ тошқиндек қон ўйнаганича:

— Оҳ, ўзим ўргулай ўша қиздан! Жовдираб турган қора кўздан, кўраманми сени ё мен бетоли' кўрмайманми!— деб, ўтиртанларни дув кулдириб юборди.

Биржон Бозоралининг юзига тилакдошлик блан дўстона назар ташлаб:

— Бозеке, у нима деганингиз! Кўраманми деганингиз нимаси? Уша қора кўз, Болбола бўлиб ёнингизда ўтирти-ку!— деди. Бозоралининг ёнида Болбола деган бир нозанин, бўйи етган қиз ўтирган эди. Биржон шундоқ дейиши блан Бозорали ялт этиб қизга қараб:

— Э, тавба, шундай деиғ? — деб, жўрттага шўхлик қилиб, Болболага қарай қолди. Унинг бу қараши занжирбанд, қирон бургутнинг қалпоғи тагидан мўралаб, ёнидан ўтиб кетаётган мушукка қарашига ўхшарди... Утирганлар яна кулиб хурсанд бўлган пайтда, Болбола ҳам ялт этиб Бозоралига бир қараб қўйди. Қирин ўтирган еридан порлаб турган қопқора шахло кўзлари яширин бир нигоҳ ташлади. Катта-катта кўзларига ярашадиган ғамзали нигоҳ эди. Ўнғайсизланишдан юзларига қон югуриб, хиёл қизариб кетди. Тортиниб, жиддийлик блан қошларини чимирганича жилмайиб қўйди... Оппоқ чиройли тишлари хиёл кўриниб кетдию, яна яширинди. Бозорали Болболанинг кўзига кўзи тушганда гуноҳини бўйнига олиб, тавбага келгандек бўлди. Лекин бу ҳолатни талантли артистдек шу қадар жойига қўйиб, усталик блан ўйнаб берди.

— Тавба! Тавба! Куфурга кетган эканман-ку... Тфу, тфу, тфу,— деб тупуринган бўлди. Болбола томон бошини эгдию, яна ялт этиб ўтирганларга қараб:— шу ерда экан, бор экан-ку нозанинлар!— деб қаторда ўтирган гўзал қиз-жувонларни бир-бир кўздан кечириб чиқди.

Биржон ҳам Болбола ўнғайсизланмасин, яна бошқаларнинг кўнглига гап келмасин, деб Бозоралининг оғзидан гапини олди.

— Куйлашни ҳам билди, гап-сўзлари ҳам жойида, куйласа овози ширалик, ипакдек мулойим яхши шогирд, яхши ишиларим одоб блан ўтириштипти-ку?— деди.

Биржон «қизлар», «сингиллар» деган гапларни жўрттага ишлатмади. У сўзларни ишлатиш одобдан бўлмайдигандек, дағалроқ кўринди. Яна оғалик ҳиссини ифодалаб,

жигарларча гапирди. Шу ерда ўтирган бирнеча сан'аткор гўзал қиз-жувонларга бир-бир қараб қўйди. Номлари тилга олинмаса ҳам, ҳурмат билан назарда тутганлари ўзи билан Абай, Бозоралиларнинг қаторида ўтирган Болбола, Керимбола, Умитей, Айгеримлар эди.

Ма'ноли сўз қотган Биржон, ундан ҳам ма'нолироқ қилиб кўз ташлаганида, ҳалиги хушфаҳм қиз-жувонларнинг юзига бир бошдан дув этиб нафисгина қизғиш нур югурди. Бамисоли: эрталаб тундикни очиб юборилганда, уйга чарақлаб тушган қуёш нуридан шоҳи чимилдиқ, дуроя жўрпа, бахмал чойшаблар ҳархил товланиб, гулгун ёниб, яшнаб кетгандек бўлди. Ёш қиз-жувонларга Биржондек кам учрайдиган оға, моҳир сан'аткордан эшитган мақтов ҳам шу зайл та'сир қилди.

Уйда ҳазил гаплар ҳам, мулойим, ёқимли кулгилар ҳам эшитилди.

Бир-бирига ҳурмат билдириб ўтирган ёшлар сиймосига, мажлисга яна ҳусн киргандек бўлди.

Абай билан Айгеримнинг бу сафарги меҳмонлари ҳақиқатан ҳам Тўбуқти ёшлари ичидаги энг сан'аткор, энг заки ёшлар эди. Қунанбойнинг овули ўтирган Борлибой суви бўйига Ирғизбойлардан, Тўрғай, Қотибақ, Жигитеклардан, улардан ҳам йироқдаги Бўкенши элларидан қиз-жувонлар, ёш йигитлар икки кун олдин зиёфатга таклиф этилган эди.

Абайнинг ёнида ёш йигитча — иниси, Қудайбердидан қолган ўғил Амир ўтирипти. У ҳамроҳлари билан келаётганида, гўзал Умитейни ҳам олакелган эди. Бозоралининг ёнида ўтирган Болбола — Анет элининг қизи. Буни ҳам зиёфатга бир гала ўртоқлари билан айтилган.

Бўкенши элидан Сугирнинг Акимқўжа деган ўғли айтилган. У ўзининг синглиси Керимболани, Бозоралининг ўланчи иниси Уролбойни олакелган.

Бу ёшларнинг деярлик ҳаммаси сан'атга ишқибоз, ҳаммаси ҳам яхши ўланчилардан. Булар аввал ҳам Биржоннинг мажлисидан баҳраманд бўлиб юрганлар.

Бундан икки ой аввал, Абай Тўбуқти ерига келган Биржоннинг дарагини эшитиб, Амирни юборган эди. Абайнинг яхши кўрадиган акаси Қудайберди ёшгина вафот қилганда, ундан етим қолган бешта боланинг ўртанчаси Амир эди. Қудайберди рози-ризалик тилашаётганда, Абай унга: «Болаларингга оталик қилиш менинг бурчим, етимлигини билдирмасман» деган эди. Айтгандек,

Абай ўшандан буён Қудайбердининг болаларини ўзи блан туғишган Ўспондан ҳам, ўз болаларидан ҳам кўпроқ эркалатарди.

Амир бўлса, ўша болаларнинг ичида ўланчи, сан'аткор бўлиб келаётир. Шўх, қувноқ йигит. Ўзи ҳам жўшқин илҳоми қайнаб чиқишига умид туғдирадиган ёшлардан. Тилакдош оғаси Абай бўлса, асти унинг ра'йини қайтармас, ким бўлмасин уни хафа қилишига йўл қўймасди.

Абай, Амирни Биржонга юборганида, айтиб кел, деб юбормай: «Боргин, чин сан'аткор бўлса элга таклиф қилгин, яйраб ўйин-кулги қилинглар. Ёшлар сан'ат ўргансин, ўрнак олсин. Мен ҳам кўмаклашаман...» деб юборган эди.

Амир элнинг четидаги овуллардан бирида Биржон блан учрашиб, икки-уч кун бирга бўлиб, ўз элларига таклиф қилди-да, ўзи ўтов тикдирмоқчи, уларни соллик йўсини блан яхшилаб кутиб олмоқчи бўлиб, олдин йўлга чиқди. Ҳаялламасдан Абайнинг олдига келиб, олган ўзгача қизгин таассуротини чеҳрасида акс этдирган ҳолда айтиб берди.

Абай шундан кейиноқ Биржонни Амирнинг меҳмони сифатида Қунанбойнинг шу катта овулида кутиб олди. Мана икки ой бўлди. Биржон Амирга эмас, Абайга ҳам кўп ма'қул бўлди. Иккови қадимдан мунғдош дўстлар сингари тезгина топишиб кетишди.

Абай Тўбуқтидаги ўланчи йигит-яланглари, қиз-жувонларни ҳозиргидек бирнеча бор ўз овулига йиғдирди. Уларни Биржон блан таништириб, уларга оқин ўланчининг фазилатини, қадри-қийматини билдириб, анчагина қизиқ мажлислар қурди.

Биржоннинг куйлари, ўланларини ўрганиб, қадрига етганларидан кейин кўп овулларнинг ёшлари Биржон блан Абайни ўз овулларига таклиф қилиб, ўйин-кулги ўз-ўзларидан давом этган кечалар, кундузларни ўтказишганди.

Биржонлар Амирнинг, Умитейнинг ҳам меҳмони бўлишди. Сугирининг кўп нозанин, бўйи етган ўланчи қизи, Керимбола блан Акимқўжанинг зиёфатида бўлишиб, бу меҳмондўст овулда кўп иззат-икромлар кўришди. Қайта келаётганларида, Бозорали блан Ўролбой уларни Жигитек овулларида ҳам кўп ерларга олиб бориб, бирнеча кунлар зиёфатлар қилишди. Жигитек, Бўкенши элларининг ёшлари доимо биргалашиб кутишди.

Шундай қилиб, Биржонлар кетадиган пайт етганда, Абай мана шу тўрт уйни, меҳмонлар блан хайрлашув зиё-

фатига атаб тиктирган эди. Меҳмонларнинг кўпчилиги бугун тушлик овқатдан кейин жўнаш ҳаракатида. Сабаби, эртага Биржонлар ҳам ўз элига жўнашади. Шунинг назарда тутиб Бозорали, Эрбўл, Жиреншелар Абайга: «Қадрли меҳмонлар, бир кеча холироқ қолиб, тиниқиб олишсин» дейишди. Абай ҳам шунинг мақул кўрди.

Шундай қилиб, бу зиёфат бутун ёз бўйи қадрли оға, катта устоз бўлган Биржон билан Тўбуқти ёшларининг хайрлашадиган зиёфати эди. Шунинг учун ҳалиги Амирга «Жийирма бес» куйини айтдириб, синов тариқасида тинглаганларидек, бошқа ёшлар ҳам бир-бир янги куйни куйлаб, ўз сан'атларини кўрсатишлари керак эди.

Амир куйни тамомлаб, ҳазил-аскнялар тўхтагандан кейин Ўролбой дўмбирани жаранглатиб чертганича ёнида ўтирган Керимболанинг куйига жўр қилди.

Керимбола Абайнинг кўзига қадрдондек жуда иссиқ кўринарди. Ёш қиз экан, Абай билан Тўғжон ўртасидаги алангали ҳисларнинг озми-кўпми шоҳиди бўлган эди. Мана ҳозир у ҳам катта бўлиб, бўйга етган. Ўзи бой овулнинг эрка ва эркин ўсаётган қизи. Бўкенши, Жигитек овуллариининг ягона қувончи бўлиб, ардоқланиб, ҳозиргача узатилмай келаётир. Овулнинг шодлиги, яшнатиб турган сўлмас гули сингари хушфе'л, гўзал қиз, қариндош-уруғ бошига қўядиган ёшлардан бўлгани учун Сугирнинг ўзи ҳам, айниқса Акимқўжадек жон-дили ўйин-қулги бўлган оғалари ҳам уни Қоракесекдаги унашиб қўйган жойига узатишга унча ошиқмас эди.

Керимбола ҳозир бу ердаги Тўбуқти қизлари ичида ўтириб қолган қизлардан. Лекин овулнинг, ота-онасининг, ўзининг ҳам ша'нига иснод келтирарлик иш қилган эмас. Сугирнинг узатмай олиб ўтиришига ҳам, унинг шу сингари ўзгача фе'ли сабаб бўлган эди.

Қосасидан хиёл қабариб чиққан катта-катта қўй кўзли, оппоқ, гулгун юзли, сочлари узун Керимбола ғайратга, ўзини тутабиладиган, ажиб оғир табиатга эга. Бу фазилатлар уни ҳам кўркем, ҳам ўзгача гўзал қилиб кўрсатарди.

Керимбола ҳам ўзи хуш кўриб Биржондан ўрганган куйни куйлади.

Бу ҳам Тўбуқтига Биржон келтирган эски бир куй. Биржон сингари бирнеча оқинининг оғзидан-оғзига ўтиб пухталаниб кетган, нома'лум бир бастакор чиқарган «Севгулим» деган куй. Керимбола:

— Севгулим сўргаймисан ҳолим мени...— деб, чўзиб бошлади. Бу куй шу ерда ўтирган ёш сан'аткорларнинг бир-бирига кўрсатаётган иззат-ҳурмати, суҳбатларининг нафис ифодасидек бўлиб тушди. Биржон блан Абай ҳам берилиб тинглашди.

Керимболанинг куйига ҳамоҳанг қилиб Уролбой ҳам «Гавҳартош» деган бир эҳтиросли куйни бошлаб юборди:

Бир-бир босиб, йўлни териб,
Кумуш исирганг, чўлпингни силкинтириб.

Жаранглаган овозли, оппоқ, гўзал йигит айтаркан, бу куй янги бир сир кашф этгандай бўлди. Айниқса Уролбойнинг айтишида ўша ўзи тасвирлаётган «чўлли таққан» нозанинга мафтунлик, Сорлиғи блан ўшанинг шарпасини ҳис этаётгандек ҳарорат бор эди.

Мажлис аҳли Уролбой куйлаган қўшиққа завқ қилиб тўяолмай, унга тикилиб қолди. Биржондан олдин Керимбола бир кулиб қаради-да, билакузуклар таққан оппоқ қўлини бироз кўтариб, сиполик блан:

— Жуфт бўлсин!— деб қўйди.

— Жуфт бўлсин! Жуфт бўлсин!— деди Биржон ҳам ихлоси ошиб... ўланчи аввалги бандининг охирини узмай, яна ўша ёқимли товуши блан янгратиб, тўлқинлатириб кетди:

Дар'ёнинг ул юзида кўрдим сени,
Исиргангни қайиқ қилиб ўтказ мени.
Исиргангни қайиқ қилиб ўтказмасанг,
Бўлсанг-да, ҳурнинг қизи, кўрмам сени.

Йигит нозли тилак айтаётир. Дўст юрагига ишонади... Интиқлик блан эркаланади. Қуёш нури остида керилиб эркаланаётган шербаччага ўхшайди. Уз қалбидаги ўтга, унинг қалбидаги ўтга ҳам шодланиб ишонади. Бусиз ёш йигитнинг шодлиги—шодликми? Эркалат-да, эркалан. Ўт блан ўт туташиб, ягона алангага айлансин.

Ўтирганларнинг ҳаммаси, айниқса Бозорали, Жиренше, Абай сингари ёши каттароқлар завқланишди. Керимболанинг юзидаги қизил тўлқинланиб гул-гул ёнади. Ёқимли товуши блан астагина кулиб Айгерим қизаради.

Пушти ранг лаблари орқасидан оппоқ гўзал тишлари кўриниб, яна яшириниб, Болбола жилмаяди.

Умитей ўз ёнида ўтирган, ўланга моҳир гўзал йигит Амирдан кўзларини ололмайди.

«Шу-да! Бундай ҳисларни тортинмасдан ўрнига қўйиб айтадиган фақат шу Амир-да!» дейди ичида. Пешонаси кенг, оппоқ пахтадек гўзал қиз Умитей, этини ивиштириб, титроқ бостирган бир тўлқинга берилгандек бўлиб, ҳиринглаб кулади.

Дўмбира ўтирганларни айланиб, куйлаш навбати Умитейнинг ўзига келганда, — кўп илтижо қилдириб ўтирмай «Баян овул»ни бошлаб юборди. Амирнинг дўмбираси жўр бўлди. Астагина чертилиб, мунгли садо чиқараётган бўлса ҳам, ўзгача жўшқин, тилакдош, ҳамоҳанг бир куй янграрди.

Баян овул бошидан булут кетмас,
Қовдаги тулкига қушим етмас.
Оқ ўтовнинг ёнида отлантириб,
«Хўш, жонгинам» деганинг эсдан кетмас.

Умитей бу куйнинг сўзларини шубҳали орзудек, ғоят махфий сирдек қилиб айтди. Шунинг учун бу сўзлар, бу ооз илгари эмас, биринчи марта шу ерда айтилаётгандай сезилди. Ҳилолдек, қилдек нозик, лекин очиқ изҳор этилаётган дардга эга бўлган қалб садосидек бўлиб чиқди.

Мана шу камчат телпакли, тилла исирғали, зўр нафосат блан кийинган гўзал қиз бу куйни айтиб бўлганида, юзидаги ниҳол қизиқи ўчиб, ранги оқариб кетди. Ўнг юзидаги қопқора хол аниқроқ библиниб бориб, яна ўз ҳолига келди.

Мажлис аҳли унинг куйини ҳам эриб ўтириб, берилиб тинглади...

Умитей куйни узилтириб, сусайтириб бориб: «Шунинг блан тамом» дегандек бошини кўтарди. Тикилиб, бўсоғадан тўргача ўтирган-турганларга бир қур назар ташлаб, яна тиниқ овози блан кулиб юборди.

Умитей ўзи айтиб бўлиши блан ёнида, ўнг томонидан ўтирган ёшгина янгаси Айгеримга қараб:

— Қани, навбат куйнинг асли агасига ҳам келиб қолптику-а! Энди ўзингиз айтинг!— деди.

Унинг бу ҳазилидан кейин, ўтирганларнинг ҳаммаси Айгеримга қаради.

Четдаги уйлардан ҳали келиб остонага яқин ерда ўтирган қари-қартанг аёллар ҳам:

— Келин, келин айтади!— деб, ивир-шивир қилиб қолишди.

Айгеримнинг куйига ҳам Амирнинг дўмбираси жўр бўлиб, пастки пардалардан садо чиқариб «юр-юрлаб» сайраб турарди. Айгерим ўнғайсизланиб, қизаринганича Умитейга қараб:

— Кўй, азизим, кўй, менга тўғри келмайди...— деб, тортивиб астагина кулиб кўйди...

— Сенинг ҳам қатордан қоладиган ўрнинг йўқ. Ҳеч бўлмаса, овулингизда айтилиб юрган ўланлардан бир-икки оғиз айт!— деди Абай, ўзи ҳам жон-дили блан тинглайдигандек бўлиб. Биржон, Бозоралилар ҳам, Болбола, Умитейлар ҳам Айгеримнинг гўзал чеҳрасидан кўзларини олмай қараб туришарди.

Унинг гулгун юзлари, айниқса қийғоч келган қопқора кўзлари — аста унутиб бўлмайдиган кўзлар. Уша мулоҳим нигоҳли, ўйчан, нурли кўзларда ўзгача бир шу'ла порлайди. Энди етилган ёшлик чоғида, оппоқ юзли қора кўз аёлларда камдан-кам учрайдиган бу шу'ла ба'зан кўзнинг остида бир соядек товланиб туради.

Беғубор ма'сумлик, ниҳол ёшлик қисқа муддат сақланиб туриб, сўниб кетгандек — ўчиб кетадиган бир нишон.

Қора кўзли сўлимлар кўп, лекин, бу хилдаги жозибадор кўз аҳ'ёнда бир учрайди.

Абай Айгеримнинг юзидаги ҳечкимда кўрилмаган мана шу латофатига узоқ-узоқ тикилиб қарарди. Ичида: «Сурмадор кўз», «Наркас кўз» деб, шуни айтилса керак» деб ўйларди.

Мана шундай нур сочиб, порлаб турадиган кўзлари тўрдаги Болболага тижилганича, Айгерим куйлай бошлади. Куйнинг бошланишидаги чўзиқ оҳангнинг ўзи ҳам гўзал созга ўхшарди.

Ёш ёрига ён томондан қараб ўтирган Абай, яна Биржон куйлаётгандаги сингари ўзгача ҳис кучоғида тўлқинланиб, бир ажойиб хаёл дун'ёсига чўмиб кетди.

— Эй, биби розимни сенга айтаман...

Бундан кейинги сўзлар Абайнинг қулоғига киргани йўқ. Бор ҳисларни изҳор этаётган сўзлар эмас, оҳанг блан овоз... Бирқанча кумуш қўнғироқлар қўшилиб, бир садо бераётирми? Қандайдир, кўзга кўринмас оқ қанотли асл зот, кўк саҳнида қуёш нурига чақилаётирми? Зарра-зарра нур сочиб сирли самога, нома'лум сафарга чақираётирми?! «Қани, сенинг ғам асири, мажруҳ борлигинг! Бандда ётган юрагинг. Изҳор этилмай, пинҳон тутилган сиринг бор. Оч ўшани! Бор овозим блан юксакларга,

сан'атга чорлаётирман! Қаддингни буккан ёғир юкдан, мана бу девонавор ҳолингдан халос бўл!.. Шунда... шунда сени ҳам қалбингдан ана шу товланиб турган ипак рўмол ёпинган гўзалдек, қошингда ўтирган ёрингдек, шунинг наркас кўзлари, булбул сифат тиниқ овози, оппоқ томоғи, гулгун юзи сингари беғубор порлоқ сан'ат жўш уриб чиқади! Тортинма, буқинма энди! Мени ҳам бошла, ўзинг ҳам юксалиб, эркинлаб парвоз қил! Мана бу ғамзали қора кўзлар остига тўпланиб, қуршаб турган кўкимтир шу'лали соя сингари, ёшлик блан бирга сўниб кетадиган бебаҳо сан'атингни оч!».. деяётир. Кўпчиликка қараб куйлаётган бўлса ҳам, нозли тилакларини Абайга айтаётир.

Куй узилипти... Абай «Оппоқ иягинг нега ҳаракатсиз қолди!? Нимпушти нафис лабларинг нега ўша нозларингни такрорламайди? Оппоқ тишларинг нега ўша юракка ўт солучи қаторини яширди?», деяётгандек анчагача Айгеримнинг юзига тикилиб қолди...

Куйлаб бўлган Айгерим кулимисираб қимиз тутиб, Абайни яна ўзи уйғотди.

Абай қимиздан қўлини тортиб, косани олмай, қошларини чимириб туриб ўзига келди-да:

— Э, тав-ба-а-а! — деб кулиб юборди.

Узатган қимизни олмаган ёридан хижолат тортган Айгерим қизариниб, кулимсираб ўтирган эди. Абай эндигина фаҳмлаб, дарҳол унинг қўлидаги косага ёпишди. Яна бир қўли блан қаллиғини қучоқлаб, ипак рўмолининг устидан орқасини муҳаббат блан силаб-сийпалади.

Пойгакда ўтирган ҳалиги Ийс кампирдан бошлаб, кекса аёлларнинг ҳаммаси:

— Ўзим ўргулай, келинжон, ўвали-жўвали бўл!

— Худойим ҳамиша кўнглингни кўтарсин...

— Бу дун'ёдан асти кам бўлмай қўшиқ куйлаб ўт!— дейишди. Сўнгги олқишни Ийс эна айтган эди. Абай ялт этиб Ийсга қаради-да:

— Епирим, мана бу Ийс энамнинг олқиши қандай яхши-а! Қани Айгерим, бир омин дечи!— деди.

Айгерим алоҳида бир эҳтиром блан Ийс энага қараб:

— Омин, эна!— деб ўзи хиёл орқага сурилди-да, Ийсни ёнига чақириб қимиз тутди.

Айгеримнинг куйи Биржонни ҳам лол қилган эди. У, хушомад бўлиб тушади деган андишага бориб индамай қўяқолди.

Фақат Жиреншегина сабри чидамагандан:

— Эй, жонгинамей, бу Айгеримнинг томоғидан чиқаётган товушми ё сиҳишдан эшитилаётган товушми?— деб, ҳаммани кулдирганида, Биржон Бозоралига қараб астагина:

— Куйласа, Айгеримдек куйласа-да!— деди.

Чин сан'аткор ўзга ёшлар қаторида ўзини ҳам аямади.

Уй эгасининг куйлаши «тўй тарқади» таомилига ишорадек бўлди.

Овқат тайёр эди. Ҳамма қўзғолиб, пойгакдагилар овқатдан хабар олгани чиқишди. Шу тобда меҳмонлар ҳам айланиб келгани ташқарига чиқабошлади. Айгерим ўрнидан туриб, қимиз ичилган косаларни йиғиштириб олишни буюрди.

Шу онда, эшикка чиқиб кетаётган меҳмонларга қарши келиб, сиқилиб ичкарига кирган Қалиқа Абайнинг ёнига келиб:

— Телқора! Сени опанг чақираётир!— деди.

Абай Амир, Успон, Айгеримларга қараб:

— Мен кечикиб қолсам кутиб ўтирманглар! Меҳмонларга овқатни тортаверинглар,— деб чиқиб кетди.

2

Катта уйда Улжон, Ойғиз, Дилда уччови ўтирган экан. Шулар чақиртирган кўринади.

Рўмолининг тагидан кўриниб турган қўнғир сочи шу кунларда оппоқ оқарган Улжон, аввалгидек тўла бўлса ҳам, қариликка анча енгилгандек кўринарди. Юзлари сарғайган. Пешонасидаги ажинлари кўпайган, яна чуқурлашиб туташиб кетган эди.

Абай онасининг дун'едан ўтиб бораётганини, айниқса мана шу сўнгги йилларда унинг икки лунжига тушган иккита чуқур-чуқур ажинга зеҳн солиб, билиб юарди. Бу иккита чуқур из — гусса изи, қайғу-алам доғи.

Мана шу ажинлар ҳозир айниқса кўзга ташланиб турпти. Паришонҳол ўтирган онанинг юзини ёшларнинг ўйин-кулгига тўла ўтовидан келган Абайга ғазаблироқ қилиб кўрсатди. Индамай ўтирган онасининг юзиёқ Абайга «гуноҳкорсан, айблайман» деяётгандек кўринди.

Абайнинг кўнгли қўрқув аралаш озор ҳам топди-да, ўзининг устидан чиқариладиган ҳукми кутди. Лекин,

онасининг одатдаги меҳрибонлиги чеҳрасида акс этмаган бўлса-да, ичида аввалгидек экан!.. Гапга оғиз очиши балоноқ рўй берақолди.

— Абайжон,— деб астагина сўз бошлаб, Улжон ўғлининг юзига қаради-да,— ўй ҳам кўп, қайғу ҳам кўп ўйлайверсанг, ўй ҳам йўқ, қайғу ҳам йўқ ўйнайверсанг!— деганларидек, сен ҳам шу гапга рўя қилиб юрибсанми, болам?— деди.

Абай бу иборанинг тагида қанчалик оғир гап борлигини сезиб, тезроқ айтақолсин дегандек:

— Шундайдир-да, опа!— деб, бутун гавдаси блан онаси томон ўгирилиб,— нима эди?— деяётгандек, дамини чиқармай қараб қолди.

— Кекса отанг сафарга кетганига кўп бўлди... Домдарак йўқ. Зимзиё бўлди кетди, ҳамманинг кўнгли гап. Хали у ёқда нима гапу, бу ёқда нима бўлаётир?— деб бир нафас жим қолди.

Ойғиз гапнинг бу тахлитда бошланишига энсаси қотиб сабри чидамаганидан:

— Биз гапирмасак сенга ким гапиради? Бир марта эмас, бир кун эмас, бутун бошлиқ ёзни такасалтанглик блан ўтказганинг нимаси? Қимнинг кўнглига сиғай деб турипти? Ҳеч ўйлайсанми ўзинг?— деди.

Абай, бор гапни тўкиб солишсин деяётгандек чурқ этмади. Икки онанинг қаттиқ гапларидан жасоратланган Дилда энди гап бошлади. Жони халқумига келиб, тарс ёрилгудай бўлиб турган экан, қаттиқ кесатиб:

— Нимани ўйлайди? Ўйлайдиган аҳволдами, сиҳрижоду блан боши айланиб қолган-да. Ошиқ бўлиб олган ёру-жодугари ўланга уста бўлгандан кейин, жонини ҳам фидо қилиб ўшанга ёқишнинг пайида-да!— деди. Кўзларида газабли ёш томчилари пайдо бўлди.

Улжон бу хилдаги аччиқ-тиззиқ гапларни қайирмади аксинча устига устак қилиб:

— Овулдаги меҳмон фақат ўша сол-сери, қиз-қирқинлар эмас. Мана, Дилданинг онаси ҳам шу ерда. У ҳам онанг-ку, болам. Ўшанга ҳам қиё боқиб қарагинг келмайди-я. Қадрдон қудасини кутадиган отанг бўлса ҳам майли эди. Мени деб келган эмас-ку. Жон бор ерда қазо бор, кўриб, фотиҳа бериб келайин, деб сенинг учун келган. Бу гапларни ҳам хаёлингга келтирмайсан. Бошингни суқмайсан. Кимдан бегоналашиб, кимга оғиб кетаётирсан асти?— деди.

Алам ичида ёш тўкиб ўтирган Дилда гап шу ерга келганда тутоқиб кетиб:

— Иқирти чиққан қашшоқнинг қизи бўсағамни бо-сишга лойиқ эдими! Мана энди бошидан желагини олмай туриб ўзини йўқотиб, кечаю-кундуз ашуласини айтиб тепамда ўйин тушаётир. Гадойваччани бунчалик қутурти-раётган...— дейиши блан, Абай томоғини қаттиқ қириб ранги ўчиб кетди-да, газаб блан Дилдага қаради.

У уй, қуёш нурига мўл, ёрқин ҳаётнинг баҳор ойига ўхшарди. Бу уй ют келадиган йилнинг кузидек, қора бу-лутлар қоплаган совуқ изғирин эсаётган кузга ўхшайди.

Абай Дилданинг сўзини бўлиб:

— Бас қил Дилда, Тиленшидек бой отангдан сени кар-қулоқ қилиб туғдирган мен эмасман. Сени фаҳмдан, завқ-дан маҳрум қилиб яратган мен деб ўйлайсанми? — деди аччиқ койиб. Шундан кейин ҳам оналарига, ҳам унга жавоб тарзида,— менинг меҳмоним Биржон. У — Тўбуқти эли кўрмаган сан'ат эгаси. Элдаги ёшларни шайдо қилиб, жони-дили блан қулоқ солдираётган ёлғиз мен эмасман-ку. Биржонни кўрган ҳам армонда, кўрмаган ҳам... Ундан кўра, ана у Ақлбой, Абиш, Мағаш сингари болаларнинг ҳаммасини юбориб эшитдириб қолсангчи, сенда ақл бўл-са!— деди.

Дилда аввалгидан ҳам тутоқиб, бобиллаб кетди.

— Бормайди болаларим... Энди бир ками жодугар хо-тиннинг бўсағасидан мўралашми, отаси ҳаёт туриб тирик етим!..— деб, ўкириб йиғлаб юборди-да, отилиб уйдан чи-қиб кетди.

Дилда чиқиб кетгандан кейин ҳам Абай блан оналари бир-бирларига гап уқдиришаолмади. Бирқанча гина-куду-ратлардан кейин ниҳоят иккала онасининг уқдирилгани— ҳеч бўлмаса шу ўйин-кулгини Дилданинг уйида қилса яхши бўлмас эдими, демоқчи экан.

Ойғиз бўлса очиқдан-очиқ:

— Айгерим ошинмасин. Сенга орқа қилаётган бўлса, қилаверсин. Қаерда ўтирганини, Бойшўранинг қизи бўла-туриб қандай даргоҳга келин бўлиб тушганини биладими? Тушган ерига ҳам қарасин-да. Куйлаши бизнинг юзимизга оёқ қўйгандек бўлаётир. Бундан буён чурқ этмасин!— деди.

Бу — буйруқ, бузиб бўлмайдиган буйруқ.

Абай ичидан Айгеримга раҳми келиб, ҳалигидай адо-латсизлик блан қилинаётган зўрликларга қарши бўлса

ҳам, дамини чиқармади. Оналар буйруғи айтилди. Уни Дилда айтдираётир. Ўшанинг ўжарлиги, дағаллиги айтдирди. Абай шуни англаган сайин Дилдадан ранжиб, ичиндан қаттиқ хафа бўлди. Оналарининг бундан кейинги сўзларига яна дамини чиқармай ўтириб қулоқ солди-да, чиқиб кетди.

Ўз ўтовлари томон кетаётган Абайнинг орқасидан Ойғизнинг уйдан чиқиб келаётган Мойбосар чақирди.

Соқолига оқ оралагани бўлмаса, Мойбосар ҳали қипқизил мағиздек эди. Бу кунларда ўзини қўйиб юбориб, янада барваста, серсавлат бўлиб кетган.

У Абайни катта уйнинг орқасига, четроққа олиб бориб ўтқазди-да:

— Абай, мени ана у Тусипнинг хотини—меҳмон бўлиб келган қайнананг юборди. Атайин «сен айт» деди. Мендан айтдираётир, уқдингми?—деб, инисига совуққина назар ташлаб: — «Ким блан сўзлашаётганингни унутма», деяётгандек қаттиқ тикилди. Абай, Мойбосарнинг вазоҳатини эрмак қилаётгандек, бир ўқрайиб қаради-да, кулиб юборди.

Мойбосар парво қилмаган бўлиб, қовоғини солганича давом этди.

— Қайнананг бўлса илтимос қилаётир, мен эса буюраман. Мана шу Тусипнинг хотини кетганча Дилданинг уйида бўл. Айланиб Айгеримнинг уйдан чиқмайсан, бошқўзингни айлантириб қўйганми? Йўғ-а, қўш хотин олган ёлғиз сенми? Ота-бобонг, ҳаммаси олган. Олган бўлсанг энди таомилини ҳам сақла-да. Дилдадан бутунлай бегоналашиб кетдим, деб юрибсанми?— деди.

Абай ҳали ҳам уни эрмак қилишни қўймаган эди. Мойбосар гапини тамом қилгунча зўр-базўр қулоқ солди.

— Мойака дейман, шу...— деб чертиб гап бошлаб,— умр ўзади, ҳусн тўзади. Ба'зи соқолларга: «энди бас қил» дегандек оқ ҳам оралайди. Лекин, қараб турсам, ўшанда ҳам тийилмайдиган тил, қонмайдиган истак ҳам бўлар экан-да!— деди истехзо блан кулиб юбориб.

Йигитнинг кулгиси кор қилди шекилли, Мойбосар дарҳол тушуниб ўзининг сонига бир урди-да:

— Оббо, айёр замонанинг боласи-ей, тинкамни қуритдинг-ку! Эсингдан чиққандир, деб юрган эдим. Пайт пойлаб юрган эдингми?— деб хандон ташлаб кулди. Абайнинг ғазабини ҳам, истехзоли кулгусини ҳам ҳазилга

олиш блан сиртига юқтирмади. Яна сўзини ма'қуллашга тушди.

— Дилда сенинг ёринг эмасми? Ёки мен ножўя гап гапираётирманми? Ё русча китобларни кўп ўқиганинг учун, русларга ўхшаб иккита хотин олмайдиган бўлиб кетдим деяётирсанми?

— Бу масалага келганда рус бўлганим ма'қул, нима қилар эдингиз.

— Ийе, нима деб алжираётирсан ўзинг? Шунча болалари блан Дилда нима қилади?

— Дилдага менинг керагим йўқ. У менга нисбатан газаб блан кекдан бошқа ҳислардан ажралган...

— Хўш, шу блан жавобини бердингми энди?

— У болаларимнинг онаси. Яхши она бўлса, қадрдон дўстим бўлади. Унга қаноат қилмаса, ихтиёри ўзида! Йўли бўлсин... Гап шу!..— деб, Мойбосарнинг сўзини чўрт кесиб ташлади-да, ранги ўчиб, қовоғини солганича ўрнидан турди.

Мойбосар нима дейишини билмай, бир мудҳиш хабар эшитгандай, нимадир айтмоқчи бўлган эди, Абай:

— Қўйинг, бас қилинг шу блан. Бу менинг ўз ишим— қариндошлар корчалонлик қилмай қўяқолсин, аралашманг!— деб жеркиб, Мойбосарни оғиз очгани қўймади.

Шундан кейин Мойбосарга айтмоқчи бўлиб юрган бир гапни бошлади. У Мойбосарнинг хаёлига келмаган бошқа бир гап эди.

Абай оналарининг уйига келаётганида, йиғлаб юрган Бойсугирни кўрган эди. Болани юпатиб, етаклаб келаётган Боймағамбет Абайга Мойбосарнинг қилиғидан арз қилган эди.

Ҳозир ўша гап Абайнинг эсига тушиб қолди:

— Дарвоқи' менинг ҳам сизга айтмоқчи бўлиб юрган битта гапим бор. Қаттиқ ранжиб, азобланиб айтаман. Бойсугирни нега урдингиз? Ҳаёт блан ўлим ўртасида ғариб бўлиб отаси ётипти. Умуман бу овулнинг молбоқарларини нега урасиз?!— деди.

Абайнинг ранги ўчиб, ғазабидан тутоқиб бораётган эди. Лекин Мойбосар бу гапларни парво қилмаган бўлиб:

— Оббо, қўйсангчи энди! Молбоқарлар, чўпонлар ошишиб кетади. Тавбасига таяниб турсин. Ҳечқиси йўқ!— деб, аҳамиятсиз қолдиришга уринди.

Абай яна тутоқиб, қаттиқ-қаттиқ гапирабошлади:

— Йўқ, бекор айтибсиз, ошинмайди молбоқарлар. Қайси ҳол, қайси аҳволига ошинади? Икки кўзини чивин талаб ётган шўрликларда ошингудек ҳад борми? Бир эмас, икки эмас, ҳа деб бу овулнинг устида қамчи ўйна-таверманг!— деди.

Мойбосарнинг шу йил ёз бирнеча бор молбоқарларни савалаганини эсига олган эди.

Мойбосар бўлса бу блан ҳам паст келмай, гап талашмоқчи бўлиб турганда, Абай гап бермай, тўкиб солди.

— Нима! Сиз ҳукм юргузадиган етим гўдакларнинг овулими бу, ўзимиз ҳам бормиз, ёш бола эмасмиз. Бундан буён тинч юринг! Уриш у ёқда тўрсин, турта кўрманг кўшнилари. Энди биронтасини чертманг. Бўлмаса, хафалашиб қоламиз. Қаттиқ хафалашамиз. Унда мендан гина қилманг. Бугун Бойсугирни урганингиз ўзимни ургандан қаттиқ тегди. Билдингизми?.. Гап шу!— деди-да кетаверди.

Абай меҳмонхонага қараб кетди. Мойбосар бу ерда дамани чиқармай қолган бўлса ҳам, сиртдан бу овулдаги ўйин-кулгига хотима беришнинг чорасига киришган эди. Абайни оналарининг ҳузурига чақиртирганда, ба'зи меҳмонларга ҳам одам юборган эди. Сугирнинг ўғли Акимқўжага Мойбосарнинг ўзи: «овулда мирза йўқ, кўпчиликнинг кўнгли ғаш, Акимқўжанинг ўзи ҳам бяладику. Бу овулни қиз-қирқинга оёқости қилдиравермай, ўзи бош бўлиб тарқатсин», деб ётиғи блан айтдириб юборди.

Гўзал Умитей Ойғизга сингил ҳисобланади. Қора Ботир элидан Эсқўжа деган бойнинг қизи эди. Унга Ойғизнинг ўзи опаларча буйруқ қилиб: «энди бас, овулга кетсин» деб айтиб юборди.

Мойбосар блан Ойғиз шу тахлитда Абайнинг меҳмонлари тағига сув қояётганларини Абайга сездирди. Меҳмонлар ҳам кетиш ҳаракатига тушиб қолганликларининг боисини бир-бирларига айтишмади.

Овулдаги кўни-кўшнилари, молбоқарлар, бола-чақалари Абайнинг уйига йўлатмай, зириқтириб юрган Ойғизлар Абайга билдирмай шу сингари ҳаракатларни қилишди.

Шундай қилиб, Абай қайтиб келганда, кўп ўтовлардаги меҳмонларнинг отлари эгарланиб, кермаларда семиз-семиз югуриклар, бели бақувват йўрғалар, пишқи-

риб турган катта отлар боғлоқлик турган эди. Кумуш безакли эгар-жабдуқлар, эгарнинг устига солинган хил-ма-хил кўрпачалар овулнинг олдини яшнатиб турарди. Абай меҳмонларнинг бирданига жўнашига ҳайрон бўлса ҳам: «Эртага кетадиган Биржон тиниқиб олсин дейишаётган бўлса керак», деган хаёлга борди-ю, бошқа ма'но бермади.

Абай уйга кириши блан, сўнгги косалардаги қимизларни ичиб бўлган меҳмонлар хайрлашиб, Абай блан Биржонга сўнгги марта миннатдорчилик билдириб, ўринларидан туришди.

Тўп-тўп бўлиб, теварак-аврофга тарқаб кетаётган меҳмонларни Абай, Биржон, Эрбўл, Айгеримлар эшикка чиқиб кузатабошлашди.

Энг олдин бир тўп бўлиб Сарикўл, Қапа томонга қараб Акимқўжа блан Керимболалар кетишди. Уролбой ҳам улар блан бирга кетди. Умитейни олиб аскиячи, хушчақчақ йигит Мирзағул блан Пушантой томонга қараб Амирлар кетишди. У, жўнаш олдидан Абай блан Биржонни ўз овулига меҳмондорчиликка таклиф қилиб кетди. Эртага жўнайдиган Биржонларнинг қўниб ўтишига шу овул қулай эди. Унинг таклифи Абайга ҳам ма'қул тушди. Ўз овулларида яна бир кеча меҳмон қилиб жўнатишни кўп ўринли бўлади, деб билган эди.

Яна бир тўп Болболашнинг тўпи эди. Отини аллақачон эгарлатиб қўйган бўлса ҳам, қай томонга боришини билмай ўтирган Бозорали, Айгерим келиб, Керимболани отга миндираётганда, юраги узулиб қараб турди-да:

— Во, дариғо! Лайлосидан айрилган Мажнуннинг кунни қурсин! Менинг ҳам отимни келтиринглар!— деди. Эрбўл уни ҳам отлантирди.

Бозорали Болболага эргашиб, ёнма-ён кетаётганида, Абай уйининг олдида ҳалиги сўнгги сўзларини эшитиб, қараб турган бир совуқ нигоҳли қизғончиқ кўз ҳам бор эди. У Қулуншоқнинг «Беш қашқалари»дан бири — Монос эди. Шу сўнгги тўп жўнаб кетиши блан ўша Монос Ойғизнинг уйида ўтирган Мойбосарни чақириб чиқди-да, номус ва кекка тўла бир гап гапирди.

— Бозорали Болболага оғишта бўлиб юрган эмиш, деган гапни эшитиб, бизнинг Тўрғай эли ич-ичидан гижиниб юрган эди. Ўша гапларнинг, ўша ишнинг ҳақиқат эканлигига бугун кўзим етгандай бўлиб турипти, Мой-ака... Айрилиққа тоқат қилолмаганидан, ана, Анет эли-

га кетаётир. Унашиб қўйган қизимизни йўлдан уриб кетаётир, кўрдингми?.. «Эрни номус ўлдирар» деганларидек, мен ҳам тинч ётмайман. Қизни айтдирган куёв бизнинг Бесбесбой деган инимиз, ботир, чапдаст йигитлардан. У ҳам ўзини оёқ ости қилдириб қўймайди. Гапим шу. Хўш, Қовменнинг мана бу тўлғ бўйинини нима қилсам бўлади, а?— деди.

Ранги оппоқ бўзариб кетган, сабри чидамаганидан қамчи ушлаб турган қўлининг узун-узун бармоқлари қалтираётир.

Мойбосар Бозоралининг Нурғоним блан гап-сўз бўлиб юрганини шу йил эшитиб, пайт пойлаб келаётган эди. Кўзлари кулимсираб, бурун катаклари женгайиб, ранги ўчиб кетди-да, жавобини қисқа қилди:

— Ҳозир тегма. Фақат кечаси кут. Болболанинг оstonасидан буёққа ҳам чиқадику. Онт омонсиз, жон гумонсиз деб, худо оёқ-қўлини бойлаб, бор гуноҳини гарданига ортиб бергани шу эмасми? Хўш, мана Бесбесбойнинг бор, Бешқашқанг бор, ҳайиқсаларинг сенларни ер ютсин дейман. Ундан кўра ўлганларинг яхши, билдингми?— деб. Моноснинг кўкрагига туртди-да,— бор!— деди.

Шу кеча Борлибойдаги Қунанбой овулидан теvarак-атрофга тарқаб кетаётган тўп-тўп ёшлар, зич ўрнашган бирнеча юз овуллар ёнидан, «шамалоқдек» қалин халқ ўртасидан ўтиб бораётганларида, эркин, гўзал куйларни куйлаб кетишди. Гоҳ булбулга ўхшаб куйланадиган «Жийирма бес» эшитилар. Гоҳ ғазабли кинояга тўла куй—«Жонбўта» янграрди. Дам шўх, ўйноқи, жозибадор «Жомбос спйпар» қулоққа чалинади. Қалқиб кўтарилиб, дар'ё тўлқинидек атрофга тарқалиб кетаётган, асл Биржоннинг ўрнаги блан сан'ати. Сари-Орқанинг ўша олиб келган туганмас хазинаси гоҳ янграб Амир, Уролбойларнинг овози блан чиқади. Гоҳ тўлғониб, товланиб чиқаётган ингичка, лекин шу қадар кучли, йироқларга тарқалиб эшитилаётган, нозанин Болбола, серзавқ гўзал қиз Умитей, зебо Керимболаларнинг хониши блан сирини баён этади.

Эркин орзули куйларнинг ҳаммаси: «Эй ҳаёт, ҳаёт сен севаман! Сан'аткор ўланчи қаддингни ростла, қаног қоқ. Созли кечада нозли кўнгил сирларини очаётир. Озод, асл, чин қалблар дардини изҳор этаётир» деяётгандек бўлади. Ба'зан: «қайлардасан, мени кўр, топ мени, қадрли ёр, азиз қора кўзим!»— дейди.

Пешонамдан кўрайин ушлаб олса...

деяётган қиз қурбон бўлишга қанчалар тайёр!

Сен эсимга тушганда эй қароғим,
Йўртайин оч бўридай тоғ ёқалаб.

деяётган, ўт-оловдек йигит қандай! Ёки:

Оқ бўз ўтов сиртида отландириб,
«Хўш, жонгинам» деганинг эсдан кетмас —

деяётган вафодор йигит қандай!

Оқ дийдоринг кўрганда болқидим-ай

дейдиган юрак нафаслари тўлқинланарди! Нақаротларида бўлса: Қора кўз «Ойим», «Маш'алим», «Ягона шодлигим», «Сабрим қолмади» деб, юрак-бағри узилиб борарди. Жонини фидо қилгудек бўлиб, ҳаёти, борлиғи блан сўнгги нафасини ошиқ ёрига бағишлаб чин кўнгилдан новқиронлик дуоси айтилаётир.

Тилдан бол томган, ловуллаб ёнган ёшлик алангалари Тўбуқти яйловларининг шу ғамгин кеч қоронғилигини чақмоқ сингари тилиб-тилиб ўтаётир. Биржон шу элнинг ба'зи ёшларига келтириб берган дил куйи, сезги нури шу эди.

Шу кеч, Анет элига юз тутган Бозорали, от устида куйлаб келаётган Болболанинг қадди-баста, сарвдек бўйи, хипча белидан кўзини олмайди.

Шу кеч, Керимбола блан Ўролбой бирлашиб, гўзал бир куйни куйлашди. Ўзи куйлашни билмаса ҳам борлиғи блан куйни севучи Акимқўжа — Керимболанинг акаси, йўл бўйи иккита моҳир ўланчини куйлатади.

Шу кеч, сутдек ойдин, сирли кечда, кўп ҳамроҳларининг қуршовида келаётиб Амир блан Умитей созини қўшади.

Шу кеч, зўр сан'ат, та'сирли куй блан видеолашиш кечида, уйда қолган Биржон блан Абайнинг мажлисида яна Айгерим куйлади. У аввало:

— Мен айтдим-ку, бўлди-да энди. Мени қўйинг, Абай! Биржон оғамнинг ўзларидан эшитиб қолайликда! — деб бирнеча бор ўтиниб кўрди.

Айгерим куйга диққат қилиб, берилиб тинглаш блан бирга, ўзи ҳам айтишни севар эди. Қулоқ солиб ихлос блан тинглайдиган, куйни англайдиган одамлар ичида

айниқса руҳланиб қанот қоқиб, жон-дили блан куйлар эди. Сўнгги ойлар ичида ёнида Абай қулоқ солиб ўтирса, куйлаш ўша Абайдан олган илҳоми, оромбахш шодлик алангасига ўхшарди.

Биржон блан Абай бирга қулоқ солаётган чоғларда ўша икковига атаб, куйнинг ҳар тўлқинида бор ихлоси, бор ҳурмати бағишлаб айтаётгандай бўларди. Саҳар чоғида, ўз новдасини топиб қўнган, ўзи туғилиб ўсган ошиён олдида битган гулларни мадҳлаётган ошиқи-шайдо булбулу, қумрилардек навозиш қиларди.

Лекин, бу кеч у куйлагиси келмай астойдил тортинаётган эди. Чунки кундузи катта уйда Абайга айтилган порозилик, кечга томон бунга ҳам айтилган эди.

Абай Айгеримни аяб, кундузи бўлган гапларни айтмаган бўлса ҳам, унинг ўзини Ойғиз блан Дилда чақириб олиб, кўп совуқ, оғир гаплар гапиришди. «Бу гаплар Абайга кор қилмаса ҳам катталарнинг сенга айтаётган маслаҳати ерда қолмаслиги керак» деб, ўртага олиб ўтириб, унинг қашшоқ Бойшўра элининг қизи эканлигидан тортиб, то ҳозир қандай мартабага эришиб ўтирганигача юзига солинган: «Қўкрагингни керма, оёгингга қараб бос.., кўзингни очиб қара, кимнинг елкасига чиқмоқчи бўлаётирсан!» дейишган эди. Айгеримнинг бир умр хаёлига келмаган, унинг табиатида бўлмаган такаббурлик деган туҳматларни ҳам юклашди. Айгерим кўзига жиқ-жиқ ёш олган ҳолда дам музлаб, ранги ўчиб, ёниб сўнгандек, ўтга тушиб чиққандек бўлган эди. Ундаги одоб блан тарбия, Абайнинг дўстлигига аталган соф қалби, яна куйни ғоят севиши— ўзини оқлаб бирор оғиз бўлса ҳам сўз қотишга йўл қўймаган эди. Айгерим бирор оғиз сўз қотмади. Куйда нима гуноҳ. Айниқса Абайнинг буйруғи блан айтган, соф кўнгил, севги блан шодлик орқасида айтган пок, беғубор куйларида гуноҳ йўқ. Бу куйларни болалик чоғида овулида, камбағал ота-онасининг уйида айтганида, ҳечким гуноҳкор қилган эмасди: зўравон овул куйга ҳам зўрлигини, катталигини қилар экан. Шунинглади-ю, индамай қўяқолди. «Абай айтдираётир-ку!» деб ўзини оқлагуси ҳам келмади...

Лекин унга ғоят қаттиқ теккан, асти эсидан чиқмайдиган даражада хўрлигини келтирган: «Биз — бой овулмиз, сен — оқсочликка лойиқ қашшоқсан. Бу оталик-ўрдалик овул. Сен унинг чўпонлари, хизматкорлари чиқадиған овулдан чиққансан, йўлинг ингичка бўлиб, яли-

ниб-ялпоқланиб юр. Бошингни қуйи солиб юр. Товушинг чиқмасин. Бундан ортиғи ошинишлик бўлади. Бу ердигилар сен тенглашаман дейдиган одамлар эмас!» — деганлари бўлди. Айгерим адолатсизлик, қўпол шафқатсиз зўрликнинг кучини кўриб қайтди.

Қамчисидан қон томган, хиёнаткор овулнинг Айгеримни қаттиқ чўчитган мудҳиш қиёфаси шу эди.

Лекин Абай блан Биржон ҳам, бугун кечқурун шу уйга келиб ўтирган қайнис Успон ҳам, Эрбўл ҳам Айгеримнинг айтмаганига қўйишмади.

Айниқса, бир сўзлик ўжар Успон, янгасининг олдига ёнбошлаб келиб:

— Ҳой, Айгерим, кечагина тушган келиннинг сўзни ерга ташлашини қайси ота-бобонгдан кўрган эдинг? Буюрамиз! Айт, жонинг борида! — деб, барча янгаларини аямай, буйруқ қилиб, ўз сўзини ўтказиш одатини қилди.

Айгерим ноилож кўниб, томоғини қириб олди-да, куйлайбошлади.

Бир-икки оғиз куйлади, Биржон блан Абай, синовдан ўтаётган шогирднинг жуйлашини тинглашаётгандек, диққат қилиб қулоқ солишди. Айгерим ёз бўйи Биржондан ўрганган бутун куйларини ўзлари буюриб, бир-бир айтдиришди.

Лекин Айгерим ҳозир ўзининг синовдан ўтаётганини ўйлаб сиқилаётгани йўқ. Ҳали кечқурун эшитган, иззатнафсига тегадиган туртки жароҳатини ҳис этаётир. У зўр дағал кучнинг адолатсизлик блан қилаётган зўрлигини ҳозир ҳам бор пок қалби блан сезиб, ич-ичидан хўрлиги келаётир. Лекин шунинг англаган сайин Абайга яна ҳам бағир босади. Шунчалар қувонтирган қалби тўла алангали севгиси бўлган ёрини жонитани блан берилиб севади. Авваллар ҳеч сезмаган, бу йўсун чуқур миннатдорлик блан севиш алангасини айниқса бугун очиқроқ ҳис этади.

Абайнинг ҳам ўз кайфиятига ҳамоҳанг вазиятда, ошиқ-ма'шуқлардай аланга отиб, иштиёқ блан севиб ўтирганини англайди. Куйлаётганда икки томондан икки турли та'зийқ ҳис этган сайин, кўнгли ҳам бу оромбахш ҳисдан яна ўсгандек бўлади. Бир томонида оғу ётса, уни оёқости қилиб, пастга уришга тиришаётган куч ётса, иккинчи томонида ўша аламли дардларни Абайдан ҳам яшириб, ҳам унга ўз садоқатини намоёйиш этдириб куйлатаётган куч ётарди.

Айгеримнинг қўшиғи, унинг қўнғироқдек жаранглаган тиниқ овози катта уйларга етиб бориши блан шу ондаёқ Қалиқа юборилди.

Бениҳоят маккор, ғоят уста, яна бу овулнинг бутун сирини, ички ивир-шивирларини, оғуси блан заҳарини яхши биладиган кекса овсин, Айгеримнинг ўтовига индамасдан, гезариб кириб келди.

У, ўзи пайдо бўлиши бланоқ: «Айгерим тушунар, тўх-татар» деб, ўйлаган эди. Айгерим фақат куй орасида ўрнидан туриб, юқоридан жой берди-да, Успоннинг ҳалиги буйруғига биноан яна куйлайверди.

Қалиқа Айгеримнинг ўланини бир оғиз тинглар-тингламас, ўзидан пастроқда ўтирган келиннинг сонини қаттиқ ўймалаб олди... Айгерим куйни узмади. Лекин, мана бу та'зийқ жонидан ўтиб кетди. «Ёнбош сийпар»нинг сўнги бандини икки юзи ўтдек ёниб, қипқизил бўлиб тамомлади-да, кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш тўкиб юборди. Қалиқанинг орқасида, панада ўтиргани учун унинг кўз ёшларини ҳечким пайқамади.

Қалиқа сезди-ю, лекин парво қилмади, аксинча ўшқиргандек қилиб, секингина:

— Бас қил... кўп ошма!..— деди.

Шунинг блан Айгерим куйлашни бас қилди. Сўнг Биржоннинг дўмбираси жаранглаган садо чиқарди. Оға ўланчининг ёқимли, баланд овози янграб кетди. Куй парвоз қилиб, яйлов кечасининг юлдузлар блан тўла ёрқин кўкига кўтарилиб турди...

Шу кеча, Анет эли ичида, шу Биржон куйларининг кучли та'сири остида бир алоҳида воқиа рўй берди. Бу ҳодиса Бозоралининг бошида бўлди. Қош қорайган вақтда Болболанинг нозик белидан қучоғини ёзолмаган Бозорали балоғатга етган қизнинг овулига бориб тушди.

Чин кўнгилдан Бозоралини севиб ҳурмат қилган Болбола ҳам ундан айрилгуси келмай:

— Бозеке, бугун менинг меҳмоним бўлинг!— деб, бирга олиб келган эди.

Болболанинг отаси вафот қилган эди. Овулга бош бўлиб қолган катта акаси уйда йўқ экан. Бозорали қиз блан бирга уйга кириб борганида, Болболанинг ўзига ўхшаш оғир табиатли, оппоқ пахтадек, қизил мағиздан келган кампир онаси бироз ўнғайсизланиб қолди. Чой қўйиб юборишга буюрди-да, қизини ёнига чақириб олиб, астагина:

— Жоним болам, бу нима қилганинг? Унашиб қўйилган Тўрғай эли бўлса, ит ҳурса эшитиладиган жойда-я. «Уйга аллакимларни нега бошлаб келади» деса нима дейман? Қора ерга кириб кетаман-ку!— деди.

Саботли, сабрли Болбола, оппоқ тишларини кўрсатиб жилмайиб қўйди-да:

— Ола, «оз кунлик меҳмонимсан», деб эдинг-ку! Токай яйраб-яппаб юраверар дейсан. Бош боғлиқ бўлиб, Тўрғайингизга ҳам борармиз, жони чиқмас, Бозекамни қайтиб кетақолинг дейишга қандоқ кўнглим бўлади... Ташвиш тортма! Яхшилаб кутиб меҳмон қилиб юбор!— деди.

Шундан кейин қўзи сўйилиб, қозон осилиб, уй ичи жонланиб кетганида, Болболанинг руҳи кўтарилиб, очилиб-ёзилиб ўзининг эни яхши қўшиқларини Бозоралига бағишлаб куйлаб ўтирди. Унинг очиқлиги, ҳазилкаш, ўйинқароқлиги Бозоралини энди бутунлай ўзига асир этди. Йигит Болболадан минг тасаддуқ бўлиб ўтирди.

Гўзал қизнинг онаси блан уйи бўлак янгаси кўп илтимос қилганларидан кейин, меҳмон йигит Бозорали ҳам кўп ўланлар айтиб берди. Ўтирганларнинг ҳаммаси ўйин-кулги, ҳазил, аскияга аралашди. Бу кеча бемалол ўтказилган кўнглили кечага айланди.

Етар пайтда она, Болболанинг ша'нига бирон доғ тушиб, бадном бўлиб қолишини ўйлаб, қизини янгасининг уйига юборди-да, Бозоралига ўзининг катта уйига ўрин солиб берди. Бундай қилишига яна бир сабаб, кечқурунги ўтиришда бу уйга одатда келиб-кетиб юрмайдиган, эсликкина болалардан бир-иккитаси келиб-кетган эди. Булар Тўрғай элининг, Қулуншоқ овулининг болалари. Ҳўкизга мингашиб, киши билмас бўлиб келишди. Устибошлари ҳам юпингина, қўзи боқучи болаларга ўхшайдилар. Келишларининг боиси ҳам ўринли. Кундузи қўшилиб кетган бўлмасин, деб «мол излаган» киши бўлиб қўзиларини излаб келишди. Лекин, булар «қўзидан» кўра уйдаги меҳмонга, ўтирганларнинг чиройига, бўлаётган ўйин-кулгига кўпроқ диққат қилишди. Хийла устомон болалар эканлигини кампир дарҳол сезиб, яхшилаб кутиб жўнатган эди.

Бу болалар қўйнинг ичини оралаган бўлиб, мол кузатучилар блан гап сотишиб, ярим кечагача кетмай, шу ерда ўралашиб юришди. Фақат Болболагина уларни сезмай, меҳмонини катта уйга ётқизиб, ўтовнинг тундигини

ёпиб, ўзи бошқа уйга бориб ётгандан кейингина «қўзи боқучи» болалар кетишган эди.

Чала ярим ечиниб ётган Бозорали, тун яримдан оққан пайтда бир амаллаб катта уйдан чиқиб, Болбола ётган ўтовга кетди. Ой ҳали ботмаган, дала сутдек ойдин. Сур-ранг ўтовнинг тундиги ёпиқ. Овулда кузатучилар ҳам, итлар ҳам жим-жит бўлгани учун, йигит у ёқ-бу ёққа қарамасдан тўғри бориб, қиз ётган ўтовнинг эшигини очабошлади. Шу онда, ўтовни пана қилиб, яшириниб келган бир давангидек, қопқора киши Бозоралининг елкаси-дан ушлаб:

— Тўхта!.. Бу ёққа юр! — деб қолди.

Монос экан. Бозорали шошиб қолмай, ранги ўчиб, ялт этиб совуққина бир назар ташлаб, таниди-да:

— Ҳа, Монос, сен эдингми? — деди.

— Моносманми, толосманми¹, униси блан ишинг бўл-масин, юр бу ёққа, — деди зарда аралаш заҳарханда қи-либ астагина.

— Оббо, худо ургурей... бор, йўлингдан қолма!..— деб Бозорали парво қилмай қутилишга уринди, Монос бўш келмади.

— Болболани бутун яйловга шарманда қилмайман десанг қайт орқангга! Йигит бўлсанг, ҳеч бўлмаса қиз-нинг обрўйини тўкма! Бўлмасам, худди шу бўсоғанинг ўзида ғавғо кўтараман! Юр бу ёққа! — деди.

Бозорали бошини чайқади-да, орқага чекинди. Иккови ҳам ўтовдан йироқлашиб, уйнинг орқасига ўтиб бориша-ётган эди, шу тобда, ўша ердаги бир туп тол тагидан уч йигит чиқиб келди.

Улар тўрт киши бўлиб, Бозоралини ўртага олиб, турт-килаб овулдан четга олиб кетишди. Бир йигит бориб Бо-зоралининг эгарлоғлик ҳолда катта уйнинг орқасида қан-тариглик турган семиз кўк отини ечиб келди.

Шундан кейин қўлга тушган йигитни ўз отига минди-риб, ўзлари ҳам ирғиб отларига қўниб, бир гала бўлиб Тўрғай овуллари томон олиб кетишди...

Овулдан четга чиқиб олганларидан кейин Бозорали:

— Бўшат энди, сенлар ҳам бўй етиб ўтирган кели-нингни бадном қилма. Эртага эл-юртнинг оғзига тушиб, гап-сўз бўлиб кетади, — деб, дўқ қилиб кўрди. Моноснинг ёнидаги Кўшпесбой блан қолган иккита йигит қулоқ ҳам

¹ Толос — талаш, можаро. — Ред.

солишмади. Кўшпесбой Болболанинг бўлажак қайниси эди. Ўзининг акаси Бесбесбой, Моносларга ўхшаган у ҳам Алпомишдек йўғон гавдали, полвон, сўйил тутишга ҳам моҳир азаматлардан эди...

Овулдан йироқлашиб кетгунларича Монос ҳам, у ҳам Бозорали блан қисқа-қисқа бўлса-да, сўзлашиб боришди. Овулдан бутунлай йироқлашиб олганларидан кейин, тўрт йигит бирдан имлашиб олди-да, тўсатдан ёпирилиб, Бозоралини қамчи блан савалаб кетишди. Отининг тизгин чилвиригача билакларига маҳкам ўраб ушлаб олишган эди. Шундай қилиб, Бозорали кўп калтакланди. Ўша кеча тўндан ҳам, отдан ҳам айрилди.

Эрталаб, Мойбосар Ойғизнинг уйида ўтириб, Абайни чақиртирди. Абай келганда, бу ерда Мойбосардан бошқа яна: Бозорали, Эрбўл, Ойғиз, Нурғонимлар ўтиришган эди...

Мойбосар ҳам бу уйга ҳозиргина келган бўлса керак. Абай ҳали уйга кирмасданоқ, эшикда Ўспондан Бозоралининг калтакланганини эшитиб, дили оғриганича уйга кириб келди.

Бозорали иккови бир қарашдаёқ бир-бирининг кўнглини англагандек бўлишди. Қайфиятни билишди. Сабабини айтишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Фақат Бозоралининг ўнг юзида қамчининг изи қипқизил доғ бўлиб, кўзга ташланиб турарди. Шу қадар гўзал, олийжаноб, нор йигитни шунчалар ғариб аҳволда кўриш — Абайга ғоят аянчли бўлиб, номусига тегадиган ишдек оғир туюлди.

Мойбосарнинг кўнгли ундай эмас. Оқи-оқ, қизили-қизил бўлиб, шодлигини ҳам яширмай, сайраб сўзлаётир. «Қандай урди, қанча урди?» сингари саволларни завқ блан берарди. Батафсил эшитгиси келарди. Бозорали ғазабини ичига ютиб, ранги ўчган ҳолда ўтирарди. Мойбосарга ёритиб жавоб ҳам бермади. Шунга жини отланган Мойбосар мана бу ўтирганларнинг олдида, айниқса яшин сири бўлган Нурғоним олдида йигитни ер блан яксон қилмоқчи бўлиб бир шум қилиқни ўйлади.

Шинграйиб Бозоралига қараб туриб, мийиғида кулиб қўйди-да, ажаб бўпти деяётгандек қилиб:

— Бозем дейман, қамчи юзингга ёмон текканга ўхшайди-ку! Тўрғай обдан қутурипти-да, а? Қирғий бўлиб бошингга қўниб, нима қилмоқчи ўзи? — деди... Шу дамгача тортиниб, ма'юс ўтирган Бозоралининг тўсатдан ранги ўчиб, юзида номус ва ғзаб акс этган ҳолда ялт этиб Мойбосарга қаради-да:

— Ҳа, Тўрғайнинг Тўрғай бўлмай, қирғий чиққанини энди билибсан-да?! Аввало орқангга қўндириб чўқитган ўзинг эмасми эдинг? Сенинг орқангга мингандан кейин, менинг бошимга қирғий бўлиб қўнмайдими? — деди шартта. Бор жароҳатни осонгина силкиб ташлаб, аламдан чиққандек ҳузур қилиб қаҳқаҳлаб кулди.

Унинг гапи ўтирганларга ҳам қор қилиб, умумий кулги кўтарилди. Мойбосар гўё бошига бир мушт тушгандек, оғиз очолмай, чарс этиб тескари қараб:

— Оббо, тилинг тутилгур аблаҳ-ей! — деб, уялгандан ўзи ҳам кулиб юборди. Абай ҳам ҳузур қилиб, шодлиги ичига сиғмай кулганича:

— Асл Бозекем, ана шунақа тигдек тилинг бор-да, сендан қозоқнинг қамчиси эмас, милтигининг ўқи ҳам ўтмас! — деди.

Бу овул Биржонга ўхшаш бегона меҳмонларга Бозоралининг сирини билдирмасликка тиришди. Шунинг учун Абай тезлик блан Бозоралига эгар-жабдуқ ҳозирлатиб, отга миндириб юборишни ўз зиммасига олди. Ойғиз блан Нурғонимга қараб:

— Бозекенгга чопон, камзил, бошига тумоқ кийдиринглар, — деди...

Бозорали жўнаб кетаётган пайтда, Абай буюрган эгар-жабдуқ, отга қўшимча қилиб, Нурғоним янги бир яхши тўн келтириб ўз қўли блан Бозоралининг елкасига соларкан, одамлардан бир нафас холи топиб:

— Қадрингга ачинаман, Бозекем, фақат, нега ўз бошингни булчаллик хор қилдинг? Юрак-бағримни ёндирдинг-ку! — деди...

Уша куни, тушдан кейин Биржон Қунанбойнинг катта овулидан жўнаб кетди. Кеча Амир блан Умитей меҳмонга айтиб кетган эди. Бугун бу меҳмонлар ўша ерда бўлишмоқчи эди.

Биржон жўнаш олдидан Улжон уни ўз уйига таклиф қилиб, дастурхон ёзиб, фотиҳа берди-да, сафарининг беҳатар бўлишини тилади. Шунинг блан бирга Ойғиз, Нурғонимларга буюриб Биржоннинг олдига тўққиз-тўққиз блан сарпо тортди. Биржоннинг ўзига ўз қўли блан катта кумуш тойтуёқ тортиқ қилди. Ёнидаги ҳамроҳларига хуржун-хуржун мовутлар, бахмаллардан совға-саломлик буюмларни берди.

— Бизнинг овулга келиб, катта оғалар, кичик иниларни сан'атингдан хўп баҳраманд қилиб кетаётирсан. Қа-

даминг етган жойга шикаст етмасин. Сан'атинг, қадри-қимматинг ортсин, чирогим. Бизларнинг опа, янга бўлиб сенга қилган ҳад'ямиз шугина, рози бўлиб қайтгин!..— деди.

Бу уйда Биржон ҳам кўп раҳмат айтиб:

— Ўғил-қизингизнинг эгилигини кўринг, Марҳаматли она, овулингизда, элингизда кўрган иззат-ҳурматим ҳеч-қачон ёдимдан чиқмас, худо рози, мен рози,— деб, кўп ҳурмат блан Улжон ва Ойғизларнинг қўлини қўш қўли блан олиб хайрлашиб чиқди.

Абайнинг ўзи Биржонга бир самаи йўрға берди. Ундан кейин ҳамроҳларига ҳам семиз отлардан етаклатди.

Мана шундай қўш-қўш ҳад'ялар блан Биржонлар Пушантойга, Амирнинг уйига жўнаганларида Абай, Эрбўл, Айгерим ҳам бирга отланди. Амир блан Умитей кетишадиганида, Айгеримни ҳам албатта олаборинг, деб Абайга кўп тайинлаб кетишган эди.

Шу гап ёдига тушиб, Абай Айгеримнинг торғинишига, уялишига ҳам қарамай, бирга олиб кетди.

Булар ўша куни кечқурун Қунанбойнинг катта овулида, Амир уларга атаб тиктирган уйда бўлишди.

Бу сўнгги кечада ҳам жуда кўп ўланлар айтилди. Овқатдан сўнг Абай блан Биржон яна тонг отгунча суҳбатлашишди.

Ёз бўйи Биржоннинг ўланларини эшитиб, куйнинг қадрига етиб, уни улуг сан'ат чўққиларидан бири деб баҳолайдиган Абай, ҳаркун жўш урган кўнглининг сирини ифодалайдиган бир ше'р тўқиган эди:

Тингласанг, тортиб олар
Яхши оҳанг, ширин куй,
Кўнгилга хил-хил ўй солар,
Куйни суйсанг — менча суй!..—

деб, бошланадиган ше'рини, шу ўтиришда Биржонга ўқиб берди. Биржон ўз кўнглида Абайни ғояли, ақли камол топган йигит деб биларди. Мана бу ше'р унинг савиясини, оқин-шоирлик қуввати блан сан'атини ҳам очиқ кўрсатди.

— Абайжон, сен, куйларингиз менда кўп олийжаноб ҳисларни уйғотди, дер эдинг. Сен бўлсанг куйдаги бизнинг ўзимиз пайқамай, аҳамият бермай юрган негизларини очаётирсан. Эндиги ҳаётимга кўп бурч юкладингку-а! — деди.

— Ундай бўлса, муддаойимиз бир жойдан чиқипти-да, Биржон оға!

— Муддао йўлида биримиз наридан, биримиз беридан чиқармиз-ку. Фақат сенга айтиб кетсам деганим — сен куйни кўтариб, қадрлаганинг сингари, мен ҳам ше'рнинг биринчи марта қадрига етганим шу десам нима дейсан? Сенга менинг берганим кўп десанг, сенинг менга берганинг, йўл озиғинг қанча эканлигини ўзинг ҳам бир ўйлаб кўр-чи? — деди.

Ез бўйи Абай, Биржондан Ўрта Юздаги, Арғин, Найман, Керей, Уоқ элларидаги нотик бийлари, бастакорлари, ўланчилари, шоир ва донишмандлари ҳақида кўп эшитиб, кўп нарсалардан хабардор бўлган эди. Ҳозир шуларнинг бири ёдига тушиб:

— Биржон оға, агар сан'атнинг қадрига стабилганимиз чин бўлса, ҳаётимизда фақат юксак ғояларга, ҳақиқат йўлидан олға ундовчи сан'атшигина қадр қилайлик. Турган гап, у ҳолда сиз озчилик қилиб, ёлғизлик тортасиз. Лекин, ана шу эзгулик йўли блан ёмонлик ўртасида мудом кураш кетишини унутмайлик! — деди.

Бу — ҳар икковининг ҳам топишиб, бир-бирини англашган пайт эди. Биржоннинг Жонбўта блан Азнабойлар бебошлигини ўз ўланларида фош қилиши, унинг эзгулик йўлида қилган ҳаракатларидан бири эди.

Суҳбат шундай масалаларга келиб тўхтаб, ҳар икки илҳомкор қалб бир-бирини англаб, кўнгиллари таскин топди.

Кеч ётган меҳмонлар тушга яқин туриб, нари-бери чой ичишди-ю, тезгина жўнамоқчи бўлишди.

Отларнинг эгарлаб қўйилганига анча вақт бўлган эди.

Ниҳоят, Абай бошлиқ Биржоннинг барча дўстлари эркак-аёл аралаш эшикка чиқиб, сол-серийларни қўлтиқларидан олиб, отларга миндиришган пайтда, Биржон сўнгги марта оғаларча бир тилагини ёш ўланчиларга йўллади.

— Амир, ўзинг бошла, Айгерим блан Умитейлар қўшилсин, қани бир «Жийирма бес»ни куйлаб юборингларчи! Мен блан хайрлашганларинг ана шу бўлсин, аслиниларим! — деди.

Ўзгача тилак. Лекин Биржоннинг ҳадди сигадигани — чин серийлик, эркалик блан қилган тилаги.

Абай дарҳол англаб, ма'қул кўрди. Ёшлар ҳам барабар куйлаб юборишди. Булар бир-икки оғиз айтгунларича

кўзларини юмиб, хиёл жилмайиб, эриб қулоқ солган Биржон от устида туриб «энди бир нафас тўхтангларчи» деяётгандек ишора қилди. Қундуз жиякли яшил бахмал телпагини орқага суриб, ёшлар томон эгилиб, бошини эгканича бир куй бошлади. Бу куйни илгари, ёз бўйи айтмаган эди. Армонга тўла, мунгли куйнинг сўнгги банди ҳақиқатни очди.

Эй, бўз бола-эй,
Ўтди-ку замон-эй,
Хўш бўл амон!..

деб, кулди-да, қандайдир ҳаяжон ичида ранги ўчиб кетган Биржон, отининг бошини узоқ сафарга буриб юборди.

Ҳайрон бўлиб, орқасидан тикилганича қараб турган Абайларга бағишлаб айтаётган куйини узмай, янграгиб куйлаганича кетаверди. Ҳаммадан олдин фаҳмлаган Абай:

— Бу янги куй!.. Шу ерда туғилган, биз блан хайрлашиб айтилган куй-ку!.. Ҳақиқий илҳом-ку!.. — деб, қизиқиб қулоқ солиб турди.

Абайнинг бу сўзларидан, янги куй туғилиб кетаётганини уққан Амир, сапчиб югурганича керманинг ёнига бориб, боғлоғлик турган бир ола отга ирғиб миниб олди.

— Ўрганиб қолай! Эсимизда қолмаса ачиниб юрамиз! — деди-да, отини чоптириб кетди. Меҳмонларга етиб олиб, ёндашиб кетаверди.

Биржон куйни тўхтатмай тўлқинлатиб, янграгиб, куйлаб кетаётди.

Абайлар бир тўп бўлиб, ҳамон қулоқ солиб туришипти... Куй бир нафас узилмади.

Эй, бўз бола-эй,
Ўтди-ку замон-эй,
Хўш бўл амон!..

Йўловчилар йироқлаб кетаётди... Айгерим, Умитейларнинг қулоқларига куйнинг сўнгги бандлари ҳамон аниқ эшитилиб турипти. Меҳмонлар йироқдаги кўмкўк майса блан қопланган довонга кўтарилиб кетишаётди.

— Қўзикўш¹ ерга етиб қолди. Ҳалигача эшитилиб турипти-я, бу қандай товуш! — деб Эрбўл завқ қилиб турарди.

¹ Қўзикўш — қўзи мадори етгунча юриб бораоладиган, беш-олти километр келадиған масофа. — Ред.

Меҳмонлар куйлаганича бориб, бироздан кейин довондан ошиб кетишди.

Уша довоннинг тагида хайрлашган Амир қайтиб келаётир, то у етиб келгунча Абайлар уйнинг ёнидан қўзғолишмади.

Амир куйни ўрганиб қайтди. Яқин етиб келиб: «Эй, бўзбола-эй!» деб, ҳалиги сўнгги бандини бузмай, ўзгартмай олиб келди.

— Бу куйнинг оти нима экан?— деди Умитей. Амир тўсатдан берилган бу саволдан шошиб қолиб:

— Ажабо, э аттанг, отини сўрамабман!— деди.

— Отини ҳали Эрбўл айтди-ку? Қўзикўш ергача кетса ҳам эшитилиб турипти деди-ку, бу куйга ҳали Биржоннинг ўзи ҳам от қўймагандир. Оти — «Қўзикўш» бўлсин!— деб, Абай эндигина уйига қараб кетди.

Шу чоғ буларнинг ёнига сирланган қизил хассасини таяниб, бойвучча Кунке келди. Абай бошлиқ ёшларнинг ҳаммаси одоб блан салом беришди. Айгерим эҳтиром блан икки букилиб таъзим қилди.

Лекин Кунке бошқа ёшларга қарамай, фақат Абай-гагина тикилиб:

— Абай, бу нима қилганинг, чироғим? Қимга ўрнак кўрсатаётирсан? Бизнинг овулдан меҳмон шу тахлитда жўнаганини қачон кўрган эдинг? Қимни бунчалик ошириб, бу қадар бошимизга чиқараётирсан? Бундай енгилтакликни ҳеч бўлмаса энди думбул Амирга берсанг ҳам бўлар эди. Сени эс-ҳуши жойида, ақллик деб қилган умидим шуми, нури-дийдам?!— деди.

Абайнинг жаҳли чиқиб кетаёзиб, ўзини базўр тутиб олди-да:

— Оббо, опа, фикри-ёдингиз овулнинг, элнинг жимжитлиги-ку. Назокат ва одоб шунда, дейсиз-да. Лекин одоб топилар-ку, куй топилмас!— деб кулиб ёшларга қаради.

Эрбўл блан Амир унинг гапини қувватлаб кулиб:

— Ҳа, чиндан ҳам, одоб топилар-ку, куй топилмас...— деб такрорлашди.

Кунке ҳўмрайиб Абайга бир нафратли назар ташлади-да, орқасига бурилиб кетаверди. Амир энди бемалол кулиб:

— Абай оға, ниятингизга етинг! Кўпдан бери энди катта энамни ёнбошга олиб, улоқтириб бердингиз-да!— деди.

Айгерим блан Умитейлар шу сингари қалтис ҳазилдан қаттиқ кулиб юборишди-да, уялиб югурганларича ўтовнинг орқасига қочиб кетишди. Эрка, эркин ўсган Амир ҳамон энасининг орқасидан қараб турганича:

— Ҳеч қўймайди-да... бу нимаси-а, куйлаш блан Амир диндан чиқар эканми?— деб шўхлик қилиб, хандон ташлаб кулди.

3

Биржон жўнаб кетиши блан, сал кун ўтар-ўтмас Ўлжай ичида бир катта ғалаён кўтарилди. Бунинг боши яйловнинг жимжит кечаларидан бирида, тўлин ой нур сочиб турган осмонга кўтарилаётган ҳазин нола, позик тўлқинли куй блан бошланди.

Халқ тоғ бағирларига кўчиб тушаётган пайт эди. Яйловдан икки томонга айрилиб кўчаётган икки аҳил эл,— Тўбуқти блан Керейга келадиган баримтачилар, Юосқинчилар авж олиб, олди-қочди кучаярди. Ҳар кеча: «олиб кетди», «уриб кетипти» деган овозалар чиқаверарди.

Мана шундай бетинч кунларда эҳтиёт чорасини кўзлаган Жигитек эли кечалари йилқисини халқ зич ўрнашган ўтлоқларга ҳайдарди. Ўша йилқилар Қораша, Қавмен овуллари ўтирган Совуқ булоқдан кечки пайт суғорилиб, ўтлоққа ҳайдалганда, қўшни бўлган Қаршиғали ўлкасига яйлатилганди.

Шу сингари олди-қочди кўп бўладиган вақтларда, эл орқа қиладиган азамат, эр йигитлар тонг отгунча йилқи қайтариб, от устида юришарди.

Ўз отасининг йилқиси йўқ ҳисоби — озгина бўлса ҳам, йилқи қайтаришни баҳона қилиб, бугун Уролбой ҳам йилқичилар блан бирга чиқди.

Бу йилқичилар ичида Қорашанинг кўп абжир, гоят чапдаст ўғли Абулғози ҳам бор эди.

У, елиб юрадиган семиз қора-ола отга мишиб, қаттиқ қора сўйилини эгарининг қошига кўндаланг ташлаб олган. Кулранг чакмонининг ёқасини очиб ташлаган ҳолда, кўкрагини ёруғ ой нурига бериб, кичкина тумоғининг бир қулоғини ичига қимтиб кийганича Уролбойни гапга солиб, ўзи онда-сонда бир туплаб қўйиб, кўп йилқидан йироқлашиб атрофни кўздан кечириб юарди.

Йилқининг ёйилиши блан ҳам, атрофни кузатиш блан ҳам иши йўқ, гўё бир туш-тумани ичида кезиб юргандек, ранги кетиб ўзини олдириб қўйган Уролбой, Абулғози-

дек ёши катта яқин оғасига юрак дардларини очиб келарди. Бугун отга миниб уйдан чиққанда ҳам азбаройи бошини қаерга уришини, қандай қилишини билмаганидан, гангиб қолганидан чиққан. Унинг ўйин-кулгини, уйқуни унутиб юборганига ҳам анча кун бўлган эди.

Унинг орзу юлдузи учар юлдуздек шу қадар ярқираб учди-ю, мана энди сўниб бораётир. Сўнгани шу-да! Қалбидаги оташин алангасини шу йил фақат бир оқшом ўтириб изҳор этган Керимбола оз кунда унинг кўзидан ғойиб бўлади.

«Қоракесекдан куёв келади, шу гал келиб олиб кетади», дейишаётир. Энди Уролбой фақатгина дард қучиб, айрилиқ ўтида зор йиғлаб қолай, деб турипти. Дун'ёда бу дарднинг борми давоси? Ёшлик ҳаётида ўзга тилаги йўқ. Бошқа тилакларнинг ҳечбири вужудга чиқмай қўя-қолсин. Йигитнинг тилаги қисқа, ягона тилаги шу! У фақат Керимбола! Шунинг йўлида қурбон бўлиш. Лекин билагини ушлаб жон бериш. Йўғон ўримли қопқора, узун сочларини Уролбой ўз бўйнига ташлаб, унинг матол селидан кучоқлаб бағрига босадиган, айрилмайдиган кун бўлса, ундан уёғига бутун олам ўртаниб, келиб уни ютсин! Укинмай, сесканмай беармон кетади.

Уролбойнинг Абулғозига айтган оҳи-зори шу эди. Шу йил кўкламда, Биржон келмасдан бир ой аввал, икки ёш бир-бирларига ўз юракларини очишган экан. Шундан буён иксон боласига сездирмай, пинҳон тутиб келишаётган экан. Йигитнинг ғуссасига чурқ этмай, сир бой бермай қулоқ солган Абулғози, Уролбой сўзини тамомлагач, қисқагина илова қилди.

Абулғози кекса эмандек, қайишмайдиган, ғоят оғир, кескин табиатли одам эди. У аввал Уролбойга: «тўғри-нотўғри» деб, гап қўшмай туриб, бир масалани билмоқчи бўлди.

— Қиз қалай? Сенга ўхшаб унинг ҳам жигаридан урганми?— деди.

— Қиз, «жонимдан кечсам ҳам сендан кечмайман!»— деган эди.

— Ундай бўлса, аҳдни бузганни арвоҳ урсин. Таваккал қилиб тош ют!— деб, гапни қисқа қилди.

Уролбойнинг катталардан маслаҳат сўрагани ҳам шу эди. Тил блан берилган ёрдам бўлса ҳам шу сингари мардонавор кўмакка беҳад қувонди. Эндиликда унинг кўнглини ғаш қилаётган Бозорали эди.

— Бозекем нима дейди? Таваккал қилсам, у қандай қарайди?—деди.

Абулғози бу ҳақда ҳам иккиланиб ўтирмай:

— Қизинг Керимбола бўлса, ўшандоқ нозаниндан: «Жонингни ая»— дейдиган Бозоралими?! Узининг кечагина оёқ-қўлини боғлатган Болболасичи? Сен ишингни битира-вер. Ундан уёғига Бозоралигина эмас, бутун Жигитек эли сенга кўмаклашади. Кўмаклашмай қаерга боради дейсан?—деди.

Уролбой бу маслаҳатни эшитганда, остидаги думи кумуш ранг кўкиш-оқ отига қамчи босиб ўйноқлатди.

Худди шу пайтда бу икки кузатчи¹ йигит Қаршиғали томондаги сўнгги довонга чиқиб қолишди. Отларини тўхтатиб, бир нафас қулоқ солишлари бланок Уролбойнинг қулоғига Қаршиғали томондан ингичка овоз блан чўзиб куйланаётган куй эшитилди. Қўярда қўймай: «қай-дасан», деб излаб чорлаётир. Узилиб, толиб келиб, зўрға эшитилаётган бўлса ҳам нечукдир бир сабрсиз қалб чир-қираб чақираётир.

Уролбойнинг тоқати қолмади.

— Оғажон, мана бу куй мени чақираётир-ку! Кўринг, худди ўша Бўкенши яйловидан, Қаршиғалидан, ана худди Сугирнинг овулидан чиқаётир!—деди. Оти ҳам тиним топмай тепиниб, ёрқин ой нури остида ўйноқлаётир.

— Тўғри, Сугирнинг овулидан келаётир... Оббо, шўр-лигей, тилагингга етган экансан-ку!—деб, Абулғози ҳе-ҳелаб кулиб қўйди.

Абулғози хатардан қочган одам эмас. Унинг ҳали Уролбойга берган маслаҳати ҳам қийналиб, ўйланиб топилган эмасди. У тинчликдан кўра мудом от устида олишиб, говға-тўполон кўтариб юришни яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам йигитнинг юрак ўтини алаңгалатиб, уни киш-кишлатиш Абулғози учун эрмакдек кўринди. Тўғри, агар бирор можаро юз берса, ўз бошини қўриқлаб, четга чиқиб турадиган одам ҳам эмас. Мана бу қора-ола оти блан қўлидаги қаттиқ сўйилини Уролбой учун ишга солишдан ҳечқачон бош тортмайди.

Уролбойдек ихтиёри ишқ ўти қўлида бўлган йигит маслаҳат берадиган одамни излаганда, аини маслаҳатгўй ҳам шу Абулғози экан...

Энди ёш йигитнинг тоқати тоқ бўлиб:

¹ Кузатчи — соқчи, қоровул ма'носида.— *Ред.*

— Айтган гапингиз чип бўлса, қани юрингчи бирга борайлик, жон оға! Бахтимми, ёки шўримми, ўшанинг чақираётгани мен-ку! Бўйин тўлғагандан кўра, ерга кирганим яхши!— деди.

Шундай қилиб иккови:

«Қани, юр! Юр!» дейишиб, отларини тепиниб юбориб, куйига қараб учиб кетишди.

Уролбой бундан хиёл илгари кўнглида қандай нияти борлигини ўзи ҳам айтиб беролмас эди. Ҳозир оқ бўз отининг сур'ати сингари, қуюндек сабрсиз, биргина умиди бор.

Унинг тоқати қолмаган қалбига ҳалиги куй фақат Керимболанинг куйидек, шубҳасиз ўшанинг ўзидек туюларди. Ким айтаётганини билмаса ҳам «ўша!» дейди... Отини чоптириб келаркан, кўз олдида севгилсининг куйи блан тўлқинланаётган оппоқ томоғи, нозик бўйни гавдаланиб турарди.

Шу кеч, мана шу амри кучли, қудрати зўр куй бўлмаганда, ҳали бирнеча кун тўлғониб, бундай қарорга келган бўлар эдими! Мана бугун шу куй эшитилди-ю, юрак ўтини аланга отдириб юборди. Зилол сувли, кўмкўк майса блан қопланган бепоён яйлов — Қаршиғали ҳозир ой нури остида ажиб гўзал шу'лаларга чўмилиб, оқиш товланиб турарди. Туш маконидек оппоқ туманга чулғонган. Оқар сувларидан, ўтлоқлардан кўтарилган кўкимтир туман ба'зи овулларни чулғаб, кўздан паналайди. Улканинг баланд ерларига қўнган ўпача овулнинг кўпчилиги ётиб қолган, ўтлар ҳам сўниб, тундиклар ёпилган. Фақат онда-сонда гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда мудроқ босиб юрган кузатчилар ҳай-ҳайлаб қўяди. Итлар ҳам ортиқча ҳурмайди.

Уша мудраб ётган ўлкада борган сайин янграб куй эшитилади. Йигитлар от қўйиб желаётиб, билишса, аёл киши куйлаётир... Сугирнинг овули — ўртадаги кўп уйлик овул. Куй гўё ўша овулга чақираётир.

Лекин ҳар икки йигит Сугирнинг овулига етиб келишганларида, куй бу овулдан эмас, қўшни овулдан чиқаётганлиги ма'лум бўлди.

Уролбой куйнинг Сугир овулидан эмас, бошқа овулдан келаётганидан умидсизланмади. Чунки яқиндан қулоқ солган сайин, тўлқинли овози, ўланнинг айтилиш йўлидан Керимбола айтаётганини билди.

Йироқдан чирқираб, чорлаб, ихтиёридан айирган куй унинг қалбини алдамай, севгилсининг куйи бўлиб чиқ-

қанига ошиқи-шайдо йигит, шукур қилаётгандек, ичида: «қандай яхши ирим», «шу қадар кенг яйловда қанча элнинг ичидан тун кечада қалбинг янглишмай менинг қалбимни топаолганини қара!», деб, борлиғи блан Керимболани олқишлаб келаётган эди.

Бевақт отларини тасирлатиб келган икки йигит, бу овулнинг кўп итларини чуввос солдириб ҳуритди. Шунда ҳам куй сусайиб узилмади. Кўп итлар баравар ҳуриб, овулдаги ўзга товушларни босиб кетишга уринса ҳам, Уролбой Керимболанинг «Жийирма бес» ни куйлаётганини билди. Итларнинг овулни бошларига кўтариб, дун'ёни бузгудай бўлиб ҳуришлари мана шу кунларда Керимбола блан Уролбойнинг атрофини қуршаб турган совуқ ҳаётнинг ма'шум нафасига ўхшарди.

Керимбола блан янгаси Қапани қўшни овулдагиларнинг бўй етган қизларидан бири бостонғига¹ таклиф қилиб, «олти боқон арғумчоқ» солишган экан. Боядан бери, ёшлар Керимболани қайта-қайта арғумчоққа чиқариб куйлатишаётган экан.

«Яқинда узатилиб кетади-ку, энди ёт элнинг одами бўлади-да, новқирон азизим!» дейишиб, ичларидан Керимболани кўзлари қиймай куйишиб, лекин чурқ этиб сиртга чиқаришмай хафа бўлишаётган ўртоқлари, айниқса, янгалари кўп эди. Керимбола блан жуда тотув бўлган, Қападек кўп эсли янгаси, бугун бошқаларга гал бермай, ўзининг қайин синглисингагина дарди-ҳасратини арз қилишга эрк берипти. У ўз қўли блан арқонни тортиб, арғумчоқни тебратиб туриб, Керимболага сездирмай ўқтин-ўқтин кўз ёшларини артиб ташларди.

Уролбой бир лаҳзада пайдо бўлди. Оқ отлиқ, оқ сўйиллик, қадди-қомати келишган матолгина ёш йигит, арғумчоқ ёнига ҳамроҳидан олдин етиб келди. Ўйноқлаб турган отидан ирғиб тушганида, Керимболанинг куйи узилди. Ойнинг кучсизгина оқиш шу'ласидан туғилгандек, сокин тун тумани блан нурдан пайдо бўлгандек йигит келди. Ғойибдан пайдо бўлган бу хаёлий йигит — тун йигити, куй блан рақобат қилиб, ўзи ҳам куйга айланиб келганга ўхшарди.

Уролбой илдам қадам ташлаб, арғумчоқ олдига келганида, сўзнинг ҳожати бўлмади, фақат кўнгиллари, кўз

¹ Бостонғи — катталар қула тушгани кетганларида, ёшлар йиғилишиб қилинадиган ўйин-кулги. *Ред.*

қарашлари, ҳарбир ҳаракатлари «Келдингми?», «Кўрдимми?» деяётгандек бўлди.

Керимбола ҳечкимдан тортинмай келиб, йигитнинг қўлидан ушлаб, бармоқларини қисди-да, арғумчоққа тортди.

Моҳир ўланчиларнинг жуфт бўлганига ҳамма шодланиб, дарҳол арғумчоқдан жой беришди.

«Оқ дийдорнинг кўрганда болқидим ай!.. —

деб, Уролбой бошлаб, Керимбола тўлқинлатириб қўшилди. Икковининг соғиниш акс этиб турган чехраларида ҳаяжон ўйнаб, ой нури остида оппоқ бўлиб кўринарди. Гўё устоз ўланчи, унутилмас Биржон қошларига келиб: «Қўшилганинг блан қўша қари?» деб йигит фотиҳасини бериб, бутун қийинчиликларни енгишга бошлаётгандек туюлди.

Керимбола блан Уролбой кўп куйлашди. Соғинишиб, зориқиб қолган юраклар сўз блан ифодадай олмайди-ган дардларини, сирларини куй блан изҳор этаётир. Ба'зан бирининг куйига иккинчиси қулоқ солар, ба'зан айрилишаолмай, шу оромбахш дамларга тўяолмай биргалашиб айтишарди. Мана шу куй икковини ҳам элтиб, бор ихтиёридан, ақли-ҳушидан айирди... Келажак ҳаётларини ҳам ҳал қилди.

Абулғози бу икки ёшнинг чехрасига тикилиб туриб, ҳамоҳанг овозларига кўпгина қулоқ солгач, кўнглидан: «бу икковини фақат ўлим ажратиши мумкин» деган гап ўтди.

Ўзи Акимқўжанинг хотини Қапа блан тенгдошлардек ҳазиллашаверарди. Аслида унинг ёши Акимқўжа блан тенгдош эди, яна кўп қадрдон, тотув дўст ҳам эди. Бир оға, бир янга бир-икки оғиз сўз блан бир-бирларини англашди-да, барча ёшларни ўзлари бошлаб, ўйинга алаҳситиб кетишиб, Керимбола блан Уролбойни холи қолдиришди.

Уролбой Керимболанинг хипча белидан қучоқлаб қисиб туриб, ўзининг шу кеча нима учун келганини айта бошлаган эди, Керимбола гапни чўзиб ўтирмай:

— Жоним, маш'алим!— деб, йигитнинг юзига иссиқ юзини босди. Икки кўзига жиқ ёш тўлди. Бир нафасдан кейин ёшини ютгандек бўлиб, томоғини қириб қўйди-да, бутун оламга арз қилаётгандек:

— Тангрининг бизни қуритадиган куни, маш'ум кунй ҳам келиб қолди-ку сен блан менинг бошимга! Лекин бир бурдадан қилиб ташласалар ҳам сендан айрилгудек мажолим йўқ. Нима учун келганингни тушундим. Қайси куни айтганингда мудҳиш туюлган эди. Энди ихтиёр ўзингда... Майли! Бизлар ҳам авлод эдик-ку, арвоҳлар ёр бўлсин, ёрим!— деди.

Уролбой ма'шуқасининг оғзидан «ёрим» деган гапни эшитганда ўртаниб кетгандек бўлиб, бағрига босиб ўпганича қотиб қолди... Керимболанинг ўзига ўхшаб, чин ошиқларча алангали нафас блан «жоним ёрим» деди, пичирлаб.

Шундан кейин бир кунгина ўтди, келгуси кечаси Уролбой ўзи тенги уч ўртоғи блан келиб, Керимболани олиб қочди.

Икки ёшнинг ихтиёрини олган ишқ ўти буларни ана шунга етказди. Ўлжай эли бўлса, гўё осмон ёрилиб, устига яшин тўкилгандек дув кўтарилди-ю, ичидан ғалаён чиқди кетди.

Керимбола кимсан Сугирдек бирталай «ола-қораси» бўлган, минг-минглаб мол ҳайдаган бойнинг қизи. Унашиб қўйилган жойи ҳам Қоракесек элида, кимсан Қамбардек донг чиқарган, дун'ёдор катта бойнинг ўғли. Ўшалардан бирнеча бор уйири блан сон-саноқиз йилқи олган Сугир энди қизининг оқ уй, олабаргагини тикиб, «орзу ҳавас» блан узатмоқчи бўлиб турган эди.

Бўжей, Суюндикларнинг замонидан буён, шу кунга қадар Бўкенши блан Жигитек орасига низо' ҳам, совуқчилик ҳам тушмаган эди. Лекин ёшларнинг мана бу қилиги бутун Бўкеншининг ғазабини қўзғотиб, ўртаб юборгудек бўлди. Яна унча-мунча Бўкенши ҳам эмас. Келиб-келиб Сугирни-я. Суюндик ўлиб бутун Бўкеншининг жиловни шунинг қўлида қолган одам. Кўп йилқисидан «бировга вақтинча фойдаланиш учун», «бировга соврин учун» от бериб юриб, Сугир салмоғи зўр бой бўлиб олган.

Шунинг учун ҳам ҳишиниб, босар-турарини билмай гердайиб кетган эди. Сўнгги йилларда Бўкеншилар орасида бир муболиға юрарди. Сугирбой саман отга минган одамни кўрса:

«Мана, бу миниб кетаётган от меники эмасми?» дер эмиш,— дейишар эди. Энди уша Сугирга қарашли Бўкеншиларнинг Бойгўбек, Жангўбекдек оталаридан тарқал-

ган, сержамоа авлодлар, Бўрсқ, Даликен сингари қўшни-қариндошларнинг ҳаммаси бирдек ғазабланди.

Сугирнинг Акимқўжа, Болқўжа, Нурқўжа деган ўғиллари блан ўзи тутоққанида, аввало: «Жигитекнинг йилқисини босиб оламиз», деб бир шайланишди. Қавмсини чопиб ташлаймиз, деб бир дўқ қилишди. Бутун Жигитекка: «Майдонини тайин қилсин, бўлмаса бир кечаю-бир кундуз ичида қиз блан йигитнинг оёқ-қўлини боғлаб олдимизга келтириб ташласин!» деб бир дағдаға қилишди... Шу сингари, гўё ловуллаб ёниб, ўртанаётган кўпчиликнинг ғазаби гуруллаб, ҳар томонга бир аланга отиб келиб, ниҳоят, Бўжейнинг овулига одам юборилди.

Бу кунларда Жигитекнинг аввалги бошлиқлари — Бўжейгина эмас, Бойдали, Тусиплар ҳам вафот қилган эди. Ҳозир элнинг сўзига эга бўлган бир қатор ёш бўғин етишган. Улар Бўжейнинг болалари: «Жабай, Адил, ундан кейин янги Пари деб ном чиқарган, саботли, ўжар Бейсемби, яна «Қоқбошдан қовурдоқли гўшт олади» дейиладиган кўп учар Абдилдалар эди.

Эрталаб хунук хабар тарқалиши блан Бўкеншиларнинг югуришиб бир жойга тўпланишиб, типирчилаб қолишганини қўшни ўтирган Жигитек эли кун бўйи эшитиб, билиб ўтиришганди. Айниқса, бир довоггина айириб турадиган Қорашанинг овули тинмай хабар эшитиб турди.

Айгоқчилар юбориб Бўкеншиларнинг жаҳл устида гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ қилмоқчи бўлиб, ўзаро қилаётган маслаҳатларидан ҳам хабардор бўлиб туришди. Ўзлари билиш блан бирга, ўзга Жигитекларга ҳам қайта-қайта одам юбориб, хабар қилиб туришди.

«Йилқисини оламиз!», «чопиб ташлаймиз» деган гаплар ўша куннинг ўзидаёқ Жигитекларни Бўкеншиларга ёвлаштириб қўйди. Сон жиҳатдан кўп, унинг устига умрбод бирон жангдан қочиб, қўрқиб ўрганмаган Жигитеклар, ўша куни тушдан кейиноқ сўйил, чўқморларини ҳозирлаб, яхши отларининг ҳаммасини эгарлаб миниб совутабошлашди.

Бўкеншилар бўлса Жигитекларга одам юбориш блан бирга, сал эс-ҳушини йиғиштириб, атрофдаги холис биродарларга ҳам чопар юборишди. Жигитеклар ҳам Бўкеншиларнинг бу ишидан хабардор бўлишлари блан ўша холис биродарларга қўш-қўш отлар блан одам жўнатишди.

Ҳар икки элнинг: «Ўртага тушсин, бир одилона жавоб қилсин» деб, мурожаат қиладигани — Ойдўс.

Улжай учга бўлинганда — Ойдўс, Қайдўс, Жигитек бўлиб тарқаган. Қайдўси — ҳозирги Бўкеншилар. Ойдўс бўлса, бу атроф, Тўбуқти ичида, кучи ма'лум, иши ма'лум — Ирғизбой яна Қотибақ, Тўпай, Тўрғай бўлиб — тўрт отадан иборат.

Ойдўс деб мурожаат қилган ҳар икки қардош эл Ирғизбойлар блан Қотибақларга бирдек хабар етказишди. Одамни Қунанбой блан Қулуншоқ овулига юборишди. Қотибақ элида бу кунларда Бойсолининг ўрнига эл сўзига эга бўлган — Жиренше бор эди. Унга ҳар иккита томоннинг чопарлари кетма-кет етиб келишди.

«Ойдўс» деб хабар келганлиги туфайли Жиренше ҳам, Тўпай, Тўрғай одамлари ҳам ўзларича жавоб беришолмади. Ирғизбойларга бош қўшиб, Қунанбойнинг овулига келишди. Кечагина Биржон жўнаб кетган Борлибой сувининг бўйидаги Улжон овулига тўпланишди.

Ирғизбойларга келсак, бу кунларда Қунанбойнинг ўзи йўқ эди. Қолган овулларнинг бундай пайтда сўзига эга бўлган каттаси, маслаҳат бошиси — Мойбосар блан Такежон. Булар иккови ҳам шов-шув эшитилиши бланоқ «излаб келганлар шу ердан топсин» деб Улжоннинг уйига, Ўскенбойнинг даргоҳига ўрнашиб олишди.

Шунчалар катта ғалаёнга сабаб бўлган икки ёш, бугун тонг отгандан буён бирор жой тополмай, сарсон бўлиб юришарди. Аввало Қавмен, Қорашаларнинг овулида қолишнинг иложи бўлмади. Булар Бўкеншига яқин қўшни. Сугирнинг ғазабли сўзлари эшитилган сайин тилакдош янгалар, ўртоқлар ёшларни бу ердан йироқлатишни лозим топишди. Айбдор, жавобгар, деб ҳаммадан олдин кўзлайдигани шу овуллар бўлганидан кейин, ҳақиқатда ҳам бу ерда туришнинг ҳисоби йўқ эди.

Бу овулдан сирғилганларидан кейин Жигитек авлодининг гуркираган отаси, Тўбуқти ичида катта даргоҳ ҳисобланадиган — Кенгирбойнинг овулини паноҳ қилиб, ўша ерга яширишди.

Кейин Бўкеншиларнинг элчиси тўғри шу ерга туша бошлагани учун биров бўлмаса, биров шипшитиб қўяди. «Бўжейнинг покиза уйига эл ғалаёни доғ тушириб қўяди» деб, бу овулдан ҳам суриб юборишди.

Шундан сўнг, ҳозирги ёшлар ичида обрўйи баланд, сўзи ўтадиган ўткири деб, Бейсембининг овулига силжи-

тишди. Бейсембининг овули фақат битта чой ичиришга яради, холос. Шундан кейин Бейсемби: «Эртага мен Бўкенши блан тортишувга тушаман. Тилим қисик бўлиб қолади. Бошқа ерга олиб боратуришлар!» деб бу ҳам илиқ-иссиғида жўнатиб юборди. Кечгача шу зайлда туртилиб юрган Уролбой номусига чидолмай: «Бозоралининг ўзи келсин. Жигарим бор эди деса, шу бугун келиб кўзимга бир кўринсин!» деди. Бу, номус чангалида туриб айтилган қисқа, шунчалар қаттиқ, совуқ гап эди.

Бу гапни эшитган он Бозорали отга минди. Унинг ўзи бу ишни даставвал эшитганида ажиб аҳволда қолиб, бир оғиз сўз қотмаган эди. Дуруст деганими, ё чакки иш бўлипти деганими, маълум эмас. Қаттиқ газабланганидими? Ёки қандай бўлмасин! «Ўлсам ҳам чидайман» деб довураклик блан аҳд қилганидими? Ҳарқалай, кучли бир ҳис уни бўғиб қўйди-да, шу чоққача дамини чиқармай юрди. Лекин кун бўйи индамасдан атрофдагиларнинг гапига, авзойига зеҳн солиб юрди. Бўкеншиларнинг ҳаддидан ошиб, кўпираётганларини ҳам эшитди. Бу бўлакча хабарни Жигитеклар даставвал эшитишганда, бирқанча оқсоқол, қорасоқоллар бўлиб Уролбойни қаттиқ койинларини ҳам эшитди. Бугина эмас, ба'зи гуруҳларнинг аввалига: «Бўкенши блан хафалашмаймиз, қардошларнинг юзига қандоқ қараймиз! Иккита тентакни деб, эл ўртасида ғавғо кўтармаймиз. Бор айбни йигитнинг устига қўйиб, қизни қайтариб бериши керак» деганларини ҳам эшитди. Шунда ҳам чурқ этмай, жавоб қилмай тинглади.

Фақат, тушдан кейин Бўкеншиларнинг: «йилқи ола-миз, овул чоламиз», «Жигитек блан беллашиб, жанг қиламиз» деган дўқлари келабошлагач, Жигитекларнинг ҳам авзойи бузилабошлади.

Авзойи бузилишига биринчидан ўша гаплар сабаб бўлса, иккинчидан — бир тўда ёшларнинг фе'ли-атвори сабаб бўлди.

Уларнинг бошлиғи — Қорашанинг ўғли Абулғози эди.

У, Уролбойнинг иши Бўкеншиларга маълум бўлиши бланоқ от устидан тушмади. Ҳатто элдан бурун Керимболани кўргани келиб: «Қадамнинг қутлуғ бўлсин!» деб, табриклаб ҳам кетди. Бу ишга тилакдош оғаларнинг бошлиғи ўзи эди.

Шундан кейин кун бўйи ҳали чўпонларни — қўзи боқучи болаларни, ҳали бия боқучи йигитларни, ёки Бўкеншига меҳмонга кетаётган хотинларни айғоқчи қилиб юриб,

икки қулоғи Бўкенши томонда бўлди. Бу одамлари фақат ташқи ҳаракатни кузатадиган «сиртқи кўз» бўлса, ундан бошқа бир усталик ишлатиб Бўкеншилардан тушган ўз овулидаги бир ёш келинни эрталаб худди Сугирнинг овулига юбориб қўйди. Уша келин бориши блан Қапани учратиб, кун бўйи Акимқўжа блан Қапанинг уйида бўлди. Ёнида тойга минган бир бола — қайниси Эржон бор эди. Уша болани Қапа блан иккови бирнеча бор Абулғозига юбориб, хабар қилиб туришди. Болани бир довоннинг остидаги Абулғозининг чўпонлари тўсиб олиб, қайтариб юбориб турарди. Керимболани Қапанинг ўзи отлантириб юбориб, азонда Акимқўжадан ўлгунча калтак еди: «Сендан яширадиган сири йўқ. Овулга қасдлик қилдинг!» деб, эри хўп калтакласа ҳам, Қапа қайнсинглисининг сприни очмади. Дамини чиқармай, сир бой бермай таёқни ҳам кўтариб кетди-да, энди қўлидан келганча Керимбола блан Уролбойнинг хизматида бўлмоқчи бўлди.

Бўкенши ҳақидаги муҳим ма'лумотни Жигитекларга етказиб турган Абулғози шу ерда бир чапдаслик ишлатди.

У, аввало Уролбойни оқлайдиган киши бўлиб келгани йўқ. Ҳамма гангиб, Уролбойни ушлаб беришнинг ҳам, Бўкеншига қарши туришнинг ҳам ҳисобини тополмай ўтирганида, Абулғози Бўжейнинг уйига кирди. Оқсоқол-қорасоқолларнинг ўртасига тикка кириб борди-да, уйнинг ўртасига бир тиззаси блан чўккалади. Тумоғини олганда гўзал чеҳрасида совуқ бир жиддийлик кўринарди. Бошини жангга тайёр кишидек, оқ рўмолча блан қаттиқ тангиб олган эди.

Гапни у Бўкеншиларнинг сўзи ортиқ тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етганлигидан бошлади. «Овулни чопмоқчи, йилқини босиб олмоқчи, майдон тайинлаб жанг қилмоқчи. Энди қизни қайтариб берганда ҳам қутилмайдиган кўринамиз. Бутун Жигитек эли айбли бўлиб, уларнинг қошида бош эгиб тиз чўкиши керак. Ундан бошқасига Бўкеншилар жаҳлдан тушадиган эмас. Энди унга билганингни қил, акажон, эллигимиз қолган эмас. Хор бўлиб қолганмиз, аламдан чиқ, бизни савала, жаҳлдан туш, молимни ол! Мени хотин тенги қил. Чунки менда азамат йўқ. Менда мажол ҳам йўқ. Ер блан яксонман», дейлик бўлмаса. «Шундай қилиб оёғига бош урайлик» деб Жигитекларнинг номусига қаттиқ тегиб гапирди. Сўнгра яна жиддийлашиб, ғазаб блан:

— Хўш, шунчалик ер ўпиб ёппасига оёқости бўлгудек нима гуноҳ қилдим ўзи?! Иккита эсини йиғиб олмаган ёшнинг қилган бебошлигимиз? Шунинг учун эл-уруғликдан, арвоҳдан, аввалги дўстликдан кечадиган бўлса, Бўкеншидан топган қадри-қийматимиз шу эканда? Сени хор қилишга унинг кўзи қияди ю, нега энди биз аяб қўямиз? Ниманг қолди энди?— деб бор гапини тортинмасдан шартта-шартта тўкиб солди.

Шу гапдан кейин, Жигитсклар бир қарорга келмаса ҳам, энди иккиланиш, мулоҳазага боришни йиғиштириб, гапни бир жойга қўйишди. Чунончи: Бўкеншилар ўзини қандай тутса, булар ҳам шунга қараб иш туталиган бўлишди. Ҳозир Жигитек жавобгар эл, шунинг учун уларнинг ҳаракатига қараб иш тутишдан дурустрасқ чора йўқ. Ҳозирча Бўкеншидан узр сўраб, айбини бўйишга олиб бўйсунмайди. «Агар Бўкенши яхшилик блан муомала қилса, яхшилик блан уларнинг кўнглини олиш керак, ёмонлашадиган бўлса, гинаси ўзида — бориб оёғига йиқилмаймиз!»— деб, гапни шунга тўхтатишди.

Бозорали бу маслаҳатни ҳам ўз қулоғи блан эшитиб, яна дами ичида кетганди.

Тунаб ўтгудек жой тополмай юрган айбдор иниси блан янги келиннинг олдида кетаётганида, бутун гап-сўзларни батафсил эшитиб кетган эди.

Ўролбой блан Керимболани кечга яқин уч-тўрт уйлик кичкинагина камбағал бир овулга олиб келишган эди.

Харобагина уйнинг эгаси — ёш йигит Бўкембой булардан чўчиб, ўзини четга олмади.

— Жоним сендан азиз эмас. Шу ерда туравер!— деб, озгина улоқларидан биттасини сўйди.

Бозорали шу уйга келса ҳам, Ўролбой блан ортиқча сўзлашмади. Уни бўлса мутлақо сўзлатмади. Фақат Керимбола икковига:

— Эл кўзига тентак бўлсангиз ҳам кимсасиз, паноҳсиз эмассиз. Гуноҳкор қилганда қаерга борарди элинг? Оғирлигингни кўтармайман, деса ҳам кўтаради. Бўлар иш бўлди, фақат ўкинманглар. Бериб юбормаймиз. Бердирмаймиз!.. Бермайман, ёнингда ўзим бораман. Хабар олиб тураман!— деди.

Шундан олдин, ўзи шундай қарорга келгандан кейин туш оққан пайтида Абайга хат ёзиб одам юборган эди.

Огалик, дўстликни ўртага солиб, «бўлар иш бўлди. Бош қўш, тортинма, қўрғон бўл. Иш чувалиб кетадиган бўлса, ўзинг қози бўл» деб юборди.

Абай бу хатни олган пайтда ёнида Эрбўл блан Амир бор эди. Икковига маслаҳат солаётгандек қилиб:

— Қани энди, бунга биз нима дер эканмиз? — деб қўйди.

Айниқса Эрбўлни назарда тутаётган эди. Ушанга қараб:

— Бўкенши — ўзинг бўлсанг, Жигитек — жигаринг. Уларнинг ичидаги Уролбой блан Керимбола бўлса теңдошларинг, ёш дўстларинг. Энди шуларни сарсон-саргардон қилиб қўйиладими, бу қандай бўлади, Эрбўл! — деди.

Эрбўлнинг ўзи ҳам шу ташвишда эди. У:

— Бу ишда, энг оғири холис қардошларнинг фе'ли-атвори бўлади. Ҳали уларнинг гапи бир ердан чиқақолади дейсанми, Абай. Бундай пайтларда ғовғони босиш ўрнига тулкилик қилиб, ишни чалкаштиручилар кўп бўлади. Мана бу икки ёш, можаро чиқаришга қулай баҳона-ку. Қўлингдан келса бости-бости қил. Бу ҳақиқий дўстнинг иши! Менинг фикрим шу! — деди.

Абай дўстидан беҳад миннатдор бўлди. «Бўкеншиман» деб уронга учаётгани йўқ. Абайга «сеп одам бўлиб олий-жаноблик блан иш тут!» деяётир... Яна гаплари чуқур ўйлайдиган одамнинг ма'ноли гапи... Эрбўл ҳақида ичидан: «Бу гап чин инсоннинг, мардларнинг гапи. Аслида Элбўл бора-бора элининг энг э'тиборли одами бўлади-да!» деб қўйди.

Амир ўзига гап ташланган бўлмаса ҳам Эрбўл сўзини тамом қилиши блан, гапни илиб кетди. Абай Эрбўл ҳақида хаёл суриб кетганидан унинг гапининг бошини англайолмай қолди. Энди қараса оқ кўнгил, ўтлик-шудлик ёш йигит:

— ... Уролбой блан Керимболадан бирор нарсани аяшимиз уят. Ҳар жиҳатдан кўмаклашиш керак. Қоракесек эли кўп бўлса молини олар, хунини олар... Қараб турмасмиз, ахир... Менимча, ҳозир минарлик от, сўйиб егудек мол юбориш керак! — деди.

Абай астагина кулиб, бош эгди-да:

— Бир қараб турганда, бунинг ҳам дуруст маслаҳат Ҳозир сенинг қўлингдан ундан ошиқ ёрдам ҳам келмайди. Замондош дўстларинг ҳеч бўлмаса шу сингари марҳа-

матингни кўрсин, Амир. Бошқаларга доврўқ қилма! Урол бой блан Керимболага қиладиган ҳалиги ёрдамингни секингина ўз номингдан юборавер!— деди.

Уйда бўлган ўзаро маслаҳатдан кейин Абай Улжоннинг уйида йиғилиб ўтирганларнинг олдига борди.

Бу вақтда Ойдўснинг ҳарбир отасидан келган мансабдорлари қимиз ичиб, қизишиб ўтиришган экан. Ҳозир тўр ҳам, гап ҳам Мойбосар блан Жақипда. Уларнинг ёнида қипқизариб, бўртиб, кайфи чоғ бўлиб онда-сонда кулиб, гап қистириб қўйиб Такежон ўтирипти. Котибақ элидан келган Жиренше ундай эмас, анча нашқи паст кўринади. Тўпай элининг одами Бозор ҳам унча очилиб сўзлаётгани йўқ. Лекин Тўрғайнинг одами Додонбойгина, Мойбосар, Такежонларга ўхшаб хушчақчақлик қилиб, нимадандир хурсанд бўлиб, бир гапириб ўн кулиб ўтирипти.

Абай аввало индамай, ўтирганларнинг авзойига зеҳн солди. Тўрт ота Ойдўсларнинг иккитасининг кайфи бир хилда-ю, иккитасиники бир хилга ўхшайди. Абай яна бироз синчиклаб қараб ўтирди-да, Мойбосар блан Жақипга қараб:

— Ҳўш, мана бу икки қардош ўртасидаги ғалаёнга бу ўтирганлар — холис қардошлар нима демоқчи бўлаётир? Ойдўс номидан жавоб қилиб, Бўкеншилар блан Жигитекларга одам юбордингизми, йўқми?— деди.

Аввало Жақип қисқатгина жавоб бериб:

— Йўқ, юборганимиз йўқ!— деган эди, Мойбосар гапини илиб олиб:

— Нима деб юборамиз одамни? Қошки бир битимга келтиринглар, дейишаётган бўлса. Униси ҳам, буниси ҳам «сўзимни қувватла», деяпти-ку? Қайси бирини қўллаймиз?..

— Шундай қилиб, холис қардошлар ҳеч нарсадан хабарсиздек, индамай четга чиқиб қараб ўтирмоқчимиз?

— Қараб ўтирақолмас... нега қараб ўтирсин?

— Демак, икки эл ўртасидаги низо' кучайсин, деб ўтирган эканмиз-да?

Абайнинг саволлари терговдек бўлиб, ўтирганларни беихтиёр бўйсундириб борарди. Уйдагилар бошқа гапни йиғиштириб, мана бу тортишувга қулоқ беришди.

Ҳозирча Мойбосар гапдан қолмай:

— Бу бало, тутоқиб кетай деб турган ёнғин эмасми? Унга ҳозир ҳечқандай сўз кор қилмайди. Аксинча ўтни пуфлаб олдириш бўлади.

— Э, ундоқ бўлса, ҳамон чиқадиган ўт экан, чиқиб бўлсин, деб ўтирган эканмиз-да...

— Жаҳл олдин, ақл кейин дейдилар. Аввало Бўкенши хўп ошиб, тошиб бориб, ғазабини тиядиган бир ҳолатга етсин. Ёнгин чиққанда олдидан бориб ўчирилмайди, орқасидан бориб ўчирилишини ўзинг ҳам биласан-ку! — деди.

— Шунинг ҳам «элнинг тинчлигини, аҳиллигини ўйлаш» деб билсак керак! Мен ўртага тушаман, синигингни ямайман, ҳозиқ бўламан. Броқ мени аралаштириш учун аввало балого хўп бот... Кўпроқ ўртан» дер экансиз-да, а?.. — деди. Энди Абай жуда аччиғланган эди. Жиренше билак Бозор: «Тўғри, шу гапинг ма'қул» деяётгандек, диққат блан тинглаб, сўнг:

— Шунинг айт, бу тахлитда чурқ этмай ўтиришларини мен ҳам тушунолмай турган эдим. Жонкуярлар бундай қилмаслиги керак эдику!.. — деди Жиренше азбаройи куюнганидан.

Аслида у Жигитек блан Котибақ ўртасидаги дўстликнинг бузилишига рози эмасди. Бўжей, Бойсоллардан қўлиб келаётган дўстликни муқаддас сақлашни ҳозирги бошлиқ — Жиренше ўз бурчи деб билар эди. Тўпай бўлса азалдан қардошларнинг шу сингари уруш-жанжал, ҳийла-найрангларига аралашмас, тўғри одил туришликни ортиқ кўрарди. Мана шу икки отанинг авлоди келганидан буён Мойбосарни тортиниб, четланишидан қайтаролмай, яна кўнглидаги гапларини очиқ айтолмай туришган эди. Абайнинг сўзлари очиқ сўзлашишга қамчи бўлди. Шу жиҳатларни яхши тушунган Такежон, Абайнинг терговга олишидан норози бўлиб ўтирган эди.

Абай ҳали булардан койиб: «Қардошларнинг тинчлигини кўзлаш ўрнига, низо' ёнғинини ёқучилар бор» деганда, у жеркиб:

— Ёнгин-ёнгин дейсан! Бунинг тўғри, ёнгин. Броқ ўша ёнғинни биз бошлаб, биз ёқдик демоқчимисан ўзинг? Ўйлаб қаралганда, ёнгин энди чиқмоқчи эмас — илгари чиқиб бўлган-ку! Уролбойнинг блан Керимболанг ёқмадимми? Ким ёққанини билмайсанми! Ёки: «Куй» деб, «ўйин-кулги» деб бутун бир ёзни санқиган эдинг, энди шерикларингнинг айбини ёпмоқчи бўлаётирсанми? — деб, кесатиқ аралаш эрмак қилиб кулди.

Абай кулмади, шунингдек хижолат ҳам тортмади.

— Э-э айбдор топилди, дегин!.. Айбдор — куй экан!.. Куйни севган мен эканман-да! Уролбой блан Керимбола

менинг овулимда куйлапти, ўшандан экан-да!.. Ундай бўлса тинчлик, тотулик вақтида Жигитек блан Бўкенши ёшларининг сенинг овулингда ичган қимизини, еган қўйини ҳам айбдорларнинг қаторига қўшамизда! Сана, санай-вер!— деб, бироз қаттиқ тикилиб турди-да, яна жаҳли чиқиб, қаттиқ-қаттиқ гапирaboшлади.

— Уртадан низо'ни кўтариб ташлашга ярамай, тўғриси хоҳламай бекинмачоқ ўйнаб ўтириб айбдор топиш! Эмини қилмай, эпини қилиб, баҳона топишнинг пайида ўтирибсан-ку ҳамманг!— деб Ирғизбой тўпини ерга уриб, сўзини тамом қилди.

Сўнгги йилларда қардош эллар ўртасида Абайнинг анчагина э'тибор топиб келаётгани шундай пайтларда билинарди. Ҳарқандоқ гапни кўзни ўйиб, бошга муштлагандек гапирарди. Яна дарғазаб қози, одил бийлардек қаттиқ жеркиб чўрт кесиб гапирарди. Ҳозир олишиб кетиб яна ўша одатига кўчганда, Мойбосарлар жим бўлиб қолишди. Абайнинг олғирлиги, юз амри яна одиллиги тарозини босиб кетди. Мойбосарлар йўлдан, сўздан енгилди. Лекин шунда ҳам бу ўтиришда Абайнинг айтгани бўлмади. Ирғизбойларнинг ҳаммаси бир томон, ёлғиз Абайнинг ўзи бир томон бўлиб чиқди. Ойдўслардан бунинг томонига — Жиренше блан Бозор ўтди. Озчилик эмас, икки катта отанинг одами Абайга эргашди. Лекин икки отанинг одами қарши чиқди. Буларнинг ичида Тўрғай элининг одами Абай томонга эмас, Мойбосар томонга ўтиб кетишига кек сабаб бўлди. Жигитекларнинг ичиде гуноҳнинг каттаси Бозоралининг бўйнига тушишини сезган Додонбой қайси куни Болбола важидаги ғараз блан ичидан:— «Ажаб бўлди», деб қўйди.

Шу зайл келишолмай, Ойдўслар гапларини бир жойга қўйишиб, ана у икки элга киши юборишолмади. Шунда ҳам: «Фалокат улғайиб кетиб, эл қон тўкишадими» деб қийналаётган Абай, ўз ҳолича Сугирнинг овулига одам югуртирди. Эрбўлни юборди.

Абай, холис қардошларнинг саломи блан илтимосларини Сугирнинг ўзига, Акимқўжага йўллади. «Лашкар ишга солинамасиң, ишини оғирлаштириб, қадрдон дўсти Жигитеклар блан низо'лашмасиң, эм топайлик. Фақат жароҳатни улғайтирмайлик. Кўпчилик Ойдўснинг ўтинчи шу!» деб юборди.

Лекин Абайлар бсхабар қолипти. Ойдўслардан Бўкеншиларга борган аввалги хабар бошқача экан. Мойбосар

кўпчилик олдида Бўкеншидан келган одамга Ойдўс номи-
дан очиқ бир жавоб қилмай, дудмол жавоб қилгани блан,
холи ерда сўзлашиб, Сугирга зимдан: «Жигитекни ая-
масин, салмоғини солаверсин, тортинмасин. Ойдўс тен-
такларни қўлламайди. Бугун одамиини олдириб ўтирган
Бўкенши блан бўлади» деб юборган экан.

Мойбосар блан Такежон бундай яширин саломни те-
кинга айтган эмас. Алоҳида сўзлашганларида Сугирнинг
одами бу икковига бир айғир уюри блан йилқи ва'да қил-
ган. Иккови қабул қилиб, Ойдўсни сотиб, ҳалигидай ва'да
бериб юборишган эди.

Шу тахлитда қўлтиққа пуркилган сув усиз ҳам ғаз-
бига чидолмай турган Сугирга қамчи бўлиб тушди. Чунки
жаҳл устида турган Сугир бошқа сўзлар орасида фақат
шунигина уқди. Яна бу сўзни Ойдўс бамаслаҳат айтиб
юборган деб ўйлади.

Абайнинг саломи бундан анча кечикиб келди. Бу чоғ,
кундузи Жигитекларга юборган элчилари Бўжейнинг
овулига келиб, зўравонлик қилиб: «Қиз блан йигитни ҳо-
зир олдимизга сол, қўлимизга бер, бўлмаса олишадиган
майдонингни тайин қил!» деб ўтириб олишган эди.

Абулғози киришганидан кейин Жигитеклар бундай
қилишга кўнмади. «Бу — қардош элнинг эмас, ёвлаша-
ётган араз элнинг гапи. Элнинг шохини синдирма, келиш-
тирадиган сўз олиб кел. Ҳаммамиз бирга ўтириб масла-
ҳатлашиб, бирга давосини қиладиган сўз олиб кел. Ана
у—аҳилликнинг сўзи бўлади. Бу ишларнинг қора куч, зўр-
лик. Жигитекни оёқости қилиш. Итнинг эгаси бўлса, бў-
рининг тангриси бор, бу нима қилганларинг? Фақат шу
галгина бўлмаса, илгари Жигитек Бўкеншидан бунчалик
жазо кўргудек нима ёмонлик қилган эди? Бизлардан то-
тув, бизлардан аҳил қардош борми эди? Орадан қил ўт-
майдиган аҳилликни бир жаҳлга сотмайлик. Кечагина
шу авлодларнинг ғамини еб доимий дўстлик, тотуликни
бизларга мерос қилиб қолдириб кетган Бўжей, Суяндик,
Бойдалиларни ўйлайлик. Бўшеншилар сўзини ўйлаб
айтсин!» деб, Бўкеншидан келган элчини шундай бир
жавоб блан кечга томон қайтармоқчи эди. Бу гал Бўкен-
ши томондан элчи бўлиб, ўша Бўкеншининг ҳозирги ёш
бўғин амалдорларининг бошлиғи Кунту деган барваста
бир йигит келган эди. У, жўнаб кетиш олдидан Жигитек-
нинг ўзи қатори янги бўғин бошлиқлари Жабай, Бей-
семби, Абдилда уччовини бир четга чақириб олиб:

— Бу жавобларингга Сугирни кўндираман деб айта-олмайман, у тутоқиб ўтирипти. Балони бошладинг, биродар. Айтмадинг дема!— деди.

Бу гапдан Жабай бўшашаёзиб: «Ҳой, тўхта-чи, бу нима деганинг ўзи?» деб юборди.

Кунту сиймосида совуқ бир сабот акс этган ҳолда қопқора ўтли кўзларини қаттиқ тикиб:

— Шундай деганим!— деди.

Жабай сир бой берса ҳам, шу кунга қадар бундай хавфдан юзпана қилиб, ҳайқиб кўрмаган, сўзамол, шад-дот Абдилда тап тортмай:

— Ҳой, Кунту, тарозига сен блан мен тушай деб турганимиз йўқ. Арвоҳ блан эл тушиб турипти. Улардан каттаман деб, уларни хатлаб ўтаман деса, Сугир ҳам худодан топар!— деб, гапни чўрт кесиб ташлади қўйди.

Мойбосардан келган хабар у бўлса, устига устак Жигитекларнинг жавоби бу бўлди. Қиз блан йигит ҳам йўқ. Гуноҳини бўйнига олиб, узр сўрайдиган Жигитек эли ҳам йўқ. Ҳалиги гапларнинг ҳаммасига — «тил ёғламалик, бўлмағур қуруқ гап» деб баҳо берилди.

Шу бўлди-ю, Сугир бақириб-ҳайқириб, ўтбошини савалаб, Бўкеншининг арвоҳини чақириб жазаваси тутди кетди. «Минг кўк ола отимни номус йўлига тикдим, бор-йўғимни сочдим, бердим қўлларингга! Фақат шундан ўчимни олиб бер!» деб, катта бой ёмолиқка юз тутди. Оти ҳам, сўйили ҳам тайёр турган Бўкеншилардан юз йигитни юз бўз отга миндириб шом пайтида Жигитекка қарши жўнатди. Ёвлиқка отлантирди. Уларга:

— Жигитек мендан одам олиб кетди. Моли-дун'ёси блан аламдан чиқмайман. Босиб олинган одам ўрнига одам олинсин. Менга ҳам Жигитекнинг жони ачийдиган қилиб бир одамини, бир келинини тортиб олиб келинглар!— деб юборди.

Абайнинг саломи мана шундай ҳаддидан ошган босқинчилар жўнаб кетгандан кейин келган эди. Сугир Эрбўлнинг гапларини дамини чиқармай ўтириб батафсил эшитди-ю жавоб килмай, сўррайганича қотиб қолди.

Бўкеншидан босқинчиликка кетган йигитлар босиб бориб, ишни кўнгилдагидек қилиб келишди. Жигитеклардан Жопо деган йигитнинг яқинда тушган гўзал, нозанин рафнқаси бор эди. Бошидан лаккиси тушмаган ўша келинчакни қўрқитиб, ўтини ёриб тортиб олишди. Овулни босиб, янчиб борган юз йигит, овулдаги одамлардан бирон-

тасини қимирлатмай, келинни зўрлик блан кийинтириб олиб кетишди.

Ўша кеча Бўжейнинг овулида ётган Бейсемби, Абдилдаларга бу хабар бориши блан жаҳл устида кескин бир қарорга келишди.

— Қариндош деб, ғафлатда қолиб юрган эканмиз-да, ёт эканмиз-ку! Қирғин қиламан дегани-да, бу. Қани тур, сен ҳам отлан!— деб Абдилда Абулғозига буйруқ берди...

«Куч йиғиш, эс-ҳуш йиғиш» деб ҳаяллашмади. Жигитекларнинг ғазаби энди бўғзига келган эди. Улар шовқин-суронсиз, бир ўшқирининг ўзида гезариб, кўкариб кетганга ўхшарди. Сўз қотучилар кам, ҳамма илдам ҳаракат блан ҳозирланмоқда.

Бироздан кейин булардан ҳам Абулғози бошлиқ юз йигит шайланиб, тун ярим бўлар-бўлмас Бўкенши элига қараб от қўйди. Улар тонг отар-отмас қайтиб келганларинда, йилқига ҳужум қилиб мол олиб кетишмади. Булар ҳам одам олиб қайтишди. Бўкеншининг э'тиборли йигитларидан, шу йил уйланган Сўлтабой деганининг ҳали бошидан лаккиси тушмаган хотинини босиб олиб келишди.

Бу кечани Бўкеншида ҳам, Жигитекларда ҳам от боқарлар, кузатчиларгина эмас, бутун эл уйқусиз ўтказди.

Сўлтабойнинг хотинини босиб олиб кетганлари эшитилиши блан Бўкеншининг бутун яйловларидаги кечаси яйлаб юрган бор йилқи овулга ҳайдаб келтирилиб, кун чиқар-чиқмас отлар ушланди. Белида белбоғи бўлган Бўкенши борки, ҳаммаси қўлига сўйил, найза, ойболта олиб, отга қўниб, Сугир овулига тўпланди. Худди шу пайтда Жигитеклар ҳам шу сингари чўғдек бўлиб, босиб бориш, жанг қилишга ҳозирланиб туришган эди.

Шундай қилиб, қуёш найза бўйи кўтарилиши блан Жигитек элига қарашли — Сарикўл блан Бўкенши элига қарашли — Шалқар ораси. Сувуқ булоқ блан Қаршиғали ораси куролли лашкар блан лиқ-лиқ тўлди. Дам ўтмай яшил тепаликлар, ямяшил дала, тоғ бағирлари туташ жанг майдонига айланди.

Ёши олтмишдан ошиб, етмишга бориб қолган Сугирнинг ўзи ҳам қўлига найза кўтариб жангга чиқипти. Лашкарлар бир бетма-бет келиб олишаётган пайтда, Жабай блан Бейсемби унга дуч келиб қолди. Чол найзасини уларга ўқталиб югурди. Жабай ёнидагиларга:

— Мана бу чол қонига беланиб ўлмоқчи бўлаётир. Қўл тегизманглар!— деб буйруқ қилди.

Лекин Сугир тақаб келиб, найза урадиган бўлиб қолганда, Жабайларни мудофаа этиб, Жигитекнинг бир йигити ўзини қалқон қилиб қолди.

Сугир найзани ҳалиги йигитга уриб, учириб туширди-да, олдинга интилди.

Лекин «яша ҳалигини ўлдириб қўйиб, хунига қоламанми?» деган хавф остида ҳалидан-ҳали орқасига қайрилиб қараб, кетаётган эди. Олдидан лоп этиб Бейсемби чиқиб қолди, Сугир энди найзани унга ўқталди. Бейсемби олишмади, фақат найзани ушлаб олмоқчи бўлди. Сугир шунини фаҳмлади шекилли, найзасини Бейсембига тутқазди-ю, орқасига қарамай қочиб қолди. Шошиб эсидан адашмайдиган, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган Бейсемби хандон ташлаб кулиб юборди-да:

— Кўрдингми бунинг қилигини, кўрдингми?! — деди найзани тик кўтариб Жабайга кўрсатганича: — ана у йигит ўлиб қолгудек бўлса, ҳали бутун гап ўртага ташланганда «мен урганим йўқ, найзамни Бейсемби юлиб олган», дейишлик учун найзасини менга тутқизиб кетаётир!.. — деди.

Бу — жангнинг бир жойида... Бошқа жойларида қанча-қанча одамлар ярадор бўлиб қонига белашиб, отдан қулаб, майиб бўлаётган эди.

Жигитеклар блан Бўкеншиларнинг кўп азамат, полвон йигитлари ҳам бирнеча бор бетма-бет келиб олишишди. Айниқса бугун ботирлик блан маҳоратда кўзга кўринганлар: Жигитеклардан—Абулғози, Бўкеншилардан — Марқабой бўлди. Гавдаси бир қучоқ, ҳар сони бешикдек келадиган, ёши энди ўттизга борган, юзи ялпоқ, ола кўз, қопқора Марқабой — чин баҳодирона ғайратга эга. Ўзи Тўбуқтига ма'лум туяполвон, яна донғи чиққан мечкай эди.

Бугун шу Марқабой қайта-қайта от алиштириб миниб, қанча-қанча йигитларни отдан учириб юборди. Ўзи ҳам хўп сўйил эди. Бошининг соғ ери қолмай, ёрилган бўлса ҳам писанд қилмади.

Тушга қадар чўзилган бу жанг, ҳали-бери тўхтайдиган эмас эди. Ярадор бўлган, майиб бўлган жангчиларни ҳар икки томон ҳам ёв қўлида қолдирмай овул-овулига олиб кетаётган эди. Икки қардош эл қипқизил қонга беланаетганди. Бу ишдан хабардор бўлган Ойдўс тушга яқин беҳисоб лашкар блан майдон устига бостириб келди-да, икки томонни ҳам босиб қўйди. Жақиб ҳайқирганича Ойдўс помидан буйруқ қилиб:

— Ким тўхтамаса, айб ўшанда! Энди тўхтамаганинг — бизларни ҳам ўзингга ёв қиласан! — деб, уларни ноилож тўхташга мажбур қилди.

Олишаётган ҳар икки томон чор-ночор жангни тўхтатиб, эл-элига қайтабошлади.

Ойдўс тўпи ўртада туриб олиб, икки тараф ҳам тарқаб кетгунча кутиб турди. Ҳамма тарқаб кетгандан кейин, тўпи блан Жигитек томон қайрилмай, Бўкеншига қараб кетишди. Бу жигитеклар учун ёмон аломат эди. На иккига бўлинмай, на холис эллардан биттасига қараб кетмай, Ойдўснинг Бўкенши томонга юз тутиши «Озор топган шу, шунинг ёнида бўлайлик» деганими? Ёки «айб буларда эмас, шуларнинг ёнини олайлик» деганими? Ҳар ҳолда бу иш кўп Жигитекни ташвишга солди. Ойдўс тўпи блан Сугирнинг овулига тушадиган бўлгандан кейин, Бўкеншининг кўп лашкарлари, шу атрофдаги ўз овулларига тарқалиб кетишди.

Қиргин-қиёмат жанг бўлаётганига қарамай, бу элларда ҳамиша бир мақтаниб, эрмак қилиб кулиб айтиладиган қизиқ ҳикоя ҳам дув-дув гап бўлиб юрарди. Бугун Жигитеклар Сугир тўғрисида бир афсонавий эртақ тўқишган бўлса, иккинчи биттасини Марқабойнинг бир шўхлиги тугдирди. У, атрофини қуршаб, шодланиб, унинг блан фахрланиб келишаётган бир тўп йигит блан Далекенинг овулига келиб тушди. Ўша ердаги овулларнинг бирида ёз бўйи уни ошиқи-шайдо қилиб юрган қизи — Қундуз бор эди. Қизнинг ҳам унга кўнгли бўлгани блан, онаси қизини қаттиқ тежаб-тергаб, олти ой ёз Марқабойни овулига яқин йўлатмай қўйганди.

Марқабой бугун мапа шу бесаранжомликни ўша тиллага баҳона тарзида фойдаланмоқчи бўлиб, йигитлари блан қизнинг қўшниларидан бирининг уйига тушди-да, ёнидаги бир-иккита ўртоғига: «Сенлар Қундузнинг онасини ўртага олиб, гапга тутаверинглар!» деди.

Жойлашиб ўтириб олиб, қимизга қониб кўпиришиб гапга тушиб кетишган пайтда, Қундузнинг онаси — қопқора, бужмайган кампир ҳам шу уйга кириб келди. Йигитлар уни гапга тутабошлашди.

Гап чортанг келган пайтда, Марқабой сурғилиб чиқдию, отилиб Қундузнинг уйига кириб борди. Эшиги кўтариб қўйилган ўтовнинг ўртасида катта қозонда иримчик қайнаётир. Қундуз ёлғиз ўзи кашта тикиб ўтирган экан.

Қиз гап очиб, жанг ҳақида савол берабошлаган эди, Марқабой унга дурустгина жавоб ҳам қилмади. Бошининг ёрилиб-ёрилиб ётганини ҳам унутди. Фақат, қизга ёлвориб қучоқлаб олди. Қиз сесканиб, ирғиб туриб кетди. Марқабой Қундузни эркига қўймай, чирмашиб туриб кетиб, томоғидан ўпганича қотиб қолди. Қиз қутулишга уриниб типирчиласа ҳам қўймай, қаттиқ қучоқлаганича тураверди. Шу онда ҳалиги бало кампир, унинг уйдан чиқиб кетишидан хавф олиб, дик этиб туриб ўз уйига келди. Қизни қучоқлаб, ўпиб турган Марқабойга:

— Хой бўйнинг узилгур! — деб, ҳайқирганича югурди. Марқабойнинг қулоғига гап кирадими, қизни қучоқлаб ўпганича турипти. Кампирнинг қони қайнаб, яна қичқирганича қозондаги иссиқ чўмични юлиб олиб, Марқабойнинг каттакон челақдек яланғбошига тушириб қолди-да:

— Вой, қуриб кетгурей! Бугун еган таёғинг камлик қилдими? — деди.

Шундан кейингина Марқабой қучоғидан қизни бўшатиб юбориб, эшикка уриб кетди. Марқабой шу «чўмич егани»ни ўртоқларига ўзи айтиб берди. Уша куни бутун элга шундай ғалаён устида шу сингари бир кулгилн гап ҳам тарқалган эди.

Ойдўснинг Бўкеншиларга қараб кетишининг жони бор экан. Жигитекларни бебош деб айблаб, Бўкеншиларнинг айтганини қилдирмоқчи экан. Яна ёлғиз Абайдан бошқа бутун Ирғизбой, Тўрғайлар шу ерда. Котибақ, Тўпайлар ҳам шу ерга келишган. Жиренше блан Бозор кеча тунгача ҳам Абай блан бирга бўлишди. Эрталаб Жигитеклар босиб боришиб, Сўлтабойнинг хотинини олиб қочишди, деганларидан кейин: «Булар холис қардошларни ҳам писанд қилмаймиз дейишаётган эканлар-да. Бўкенши-ку аччиқ устида Уролбойнинг тентаклигига яраша бир ўринсиз иш қилипти. Лекин, қаерга борар эди? Сабр қани? Бироз чидаса, холис қардошларнинг ҳам тили узун бўлмас эдими? Энди ишни ўзи расво қилди. Уролбой блан Керимболага қутулгудек йўл ҳам қўймади. Уларнинг ҳам шўрини ўзлари қуриштиди. Энди ўша қизни қайтармай илож йўқ!» деб, Бўкенши томонга ўтишди. Гап шунга келганда Жиренше блан Бозор Абайдан айрилиб, Мойбосар блан кетди. Абай ёлғизланиб, хафа бўлиб уйда қолди.

Абай элдаги расволик учун Уролбой блан Керимболадан уялди. Беҳисоб элнинг ғалаёни, беомон йўл-йўриқнинг зўрлиги қўл-оёғини чамбарчас боғлай деб турипти.

Лекин Абай энди бошқача бир иш тутмоқчи бўлиб, тезлик блан сафарга ҳозирланабошлади.

Бўкеншига тушган Ойдўс, Жигитекка чопар юбориб, шу иш юзасидан сўзлашадиган бош одами тезлик блан Сугирнинг овулига келсин, деб буйруқ қилишипти.

Бу хабарни эшитишлари бланоқ Жабай, Бейсемби, Абдилдалар йигирмадан ошиқ одам бўлиб, отга минишди. Ишнинг бундай кетишидан чўчиган Бейсемби жўнаб кетиш олдидан Абулғози орқали Бозоралига хабар қилди.

— Ишнинг кетиши хунуклашиб бораётир. Уролбой блан Керимболани олиб, бошқа бир ишончлироқ ерга боратурадими, нима қилади?! — деб, айтиб юборди.

Бу гап Бозоралининг номусига қаттиқ тегиб, ўртаниб кетди.

— Эй, тутуриқсиз бий, марҳаматсиз тошбағирлар! Ҳали сенларга орқа қилиб, ишониб юрибманми? Сугир — бой, мен — қашшоқман. Унинг сўзини минглаб човқари сўзлайди. Ойдўснинг келиштиручи сотқинлари етагида юриб, остида туриб, кишнай-кишнай сўзлайди. Менинг бўлса, зарур бўлганда миниб кетгудек уловим ҳам йўқ. Жигитекнинг порахўрларига сўйиб бергудек молим ҳам йўқ... Узим бораман ўшаларнинг тортишувига! — деб, бир шайланган эди.

Абулғози бунга қўшилмай, йўлдан қайтарди. «Ғазаби бўғзига келиб турган элнинг ўртасига сен борсанг можарони улғайтириб юборасан. Баттар тутоқиб, ўчакишиб кетади» деди. Шундан кейин на чора? Бозорали Уролбой блан Керимболани эргаштириб, Чинғизнинг кимсасиз тош бағирларини паноҳ тортди.

Шербаччаларини орқалаб бораётган ярадор шердек дарғазаб бўлиб ғижинганича йўртиб кетди.

Отланиб кетай деб турган пайтда, ягона бир юпанч бўлиб Абайдан хабар келди. Амир блан Мирзағулни юборган экан. Улар қўша-қўша қилиб, тўртта семиз от, яна сўйишга бир той ҳам олиб келишипти.

— Шуни керак-яроғига ишлатсин. Қардошларнинг нияти бузилди. Ерга киргудай бўлиб ўтирибман. Бир маслаҳатимга кирса, Бозекенг бу ўлканинг элидан марҳамат кутмасин. Эртага жигитеклар ҳам қувловчи бўлиб, кетига тушади. Шунда ёлғизлик билиниб қолади. Энди қандай бўлмасин, иккала ёшни олиб шаҳарга, улугнинг олдига борсин. Агар шунга кўниб, Семейга борадиган бўлса, менга тездан хабар қилсин. Мен ҳам шаҳарга бораман. Ҳозир

жўнашга тайёрман. Уша ерда ёрдам қилиб, кўмаклашаман. Шу гапимга ишонсин. Борсин. Тезлик блан йўлга чиқсин. Бўлмаса мен бу ерда ёлғиз қолиб, куч-қувватдан айрилиб ўтирибман,— депти.

Бозорали бошига мушкул иш тушиб турганда, Абайнинг от юборганига беҳад хурсанд бўлиб: «Элим безса ҳам, сен безмабсан. Бугунги Тўбуқтида бирон одам бўлса, у ҳам сен экансан-ку, Абай. Шаҳарга борсам ёрдам қилишинг ҳам аниқ. Лекин шаҳарга элдан безган, қувғинди бўлиб, нима деб бораман? Бу атрофда ундай иш қилган одам ҳам йўқ. Ушанинг ўзини ҳам орқамдан шумлик, дейишади. Яхшиси, мен шу элнинг қиладиган марҳамати натижасини билай. Одамгарчилиги борми-йўқми, бор сирини билай. Агар хоинлик қилса, ёқалашиб ўламан. Олишмай, қон тўкмай кўнмайман. Лекин шаҳарга ҳам бормайман. Жонимни мана шу икки ёшнинг йўлига тикдим!»— деб юборди. Шунинг блан Бозорали ёш қочоқларни олиб бориб, Чинғиз тоғидаги Қораша қўйтоси деган, киши бориб бўлмайдиган қояларнинг орасига яширди-да, уларга Абай юборган тойни сўйиб берди. Ўзи белига ханжар, тақимига чўқмор қистириб, қўлига қора эман найзасини олди. Буқиниб, ёрнинг оғзини қўриқлаб ётган йўлбарсдек қўйтосга кирадиган йўлни тўсиб, кузатиб юрди. Зўр, барваста гавдаси ҳозир пишиқ бўлиб, ихчамлашган, ҳаракатлари кескин эди. Юзидаги қизил нури ўчиб, кучли ғазаб акс этиб турарди. Кўкимтир товланиб, қовоғидан қор ёғилиб, гезариб кетган эди.

Сугирнинг овулидаги жамоат, Жигитек кишилари боргандан кейин бир кечаю-бир кундуз тортишиб, няхоят Бейсемби, Жабайларни эсанкиратиб енгди-да, ҳукм чиқарди. Гуноҳи учун Жигитекнинг бўйнига мол қўйди. Бўкеншига қараганда ери мўл деб, Қоровул сувининг бўйидаги Жигитек қистовларидан учтаси Сугирнинг фойдасига кесилди. Унинг устига, Керимболани Уролбойдан айириб, Қоракесек элига жўнатиладиган бўлди. Жигитеклар уларга паноҳ бўлишдан бош тортишди. Шу ҳукмга биноан югурдаклар чопганларича қочқинларни тутиб келгани кетишди.

Буларнинг ўн йигит бўлиб келган олдинги тўпа Бозоралига дуч келди. Бозоралининг танҳо ўзи улар блан қаттиқ жанг қилди. Шу йўлда қурбон бўлиши аниқ эди. Бир овқат пишгунчалик вақт ичида танҳо ўзи олишганда: ўн йигитнинг бештасини найзалаб, қолган бештасини яра-

дор дарғазаб шердан қочаётган қўрқоқ итлардек қочириб, ҳайдаб юборди.

Лекин бу бештаси Чинғизнинг бутун чўққиларида изғиб юрган кўп Бўкеншилар блан Ойдўсларни йиғиб келиб, қайтадан ёпирилишди. Иккинчи гал ўттиз киши бўлиб келиб ҳужум қилишди-да, Бозоралини чекинтириб, Қораша тосидан четлатиб олиб кетишди. Лекин енгиб, йиқитиб қўлга тушираолишмади. Дуч келган Тўбуқти йигити борки, ҳаммаси, жон олиб жон бераётган баҳодирнинг ҳозирги важоҳатидан сесканди.

Шу чоғ, кўп суворийлар Уролбой блан Керимболани топиб олишди. Йигитнинг олишганига қарамай боғлаб ташлашди-да, қизни отнинг олдига ўнгариб олишди. Айрилар чоғида, боғлаб ташланган Уролбой ҳайқириб:

— Керимбола, маш'алим, қайта излаб бориб, яна олиб қочмасам, отам Қавмендан туғилмаган бўлай!—деб қолди.

Керимбола ҳам кучли ғазабдан қизариб, ўртанганича:

— Етар бўлсанг, йўлингга жоним қурбон!—деб кетди.

Зўрлик зўрлигини қилди... Уша куни кечқурун Бозорали от қўйганича, Бўжейнинг овулига келиб, қўранинг ўртасида туриб, арвоҳларни, Кенгирбой, Бўжейларнинг помини атаб: «Бормисан арвоҳ, кўраётирсанми бу разилликни? Қарға, мана бу эллигидан айрилган ҳезалақларингни!» деб қарғиш тилаб, урон солди. Овулда ўтирган Бейсемби, Жабай, Абдилдалар югуришиб келиб ўртага олишди. Қараса, Бозорали Бўкеншига ҳужум қилиб: «Қон тўкиб ўламан» деб, турипти. Улар: «Бу яна бир фалокатни бошлайди», деб келиб отининг жоловиги ёпишишди. Икки томондан ёлвораётганлар Бейсемби блан Абдилда эди. Ғазаби бўғзига келиб тутоққан Бозорали:

— Виждонини сотган хоинлар... Элнинг шўрисан-ку!.. Ҳали кўп шумликларни қиларсан икковинг... Тўсма йўлимни!—деб, бош-бошига қамчи блан тортиб-тортиб юборди. Бейсемби блан Абдилда шунда ҳам тизгинга ёпишганича қотиб қолишди. Жабай овулдаги бор йигитни ёпирилтириб юбориб, Бозоралини зўрға отдан тушириб, зўрлаб, ўйга олиб кириб, қимирлатмай босиб ўтиришди. Қуролларини ҳам ўғирлаб, яширишди. Йигирма-ўттиз йигит тун бўйи Бозоралини шу зайлда уйга қамаб ўтиришди.

Керимбола Бўкеншига келиши блан, ҳали Уролбой блан қилган аҳди кўпчиликнинг қулоғига етди. Сугир ҳам: «Бу чириган тухумни овулимда сақлаб ўтирмайман»

деб, қўйган эди. Унинг устига, Бозорали блан Уролбойнинг тинчимаслигига кўзи етган, яна Керимболанинг ҳам аҳдидан қайтмаслигини билган Бўкеншилар ўша кун кечқурун беш йигит блан Керимболани Қоракесек элига жўнатиб юборишди. Сугир аввал ҳам қудасига хабар қилган эди. Энди: «Сарпа-сириҳини келиб олиб кетар, ҳозир мана бу бузилган келинини кўзи тиригида қўлига топширдим. Ўзи эга бўлсин, тинчимайдиган бўлса, ўлдириб қўя-қолсин, йўқламайман. Худонинг олдида ҳам хун талаб қилмайман» деб юборди.

Ўлжай ичидаги ғалаён шу блан босилди.

Орадан икки кун ўтгач, бойлоқдан бўшаган Уролбой тоқат қилиб тураолмай, ма'шуқасининг орқасидан чопганича Қоракесек элига етиб борди. Нега келганини, нимасига ишонганини ўзи ҳам билмайди. Фақат дардли қалбининг қонли жароҳатини йўлдош қилди-ю, келаверди. Лекин ҳечкимга билдирмади. Броқ Керимбола озиб, кўнгли чўкиб қолган экан... Атрофида кўз бўлиб, тикилишиб турган қайин-бўйин, овсинлар бор... Қовоғидан қор ёгилган бир йигит ўтирипти. Қўш қаноти қайрилган, узоқ ётиб оғир дарддан тургандек шалвираб, сўлиб қолган Керимбола бор... Иккови ҳам ночор ғариб бўлипти...

Ўтов уйдаги ўт бошида бир узун бўйли, кенг яғринли қопқора йигит бутун кеч пичоғини қайраб ўтирди. Бир вақт, Керимболага қараб тўнғиллаб:

— Бугун ё сен ўласан, ё йигитинг ўлади... Агар ра'йингдан қайтмаган бўлсанг, гап шу! — деди.

У йигит Керимболанинг қайнағаси экан. Қозондаги гўшт пишиб, янги келин гўштни товоққа кўтараётган пайтда, ҳалиги йигит уйдан чиқиб нариги уйдагиларни айтиб келгани кетди. Шу онда уйнинг бўсағасида Уролбой пайдо бўлди.

Керимбола даҳшат ичида орқага чекинди. Қайнағасининг гаплари, қардошларининг яқиндагина қон тўкиб қилган жанглари, Чинғиз қоялари — ҳаммаси бир лаҳзада кўз ўнгидан ўтди. Уролбой дарҳол билди: Керимболанинг қанотлари мангуга қайрилипти. Иккови ҳам сукут қилди. Қиз товоқдан тилни олиб, бир четидан ушлаб туриб, Уролбойга қараб:

— Тақдир шу экан, Уролбой. Чўлоқ кампирнинг сўнгги саломи шу бўлсин. Келиб мана бу тилни менинг оғзимдан олиб е-да, шунинг блан ўзингни босиб ол, ҳуёшим! — деди.

Шундай деб тилнинг бир учини оғзига олиб, тишлаганича Ўролбойга қаради.

Йигит ҳам ҳечнарсадан ҳайиқмай отилиб, тикка борди-да, Керимболани сўнгги марта бағрига босиб, сўнгги марта ўпиб туриб, тилнинг ярмини тишлаб узиб олди. Ўксиб-ўксиб йиғлаганича орқасига чекинди. Керимбола ўзини ҳаётнинг бутун шодликларидан маҳрум бўлган чўлоқ кампир қаторига қўйди. Ўролбой отга минди-ю жўнаб кетди. Қаерга кетгани маълум эмас, бағрини қонли жароҳат босган ёш йигит йўқ бўлди кетди.

Орадан анча кун ўтди. Ўша Ўролбойнинг ўликтириклиги номаълум бўлиб, ғуссага ботиб кетганига қайғуриб ўтирган Абай, Биржонни хотирлаб ёнидаги Эрбўл, Амир, Айгерим уччовига:

— Қимматли Биржон, нақадар ноёб эдинг! Элимнинг асл кучини орқалаб юрган экансан-ку! Ёшларни бу кўйларга солган сенинг жозибадор куйларинг-да. Сан'ат бўлса, шу сингари, тинч сувга катта тош отгандек, остин-устин келтирсин. Ҳаётнинг талаби ҳам шу-ку. Шу сингари қуюндек келиб уриладиган кучлар бўлмаса, кушлар чириб-бисқиб ўтар эди-ку,— деди.

Эрбўл ҳали ҳам Ўролбойга ачинарди.

— Ҳамма оғирлик истиқболи баланд, навқирон ёшларнинг бошига тушди-да. Қанотини қайириб кетди-ку!— деди.

Абай бу ишга бошқача қарарди.

— Саҳродаги бу ярамас ҳаётга шунингдек қаттиқ зарба берадиган куч керак. Бора-бора эр-азаматларнинг дардига шу даво бўлар!— деб ўтириб, бир улуғ фикрга келди:— Арслон ойга сапчиб нобуд бўлгани блан, орқасида югуриб юрган боласи арслонлигини қилмай қўймас. Оқ шунқор тузоққа илингани блан уясидан учиб чиққан боласи шунқорлигини қилмай қўймас!— деган қозоқ ҳўб доно экан-да! Тўбуқтидаги зўрлик блан авомлик Ўролбойни енггани блан ҳаётни, тарихни енгаолмас, орқага қайтаролмас... Қайтаролмас!..— деди.





ҚУЙИДА

1

Эшиги ланг очиқ, тундиги сидирилиб ташланган кенг ұтов кўклам чошгоҳининг бор нафаси, бор овозига тўлган. Қимматбаҳо суяклардан нақш қилинган баланд кровать ёнидаги ғилдирак хонтахтага тирсакларини тираб ўтирган Абайга эшикдан кираётган шабада ҳам ором бағишлаётир.

Бир-биридан ўзишиб чиқаётган садолар, филғон, эрмон ҳидлари ҳам баҳор чошгоҳининг ёқимли шарпасидек келаётир.

Чириллаб учиб бораётган бўзтўрғай товуши, уй устидаги фазога илиниб қолгандек, шу ердан узилиб кетолмай, ўмбалоқ ошиб, айланиб сайрайди.

Оқшўқига яқин сойлардан онда-сонда какку чақиради. Какку-каккулаб, мудом жавобсиз қоладиган сўроғини такрорлайди. Дун'енинг энг беозор, беғам сайроқи қушчалари жуфтини чақираман деб, кичкинагина сирини тоғу тошларгача фош этади.

Ба'зан яқин ердаги сув босган кенг ўтлоқ — «Қўриқ» дан адирларга қараб учиб бораётган бир тўда ўрдакларнинг визиллаб қанот қоққани эшитилади. Тошлоқ сойларга уя солиб қўйиб, эндигина жуфт-жуфти блан яйрайди.

ган кунларга етишган сариқ-ола ғозлар қичқириб ўтишади. Абай китоб ўқиётган бўлишига қарамай, баҳорнинг шу сингари алвон-турлик янги ҳаётини ҳам баравар ҳис этарди.

Нимадандир ҳуркиб қочишиб, уйнинг ёнидан кичкина туёқчаларини тиқирлатиб, ўйноқлаб югуриб, бирқанча қўзилар, улоқлар ўтишди. Ҳали ҳаётни билмайдиган ёш бўғин ўз ҳаётини шу сингари чўчиб-чўчиб севади.

Нариги уйда ўқиётган, шу қўзилар сингари болаларнинг товуши ҳам ўқтин-ўқтин Абайнинг қулоғига кириб қўяди. Бу ҳам инсон баҳорининг, янги бўғин, янги ҳаёт эгаларининг уни.

Абай китоб ўқиб ўтираркан, ташқаридаги ҳаёт садосини, ёқимли ҳидларини ба'зан юзаки ҳис этса, ба'зан ҳали бўлиниб қўша ўйлаб кетарди.

Қадди баланд ўтовнинг ўнг томонидаги чойшаб, чимилдиққа чанғароқдан тушиб турган қуёш шу'ласида ҳам яшнаган баҳор акс этиб турарди. Тоза супурилган, саришта, холи уй Абайнинг руҳини енгиллаштирди. Уйда танҳо ўзи ўтираркан, эндигина яшнаб, борлиқни безатиб келаётган баҳорни уйда ҳам, эшикдан ҳам баравар ҳис этиб, шодланиб эркин нафас оларди.

Яна ўзгача бир майл блан китоб устига энгашади. Ҳозир унинг китобга бўлган ихлоси бўлакча. Ниҳоят китоб блан китобхон Абай бир-бирини англади. Рус тилида ёзилган катта асарни Абай биринчи марта эркин тушуниб, тил қийинлигини енгани шу эди. Мана шу тушунарли бўлган китоб биринчи ўтқал¹ бўлди. Очиқ, қулай, равои ўтқал, Абайни кўп йиллардан бери етсам деб орзу қилган, тармашиб, интилган соҳилига олиб чиққан ўтқал бўлди.

Мана шу ўтган қиш бўйи Абай турли-туман дарсликлар, луғатларни ҳамроҳ этиб, ёлғиз қунт қилиб тикилгани рус китоблари эди. Ниҳоят, кўкламга чиқиб яшнаб турган янги бир оламга чиндан эшик очилабошлагандан кейин, Пушкинга кўчди. Прозадан бошлади. Ҳозир ўз ҳолича ўқиб тушунаётган китоби,— Пушкиннинг повести «Дубровский». Тили тушунарли бўлиб қолган «Дубровский» повестининг ўзаги ҳам тушунарли бўлди.

Бугун эрталаб ёлғиз ўтирган Абайнинг бутун оламини, уй-жойини, оромбахш баҳорни ўзгача шодлик, ёрқин кўн-

¹ Ў т қ а л — кечув.— *Ред.*

тил блан ҳис этишининг бонси ҳам, ўша янги нафас, яқин дўстга айланган қизиқ китобнинг та'сири эди. Кўп вақтлардан буён бу қадар шодланган ҳам эмасди.

Утган йил ёз, шу қиш бўйи бор ишдан, гап-сўзлардан безор бўлиб, қочиб ётиб олиб, уйдан чиқмай ўтиришнинг самарасини ҳам кўрди.

Мойбосар, Такежон, Жиреншелар унинг орқасидан ҳазиллашиб эрмак қилиб:

«Айгеримни олди-ю, асти дийдорига тўяолмай, мубтало бўлди қолди. Осмонда юрган йигит илоннинг авроғига учраган тўрғайдек тўп этиб, Бойшўра қизининг олдига тушди қўйди!» дейишарди.

Бу гаплар Абайнинг қулоғига етганда кулиб қўяр, лекин мадрасадаги толиби-илм, серҳавсала шогирддек мутолаа қилишни қўймасди. Ёрилиб, кўнглидаги гапини ҳеч кимга айтмас, маслаҳат ҳам солмас эди. Чунки ўзи яшаётган даврда, доираси тор саҳро ҳаётидан четга чиқмай ўтириш тўғри келмаслигини яхши биларди. Шаҳар, дўсти «Оқбош Андреевич», кутубхона, яна болаларининг тарбияси ҳақида ўйларкан: «Қолган умрни шаҳарга яқинроқ ерда ўтказиш керак» деган қарорга келди.

Шундай қилиб, ердан қор кетиши бланок бошқалар ҳали қистовда ўтирган пайтда мана шу Оқшўқига кўчди.

Шу ерда ўзига бир қистов солдирмоқчи бўлиб, Айгерим блан ўзининг Дилдадан бўлган болалари Ақлбой, Абиш, Гулбодон ва кичкина Мағашларни олиб келди. Жидебойда онасининг уйи, Ўспон, Дилдалар қолишди.

Абай уй соладиган усталар, мардикорлар, яна тўртбеш уйли қўшнилари блан келиб, ўша ишларни бошлаб юборди. Уй солаётганлар ўз ишларини қилаётирлар. Бу ишларни кўпроқ Эрбўл блан Айгерим бошқарарди. Абай яна бошқа бир уй тиктириб, ота-онасининг овулидан бирқанча ёш болаларни ҳам Кишкене Мўлда деган муллага қўшиб олакелган эди. Ҳозир улар ҳам Абайнинг болалари блан ўша уйда чувиллашиб ўқишаётир.

Абай китоб ўқиб ўтираркан, эшикдан тангур-гунгур сўзлашиб Айгерим, Эрбўл, Кишкене Мўлда кириб келди. Кишкене Мўлда уйга кириб келаётганида ҳайрон бўлганича Айгеримга:

— Эҳ, тангрим! Бугун янги уйнинг пойдевор-ғишти қўйилаётган пайтда, Абай нега бормади? Мен шунга ҳайрон бўлаётирман. Ўзи соғми? Ёки бетобми? — деди.

Айгерим эркаклардан кейин бўсагадан ҳатлашн блай астагина кулиб:

— Йўқ, бетоб эмас, лекин бизнинг уй солишимиздан кўра бу кишининг бу ердаги меҳнати қийинроқми дейман. Уша ишдан қўли бўшамаётган кўринади! — деб, Абайга қаради.

Абай, Эрбўл блан Айгеримдан уйининг пойдевори солингани ҳақида бир-икки оғиз гап сўраб, хайрлик бўлсин деди-да, кейин кулганича Айгеримнинг ҳазилига жавоб берди.

— Менинг машаққатим гишт териб уй-жой тиклаётган Тўранинг меҳнатидан оғirroқ десам, Эрбўл икковингиз куласиз-ку.

Лекин Тўранинг меҳнат оқибати — уй бўлиб тикланса, мен ҳам ўз меҳнатим орқасида бугун бир шодликка эришдим! — деди.

Эрбўл Кишкене Мўлдага қараб кулди-да:

— Тинчгина, салқин уйда, тўрт қават кўрпачанинг устида ўтирган одамнинг чекаётган азиятидан ортиқ машаққат бор дейсизми? — деди.

Кишкене Мўлда, чеҳрасида ҳамон ўша порозилик акс этган ҳолда, ҳайрон бўлганича:

— Уй-жой сизнинг яшайдиган маконингиз. Бугун омад келиб дўстларингиз, севикли ёр-жуфтингиз яхши ниятлар блан янги уйнинг пойдеворини кўтаришди. Яхши умидлар блан тиклашди. Ана шундай дамларда оилангиз шодлигини баҳам кўрмаслигингиз мени чипдан ҳам ҳайратда қолдираётир, — деди.

Айгерим Абайни айбламаганидек оқламоқчи ҳам эмас эди.

— Биз бугун мўлдани ҳам айтдириб келиб, яхшиликларга буюрсин деб фотиҳа олиб, бир бўз қашқа сўйдирдик. Мўлда арвоҳларга сизиниб, кур'он ўқиб фотиҳа берди! — деди.

Абай бу ишларнинг ҳаммасидан жуда мамнун бўлгандек чин кўнгилдан Айгеримнинг ўзининг ҳам, бола-чақалари, ёри-дўстларининг ҳам шу уйда яйраб-яшнаб, бахтли ҳаёт кечиришларини тилади. Сўнг кўзлари кулимсираб, Кишкене Мўлдага қараб эрмакомиз ҳазил қилди:

— Муллака, Айгерим Оқшўқида уй солганда ўқилсин деган дуо ҳам бор экан-да? Қандай дуо ўқидингиз?

Кишкене Мўлданинг жаҳли чиқиб, заҳил бети дув этиб қизариб:

— Сиз шундай дуо йўқ, деб биласизми? Кулли мусулмоннинг билиши лозимдирки, ҳарбир яхши ниятга, яхши фотиҳа йўлдош бўлсин дейилган. Мен: «Ё розиқул ибоди» дуосини ўқидим. Ножўя ўқибманми?— деди.

Абай аввалгисича вазминлик блан:

— Муллака, у хирмон кўтарганда ўқиладиган дуодир дейман. «Лавҳинома»да шундай дейилгандек эди?— деди.

Абайнинг дуони бу тахлитда ҳазилга олиши Қишкене Мўлдага ёқмай, қаттиқ ранжиб, қошларини бир чимирдида, катта-катта кўк кўзлари ялт этиб, масала талашаётган Абайга бир қараб жим бўлиб қолди. Фе'ли тез, баджаҳл, лекин соф ихлосли муллани ранжитишга Эрбўлнинг кўнгли бўлмай:

— Оббо, Абай, яхши ниятнинг ҳаммаси ҳам яхши эмасми, хумпар! «Оқ қўйнинг калласи, қора қўйнинг калласи мен худонинг бандаси» деб ҳам намоз ўқиб юрибмиз-ку. Унинг олдида мулланинг ёқимли оҳанг блан қироат қилиб ўқиган дуоси, хирмон эмас, пичан бошида ўқиладиган дуо бўлса ҳам, Айгерим икковимизга дуоларнинг бийидек туюлди!— деб, ҳаммани кулдириб юборди. Даставвал учрашганларида, пайдо бўлган ғашликни кўтариб ташлади.

Шу чоғ Айгерим Абайнинг ёнида турган тўгарак хонтахтага янги дастурхон ёзди. Эшикдаги Злиҳани астагина имлаб чақириб, қимиз шопиртириб эркакларга узата бошлади. Абай китобни ўқиб бўлганидаги шодлигини қайтадан топгандай очилиб кетди-да, Қишкене Мўлдага, Эрбўлга тортган машаққатининг роҳатини англагмоқчи бўлди.

Заранг косадаги муздек, қуюқ қимизни онда-сонда бир ҳўплаб қўйиб, олдидаги русча китобни варақларкан:

— Уй солиш ҳам меҳнат. Хирмон кўтариш, лой қилиш ҳам меҳнат. Лекин бирнеча йиллар давомида иштилаётган тилакка англашиларили тилда жавоб қилмай келаётган чуқур ма'ноли китобларни англашиларили қилиб олиш ҳам оз меҳнат талаб қилмайди. Мана Эрбўл блан Айгерим гувоҳ-ку. Ўзингиз ҳам сезгандирсиз мулла, мен ўтган йил ёз, бу йил қиш бўйи фақат бир мақсадга эришмоқнинг пайида эдим. Мана, ҳозир ўша истак маконининг тикланган биносини илк даф'а кўраётгандай бўлиб турибман!— деб бироз жим қолди.

Айгерим блан Эрбўлга қараб: «Бу гапим тушунарлик бўлмади шекилли» деган шубҳага бориб, жим қолган эди. Энди яна бир янги фикр келди-да, Эрбўлга қараб гап бошлади.

— Бу киши, Кишкене Мўлда, яхши билади. Ихлосманд шогирд, бирнеча йиллар қунт қилиб кўп ўқигандан кейин, бир кун келиб ўз-ўзидан ўша ўқиб юрган йиллари, ойлари, кунларидан ўзгача бир янгилик топади. Юриб-юриб, илм оламининг эшиги, унинг идроки олдида ўз-ўзидан кенг очилиб кетгандек бўлади. Илм толибларининг ҳаётида бу энг бахтли дам бўлади. Уни мана бу кишилар, муллалар: «Мутолааси очилди» дейишади. Ўзингизга ма'лум, мен кўп изланган, устозсиз шогирд тарзида ўқиб, рус тилидан мутолаам очилган пайтга етганга ўхшайман. Бунга Айгерим, Эрбўл, сизлар Оқшўқидаги уй-жойнинг пойдеворини тиклаган пайтингизда етишдим десам бўлади. Мен чекаётган машаққатнинг ҳам ана шундай сирлари бор эди, дўстларим!— деди.

Бу гапларни айтиб бўлган пайтда Абайнинг юзидан камдан-кам кўринадиган ҳақиқий шодлик тўлқини акс этиб, ранги ўчинқираб кетди. Гаплари шунчаки гап эмас, ҳаяжонга солган туйғуларни ифодаларди.

Эрининг авзойидан кўнглини дарров сезадиган Айгерим, Абайнинг қувончига қўша қувонди. Негадир кўзлари шодлик ёшига тўлиб қизарди. Меҳрибонлик блан Абайга қаради-да, астагина кулиб:

— Бўлмаса шодликнинг каттаси сизда экан. Хайрли бўлсинининг каттасини сизга айтиб табириклаймиз!— деб, яна қимиз қуйиб, ўнг қўли блан Абайга узатди. Эрбўл жавоб қилмади. Тушуниб кулиб қўйди.

Кишкене Мўлда бу икковидан бошқача фикрда эди. Абайнинг гапига асти қўшилмади.

— «Мутолааси очилди» деб, Мантиқ, Ақондни ўқиб юриб устоздан, халфадан та'лим олмай, «Қофия», «Шарқ Абдулло»нинг ма'носига ўзи тушунадиган бўлганда айтилади. Бўлмаса, русларнинг аллақандай «алай-балай»-ини фаҳмлайдиган бўлдим, деб бу ерда «мутолаа» ҳақида гапириш мумкин эмас. Бу тўғрида, хато қилаётирсиз, Абай! — деди.

Абай аввало жаҳли чиқиб кетиб, бир нафас қовоғини солиб турди-да, «тўхта мулла!» деди, зарда аралаш. Сўнг бироз жим қолиб, қимиздан бир ҳўплаб олди-да, вазминлик блан гап бошлади.

— Бизнинг бу кунги халфа, ҳазрат, эшон, уламоларнинг ана шундай шўри бор-да. Кишкене Мўлда, сиз ҳам ўшандан халос бўлолмаганларнинг биттасисиз-ку!

Кишкене Мўлда гап берадиган эмас.

— Абай, сиз исломият йўлидан гапираётган бўлсангиз, мен ҳечқандай э'тироз билдирмасдим. Сиз кимнинг китобини, нимани айтаётирсиз? Дун'ёвий илм ма'жусий, насронийларда қадимдан бор эди. Лекин мусулмон уламоларидан ҳечким уни қаноат этарлик, шукур қиларлик илм деб ҳисоблаган эмас-ку? — деди.

Абай янги бир баҳс, узоққа чўзиладиган баҳс бошланишини англаса ҳам, Кишкене Мўлда блан гапни кўп чўзиб ўтиргиси келмади. Кўнглида бирқанча далиллар бўлган ҳолда, мулланинг дамини ичига туширадиган бир оғизгина гап гапирини лозим кўрди.

— «Ҳечбир уламо» дейсиз, «айтмаган» дедингиз. Ўзгаларни қўйиб туриб, пайғамбарнинг ҳадисидаги олимлар ёзадиган снёҳ — «шаҳид қонидан қимматли» деган гапга нима дейсиз? Иккинчидан — оламнинг, инс-жинснинг яратилиш тарихини «Қиссасул анбиё» дан ўқиб билиш ҳам, илмга кирадими? Бутун кишилиқ оламини, ҳарбир халқнинг хусусият ва фазилатларини фақат «қирқ ҳадис», «Лавҳинома», «Фиқи Кайдоний» минбаридан қараб билиш ҳам етарли илм бўладими? — деди.

Кишкене Мўлда бунга ҳам жавоб қилди.

— Булар кам бўлса, ўқинг! Бутун умрингизни сарф қилиб ўқиб кўринг. Бўлмаса, мусулмон олимларининг китобини ўқинг. Сизнинг бутун умрингизга етарлик илм ўшалардан ҳам топилади!

Абай энди насиҳатомиз гап бошлади.

— Мен сизга ҳайронман домла! Чин олимлар расми: «илм қаерда бўлса, кимда бўлса шундан ол» дейдилар. Сиз айтаётган озиқ маконларини мен ҳам кезиб чиққанман. Мен илмнинг, я'ни фанларнинг бирнеча аср давомида одам боласи йиққан хазинасига қўлимни узатаман деб сафарга чиққанман. Сиз ўқимаган одам бўлсангиз ҳам майли эди. Ўзингиз устоз ҳисобланасиз. Лекин илмни фақат бир сўқмоқ йўлдан юриб изла дейсиз. Илм демак — бир чексиз, кенг олам демак эди-ку. Мусулмон уламоларининг донолари, Сўқрот ҳакимдан, Афлотундан, Аристотельдан ўрганган эмасми? Шулар мусулмон эдими! Ойлар, йиллар давомида илмнинг кетига тушиб юрган бир толибул илмни кўрсангиз «уринма,

олисга интилма» деб, этагидан тортасиз! — деб, бир на-
фас жим қолди-да,— қисқаси бу масалада, сиз блан биз
бир-биримизни англайолмаймиз. Лекин ҳарбир умрининг,
ҳарбир талабнинг етадиган бир чўққиси, бир нуқтаси
бўлади! Уша ерда сўзлашармиз! Менинг талабим — та-
лаб, юксалишим олдинда. Гап тамом!— деди-да, сирлан-
ган қора нос қовоғини қоқа-қоқа, носвойидан бир отимни
чекди. Яна ранги ўчинқираб бориб, сўнг ўзига келди.

Эрбўл индамай қулоқ солиб ўтирган эди. У саводсиз
бўлса ҳам, хуш'ёрлиги, зийраклиги орқасида дўстининг
гапини ма'қул топди. Энди гапни ҳазилга айлантириб,
шилқиллаб кулди-да:

— Мен ўзим оддий одамман. «Оми мулла дин бузар»
деб, нима учун айтилганининг ҳам фаҳмига етмайман.
Лекин шуни биламан. Уни ҳам бўлса, Абай орқали билиб
келаётирман. Шу бизнинг мўлдаларимиз ба'зан ўзгалар,
мусулмон бўлмаган элларнинг ма'рифати, билимига кел-
ганда, худди мана шу Тўбуқти ичидаги, ўзимиз кўриб юр-
ган Ирғизбой, Жигитекларнинг қилиғини қилишади. Гар-
чи Қоработир, Анет, Бўкенши, Бўрсоқларнинг гапи тўғри
бўлса ҳам, ўз айтганини ма'қуллаб кетишади-ку, бизнинг
Мойбосар, Такежон, Бейсембилар,— деган эди, Абай хур-
санд бўлиб, хандон ташлаб кулиб юборди. Эрбўл сўзини
тамом қиларкан:

— Бизнинг мўлданнинг рус китоби блан ма'рифатига
қилаётган зўрлиги худди Мойбосарнинг Қулуншоқ бо-
лаларига ишлатмоқчи бўлган зўравонлигидан бўлаётир
деб ўйлайман,— деди.

Эрбўлнинг гапи Абай, Айгеримларгагина эмас, қимиз
қуяётган хушрўй келинчак Злиҳага ҳам ма'қул бўлди.
Абай Эрбўлдан хурсанд бўлиб, ўзини тўхтатаолмай, қат-
тиқ кулди. Буларнинг қилиғи Кишкене Мўлдага тарбия-
сизлик, дағалликдек туюлди-да, қовоғини солганича уй-
дан чиқиб кетди. Афтидан, мулла нариги уйда ўқиётган
шогирдларининг олдига дарғазаб бўлиб, заҳрини сочиб
кириб борган кўринарди. У кириб бориши блан, болалар
товушининг бориша, кечқурун келган қўзилардек чуввос
солиб ўқишга тушишди. Шу чоғ Айгерим туриб, бўсагада
ҳатлаб эшикка чиқиши бланок, келаётган суворийларни
кўриб, уйдагиларга хабар қилди.

— Катта овулнинг кўчи келаётирми дейман? Бир-
иккита отлиқ киши келаётир. Булар ким экан ўзи-а? —
деган эди, Эрбўл уйда ўтирган ерида:

— Ҳа, кимга ўхшайди? Эҳтимол кўчдир!—деб, эшик-ка чиқмоқчи бўлиб қўзғолди.

Айгерим ҳали ҳам келаётганларни аниқлай олмай, тикилганича қараб туриб:

— Биттаси каттакон йўғон одам!— деб, туриб қулиб юборди-да:

— Епирим, Алпомишдек бўлиб келаётган ким экан десам, Кенжам экан-ку. Ўша эмасми? — деб, уйдан энди чиққан Эрбўлга қаради.

Айгерим Ўспонни кенжам дер эди. Унинг дарагини эшитиб Абай ҳам уйдан чиқди.

Буларнинг катта овулдан, кўп элнинг ичидан айрилиб, бирнеча уйликкина бўлиб, кўчиб келишганига бир ойдан ошган. Ҳозир эли, қариндош-уруғларни жуда соғиниб қолишганди.

Ўт-ўланлар етилиб, яшнаб ёз чиқмагунича қистовдан силжимай, Жидебой блан Чингизда қолган Қунанбой овуллари энди кўчиб келиб, баҳор фаслини мана шу Оқшўқига яқин ердаги ўт-ўлани мўл, суви кўп Қўриқ бўйида, Ашшисув ўлкасида ўтказишмоқчи эди.

Ҳозир уларнинг кўчиб келадиган вақти ҳам бўлиб қолган эди.

Овулга яқинлашиб қолган Ўспонни кўриб, Абай ҳам Айгеримга ўхшаб ҳайрон қолди. Ўспон думи узун, семиз тўриқ отга минган. Устидан қиш кийими — қалин гуппи тушмаган экан. Оёғида узун қўнжли этик. Бошида қиш-лик тумоққа ўхшаш юнги узун элтеридан тикилган тумоқ. Отини секин-секин қамчилаб, қаттиққина елдириб келаётир. Аслида дуркун Ўспонни қалин кийим яна ҳам каттароқ, йўғонроқ қилиб кўрсатаётир. Шу қиёфадаги Ўспон бугунги Тўбуқтада ҳечкимга ўхшамайди, зўр паҳлавонларга ўхшайди. Узун-узун оёқлари сўхталик катта отнинг тиззасигача тушиб, этигининг боши отнинг қўлтиғидан ошиб, шалвираб келаётир. Абай ўз инисини, шунингдек кўп вақт кўришмай юриб, даф'атан кўрганида, ҳамиша ҳалиги Айгеримга ўхшаб аввало ҳайрон бўлиб туриб, сўнг танир эди. Лекин бу гал ўзининг ҳайрон қолганини билдирмади.

Бу овулдаги, эли соғиниб қолганлар Ўспон блан унинг ёнидаги ҳамроҳи Дарқонни шодланиб, хушчиroy блан қарши олишди. Айгерим Ўспоннинг олдидан чиқиб, сиполик блан отини олди-да, қисқагина сўрашгач, ҳазил қилди:

— Кенжам! Тун кечада чиққан эдингми? Худди олисдан келган йўловчиларга ўхшайсан-а! — деди. Абай Успоннинг саломига алик олар-олмас:

— Кўч қани? Ота-онанг эсон-омонми? — деб, усти-устига савол бериб, ҳол-аҳвол сўрайбошлади. Успон бугун катта овулнинг яқин ердан, мана шу Урта Оқшўқининг нариги ёнбошидаги Эсиргемисдан кўчиб Қўриққа қараб кетганини айтди-да, уйга кирди. Паҳлавонлар сингари зўр гавдали, шу кунларда энди йигирмага чиққан Успоннинг эрта чиққан соқол, мўйловлари ҳам анча узун бўлиб ўсиб қолипти. Лекин бу ўзгача жуссали норғил йигитнинг соқол-мўйловлари сийрак бўлиб, туртиб-туртиб чиққан. Отнинг қилига ўхшаб, ҳарбир туки тиккайиб-тиккайиб санчиб қўйгандек битган. Катта ўтли кўзлари уйқудан қолгандек, қонталашиб қизарган. Кўринишда Абайга ўхшаб кетгани блан ундан шижоатлироқ, қора сариқдан келган. Қуюқ қошлари остидаги қовоқлари ҳам қалин-қалин эди.

Айгерим чой қўйдириб, тушлик овқат қилдириш ҳаракатига тушиб, Злиҳага иш буюрабошлади. Успон бу ҳаракатни пайқаши блан Айгеримга қараб, ҳечнарсанинг ҳожати йўқ деди. Белбоғини ҳам ечмади. Очилиб-ёзилиб гап ҳам қотмади. Абайнинг ҳарбир саволига қисқа-қисқа, кўнгилсизгина жавоб берарди. Оқшўқига булар бир совуқ хабар олиб келишган эди. Қунанбойнинг Такежон блан Қоражондан бўлган энг катта невараси, энг севикли невараси — 12 яшар Мақулбой кўкламдан буён бетоб ётган эди. Кеча ўша вафот қилипти. Шунинг учун кўчиб келаётган овуллар йиғи-сиғи қилиб, та'зиядор бўлиб қолишипти.

Абай бу хабарни эшитгандан кейин, Успон шунинг учун ғамгин бўлса керак, деган хаёлга борди. Инисининг уйланганига етти йил бўлса ҳам, боласи йўқ эди. Такежон блан бу икки оға-ини ортиқча дўст, тотув бўлмаганларига қарамай, Успоннинг шу сингари ғамгин тортиб, қайғириши Абайга ма'қул бўлди. Запти тез, қаҳри қаттиқ инисидаги жигаржонлик, меҳрибонлики кўриб хурсанд бўлди.

Успонга энди ҳадеб савол бериб тикилинч қилмади. Қимиз ичиб бўлганларидан кейин, Абай индамай ўтириб қолганида, Успон блан Дарқон қистов солгани келган бу овуллардагилардан ўша ишларнинг қай тахлитда бораётганини сўрайбошлади. Лекин бу ҳақда Абай дуруст-

роқ жавоб бераолмади. Успон энди бу гапларни кўпроқ Эрбўл блан Айгеримдан сўраб билмоқчи бўлди.

Успоннинг ўзи мол боқиш, тирикчилик ишларини бошқаришда Абайга нисбатан кўп эпчил, уддабурон эди.

Успон ўз акаси Абайнинг бундай ишларга уқуви йўқлигини яхши биларди. Ердан қор кетиши блан Абай Оқшўқига кўчганида, унга уй соладиган усталарни, серғайрат мардикорларни, асбоб-ускунани, ҳатто ун, чой, озиқ-овқатларни ҳам етарлик қилиб, ўз қўли блан ғамлаб бериб Успоннинг ўзи жўнатган эди. Лекин Абай кўчиб кетгандан кейин уй ичидагиларга, оналарига ҳазил қилиб:

— Бизнинг Абай йўқ ердаги қилиқни чиқариб, эпчил йигит бўлипти. Ишнинг ҳам чангини чиқарар дейман. «Сен гап ҳайда, мен мол ҳайдай» десам, бу йил ҳунар чиқариб, уй солишга тушипти. Қани, кўрармиз ҳали қойил қилганини!— деб, кула-кула қолган эди.

Энди гап иш устига кўчганда, Абай катта эмас, Успон ундан кўп катта, тажрибакор, иш кўрган одамга ўхшаб қолди. У гап бошлаши блан Абайдан:

— Неча ерда лой қилдингиз? Неча минг ғишт қуйдингиз? Қолип қандай? Йигитларнинг олди кунига қанча ғишт қуяди? Уйнинг пойдеворини нима блан кўтардингиз?— деб ижикилаб сўрайбошлади. Абай унинг кўп саволларига жавоб беролмай, ҳадеб Айгерим блан Эрбўлга қарайверди. Успоннинг кўнгли ғаш эди, шунинг учун уни кулги қилмади. Лекин Абайнинг уй солишга бел оғритиб ҳаракат қилиб, бош қотириб бу ишларни бошқармаётганлигини гап бошланганидаёқ билди. Астагина жилмайиб қўйиб, Айгерим блан Эрбўлни қўлга олди.

Айгерим Мақулбойнинг ўлганини эшитгандан буён пиқ-пиқ йиғлаб ўтирган эди. Бироздан кейин Успон унинг йиғисига қарамади. Мана бу ишлар тўғрисида жавоб бериб, сўзлашиб ўтиришини илтимос қилди-да, қўярда қўймай гапга солди. Бир нафас сўзлашиб ўтирганларидан кейин, ишнинг бошига Успоннинг ўзи бормоқчи бўлиб, Эрбўл блан Айгеримни олди-да, ўрнидан турди. Эшикдан чиқиб кетаётган ерида тўхтаб, бошқаларни чиқариб юборди-да, уйда ёлғиз қолган Абайга қараб, бир нафас жим тургач:

— Абай, отингни эгарлат. Мен блан бирга Қўриқ томонга борасан, катта уйга бориб, отангга ҳам салом берасан-ку! Такежоннинг уйига кириб, қур'он ҳам ўқиб чиқарсан, яна булардан ташқари сен блан бир катта иш

юзасидан қиладиган маслаҳат ҳам бор. Шундай бир иш чиқиб қолди!— деди.

Абай инисининг юзига тикилиб туриб, унинг келгандан бери ёрилиб гапирмай ўтиришининг асли сабаби шу сўнгги сўзларида эканлигини англади.

— Қандай гап экан, эл важиданми?— деди. Успон ҳозирча очиқ жавоб қилмай:

— Эл важиданми, ёки қардошлардан ўтаётган алами, нима эканлигини ўзинг тушунарсан. Ҳарҳолда бугун сенга айтадиган гапим бор. Отингни олдир!— деди-да, чиқиб кетди.

Абай блан Успон Оқшўқидан Қўриққа қараб йўл олишганда Кишкене Мўлда, Дарқон ҳам бирга кетишди. Кишкене Мўлдани Такежоннинг ўғлига қур'он туширтирмоқчи бўлиб, Улжон айтдириб юборган эди. Олдида бегона одамлар борлигидан Успон ҳали Абайга айтаман деган гапини очмади. Йўл бўйи гап, солинаётган бинони қандай қилиб тез битириш, пичан ўрдириш, молнинг қишлоқ озиғини ғамлаш тўғрисида кетди. Бу ер Чинғиз блан Жидебойдек эмас, қиш қаттиқ бўлиб, қор қалин тушади. Бу ерда қишлайдиган овуллар бир томондан пичанга суяниб чиқмаса, ютдан қутилолмайди. Айниқса Абайнинг қистовига яқин ердаги ўтлоқлардан кўпроқ пичан ҳозирлатиш зарурлигини айтди, лекин гап шу жойга келганда, бу ерга яқин бўлган Қўриққа ҳозир кўчиб келган, моли кўп, бирқанча бой овулларнинг Абай овулига зарар етказиши эсига тушиб қолди.

— Йилдаги одат бўйича беҳисоб моли бўлган кўп овуллар шу атрофга ўрнашиб қолишди. Боланинг ўлими блан овора бўлиб дурустроқ ўйлаш менинг ҳам эсимга келмапти-да, эсга келганда бу йил асли анча нарига ўрнашган бўлар эдик!— деди.

Бу ҳам Абайнинг эсига келмаган ишларнинг биттаси эди. Инисининг келгусини ўйлаб, ғамхўрлик қилаётганига хурсанд бўлди.

— Бунинг ҳам тўғри маслаҳат, шу атрофдаги Анет, Қотибақлардан эмасман-ку. «Молингни қайир, қўриғимга туширдинг, кўк ўтимни едирдинг» деб қайси биттасига айтаоламан. Онанг, қариндошларинг блан ўзинг сўзлашиб, бизнинг қишлоқ ғамимизни ўзинг ейсан-да!— деди.

Успон, Абай айтмаса ҳам, унинг ғамини еб қўйган экан.

— Мана бу боланинг еттиси ўтиб, фотиҳа ўқигани келадиганлар бироз тайсалласин. Яқин ўн кунлар ичида шу ерга қўнган овулларнинг ҳаммасини кўчириб, қистовинг блан Қўриғингдан олиб кетаман. Бу йил Ашшису қаттиқ тошганга ўхшайди. Бу атрофнинг пичанлик ўти кейинчалик ҳам тез етилиб кетади. Пичансиз қолмайсиз,— деди.

Йўловчилар Оқшўқидан чиққанларида, Қўриқ бўйида ўтлаб юрган мўрмалахдек мол кўрингани бўлмаса, тикилган уй, жойлашган овул йўқ эди: Абай энди зеҳн сола бошлади. Узунлиги беш чақирим келадиган ўлкага кам деганда ўн беш овул келипти. Бир-бирига яқин қўнган овуллар уйларини эндигина тикаётир. Ҳар овулнинг атрофида қўй-қўзилари, сигир-туялари, беҳисоб отлар юради. Бутун мол мана шу сувга сероб, сўрқулдоқ ўт-ўланлари қулф уриб турган кўмкўк ўтлоқда тиним топиб, ором олаётганга ўхшарди. Ўтлоқ-яйловларда юрган молдек кўп қўзғолиб, юриб ўтламай, мавж уриб ётган ўтнинг орасида тумшуги теккан ерга ёпишиб қолгандек турарди. Мол туёғи ҳали пайхонламаган, яшнаб турган ўтлоққа келганда, бор мол шу сингари бир ерга ёпишиб олади. Успон блан Дарқон ҳозир шу Қўриқ бўйидаги мол аҳволини кўкламдан буён, кунда кўриб, кўзи пишиб қолганидан дарҳол билишди.

— Мол жонивор ернинг қадрини одамдан ҳам яхши билади-а. Қўриқнинг сўрқилдоқ ўтига канадек ёпишиб қолганини қаранг, қимирламайди-я!— деб қўйди Дарқон. Успон ҳам молга қараб хурсанд бўлганидан:

— Ҳар йили кўкламда келадиган макони-да, ҳатто сигиргача Қўриқни соғинганини билдириб турипти!— деди.

Шу сингари қимирламай тўп-тўпи блан ўтлоққа ёпишиб турган молнинг орасида ҳар ер, ҳар ерда тикланаётган ўтовларнинг шакли кўринди. Абай ўша ўтовларнинг тептекис, мавж уриб турган кўмкўк далада, биринкетин қад кўтариб, ўлкани тобора тўлдираётганига зеҳн солиб келаетир.

Бутун овуллар баравар кўчиб, бу манзилга бир вақтда етиб келган бўлса керак. Бутун овулларда керегелар бир вақтда ёйилиб, чанғароқлар баравар кўтарилиб, кегайлар бир вақтда санчилаётир. Қизил бўёққа бўялган, зич қилиб терилган кегайлар ўтовларнинг шаклини аниқ кўрсатиб турарди. Яна бир нафасдан кейин қизил гўр шаклида кўринаётган ўтовларнинг склетини, қулоч ёзиб

устига ташланаётган наमतлар қоплаб, чанғароқларига тўрт бурчаклик тундиклар ёпилди. Энди теп-текис кўмкўк дала, ямяшил дар'ё юзига гумбаз-гумбаз уйлар ўрнашаётир. Ана ўша овулларнинг ўртасига Улжоннинг катта уйи тикилди. Бу овулда шу уй тикилиб бўлган пайтда, бошқа овулларнинг ҳаммасида ҳам шундай катта уйлар олдин тикланаётган эди.

Оқшўқи блан мана шу овуллар ўрнашган қўниснинг ораси саккиз-ўн чақирим келарди. Йўловчилар келаётган томон балаандлик эди. Ўша ердан то Қўриққа етгунча бу овулларнинг кўписини, уй тикишини яқиндан санагандек, кўздан кечириб келаётган йўловчилар, Улжон овулига келиб етгунча, бутун уйлар батамом тикилиб бўлди. Ун беш овул бу кимсасиз ўлкага, гўё кўчма ярмарка келгандек, гуркираган жонли ҳаёт барпо қилди. Ҳар овулнинг бир томони бойлик, бир томони йўқчилик, қашшоқлик бўлиб ўрнашди. Чет-четдаги қопқора капачалар, чайлалар ҳаммадан кейин бўлса ҳам энди бош кўтаришди.

Абайлар катта уйга тушмади. Улжон уйининг пинжигга кириб ўрнашган, та'зиядор овулга — Такежоннинг уйига тушишди. Бўлис бўлгандан буён моли-дун'ё ортдириб, бойиб кетган Такежон ёзда ҳам, қишда ҳам ўзининг хизматдаги — қўшнилари блан ўз олдига бўлак овул бўлиб кўчиб юрарди. Фақат мана бу Мақулбой ўлгандан кейин, сўнгги кунлардагина манзилга етгунча қўниб-қўниб кўчиладиган сафарда Улжон Такежоннинг овулини ўз уйига яқин қўндириб келаётган эди.

Бу кунларда Улжон ҳам, бошқа катталар ҳам эртаюкеч кўпроқ вақтларини ўз уйларида кўра ўша Такежоннинг овулида ўтказишарди. Бу овулнинг катталари салогатга етиб қолган, тўнғич боласи ўлган Такежон блан Қоражоннинг атрофида фармон-бардор бўлишиб, меҳрибонликни ҳам бошқача қилишаётган эди.

Йигида, юпатишда, ёш арвоҳнинг хайри-худойисини беришда ёлғиз Улжонгина эмас, Қунанбойнинг ўзи ҳам, одатдан ташқари бир тарзда, ўғли блан келинининг атрофида ўралишиб қолган эди.

Абай Такежоннинг уйига от қўйиб келмади. Одатда ёш болага йироқдан йиглаб от чоптириб келинмайди. Ирим қилишади. Яна бу ўлим Абай синаладиган ўлим эмас. Мақулбойга Абай ҳам ака, ҳам ота қаторидаги одам. Эшикда турган Такежон блан Абай қучоқлашиб кўришди-да, одат бўйича уйда йиги бошлаган Қоражон блан

бошқа хотинларнинг олдига: «Қулиним-қулинчоғим» деб йиғлаб кирди.

Уй тўла эркак-хотин, ҳамма йиғлаётир. Абай блан Кишкене Мўлда, Қоражондан бошлаб, Ойғиз, Улжон сингари кекса хотинларнинг ҳаммаси блан кўришишди. Тўрда ўтирган отаси Қунанбой, Қоратойлар блангина кўришмай, ўшалардан пастроқ ердан жой олиб, индамай кўз ёшларини тўкиб ўтиришди.

Бироздан кейин бошқалар йиғи-сиғини тўхтатиб, Қоражоннинг ўзи оналик зорини айтиб, йиғи берди. Гарчи қайғу ичида бўлса ҳам Абай Қоражонни синамай қолмади. Янгаси товушининг борица йиғлаганини кўргани шу эди. Унинг товуши ёқимсиз, эркакларнинг товушига ўхшар, дўриллаганига экан. Сўзлари ҳам Қоражон жонини қийнаб, куйиб-ёнганидан чиқарган сўзлар эмас. Мақулбой яхши бола, ўлимни раво кўриб бўлмайдиган жигар бўлса ҳам, Абайнинг жигари учун эзилаётган кўнглига Қоражоннинг товуши қаттиқ тегди. Шунинг учун Абай йиғидан тез тўхтади. Йиғининг охири Кишкене Мўлданинг салмоқли баланд овоз блан, бухор мақомида бошлаб юборган қур'онига уланди.

Қур'он бошланиши блан Қунанбой бошини қуйи солиб, пинакка кетгандек ягона кўзини хиёл юмди. Ҳали йиғини тўхтатмаган келинига чап қўли блан «тўхтат» дегандек ишора қилди. Қоражондан юқори ўтирган Ойғиз, Қалиқалар, Қунанбойнинг ҳаракатини кўриш блан келинга:

— Бўлди энди, қур'он блан олишма!— дейишди.

Чойга, тушлик овқатга қараб Абай блан Успон шу уйда анча ўтириб қолишди. Овқат чоғида бўлмаса, бошқа вақтда бу уйда одам кам бўларди. Кун бўйи қимирламай босиб ўтирганлардан Қунанбой, Қоратой, Улжонлар. Яна бошида салла, кўзида кўзойнак, олдига — оқ ястиққа қур'онни очиб қўйиб, қур'он тушираётган Ғабидхон мулла бор эди. Қўнғир соқоли бу кунларда анча узайиб қолган Ғабидхон мулла, афтидан зўр ихлос блан муножот қилаётганга ўхшарди.

Сузилиб, қур'онга тикилган кўзлари ба'зан юмилиб кетиб, ярим товуш блан пичирлаб кетарди. Ёддан билган сураларини кўзини юмганича ўқиб ўтарди. Булардан ташқари бу уйда яна Абай, Успон, Кишкене Мўлда ҳам ўтирган эди. Қунанбой секингина шивирлаб буйруқ қилгандан кейин Қишкене Мўлда ҳам ўрнидан туриб, таҳо-

рат қилиб келди, ўзи олиб келган қур'онини олиб, Ғабид-хон мўлдадан пастроқ ерда ўтириб, олдига ёстиқ қўйди-да, унинг устига шарофатли китобини ёзди. Тез сур'ат блан шивирлаганича қур'он туширишга киришди. Уй ичи узоқ вақт жимжит бўлди. Успон Абай томон ёнбошлаб, боши, елкаси блан тахлаб ташланган юкларга суянганича мудраб кетди. Бу ўтиришда Абай блан отаси ўртасида эсон-омонликни сўрашдан бошқа ҳечқандай гап бўлмади.

Қунанбой тўрт йилга яқин узоқ йўл юриб, шу йил қиш чиққан пайтда Макка сафаридан қайтиб келган эди. Бу кунларда унинг соч-соқоллари оппоқ оқариб, жуда қариб қолган эди. Барваста гавдаси ҳали ҳам букилмаган, бақувват бўлса ҳам, юзидаги ажин кўпайган. Заҳил тортиб, бужмайган юзлари бир замонлар забардаст, ғайратли, бақувват бўлган одамнинг энди куч-қувватдан анча қайтиб қолганини кўрсатиб турарди. Бошида ҳаждан кийиб келган оқ, чўққи дўппи. Эғнида Тўбуқтида кийилмайдиган сирма ёқалик оқ шойи тўн. Ҳозир у нима ҳақида сўзламасин, аввалгидек кескин, дағал товуш блан сўзлашмайди, мулойимлик блан астагинна сўзлайди. Ёнидаги Қоратой, Улжоларга нисбатан ҳозирги Қунанбой бошқа оламда, ўзгача устоз қўлида та'лим олиб ўсган кишига ўхшайди. Унинг сиртқи кўриниши ҳам сўфиёна, мулойим, пушаймони ичида бўлган одамга ўхшайди.

Қунанбой Маккадан келгандан буён Нурғонимнинг уйида, чимилдиқ ичида, ўзича ўз маконини чиллахонага айлантирган. Барчадан бегона бўлиб, узлатга чекинган одамдек ётарди. Мана шу боланинг ўлими гўё уни ўз ихтиёрига қўймай, кўпчилик ичига келтиргандек кўринарди.

Қунанбойни ҳазин, сокин дамлар қучоғидан онда-сонда бироз суҳбатга тортадиган одам ўзининг тенгқурларидан бўлган кекса Қоратой эди.

Абай, отасининг ўзи блан сўзлашгудек сўзи йўқлигини билиб, кун бўйи индамай ўтирди. Бирор гап қўзғолса ҳам, Қунанбой блан Қоратой ўртасида борарди. Қунанбой Маккадан келган вақтда Қоратой ундан кўп нарсаларни сўраган эди. У вақтда Қунанбой Маккага бориш-қайтиш сафарида кўрган-кечирганларини айтиб берганди. Иста-са, ҳарқандай одамни гапга солабиладиган, ҳуш'ёр, дилкаш Қоратой Қунанбойни яна сўзлатабошлади. Гапни шу азадор уйга мос келадиган, ҳарбир диндор одам ихлос блан сўзлаб бериши фарз ҳисобланадиган бир ердан бошлади. Қунанбой ҳожи Маккаю-Мадинада зиёрат қи-

либ келган авлиёларнинг қабрлари ҳақида сўради. Қунанбой қўлидаги тасбиҳини ўгириб ўтираркан, «Мадинада кимларнинг қабри бор» деган саволга жавоб қилди.

— Мадинада Расул-оллонинг, ҳазрати Абубакир, ҳазрати Умарнинг, яна ҳазрати Биби-Фотиманинг ётган жойларини зиёрат қилдим! Кейинчалик пайти блан — ҳазрати Аббос, ҳазрати Ҳамза, ҳазрати Усмоннинг қабрларини зиёрат қилдим! — деди.

Қоратой тақводор, диндор мусулмон қиёфасига кириб:

— У ерда бошқа саҳобаларнинг ҳам қабри бор эканми? — деди.

Қунанбой унинг бу саволига ҳам бажонидил жавоб қилди:

— Са'дий бинни Ваққос, Абдурахмон бинни Ғовф, яна ҳазрати Биби Ойша ҳам ўша ерга қўйилган экан. Бу жойни пайғамбаримизнинг ёри-биродарлари қўйилган ер дейилар экан, — деган эди, Ғабидхон қур'ондан кўзини олмай туриб:

— Ошираи-Мубашшара демак лозимдур! — деди-да, қур'онни тушираверди.

Қунанбой муллага та'зим қилгандек бош эгиб: — «Тўғри айтасиз мулла, мен ўз тилимизда айтаётирман», — деди.

Шундан сўнг Қунанбой Мадинадан Маккага бориш сафарини сўзлаб, Шомдан чиққан карвонга эргшиб 13 кун туяга миниб Арабистон чўлларида кезганини айтиб берди. Қоратойнинг илтимосига кўра, Маккага кириб боришда қаерда ихром боғлаганини, Арофатга қандай чиққанини, Байтиллонинг ичида, Ка'бада неча ракат намоз ўқиганини батафсил айтиб берди. Маккадан чиқишда олдин пиёда юриб чиққанидан бошлаб, қайтиб келаётганда кўрган-кечирганларини яна бир хотирлаб ўтди. Шучоғ — бирқанча вақтлардан буён узлатга чекиниб ўтирган Қунанбой учун ғоят ёқимли бир суҳбат бўлди. Бамайли хотир ўтириб чой ичилаётганда ҳам, туш оғиб тушлик овқат чоғида ҳам, Қунанбой Қоратойга зўр ҳурмат билдириб ўтирди.

Абайлар отланай деб турган пайтда, Қоратой эшикка чиқиб кетган эди, Қунанбой кун бўйи бўлган суҳбатдан хулоса чиқараётгандай Улжонга қараб:

— Уқимаган қозоқларнинг ичида Қоратойдек идрокли одам кам-да. Сўраб билган бўлса ҳам, ўша мен кўриб келган кўп нарсаларни худди ўзи кўргандек дилига жо қилиб олган! — деди.

Улжон, Қоратойнинг гап очиб, бугун ҳожини кўп нарсалар ҳақида сўзлатгани учун миннатдор бўлиб ўтирган эди. Ҳозир эрининг фикрига қўшилиб:

— Ниятингга сткурнинг идрокининг фойдасини ҳозир кўрдим. Сиз бизларга очилиб гапирмайдиган кўп гапларни айтдирди. Шунча ишларни кўриб билиб келиб, ичингизда сақлаб ўтирган эдингиз. Ноёб нарсасдек кўнгилда сақлаб юрганларингизни айтдириб, тоза гапга солдику,— деди.

Кам гапирса ҳам ўришлатиб гапирадиган Улжон, Қоратойни мақташ блан бирга, ҳазил аралаш эри Қунанбойни илиб кетди. Бунн Қунанбой блан Абай иккови ҳам сезди. Абай астагина жилмайиб, онасига қараганда, Қунанбой Улжоннинг бу гапини енгилтакликдек билиб: «Хотин деган хотинлигига боради-да, буларнинг олдида на кўнгилдаги муқаддас сирларни очиб бўлади-ю, на бир гап гапириб бўлади» деяётгандек, қошларини чимириб қўйди. Қўлидаги тасбиҳини тез-тез ўгирганича Улжондан юзини ўгириб олиб, пичирлаб таҳлил айтиб фотиҳа қилди.

Абай отасининг ҳали Қоратойга ҳикоя қилиб берган гапларини эслаб, сўнг онасининг усталик блан ишлатган ҳазилини ўйлаб, яна отасининг ҳозирги кайфиятига зеҳн солиб ўтириб, истеҳзо блан боқди. Кексаликни кулги қилиш унинг ҳаёлида ҳам йўқ эди. Лекин, ҳажвга лойиқ бир ҳолат ўз-ўзидан туғилаётир. Қунанбой ҳақидаги ҳозирги фикр — куларлик эмас, ҳатто куярлик, ачинарлик ҳам эди.

Тўрт йил кекса устихонини сургаб, йироқларга бориб келганда, одамнинг олиб келадигани: «ана у ерда бир мозор, мана бу ерда бир мозор дейишгина бўлса, у одамнинг қўлга киритгани нақадар оз? Унинг устига уй ичидан, ёри-биродарлардан, болалари, жигарларидан юз ўгириб, узлатга чекиниш қандай катта йўқотиш?» деб, отасининг эндиги ҳаёти ма'нодан нақадар хориж эканлигини ўйлади.

Бироздан кейин Абай Ўспонни эргаштириб, Такежоннинг уйидан кетаётганда, кеч кириб кун ботиб бораётган эди. Ака-ука қаерда қўниш ҳақида ўйлашмаган бўлса ҳам, отга миниб ўлка бўйлаб катта сувни ёқалаб кетишди. Кечқурун сув ичгани келаётган йилқиларнинг четидан ўтиб, бирарта овулга ҳам тушмай, нома'лум сайлга чиққан кишидек кетаверишди. Ўспон отга миниб шундай бир

айланиб келайлик, дегандан кейин ҳалиги гапини айтмоқчи бўлса керак, деб Абай ҳам индамай кетаверди. Брокто Ўспон гап бошлагунча бўлмай, ўртадан бир монилик чиқди-ю, уларнинг асосий гапи орасига тушиб кетди. Бунга — ўзларининг семиз оқ бедов миниб, қўлига чиройлик кўк қарчиғай қўндириб келаётган овчи иниси, Қудойбердининг катта ўғли Шаке сабаб бўлди.

Абай блан Ўспон катта сувнинг бўйига қараб кетаётганларида, бу йигитча ҳам отини чоптирганича буларнинг орқасидан қувиб келиб, етиб олди. Эгнига аврастар тўн, бошига сариқ шоҳи сирилган юпқа қора элтери тумоқ кийган, хушчақчақ гўзал йигит Шаке елкан кемадек чайқалиб, елдек учиб юрадиган оқ сур бедов блан бир лаҳзада етиб келди-да, салом берди. Иккала акасига қараб илжайиб кулганича:

— Абай ога, сизларга қарчиғайимнинг сан'атини кўрсатгали келдим, мен блан бироз шу сувни бўйлаб юринг, Қанжуғаларингизга биттадан ўрдак боғлаб юборай,— деди.

Абай, қизариб ботиб бораётган қуёш нуридан кўкраги ва елкалари олтин суви югуртирилгандек йилт-йилт қилиб турган кўк қарчиғайга мароқ блан қаради. Унинг олтиндек сариқ кўзлари қуёш шу'ласида, қон хумор қилаётгандек ўт сочиб, ёниб турарди. Ялт этиб кўзи кушга тушаркан, ўқрайиб-ўқрайиб қарарди. Абай азбаройи қизиққанидан, Шакенинг қарчиғайини ўз енгига қўндириб олди. Қуш тобини биладиган қулай ҳаракат блан унинг орқа-бошини силади. Толпиниб, човт қилишга тайёр турган қушнинг авзойидан, атрофга сергаклик блан кўз ташлашидан унинг хўп тобга келтирилганини пайқади. Қушнинг сонини ҳам ушлаб кўрди.

— Афтидан, бу қуш ҳечбир паррандадан тап тортмай ташланадиган кўринади. Парвариши ҳам ўрнига қўйилган экан. Буни ким тобга келтириб берди,— деди жиянига қараб.

— Ўзим ўргатдим. Қарчиғай-лочинни тобга келтиришни ҳам хўп ўрганиб олдим,— деди жияни.

Абай инисининг шундай ҳунарни эгаллаганидан шодланиб:

— Ҳақиқатан бу ҳам бир сан'ат. Сайёдлик ўзи — киши жуда қизиқадиған сан'ат. Кўп сабру тоқат ва чидам талаб қилади. Бу сенинг азамат бўлганлигининг аломати-да. Қани энди, бўлмаса бизга сан'атингни кўрсат-

чи. Юр,— деб, тақимлаб, тепиниб, остидаги семиз жийрон отини йўрғалатиб кетди. Ўзининг ҳам овга жуда қизиқшини айтди.

Шакенинг остидаги оқиш-сур бедов, тизгиннинг учи тегиши блан отилиб, елганича олдинга тушиб кетганда, булар сувнинг бўйига яқинлашиб қолишган эди. Сувнинг овчилар кўп борадиган жойи бирқанча ергача тошиб кетган экан. Ҳали булар отга минишиб келаётганларида, ўша ерда гоҳ пастлаб сув юзини қучиб, гоҳ баландлаб кўкларга кўтарилиб гала-гала суқсурлар, тўп-тўп ўрдаклар, жуфт-жуфт бўлиб учиб кетаётган бўйни кўк ғозлар кўриниб турган эди. Лекин ҳозир Абай блан Ўспон яқин ерда биронта қуш кўраолмади. Шакенинг ўзи ҳам яқин ўртада қуш борлигини пайқамаган эди. У отини бир зайлда елдириб кетаётган пайтда, чангалига илинадиган қуш кўринганини кўк қарчиғайнинг ўзи билдирди. У овчи йигитнинг қўлига тўшини уриб «қўйиб юбор» дегандек ишора қилди. Толпиниб парвоз қилишга ҳозирланди. Шаке дарҳол отнинг бошини тортиб, бир лаҳзада атрофга кўз ташлаб чиқди. Лекин на яқин ердан учган, на сувнинг юзида юрган қуш кўринмай, ҳа деганда қарчиғайни қўйиб юборақолмади. Шу тобда Абай тезлик блан отилиб келиб, қарчиғайнинг авзойини кўрди-ю:

— Қўйиб юбор, ўзи кўрди-ку,— деди.

Шу гап буйруқдек бўлди-да, кўк қарчиғай лип этиб овчининг қўлидан ерга тушиб кетгандек бўлди. Оқиш-сур бедовнинг томоғи тагидан ўтиб, яшириниб кетаётгандек ер бағирлаб кетди. Қарчиғай шу кетганича ўқдек отилиб, сувнинг нариги томонига ўтиб, кўк чўпни оралаб бориб, овчиларнинг кўзидан ғойиб бўлди. Унинг қай тахлитда ов қилишини тамоша қилиб дамани чиқармай серрайиб турган овчиларнинг оғзидан фақат: «Буқуниб кетаётир, буқуниб кетаётир» деган гап чиқди, холос... Шу онда кўк қарчиғай яна ўқдек отилиб, сувнинг у томонига ўтатуриб қизил шафақ остида тўшини ялтиратиб тикка кўкка кўтарилди-да, тўсатдан худди отилган тошдек ўзини пастга ташлади. У ташланган ердан бир лаҳзада, чўчиб қийғос-сурон кўтариб, қушларнинг патиллаб учгани эшитилди. Теварак-атрофга сочилиб, безиб кетаётган катта-кичик ўрдак-ғозлар кўринди.

Овчилар отнинг бошини қўйиб юбориб, чопиб кетти. Қарчиғай тушган ерга ҳаммадан олдин Шакенинг ўзи етиб борди. Кўк қарчиғайнинг иккита сариқ-ола ғоз блан

қаттиқ жанг қилаётганини Абайлар ҳам узоқдан кўриб келишаётган эди. Кўмкўк ўтлоққа тошиб чиққан саёз сув ўртасида, тепадан келиб, тўсатдан қонли чангалига олган ёв блан икки сариқ-ола ғоз жон аччиғида қаттиқ жанг қилаётир. Сариқ-ола ғознинг биттаси қарчиғайнинг тағида бўлса ҳам товушининг борица қичқириб, икки қаноти блан сувни савалаб, устидан қарчиғайни улоқтириб ташлаб, унинг чангалидан қутилиш пайида олишаётир. Иккинчи сариқ-ола ғоз қарчиғайнинг устида, гўё ўзи ҳам қуш олиб юрган қирондек, ботирлик блан жонининг борица тепкилаётир. Бу икки ғоз ўртасидаги кўк қарчиғай гўё сандонга ташланган пўлат парчаси-ю, уларнинг қуёш шу'ласи остида ялт-юлт этиб, шунчалар тезлик блан ҳаракат қилаётган қора, қизғиш-сариқ патлари — ловиллаб ёнаётган алапга. Ҳаллослаб олишиш, уринишлари эса жон талашининг сўнг даража қизғин дамларини эслатарди.

Ҳаёт учун жон талашиб бўлаётган курашнинг шу қадар тезлик блан учқун отиб, дам ўтмай минг оҳангга тушиб турган пайти. Абай завқ қилиб, хандон ташлаб кулганича, яқин етганда отдан ирғиб тушди. Чалчиқ сувни ёқалаб югурганича ўша ерга кетди. Чунки, отдан аллақачон тушган Шаке ҳали ҳам ўша иккита сариқ ола ғознинг ўртасида жанг қилаётган қарчиғайга қўли етмай юрган эди. Иккови илдам одимлар блан қушларнинг жанг майдонига энди етишди. Кўк қарчиғай, устидаги сариқ-ола ғознинг боядан бери тепкилаши энди кор қилгандек, дарғазаб бўлиб, ғоз яна бир тепганда, ўнг оёғи блан шап этиб чанг солди. Бўйнидан олиб сувга чалқасидан улоқтириб урди. Шаке шодлиги ичига сиғмай шошиб қолганидан: «Ё арвоҳлар!» деб юборди. Яна бироз кечикса, қарчиғайнинг остидаги сариқ-ола ғоз унинг чангалидан халос бўлар эди. Патлари юлиниб-юлиниб, эндигина қарчиғайнинг чап оёғидан сирғилиб чиқиб кетаётган экан. Шаке товушининг борица қичқириб келиб, қамчи блан ўша ғознинг бошига бир урди-да, босиб олди.

Бу чайир кўк қарчиғай олганда ҳам бирданига икки ғозни олди. Бу — овчилар тажрибасида кўрилмаган бир ўлжа эди. Агар иримчироқ овчи бўлганда: «қушимга кўз тегади» деб, назар-нафасдан сақлаб, қушини кўздан пинҳон тутган бўларди. Шаке икки ғозни икки оғасининг қанжуғасига боғлаб бериб, Ўспоннинг қанжуғасидаги ғознинг бошини кесиб олди. Патини тозалаб ташлаб, мия-

сини ўйиб олди-да, чўнтагидаги шакардан сепди. Ҳали ҳам қони қайнаб, ғазаб ичида бетоқат бўлаётган пўлат қанотли қиронига едирди, яна ирғиб оқиш бедовига минди. Ҳалиги ердан кўтарилган қушлар у қадар йироқлашиб кетмаган экан. Отининг бошини қўйиб юбориб, чоптирганича бир гала ўрдакларнинг олдидан чиқди. Қарчиғай яна тўшини унинг қўлига уриб, талпинганида, отини қаттиқ чоптириб борди-да, қулочини ёзиб туриб, ўрдаклар кўтарилиши блан рўпарасидан қарчиғайини улоқтириб юборди. Шаке улоқтираётган пайтда қуш икки елкасини чиқариб, бўйинини ичига олган эди. Энди бир нафас қалқиб бориб, сўнг қўш қанотини чақмоқдек ярқиллатиб, лип-лип қоққанича отилиб кетди. Абай яна шодлиги ичига сиғмай қувониб, товушининг бориचा:

— Қушни заб солдим, усталик блан солганини кўр,— деб, ўша томонга қараб чопиб кетди.

Шаке қуш солиши блан чопиб келаётган ерида қамчисини буклаб олиб эгарининг қошига боғлоқлик добил¹-ни қаттиқ данғирлатиб урабошлади. Суворийдан чўчиган ўрдаклар, аввало тўзғиб учишган эди. Энди добилнинг товуши чиққанда, аввалгидан ҳам шошқолоқлаб, тикка ҳавога отилишди. Шу тобда қарчиғай ҳам эркин қанот қоқиб, қушларнинг тегидан етиб борган эди. Энди бошқа ўрдаклардан ўзиб юқорироқ кўтарилган оёғи сариқ, бўйни яшил бир ўрдакнинг остидан бориб, найзадек санчилди-ю, кўз очиб-юмгунча чангалига олди қўйди. Борлиги блан овга берилиб, икки бари шамолда учиб елпиллаганича, нимагадир шовқин-сурон кўтариб, югуриб келаётган Абайнинг назарида қарчиғай бориб, ўрдакка ўзи интилиб човт қилгандек эмас, аксинча, ўрдакнинг ўзи қандайдир юмалаб келиб қироннинг чангалига илингандек туюлди. Бўйни яшил ўрдакнинг бўғзидан чангаллаб, чалқасидан тушириб олган кўк қарчиғай ҳавода бемалол айланиб келди-да, Шакенинг ёнига, кўмкўк майсага тўп этиб тушди. Унинг бу ўрдакни олиши ҳали бирданига қўш фозни олгандан ҳам таажжуброқ бўлди. Абай завқ блан тамона қилганини айтиб битираолмас эди. У:

— Мана буни қирон деса бўлади... Заб товланиптими... Жуда қизиқ ов қилар экан,— деб, бир қушни мақтар, бир — ҳақиқий овчи — сен экансан-ку, йигит бўлса

¹Добил — қуш чўчитиш учун ясалган овчилар ногорачаси.—
Ред.

сендек бўлсин... Эр йигит эканингни бугун билдим,— деб инисини мақтарди.

Успон овга чиққанларидан буён бу тамошаларни қандайдир лоқайдлик блан, индамай кўздан кечираётган эди. Орқада келаркан, эндигина от устида орқасига ташлаб қаҳқаҳ уриб кулди. Қарчиғайнинг овига завқ қилганидан эмас, Абайнинг шунчалар хурсанд бўлиб, гўдакларча елиб-югуриб, шодланишини эрмак қилиб келаётган эди.

Бу уччаласининг ичида моҳир овчи бўлиб, ўзини тутиб олганиданми, ёки яратилишидан шундай оғир табиатли, вазмин бўлганиданми,— ҳар қалай Шакеда ҳечқандай ўзгариш пайдо қилмади. Абай Шакедаги вазминлик ва саботни кўриб, ғоят хурсанд бўлди. Абай инисининг ҳунарига завқ қилар экан, унда оталар-оғаларча, софдил жигарларча фахрланиш ҳам сезилиб турарди.

Успон блан Абай отларига миниб, энди Шаке блан хайрлашиб кетмоқчи бўлиб туришган эди, шу чоғ яқин ердаги овулдан чопганича, укпар тақилган қора ғунанга миниб Ақлбой етиб келди. Анчагина бўйи чўзилиб қолган бу бола, бироз оқлиги бўлмаганда худди Абайга ўхшар эди. Абай блан Дилданинг тўнғич боласи шу. Ақлбой отини қаттиқ чоптириб келиб, Успонга салом берди-да, Шаке блан Абайга қараб: «Ўлжа-ўлжа» деб, кулганича:

— Мени Аний опам юборди. Ҳалиги овлаган қушларининг ҳаммасини бизнинг овулга юборишсин деяётир,— деди. — Шунга келдим. Шэке оға, қани ҳаммасини ме-пинг қанжуғамга боғлаб беринг,— деб, укпар тақилган семиз қора ғунанини кўндаланг қилиб тўхтади. Шаке ўз қўлидаги ўрдакни Ақлбойга бермоқчи бўлган эди, шу он Успонга тил битиб:

— Тўхта. Ҳамма ўрдакни эмас, битта ўрдакнинг синиқ қанотини ҳам тутқазмайман Анийингга — Нурғонимингга,— деди.

Абай блан Шаке Успоннинг ғазабланиб айтган бу гапининг оҳангидан, тагида қандай бир оғир алам борлигини пайқашди. Овланган қушларни болага беришмади. Ақлбой қипқизариб, икки кўзига жиқ ёш тўлиб кетганича, ялт этиб Успонга қаради-да:

— Успон оға, ўхў бунча қуримсоқлик,— деб, отининг бошини қайириб, чоптирганича қайтиб кетмоқчи эди, Абай уни тўхтатиб: «Оқшўқидан қачон келдинг?» деб сўради. Бола ҳамон ҳалиги гапининг алами чиқмаган ҳолда:

— Аний опам, от арава юборган экан, бугун туш пай-тида Абиш, Мағаш ҳаммамиз бирга келдик,— деди-ю, отини чоптирганича овулига қараб кетди.

Ақлбойнинг остидаги отига қуюқ қилиб кумуш блан зийнатланган эгар-жабдуқ урилган. Ўзининг бошида эса қундуз телпак, устида кумуш тугмали кўк мовут камзил, белида олтин суви югуртирилган, қийматбаҳо тошлар қадаб ишланган камар. Отини чоптириб келаётган боланинг эгар-жабдуқлари, кийим-кечаклари худди бир арзанда, ёлғиз қизнинг кийимига ўхшарди. Уни шундай кийинтириб, шундай кутадиган, ўз бағрига босиб асраб олган ҳозирги онаси — Нурғоним, ҳали Ақлбойнинг ўзи айтган Аний опаси эди. Ақлбой ҳозир Нурғоним блан Қунанбойнинг қўлидаги кенжа ўғли ҳисобланарди. Ўзи Абай 16 ёшдалик чоғида туғилиб, эрта балоғатга етиб қолганидан, яна Қунанбойнинг қўлида, ёлғиз уйда кенжа ўғилдек ўсганидан Абайга ота деб қарамас эди. Абай ҳам унга нисбатан оталарча муносабатда бўлмай, гўё бир инисидек қарарди. Ҳозир Ақлбой отини чоптириб кетганда ҳам, худди акаларидан аразлаб, зарда қилиб кетаётган боладек кетди.

Ўша боланинг авзойини ёқтирмаганиданми, ёки Ўспоннинг қўрслиги ҳайрон қолдирдими, ҳарҳолда ҳалигина сайёдликка қизиқиб, гўдакларча қувониб, тамоша қилаётган Абайнинг бирдан нашқи паст бўлиб қолди. Шаке блан хайрлашди-ю, отининг бошини буриб ўз овулига, Оқшўқига қараб кетаверди. Шаке ҳам қарчиғайга яна бироз овқат бериб, сувни бўйлаб отини елдирганича кетди.

Ўспон ёлғиз кетаётган Абайнинг орқасидан елиб югуриб, етиб борганда, Абай инисига совуқ назар ташлади-да, зарда блан жеркиб:

— Хўш, сенинг ичингга қандай ўт тушган? Бола-чақалар олдида захрингни тўкиб солганинг нимаси? Ёки ҳали ҳам кундошваччаликнинг алами бўғаётирми? Қани гапирчи,— деди.

Бугун эратлабдан буён, бирга юрганларида ҳарбир гапда билимдонлик қилиб, ўзини катта тутиб, гердаийб юрган Ўспон энди бир лаҳзада ўзгариб қолди. Абайга кўз қирини ташлаб, унинг авзойи бузилиб турганини пайқади. Бунинг устига оғасининг товушидаги зарда оҳангини сезгач, сесканиб кетиб, ўзини йиғиштириб олди-да, астагина:

— Жеркиб юборишим ўринсиз бўлса бўлгандир, Абай. Чиндан ҳам болага билдирганим чакки бўлди. Лекин бекорга шундай қилди дейсанми? Эрталабдан бери сени холи топиб сўзлашмоқчи бўлаётганимнинг боиси ҳам шунда. Кечадан бошлаб битта-яримтанинг қўлида ўлгим келиб, қонимга ташна бўлиб юрибман. Биз, Қунаибой болалари, мана бугун бир иснодга қолдик,— деди.

— Нима деяпсан ўзинг? Қандай иснод? — деб, Абай тўсатдан отининг бошини тортди.— Айт, ҳозир,— деб, Ўспоннинг кўзларига қаттиқ тикилди. Ранги ўчиб, борлигини титроқ босган ҳолда, иснод бўлиб тушган гапнинг айтилишини кутди.

Ўспон энди ғазаб блан қовоғини солганича Абайнинг юзига тикка қаради. Қуёш нурига чақилиб турган ўткир кўзларида ғазаб ўти ёниб турарди.

— Бу иснодни Нурғоним келтираётир. Уч кундан буён ўша кичик хотинчанинг азиз меҳмони бўлиб, отангнинг уйида Бозорали ётипти. Отамнинг покиза тўшагини харом қилаётир. Мана менинг дардим шу. Гарчи бу ишларни кўпдан буён сезиб юрган бўлсам ҳам бугун сендан яширгудек тоқатим қолмади. Ниҳоят, айтишга мажбур бўлдим. Бу сирни сендан бошқа кимга айтиб, кимга изҳор қиламан. Отам ана у та'зиялик уйда ўтирганида, шу бугун кечаси ўша иккала юзи қорани ўша уйнинг чанғароғига осиб ўлдирсам деб турибман,— деди.

Абай кўкрагидан ўқ теккандек ва ҳозир нафаси узилиб бораётгандек, от устида серрайиб қотиб қолганида, бутун а'зоси ларзага келиб, узангилар ҳам оёғида турмай сирғониб кетаётгандек бўлди. Лекин ғазаб ичида бўғилиб, томоғига тош тикилиб қолгандек туюлди. Кўзлари қоп талашиб кетди-да, Ўспонга ҳайқириб:

— Бас қил. Алжима. Бу номус эмас, номуссизлик. Тўнг бўйинлик, дағаллик, нодонлик. Қайси юз блан шуни гап деб гапиратирсан?.. Шу тўғрида бирон шумлик қилиб, жанжал чиқарадиган бўлсанг, ўша чанғароққа ўзингни остираман. Мана шу гап тилингга тийим, қўлингга кишан бўлсин. Бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган отангни қабрига тўнаб киргизмоқчи бўлаётирсанми? Юртиоламга шарманда қилиб, гўштини итга ем қилиб, ўлдирмоқчи бўлсанг керак, аслида? — деди-да, отига зарб блан қамчи босиб, йўрғалатганича ёлғиз ўзи Оқшўқига қараб кетди. Бу вақтда қуёш манзилига эндигина кириб бораётган эди.

Бутун ўлка, дала кеч пайтида ботиб бораётган қуёшнинг қипқизил, шафақ шу'ласига чулғакган эди. Остидаги жийрон отини тобора қаттиқ йўрғалатиб кетаётган Абайнинг хаёли остин-устун бўлиб кетмоқда. У Нурғонимдан ҳам беҳад ғазабланар, отасининг ориятига тегадиган сирни айтишга оғзи борган Ўспоннинг ясама номусидан ҳам ранжиб, ғазаби қайнарди... Бозорали. Қозоқлар ичида биттаю-битта суянган тоғи, Абай учун бу атрофда ундан азиз, ундан ҳам қийматлироқ жон бормиди. Мана, энди у ҳам бир нафасда таниб бўлмас даражада бегона бўлди қолди.

Кўпдан бери Абай: номус ва ғазаб, алданиш ва хиёнат, аянич ва орнинг шу сингари кўп қиррали, мураккаб бўлиб келиб исканжага олганини кўрмаган эди. Ҳар қирраси устаранинг дамига ўхшайди. Юракни аямай, тилкалаб ташлайдиган ҳислар кўнглида қуюндек тўс-тўполон кўтармоқда. На бир нарса дейишни ва на бир нарса қилишни билади. Гангиб қолган. Фақатгина, шу дилозор фикрлар ичида, Бозоралини ҳам хотирлаш блан, тўсатдан бугун эрталаб ўқиган «Дубровский»нинг тақдири эсига тушди. Шунини ўйлади-ю, кўнгли анча таскин топгандай бўлди. Қунанбой блан Бўжей, Такежон блан Болоғози, Уролбой блан Керимбола — қисқаси наслдан-наслга кўчиб, суяк суриб келаётган ғазабни ўйлади. Бозоралининг бўғин-бўғинидан тортиб, Қунанбой авлодидан узлуксиз равишда иззат нафсга тегадиган, туртки еб келаётган қариндошларини эслади. Шунинг блан биргана, Троекуровнинг зулмидан ўлган Андрей Дубровскийни хотирлади.

Сўнгра душманлик ўти ичида дардига даво бўладиган гулни, жонидан азиз севгили ёрини топган Владимир Дубровский блан Машанинг аламли дардлари беихтиёр келиб, ўзгача бир салмоқ блан босди. Адолат тилаб, ҳақиқатпаравар қалбга: одил ҳукм чиқар, деб амр қилаётгандек бўлди.

Тасирлаб, йўрғалаб келаётган жийрон отини ба'зан қамчилаб, янада қаттиқроқ елдириб кетарди. Шу сингари юришни тезлатиш блан бирга, гўё ўз ўйларини ҳам қамчилаб ҳайдагандай бўларди. Броқ, унинг идроки яна қистаб: «Йўл топ! Йўриқ топ!» деяётгандек бўлса ҳам, кўнглида ҳали эшитгани маш'ум хабарнинг тенг тарозуси пайдо бўлди-ю, нари кетмади қўйди. У тарозининг бир палласида Қунанбой, Нурғоним ва Бозорали бўлса, иккин-

чи палласида Троекуров, Владимир Дубровский, Маша бўлиб, тенг босиб туриб олди.

Абай учун китобдаги ҳақиқат ва ҳаёт оғуси бирга қўшилиб, бетма-бет келиб, унинг кўз ўнгига тўқинишгани шу эди.

Абай ўз овулига қош қорайиб, қоронғи тушабошлаган пайтда стиб келди. Эшикда ҳечким йўқ, жимжит экан. Одатда Абай бир ердан келганда олдидан югуришиб чиқадиган болалар ҳам йўқ. Кўп овуллар бугун Қўриққа келиб жойлашиши блан, домласи ўша ерга кетгандан кейин болалар ҳам ўша ёққа кетишган экан. Афтидан, уй солаётган ишчиларнинг кўпчилиги ҳам яқинга келган қариндош-уруғларини кўриб келгани ўша ерга кетишган кўринади. Абай жийрон отини аста-секин бостириб келиб, ўз овулининг ёнига тушди. Отини ҳам ўзи боғлаб, уйга қараб юрди. Шу тобда уйнинг ичидан ипакдек майин овоз блан айтилаётган куй эшитилди. Абай шу товушни эшитган он, ўша куйни тўхтатгиси келмай, ўтовнинг бўсағасига яқин жойга ерга ўтирақолди. Унинг келганини ҳечким билмади. Куй ҳамон эшитилиб турарди. Абайнинг келганини фақат ошхонада юрган Злиҳагина билган эди. У дарров келиб, эшикни очиб, Абайни уйга киргизмоқчи бўлди. Лекин ёш жувон яқинлашиб келганда, Абай астагина имлаб чақирди-да:

— Злиҳа. Овора бўлма. Уйга кирма. Айгерим жуда яхши куйлаётир. Бузмасдан бироз эшитайлик,— деди.

— Уйда чироқ ёқилмаган, шам ёқай,— деди Злиҳа.

— Майли, ҳераги йўқ. Куй бузилиб кетади,— деди Абай.

Злиҳа мулойимгина жилмайиб, оппоқ садафдек катта-катта тишларини кўрсатди-да, эҳтиётлик блан қадам босиб, орқасига чекиниб, ер ўчоқнинг бошига қараб кетди.

Абай тумоғини олиб, чопонининг енгини ечди, қора желаткаси блан оқ кўйлагининг тугмаларини чиқариб, ёқасини очди-да, борлиғи блан ўша мунгли ва содда куйга берилиб, эриб қулоқ солди.

Холи уй, қоронғи тушиб келаётган сокин кеч пайти. Елғиз ўзи қолиб, шу эркинликка шодланиб ўтирган Айгерим бир яхши куй куйлаётир. Куйлашининг боиси: бағрига босиб ўтирган икки яшар ўғли Турош бўлса керак. Ушани аллалаган бўлиб, айтилаётган куйга ўхшайди. Абай энди қулоқ солабошлаган пайтда, кичкина Турош бир-икки гингшиган эди. Лекин, ухлаб қолдими ёки куй

юпатдими, ҳарҳолда товуши чиқмай қолди. Айгерим «Қора кўз» куйини айтаётир. Бу куйни ҳам шу элга ўтган йил ёзда Биржон келтириб тарқатган эди. Сирли кеч, оғир сукунат қучоғида та'сирли, мунгли соз майингина тўлқинланаётир. Айгерим бу куйни товушини барала қўйиб куйламай, астагина айтганда, хилма-хил дардларини яна ҳам чуқурроқ ифодалаётгандек туюларди.

Қора кўз ойим!
Қолдинг кейин,
Кетганда кўнглинг олис,
Мен не дейин!—

деган бандини, ғоят та'сирли қилиб айтаётир. Бу куйни Айгерим фақат товуши блан эмас, қалби блан куйлаётганга ўхшарди. Куй орасидаги нақаротли бандларининг кўп сўзлари айниқса «кетганда кўнглинг олис» деган жойларини шу кеч, шу айтишида ўзича ўзгартириб айтаётган эди. Бу сирли куйга ҳақиқий оқин, ўланчи ҳозирги соатда ўз кўнглидаги армони ва барчадан пинҳон тутган нозларини қўшиб ифода қилаётгандек туюларди. Шу орзулар оқшомида, шомигарибонда садоқатли ёр ўз сирларини ҳам, Абайнинг дард-аламларини ҳам қўшиб, бир созда чертаётганга ўхшарди. Айгерим кўп вақтлардан буён куйламайдиган бўлиб кетганди. Биржон кетгандан кейин, Айгеримнинг ўланга моҳир деган номи бутун Ирғизбойларга тарқалди. Лекин, худди шу Қунанбой овулининг ўзи, шу сингари отоқли катта даргоҳда куйга уста келин бўлишини бир нуқсон деб билган эди.

Айниқса Қунанбой Маккадан қайтиб келгандан кейин эса, бирорта келиннинг куйи, ўлани унинг қулоғига етмаслиги керак эди. Эркин равишда ўйин-кулги қилишларини сездириш мумкин ҳам эмасди. Бунинг устига, Дилданинг кундошлик орқасида ғазаб блан гапирадиган аччиқ-тиззиқ гапларини қулоққа илиб оладиган овсин-ажинлар, қайнағалар, оналар — ҳаммаси ҳам Айгерим учун Абайни койишарди. Ҳазил аралаш эрмак қилганларида, орқасидан гапирганларида ҳамиша гапни Айгеримнинг ўланидан бошлашарди. Ба'зан эри-хотин иккови ёлғиз қолиб, ўзлари ўтиришганда, Абайнинг илтимосига биноан бир куйлаб қолса, ўша ҳам ёмон кўриниб, совуқ бир хабардек дарҳол Қунанбойнинг овулига тарқаларди.

Ниҳоят куй Айгеримга ором бағишлаш ўрнига, озор бағишлайдиган майда гапларнинг манбаига айланиб қол-

ди. Шунинг учун Абайнинг бу оқила ёри бундан кейин ўлан айтдирмаслиқни илтимос қилди. Айгеримнинг кўз ёшлари блан шунчалик ўтинишининг сабабини Абайнинг ўзи ҳам англаган эди. Шунинг учун у ёқ-бу ёқни ўйлаб кўриб, унинг сан'атини ерга кўмишга розилик берган эди.

Лекин, ҳаминша илҳом келиб, дўмбирасини чертиб, ўзи астагина куйлаганида, ёки янги куйлар тўқиб узоқ-узоқ машқ қилиб ўтирганида, Айгерим алланечук ўзгариб кетарди. Ранги ўчиб, қопқора наркас кўзларида ўйчанлик акс этар, ба'зан ёшга тўлиб жовдираб, қошлари чимирилиб кетарди. Абай ундаги бу ҳолатни яхши англаса ҳам, сир бой бермас эди. Айрим вақтларда Айгерим томонидан ҳечқандай ишора, илтимос бўлмаса ҳам, Абай жаранглаган дўмбирани фақат Айгерим учун чаларди. Дўмбирасининг жаранглаган садоси блан уни юпатишга уринарди. Шунинг блан гўё зўр сан'аткор оқин қалбини бир қадар юпатиб, эмлагандек бўларди. Сўнгги йилларда Абай дўмбира чалганда кўп ихлос блан чалар, иккови ёлғиз ўтирган пайтларда гўзал-гўзал куйларни чаларди. Шундай вақтларда бор сан'атини ўзининг иштиқиб севган ёри Айгеримга бағишларди. Шу йил қиш ҳозиргидек кеч кириб, қош қорайиб келаётган вақтда, катталарининг уйига ёндош уйда Абай дўмбира чалиб, Айгерим эшитиб анча вақт ўтиришди-да, ниҳоят ёш келин «оҳ» ургандек қаттиқ хўрсиниб юборди. Абай дўмбирасини ташлаб:

— Айгерим, сенга нима бўлди? — деб, хотинининг бўйнидан қучоқлаб олган эди, қўлига мунчоқ-мунчоқ иссиқ ёшлар юмалаб тушганини сизди. Ўша куни Абай, кўнглидаги аламли армонини чор-ночор очиб айтишга мажбур бўлди.

— Сен булбул эдинг! Ҳавода эркин учиб, ямяшил повдаларга қўниб, шу нафис, ёқимли товушинг блан булбулдек сайраб юрган бўлар эдинг. Юракдаги ҳисларингни ифодаловчи гўзал куйларинг блан тингловчиларингни лол этгани яратилган эдинг. Мен ўша дилбар булбулни домга илинтириб, чиройли қафасга солиб қўядиган овчилардан бўлдим. Сен ўша қафасга тушган булбул бўлдинг. Мен товушингни ўчириб, сезгир, зийрак қалбингни бўғиб, бошқаларда бўлмаган ажойиб фазилатингни кўмиб ташлашда шу овулдагиларга ёрдамчи бўлдим, — деди.

Мана, ҳозир ҳам ўша қафасдаги булбул товуш чиқариб куйлашга ботинаолмай, ўз дардини, асирлик қайғу-

ларини ҳаста овоз блан ифодаламақда. Айгерим «Қора кўз» куйини ғоят тўлқинлатиб, ўзига хос бир ма'но, ўзига хос бир сир бағишлаб, жуда нафис ва мунгли қилиб куйлаётир. Бу куйда: софдил, меҳрибон она, бағридаги ўзига ўхшаш гўзал, шу қадар ширин тўнғич фарзандига чин кўнгилдан бахт-саодат тилаётир. Ҳали гард тегмаган алангали севгиси блан вафодор дўстига—Абайга ҳам энг яхши ниятларини бағишлаётир. Бу куйда тугун-тугунчаклар босган қалбини ўз ихтиёри блан банд қилганлик ифодаси ҳам бор. Яна: бугун ана у Қўриқда кўз ёшларини тўкаётган она — Қоражоннинг доғи-ҳасрати, қайғусининг оғир излари ҳам бор. Абай анча вақтгача қулоқ солиб ўтирди. Ўзининг тор қафасида кечки пайт рухсатсиз эркинликка чиққан, борлиқни унутган, кўнгил дардларини куй блан ифодалаётган моҳир ўланчи анча куйлаб ўтириб, бутунлай қоронғи тушгандагина куйини тўхтатди. То Айгерим куйлаб бўлмагунча, Абай ўтирган жойидан қимирламасдан, пинакка кетиб қулоқ солди. Айгерим куйни тўхтатгандан кейингина уйга кирди. «Тўсатдан келар» деб хаёлига ҳам келтирмаган Айгерим, уни кўрган замон ўнғайсизланиб кетди. Ўрнидан учиб туриб:

— Сиз қачон келган эдингиз? — деди.

Абай мулойимгина кулди-да:

— Мен, Турош ҳали ухламаган, «Қора кўз» эндиgina бошланган кезде келган эдим, — деди.

Абай блан кетма-кет кирган Злиҳа шам' ёқди. Шу кеч Абай, кўнглида пайдо бўлган бир гапини Айгеримга айтди:

— Сен эртага Такежоннинг уйига бориб, фотиҳа ўқиб келасан. Овулнинг бор катталари ўша ерда бўлишади. Мен бугун зеҳн солиб кўрдим. Қоражон Мақулбойнинг онаси бўлгани блан, дурустроқ айтиб йиғлаётгани ҳам йўқ. Сен ҳали куйлаётганинда мен шу куйга мос қилиб айтиб йиғлаш учун сўзларни ўйлаб қўйдим. Мен ёзиб берай, сен ёдлаб ол. Куйга ўзинг солиб оласан! Менинча ҳалиги ўзинг айтган «Қора кўз» куйини қайғули, мунгли куйга айлантириш мумкин. Ўша оҳангга солиб, айтиб йиғлайсан! — деди.

Иккови ҳам шунга қарор қилишди. Кечаси Абай, ухламасдан ёнида ўтирган Айгеримнинг юзига қараб-қараб қўйиб, Мақулбойга атаб марсия ёзабошлади.

Абай Айгеримнинг «Қора кўзни» ўзи чиқарган бир янги йўл блан айтаётганини пайқаган эди. Унинг билишича,

Айгерим моҳир ўланчигина эмас, бастакор ҳам эди. Энди Айгерим Абайнинг қоғоз устида тез-тез ҳаракат қилаётган қўлига қараб туриб, шу онда бир ўзгача шеър яратилаётганига севинарди. Шодлигидан мулойимгина жиламайиб қоғозга телмуриб турарди. Бу кеч ҳар иккови учун ҳам хайрли ва саодатли, ижодга ундовчи, илҳомбахш кеч бўлди. Абай ҳам ўз зиммасига олган марсияни тезгина битирди. Ёзиб бўлиши блан овозини барала қўйиб ўқийбошлади:

Қизил билак қироннинг
Гўдагини дард олди.
Мевали ёғоч — бойтерак,
Ниҳолини ўт олди.

Кетига ёдгор ташламай,
Ёл, қуйругин калта олди.
Оғ-пиппи тўйғизмай,
Озроқ қўймай, эрта олди.

Қўп яшамай, ёш кетган,
Яраси улкан — ёш ўлим!
Қақраган ерни тез ўрган,
Кундош дун'ё — қасд ўлим!

Кетига ёдгор қолдирмай.
Бағри қаттиқ тош ўлим!
Йиғламайин деса-да,
Чидарликми шу ўлим!

Бурро тилинг бор эди,
Югрук ақлинг бор эди.
Қўп яшамай — тез кетдинг,
Кўз ёшимни оқиздинг!

Кўпдан бери ўз юрагида ҳам оналик меҳри пайдо бўлган, яна Мақулбойни ўлимга раво кўрмайдиган Айгерим, эри ҳозир ёзган марсиясини ўқиётганда, йиғлаб ўтирган эди. Зеҳни ўткир, зийрак аёл, Абай тўрт-беш қайтариб ўқиб бериши бланоқ марсиянинг сўзларини ёдлаб олди-да, бирга қўшилишиб айтди.

Эртасига Айгерим Абай блан бирга, ёнига Злиҳани ҳам олиб, та'зияга олиб бориладиган лозимадаларни кўтаришиб, азага кетди. Такежоннинг уйига яқинлаб боришлари бланоқ Айгерим нафис ва ёқимли овоз блан айтиб-айтиб йиғи бошлади. Та'зиядор уй бугун ҳам кечадек йиғлашаётган одамларга лиқ тўла эди. Булар келиб, уйдаги хотинларнинг ҳаммаси йиғлаб кўришиб бўлган-

ларидан кейин Қоражоннинг ўзи йиғи бошлаган пайтда, ундан пастроқда ўтирган Айгерим катталарга юзини тўла кўрсатмай хиёл қиялаб ўтириб, икки қўлини биқинига тираб олиб, ингичка ва ғамгин овоз блан йиғи бошлади. У йиғи бошлаши бланоқ Қунанбой бошлиқ ўтирган катталарнинг ҳаммаси борлиғи блан берилиб, диққат қилиб тинглашди. Мақулбой ўзидан ҳечқандай ёдгор қолдирмай кетганини айтиб, ҳазон урган ниҳолдек бўлдинг, деган жойларининг та'сири Айгерим қўшиб айтаётган мунгли куй блан эшитилгандай, икки барабар кучлироқ бўлди. Ҳамманнинг юрак-бағрини эзиб, йиғлаганининг ҳам, йиғламаганининг ҳам кўз ёшларини оқизди. Гарчи уйдагилар бир қайта йиғлаб тўхтаган бўлишларига қарамай, Айгеримнинг оҳи-зоридан кўнгиллари бўшашиб, яна йиғлаб юборишди. Улжон ҳам ўзини тутолмай товушининг бори-ча:

— Қўзларимнинг нури, у қулунчоғим, армони ичида кетган қўзичоғим,— деб ўкириб-ўкириб йиғлаб юборди. Эркакларнинг ҳам кўпчилиги кўз ёшларини тияолмай йиғлайбошлашди. Айгеримнинг оҳи-зорида ёлғиз Мақулбойнинг доғигина эмас, Абайнинг ўзи блан Айгеримгагина ма'лум бўлган бирқанча жароҳатлар ҳам борлигини эслаб, Абайнинг ўзи ҳам йиғлаб юборди. Армонда кетган ёш ўғлоннинг ҳақиқий азаси энди очилиб, ота-онанинг чин оҳи-зори энди эшитилгандек бўлди. Фақат Айгерим арадашгандан кейингина, йиғи йиғидек бўлди. Ўтирганларнинг ҳаммаси анчагача ўзларини тутолмай йиғлашиб ниҳоят сабр қилишиб, қур'онга навбат беришди. Йиғи босилгандан кейин, Қунанбой Улжонга қараб:

— Болангининг йиғисиши мана шу келин берсин. То қирқи ўтиб, келди-кетди босилгунча шу ерда турсин, кичкина Мақулбойнинг та'зиясига келганларга йиғини шу берсин!— деди.

Бу гап Улжонга ҳам ма'қул тушди. Шундан кейинги кунларга мана шу гап буйруқ ҳисобига ўтди. Айгерим шу келганича Оқшўқига, Абайнинг ёнига кетмай, Қоражон блан ёнма-ён ўтириб, оналик оҳу зорини бирга айтишиб қолди.

2

Мақулбойнинг етгиси ўтгунча, Қунанбой Такежоннинг уйда бўлиб, Нурғонимнинг овулига бормади. Шу кунларда унинг ёш хотини уйдан йироқлашиши, Нурғоним-

нинг бошида кўп можароларни туғдираётган эди. Бу сир тутиладиган, лекин кўп оғир ва чигал можаро. Қунанбой овулининг ша'нида бўлмаган оғир бир тортишув бораётир. Бу тортишув Ўспон блан Нурғоним ўртасида кетаётир. Икковининг шу кунларда бир-бирига бўлган қасдлиги ноилож пинҳон тутилиб, изҳор қилинмай келаётгани учун яна ҳам кескинлашган.

Кеча Ўспон Абайга етказган хабардаги аҳвол бугун ҳам ўзгармаган эди.

Бозорали Қунанбойни кўргани келди. Қунанбой уни Тўбуқти йигитлари ичида ҳаммадан кўра бошқачароқ ҳисоблар, ортиқроқ кўрар эди. Ўз болаларига, иниларига қилмайдиган илтифотларни қилар эди. Ёш йигитнинг суҳбатини ҳам яхши кўрарди. Қунанбой Маккадан келгандан буён Бозорали блан учрашгани шу эди. Шунинг учун ҳам бемалол ўтириб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Унинг ота-оналари шу кунга қадар ҳам йўқчилик чангалидан чиқолмаганини, айниқса шу кунларда жуда қаттиқ муҳтожликка тушиб қолганларини ҳам эшитди.

Бозорали азаматлиги, мардлиги орқасида кам-кўсти, фақирлигини бировга айтмай келарди. Лекин Қунанбойдан бирор сирни яширмади. Ҳайдалиб кетган Болағозининг бола-чақалари, тўрғайдек тўзиб, саргардон бўлиб юрганигача яширмади. Унинг эси кириб қолган болалари кунларини ўтказиш учун ўзларига тўқ қардошларининг эшигида хизмат қилиб юрганликларини, уйидаги гўдакларининг бир қошиқ оби-ёвғонга зор эканликларини ҳам қолдирмади.

Эри ҳурмат қиладиган бу азамат йигитдан Нурғоним ҳам ўзини тортмайди. У Бозоралига атаб, турли-туман кийим-кечаклар тиктираётир. Нурғоним ҳали ҳам Бозоралининг гўзал сиймосига, унинг шердек, келишган ва кўркам қадди-қоматига ўша қизгин дўстлик блан боқарди. Унинг ҳаётидаги, ҳечқачон қадри йўқолмайдиган бирдан-бир азиз одами — шу меҳмон. Ўзининг бундай қилишига бу овулдаги ўзга одамларнинг нима дейиши, қандай қарашига парво ҳам қилмас эди. Ўспоннинг жини қуришиб, орқасидан сўйиб-сотиб юрганини бирнеча бор эшитган бўлса ҳам, э'тибор бермай лабларини чўччайтириб, «вос-вос» деб қўяқоларди, холос.

«Бозоралига кийим тиктиргани нимаси! Бу қандай расволик! Жўрттага билсин деб қилаётгандир-да? Бундан ҳам зўр шоҳид борми?» деган гаплари етиб келганда

ҳам, Нурғоним қисилиб қимтинмади. «Нима деса дер, қўлидан келганини қилсин!» деб баттар ўчакишди. Энасаси қотиб, Қунанбойнинг буйруғи блан тиктираётганини айтишга ҳам тили бормади.

Нурғоним кеча кечқурун Ақлбойни кўл бўйига юборганда ҳам Успонни синамоқчи бўлиб, унинг жинига тегиш учун ўсмоқчилаб жўрттага юборган эди.

Успоннинг дағаллигини Ақлбой оқизмай-томизмай етказди. Лекин баланд қоматли танноз Нурғоним на хафа бўлди-ю на сиқилди. Кўнглига ҳам келтирмай, сиртига ҳам юқтирмай, боягисидек юраверди. Гарчи Успоннинг Абай олдида ҳам уни кесатиб-нуқатишини эшитгани шу бўлса-да, ундан ҳам хижолат қилмади. Ичидан: «Абай жиловини Успоннинг қўлига бериб қўядиган бўлса, уни ҳам кўрарман!» деяётгандек бир вазият олди, ҳолос. Шу кайфиятда икки-уч кун ўтди. Успон ҳали ҳам аламига чидолмай, ғижиниб юрарди. Бугун эрталаб суғоргани олиб келинган молга сув қуйдириш учун ўтиб кетаётиб, Нурғоним блан Бозоралининг уйда ҳазиллашиб, қаттиқ кулишаётганини эшитиб қолди. Шу баҳона бўлди-ю, Нурғонимнинг уйдан чиқиб сув олмоқчи бўлиб келган ёш келинчакка ҳайқириб:

— Қайт ҳозир! Бу қудуқдан Нурғонимга сув берилмайди. Олдирмайман, қудуғимни харом қилдирмайман. Йўқол, бориб айт! Бундан буён шу қудуққа Нурғоним учун сувга келган кишининг бўйинини узиб ташлайман!— деди.

Бунинг устига, ҳалиги келинчакка эшитдириб, новга сув қуяётган Масоқбой, Дарқон каби бирнеча эркакларга қараб: «Кечаю-кундуз шу қудуқнинг бошидан нари кетмай қўриқлаб туринглар. Нурғонимга бир қултум сув берманглар!» деди.

Успон кун бўйи ҳормай-толмай қудуқ бошида юриб, ўз буйруғини жойига қўйди. Шу куни Нурғонимнинг овули бир томчи ҳам сув ололмади. Успон қўлига йўғон қамчи олиб, гоҳ қудуқ бошида ўтирар, гоҳ катта тўриқ отига миниб, Нурғоним овулидан сувга келаётган битта-яримта одам кўриниб қолса, ўшқирганича олдига солиб ҳайдарди. Ба'зиларни қамчи блан савалаб, қувлаб ҳам юборди. Кечга томон овулдан анча наридаги катта сувга туя блан бориб, бочкалаб сув олиб келаётган иккита кекса хотинни кўриш бляпоқ, Успоннинг ўзи уларнинг йўлини тўсиб, туяга ортилган сувни бочкаси блан ағдариб юборди-да:

— Нурғонимга бориб айт, Бозоралини жўнатмаса бир томчи сув торттирмайман, ташналикдан қотириб ўлдираман. Жони борида ҳозир Бозоралини жўнатсин! Бир катта можаро чиқишини истамаса, энди бас қилсин!— деди.

Кечаси ҳам сув бермади. Тонг отиши блан яна шу аҳвол бошланди. Бугун Ўспон тутоқиб, қопқора унниқиб кетган, ўтиргани жой тополмас, титроқ босиб, ёрилиб кетгудай бўлиб юрган эди. Нурғонимнинг уйи блан бутун овули энди ҳақиқатан ҳам бир қатра сувга зор бўлди. Унинг устига, Ўспоннинг бу қилиғи ишнинг очиқдан-очиқ душманликка юз тутганини кўрсатарди. Ғийбатлар кимнинг бўлса-да номини булғаб, обрўйини тўқади. Икки тараф ҳам хатарга қадам қўйди.

Ғайратли Нурғонимнинг ғазаби ҳам бугун Ўспоннинг ғазабидан қолишмас эди. Бозоралини жўнатмади. Жўнатиш у ёқда турсин, меҳмонга кечадан буён бўлаётган ёвлашининг шарпасини ҳам сездирмади. Эшикда юрганда жони халқумига келиб қовоғини солса, уйга кирганда ҳеч гапдан хабари йўқ кишиндек, гул-гул ёниб, чақчақлаб куларди. Бозоралини еру-кўкка қўйгиси келмай, атрофида парвона бўларди. Бозорали эса, эшикда бўлаётган можароларнинг ҳаммасини оқсоч хотиндан аллақачон билиб олган эди. Лекин у ҳам ўзининг тепса тебранмаслиги, саботлигига бориб «қани нима қилар экан?» дегандек Нурғонимнинг қилаётган ишидан завқланиб, унинг авзойига зеҳн солиб ўтирарди-ю, ёрилиб гап очмасди. Шундай қилиб, ички дард сиртга тепиб ора бузилаётганда, чошгоҳга бориб, Нурғоним бундай пайтларда унча-мунча аёлнинг қўлидан келмайдиган бир кескин қарорга келди.

Бу овул кўмкўк майсали созлоқ ерга қўнган. Қаерни қазилса, ўша ердан сув чиқиб, қудуқ бўларди. Нурғоним шунн ўйлаб, хизматдаги қўшнилардан учта йигитчани бошлаб келди-да, ошхона ўтовига кирди. Ўша ердаги келинчакка айтиб, ўтовнинг ўртасидаги ўчоқни олдириб ташлади. Ҳалиги йигитчаларга:

— Худди мана шу ердан қудуқ қазинглар!—деб буйруқ берди.

Йигитлар Нурғонимнинг рад этиб бўлмайдиган буйруғини бажо келтириб, айтган ердан қудуқ қазийбошладди. Нурғоним бамайли хотир юрар, косасидан хиёл ирғиб чиққан қопқора шахло кўзларини ўйнатиб куларди. Ҳечнарсга қор қилмайдиган нурли юзида қасос ва масхара-лаш очиқ акс этгани ҳолда:

— Қўдар қулдек¹ зўравонлигига, кучига ишонган Успон, аҳмоқ бўлиб қолганини тезроқ билсин. Қудуқни тез-тез қазиб, самовар қўйиб юборинглар!— деди.

Ошхонадан чиқди-да, кўркам ва сумбатли қоматини кўз-кўз қилиб, ўзгача бир таннозлик блан керилганича оёғини битта-битта босиб ўз уйига қараб кетди. Унинг сочидаги оғир чўлписи, гўё Успондан кулаётгандай, салмоқ блан шилдир-шилдир қилиб борарди. Нургонимнинг шунчалар мардлик ва чин садоқатни кўрсатадиган бу иши кейинчалик шу атрофдаги хотинларнинг оғзида афсона бўлиб қолди.

Шу кунларда Қўруқдаги овуллардан ўн беш чақирим нарида худди шу Қўруқ сингари текис дала, салқин кўнис Эралида муҳим воқиалар рўй бераётган эди. Ашшисунинг сувга сероб жойини Эрали деб атайдилар. Эрали бу йил кўкламда ўз соҳилига ғоят говжум элни, юздан ошиқ овулни чорлаган эди. Бу ерда: Ирғизбой, Бўкенши, Жигитек, Котибақлар бор. Бу ерга яқин жойдаги, узоқдан кўриниб турадиган баланд Ўрда тоғида қишлайдиган Мамайлар ҳам бу йил Эралида. Мана бу Эралидаги элнинг устига сайлов келди. Бу — бўлис сайлови эди. Кўп овуллардан четроқ ерга қаторлаштириб йигирма-ўттизга яқин оппоқ ўтовлар тикилди. Уйларнинг шундай бир тартибда тикилиши — уларнинг бадавлат овулининг уйлари эмас, балки тўй ёки ош бериш учун ҳозирлик кўраётган ё бўлмаса катта бир амалдор — улуғнинг келишига атаб тикилганлигини кўрсатиб турарди.

Қурилган оқ уйларга бу гал келиб тушиб, сайлоз ўтказадиган улуғ, шунчаки сайлов ўтказиб кетадиган «крестьян начальниги» эмас, Семей уездининг начальниги эди. Уяз² ёнига бир тўда стражник, урядникларни, икки крестьян начальнигини олиб келди; булар бирқанча извошларга тушиб, қўнғироқларини жаранглатиб, олди-орқаларида рус ва қозоқ ясовуллари от ўйнатганлари ҳолда, ас-аса, дабдаба блан келишди. Шу ўлканинг бир четига қадами етиш блан йўлда дуч келган: Қизиладир блан Чинғиз уездларининг икки старшинасига яхшилаб дарра урдирипти. Элга унинг ўзи блан бирга халқнинг юрагини

¹ Қўдар — «Кўзи-кўрнеш ва Баян сулу» поэмасидаги зўравон, ўзининг кучига ишониб иш тутадиган шахс. — *Ред.*

² Уяз — уезд начальниги.

орзиқтирадиган даг-дага ҳам етиб келди. Ҳозир Эралида ўтирган икки бўлисга қарашли элнинг қуми-тупроқдек халқ ўртасида бу Ўяз: «Тентек Ўяз» деган ном чиқарди.

Абай Оқшўқидан келаётганда, Эрали бўйида улуғларнинг уйига яқин ерда турган бир қашшоқ овулнинг қоши-га келиб тўхтади.

Бу овул бадавлат овулларга қараганда, кўриниши бошқача, тузилиши бўлакча кўп уйлик овул. Уйларнинг деярли ҳаммаси қурум босган, йиртиқ-ямоқ наमत блан ёпилган кўҳна уйлар. Бир қарашдаёқ бир парча ерда тиқилишиб турган муҳтож эл эканлиги кўзга ташланиб турарди. Бу атрофдаги овулларнинг ичида уйининг сони кўп бўлган овул шу. Уттиз-қирқ хонадондан иборат. Атрофида боғлоқлик турган қулун ҳам кўринмади. Қўтан ўртасидаги қўй ётадиган жой ҳам кичкинагина. Овулнинг атрофида қорамол ҳам сийрак. Камбағалликнинг шафқатсиз чанғалида сиқилган овул экани яққол кўриниб турарди.

Абай бу овулнинг кўп эллардан ташкил топган, «кўп жотоқ» деб аталадиган овул эканлигини биларди. У эрта кўклам қистов солгали Оқшўқига кўчиб келганда, қишдан қийналиб чиққан ўша жотоқларнинг: Дандибой, Эреной деган кексалари Абайдан ёрдам сўраб келишиб, бирозроқ озиқ-овқат олиб кетишган эди. Шунда улар Абайга ўзларининг кимлигини, ҳол-аҳволларини ҳам айтишган эди.

— Жотоқ деган бир тоифа элмиз. Бир четимиз — қишда Бойғобил Миялида қишлайди. Бир тўпимиз — ма-на бу ўзингга яқин Қиндик, Шўлпоннинг паноҳига тиқилади. Бу жотоқлар қирқ уруғдан қуралиб, ташкил топган эди. Ўрдадаги Мамай элидан ҳам, Чинғиздаги Кўкше элидан ҳам бор. Йўқчилик қанотини синдириб, қипялан-гоч гўшт бўлганларнинг кўпи шу ерда. Қиш кунларида кўпинча сой-сойнинг бағрига тиқилиб, буқиниб тирикчилик қиламиз. Кўклам чиқиб, йилт этиб куннинг кўзи кўринди дегунча уч-тўрт уй бирлашиб, бор кучимизни сарф қилиб ер тирмалаймиз. Ер кўкрагини эмсак меҳнат зойи' кетмас, ҳеч бўлмаганда тамаддиқ топилар деб, экин экишни касб этдик. Қошимизга келиб қистов солинганда, эллик қилиб кўмаклашсак бўлар эди. Ишга ярайдиган йигит яланғларимизни хирмон совириш, лой қилишдек хизматинг бўлса юборамиз. Агар керак бўлса айтавер! — дейишган эди.

Абай Дандибойнинг гапларидан: одамгарчилиги жойида экан, деб баҳо берган бўлса ҳам, у вақтда улардан кўмак олмади.

— Жотоқ бўлганингиздан кейин тирикчилигингиз экин экиш блан ўтар экан. Баҳор фасли сизларнинг оғир меҳнат қиладиган пайтингиз. Экиннгизни экиб олинг. Уси ҳам озгина кучингизни мен бўлмайман. Одамгарчилигингиз учун раҳмат. Қўрани бўлса, шу ердагиларнинг ўзи солса ҳам бўлар. Лекин мен ўзимни сизлардан четга тортмайман. Ер бироз селгигандан кейин, овулингизга ҳам бориб келаман. Эсончилик бўлса, тотув қўшни бўлармиз. Қариндош-уруғларга салом айтинг! — деб юборган эди.

Ўша гапдан кейин Абайнинг бу ерга келгани шу эди. Сайлов бўлаётган жойга бормай аввало шуларни кўриб кетай, деб жотоқлар томонига қайрилди. Эрбўл иккови қиялаб йўл солиб келаётиб, бир-бирига: «Бунчалик кўп эл кимлар экан?» деб, келишаётган эди.

— Жотоқлар шулар бўлса керак. Ёлирим, йўқчилик қандай аҳволга солган-а, бу элни. Овулнинг четидаги ана у тўп-тўп бўлиб сочилиб ётган нима экан, — деб, Абай отининг бошини тортиб, Эрбўлни ҳам тўхтатди.

Абайнинг кўзи тушган четдаги уйларнинг ўрнида фақат тўп-тўп бўлиб уйилиб ётган увадалар гоят ғариб ва аянчли аҳвол кашф этиб турган эди. Кичик-кичик, қопқора қурум босган капачалар ҳам кўринарди. Ба'зи ерларда эски кажавалар, синиқ эгарлар, синиқ кроватлар, чурук-чорик уй анжомлари бошпанасиз сочилиб ётарди. Мапа шу уйилиб ётган увадаларнинг орасида қилтираб бошлари кўриниб турган болалар, йиртиқ-йиртиқ кўсқи тўн ва чакмонлардан қолган эски-тускиларга чулғониб юрган ранги сомондек чол-кампирилар кўзга чалинарди. Бу кўринишга Эрбўл ўзича ма'но берди.

— Эралида довул жуда қаттиқ бўлар эди. Шу овулнинг кўпчилик уйлари йиқилиб тушганми дейман. Ана у томонини қара, деярли ҳаммаси бош-панасиз қолиптику! — деди.

— Қани юрчи, бориб, билиб келайлик. Буларга нима бўлган ўзи! — деб, Абай ўша кўп уйли қашшоқ овулга қараб кетди. Буларнинг олдидан узун ҳасса тутган, сочсоқоллари оппоқ кекса бир одам чиқди. Унинг яланғоч этига кийган чакмони илма-тешик бўлиб кетган, озгин юзини беҳад ажин босган эди. Бу чол Даркембой экан. Йигитлар уни танишлари бланоқ отдан тушиб, салом бе-

риб сўрашганларича, яқин ердаги бир капа ёнига келишди.

Даркембой шу жотоқларнинг ичида эканлигини Абай билмас эди.

— Даркембой, сен ҳам жотоқларнинг ичида эдингми? Нечук бу ишдан мен беҳабар қолдим?— деди.

Даркембой аввал индамасдан туриб, кейин сўз қотди.

— Сен хабарсиз қолишингнинг сабаби шуки, мен буларга яқинда келиб қўшилдим. Эндиги қолган ҳаётимда маконим ҳам, юртим ҳам шу эл!— деб, бошлади-да, гапга тушиб кетди...

— Шу ерда ўтирган қирқ уйлик қашшоқларни сўрасанг, ҳаммаси ҳам менга ўхшаганлар экан. Суюндик блан Сугирнинг моли бор деб, уларнинг кўчига эргашиб кўчман деб юриб, кўп умрим сарсонгарчилик блан ўтди, лекин бирон наф' бўлмади. «Куч-қувватинг борида сўйилимни кўтарган эдинг, овулимнинг четида ўтирган соқчи эдинг, қиш бўлса молимнинг қўриқчиси эдинг, энди кексайиб, путурдан кетганда меҳнатнинг роҳатини ҳам кўрсин. Кексалиги ҳам кам-кўстлик, муҳтожлик блан ўтмасин» дегундек одам топилмади. Мана энди қарасам, ҳаркимнинг ўз йўли ўзига экан. Эндиликда синиқ эгаримни орқалаб тентирашни қўйиб, мана шундай эл орасидан паноҳ излаб келдим. Шулар қандай тирикчилик қилаётган бўлса, мен ҳам шундай тирикчилик қилишга қарор қилдим!— деб, ўзининг ғариб аҳволини ғамгинлик блан изҳор этди. Эрбўл:

— Бу элнинг ичида бирорта қариндош-уруғинг борми ёки йўқми? «Заҳар ютсанг ҳам эл-уруғинг блан бирга ют» деган гаплар бор эди. Ўз тўпингдан айрилиб бу ерга келганда, кимга орқа қилиб келдинг?— деди.

Эрбўл ҳам Бўкеншилардан бўлгани учун Даркембойдан қардошларча қойиган бўлиб гапирди. Даркембой Эрбўл блан гап талашиб ўтирмади. Абайга қараб:

— Бўкенши блан Бўрсоқ элида менинг жонкуярим ҳам, яқин одамим ҳам йўқ. Жонкуярни бу ердагина эмас, ўша тумонатдек сержамоа Бўкеншининг ўртасида ўтирганимда ҳам кўрганим йўқ. Энди қариндош деганимда, шу ердаги қирқ уйликнинг ҳаммасини назарда тутаман. Булар бир отадан тарқамаган бўлса ҳам тирикчилиги бир хил бўлган қариндошларим. Буларнинг ҳаммаси ҳам кўрган куни, чеккан жафоси блан менга қариндош бўлган одамлар,— деди.

Эрбўл ялт этиб, Даркембойга қаради-да:

— У нима деганингиз?— деди.

Даркембой яна Абайга қараб:

— У шундай деганим-да. Худди шундай, Абай!— деди.

Яна бир нафас жим қолгач, қўлидаги ҳассаси блан қатор турган кулбаларни бир сидра кўрсатиб чиқди. Даркембойнинг эндиги сўзларида ба'зан истеҳзоли кесатик эшитиларди. Лекин уни ҳам совуққонлилиқ қилиб, вазминлик блан сўзларди.

— Бу ерда жамийки Иргизбойлар ичида ҳозир бойиб кетган Оқбердисига, Мирзатойига, Қунакенгнинг овулига—ўзларингга, қишин-ёзин чўпонлик, хизматкорлик қилган бир тўл Анет, Қоработирлар бор. Бир вақтлар Бўжей, Бойдали, Тусипларга молбоқар, хизматкор бўлган бирқанча одам ҳам бор. Котибақ элидан—Бойсолнинг хизматини қила-қила барака топмай элдан айрилиб, тентираб келганлар бор. Кўкшедан, Мирза, Мамай элидан тўпини ташлаб, панд еб келганлар бор. Буларнинг ҳаммаси ҳам менинг ўзимга ўхшаш икки қўли бир тепа бўлганлар. Ота-онаси, ота-бобоси, авлод-аждодидан тортиб, умри биронинг эшигида ўтган, бир умр ёлчимаганлар. Шу жиҳатдан ҳам булар менга қариндош. Бу элда ким бор десаңг, кекса Даркембой, эти бориб устихонига ёпишган чол Дандибой, дард мажруҳ этган кекса Эренойлар бор. Ҳаммаси ҳам куч-қувватидан қолган бечоралар. Кўпчиликнинг меҳнатига ярарлик ўғли ҳам йўқ. Азаматлари бойларнинг моли орқасида юриб дардга чалиниб, нотаваон бўлиб қолишган. Умр бўйи куч ва ғайратларини оқ қорда, кўк музда ва даҳшатли бўронларда сарф этганлар. Бойдан мақтов эшитиш, бойвуччадан бир коса ёвғонни ортиқ ичиш учун жони-жаҳди блан хизмат қилиб, ниҳоят ҳолдан кетиб, қилтираб қолганлар. Бирининг ўзи нотаваон, бирининг кампири. Башқа бирининг боласи касалманд бўлиб ишдан чиққан. Шу уйларнинг кўпига кириб қарасаңг, бири қариб чўкиб қолган, бири ёшлиги сўниб, хазон бўлган. Биттаси бод касалига йўлиққан, биттаси сил дардига мубтало. Бири кўздан айрилган, яна бири синиқ кемтик бўлиб қийшайиб кетган, майиб-маймоқлар. Қисқаси, мана шу хилқа-хилқа наматлик, кўҳна кулбалардек тўзиб, одо бўлган юзларча ҳаётни кўрасаңг. Ҳалиги Қунанбой, Бўжей, Бойсол, Суюндик, Сугир, Қоратойларнинг кўчига эргашаолмай, хизматига ярамай қолганлар. Ушалар кўчганда ташлаб кетадиган синиқ эгар, тешик челақ, эски

тўқимлари бўлар эди-ку, булар ҳам шундай бир гап-да! — деб, аския қилиб кулди. — Хўш, менинг ўшалардан нима фарқим бор? «Заҳар ютсанг ҳам эл-уруғинг блан ют» дедингку ҳали, Эрбўл. Ҳозирги аҳволимда менинг қариндошларим шулар. Уруғим ҳам, уроним¹ ҳам шулар блан бир! — деди.

Абай, Даркембойнинг гапларидан қаттиқ ўйланиб қолиб, дам қовоғини солар, дам ғазаб ичида тўлғониб тумоғини қўлига олар, ўтиргани жой тополмаётган кишидек типирчиларди. Даркембой томон хиёл энгашиб:

— Эй, Даркембой. Йўқчилик блан ёвузлик бутун элнинг ичини кемираётир-ку. Сенинг кўзингни шунқор — қироннинг кўзидек очиб қўйган ана шу гаплар экан-да. Қозоқнинг сўзамоллари, устига сув қуйсанг тўкилмайди-ган йўрғалари, қизил тилдан асал томизадиганларнинг нима кераги бор! Сўзнинг қуввати ҳақиқатда дейдилар-ку. Мана шу, сен айтаётган, ўтдек ёндириб юборадиган ҳақиқатларга қайси Қунанбой, қайси Суюндиклар жавоб бераолади? Юрагида ўти бўлган бир мард одам бўлса, «буларнинг ҳаммасини йигиб туриб, ёлғиз Даркембойнинг ўзи енгди» демасмиди?! Бўйинини қимирлатмай туриб, юлиб олди дер эди-ку. Ўзининг кўзинг очилиши блан бирга, менинг ҳам кўзимни очдинг десам бўлади! — деди.

Шу чоқ буларнинг олдида бир тўп одамлар келишди. Уй-уйдан: ба'зилари қурум босган капалардан, ба'зилар бошпанасиз сочилиб ётган чурук-чориқ увода орасидан чиқиб биргалашиб келишди. Шулар келгандан кейин, Абай бу овулнинг шу аҳволга тушишининг сабабини сўради.

— Хўш, мана бу рўзғори ҳарер-ҳарерда тўп-тўп бўлиб бошпанасиз қолганлар кимлар? Бир уйлик эмас, бирқанча вйликнинг аҳволи шундай кўринади-ку. Бу уйларни довул қоқиб кетганми? Ана у гўдаклар, чол ва кампирлар мутлақо бошпанасиз қолипти-ку! Нега бундай бўлди? — деди, янги келган жотоқларга қараб.

Келганларнинг ичида Абай аввалдан танийлиган Дандибой, Эреной сингари кексалар, яна озғин, ранги-рўйини олдириб қўйган, кийимлари титилиб кетган, икки-учта ўрта ёшли одам ҳам бор эди. Оғзига носвой солган, ранги

¹ У р о н — қозоқларда ҳар авлоднинг ўз урони бўлади; бу ўша авлоднинг сулоласидаги машҳур, ҳукмрон ўтган одамнинг номи бўлиб, ўша ном аталганда унинг авлодидан бўлганларнинг ҳаммаси оёққа туриши керак. — *Ред.*

заҳил, қовоғи солиқ йигитлар ҳам бор. Буларни Абайнинг ёнига бошлаб келган жотоқлар эмас, шу ерга меҳмон бўлиб келган Абулғози экан. У Абайлар блан сўрашиб бўлгандан кейин, ҳаммадан олдин келиб унинг ёнига ўтирди. Абайнинг ҳалиги саволига Дандибой жавоб бериб:

— Довул қоққанми деяпсан-ку, чироғим, Абай!—деб, истехзо блан бир кулиб қўйди.—Чиндан ҳам довул қоқди. Довулга учрамаса, шунча уй бирданига шу зайлда вайрон бўлармиди?! Уша, довулга учради-да. Лекин худонинг довулига эмас, улуғларнинг, бўлиснинг довулига учради. Ана у ердаги, Уязга атаб тикилган оқ уйларнинг бу томонида, алоҳида турган ўнтача кўҳна уйларни кўраётирсанми?—деб, няги блан улуғлар учун тикилган уйларнинг чап томонига ишора қилди. Абай блан Эрбўл эндигина пайқашди. Уша оқ уйлардан овлоқроқ ерда бир-неча кўҳна уйлар, гўё бош қўшиб маслаҳатлашаётгандек, кичкина яйдоқ ерда тўпланиб турарди.

Абайлар ўша уйларни кўришгандан кейин, Дандибой улуғни бошлаб бир ҳақорат қилиб олди-да:

— Ётиш-туришга оқ уй керак. Оёқости қилиб масхаралашга бизларнинг кўҳна кулбаларимиз керак бўлипти-ку.

Эрбўл бу гапга тушунаолмай:

— Оёқости қилгани, масхаралагани нимаси? — деди.

Эреной бошлиқ тўпланиб турган камбағалларнинг ҳаммаси теварак-атрофдан:

— Бу оёқости қилмаганими, жазолаган одамларини қамайдиган авахта қиламиз деб ба'зибир уйларимизни олди.

— Ба'зи уйларни ошхона қиламиз деб олди.

— Униси ҳам майли-я, худди бутун бошлиқ Эрали даласи камлик қилгандек, улуғларга ҳожатхона қиламиз деб яна бирқанча уйларимизни олди.

— Бу ишларнинг ҳаммасини бўлис блан чопарлар, бир-бирдан муттаҳам старшинлар қилаётир.

— Бу муттаҳамлар тўдаси қачон йўқолишини ит биледи. Қасал кампирларимиз, майиб-маймоқ оқсоқ-тўқсоқ оталаримиз бор эди. Чурук-чорик уводага чулғониб ўтиришлари ана у. Ҳаммасининг бошпанасини йиғиштирди-ю, олди кетди!— дейишди.

Абулғози Абайга бу ердагиларнинг арзи-додини очиқроқ қилиб гапирди.

— Худди эндиги бўлис блан бий ана шу жотоқлардан сайланадигандек, бор оғирлиқни шуларнинг устига таш-

лашипти. Ҳатто буларнинг розилигини сўраган киши ҳам бўлмапти. Мойбосар буюрипти-ю, чопарлар келиб ҳаммаёқни остин-устун қилиб, юлиб-юлқиб, олиб кетаверишипти,— деди.

Абай, атрофида ўтирганларга қараб:

— Тухмати ўзига эди, сизлар нега бердингиз?— деди.

Шу он булар ўтирган ерда, сочилиб ётган эски-туски уй рўзгорларининг нариги четида йиртиқ чакмонга ўралиб ётган, чакка томирлари кўмкўк бўлиб ҳабариб чиққан иккита кичкина бола безовта бўлиб инграшди. Иккови ҳам касал экан. Уша, ҳурпайган қўнғир сочлари орасидан бош териси сарғайиб кўринаётган тўрт-беш ёшлардаги болаларга Абайнинг кўзи тушди.

Болалар инқиллаб-инқиллаб яна тинчланганда, уларнинг икки кўзига, лабларининг четига ва қулоқларининг ичига кириб, уймалашаётган пашшаларни кўрди, шунга қараб туриб:

— Кўзларини пашшага талатиб... у сиз ҳам ҳолатдан кетган оҷ,ялонғоч халққа шунчалар зулм қилишга нима ҳақи бор экан-а, барака топмагурларнинг? Даркембой, сенинг аввалги ғайратинг, ғазабинг қаерга кетди? Чопарларини бош бошига уриб, ҳайдаб юборсанг бўлмасмиди?— деган эди, жотоқлар:

— Ийе, у нима деганинг... Унга қулоқ солай деб туриптими?

— Тепамизга келиб ўдағайлаб турса-чи?

— Чопармон эмас, савармонлар-ку!— дейишди.

Жотоқларнинг ҳаммаси бирдан гап бошлаб, Абайга арзи-ҳол айтишларининг тагида гап бор эди. У гапни ҳайрош бўлиб турган Абай билан Эрбўлга Даркембой ётиғи билан, батафсил айтиб берди.

Бундан ўн кун аввал Абулғозини ёнига олиб Бозорали шу ерга келган экан. Афтидан, у, Қўнанбойнинг овулига шу Эралидан борган бўлса керак.

Шунда Даркембой Бозорали билан хўб ҳасратлашиб, Эралида ўтирган кўп жотоқларнинг ҳоли-аҳволини унга айтиб берипти. Бозорали билан Даркембой, бирининг ёши улуғ, бирининг ёши кичик бўлгани билан, иккови ҳам мард, ҳамиятли, яна ўткир зеҳнли одамлар бўлгани учун, учрашди дегунча бир нафасда топишиб, суҳбатлашиб кетишар экан. Даркембойнинг айтишича:

«Кимсасиз саҳрода бўри ёлғиз бўлса ҳам, тап тортмайди» деганларидек, у ҳам йигитларнинг шери бўлгандан

кейин, мен ҳам унга яқинлашиб, кўнглимдаги бор гапни ўшанга етказақолгим келади!» дер эди.

Бозорали уч кун шу ерда туриб Жигитек, Бўкенши, Котибақ, Мамай, Кўкше элларидадан чиққан жотоқларнинг ҳаммасининг уйига бирма-бир кириб, уларнинг ҳол-аҳволдан хабар олиб чиқипти. Бетобларнинг кўнглини сўраб, соғларга йўл-йўриқ кўрсатиб маслаҳат берипти. Бирининг уйидан айрон, бирининг уйидан пишлоқнинг зардобини ичса ҳам, ўзини гўё зиёфатда бўлгандек тутипти. Ҳаммаси блан суҳбатлашиб, кўп ҳасрат ва қайғуларига қулоқ солиб, ҳамдард бўлипти. Сержамоа жотоқларнинг кўнглини кўтариб, яхши-яхши куйлардан куйлаб берипти. Шундай қилиб, ширин суҳбатлар ўтказиб, юпун кўҳна қулбаларнинг яқин дўсти бўлиб кетипти.

Бозорали доимо от устида юргани учун, Даркембойга Тўбуқтининг бирнеча ерида шуларга ўхшаш жотоқлар борлигини айтиб берипти. Дўғолонг бағрида Соқтўғалоқ, Тосбўлат элининг жотоқлари борлигини, Билда, Қиндикда — Анет, Бўкенши, Котибақлардан чиққан жотоқлар, Ўрдада — Мамай жотоғи, Мияли, Байғабилда — қирқ уруғдан қуралган жотоқлар борлигини ҳам айтиб берипти. Яна Чинғизнинг нариги томонида, Боқонос бўйидаги Керей элидан чиққан жотоқлар борлигини ҳам билар экан. Кўкенда—Уоқ элидан чиққан, «Қирқ уйли» деб аталадиган, яна Семейдан бир бекат беридаги Жалпоқда, Болтўроқда сон-саноқсиз жотоқлар борлигини ҳам айтиб берипти. Бозорали буларни шунчалик айтиб беришлик учун эмас, буларга ўша жотоқларнинг турмушидан мисол келтириш учун гапирган эди. Унинг айтишига қараганда Керей-Уоқдан, Бура-Мотойдан, Иртиш бўйидаги эллардан чиққан жотоқларнинг деярли ҳаммаси деҳқончилик блан шуғулланишар, қишин-ёзин тинмай меҳнат қилиб, деҳқончилик орқасида кун кўришар экан. Бу ердаги жотоқларга ҳам Бозорали шундай қилишни маслаҳат кўрипти.

— Ер кўкрагини эм. Икки-уч хонадон бирикиб, бир ер икки ерга¹ деҳқончилик қилсаларинг ҳам, ер тирмалаб бор куч-қувватингни шунга сарф қил. Шу ерда бўш турган кузаклар, булоқ бошилари, турли қўнислар кўп-ку. Ёз бўйи ёлғиз ўроқ блан бўлса ҳам пичан ўринлар. Аслида Чинғиздан кўчиб, Семейга яқинроқ ерга бориб

¹ Бир десятина, икки десятина ер ма'носида.— *Ред.*

турсанглар яна ҳам яхши бўларди. Чунки бозорга яқин бўлгандан кейин ортиқча пичанинг борми, сомонинг борми, бозорга ташмалаб, чой пули чиқариб турар эдинг. Сенлардек қаширға тирноғи йўқ қашшоқлар учун ўшадан дурустроқ жойни отанг ҳам топиб бермайди. «Эл ораси олтин бешик, олтин бешик» деб, умидвор бўла-бўла мана, бор куч-қувватдан ҳам айрилдинглар-ку! У, борларга бешик. Ҳукмрон блан зўравонларга бешик. «Қардошлар очимиздан ўлдирмас, бир кун бўлмаса бир кун кўзим очилар» деб, беҳуда умидлар блан тинкаси қуриб ўзини олдириб қўйганларинг озми? Ўз элим — Жигитекдан марҳамат кўрмай, бир умр ёриб-ёлчимай йиғлаб, шу ерга келиб ўтирган Жигитек жотоқларини мен билмайманми! Шу кўп уйли жотоқлар, ҳамманг ҳам ота-онангдан тортиб, ҳарбиринг ҳар элнинг бир киборига бор кучинг, бор қувватингни, соғлик ва новқирон — ёш умрингни ҳад'я қилиб бўлдинг. Энди тўналиб қип-яланғоч, потавон бўлиб қолган чоғингда эсинг ўзингга келиб, шу ерга келибсан. Келганда ҳам ҳаққа таяниб келибсан. «Фалон ерда тилла бор, борсанг бир пақирлик жез ҳам йўқ» деган гапнинг ма'носига ҳамманг ҳам хўп тушундинг, шундай эмасми? Эндиликда бир-бирингга суянчиқ бўлиб, шу ерда бир тирикчилик қилиб, ўлмасликнинг чорасига киришинглар! «Заҳар ютсанг ҳам эл-уруғинг блан ют» деб, отлиқнинг орқасидан югурган пиёдадек, ҳаллослата-ҳаллослата оқибат, ҳаркимнинг ўз йўли—ўзига, деб кетадиган, бир отадан тарқалганлардан без. Энди сенларга мен Жигитек, мен Бўкенши, Кўкше, Мамай деб ота тағларингни суриштиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Энди отаегнинг номи «Эралининг жотоғи» бўлиб қўяқолсин. Энди бир-бирингга мана шу ўтирган ўзларингдан бошқа меҳрибон йўқ, кўйи бирнинг — кунни бир, дини ҳам бир бўлсин. Шу бирликни йўқотманглар!— деб насиҳат қилиб кетипти.

Бу гаплар Даркембойга кўп ма'қул тушганидан уни худди китоб сўзидек ёдлаб олипти. Бирор жойини ўзгартирмай, Абайга батафсил айтиб берди. Абай блан Эрбўл ҳам Бозоралининг ҳаётни шунчалар синчиклаб кўриб, аччиқ ҳақиқатларни очиб ташловчи гапларига диққат блан қулоқ солишди.

Абай ичида:

— «Оббо, Бозорали қурмагурей, агар ўқимишли бўлганида борми, бир Тўбуқти элининггина эмас, бутун қозоқ халқининг пешонасини силаб, оғир кунда дардлашувга

қўлдоши, яхши кунда ҳамиятли йўлдошли бўлар эди!»— деб ўйлади.

Бу — Даркембой айтмоқчи бўлган гапларнинг боши экан. Ниҳоят, гап айланиб, кўп жотоқларнинг «чопармон-савармон» деган сўзига келди.

Бозорали бу ерда уч кеча ётиб, энди жўнай деб турганида, жотоқларнинг устига бирнеча чопарлар бостириб келади. Бу ерга теварак-атрофдан турна-қатор кўч келиб, бирқанча уйларни ортиб келишган экан. Сўйиладиган молларгача ҳайдаб келишипти. Ҳалиги чопарларни, «Уяз келади, уй тикилади, бор жанжал-тўполон шу ерда бўлади» деб Мойбосар блан Такежон юборган экан.

Даркембой эрталаб, Бозорали, Абулғозилар блан уч киши бўлиб, нонушта қилиб ўтиришганда, чопарлардан учтаси келиб жотоқларга ёвдек ҳужум қилипти. Гарчи Даркембой овулнинг нариги четида шов-шув бўлаётганини эшитиб турган бўлса ҳам, Бозоралига айтмай ўтираверипти, лекин Бозорали ҳам бўлис томонидан бўлаётган барча ҳангомаларни билиб турган экан.

— Оқсоқол, нима бало бўлди, овулнинг бўри босиб кетдими, нега у томонда шовқин-сурон кўтарилиб кетди? Яна улуг блан бўлисининг ғалвасими? — деб сўрапти.

Худди шу онда Даркембой танимайдиган чопарлардан учта ёш йигит отини тасирлатганича келиб, Даркембойнинг эшиги олдида тўхтаб: «Ҳой Даркембой, қаёқдасан, чиқ буёққа!» деб, ҳайқирипти. Даркембой ҳа деганда чиқавермапти. Ҳаллослаб, нафаси бўғизига тикилиб бораётган ҳовлиқма йигитлар: «Ийи, чиқ деяпман сенга, чиқ тезроқ, кўп катталик қилма! Бўлис блан стражник тикилинч қилаётган пайтда гердайиб ўтиришни сен камбағалга ким қўйипти?» деб ҳақорат қилиб, ўшқирабошлапти.

Бозоралининг ранги ўчиб кетганича Абулғозига қараб, бир имлаб қўйипти-да, Даркембойга: «Чиқма, жавоб ҳам қилмай туратурчи, нима қилар экан» деб, ўзи ўтирган жойида ҳалиги йигитларга: «Ҳой йигитчалар. Кимсан ўзларинг? Гапинг бўлса отдан тушиб айтақол-да!» депти, мулойимлик блан. Лекин, йигитлар асов отлари блан бостириб келиб, Даркембойнинг уйини қўлатаёзиб: «Чиқ деганда чиқ» деб, ҳақорат қилабошлапти. Бунинг устига қўлларидagi катта қамчилари блан ўтовни савалаб, кегай-ёғочларини қасирлатиб синдираёзипти.

Иш шунга етганда, Даркембой ортиқ тоқат қилиб туролмай, отилиб уйдан эшикка чиқса, қутурган чопар-

ларнинг иккитаси икки томондан келиб, отасидек одамни қамчи блан тортиб-тортиб юборипти. Шу он зардаси қайнаб, ғазабига чидаёлмаган Бозорали блан Абулғози, буқиниб ётиб, тўсатдан ташланган йўлбарсдек, ҳайқирганларича уйдан отилиб чиқишипти. Бозоралининг ёлғиз ўзи икки чопарни ёқасидан олиб бир силташдаёқ, оёғининг остига олипти. Яна биттасини Абулғози юмалоқ-ястиқ қилиб кетипти.

— Иккови, уч чопарнинг бошига миниб ўтириб, этакларини тугиб қўйиб: «Ол, савала-я!»— деб, Даркембой кўзини шинграйтириб кулиб қўйди. Кўндан буён бир ҳузур қилиб аламдан чиққан кишидек, завқ қилиб гапирди.

— Асти қўявер! Бола-чақа, қиз-қирқини блан чувалашиб келган жотоқлар ҳалигиларнинг атрофини қуршаб туриб, хўп аламдан чиқиб тамоша қилишди-ку! Уччовининг ўртасига тушиб, бирор оғиз сўз қотган одам бўлмади. Бозорали баҳодирим, тобилғи соплик қамчининг сопи синиб кетгунча, тоза савалади! Ўзи ҳам йигитларнинг сардори-да! Азаматим!—деб, Даркембой сўзини тамом қилди.

Шундан кейин Даркембой бир нафас жим қолган эди.

— Хўш, нега энди уйларингиздан айрилиб қолдингиз? Биратўла бошпанасиз қолибсиз-ку,— деди Эрбўл сабрсизлик блан, ишнинг оқибатини билишга қизиққанидан.

Бу саволга Даркембой қисқагина жавоб берди. Бозорали яна икки кун шу ерда бўлипти. Чопарлар кетиб жотоқлар ҳам тинчиб қолган экан. Шундан кейин Бозорали отланиб Қўриққа кетипти. Эртасигаёқ бўлис томондан старшин, элликбошилар бошлиқ ўттиз киши келишипти-да, жотоқларнинг мана шу ҳозир бошпанасиз очилиб қолган уйларининг ҳаммасини дас кўтаришипти-ю, олиб кетишипти.

Даркембой энди Абайга қараб:

— Бўлисинг, улуғнинг орқасида юрган итлар «ҳайт» деса отасининг гўрини титкилайдиган итлар эмасми? Сен ҳали, Даркембой, нега кўндинг, дединг. Даркембойда ҳад борми, Абайжон?! Чироғим, азаматим! Ундап кўра қўлингдан келса уларга ўзинг гапириб, уйларимизни ўзинг олиб бер. Нима, жотоқларнинг уйи бўлмаса шунча вақтдан бери ош ҳам ичолмай, ҳожатга ҳам боролмай юрган эканми, бу ўнгмагур аблаҳлар!— деди.

— Уйларимизни олиб бер. Ҳеч бўлмаса шуларнинг масхара қилиб, хўрлашидан қутқар!— дейишди шу ерда-

гиларнинг кўпчилиги, Абайга илтимос блан мурожаат қилиб.

Эндиги сўз қисқа, маслаҳат қилиб ўтиргудек иш ҳам йўқ эди. Абай этагини қоқиб, қамчисини икки буклаб, биқинига тиради-да, Даркембой блан ўтирган одамларга қараб:

— Юр, юринглар, ҳамманг ҳам юр! Абулғози, сен ҳам юр!— деб, бир тўда жотоқларни эргаштириб олди. Эрбўл иккови ҳам отларига минмай етаклаб олишди. Жотоқлар блан сўзлашиб, улуғларнинг уйи томон пиёда кетишди.

Булар бир тўп бўлиб, бирқанча кўҳна кулбаларнинг орасидан юриб, қўтан четига чиқишгунча, уйилиб ётган ҳарбир уй рўзгорларининг орасидан, кулбалардан чиққан яна бирқанча эркаклар ҳам буларга қўшилди. Улар жадаллаб Абайларнинг тўпи орқасидан келиб қўшилган сайин, сони ортаборди. Орқадан етиб келиб сўрашаётганлар ичида баланд бўйли, серғайратлилиги кўриниб турган ўрта ёшлик кишилар ҳам бор эди. Бошига чамбарак қилиб рўмолча танғиб олган, қуёшда куйиб, қопқорайиб кетган тўши очик йигитлар ҳам кўринарди. Қовоғидан қор ёғилиб тишини-тишига қўйиб, индамай газабини ичига ютиб келаётган мошгурунч соқолли, оқ соқолли тунд юзли кексалар ҳам бор эди.

Абайлар бу ерга келишаётганда эркаклари сайловга кетган оилалар бўлсин, шу атрофдаги эллар бўлсин, зўр таҳлика остида эди. Чунки Ўяз фақат сайлов ўтказиш учун эмас, катта бир тергов олиб боришни ҳам ўз зиммасига олиб келганди.

Такежон ҳам шу сайлов таҳликаси остида боласининг ўлигини нари-бери чиқариб бўлиши блан, ўз овулида қолишнинг иложини қилолмай, ичидан зил кетиб, ҳаяжон ичида Эралида юрган эди. Чингиз элининг э'тиборли одамларидан: Ўрозбой, Жиренше, Аслбеклар ҳам жон титроғида. Кеча Абайга хат ёзиб чақиртирган Такежон эмас, Аслбек эди. У Абайга Бозорали ҳақида хабар қилиб, унинг саломини етказди. Бозорали қўлга тушиб, қамоққа олинган эди. Кун икки кеча қамоққа олинган Бозорали, Абулғози орқали Аслбекка: «Мени Такежон ушлатди, шуни Абай билсин!» деб, айтдириб юборипти.

Аслбек, Абайга хабар қилди-ю, лекин Абулғозига: «Бу гапни ҳечкимга изҳор қилмай туратур, яна фалокатдан фалокат туғилиб, иш улғайиб кетмасин» деб қўйди. Шу-

нинг учун Абулғози, Бозоралининг қамалганини жотоқларга билдирмади. Бу масалага келганда Урозбой, Жириншелар ҳам ўз мулоҳазалари юзасидан Бозоралининг ённи олишаётган эди. Афтидан, шу сайловда Такежон блан уларнинг ораси бузилиб қолган кўринади. Чунки Такежон буларнинг ҳам номини Бозоралига қўшиб улугга чақипти. Шунинг учун ҳам улар энди ноиложликдан Бозоралининг тарафдорлари томонига ўтишга ҳозир эди. Абайнинг йўлига кўз тикиб турганлар шулар.

Абай келиши блан уни холироқ ерга олиб бориб, аҳволни англатишди. Уларнинг бири олиб, бири қўйиб гапирган гапидан Абайнинг англагани шу бўлди.

Бу ерга Тентек Ўяз блан Ўр Найман элдан бир тўп да'вогарлар ҳам келипти. Улар бир катта ишни қўзғотмоқчи бўлиб келишипти. Мана шу ўтган қиш Уролбой бошлиқ, Тўбуқтининг бирқанча қароқчи йигитлари, ўша Найман элининг Қудайсугир деган бир катта бойнинг овулидан йилқи олган эмиш,— дейишаётир. Уролбой ўтган йил Керимболанинг дарди блан кетганича яна қайтиб элга келмай, дом-дараксиз кетганди. Бутун ғазоби ва қайғусини ичига ютиб, ўч олишга аҳд қилган йигит, атрофига куч тўплаб, қўлига қурол олган ҳолда бир йилдан буён Тўбуқтининг Керей, Сибон элларида, яна ўша Ўр Найман элидан жуда кўп мол олипти. У, ҳарқайси элнинг устунини ҳисобланадиган, ўзига тўқ овуллари кўзлаб бориб, олган ўлжалари блан денгиз томондаги Керей элининг бирқанча оч-яланғоч овуллари ичига келиб жойлашган экан. Қудайсугирнинг улугга берган аризасида Уролбойни: «Улуғларга ҳам қарши, элнинг бойлари ва яхшиларига ҳам қарши, фитна боши одам» сифатида кўрсатипти. Ана шу ариза, бир-бирига қўшни бўлган Еттисув ва Семей жондоролларининг маҳкамаларини оралаб, анчадан бери сурғалиб келаётган экан. Икки область ўртасида, хилват-хилват ерда ҳаракат қилиб юрган ўтқир, жасур, қалби тўла кек бўлган ботир йигит, подшо аскарларидан ҳам ҳайиқмапти. Шу йил қиш кўкламга томон Аяғўз ва Семейдан чиқиб, уларнинг орқасидан қувлаган бутун бир отрядни хўп эрмак қилипти. Уларни анча ергача қорама-қора илаштириб бориб, кимсасиз саҳрода отряд овқатлангани ўтирган чоғида пайт пойлаб, ҳамма отларини олиб кетипти. Йигирма-ўттиз кишини чўли-биебонда бирнеча кун пиеда сарсон қилиб, очлик ва сувсизликдан итдек қотириб ўлдираёзипти.

Бундан тапқари яна бир ёмон хабар ҳам бор эди. Уни Ҳрозбой ва Жиренше кулгиликка олиб гапирган бўлсалар ҳам, табиатида бундай шаддотлик бўлмаган Аслбек бетинчланиб гапирди.

Бу иш Аяғүз блан Шубароғош орасидаги бекат йўлида содир бўлипти. Ёнида икки стражниги блан Семейдан Қополга кетаётган крестьян начальнигининг йўлини кимдир тўсиб чиқиб, тунаб кетган эмиш. Найманлар бу ишга ҳам Ҳролбойни айбдор қилиб кўрсатишган эмиш. Шундай қилиб, бутун айбни ўша йигитнинг гарданига ағдараётган Ҳяз шу ишнинг терговини бошламоқчи бўлиб турган экан. Найманлар биринчидан, ўзларининг молига да'вогар бўлса, иккинчидан, крестьян начальнигининг ўчини ҳам оладиган бўлиб келишипти. Қисқаси: ҳам гувоҳ, ҳам да'вогар бўлиб келишган. Беш киши бўлиб келган Найманлар Ҳязнинг пинжидан чиқишмайди. Афтидан, ўзлари блан холи ерда сўзлашиб, қозоқ йўл-йўриғи блан келишишга асти ра'бати йўққа ўхшайди. Келган улуғ бўлса: «Элингдан ўша Ҳролбойдек бебошлар чиққан, у подшо ҳукумати-га қарши одам. Нега уни тутиб бермадинг?» деяётир. «Бўлис, бий, старшин — ҳамманг ҳам судга бериласан. Ҳамманг ҳам айбдорсан» деди. Тушган аризаларнинг ичида Бозоралининг оёғидан тортадиган аризалар ҳам борга ўхшайди. Кеча Тентек Ҳяз келган замон Такежон блан мана шу ўтирган уччовимизни чақириб олиб: «Ҳролбойни топ, Бозоралини ҳозир қил!» деб дағдаға қилиб, буйруқ берди. Афтидан, буларни шу таҳлитда исканжага ол, деб Такежоннинг ўзи пухталаб қўйган кўринади. Ҳролбойни топиб бўладими? Агар Бозоралининг бизлардан яшириб, латтага туғиб юрган бир сири бўлса, уни ўзи билади. Бўлмаса, отаси бир демасак, у гал Болағозининг ишида иштироки бўлмаганидек, бу гал ҳам Ҳролбойнинг ишидан у мустасно, мутлақо четда эди! — дейишди.

Қолган гапларни Жиренше гапираркан, ниманингдир андишасига бориб, тутилиб, дудмол қилиб сўзлади.

— Такежон бўлисининг фикри, кўпчиликнинг фикридан бошқачароқ. Биз улуғга: — Ҳролбойнингни билмаймиз. У йигит бу элнинг сонидан ҳам, саноғидан ҳам чиқиб кетган. Элга ҳам, Бозоралига ҳам бош бермай кетган. Қаерда юрганини, қандай ишлар қилаётганини биз билмаймиз. Ўзинг ушлаб ол-да, нима қилсанг қилавер. Тўбуқти унинг ўртасига тушмайди. Унинг ёнини олиб оқ-

лайдиган одам ҳам йўқ! — демоқчи эдик. Аввало Такежон, Мойбосарлар блан бирга ўтириб қилган маслаҳатимиз ҳам шу эди. Лекин кеча кечқурун Ўспон, Дарқон орқали Такежонга бир хат бериб юборипти. Бозорали блан икковининг ўртасида бир хусумат бор эканми? Ҳар ҳолда Ўспон хатида: қандай бўлмасин ўз бошинини оқлайвер. Бозорали менинг қўлимда, шуни бир илож қилиб илтириб юбор,— деб, тайинлапти. Шундан кейин Такежон Жумағул чопар бошлиқ тўртта стражникни овулга юбориб, Бозоралини ушлатиб, туш пайтида улуғнинг қўлига топширди. Энди ҳайронмиз. Такежон Бозоралини гуноҳкор қилиб ҳайдатиб юборишлик учунгина ёмонлаётирми, нима эканлигига тушунолмайд қолдик. Шунга сени чақиртирдик. Улуғ-ку биз блан ҳисоблашадиган ҳам, сўзимизга қулоқ соладиган ҳам эмас. Буёғига ўзинг бир маслаҳат бер! — дейишди.

Абай бу ерда, бир катта чигал тутун пайдо бўлганини пайқади. Ўспон зимдан ишлатаётган душманликка қараганда, мана бу сиртдан келган фалокатнинг ҳар иккови ҳам даҳшатлироқ эди. Жуда катта фожиали ишлар рўй бериб келаётганини Абай Аслбекларга қараганда чуқурроқ англади. Сиқилиб кетганидан қошларини чимириб, қаттиқ хўрсинди. Сайловга атаб тикилган уйларнинг ўртасида учта катта-катта, олти қанотли ўтов бир-бирига уланиб тикилган экан. Абай ўша томонга кўз ташлаб, ўша уйнинг атрофида юрган қаҳри қаттиқ ясовуллар блан, жонсаракка учраб юрган елпатак чопарларни кўрди. Уларнинг оёқ учи блан авайлаб босиб, елиб-югуришлари, мумкин қадар илдам ҳаракат қилишга уринишлари ичкарида ўтирган баджаҳл улуғ дағдағасининг зарбидан дарак бериб турарди. Абайнинг ҳамон жавоб қилмай ўтирганини кўриб, Аслбек:

— Сайловга келган улуғ ўз ишини аввало сайловдан бошласа керак эди. Бу эса, халқни тўплаб, қамоққа олиб ўтирипти. Бўлис ёмонлаган одамларни суриштирмай исканжага олаётир. Ўша қаттиқроқ айбланган одамга дарра урдираётир. Такежон, булар ҳой-нахой Бозоралининг ёнини олади, деб бизларни ҳам чаққан кўринади. Одамларни ушлатиб, ҳайдатиб юбораман, деб Такежон Бозоралигача ўзи кўрсатиб берадиган бўлса, бутун фалокатнинг бош омили ўзи бўлади-да унда! Ҳали, бегуноҳ одамнинг ёнини олиб, ҳақиқатини айтамыз деб ўзимиз ҳам айбдор бўлиб қоламизми, нима бўламиз. Ари-

за блан чақиқни тияоламизми, йўқми? Афтидан, бу улунинг ҳали бизларга ҳам Бозоралини айблайдиган ариза тўпла, деб тиқилинч қиладиганга ўхшаб турипти. Шундай қиласан, деб ёпишадиган авзойи бор,— деди. Абай ҳамон сўз қотмай ўтирарди.

Энди Урозбой гап бошлаб:

— Қисқаси, бутун гапдан хабардор бўлдинг. Сен пима десанг бизлар ўшандан чиқмаймиз. «Элнинг шохин синмасин, юрт балодан омон бўлсин» деган гапни сендан бошқа ўйлайдиган одам йўқ. Мана шу ўтирган уччовимиз сен блан бўлайлик. «Бу йўлдан юрма — у йўлдан юр. Ундоқ қилма—бундай қил» деган гапингни ўз оғзингдан эшитиб олайликчи шу ерда!— деди.

Абай бу одамларга дурустроқ жавоб қилгунча ҳам йўқ эди, улугларнинг уйи томонидан бир стражник блан бир чопар қамчисини тўлғаб: «Шўқа ўғли! Шўқа ўғли!» деб, Жиреншени, «Суюндик ўғли» деб, Аслбекни, «Оққули» деб Урозбойни чақирганича келабошлади.

— Ана, улуг бизларни чақиртираётир!— деди Жиренше, Абайга тезроқ жавоб қил энди деяётгандек. Абай шошмасдан уччовига бир қараб қўйди. Кескин бир қарорга келиб, муштумини қаттиқ қисди-ю:

— Улугдан ҳайиқманглар, қиладиган дўқларидан кўрқманглар. Такежон Уролбой учун Бозоралини ўтга ташлайман деса, сенлар йўл қўйманглар. Уролбой керак бўлса, улугнинг тузоғи узун-ку, ўзи ушлаб олсин. Гап шу деб тураверинглар. Агар Такежон бошқача гапирадиган бўлса, уни ҳам кўрармиз. Уларга нима алам қилаётганини биламан. Бутун бир элнинг бошига кулфат солиш орқали ўч олишларига йўл қўядиган бўлсам, тириклайин қора ерга кирганим яхши. Гап менинг ор-номусим устида эмас, халқ қийналмасин. Бозоралини бу балодан қутқаринглар! — деди.

Шу он буларнинг ёнига ҳалиги одамларнинг номини атаб қақираётган стражник блан чопар етиб келди. Улар стражникка эргашиб, улугнинг уйига қараб кетишли. Абай уларнинг орқасидан кетаётган чопарни чақириб олди-да:

— Улуг мана буларга қандай дағдаға қилади, сен шунинг ҳаммасини менга етказиб тур. Бу ишни фақат сенга топшираётирман, билдингми? Боравер!— деди.

Чопар Абайни яхши биларди. Гарчи улугнинг орқасида юрган йигитлардан бўлса ҳам, шу элнинг ўзидан чиқ-

қан бұлгани учун Абайнинг сўзларига дарҳол тушунди. Бу топшириқни ўзига синовдек билиб, бажаришга ва'да бериб кетди.

Абай Эрбўл блан Абулғозига ҳам топшириқ берди.

— Тезлик блан яқин-яқин овулларга одам югуртиринглар. Эр азаматларнинг ҳаммаси: отлиқ-яёв дарҳол улуғнинг уйи олдига тўплансин! Мана бу сайловга йиғилган эркак-аёл, катта-кичик ҳамма одамларни тездан шу улуғнинг уйига яқинлаштириб, тўплайверинглар! — деди.

Абай Жиреншелар блан даставвал ўтириб сўзлашган ерида бир соатга яқин ўтирган эди, сайлов ўтказиладиган уйларнинг атрофига жуда кўп халқ тўпланди. Стражниклар, чопарлар халқни уезд бошлиғи ўтирган уйларга яқинлаштирмай, орқага чекинтириб, узоқлатишга тиришарди. Ҳайқиришиб, қилич ва қамчилар ўқталишиб, ўдағайлаганича, халқни қўрқитиб орқага чекинтиришаётир. Лекин, бугун халқнинг авзойи бузуқ, қандайдир ўзгача бир ишни кутаётгандек бетинч. Бозоралининг бегуноҳдан-бегуноҳ ушланганини халқ энди билган эди. Унга ачиниб, Такежонга жирканч назар блан боқар, ғзаби кучли эди. Буларнинг деярли ҳаммаси эски чопон, меҳнат аҳллари. Ҳали Абай блан бирга келган жотоқлар ҳам шу ерда.

Улар, Бозоралининг қамалганини эшитиб, ниҳоятда қизишган, зардаси қайнаб, кескин ҳаракатга бел боғланлар.

Абулғози ҳам шу ерда. У ўзининг бу ерга Бозорали учун келганини энди билдирди.

Абай бироздан кейин кўпчилик орасига, Даркембой, Абулғози ва Эрбўллар юрган тўпнинг ичига келди.

— Мен ҳозир мана бу улуғнинг уйига кираман. Ҳозир Бозоралининг иши кўрилаётган бўлиши керак. Жиреншеларни ҳам жавобга чақириб кетди-ку. Келган тўраларнинг афти-башарасини ҳали кўрганимча йўқ. Лекин йўлда келаётганимда ҳам, шу ерга келганимдан бери ҳам эшитишимга қараганда, мана бу Ўяз бўлисларнинг да'вати блан дарра уриш деган бир мудҳиш, кишининг ҳамиятига тегиб хўрлайдиган ишни бошлаётган кўринади. Агар ўша ўринсиз жазосини бугун ҳам тиймайдиган бўлса, бу иш бизнинг эл учун номус! Бозоралига ҳам қамчи ишлатадиган бўлса, қараб туриб бўлмайди. Бегуноҳ азаматнинг ша'нига иснод бўлиб тушадиган ишга йўл қўймай-

миз. Тарқалмасдан шу ерда туринглар! Эрбўл, Абулғози, юр икковинг, бирга кирамиз! — деди-да, иккала ҳамроҳини эргаштириб улуғнинг уйига кирди.

Абай узоқлашиб кетар-кетмас пичирлаб айтилаётган бу буйруқ тўпланиб турган халқ ўртасида оғиздан-оғизга ўтиб, бир лаҳзада тарқалиб кетди. Даркембой сингари кексаларнинг, яна жотоқ йигитларининг ранги ўчиб, қовоғидан қор ёғиб, авзойи бузилган. Юзлари яна ҳам тундлашиб, ҳаяжон ичида, бир жиддий тўқнашувга ҳозирланиб тургандек кўринишарди.

Бир-бирига улаб тикилган уч уйнинг биринчи хонасида эл одами кўринмади. Фақат қилич, яроғ-аслаҳа таққан стражник-урядниклар блан ўрта даражали мансабдорлар—тўралар туришган экан. Афтидан тергов ўртадаги уйда олиб борилаётганга ўхшайди. Эшик қаршисидаги уйнинг ўртасида, яшил шойи ёзилган стол атрофида улуғлар кўринди. Узун қўнғир мўйлови буралган, баланд бўйли, қовоғи солиқ, қора тўридан келган Уяз—Қошкин ўшқириб тергов қилаётир. Унинг гапини қозоқчага таржима қилаётган, кўзлари қисик-қисик, бурни пучуқ, семиз тилмоч оёқ устида турипти. Бошини қимирлатиб қўйиб, тергов бераётган Урозбойга қараб у ҳам ғазаб блан ер тепиниб, ўдағайлаб сўзлаётир. Абай ҳамроҳлари блан биринчи хонага кириши бланок жавоб бераётган Урозбойнинг ягона кўзи уларга тушиб қолди.

Тергов қилаётган Уязнинг дағдағаси, қўпол гаплари, ҳамиятига тегиб, зардасини қайнатганданми? Ёки Абайнинг далдаси блан жасоратланиб, йигитлик ғурурига, кескин сўзлигига бордими, ҳарҳолда тиз чўкиб ўтирган Урозбой кўтарилиб, бир тиззаси блан чўккалади-да, овозининг борича тилмочга:

— Айт, Уязга! Мен Уролбой эмасман. Элнинг бегуноҳ, беозор одамиман. Мана бу Жиренше блан Аслбек тўғри сўзлаётир. Мен ҳам шуларнинг гапини айтаман. Бу ерда Уролбой учун жавобгар бўладиган киши йўқ. Йўқолиб кетганига бир йил бўлган одам учун эл уёқда турсин, ота-онаси ҳам жавобгар эмас. Агар бутун гап шунда бўлса, ўшандай бебошни шу маҳалгача қўлга тушираолмай, тияолмай юрган улуғнинг ўзи айбдор. Мана бу ушлаб ўтирилган Бозоралининг ҳам ҳечқандай гуноҳи йўқ. Такежон бўлис Бозоралини ёмонласа ҳам, биз — эл кишилари бўлиснинг сўзини қувватламаймиз. Бозоралида хусумати бўлгани учун ўтга ташламоқчи бўлаётир. Эл

кишилари блан келишиб, бамаслаҳат иш тутсин. Улутингга айтиб қўй, кўп ҳайқириб, ўшқиравермасин! Шу гапларимни батамом етказ ҳозир! — деди.

Тилмоч бу гапларни таржима қилиб бераётган пайтда, Урозбойнинг жавобидан мамнун бўлган Абай, Эрбўл блан Абулғозига қараб, астагина:

— Ҳақиқий мард йигит экан-ку бунинг, гапини қара! — деди. «Тилмоч қандай таржима қилар экан» деб тўрдаги уйнинг эшигига интилди.

Шу он эшикнинг икки томонида турган соқчилар Абайни қаттиқ жеркиб:

— Шошма, тўхта! — деб қолди.

Абай салмоқли товуш блан русчалаб:

— Сабр қилингиз! Мен уезд начальнигининг олдига киришим керак! — деди.

Шундай бўлса ҳам икки стражник эшикни тўсиб олди. Шу чоқ ўнг томонда турган истараси иссиқ, келишган ва мулойим бир чиновник, Абайнинг русча сўзлаганига ҳайрон бўлгандек, стражникларнинг олдига келди-да, кулимсираб:

— Сиз ким бўласиз? Мумкин бўлса, билишга рухсат этсангиз! — деди.

Абай бу одамнинг мулойимлик блан қилаётган муомаласига яраша ҳурмат билдириб, тумоғини олди. Лекин ўз фазилатини камситмайдиган бир вазиятда, тенг тарбия топган кишилардек сиполик блан бош эгиб:

— Мен Ибрагим Қунанбоевман. Халқдан чиққан оддий одамман, — деди. Кулимсираганича мароқ блан тўрага тикилиб турди. Абай блан сўзлашаётган тўра энди аввалгидан ҳам ёқимлироқ бир вазият олиб, яқинроқ келди-да:

— Ҳа, шундоқ денг. Ибрагим Қунанбоев сиз бўласизми? Мен сизни биламан. Яхши биламан. Дўстингиз адвокат Андреевич сизнинг ҳақингизда менга кўп гапирган эди. Қани, танишайлик бўлмаса, мен — советник Лосовскийман! — деди.

Абай бу киши блан танишиб бўлгани бланок, ичкариги уйни кўрсатиб:

— Бу ерда ўзи нима гап бўлаётир? Бу ишларнинг ҳаммаси биз учун — халқ учун қаттиқ озор... — деб юборди...

Абайнинг йўлини тўсган стражниклар Лосовскийдаги вазиятни пайқаб, ўрин-ўринларига қайтиб кетишган эди.

Советник Абайга яқин келиб, бир қўли блан оғзини пана қилиб:

— Тўғри айтаётирсиз. Сизларгагина эмас, дурустроқ ҳокимлар учун ҳам озор бўладиган қўполлик. Самодурство!— деди. Сўнгги сўзларини қизариниб кетиб, ғазаб блан айтди.— Лекин, кейинчалик ҳақиқатга етармиз! — деб, орқасига чекинди. Ўша ердаги майда-чуйда тўраларга билдириш учун атайлаб намойишкорона бир вазиятда «кирингиз, марҳамат», деяётгандай, Абайнинг олдидан қўлини кўндаланг чўзиб, ўртадаги уйга йўл очди.

Броқ, Абай ўртадаги уйга бошини суқиши бланок Урозбойнинг ҳалиги жавобини батафсил эшитиб бўлган Ўяз ҳайқирганича Бозоралини кўрсатиб буйруқ қилди. Икки стражник Бозоралининг елкасига чанг солиб, чалқанчасига тушириб, кўз очиб юмгунча юз тўбан ётқизиб, қамчи блан солиб-солиб юборди. Абай шуни кўрди-ю товушининг борица ҳайқириб:

— Постой! — Не смей! — деб қичқириб юборди. Уйда ғала-ғовур кўтарилди. Илондек пишқириб, ҳамла қилиб ўрнидан турган Ўяз Абайга яқин келиб:

— Сен кимсан ўзинг? Сени ким чақирди?— деди.

Узун мўйловлари қалтираб, кўзларидан нафрат ўтини сочганича ўдағайлаб келиб, Абайга тикилиб турарди. Абайнинг бўйи Ўязнинг бўйидан баландроқ эди. Унинг ҳам ранги ўчган, юзида бир томчи қон қолмаган. Икки кўзи қон талашиб улуғга юқоридан ўқрайиб турарди. Уни айблаётгандек ўшқириб:

— Ҳайқирманг! Мени йиғилиб турган халқ юборди. Мана бу бебошликни ҳозир тўхтатинг!— деди.

Ўяз ғазабдан тутоқиб кетиб, ҳали Абай аралашган пайтда қамчиларини кўтарганича тўхтаб қолган стражникларга «ур!» деб, яна буйруқ қилди-да, худди Абайнинг кўзини ўйиб оладигандек, бармоғини унинг кўзига ўқталди.

Ҳовлиқма, баджаҳл улуғ, Абайга ҳам ўшқириб:

— Сени авахтага қаматаман! — деди.

Абайнинг: «Урма!», «Тегма! Қўлингни торт!» деб, қичқирганини ур-йиқит ичида эшитадиган ҳам, э'тибор қиладиган ҳам киши бўлмади. Бозоралининг устига қамчи ёғилди. Энди улуғ Жиренше, Аслбекларни ҳам, четроқда ўтирган Урозбойни ҳам дарра остига оладиган бўлди. Атрофга йиғилиб қолган тўрт-беш стражникка қараб қўли блан ҳалигиларни кўрсатганича:

— Йигирма беш қамчи, ўттиз қамчи! Эллик қамчи!— деб, энг сўнгги қамчини Бозоралига буюрди. Шу тобда Абай, худди ёниб турган ўтга тушиб кетгандек бўлди. Ғазаб ичида жасорати ортиб, кўзини чирт юмди-ю, ғазабдан кўра номус кучли келганидан курашга чоғланди-да, улуғга қараб:

— Энди бугун ишга сен жавоб берасан! Помни, сам виноват!— деди-ю, эшикка қараб отилди. Эрбўл блан Абулғозига кескин буйруқ қилди, товушининг борича:

— Интил, бутун элни бостириб юбор! Вайрон қил ҳаммасини!— деганича эшикдан ўзи ҳам отилиб чиқди. Ташқаридан Даркембойлар қўлларига аллақадан топиб келишган қисқа чўқморларини, йўғон қамчиларини кўтариб, шайланиб туришган экан. Абайга фақат:

— Қулат! Буз ҳаммасини! Талқонлаб ташла мана бу уйларни!— дейишгина қолган экан. Атрофни қуршаб турган халқ, Даркембой: «Қир, ер блан яксон қил!» деб, ҳайқирган он уч уйга барабар ташланиб қамчи, чўқмор уриб чангини осмонга чиқариб юборишди. Тўралар бошларига ғазабли жазо тушганини энди ҳис этишди. Уяз: Жиренше, Аслбекларни ур, дейиши бланоқ, стражниклар қамчи кўтарган пайтда биринчи хонадаги советник Лосовский отилиб ичкарига кирди. Уязга бетма-бет келиб, тепа сочи типпатик бўлган ҳолда тупугини сачратганича қичқирди-да, шапалоғи блан уй ўртасидаги столни бир уриб:

— Бас қилинг бу бебошликни! Тўхтатинг ҳозир! Сиз тузатиб бўлмайдиган хато қилдингиз! Тўхтатинг дарра уришни! Ҳозир тўхтатинг!— деди.

Советник, Абайнинг ғазаб ичида қанчалик тутақиб кетганини, халқнинг қанчалик даҳшатли ҳаракатга бориши мумкинлигини Абайнинг овози борича қичқириб, отилиб чиқиб кетаётган чоғидаги вазоҳатидан пайқаган эди. Лосовский буйруқ бергандан кейин уй ичида бир нафас жимлик чўкди. Кўтарилган қамчилар ҳам Жиренше, Аслбек, Бозоралиларга урилмай, кўтарилганича қолди. Фақат Бозоралига аввал қамчи тегиб қолгани бўлди, холос. Энди у ҳам ўрнидан иргиб турди. Уязнинг пинжига тикилиб, ранги мурдадек оқариб, нима қилишини билмай турган Такежонга қараб:

— Душманам бўлдинг, Такежон! Бошимга қамчи урдиришинг— номусимни ерга букканинг бўлди! Тирик бўлсам, ахир бир кун қасдимни оламан!— деди.

Бу уйда шундан бошқа гап бўлмади. Бутун уйларга ёпирилиб келиб, тасир-тусирига олиб урилаётган чўқмор-сўйил, қамчилар кегай ва керагаларни қасирлатиб синдириб бораётган эди. Уруғларнинг бошидаги юпқагина бошпана, отилиб ҳамла қилган халқ ғазаби остида талқонланаётир. Эндигина эси ўзига келган урядник дарҳол милтигини олиб кўкка қараб ўқ узди. Унга эргашиб яна бирпеча стражникилар ҳам ўқ узиб қолди. Энди Ўязнинг ўзи уларга: «Тўхтат!», «Отма!» деб, ўшқирганича буйруқ берди. Милтиқ товуши чиққанда, ёпирилиб уйни қулатаётган халқ ичида фақат бир-иккита кексаларгина орқага чекинди, холос. Кўпчилик уч уйни исканжага олиб, чангалидан чиқармади. Уйдаги улугнинг: «Милтиқ отма! Тўхтат!» деган буйруғини эшитиб қолган Абай ўша он халққа қараб товущининг борича:

— Қўрқманглар! Энди отолмайди!— деб жар солди.

Шу орада Эрбўл, Абулғози, Даркембойлар бараварига ғазаб блан:

— Қулат мана бу уйларни! Йиқит! Афдариб ташла! Юлиб ол бошпанасини!—деб ҳайқиринди. Бутун эл ёпирилиб келиб биринчи уйнинг чап томонидан ҳужум қилди. Бу ҳаракатнинг илғорлари жотоқлар эди. Кўпчилик бирлашиб келиб, зарб блан урганда даҳлизнинг кегай ва керагалари қасирлаб синиб кетди. Пачоқланган уй тобора ичкарига ўпирилиб, бориб-бориб, ниҳоят қасирлаб қулаб тушди.

Ўртадаги уй блан даҳлиз уйнинг ўртасида эшик бўлмай, фақат бир қанот кераганинг ўрни очиқ қолдирилган экан. Халқ ғазабидан қўрқиб, тўрдаги икки уйга тикилишган улуглар, даҳшат ичида бир-бирларига сиқилишиб туришган эди. Абай Ўязга қараб:

— Айб ўзингда. Сеп элни тузатучи эмас, бузучисан!—деб, бир бақирди-да, шахдам одимлар блан бориб, Бозоралининг қўлидан тортиб: «Чиқ буёққа», деб силтаб турғизди. Бозорали отилиб туриб, Абайнинг орқасига ўтиб кетди.

Пайтдан фойдаланиб, Жиренше, Аслбек, Ўрозбойлар ҳам ирғиб туриб, Абайнинг орқасидан ўтиб, халққа қўшилиб кетишди. Бу вақтда Даркембой, Абулғози, Эрбўл яна шуларга ўхшаш кўпчиликнинг ғазаби чекдан ошган эди. Улар — бий ҳам, старшин ҳам эмас; бой-бадавлатлар ҳам эмас. Лекин шу сингари синов пайтларида таваккал қилиб эл салмоғини елкасида дас кўтариб кетадиган, ҳечнарс-

дан тап тортмайдиган мардлар. Ҳозир улар Ҳяз блан Такежонга ҳайқириб, теварак-атрофдан бошига ёғдирилаётган қамчидек буйруқлар беришаётир. Абай энди ги гапни уларнинг ўзига қўйиб берди. Эрбўл блан Абулғози-лар Такежон блан Ҳязга қараб очикдан-очик:

— Сайлов бермаймиз! Сен сайловчи эмас, халқни вайрон қилучи. Йўқол, тезроқ! Кет ҳозир! Энди сенинг буйруғингга итоат қилмаймиз!— деб, улуғларга ҳайқиришди. Шу блан бирга тўпланиб турган халққа қараб:

— Ҳамманг уй-уйингни кўчириб кет!

— Халқ тарқалсин бу ердан! Қаллакланган тўнкадек шўппайиб улуғларнинг ўзи қолсин!

— Қоладиган бўлса, уларнинг пинжига тиқилиб юрган муттаҳамлар, аблаҳлар қолсин!..

— Жотоқлар, ол уйларингни!.. Зўрлигига кўнма. Ҳеч-нарсa қолдирма, ҳамма уйларингни олиб кетавер!

— Тарқал ҳамманг! Улуғни ташлаб кет, ёлғиз ўзи қолсин!

— Дашти-саҳрода ёлғиз ўтириб кўрсин-чи бир!— дейишиб бирининг орқасидан иккинчиси ҳайқирди.

Кўпчиликка шундай буйруқ бериб юборишди-да, Даркембой, Абулғози, Эрбўллар ўзлари олдиндан йўл очиб, жўнаб беришди. Халқ тарқалганда ҳам қуруқ шовқинсурон кўтариб, тарқалиб кетавермади. Кимнинг ақл-идроки идора қилганлиги маълум эмас, ҳарҳолда аввало улуғларнинг атрофидаги ҳамма отларни ҳайдаб кетишди. Шундан кейин эса, улуғлар ҳурматига тикилган барча уйларни халқ бир лаҳзада йиқитиб бўлди. Уйларни ҳаммадан олдин жотоқлар йиқитди ва кўз очиб-юмгунча олиб ҳам кетишди. Дам ўтмай кенг водийда довул уриб пачақлаб, бир-бирига мингаштириб кетгандек, қўққайиб, улуғларнинг ярми қулаган иккитагина уйи қолди, холос. Атроф ҳувиллаб қолди.

Ҳали яқиндагина, бундан бир соат олдин, улуғлар макони бутун Эралида гердаийиб, ас-аса, дабдаба блан: «Мен шу ердаман» деб, турган эди. Ҳозир эса кўл юзидаги кўпикдек йўқолиб, ўчиб кетди. Катта ва салмоқли халқ тўлқини, ғазоби зарб блан келиб урилди-да, лоп этди-ю, қулади тушди.

Халқ бирлиги шунинг ўзи блан чегараланмади. Эралида ўтирган бутун овуллар, улуғларнинг уйини дашти-биёбонга ташлаб, ўша кун и туш пайтида кўч-кўронини ортиб, дув кўтарилиб жўнаб кетди борди. Ўз атрофидаги халқни

Ўзидан бездириб, бутун бошлиқ саҳрода ёлғиз ўзи қолган улуғлар тўдаси, шарманда бўлиб, роса кулгилик аҳволда қолди.

Атроф бўм-бўш, ҳувиллаб одамни ютиб юборгудай. Кўзга илинарли бирор нарса йўқ, зоғ ҳам учмайди. Эшикка чиқиб бу кайфиятга зеҳн солиб юрган Лосовский икки кафтини ёзиб, ўз-ўзидан кулди-да:

— Ҳеч бўлмаса адашган ит ҳам қолмапти!— деб бошини чайқади. Ўзининг ҳаддидан ошганини энди англаб дами ичида, ғазаб блан бошини қимирлатиб қўйиб, гангиб юрган Тентек Ўязга қаради.

— Қирғиз даласини шунча йиллардан бери билиб юриб, шундай бирлашган элни кўрганим йўқ эди. Қилмишимизга яраша бўлди. Асти кечирилмайдиган хато қилдик. Бу аҳволга тушганда, халқнинг бегуноҳ вакилларини ваҳшийларча жазолашимиз орқасида тушдик. Менинг соф виждоним бутун ҳақиқатни сизнинг юзингизга айтишга мажбур қилаётир. Шаҳарга борганда бу хатарли сафар учун сиз блан юқоридаги улуғлар олдида алоҳида сўзлашадиган бўлдим!— деди.

Тентек Ўяз жавоб қилмади. Қўлини бир силтаб тескари қаради-ю, кетаверди. Улуғларнинг ёнида фақат ўзининг икки чопари ва икки старшини блан Такежонгина қолди. Амри-фармоннинг обрўсини йўқотиб, мажолсизлангани шунчаликки, энди бир қултум сув, бир дамлам чой ва бир дона бўғирсоқ, бир бурда пишлоқ топишнинг ўзи маҳол бўлиб қолди.

Улуғларнинг сайлов ўтказоолмаслиги очиқ кўриниб турарди. Энди кўп ҳаялламасдан, туёқни шиқиллатиб, Семейга жўнашдан бошқа чора қолмади. Тентек Ўязнинг сўнгги амалдорлик кучи фақат шунга етди. У Такежонга тезлик блан от топиб, ўзларини кечиктирмай жўнатишга буйруқ берди. Бўлис ўзи блан атрофидаги чопарлари, старшинларининг отларидан қўшиб-чатиб, кечга яқин тўрт извошни зўрға юргизиб юборди. Стражниклар пиёда кетишди.

Тентек Ўяз жўнаш олдидан, бугун содир бўлган қизиқ воқиадан ўзича хулоса чиқариб, бир қарорга келди, уни ўзига қарашли чиновникларига ҳам айтди. Ўйлаб топгани: тилмоч орқали Такежон, старшинлардан суриштириб сўраб, ёнига ўзининг улуғлик фикрларини ҳам қўшиб, юқоридаги улуғларга юз қилиб олиб боришлик учун акт ёзиш бўлди.

Ёзган актининг асосий «вазифаси» Ўзнинг ўз гуноҳини оқлашдан иборат эди. Унда: «Ўролбой катта қароқчи. Бозорали унинг эл ичидаги суянчиги, кўп уста маккор, ақлли йўлбошчиси. Ўрозбой, Жиреншелар Ёулса Бозоралининг ёқловчилари. Уларнинг ичида мана шу Чинғиз элининг бўлиси Такежон Қунанбоевнинг бир тугишганини Абай ҳам бор. Сайлов қилдирмай арзимаган нарсадан баҳона топиб, қўзғолон кўтарганлар — ўша Абай блан Бозорали тайёрлаб қўйган камбағаллар, хизматкор бўлиб юрган фуқаролар».

«Бу элининг бўлиси Такежон ҳам бўлисликка лойиқ одам эмас. Ўролбой блан Бозоралида хусумати бўлгани учун, уларга қарши бўлгани блан улугга қарши кўтарилган норозиликни босишни уддасидан чиқолмади. Улуғлар бошига келган шундай хатар устида халқ э'тиборга олгудек бирор оғиз гап ҳам айтолмади. Улуғларни ёлғиз далага ташлаб кетаётган овуллардан ҳеч бўлмаганда биронта овулни ушлаб қолиш ҳам қўлидан келмади. Унинг халқ ўртасида ҳечқандай э'тибори бўлмаганлиги орқасида шундай ишлар содир бўлди, бу ишда айбли фақат — шу бўлис. Қўлга тушган Бозоралини қочириб юборган халққа ҳам ҳечқандай жазо беролмади. Шу сабабларга биноан, яна халқни сайловга тайёрлайолмагани учун, Такежон Қунанбой ўғли бўлислик ўрнидан туширилди. Унинг ўрнига кандидат Жабай Бўжей ўғли вақтинча бўлис қилиб тайинланди» деб ёзилди.

Бу актни Ўз извошга тушаётган пайтда тилмоч орқали эшиттирди.

Шундай қилиб, Ўз ўз бошига тушган бу кулгили аҳволнинг жароҳатини ўз тили блан ялаб, қоғоз блан сийпаб эмлагандек бўлди. Такежоннинг ўрнидан туширилгани ҳақидаги буйруғини махфий топшириқлар блан мана шу эл ичида айғоқчи қилиб қолдириб кетаётган тилмочга берди-да, жўнаб кетди.

3

Абай ўн кундан буён Семейда, «Каталашкада» ётипти. Бу чинакам авахта эмас, лекин, жазолануحي вақтинча тутиладиган ер бўлишига қарамай, бу каталашка, ўз асирини бутун ҳибсхоналарга хос бир сиқикда тутати. Деразасида темир панжара, эшиги мудом қулфлоглик. Ана шу эшик ўртасидаги кичкинагина тешик тутқундаги одам.

нин. ташқи дун'ё — ясовуллар блан бўладиган алоқаси учун торгина йўл ҳисобланади.

Ясовул, маҳбус чақирса, ҳа деганда келавермайди. Сариқ серҳашам қилич осган, мудраб ўтирадиган, ўрга ёшли, юзини ажин босган соқчилар ўтирадилар. Буларнинг ба'зилари Тентек Уяз блан бирга элга чиққан стражникларга ўхшарди. Қамоқхона ўша Тентек Уяз маҳкамасининг ёнида. Бу ердаги ҳаёт Абайнинг озод юрган чоғидаги ҳаётидан жуда катта фарқ қиларди. Шундай бўлса ҳам Абай ўзининг бу аҳволига бир қадар кўникиб қолганга ўхшарди. Атрофини хилма-хил китоблар блан тўлдириб олган. Кўпинча шу китоблар устида мук тушиб ўтирарди. Кунларнинг қандай ўтиб кетганини билмай ҳам қоларди.

Шу кунларда, Абайга чин қалбларидан дўстлик қилаётган бирнеча шахар одамлари бор. Булар ичида ҳаммадан ҳам Оқбош деб аталадиган Андреевичнинг оқибати ўзгача эди. У, Абай каталашкага тушган куннинг эртасигаёқ келди.

Шундан буён икки-уч кунда китоб келтириб берадиган бўлди. У Абайни қамаб қўйилган кичкинагина хонадан соқчилар турадиган, деразаси кичик, ўзи ҳам қафасга ўхшаш, пашша босиб ётган уйга чиқартириб, гўё иш блан танишгани келган киши бўлиб, узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтириб кетарди. Китоб орқасидан китоб келтириб: «Елғиз тутқунга шериклар келтирдим» деб Абайнинг кўнглини кўтариб кетарди. Андреевич овулда содир бўлган воқияни эшитиши блан Абайнинг олдига келганда:

— Қаҳри-ғазабини сочиб, ас-аса, дабдаба блан борган улуғни шунчалар масхаралаб, обрўйини тўкишингиз осон иш эмас... У — одилona ғазабнинг иши. Лекин бу иш, сизнинг адолатпарварлигингизни кўрсатиб, қимматингизни қанчалар оширмасин, қонун олдида ва ҳокимларнинг назарида уларнинг ғазабини қўзғатадиган иш. Бу тўғридан-тўғри бунтга ҳозирлик кўриш деб қараладиган ва қат'ийан ман' қилинган иш! — деди.

Андреевич Абай блан бу тўғрида суҳбатлашишдан олдин ўзининг яқин ошнаси бўлган советник Лосовский блан ҳам хўп сўзлашиб, воқияни батафсил эшитиб келган эди. Лосовский Андреевичга Тентек Уязни эрмак қилиб, унинг ишларини кула-кула сўзлаб берган эди. Советникнинг ўзи Абайнинг ишига азбаройи номус юзасидан қилинган иш деб қарарди.

Андреевичнинг уйида шу ҳақда яна бир гап кетганда, учинчи бир бегона одам ҳам бўлди. Бу одамнинг ёши ўттизга тўлган, қуюқ қора соқолли, очиқ ва кенг пешонали, сергайрат, чеҳрасида донолик акс этиб турадиган Михайлов эди. Бу одамнинг кўриниши ҳам, кийган кийими ҳам бу ердаги маҳкама ходимларига ўхшамас эди. У чиновниклар тақадиган ялтироқ тугмалар, зарҳал уқаларни асти тақмас эди. Ўзи аллақачонлардан бери подшо ҳукмати терс кўзи блан қарайдиган, айбдор одамлардан ҳисобланиб, бу томонларга сургун бўлиб келган эди.

Шундай бўлса ҳам дўстлари бир амаллаб уни область маҳкамасига хизматга жойлаб қўйишган эди. Гердаийб босар-турарини билмай борган улуғнинг моховга ошна бўлиб қайтишини, улуғнинг бошидан кечган кулгили саргузаштни даставвал эшитганда, Михайлов ҳечқандай савол бермади. Фақат ўзига хос бир кулгисидан қилиб, шарақлаб кулганича қизариниб, ҳузур қилиб эшитди.

У кейинги кунларда, Андреевичдан улуғни расво қилиб, кулгили аҳволга солган ўша саҳро йигитини кўрсатиб, таништириб қўйишини илтимос қилди. Андреевич Абайнинг иши Лосовскийнинг берадиган гувоҳлигига боғлиқ эканлигини қайта-қайта такрорлайверди. Ниҳоят, советник ҳам бу иш ҳақида одиллик блан сўзлашга рози бўлди.

Абай ҳам Андреевичдек дўсти шу сингари ғамхўрлик қилаётганини билгандан кейин хотиржам бўлди. Унинг бу кунларда каталашка стражнигидан қиладиган ягона талаби, кечаси чироғ ёқиб беришларигина эди. Абай бу кунларда жуда кам ухларди. Биридан-бири қизиқ романларни кун бўйи ўқиш блан қаноатланмай, кечалари ҳам ўқигиси келарди.

Каталашканинг хира фонари ерга қўйилмай, баланд қилиб деворга осиб қўйилар эди. Ушанинг тагига бориб, ҳарфлар зўрға кўринишига ҳам қарамай, китобдан кўзини олмайдиган Абай, шам' жуда хиралашиб кўзи толган пайтлардагина бориб, муштуми блан каталашканинг эшигини урарди. Хуррак отиб маст уйқуда ётган бутун стражникларни бўридек чўчитиб, уйғотиб юборарди. Уйқуси бузилганига жаҳли чиқиб, тўнғиллаб келадиган кекса стражниклар ба'зан Абайни кесатиб:

— Бу қирғизнинг ўқимишли бўлиб олганини қара-я! Бобонг блан отанг учун ҳам шу каталашкада ўқиб олай

деяётирсанми?—Кундузи камлик қилдими сенга?..— деб, ундан койиб кетар эди.

Абай уларнинг уйқусини безовта қилиб уйғотгани бўл-маса, гап талашиб сўзга боришмасди. Аксинча, уларнинг ҳалигидай қаттиқ ҳазилларига завқ қилиб куларди. Ся-полик блан ҳалигиларнинг биттасини Сергей, биттасини Николай деб, ўз номлари блан атаб, саҳронинг ўзига хос тарбиясига биноан мулойимгина:

— Сергей, ўзинг ўйлаб кўр, каталашканг тўла қанда-ла, кишига на уйқу беради-ю, на тинчлик беради, шу китобдан бошқа ҳамроҳим ҳам, юпанчигим ҳам йўқ. Мана, каталашкангнинг овқатини ҳам еяётганим йўқ. Каталашкангни шу шамдан бошқа ҳечнарсга чиқимдор қилаётганим йўқ-ку, ахир,— деб қўярди. Бунга кўпинча дуч келадиган кекса Сергей, ҳар кеч аввалига гап ташлаб тихирлик қиларди-да, сўнг иккинчи шамни келтириб, ўзи ёқиб бергач:

— Дуруст одамлар школда ўқиғучи эди... Школда. Сенинг отанг турмада ўқи деб та'лим берганми дейман? Топган школинг шу ер экан-да, ма! — дерди.

Абай каталашкани жуда оз чиқимдор қиларди. Унинг қимизи, гўшти, иссиқ овқати ҳаммаси ташқаридан келтириларди. Унга овқатни Эрбўл ёки шу гал Абай блан Эрбўлнинг аравасини ҳайдаб, кучер бўлиб келган эпчилгина Боймағамбет деган йигит олиб келарди. Ҳозир Абайнинг камерасида ярим тоғора муздек қимиз, яхна гўшт, чой блан ичиш учун келтирилган бир дастурхон овқатлари ҳам бор эди. Гарчи Абай ортиқча ташвиш тортаётган бўл-маса ҳам, шаҳарнинг иссиғи авжига чиққан пайтда кичкинагина дим уйда диққи-нафас бўлиб ётавергандан иштаҳаси бўғилиб қолган эди. Шунинг учунми ёки кўп вақтдан бери қуёшга чиқмай ўтирганиданми, ҳозир ранги анча заҳил тортиб, синиқиб кетган. Бу кеча ҳам, ўтган кеча ҳам ухламай чиққан Абай тун ошган қимиз блан поҳор-лик қилди-да, мук тушиб яна қизиқ романининг воқиасига чўмди. Бу «Сохатий» деган китоб бўлиб, бирнеча рус жасурларининг ҳаётини тасвирлайдиган қизиқ саргузашт-ли роман эди. Романда номусли ҳаққоний қасоскор, одил ва ботир йигит Сохатий ҳақида, яна гоҳ инсофга келиб, гоҳ беомон ёв сингари иш тутадиган, донғи кетган қароқ-чи Ванька-Кайнар ҳақида ёзилган. Сохатиларнинг бу-қиниб юриб, ба'зан кутилмаган жойда ўрмондан чиқиб, улуғларнинг йўлини тўсиб, ўз тақдирлари учун улардан

олган ўчлари ҳам тасвирланган. Абай бу йил кўклям. Оқшўқида «Дубровский»ни ўқиган чоғида ўйлаган фикрларини яна ўйлайбошлади. Владимир, порахўрларни ўз уйига қўшиб куйдириб юборганда, Абай ўша номусли йигитнинг олган ўчига завқ қилиб, кўп хурсанд бўлган эди. «Қиройи йигитнинг ғазаби бўлса, шундай бўлса!» деб, шодланган эди.

Кейинги кунларда ўша китобдаги воқияни тез-тез эслаб турарди. Бир лаҳзада рўй берган ўзгача ҳаракат ичида шу сингари воқияни ўзи ҳам бошидан кечирган эди. Тентек Уязнинг уйини қасирлатиб қулатиб юборилганда, қўрққанидан ичкаридаги уйнинг эшигига бориб, бир жойга тўпланиб турган Тентек Уяз блан беш-олти стражниклар-урядниклар ҳозир унинг кўз ўнгида гавдаланди. Шафқатсиз ғазаб, лоп этиб ёниб сўнган аланга учқунидек кўз олдида ўтди.

....«Бир-биридан нақадар узоқ бўлган қавмлар, одамлар бор. Ба'зан булар аямай қилинган зўрлик, анлишасизлик блан қилинган хиёнатни кўрганларида оға-инидек, бир-бирларига ўхшаб ҳаракат қилишади. Занжирбанд йўлбарслар ғазаби келганда йўлбарслигини қилганидек, ёки қалпоқ кийдириб, кўзини беркитиб қўйилган тутқун қиронлар ғазаби келганда қиронлигини қилганидек, орномус ҳам ма'лум одамларнинг ғазабини бир хилда қўзғотади. Шундай пайтларда одамни қавми-жинси, мартабаси эмас, бир-бирига ўхшаш ҳолат идора қилса керак!» деган хаёлга борди.

Ҳозир Абай шу сингари хаёлларга чўмиб кетиб, тиззасидаги китоб очиқ турганича парвосиз қолган бир пайтда тезлик блан камеранинг эшиги очилабошлади.

Каталашка надзиратели Хомутовнинг ўзи кириб келди. У ҳамиша бу ерга Абайни адвокат чақиртирса ёки бош терговчи келган бўлса кирар эди. Абай: «Бўшатиб юборадиган вақт бўлдимиз?» деб, тўсатдан пайдо бўлган бир умид блан ўрнидан туриб Хомутов томон қадам ташлади.

Хомутов ичкарига қарамай эшикда турган жойида дағал товуш блан:

— Қунанбаев, юр дежуркага, сени кўргани овулдан отанг келипти!— деди совуққина қилиб.

Бу хабарни эшитганда Абай бир томондан ҳайрон бўлса, иккинчи томондан қандайдир номуси келиб, илдам одимлар блан полициянинг орқасидан кетди.

Ҳақиқатда ҳам дежуркада элдан келган бирнечта одам ўтирган эди. Беш-олти киши блан бир тўп бўлиб келган Эрбўл блан Боймағамбет кўринди. Абай шошганича улар блан саломлашиб бўлган он уларнинг ичидан Қунанбойни излайбошлади. «Кекса устихонини сургаб, бу ерга келиб нима қилар эди» деб, ич-ичидан энсаси қошиб келган эди.

Шундай хаёлга боргани учун, Абай ўзини кутиб ўтирган бу ердаги одамларнинг олдига қовоғини солиб, чеҳрасида қандайдир норозилик акс этган ҳолда кириб келган эди. Келганлар ичида Қунанбой кўринмади.

— Отам келди деган эди, қани?—деди дарров. Эрбўл астагина унинг биқинига туртиб қўйди-да, стражникларнинг олдига Боймағамбетга қараб сўзлаётган киши бўлиб:

— Отанг мана бу ўтирган Даркембой эмасми, сени кўрсатмайдиган бўлгандан кейин айтилган гап-да!—деди.

Абай бу гапни эшитиб хурсанд бўлди-да, секин бош эгиб қўйди. Соқоли оқ бўлса ҳам ҳали тетик, кексалик ҳам енгаолмаган, зуваласи пишиқ, серғайрат Даркембой қулочини ёзиб, Абайни меҳрибонлик блан қучоқлаб:

— Айланай ёлғизим, суянган тоғим!—деб, бағрига босиб юзидан ўпди.

Бу гал Эрбўл Хомутовга порани аямай қистирган кўринади, чунки Даркембойнинг чиндан ҳам қамоқда ётган йигитнинг отаси эканлигига қаноат ҳосил қилган надзиратель, чолнинг Абайни соғиниб, юраги узилиб келган оталардек қучоғига олганини кўрганидан кейин: «сўзлашиб олсин» деб чиқиб кетди.

Абай Даркембойнинг қучоғидан чиқиши блан ўтирган иккита йигитни эндигина танида. Даставвал кирганида, ярим қоронғи уйда уларни яхши пайқамай қолган экан. Уларни таниб ҳайрон қолди, лекин ҳайрон бўлиш блан бирга, беҳад хурсанд ҳам бўлиб кетди. Шу онгача дамини чиқармай ўтирган барваста, баланд бўйли йигитларнинг иккови блан ҳам қаттиқ-қаттиқ қучоқлашиб кўришди.

Абайни ҳайратда қолдирган шу икки йигит. Худди шу кунларда Семей, авахта уёқда турсин, ҳатто Қунанбой овулларининг кўзига ҳам кўриниши хатарли бўлиб, элга сиғмай юрган йигитлар.

Эралида бўлган можародан кейин ўша фалокат сабаб бўлиб Такежон ўрнидан тушди. Абайни жавобгарликка тортиб, шаҳарга олиб келиб авахтага қамади. Шундан буён бутун Ирғизбой ва уларнинг ёри-дўсти бўлган

элларнинг ҳаммаси: «ўша мижарони бошловчилар, фитнесчилар» деб, бутун айбни Жигитек одамларининг устига қўйишган. Аслида бу ишлар Уролбой, қолаверса, Бозорали туфайли бўлди дейишаётган эди.

Ундан кейин сайлов бошида ғалаён кўтариб, улугга қаршилиқ қилиб, сержамоа жотоқларнинг ичига ғулғула солиб, яна улугга қарши бош кўтариб, унинг уйини қулатиб, кўпчиликнинг бошини бириктирган мана шу йигитлар бўлди дейишди. Уларнинг устидан: Такежон ва бошқа чақимчи мансабдорларнинг кўпчилиги Тентек Уязнинг маҳкамасига пирговорлар¹ туширишган эди. Абай бирнеча бор улуг олдига сўроққа борганида, терговчи улугнинг айниқса мана шу икки йигит устида кўп тўхтаб, ўшалар тўғрисида тоза айлантириб, қаттиқ суриштираётганини ҳам билган эди.

Ўз устидаги тергов узоққа чўзилишига ҳам қарамай, Абай бу икки йигит ҳақида, улугнинг қўлига ҳужжат бўлиб кирарлик бирор оғиз гап гапирмади. Мана энди ўша улуглар тишларини қайраб, ғазабига олиб турган икки йигит шаҳарга келиб, дамига тортишга тайёр турган улугнинг авахтасига ўз оёқлари блан кириб келишипти.

Абай ҳатто Даркембойнинг келишини ҳам хатарли деб биларди. Унинг устидан туширилган қогозлар ҳам анча оғир эди. Броқ Даркембойнинг унинг учун ҳечқандай хатардан бош тортмаслигини Абай яхши биларди.

Уни ғоят ҳайратда қолдираётган мана шу икки йигит. Ҳозир улар Абайнинг юзига кулимсираб, дўстона боқиб туришарди. Ўзларини чин тилакдош, айрилмас жигарлардек тутишаётир. Булар Жигитек элининг икки азамати, икки шери — Бозорали блан Абулғози. Абай уларга қараб:

— Азиз дўстларим, ғажиб ташлай деб турган арслоннинг оғзига сен икковингни ким келтириб рўпара қилди? Битта-яримтанинг сиқиғи блан келдингларми? Еки бизнинг овуллар мен учун сенларнинг ичканларингни заҳар, еганларингни заққум қилдими? Шунинг учун келдингларми? Нега келдиларинг ахир! — деди.

Бозорали Абайнинг бу масалада янглишаётганини айтиб берди.

— У айтаётганларинг бир бизни эмас, бутун Жигитек элини сенинг орқангдан чувалаштириб шу ерга олиб

¹ Чақиқ қогози ма'носида. — Ред.

келгудек сабаб-ку. Лекин ундай гаплар бизни шу ерга олиб келаолади дейсанми. Шу авахтада сен ётмай, Такежон ётганда ҳам шу гапларни гапиришар эди. Ушанда ҳам бутун бало менинг бошимга тушар эди-ку! Лекин, Бозорали блан Абулғози у ҳолда бу ерга келиш уёқда турсин, «миқ» этар эдими? Ҳечким зўрлагани ҳам, қистагани ҳам йўқ. Мана бу Даркембой чолинг блан довиюрак, шаддот Абулғозинг: «Сен ўтирган авахтада кенг қасрда ўтиргандек, ўқинмасдан ўтираман!» деди. Қўярда қўймай: «Ушандан айрилмайман» деб келишди! — деди.

Даркембой блан Абулғози иккови икки томондан бу сўзларни қувватлаб кетишди.

— Биз учун сен ётма! Йўқловчи бўлиш бизнинг қўлимиздан келмайди. Нодонмиз, уддасидан ҳам чиқолмаймиз! — деб, гапни Даркембой бошлаган эди, уёғини Абулғози илиб кетди.

— Сен учун биз ётамыз. Бизларнинг нима фойдамыз бор. Сен ҳеч бўлмаса, элнинг кўз ёшини тўқдирмайсан-ку. Агар йўқловчи бўламан десанг, ор-номусни эрларча сақлай биласан. Ҳаммамиз ҳам шунинг учун келдик. Сен чик, биз ётайлик! — деди.

Қайси куни Қўриқда Успон айтган совуқ хабардан кейин Абай Бозоралини дурустроқ кўргани ҳам йўқ эди. Фақат Эралида, Ўязнинг уйида, тутоққан ғазаб ичида бир кўзи тушган эди, колос. Мана бу қардошларни ўлимга боришдан ҳам бош тортмайсан деб, бир тўп қилиб бошлаб келган шу Бозорали эканлигини Абай билиб турарди. У Абай олдида: бутун айбимни «кечир» деятгандек уэр сўраб келди! Унинг учун ўзини қурбон қилишга ҳозир бўлиб, гуноҳларидан ўтишни ўтиниб турипти.

Абай ақл югуртириб, вазиятга қараб билиб бўладиган бу кайфиятни бироз ўйланиб туриб, англади. Шуни англаши бланоқ уларнинг уччовига мамнун чеҳра блан қаради. Яхши кайфият ичида кулимсираб туриб, гап бошлади.

— Эр йигит — бошга иш тушганда, нортуя — кечувда синалади, дейдилар. Ҳалиги гапларинг бошимни кўкка етказди. Мен чиндан ҳам хатарда қоладиган бўлсам, мана, оппоқ соқоли блан йўлимда қурбон бўлиш учун Даркембой келипти. Мағрур бошларинг блан икковинг ҳам жонингни фидо қилишга ҳозир бўлиб келибсан. Сенлар ўзларингни ҳарқандай ўтга ташлашдан тортинмайсанлар-ку. Мен нега ажалдан ўзимни четга оламан? — деб, ку-

либ юборди-да, илова қилди.— Лекин юрт чўчийдиган ҳеч гап йўқ. Тентек Уязнинг қуруқ милтиқни отишидан, дўқидан ўти ёрилиб, ўлай деб турган Абай ҳам йўқ. Менга чивин чаққандек озор етказадиган жазо ҳам, ғазаб ҳам йўқ! Авваллар ҳам мен кўп миннатдор бўлиб юрган жуда яхши бир рус дўстим бор эди. Уша одам ўзига ўхшаш яна бирқанча гапи ўтадиган, эʼтиборли дўстларни топиб берди. Уларнинг биттаси Уязнинг итлигини ўз кўзи блан кўриб келган эслик, дуруст одам — советник. Ҳозирча аҳвол ана шундай. Яқин кунларда, Уяз блан мени бетма-бет қўйиб сўроқ қилсалар керак. Энди у блан даʼволашишга мапа бу Даркембойни солмай қўяқолай! — деб, ҳазил қилди. Шундан кейин Бозоралига қаради-да:

— Гапга қолганда-ку сенга бас келадиган қозоқ йўқ-а, шундай бўлса ҳам Бозске, бу гал гапни менга қўйиб бер. Одам қанча кўпайса, тергоз блан даʼво ҳам шунча кўпаяди. Иш тобора чалкашаверади. Текшириш ҳам, тергов ҳам жуда чўзилиб кетади. Ҳарҳолда, бу кунларда шу ерда сепларнинг ҳеч керакларинг йўқ. Тезлик блан элга қайтинглар! — деди-да, улар блан яна бир-бир қучоқлашиб кўришиб, хайрлашди.

Абай орқасидан йўқлаб келган Жигитек одамларини ҳибсхонадан қайтариб юбориб, ўзи яна бироз вақт ўша ерда ўтириб қолди. Даркембой, Бозоралилар бўлса Эрбўл блан маслаҳатлашиб, ўзлари учун хатарли бўлишига қарамай, Семейда қоладиган бўлишди. «Борди-ю, Абайга керак бўлиб қолсак, шу ерда ҳозир турайлик» деб, Семейнинг татар маҳалласидаги, даладан келадиган қозоқлар кўп қатнамайдиган, хилватроқ кўчасидан бир уйни ижарага олишди. Гоҳ-гоҳида кечалари Эрбўл блан зимдан учрашиб туришарди. Абайнинг тергови оғирлашиб, қаттиқ жазо бериладиган бўлса ёки иш чалкашиб кетиб, кесилиб кетадиган бўлса, ҳатто Эрали можаросини ҳам Бозорали ўз бўйнига олишга тайёр бўлиб Абайдан жонимни аяб қолгунча ўлганим ортиқ, деган қарорга келди.

Ў Нурғонимга бўлган кучли муҳаббатидан кечиб, ундан кўнгил узолмади. Шунчалар оташин ҳис блан берилган ёш жувоп ҳам юрак ўтини сўндираолмади. Шу тахлитда юришаркан, Бозорали бошқалардан тортинмаса ҳам ичида: «Абай билган кун иерга кириб кетаман-ку» деб ўйларди. Қисқаси, бу ҳам ички ва ташқи жароҳатдек, дард устига чипқон эди. Айниқса эр бошига синов, эл

бошига фалокат бўлиб тушиб қаттиқ ботди. Гарчи Абай ўз олдиди Бозоралининг гуноҳи борлигини билса ҳам, ҳозир уни мард йигитлар парво қилмайдиган жароҳатдек устини ёпиб кетди.

Авахтага кириб, Абайни кўриб чиққандан кейин Бозорали бу ҳақда: «Ёлгон номус фазилат эмас, ор-номусни сир сақлаш фазилат деди-ку. Абай, ақлингдан ўзим ўргулай!» деди. Ичидаги тош-тумордек тугилиб юрган бир гашликдан қутилиб, енгил тортганини шу зайл изҳор қилди.

— Йўлдошини топмаган эр озади, бошлиғини топмаган эл тўзади деса бўлади. Шу бугун йўлдошни ҳам, бошлиқни ҳам топиб меҳрим ортди. Аҳд шу. Ё Абайни эсон-омон чиқариб олиб, ҳаммамиз бирга ўйнаб-кулиб элга қайтамиз. Ёки Бозорали унинг йўлида бош тикади-да, элнинг бетини кўрмай, сургунга жўнайди. Қайта келмас ерга кетади. Лскин бу гал заррача ўкинмасдан кетади! — деди.

Даркембой ҳам Бозоралининг Абай ҳақида гапирган гапидан ўзича хулоса чиқариб:

— Ёвга ялияма, дўстан жонингни аяма дегани-да бу! Баракалла! — деди.

Авахтада Абай ёлғиз ўзи ётди. Унинг дўстлари Бозорали, Даркембойларгина бўлмай, шу сингари тилакдошларнинг сопи ортиб бормоқда эди.

Абай мана шу сўнгги кунларда ўзига яна бир ўзгача дўст пайдо бўлганини Эрбўлдан чала-ярим эшитди. У дўсти Иртишнинг бўйидаги «тўқай бўйининг эли» деб аталадиган ғоят сержамоа Бура элидан келган. Тинибойнинг уйига учта семиз от қўшилган извошда келиб тушган кўп серзавқ қиз — Салтанат эди. Тинибой блан бу қизнинг отаси — Иртиш бўйида яшайдиган бой савдогар Алдеке — қуда-анда, яқин дўст эди.

Унинг овуллари саҳро элидек эмас. Иртиш бўйида шаҳарга яқин ерда бўлгани учун деҳқончилик ва савдо иши блан шуғулланарди. Тепаси чодир қилиб солинган чиройлик-чиройлик ёғоч биноларда туришарди. Шаҳар, бозор, ярамаркага каттадан-кичик, эркак ва аёл баравар қатнардди. Уларнинг кўриниши, кийимлари ҳам Тўбуктиларникидан мутлақо бошқача эди. Мана шундай овулнинг узатиладиган, бўйи етган эрка қизи керак-яроғини олиш учун кичик онаси блан шаҳарга келган эди.

Бу бўйи етган қиз — Салтанатнинг Тинибой уйига биринчи келиши эмас. У мана шу уйнинг келини, Абайнинг

опаси Макиш блан айниқса тотув эди. Ўтган қиш бир келганида, Макиш блан узоқ-узоқ суҳбатлашиб кўп сирлашганди. Макишдан Абай ҳақида сўраган эди. Ўша кеча Макиш Салтанатнинг илтимоси блан Абайнинг бир ше'рини куйга қўшиб куйлаб берди. Салтанат куйдан ҳам кўра Абайнинг сўзларига қулоқ солди:

Ярқ этмас қора кўнглим на қалса-да,
Осмонда ой блан кун барқ урса-да,
Дун'ёда менга сра сендай ёр йўқ,
Сенга ёр мендан ортиқ топилса-да!

деб, изҳор этилган юрак дардларини эшитганда, Салтанат астагина хўрсиниб қўйди. Икки қўли блан Макишнинг бир елкасига осилиб ўтириб, тушиб келаётган қоронғиликка тикилганича, ма'юсланиб тинглади. Гулгун юзини бир нафасгина Макишнинг елкасига қўйди-ю, кейин ўзининг бу ишидан уялгандек, тўсатдан дув этиб икки юзи яллиғланиб кетди-да, яна ўзини тутиб олди. Брок ше'рнинг сўзлари унга умрида эшитмаган ажойиб ҳисларни изҳор этгучи сирдек туйилган эди. Ўша кечдаги суҳбатни:

— Во дариғо! Юрак дардларини шу зайлда ифода этдирган қизнинг нима армони бор дейсиз?— деб тамом қилган эди.

Эрталаб мана шу меҳмон қиз, Тинибойнинг катта хотини, Макиш, ўзининг кичик онаси блан ўтириб понушта қилишаётган эди. Шу вақтда Эрбўл зарур иши бор кишидек шошганича тўсатдан уларнинг устига кириб келди. Макиш блан Тинибойнинг катта хотини Эрбўлдан: «Абайнинг иши қалай? Бўшаб чиқишининг иложи борга ўхшайдими? Адвокат нима деяётир?» дейишиб иккови икки томондан савол берабошлашди.

Эрбўл ҳалиги меҳмон аёлларни танимас эди. Ҳайрон бўлиб Салтанатга қараганича гап бошлайолмай турди. Нима учундир қиз ўз-ўзидан бир қизариниб кетди. Катта-катта қуралай кўзлари порлаб, Эрбўлга мулойимгина бир назар ташлади-да, дам ўтмай: «яширмай айтавер» деяётгандек, йигитнинг юзига тикка қаради. Макиш ҳам:

— Айтавер, бегона одам йўқ-ку! — деган эди, Эрбўл гапни кўп чўзмади.

— Адвокат блан Абай иш кўп узоққа чўзилмас, деб умид қилиб туришяпти. Аммо, ҳали ма'лум эмас. Ундан ташқари адвокат: «Бундай терговнинг охири бировнинг

кафилга олиши блан тамом бўлади. Шунга тайёр туриш керак. Шаҳар улуғи биладиган э'тиборли кишилардан минг сўм «гаров» қўйиб, Абайни кафилга оладиган одамни тайёрлаб қўй» деяётир. «Иш яхши томонга қараб кетса, шу блан тамом бўлади» деяётир. Кафилга оладиган одам ҳовли-жойлик савдогарлардан бўлса, яхши бўлади дейишаётир. Шунга келдим! — деди.

Эрбўл ё Тинибойнинг ўзини, ё унинг ўғилларидан битасини назарда тутаётганлигини ўтирганларнинг ҳаммаси тушунди. Тинибойнинг катта хотини бундай ишларни илгари ҳам бирнеча бор кўрган эди. Энди ўкиниб:

— Оббо, бўтам! Энди бунинг иложи қандоқ бўлади? Ўзингга ма'лум, уйда бой ҳам йўқ, ўғилларнинг иккови ҳам сафарда. Қўлимизда пул ҳам йўқ. Уй эгаси бўлиб кафилга оларлик эркак оти йўқ-ку! — деди.

Бу иш Эрбўл блан Макишни гангитиб қўйди. Эрбўл Абай учун энг нозик бир пайт шу бўлишини фаҳмлаб, сиқилиб хаёл суриб кетди.

— Ёпирим! Шу ерга келганда иш чатоқ бўлмаса яхши эди-да! Мол олиб келишга эл олис, ҳамма яйловга чиқиб кетди. Кафилга оладиган меҳрибонлар уйда йўқ. Шошиб қолиб, элдан ҳечнарсаса қарамай чиқиб келаверган эдик. Кафилга оладиган одам худди шу кунларда зарур бўлиб қолса нима қиламиз? Бойвучча, ҳеч бўлмаса шу ердаги ўзларингизга ўхшаш ҳовли-жойи бўлган қозоқ савдогарлари, таниш-билишларингиздан бирон-тасига илтимос қилиб кўрсангиз қандай бўлади. Сизнинг гапингизни уларга ўзим етказаман! — деди.

Шундан бошқа чора ҳам йўқ эди. Тинибойнинг катта хотини блан Макиш шаҳардаги кўнгли яқин ёр-биродарларидан икки-уч кишининг номини атади, лекин уларнинг деярли ҳаммаси сафарда эканлигини эслашди. Макиш қаттиқ куюниб, қошларини чимирганича:

— Ёз бўлди дегунча аравасини ғичирлатиб бири «эл» деб тоққа, бири «илдий» деб, қуйига қараб кетишади-ку. Тинч ўтирадим булар?! — деди.

Ўтирганлар гангиб қолишди. Кўпдан бери буларнинг авзойига зеҳн солиб, кайфиятни пайқаб ўтирган Салтанат шу ердагиларнинг ҳаммасини ҳайратда қолдириб, кутилмаган бир гап гапирди. Эрбўлга қараб:

— Абай мирзанинг дўсти сафарга кетган одамларгина эмасдир. Дўстликка дўстлик қилиш бурч, дейдилар-ку. Отам Абайнинг отасини ҳам, ўзини ҳам, дўстона қил-

ган яхшиликларини кўп кўрганман, дер эди. Мана бу онам блан менинг номимдан Абайга шу гапни айтинг. Бу гал қандай ҳожати бўлса биз чиқарамиз. Кафилга Алдекеновни кўрсатсин! — деди.

Шу қадар ишонч блан айтилган бу гапни эшитиб, ўтирганларнинг чиройи очилиб кетди. Эрбўл азбаройи қувонганидан:

— Синглим, азизим, бу гапингиз эр-азаматлар айтолмайдиган, бебаҳо гап бўлди. Эр бошига озодлик келтирадиган дўстликдан ортиқ нима бор! Ҳарқанча раҳмат айтсам оз! Яна уни мен айтдим нима-ю, айтмадим нима. Худо хоҳлаб, эсон-омон қутилиш муяссар бўлса, Абай ўз оғзи блан ўзи айтсин. Мен бўлсам бу жавобингиздан ўзимда йўқ хурсанд ва беҳад миннатдор бўлдим! — деди.

Салтанатнинг оппоқ, кенг пешонаси, бежирим қирра бурни, юмалоқ келган оппоқ иягида қизғиш шу'ладек тўлқинланиб турган нафис бир қизиллик кўринди. Гуллаб турган беғубор ёшлик. Кулимсираганда юзлари шафақдек гулгун ёниб кетарди. Силлиқ қилиб таралган қалин сочлари қўнғир товланиб ялтираб турарди. Оҳиста ва қия боқучи катта қўй кўзларида нозли бир жозиба кўринарди. Гўзал қизнинг узун-узун бармоқларидаги тилла узуклар, оппоқ билакларидаги билакузуклар ҳам ўзига жуда ярашган. Қулоқларидаги жимжимадор тилла исирғалар ҳам ҳар силкинганида гўзал қизнинг ажойиб ҳуснига ҳусн қўшиб, ярақлаб ёниб турарди. Қизнинг исми Салтанат эканлигини билганда, Эрбўл ичидан: «Қиройи Салтанат деса дегундек экан. Кўриниши ҳам, қалби ҳам чин салтанат экан-ку!» деб, кўнглида бу қизга нисбатан зўр ҳурмат пайдо бўлди.

Абайнинг иши орқасидан юрган дўстлари шундай чораларни кўриб қўйишди. Бир томондан адвокатнинг ҳаракати, иккинчидан орқасидаги йўқловчилари, Эрбўлларнинг аризаси, унинг устига Абайнинг терговда берган жавоби — ҳаммаси бўлиб, ниҳоят тергов «Областное управление» деб аталадиган жандарол маҳкамасида олиб бориладиган бўлди. Бир ярим ойга яқин ҳибсхонада ётиб қолган Абайнинг иши судга берилмай, улуғларнинг ўртасида кўриладиган бўлди.

Икки стражник Абайни жандарол маҳкамасига олиб келиб, иккинчи қаватдаги катта уйга киргизди. Уйнинг тўрига кўндаланг қилиб катта узун стол қўйилган. Абайни ўша столга яқин турган четдаги курсига ўтқизишди.

Бироздан кейин стол атрофига ялтираган сариқ тугмалар тақилган, расмий узун кийим кийган, ёш жиҳатдан тенг бўлмаган уч-тўртта чиновниклар келиб ўтиришди. Абайнинг иши орқасидан юрган адвокат Андреевич ҳам келиб Абайнинг орқа томонига ўтирди. Унинг келганини Абай пайқамади.

Советник Лосовский ҳам келиб Андреевичнинг рўпарасидаги бир курсига ўтирди, унинг ёнида тепа сочи тўкилиб, бошининг олди тақирланган, қуюқ қопқора соқолли, кенг яғринлик бир одам бор эди. У, мана шу маҳкамада хизмат қилучи кўркем, сергайрат, бама'ни одам—Михайлов эди. Ўзидан кейинроқ ўтиришгани учун Абай уларни ҳам пайқамади.

Стол атрофига келиб ўтирган улуғларнинг каттаси мош-гурунч соқолли, оқариб қолган сочини тепага тараган кексароқ киши эди. Ўша ўткир мовий кўзли чиновник мажлисни аввал ўзи бошқариб борди-да, кейин Кошкинни чақирди. Эралига борган чоғидагидек мансабдор тўраларга ўхшаб, ҳаддан ошган, гердайган бир вазиятда Тентек Ўяз кирди. Ўяз такаббурлик блан жимжит уйда шаҳдам қадам ташлаб келиб, Абайнинг ёнида турган курсиларга ўтирмай, тўғри бориб катта столнинг ёнига ўтирди. Элдан келган одамлар кирмади.

Қулоғи чиноқ, юзи япасқи, кўзлари қисик, сочи диккайган, сийрак сариқ мўйловли бир тилмоч улуғларнинг столига яқинроқ ўтирди. Бу тергов Абайнинг ишини алоҳида иш тариқасида кўрадиган «алоҳида ўтириш»га ўхшарди. Сўроқ, Абай шу кунга қадар терговда айтган гапларни қайтадан сўрашдан бошланди.

Жавобгар Эралида бўлган воқияни батафсил айтиб берди. Тентек Ўязнинг халқни оёқ ости қилиб, қонунга қарши қилган ҳаракатлари тўғрисида гапирди. Дарра урдириб, қамчини ишга солганини ҳам қолдирмади. Фақат ўзининг ба'зибир режасига биноан, Бозоралининг ёнини олганини айтмади. У гапларни жўрттага ташлаб кетиб, ўзини Ўрозбойлар — мансабдорларнинг ҳақорат қилинишига тоқат қилолмаган киши қилиб кўрсатди. Гапида бутун салмоқни ўша халқ сайлаб, улуғлар манзур кўрган одамларни, «халқ бийларини» — Ўрозбойларни халқнинг олдида Кошкиннинг дарра урдирганига солаверди. Бутун можаро шундан чиқди деб гапирди. «Ундай Ўязни ҳурмат қилиш халқнинг вазифаси эмас эди. Шунда ҳам халқ бу кишига заррача зиён етказмади. Фақат ҳукуматнинг қад-

ри-қийматини тушириб обрўйини тўкишидан ранжиди-да, сайловга қолмай тарқалиб кетди. Уша халқнинг ичида бўлганим учун, халқнинг топшириғи блан ўшаларнинг айт, деган гапинигина айтган менинг тарафимдан бу кишига нисбатан қандай хиёнат, қандай ёмонлик содир бўлипти?» — деди.

Абай бирқанча гапларни адвокат ёзиб берган ариза бўйича гапирди. Уша аризадаги ба'зибир эсида қолган жойларини қайтариб русчалаб айтди.

Аризадаги тартибдан чиқиб, ҳозир ўзидан қўшиб айтмоқчи бўлган далилларга келганда, айтишга қийналиб тутилиб қоларди. Шу сингари, русчалаб айтолмайдиган сўзлар келиб қолса, ўнг томонида ўтирган тилмочга қараб буйруқомиз: «Шу жойини айтиб юбор» деб қўярди. Тилмоч бир-икки жумлани таржима қилиши бланоқ, уёғини ўзи илиб кетарди. Улуғнинг ҳузурида биринчи марта шу қадар узоқ терговда, ўша улуғнинг ўз тилида сўзлай олганига Абай ич-ичидан хурсанд бўлди. У сўзлаганда: «зер-завари» келишмай қолдими, деб тортинмас ҳам эди. Фақат асосий фикрни тўғри бериб, сўзларнинг ма'носи бузилмаслигига э'тибор қиларди, холос. Ба'зан ўша онда эсига келиб қолган бирхил чуқур ма'ноли қозоқча ибораларни ўша он ўзи русчага таржима қилиб айтарди. Унинг гаплари тингловчилар учун жуда қизиқ, ёқимли бўлиб чиқарди.

Бу мажлисда раислик қилаётган кекса советник, афтидан, қонунга қаттиқ риоя қиладиган одам кўринади.

Бу тўранинг ҳозирги кайфиятида икки турлик ваз'ият билиниб турарди. Аввало — оддий дала қозоғини, подшо ҳукуматининг чиновниги блан юзма-юз қилиб қўйиб, ишларини қўша тергаши одатдан ташқари эди. Иккинчидан — мана шу юзлаштиришида ҳам, бу икки одамнинг ишини ўзи олиб боришида ҳам кекса тўранинг ма'лум мақсади бордек кўринарди. Абайни шунчалик ўз эркига қўйиб бериб, истагани қадар сўзлатиши бунини очиқ кўрсатиб турарди.

Аслида бу сиртдан адолатдек кўринаётган ҳолатнинг тагида қизиқ гап бор. Бу кекса тўра ҳозирги жандармнинг яқин одами, божаси эди. Унинг қайин синглисига уйланган жандарол, тўрани яхши кўрар ва суяб юрарди. Тўранинг ўзи бўлса, ўлгунча порахўр киши эди.

Тентек Уяз шу маҳкамадаги ҳамма чиновниклар сингари бу советникнинг ўша сирини яхши билар эди.

Криловнинг масалидаги ҳозиргина товуқни тутиб еган тулқига ўхшатиб, уни: «Ҳали тумшуғида товуқнинг пати турипти» дейишиб, орқасидан ҳажв қилишар эди. Кошкиннинг ўзи ҳам суянчиғи бўлмаган ёлғиз одам эмас. У мана шу областьдаги судьяларнинг каттаси, окружной суд раисининг кўёви эди. Суд раиси бўлса, жандарол блан жопажон дўст, тили бир одамлар эди.

Жандарол блан суд раиси Кошкинни сақлаб қолишлик учун аввалига бу ишни — қирғизлар орасида бўлган можарони ёпти-ёпти қилиб, босиб қўяқолиш керак дейишган эди. Лекин Абайнинг авахтада ётиши блан Оқбош Андреевич Абайнинг йўқловчиси бўлганлиги уларнинг кўкрагини кесиб қўйди. Бундай масалаларда адвокатнинг қаттиқ туриб оладиган одам эканлигини область маҳкамасидагиларнинг ҳаммаси яхши билар эди. Адвокат Андреевич бу ишни жуда осонлик блан ҳатто саҳро генерал губернаторининг маҳкамасига ҳам ошириб юбориши мумкин эди. Унинг устига, корпус маҳкамасидан бу ерга яқиндагина келган ёш чиновник — Лосовский ҳам жандарол номига ёзган маълумотида Кошкиннинг ғайри қонуний ишлари ҳақида гувоҳлик бериб қўйган, уни ҳам бости-бости қилиш энди ўнғайсиз эди.

Мана шундай чигал тугун ечиларкан, ҳам Кошкин омон қоладиган, ҳам одатдаги тартиб сақланадиган қилиб усталик блан иш олиб бориш керак. Довруқ қилмай, исини чиқармай, улуғларнинг ўртасидагина тезроқ битириш керак.

Жандарол маҳкамасининг ҳам обрўйи сақланмоғи керак. Бу ишни кўнгилдагидек қилиб, ётиғи блан ҳал қилишининг уддасидан чиқадиغان киши деб, мана шу кекса советник, Харьковга топширилди.

Броқ советник, улуғларнинг эътиборли киши сифатида ишонч блан топширган ишини ўз зиммасига олиш блан бирга, ўз жиғилдонини ҳам унутмади. Бундай ишлар асти унинг эсидан чиқмас эди. Иш блан танишиб, Оқбош блан сўзлашиб кўриб, қамоқхонада ётган Абайга бир айб ортмагунча ишини тугатиб бўлмаслигини англади. Ишнинг боришини ўйлаб шундай хулосага келди. Тентек Уязни оқлаш учун Абайни айбдор қилиб ҳукм чиқариш керак. Лекин уни қамоқхонада узоқ вақт ётиб кетадиган катта ишга айлантириб қаттиқ жазо бермайди. Гарчи жазога тортилди, деб ҳисобланса ҳам Абай қутилади. Ишнинг ана шу томонларини Оқбош блан Абай фаҳмласин-

да, ўзларича эмини топсин. Гапни айлантириб келиб, шу мақсадини англатиб ўтди.

Оқбош Андреевич, Абай блан учрашгани авахтага бир борганида, жирканиб, ғазаб ичида истеҳзо блан кулганича: «Советникни даволаш керак. Афтидан, беш юз сўм рецепт бўлар ва шунинг блан шифо топиб кетар» деди. Эрбўл қирдан олиб келган бор харажат пулини ма-на шунга сарф қилиб қўйганига анча бўлган эди.

Шундан кейин терговчи тўра ишни қай йўсида олиб боришини, қандай натижа чиқармоқчи эканлигини холи ўтириб сўзлашиб, тушунтириб қўймоқчи бўлиб, Кошкин-ни чақиртирганида, кутилмаган ҳолда қаттиқ ўжарликка йўлиқди.

Кошкин, ўзини тергаш деганда, ғазабланди. Ўз иш-нинг бир қирғизнинг ишига қўшиб қаралишидан помус қилди. «Саҳронинг ёввойи моли блан мени қатор ўтирғи-зиб тергашдан оғир ҳақорат йўқ» деб, асти бўй бермади. Кекса советник шу ҳақда икки марта учрашган бўлса ҳам, Кошкинни бу ишга сра кўндиролмади. Уни бироз ўй-латиб қўядиган гап гапириб, тилини қисиб олиш учун сўнгги далил қилиб, Кошкин қўллаган ғайри қонуний дарра уриш масаласини қўйиб кўрди. Гап шунга келган-да, Кошкин советникнинг ўзига чанг солди. «Виждон соф бўлса, тумшуқ пора блан булганмаган бўлса, қўл блан қилинган бир ҳаракат ҳеч гап эмас. У ишнинг кимга қар-ши қўлланганини ҳам унутмаслик керак. Мазмуни, сиз уни эсингиздан чиқариб қўйган кўринасиз. Аввало тум-шуғингизни поклаб, кейин гапиринг. Мен сиз эмасман» — деди. Ҳовлиқма, бўйни йўғон ёш тўра, Эралида халққа қилган зўравонлигини кўрсатди.

Гап шунга боргандан кейин, кекса советникнинг ҳам жини қўзиб, сувлигини тишлаб олди-ю, қайсарлиги тутди кетди.

Бу тўғридаги ўзига ўтган аламни жандаролга ҳам эшитдириб қўйиб, энди ўз обрўйини ўзи билгандек қилиб сақлаб олишини билдирди. Сўнгги кунларда Кошкиндек мағрурланган «чиранчоқ, тўрачага» қаратилган кесатиқ гапларни жандаролнинг хотини, унинг опаси — советник-нинг хотини ҳам тез-тез гапирадиган бўлиб қолишди.

Шунингдек зимдан ишлатилаётган қасдлашиш блан бошланган иш оқибати юқорида тасвирланган ўзгача кайфиятни туғдирган эди.

Кошкин бўлса: «тергов вақтида мени аллақандай қиргизнинг қаторига ўтиргизганингни кўраман» деб келган эди. Ҳали унинг айбдорлар курсисига ўтирмай, тикка келиб стол ёнига ўтираверишининг боиси ҳам шунда эди.

Шундай қилиб, саҳронинг ипон-ихтиёри қўлида бўлган мағрур чиновникларнинг шахсиятпарастлиги оқибати бўлиб, иш шу сингари тартибда кўрилди.

Кекса советник ўзи чиниққан одат бўйича кўринишида сиполикни қўлдан бермай, бетарафдек ўтиргани блан, бугун Абайга бошқачароқ қараётганга ўхшарди.

У Абайни истагани қадар эркин сўзлатди. Ўзи бераётган саволларининг мазмунидан: Абай «айбдорнинг ўзи эмас, ҳақиқий айбдорларнинг ёпини олочи» деган назар блан қараётганга ўхшарди. Шундай саволларнинг бирида:

— Сиз хизматдаги одам эмассиз. Уезд начальниги Қавменовни ҳам яна Шўқа ўғли, Суюндик уғли сингари хизматдаги одамларни ҳам сўроқ қилувга ҳақли. Сиз нега ўртага тушасиз? Нима сабабдан аралашдингиз? Шунини айтиб беринг!— деди. Абай ўша онда жавоб берди:

— Мени халқ аралаштирди. Кошкин мирзанинг Аққули ўғлига дарра урдираётганини кўрган халқ менга: «аралаш» деб буйруқ қилди.

Абайга шунчалик эркинлик берилганини кўриб, келганидан буён зардаси қайнаб ўтирган Тентек Ўяз энди тоқат қилолмай қаттиқ жеркиб:

— Сиз халқнинг кими бўласиз? Халқнинг номидан сўзлашга ким право берди сизга? Қаердан ундай кучга эга бўлиб қолдингиз?— деди.

Абай унинг жеркишидан ҳайиқмади. Унга қараб туриб, эрмак қилиб кулиб юборди-да кекса советникка қараб:

— Бу киши куч деяётир. Тўғри, бу кишининг ёнидаги стражникларда бўлган куч менда йўқ эди. Халқнинг қўлида ҳам қурол йўқ эди. Лекин қуролдан кучлироқ қувват ҳам бўлади-ку. Тентек Ўязнинг амридан зўрроқ — орномус амри ҳам бор. Бу ҳақда бизнинг халқимиз...— деб уёғини тилмочга айтдирди.

— Шу гапимнинг ма'носини бузмасдан, тушунтириб айтинг,— деди-да, қозоқчалаб:

— Бизнинг халқда: «кучингга ишонма, ҳалол ишингга ишон. Хиёнатга кўнма, бошингга қилич келса ҳам одил бўл!» дейдилар,— деди. Бугунги жавобидаги асосий фикр бутун салмоқни шу сўзлар ичига олиб ифодалади.

Абайнинг шу гаплари русчага таржима қилиб айтилганда, унинг орқасида ўтирган Андреевич, Лосовский, Михайловлар бир-бирларига қараб қўйишди.

Энди тергов қисқа-қисқа бўлиб тезлашиб кетди. Шу онда Тентек Уяз блан Абай гўё бетма-бет келиб, яккама-якка олишаётганга ўхшарди. Улар икки-уч марта қисқа-қисқа гап талашиб қолишди. Уяз:

— Қунанбоев, сен Қавменовни ҳимоя қилаётирсан, унинг иниси, қароқчи!—деган эди, Абай:

— Мен аввало сиз дарра урдирмоқчи бўлаётган халқ бийларини, дўстларимни ҳимоя қилдим!— деди.

— Йўқ, бу гапингга ишонмайман, мақсадинг фақат уларни ҳимоя қилишгина эмас. Қавменовни ҳам қутқариб қолиш керак эди. Шунинг учун ғалаён кўтардинг.

— Мен тўғриси айтдим. Лекин Қавменовни аралаштирадиган бўлсангиз, мен уни ҳам оқлайман.

— А-а-а! Шундоқ деиш. Ҳали сиз бир нафасдан кейин унинг қочиш кетган разбойник инисини ҳам оқларсиз,— деб Уяз, терговчи советникка қараб,— Қунанбой ўғлининг мана шу жавобига алоҳида аҳамият беришларингизни ўтинаман,— деди.

Абай ҳам энди советникка қараб:

— Қавменовнинг иниси қочиш кетганига бир йилдан ошди. Илгарилар элда юрган чоғида ундай бузуқ йигит эмас эди. Кўп мақул йигит эди. Ғойиб бўлиб кетиб, қаердадир гуноҳ қилипти. У, эли учун ҳам, қариндош-уруғи учун ҳам йўқолган одам. Мана, ўзларингизга ҳавола қилай. Русларнинг бир селосидан мисол учун, Семипалат областидан чиққан бир деҳқон йигит, айтайлик, Оренбургга бориб бебошлик қилиб юрсин. Қани энди унинг туғилган қишлоғига борган Тентек Уяз ўша ернинг старостасига, волостнойига, мирзасига дарра уришга рухсат этар эдингизми? «Бу ишни хўп яхши қилдингиз?» деб, Уязнинг мартабасини бир поғона юқорига кўтариб қўяр эдингизми?— деди.

Бундан кейин сўнгги сўз, Тентек Уязнинг: «Эл одамларига дарра урдирганим йўқ» деб тонаётган ёлғон жавобга келиб тақалди. Гап шунга келганда Абай Тентек Уязнинг юзига тикка қараб, нафратли назар ташлади-да:

— Сиз фақат зўрлик ишлатушгину эмас, ёлғончи бўлишдан ҳам тоймайсиз дейман? У ҳолда менинг сиз блан баҳслашгудек гапим ҳам йўқ. Фуқаро ёлғон гапирса, уятсизлик деймиз. Улуғ ёлғон гапирса, жиноят демай, ни-

ма деймиз? Ҳамон ўзингиз ҳам айбдор бўлганингиздан кейин, мени тергаётганларнинг қаторида ўтиришга қандай ҳақингиз бор? Мен ҳайрон бўлиб қолдим! Жавоб беришни тўхтатаман. Броқ, Кошкин мирзанинг дарра урдиргани рост. Ўша ишнинг ҳақиқат эканлигига гувоҳлик берсин. Советник Лосовский мирзани гувоҳликка чақиришингизни ўтинаман! — деди.

Абайнинг сўзи шунинг блан тамом бўлди-да, кекса советник энди Лосовскийдан қисқачагина гувоҳлик беришни талаб қилди. У, Уязни оғиз очгали қўймай, чирпирак қилиб ташлади.

— Дарра урилгани тўғри. Кошкин мирза қонунга қарши иш қилди. Менинг кўз олдимда бирнеча одамга дарра урдирди! — деди.

Кошкин, бу гапга қарши чиқиб, Лосовскийни ҳам қоралаётгандек:

— Виждон соф бўлса қўл блан қилган ғайри қонуний иш оғир гуноҳ эмас. Мен виждонимни сотиб порахўрлик қиладиган уезд начальникларидан эмасман! Жиноятчиларга қарши ғазабим қайнаганидан, олишганим рост! — деди.

Бу жавобдан Лосовский хандон ташлаб кулиб юборди-да:

«Энди бу киши блан сўзлашиб ўтиришнинг ҳожати борми!» дегандек улуғларга қараб икки қўлини ёзиб, елкасини қисиб қўйди.

Абай маҳкама ишларига алоқаси йўқ одам, саҳро қозоғи, оддий бир киши. Шунинг учун бундан кейинги бўладиган гапларни унинг олдида муҳокама қилиш лозим топилмади. Зотан, Абайнинг иши ҳам шунинг блан тамом бўлган эди.

Бу терговдан кейин, Абай каталашкада фақат бир кеча ётди. Эртасига эрталаб тутқун эшиги очилди.

Лекин Абай гуноҳсиз топилиб, оқланиб чиқмади. «Хизмат юзасидан иш олиб бораётган уезд начальниги Кошкинга ўша хизматни адо этаётганда тартибсизлик қилиб, ҳалал бергани учун, олти ой авахта жазоси ўрнига Ибрагим Қунаибоевга минг сўм штраф солинсин!» деган ҳукм чиқарилди.

Бундай ҳукм чиқаришдан мақсад подшолик маҳкамаларининг обрўйини сақлаш, кучини кўрсатиш бўлиб, бундан ташқари саҳролилар олдида Кошкиннинг обрўйини сақлаб қолиш ҳам назарда тутилган эди. Шунинг учун

унинг иши қирғиз Қунанбоевнинг ишидан ажратилиб алоҳида кўриладиган бўлипти.

Шундай қилиб, халқ кўзига тўнг бўйин, безори кўринган зўравон улуғнинг жинойти кўрсатилмай, унинг бутун халққа берган озорига қарши одилона норозилик билдирган одам жазога тортилди.

Михайлов шу ҳақда Оқбош блан ўзаро сўзлашганда, ғазаб ва нафрат блан:

— Қандай зўрлик-а! Бу ердаги чурқ этмайдиган мўмин халқнинг бошида бундан буён ҳам яна бирқанча Қошкинлар калтак синдириб, хўрлайверсин дегани-да! Бу — жиноятку, ахир! — деди.

Бу ишларнинг тагида қандай гап борлигидан, ички сирлардан хабардор бўлмаган Абай ўзининг авахтадан қутилиб чиққанига хурсанд бўлди-ю кетаверди.

Абайнинг иши ҳалигидек ҳукм блан тамом қилинган бўлса ҳам, улуғлар бу ишдан ажратиб, иккинчи бир иш тузиб қўйишди. Бу иш: «Уролбой ва Бозорали Қавменовларнинг иши» деб аталиб, бундан кейин алоҳида тергов олиб бориладиган қилиб қўйилди.

Шундай қилиб, Бозорали гарчи қочоқ бўлмаса ҳам, элдаги ҳозирги бўлислар орқали «надзор» остига олинган одам бўлиб қолди. Борди-ю, Уролбой қўлга тушгандек бўлса, ёки ўчакишиб юрган бўлислардан биронтаси уни қоралайдиган қоғоз туширса бас. Бозорали жар лабида қулай деб турган одамнинг ҳолига тушиб, илишиб қолди.

Абай қутилиб кўчага чиққанда учта чиройлик семиз жийрон от қўшилган, янги қора извош уни кутиб турган эди. Извошда ўтирган Макиш, Салтанат, Эрбўл учовни Абайга қараб югуришди. Макиш, Эрбўл иккови Абай блан қучоқлашиб кўришди.

Абай Салтанатни танимас эди. Одоб сақлаб ҳар икки қўлларини чўзиб бир-бири блан эсон-омонлик сўрашиб қўяқолишди. Эрбўл шу кунга қадар Абайга Салтанатнинг ёрдами ҳақида оғиз очмаган эди. «Кўнглига бирор гап келадими, яна қизнинг пулини, кафиллигини қабул қилишдан номус қилиб кўнмай қўядими?» деган хаёлга бориб, яшириб келган эди. Бу гапини Макишга ҳам айтиб қўйганди. Макиш энди бироз ҳайрон бўлиб ўйланиб турган Абайга қараб кулди-да, унга ёндашиб келиб:

— Бу қизнинг исми Салтанат. Сен авваллар эшитган эдингми? — деган эди, Абай эшитганлигига ишора қилиб бош эгди. Ундан кейин Макиш:

— Ундай бўлса, сенинг узоқдаги донғидан яқиндаги дўстлиги ортиқ бўлган замондошинг шу! Сени йўқловчиларнинг бири. Яна улугнинг олдида залог бериб, кафил туриб сени олиб чиққан ҳам шу!— деди.

Абай ҳайрон бўлиб шошиб қолганидан нима дейишини билмай қолди. Шодландими, номус қилиб ранжидими, билиб бўлмас эди. Бирор нарсани сўрай бошласа, ё шодланган, ё ранжигани билиниб қолишини сезди-да, индамай қўяқолди. Фақат Салтанатнинг қўлини қаттиқ қисиб, чап қўлини кўкрагига қўйиб та'зим қилди, холос. Салтанат қизариб кетиб, бирор жавоб кутаётгандек, нур сочиб турган шахло кўзларини қуйи солиб индамай тураверди. Кўнглига келган гапини шартта айтиб қўяқоладиган Макиш Абайнинг бу хилда индамай туриши ма'қул тушмади шекилли:

— Абайжон! Эс-ҳушинг жойида эди-ку. Бирор оғиз илиқ жавоб қилмай турганинг нимаси? Бу нима қилганинг?— деди.

Шу тобда Абай аёлларга: «аравага тушайлик» дегандек, ишора қилди-да, уларни қўлтиғидан олиб аравага чиқариб, сўнг ўзи ҳам уларнинг ёнига чиқиб ўтиргандан кейин:

— Ақл-фаросат фақат мендами, Салтанатда ундан ҳам кўпроқдир дейман. Лекин қадимгилар: «ақл одамнинг кўрки, сабр унинг шериги» деганлар-ку. Ҳозир мен шундан бошқа нима ҳам дейишим мумкин. Шундай эмасми, Салтанат?— деди.

— Шодланганда шошилмаслик керак. Тўғри айтаётирсиз! — деб қиз кулиб қўйди.

Бир нафасдан кейин икки четдаги отларнинг боши шаҳар одатига мувофиқ чиройлик қилиб четга қайириб боғланган, енгил ва ихчам извош қўнғироқларини жаранглатганича гириллаб, Абайни Иртиш дарёсининг у юзидаги Тинибой уйига олиб кетди.

Гарчи тергов ишлари тамом бўлгани блан Абай шаҳарда кўп туриб қолди. Фақат қутилиб чиққан он эсон-омон чиққанини элдагиларга хабар қилиш учун Бозорали бошлиқ бутун Жигитек одамларини тезлик блан жўнатиб юборди. Ўзи Эрбўл, Боймағамбетларни шаҳарда олиб қолди. Абай бу кунларда Тинибойнинг уйида эмас, Иртиш дарёсининг у юзидаги Эрбўл блан ўзи синашта бўлиб қолган кўп мулойим, меҳмондўст Қаримнинг уйида турарди.

Абай кейинчалик билса, Салтанатнинг унга қилган хизмати анча катта экан. Гарчи у Алдекенинг қизи бўлишига қарамай, улуғлар Абайни Салтанатга кафилга беришга кўнмапти. Ундан кейин қиз шу шаҳарнинг ҳовлижойлик отоқли бойларидан бўлган «Наматфуруш Дуйсеке» деган киши билан ўзи бориб сўзлашиб, уни Абайга кафил бўлишга кўндириб келипти. Шуниси борки, наматфуруш кўп қўрқоқ, сермулоҳоза савдогарлардан эди. Унинг устига тўбуқти эли билан борди-келдиси бўлмаган, яна ўзини улардан ҳамиша четга тортиб юрадиган одам эди. Бу наматфуруш Дуйсекенинг салтанатга тоға сифатида хешлиги ҳам бор эди. Отасининг дўстлигидан ташқари, шу сингари қариндошлик жиҳатларини ҳам ўртага солиб, шаҳарнинг бундай қуримсоқ бойини қўярда-қўймай, бу ишга бош қўшдириб кафил туриб Абайни олиб чиқишга мана шу олийжаноб мард ва иродаси кучли қизгина мажбур этаолган. Гаровга тўланадиган пулни бўлса, Салтанат ўз қўли билан бериб тўлаттирипти.

Абай Салтанатнинг дўстларча қилган ғамхўрлигини кейинчалик билган сайин қаттиқ хижолат тортаверди. Турган гап, шунчалар дўстликнинг эвази осон бўлмас, унча-мунча билан битақолмас деган хаёлга борди. Абай, энди қандай бўлмасин Салтанат билан очиқ сўзлашмоқчи бўлди. Кўнглидаги бутун гапларини, бутун сирларини очиб ташлаб сўзлашишга қарор қилди.

Абай қамоқхонадан чиққан куннинг эртасига Салтанатнинг кичик онаси билан Макиш извошга тушиб, ёнига Эрбўлни олиб, Иртиш дар'ёсининг ул юзидаги магазинларни айланиб келгани бозорга кетишди. Бу кунларда уйдаги катталарнинг, кўпчилиги сафарда бўлиб, бўш хоналари кўп бўлган Тинибой ҳавлисида Абай билан Салтанат ёлғиз қолишди.

Макиш уйининг кўкиш, қалин шойи парда тутилган деразаларидан қуёшнинг иссиқ нурлари ўтолмай, яхши жиҳозланган бу уйга кўкимтир ранг бериб турарди. Уй ғоят салқин ва холи эди. Атрофга қалин қилиб дуроя кўрпачалар солинган, шойи авра сирилган ёстиқлар ташланган, катта тегарак хонтахта ёнида қиз билан йигит ўтириб одоб сақлаб, сиполик билан суҳбатлашмоқда.

Абай гапни даставвал қизнинг унга қилган унутилмас яхшилигидан бошлаган эди, холи уйда ўтирганларидан ўнғайсизланиб бораётган серандиша Салтанат, аввалига бир дурустроқ жавоб ҳам қилолмади. Лекин Абай томон-

га хиёл ўгирилиб, гўё: «бу гапларни қўйинг!» деяётгандек ғоят латиф бир ҳаракат блан қошларини чимириб, ялт этиб Абайга қаради. Бармоқлари узун-узон, оппоқ, латиф қўли блан юзини яширди-ю, жавоб бермади.

Қиз ўзи қилган иши ҳақида ўзига ҳисоб беришдан ийманаётирми? Ё Абайнинг олдида: «сенга яхшилик қилган, сени қутқарган мен эдим» дейишлик йигитнинг бошига кутилмаган бир нўхта уришдек бўлар, деб уни аяётирми? Ё бўлмаса шу тарзда индамай ўтириши блан: «мен айтадиган гапимни айтиб, қиладиган хизматимни ҳам қилиб бўлдим, энди сен нима дейсан, мен фақат сенинг фикрингни билмоқчиман демоқчими? Ҳарқандай бўлганда ҳам, Абай то Салтанат кўнглидаги бор гапини очиқ айтмагунча, ўз кўнглининг таскин топмаслигини биларди. Агар қизнинг кўнглидаги бор гап очиқ айтилмай қоладиган бўлса, у ўзини айбли ҳисоблаган бўларди.

Икковининг олдига Боймағамбет кичкина кумуш чорада муздек қимиз келтириб қўйди. Абай қимизни бироз шопириб, заранг косага қуйди-да, қизга қимиз тутаркан:

— Салтанат!— деди. Бўйи етган, нозанин қизнинг шаҳло кўзлари шу ўтиришда биринчи марта Абайга тўғри қаради. Индамасдан, жавоб кутиб турди.— Ҳаётда эр йигитнинг кунига кўпинча эр йигит яраб қарздор қилар эди. Гардонимда оғаларнинг ҳам, ёри-биродарларимнинг ҳам шу сингари қарзлари оз демайман. Лекин бошимга шундай оғир кулфат тушиб турган пайтда, ҳатто онам ҳам бўлса, аёл бўлатуриб мен учун ўз обрўйини, ўз номи-ни ўртага солиб, шу қадар ўктамлик блан дўстлик қиладиган яқин одамим, биродарим бўлар, деб ўйламаган эдим. Тўғри сўзнинг айби йўқ. Тўғрисини айтинг. Агар сиз кўнглингиздаги бор гапни очиқ айтсангиз, сизга софдиллик блан жавоб қилиш менинг ҳам бурчим бўлсин. Қандай кўнгил, қандай мақсад блан мени қутқаришга аҳд қилдингиз? — деди.

Афтидан, Салтанат ҳам шундай савол тушишини кутиб турган экан. Гарчи жавоби ҳозир бўлса ҳам, ҳа деганда гап бошлайолмади. Ба'зан тўлқинланиб келиб юзига чиққан иссиқ қондан оқ-сарикдан келган чеҳраси пешонасидан тортиб яноқлари иягигача, салмоқли исирганинг оғирлигидан чўзилиб турган бежирим қулоғигача, нозик қирра бурнининг устигача қизариниб бориб, сўнг оқарарди. Қипқизил ғунчадек нафис лаблари хиёл титрар, қим-тиниб туриб сўнг жилмаярди.

Абай узатган қимизни вазминлик блан шошмасдан олган Салтанат, қандай жавоб беришини ўйлаб ўтириб, бир ҳўплаб қўйди. Чиройлик бармоқлари блан заранг косани ушлаб туриб, йигитга қаради-да:

— Сиздан берухсат, ҳечким блан маслаҳат қилмай, ўз ихтиёрим блан сизнинг шу ишингизга бош қўшдим. Фақат шуни айтмоқчиманки, буни фарз-қарзсиз фақат ёшлик-тилакдошлик орқасида қилинган иш деб билсангиз бас. Яна бир айтмоқчи бўлганим... кўнглингизга оғир олиб: «нега аралашади» деб, «мени бошқа йўқлайдиган одамим йўқ эдими» деб ранжимасангиз бўлгани!— деди.

Бу ишларнинг ҳаммасини қиз ўз ихтиёри блан қилганини Абай энди билди. Салтанатнинг шу қадар жасур, саботли ва нақадар иродаси кучли эканлигини кўриб хурсанд бўлган Абай, шодлигини яшираолмай.

— Кўп яхши гап гапирдингиз, Салтанат! Бу сўзингиз ҳечқачон ёддан чиқмас...— деб, энди гап бошлаган пайтда, булар ўтирган уйнинг эшиги очилди.

Қирдан келган йўловчи сингари оёғига қўнжи узун этик кийган, қўлига тобилғи соплик қамчи ушлаган, бошига Тўбуқти эли киядиган нусхада тикилган қора элтери тумоқ кийган, йўғон гавдали бир киши кириб келди.

Келган одам қоронғилатиб қўйилган уйда кўзи тиниб, ўтирганларни кўролмай турарди. Абай уни таниб салом берди-да:

— Буёққа кел!— деди.

Келган одам эҳтиётлик блан қадам босиб, Абайнинг ёнига келди-да, ерни пийпаслаб ўтирди. Уйнинг ичида бир қиз блан бир йигит ўтирганини эндигина пайқади. Уларни кўриши блан ўз-ўзидан хижолат тортиб, Абай узатган қимизни ҳам ичолмади. Келган одам Қулуншоқнинг ўғли, ўша машҳур Бешқашқанинг биттаси — Монос эди.

У, Улжоннинг илтимоси блан Абайни атайин йўқлаб элдан келганини айтди. Эл яйловга кўчиб кетипти. Кўпдан бери шаҳардан, Абайнинг ҳол-аҳволидан хабар эшитолмаган онанинг томоғидан овқат ўтмаётган экан. Йўл узоқ, хилват бўлиб, ёлғиз ярим йўловчи учун кўп хатарли эди. Шунинг учун Улжон Моносни таваккалчи ва ғайратли йигит деб, Абайдан хабар олиб келишини шунга буюрган экан.

Монос бола-чақа, ота-она, қариндош-уруғ, ёри-биродарларнинг Абай учун ташвиш тортаётганини айтди. «Сарғайиб ётгандир? қафасда юраги қон бўлиб кетган-

дир?» деб, ҳаммаси ҳам тун уйқўсини тўртга бўлаётир,— деди. Ниҳоят, у бир қадар эс-ҳушини йиғиштириб олгандан кейин:

— Шукур, чироғим. Ҳали келиб, шу дарвозадан киришим блан соғ-саломатлигингни эшитган он: «йўлимни берган экан» деб шодлигим ичимга сиғмай кетди. Боймағамбет бир киши блан сўзлашаётир, деб тўхтатса ҳам, соғиниб келганим учун сабрим чидамай устингга бостириб кирдим. Айбга буюрмайсизлар. У ерда ота-онанг кўл ташвиш тортаётгани блан, сен бу ерда ялло қилиб юрган экансан. Хурсандчиликка етказсин,— деб, кулди-да, қимиз ичабошлади.

Гавдаси паҳлавондек Моноснинг гапи Салтанат блан Абайга бир қадар дағал кўринса ҳам, бошқа илож йўқ. Чунки унинг бор мулойимлиги блан айтилган гапи шу эди. Бўлмаса, Монос бу даргоҳга ҳозир эмас, ҳали, учта жийрон от қўшилган извош дарвозадан чиқиб кетаётган пайтда келган эди. Макишни бироз тўхтатиб, остидаги ва етагидаги қора терга тушган қўш отини кўрсатиб, Абайдан хабар олгани келганини айтди. Абай оқланиб чиқиб, ҳозир шу ерда эканлигини эшитди. Кейин Боймағамбетдан уч жийрон от қўшилган қора извош Салтанатдек қизнинг извоши эканини билгач, Абайни тезроқ кўриш дардига тушиб қолган эди. Лекин Боймағамбет гапга тутавериб, ҳа деганда Абайнинг ёнига киргизмади. Шунга жаҳли чиқиб кетган Монос:

— Элдагиларнинг ичгани ичига тушмай, қон бўлиб ўтирсин. Мен бўлсам ундан хабар оламан деб, от ҳоритиб кеча демай, кундиз демай етиб келай-ю, у бир қизнинг қучоғида бемалол тушгача яйраб ётавермоқчимиз?— деб, ўзининг саҳродаги ўжарлигидан қилди. Шундай пайтларда ўринлик чиқадиған зўравонлигини ишлатиб, қоронғи йўлакда тимискилаб, Абай ўтирган уйни излайбошлаган эди. Бутун уйларнинг эшигини очиб, бирма-бир бошини суқиб қараб, бу уйни зўрга топган эди. Абай Моносни кўп гапга солмади. Ҳалиги гапини тамом қилар-қилмас, тирсагини унинг сонига қўйган бўлиб, салмоғини солиб, туртиб қўйди-да:

— Авахтадан кеча чиқдим. Эл-юрт блан дийдор кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашаётганим ҳам шу. Ҳали бутунлай қутилиб чиққанам ҳам йўқ. Шунинг маслаҳатини қилаётирмиз. Ҳозирча кафилга чиққанманку... гина-кудратни элга борганда, бамайлихотир ўтирганимизда қилармиз!—

деб қўйди. Сўнг эшикда юрган Боймағамбетни чақирди-да, ён йигит кирганда:

— Монос оғанғни меҳмонхопага олиб бор, ўша ерда яхшилаб кутинглар. Ухламоқчи бўлса, қалин қилиб ўрин солиб бер. Бошлаб бор!— деди.

Моносни Боймағамбет эргаштириб кетгандан кейин, Абай яна ҳали узилиб қолган гапни давом эттирди.

— Сиз менинг ранжимаслигимни айтдингиз. Мен озодликка чиқиб, ниятимга етганимдан кейин нега ранжийман. Ундай хаёлга боришимнинг ўрни ҳам йўқ-ку. Менинг элдиги мақсадим — сизнинг ҳам кўнглингизда шу сингари орзу армонларингиз бўлса, унга эришишда жони-дилим билан ёрдам бериш. Сизни ўша ниятингизга етказишда фойдали бўлишдан, кўмаклашишдан бошқа ниятим ҳам, орзум ҳам йўқ. Борди-ю, фойдали бўлаолмай ранжитиб қўйсам, у ҳолда менинг шундан катта қайғим, ташвишим ҳам бўлмас, дейман!— деди.

Қиз бу ўтиришда Абайнинг шунчалар илтифотидан хурсанд бўлса ҳам, гапнинг уёғини очгиси келмади.

— Қандай яхши гап Абай. Шундоқ бўлгандан кейин бугун менинг бошқа тилагим сизга изҳор этилмаса ҳам майли. Кеча, биринчи кўришганимизда: «ақлнинг кўрки сабр» деган бир гапни айтган эдингиз. Мен шу дамгача сиз билан суҳбатлашмаган эдим. Брок, сизни айтди деб, гапирган кўп яхши гапларни орқангиздан, Макишдан эшитган эдим. Қишининг кўнглига юпанч бўларлик гап гапирса, шу одам гапирсин деб юрар эдим. Ўзим учун ҳалиги айтганларингизнинг ўзи ҳам — қаноатлантириб, хурсанд қиладиган сўзлар. Чуқур ма'ноли сўзлар. Лекин уй холи, кенг бўлгани билан менинг йўлим тор-ку,— деб кулди-да,— энди менга рухсат!— деди.

Ғоят латиф бир ҳаракат билан ўрнидан тураётган қизни Абай билагидан хиёл суяб турғизди-да:

— Дўст кўнгли парда ичида дўстларча очилаолади-ми, Салтанат?—деб ма'ноли қилиб кулиб қўйди.

Салтанатнинг олтин чўлписи гоҳ ингичка товуш чиқариб жиринглар, гоҳ шилдираб борарди. У эшикка томон Абай билан бирга, аста босиб келаётиб, мулойимгина кулиб қўйди.

— Бўлур бир пардадин юз парда бежо! — дейилган бўлса керак Сўфи Оллоёрда? Ҳаммадан ҳам ўша парда-ни йиртмайдиган сабрни айтайми, Абай!—деди. Йигит очган эшикдан орқаси билан чиқиб кетаётиб, ўзига ти-

Ғилиб турган йигитга қараб, порлоқ шахло кўзларидан нур сочилиб, кулганича хайрлашиб кетди.

Абай қизни кузатиб юбориб, эшик олдида гапга ту-
раркан: «бўлур бир пардадин юз парда бежо!»..— деб
такрорлади.

«Яхши гап айтди-да. Ўзини тутабдилиш ҳам, ақли
фаросати ҳам кам учрайдиган одамларга ўхшайди. Бал-
ки ҳаётимда бир дуч келган ўзгача қадрли одамим шу-
дир?»— деган хаёлга бориш блан бирга, ўзининг ҳали қиз
блан ўтирганда айтган гапларидан кўнгли ғаш бўлди.

«... Бунинг мен учун қилган ҳаракати бугунги қозоқ
қизларида кўринмайдиган хислат. Бу иши енгилтаклик-
дан эмас, одамгарчиликдан экан. Ҳали холи уйда ўтир-
ганида ҳам шу қадар тортиниб, сиполик блан одоб сақ-
лаб ўтирди. Бундай қилиш ҳам кўпларнинг қўлидан
келмайди!» — деб уни бошқалардан юқори қўйиб, кўн-
глида қизга нисбатан ҳурмат сақлади. Абай бу қиз блан
учрашувни ўзига бир синовдек билиб, ўз-ўзини тийиб,
қўлга олишни зарур эканини қайд қилди.

«... Бу одамга ёлғон айтишлик яхши эмас. Чин кўнгил-
дан айтадиган тилаги бўлса, софдиллик блан тўғри жавоб
бериши керак. Ҳаётда қимматли замондошларимнинг би-
ри бўларсан!» деб ўйлади. Энди Тишибой уйда кўп ҳаял-
ламасдан Иртиш дар'ёсининг у томонига ўтиб, ўша ерда
туришни ма'қул кўрди.

Эрбўл, Боймағамбет уччови Иртиш дар'ёсининг у юзи-
да, Қаримнинг уйда туришганига бирнеча кун бўлди. Бу
кунларда Абай кечаю-кундуз кўп вақтини китоб ўқиш
блан ўтказарди. Ҳаркун эрталаб Боймағамбетни олиб,
салт от блан шаҳарнинг ўртасига борарди. Иртиш дар'ё-
сининг бўйидаги тор кўчада, икки қаватли тош бино-
нинг олдида тўхтарди. Ўзи отдан тушиб Боймағамбетни
қайтариб юборар ёки қайтиб чиққанича ўша ерда қол-
дириб ўзи тош бинога — кутубхонага кириб кетарди.

Бугун бир керакли китобни олиб чиқмоқчи бўлиб Бой-
мағамбетни тўхтатиб, яна ўша уйга кириб кетди. Китоб-
хонанинг узун катта залида одамлар ўтиришган экан.
Абай ўша уйга кирганда ҳар столнинг атрофида иккита-
дан, учтадан бўлиб, китоб ўқиб ўтирганларга кўзи тушди.
Ёши улуғроқ кишилар, ёш йигитлар, хотин-қизлар, ўқу-
чи ёшлар ҳам кўринарди.

«Шаҳардаги энг олийжаноб жой — шу жой-да!» деб,
ҳалигиларга қараб хурсанд бўлганича кирган эди. Юзини

ажин босган, чўққи соқолига анча оқ оралаган, усти-боши юпингина кекса кутубхоначи Абайни танир эди. У, жилмайиб, гўё бир қадрли меҳмони келгандек, ҳурмат блан қарши олди.

Залнинг бериги четида мўйловларини бураб юқори кўтариб қўйган, жингалак сочли, юзлари йилтираган олифта бир чиновник ўтирган эди. У ёнидаги сочини причёска қилган, жуда яхши кийинган бир аёлдан кулимсираб турган кўзларини олмай, шу ерда ҳам хушомад қилиб ўтирарди.

Абай кутубхонага кириб келганда, ўша йигит ёнидаги кўркам аёлга Абайни кўрсатди. Залда ўтирган ўқучиларнинг бир нечтаси эшитарлик қилиб, товушини барала қўйиб кўпол бир ҳазил қилди. Бу ҳазили блан шу ерда ўтирганлардан бошқачароқ кийимда келган кенг чопонлик, саҳро қозоғи Абайни кесатмоқчи эди.

— Э, ажабо! Қачондан бери Гоголь кутубхонасига туялар киритиладиган бўлган?— деди.

Шу тобда Абай кекса кутубхоначи блан қўл бериб кўришиб, ўзига керакли китобни эндигина сўрамоқчи бўлиб турган эди. Ҳалиги кўпол гапни эшитиши бланоқ чиновникка ялт этиб совуқ ва ғазабли бир назар ташлади. Чиновникка яқин ерда ўтирган бир-иккита ёшроқ ўқучилар, унинг гапини қувватлаётгандек, беихтиёр кулиб юборишган эди. Лекин йигитнинг ёнида ўтирган ҳалиги тарбияли, гўзал аёл кулмади. Мовий кўзларида порозилик акс этган ҳолда жеркишомиз чиновникка қаради. Қовоғини солиб, қошларини чимирганича йигитнинг тарбиясизлиги учун қилқизариб кетди.

Абай дарров ғазабини ичига ютиб, ўзини босиб олди-да, чехрасида эрмак қилаётгандек, истеҳзо акс этган ҳолда кулимсираб чиновникка қараб туриб, дарҳол жавоб қилди:

— Чиновник мирза, туя кирса нима бўпти, бу ерда туя эмас, эшак ҳам ўтирипти-ку!— деди.

Чиновник бир қизариб, бир оқариб нафаси ичига тушиб кетди. Унинг ёнида ўтирган аёл хиёл орқасига ташлашиб, хандон ташлаб кулиб юборди. У, мамнуният блан Абайга кўз қирини ташлади-да, қўллари блан юзини яшириб китобга эгилди. Абайнинг гапини эшитган китобхонларнинг ҳаммаси қаттиқ кулиб юборишди.

Абай кекса кутубхоначидан «Русский вестник» журналининг маълум бир сонини сўради. Кутубхоначи журналининг ўша сони бировнинг қўлида эканини айтиб ҳам ул-

гурмаган эди, уларнинг ёнига ўрта бўйлик, пешонаси кенг, қалин қора соқолли бир одам келди. У ҳали Абай келганидан бери бу кутубхонанинг саҳродан камдан-кам келадиغان китобхонига зеҳн солиб, тикилиб турган эди. Абай блан енгилтак чиновник ўртасида ўтган можарони ҳам бошдан оёқ эшитиб турган эди. Энди ўша одам Абайнинг ёнига келиб:

— «Русский вестник» менда. Мен қараб чиқдим. Сизга беришим мумкин. Фақат бир нарсани билмоқчи эдим, сизга нима учун керак эди? Қайси жойини ўқимоқчи эдингиз?— деди.

— Ўша сонда Толстойнинг янги романи босилган экан, ўшани ўқимоқчи эдим!— деди Абай.

— Сиз Толстойнинг асарлари блан таниш бўлсангиз керак? Нега фақат ўшанигина сўраётирсиз?— деди ҳалиги одам.

Абай бу одамга қайрилиб қараши бланоқ унинг сиймосидан, кўринишидан синовчи назар блан ўзига зеҳн солиб турган бамаъни одам эканлигини пайқади. Мулойимгина жилмайиб, илтифот блан:

— Мен илгари Толстой асарларини оз ўқиган эдим. лекин рус халқининг ҳақиқий доно ва ақлли одами деб эшитаман. Ўша ақлли одам қандай ўғитлар айтар экан, шуни билгим келади!— деди.

Абайнинг янги таниши журнални унга бераркан:

— Кўп яхши истак. Мен сизни бундан олдин ҳам бошқа бир жойда кўрган эдим. Областное правлениеда. Тўғри, у учрашув кишини у қадар хурсанд қиладиган ҳолат эмас эди. Сизни мен илгари ҳам орқангиздан билар эдим. Бугун шу ерда учратишим, тўғриси айтсам, аввалгидан кўпроқ таъсир қолдирди!— деди. Ўзининг кимлигини билдириб Абайга қўлини узатиб,— танишайлик, Михайлов Евгений Петрович!— деди.

Абай дарҳол унинг қўлини олиб, қаттиқ қисганича:

— Ибрагим Қунанбоев. Мен сизни яхши биламан. Дўстларингиз менга сиз ҳақингизда кўп гапиришган эди. Танишганим учун беҳад хурсанд бўлдим!— деди.

Шундан кейин иккови кутубхонадан чиқиб, Иртиш дарёсини бўйлаб борадиган кўчадан пастликка қараб кетишди. Абай тумоғи блан қамчисини орқасига қилиб ушлаганича, чопонининг барини елпиратиб борарди. Иккови ҳам гапга тушиб кетиб, аста-секин кетаверишди. Абайнинг «бир рус блан сўзлашаман деб, кўча бўйи пиёда ке-

таётганини» ўринсиз деб билган Боймағамбет салт от блан уларга эргашиб кетаётир. Улар сув бўйидаги оқ тегирмоннинг ёнидаги узун тош бинога етишди. Михайлов парадний эшикни очди-да:

— Қани, бизнинг уйга марҳамат қилинг, яна бироз суҳбатлашиб ўтирамиз! — деди.

Боймағамбет Абайнинг бу уйда ўтириб қолишини билди-да, икки отни олиб Иртиш дарёсининг бўйига тушиб кетди. Михайлов кўп хоналик бинонинг эшикдан кираверишдаги, кўчага қаратиб солинган катта уйлардан бирида ёлғиз ўзи турар экан.

Шу учрашганларича Абай бугун кечга қадар Михайловнинг ёнидан кетаолмади. Унинг суҳбатидан ғоят мамну бўлганидан анчагина ўтириб қолди.

Абайнинг Михайловга шунчалар ихлоси ортиб кетишининг сабаби кўп эди. Бу кунларда Абай кўп сўзлашиб, кўп сирлашадиган маслаҳатгўй дўсти адвокат Андреевич бу одамни кўп та'риф қилган эди. Мана шу Семей шаҳридаги энг ўқимишли, кўп ақлли одам шу, деган эди. Андреевичнинг айтишича, Михайлов ўз ҳаётини халқ хизматига, халқ манфаатини ёқлаш йўлига бағишлаган. Ана шу йўлда подшо ҳукумати тарафидан гуноҳкор ҳисобланиб, ёшлигидаёқ жазога тортилган. Қамокни ҳам, сургунни ҳам кўрган одам. Лекин ўша тортишув йўлида «сургун бўлдим» деб орқага чекинган эмас. Аксинча қамокда ҳам, сургунда ҳам умрини русларнинг бебаҳо асл одамлари орасида ўтказиб, илм ва ма'рифатини аввалгидан ҳам ошириб олган. Замони келса, ўз халқининг илғор фикрли, пешқадам одамларидан бири, пешонасига битган ифтихори дейишга арзийдиган одам эди.

Андреевич шундай та'риф қилган Михайловни Абай ўз кўзи блан кўргани шу эди. Михайлов Абайдан шу кунга қадар рус тилида қандай китоблар ўқиганини сурштириб билиш блан бирга мустақил мутолаанинг фойдасини ҳам, ўзига хос қийинчиликларини ҳам айтиб берди.

Унинг сўзлари Абайнинг дилига худди шогирдининг кайфиятини яхши биладиган устоз сўзидек ўрнашарди. У Михайловга бир ҳазил қилиб:

— Менинг йўлимда учраётган қийинчиликларни шу қадар топиб айтаётирсиз. Гапларингиз бамисоли синган суякларни жойига соладиган, кўзи пишган, зийрак табибнинг синган жойини силаб ўтирган мулойим қўлига ўх-

шайди. Менинг бирқанча дардларимни ўзимга-ўзим айтиб кўрмаган тил блан англатаётирсиз!— деди.

Абай бу гапларни Михайловга русчалаб айтаркан, тутила-тутила ўйланиб, зўрға гапирди. Абай тутилиб қолганда, унинг русча нотўғри айтган гапларига қизиқиб, ма'носини дарҳол ўзи топиб олаётган Михайлов кулиб юборди.

— Сиз ўхшатишни жуда ўрнига қўясиз, топиб гапирасиз. Агар мен дуруст тушунаолган бўлсам, сиз бир нарсани иккинчи бир нарсага тенглаштириб айтганингизда тўсатдан жуда қизиқ мисоллар топасиз. Уни мен сизнинг Кошкин блан олишаётгандаги жавобларингиздан пайқаган эдим!— деди.

Абай ўзининг терговиди Михайлов ҳам бўлганини энди билди. Кошкинга ўхшаш улуғларнинг қозоқ халқига қиладиган қаҳри-ғазаблари, ўжарликларидан шикоят қилган эди. Михайлов Абайга ҳали чиновникларнинг кирдикорини билмаслигини ва ҳаддан ташқари содда эканлигини айтиб берди.

— Сиз чиновникларнинг Россия халқи ҳаётидаги зарарли, қабиҳ тўда эканлигини билмайсиз. Уша Петербургдан тортиб, то сизнинг Семипалатинск уездигача қўйилган чиновникларнинг ҳаммаси бир хил қолипга урилган деса бўлади!— деб қўлини силтаб қўйди.

— Сиз уларни қилган ишларидангина тўла билиб ололмайсиз. Кошкинлар блан қайта-қайта олишиб, ҳар гал бир ярим ойдан авахтада ётиб, уларнинг кирдикорини билиб чиқиш жуда қийин. Бу йўл узоқ ва машаққатли йўл. Мен сизга уларнинг ҳаммасини уруғ-аймоғидан тортиб, осонгина билиб олишнинг йўлини айтиб берай. Буларни ўлгидай шарманда қилиб, бутун сирини фош этиб, уларга беомон ҳукм чиқариб кетган Салтиков-Шчедрин деган ёзучи бор. Сиз унинг асарларини ўқинг. Шундагина ўзингиз кўрган чиновникларнинг сирларини ва ҳақиқий қиёфаларини яхши билиб оласиз!— деди.

Абай чиновникларнинг ҳаммаси бирхилда ёмон деган гап устида ўйланиб қолди. Чунки, ўзи мутлақо бошқача фикрда эди. У ҳамиша: «Одам боласининг ҳаммаси бирхил эмас, беш қўл баравар эмаску? Чиновниклар ҳам шундайдир» деб ўйлар эди. Шу фикрни Михайловга тушунтирган эди, Михайлов Абайга узромиз назар блан қараб туриб, кулиб юборди.

— Нақадар соддасиз, дўстим, Қунанбоев. Чиновникларнинг ҳаммаси — юқори мансабдагиси ҳам, паст мансабдагиси ҳам, ёши-қариси ҳам бирхилда!— деди.

Абайнинг ҳали ҳам бу гапга унча кўнгли бовар қилмай, тушунолмаётган турганини кўриб, Михайлов ҳам фикрини мисол билан аниқламоқчи бўлди.

— Бир хилда бўлишининг боиси шундаки, улар худди бир заминга, сепилган бир нав' донга ўхшайди. Уларни сепиб ўстираётган қўл ҳам битта, у ҳозирги подшолик тузуми!— деди-да, гапнинг уёғини очгиси келмай, сўзини тамомлади.

Абай, Михайловнинг фикрини энди англайбошлагандек бўлди. Лекин, ўзи билган одамларнинг ҳаммасидан бошқача сўзлаётган, юксак гоёли, мулоҳазали янги танишига фикрини очиқроқ айтдириш учун яна ўша ҳақда сўз очди.

— Сўнгги сўзингиз ма'қул тушди-ку, лекин чиновниклар орасида Лосовскийга ўхшаганлар ҳам борку. Кечаги ишда одиллик билан гапирди-ку!— деган эди, Михайлов гапни яна Абай кутмаган томондан бошлади.

— Хўп, Кошкин ёмон бўлгани билан Лосовский яхши демоқчисиз. Кошкинлар камроқ бўлса, улуглар фақат Лосовскийлар бўлса, бутун иш адолат билан юргизилган бўлар эди дейсиз-да, а?

— Тўғри, мен шундай деб ўйлайман.

— Лосовский ҳозир очиқдан-очиқ фойда келтирди. Агар шундай гувоҳлик бермаганда иш ёмон бўлар эди. Демак, у чиновникларнинг яхшиси эмасми деяётирсиз, шундайми?

— Ҳа, фойдасини кўзингиз билан кўриб турибсиз-ку.

— Тўғри, у мана шу ишда фойда келтирди. Ундай чакана фойдани бундан кейин ҳам келтираверади. Лекин халққа фойдали ишга ёрдами тегса, бундан буён ҳам фойдаланиш керак. Мен сизга Лосовскийга ўхшаган кишининг бундай одатларидан фойдаланишнинг кераги йўқ демоқчи эмасман. Фойдаланишга фойдаланинг-ку, броқ, унинг аслида ким эканлигини ҳам унутманг, билиб юринг демоқчиман.

— Унинг ишидан бошқа яна қандай асли бор?

— Асли бор. Унинг аслида нима эканлигини билгингиз келаётган бўлса айтақолай. Сиз уни бундай чакана ишларда эмас, халқ ҳаётига тааллуқи бўлган жиддий бир ишда синаб кўринг. Аслида нима эканлиги ўшанда

яққол кўринади қўяди. Лосовский кўп чиновникларнинг ичидаги оқ қарға холос,— деб Абайга қаради. Абай бу иборанинг ма'носига унча тушунаолмаган эди. Михайлов энди тушунтириб кетди.— Бизда, рус халқида шундай нақл бор: кўп қора қарға ичида оқ қарға бўлади, деб мисолга оладилар. Оқлигига қараб уни қарға эмас, хосияти зўр қуш деб ўйламанг. Кўриниши блан кўзни алдагани бўлмаса, у ҳам қарға, у ҳам қарғанинг ишини қилади. Қарғалигини қилмай қўймайди деб биладилар,— деди.

Абай Михайловнинг фикрига энди тушунганлигини билдириш учун қозоқларда бўлган бир мақолни айтди.

— Бизнинг халқда ҳам: «Қарға — қарғанинг кўзини чўқимайди» деган гап бор,— деди.

Михайлов хурсанд бўлганидан хандон ташлаб кулиб юборди-да, кейин жиддийлик блан сўзида давом этиб:

— Ростини айтсам, зоти қарға бўлгандан кейин кўзни бўямай қора қарғанинг ўзи бўлгани ма'қул. Халқ иши қарғаларнинг қўли блан тузатилмайди. Ҳамон шундай экан, Лосовский «оқ қарға» бўлиб, ҳалиги айтганингиздек сизни адаштирмасин. «Чиновникларнинг ҳаммаси шундай бўлса, бутун иш яхши бўлар эди» дедирмасин. Кишида беҳуда умид, алданиш туғдирганидан кўра, ҳақиқий қиёфасини кўрсатиб келгани афзалроқ. Қошкинга ўхшаб бўйни йўғонлик, ёвузлик қилиб, ўзининг рангини аниқ, равшан кўрсатиб тургани яхши. Шунда халқ уларнинг жирканч тусини очиқ кўриб, кимлигини таниб юради. Лосовский бўлса, ўзининг ярим шубҳали одиллиги блан беҳуда умид туғдиради. Сиз гап сиёсий тузумда эмасу, одамларда... деб ўйлайсиз-да. Бундай «яхши чиновниклар» подшолик деб аталадиган қарғалар тўдасининг ҳақиқий қиёфасини, кирдикорини кўришга халал беришади,— деди.

Абай бу гапларни жуда яхши тушунди. Илгари эшитиб кўрмаган, халққа шундай ғамхўрлик блан айтилган фикрни ҳайрон бўлиб туриб, севиниб тинглади.

Ўзига шунчалик ишонч билдириб, кўнгил сирларини гапирган Михайловдан миннатдор бўлиб ўтирарди.

— Сиз менга, бурун мен билмаган, қадам қўймаган янги оламнинг эшигини очиб кўрсатдингиз, шунчалик ишонч билдириб кўрсатдингиз. Мана бу суҳбатингиздан жуда катта сабоқ олгандай бўлдим,— деди.

Михайлов Абайнинг елкасига қоқиб, ўзининг унга оқ кўнгилли ишончли дўст эканлигини сездирди.

— Сиз сабоқни мендангина олманг, мендан кўра дў-
пороқ, мендан кўра чуқурроқ ўйлайдиган рус мутафак-
кирлари бор. Сиз сабоқни ўшалардан олинг. Мен сизга
шундай одамларнинг китобларидан бериб турай. Рухсат
этсангиз, бундан буён ўз муталаангизни оширишда сизга
ёрдам берай. Ўқишга иштиёқингиз зўр экан. Сизнинг
халқингизда ўқимишли одамлар ҳали оз. Тунов кун тер-
гов қилинган сизнинг ишингиз сингари ишлар юз бер-
ганда, халқингизга чин кўмакчи бўлиш учун кўп нарсаларни
билишингиз зарур. Кўп ҳақиқатни билиш шарт. Бу
йўлда рус китоблари сизга яхши дўстлик вазифасини адо
этади. Ишончли йўлдошингиз бўлади!— деди.

Абай Михайловнинг ўзига кўрсатган шунчалик ғам-
хўрлиги, самимий меҳрибончилигидан ғоят хурсанд
бўлди.

— Мен ўзимни сизга дуч келтирган тақдиримдан бе-
ҳад миннатдорман. Раҳбарлик қиламан, деган ва'дангиз
мен учун дўстлик, жуда катта дўстлик!— деди.

Шундан кейин Абай ҳар уч кунда Михайловнинг уйи-
дан топиладиган бўлиб қолди. Уларнинг эндиги ўтириш-
ларида суҳбат саҳро ҳаёти, ўша элнинг дарди-ҳасрати
устида ҳам бўлиб турарди. Бир кун сўзлашиб ўтиришар-
кан, Михайлов Абайдан бу йил Эралида бўлган можа-
ронинг асосий сабабини билмоқчи бўлди. Қочқин бўл-
либ юрган Уролбой ҳақида ҳам сўради.

Абай унинг аҳволини Михайловга жуда батафсил
айтиб берди. Уролбой блан Керимболанинг бир-бирига
бўлган муҳаббати ва элнинг уларга қилган зўрлигини,
икки ёшнинг тортган жабр-жафосини қаттиқ афсусланиб
ҳикоя қилиб берди. Ўша шафқатсиз жазо, оғир зулм
ерқасида Керимболанинг ўлиб кетганини ҳам айтди.
Уролбойнинг эса на давлати ва на бир қўллаб-қўлтиқ-
лагудек меҳрибони бўлмай, ғарибликда дарбадар бўл-
либ кетганини ҳам айтиб берди. Ҳар икки ёшнинг ўз
тенгдошлари ичида кўзга кўринган сан'аткор, ўланчи
бўлтаникларини ҳам қолдирмади. Ёрдан ажралиш доғи
Уролбойга жуда оғир та'сир қилиб, алам ичида ўч
олишга ундаганини Абайнинг ўзи ҳамиша қаттиқ афсус-
ланиш блан эслар эди. Чигал тугундек кўнглида сақла-
ниб ётган ўша ҳисларни ҳечкимга изҳор қилмай юрган
бўлса ҳам, бугун Михайловга ғоят усталик блан тасвир-
лаб берди. Ниҳоят, сўзнинг охирида Уролбой кўпларга
ўрнак бўладиган, ўзининг ор-номусини ҳимоя қилаолади-

ган, иродаси кучли, сергайрат азаматлардан бири деб баҳо берди.

— Бугун унинг оти босқинчи, йўл тўсар бўлди. Ҳақиқатда у фақат улуғлар учун ўғри бўлгани блан халқ учун — ҳаққоний ўч олучи, жасур йигит. Мана шундай дард ва алам орқасида босқинчи бўлиб кетган кишилар, менинг билишимча, рус халқининг тарихида ҳам борга ўхшайди. Булар улуғларнинг зулмига қарши курашучи, кирови мақташга арзийдиган азаматлар эмасми? Ҳозир барча халқлар фахр блан эслайдиган одамлар эмасми? Мен, қўлимдан келса, уларни ёқловчи, оқловчилардан бири бўлар эдим. Шунга сиз нима дейсиз?— деди.

Михайлов бу ҳикояни Абайдан кўзини олмай, ҳаяжон ичида ўтириб бошдан-оёқ тинглади-да индамасдан бироз ўйланиб қолди.

— Сиз бир гўзал ҳикоя айтиб бердингиз. Ёзучи одам бўлса, шу айтиб берганларингизнинг ўзини бутун бир китоб қилар эди. Агар ҳаёт учун, айниқса ижтимоий ҳаёт учун олсак, бу кўпчиликка йўл бўладиган кенг майдон эмас. Сизнинг жамиятингиз ҳали ёш-ку. Шу сингари, ёлғиз одамнинг якка ғалаёни ўзгача бир ҳаракатдек кўриниши мумкин, уни биламан. Брок бир йигит блан бир қизнинг ишқ можароси халқ курашига майдон бўлаолмайди. Ўч олиш учун қочқин бўлиб босқинчилик қилучилар ўрناق бўлолмайди!— деди.

Унинг шу гапларидан ҳам, Абайга қараганда анча чуқур ўйлаши кўриниб турарди. Асосли, чуқур ма'ноли гаплар. Абай ўзининг отаси Қунанбойдан тортиб, бутун қозоқлар ичида ҳечкимдан ўзини кам деб ҳис этмас эди. Андреевичдек адвокат ҳам ундан фақат илм жиҳатдан юқори эди. Аммо ҳаёт ва жамият ҳақидаги мунозарали масалалар устида далиллар келтириб тортишув олиб боришда Абайнинг ўзидан у қадар олисга боролмас эди.

Абай шу ёшга келиб, Михайловдек чуқур мулоҳазали, ҳарнарсга ақли етадиган, ижтимоий онги ўткир ва юксак бўлган одамни кўргани шу эди.

Уролбой воқиясидан кейин у, ўзининг Эрали жанжалига қўшилишига Михайловнинг қандай қарачини билгиси келди. Ўзининг эл-фуқаросини бошлаб келиб, Тентек Уяз блан қаттиқ олишганини хотирлади-да, дўстининг шу ҳақдаги фикрини сўради. Михайлов ўша он жавоб берди.

— Сиз бошлаб Қошкиннинг таъзирини бергансиз. Айниқса кўпчилиكنи йиғиб келиб, қўл остингизга жонли шоҳидларни тўплаб туриб, пайтини топиб жазолагансиз. Бу ишни чиниққан одамнинг усталик блан олиб борган тортишуви деб биламан. Сизнинг ишингиз Уролбойнинг ишидан енгил эдими? Бунга сиёсий тус бериб, сизнинг ишингизни зўр жиноятга айлантириб юбориш жуда осон эди. Лекин сиз томондаги гувоҳ ва далиллар кучли бўлди-ю, осонгина қутилдингиз. Яна халқингизда бирлик ҳам жуда кучли экан деб ўйладим!— деди.

Шундан кейин бу ўтиришда Михайлов Абайга область ва уезд маҳкамасида сўнгги кунларда бўлган янгиликларни айтиб берди. Бу кунларда Қошкин Семей уездининг бошлиғи вазифасидан олиниб, Усть-Каменогорскга уезд начальниги қилиб сайланипти. Унинг ўрнига — Семей уездига советник Лосовский тайинланипти. У, Абайга яхши назар блан қарайдиган, «адолатли» чиновникларнинг бири. Область правлениеси Лосовскийга тез кунда уездга қарашли элларга чиқиб, Қошкин ўтказасолмай келган бўлис сайловини қайтадан ўтказишни топширипти. Абайларнинг бўлиси Чинғизда, яна уларга қўшни бўлган Қўнғир Кўкшеда, Қизил Мўлада қайтадан сайлов бўлар экан.

Михайлов Абайга бу хабарларни айтиш блан бирга, энди Абайнинг Лосовский блан бирга элга чиқишини лойиқ топди. Элга зарар етказмайдиган ҳалол, яхши одамлардан бўлис қилиб сайлатишни маслаҳат кўрди.

Михайловнинг Абайга бундай маслаҳат бериши, энди унинг жуда самимий дўст бўлганлигининг шоҳиди эди. Абайнинг жони ачиб, доимо ғамини еб юрган элига энди Михайлов ҳам бирга ғамхўрлик қилабошлади.

Шу суҳбатдан кейин Абай Андреевич блан сўзлашиб, у орқали Лосовскийга боғланишди. Уяз сайловга чиқиб кетаётганида бирга чиқишга қарор қилди. Лосовскийнинг ўзи ҳам Абайнинг бирга чиқишини ма'қул кўриб, Андреевичдан айтиб юборипти. Шундай қилиб, Абай китобхона блан Михайловнинг ўртасида яна бир ойга яқин юрди. Гап шундай бўлгандан кейин Эрбўл блан Боймағамбет ҳам элни соғинганини кўп айтмайдиган, шаҳарнинг иссиғи блан чангидан аввалгидан кўра камроқ поллийдиган бўлишди.

Абайнинг кўп куни Иртишнинг у юзидаги Керимнинг уйида тинмай мутолаа қилиш блан ўтса ҳам, Эрбўл блан

Боймағамбет унй ба'зан қўярда-қуймай Иртишнинг бу то-
монидаги Тинибой уйига олиб келишарди. Салтанат ҳали
ҳам онаси блан ўша ерда эди. Абай бўйи еткан қиз блан
иккинчи марта яна Макишнинг холи уйида учрашди.
Қизнинг онаси блан Макишни қўшнилари меҳмонга айтиб
кетган, уй холи қолган бир кеч эди. Эрбўл Абайни жўрт-
тага шу пайтни мўлжаллаб олиб келдими ёки тасоди-
фан шундай бўлди, ҳарҳолда уйда ёлғиз қолган Сал-
танат блан бемалол ўтириб эркин сўзлашгудек фурсат
топилди.

Дераза олдидаги катта сандиқ устига ташлаб қў-
йилган гилам блан қалин кўрпачада иккови қатор ўти-
риб узоқ сўзлашди. Эрбўл блан Боймағамбет уларни
қўриқлаб, уйдаги хизматкорларни гапга тутиб, бошқа
уйларда чалғитиб юришди. Абайнинг шу қиз блан холи
ўтириб, бир нафас эркин суҳбатлашувини Эрбўл чин
юракдан истар эди.

Лекин дўстнинг нияти шундай бўлишига қарамай,
Абай қизни ўша дастлаб холи учратгандан кейин ўзини
тутишга аҳд қилиб, ҳали ҳам шу аҳдида турган эди. Уй
ичидаги қоронғилик қуюқлашиб, кечки майин шабададан
деразанинг пардаси аста тебраниб турарди. Ёшлар уйга
чироқ еқилишини истамагандек ўтиришарди. Қош қора-
йиб, қоронғи тушди, дераза ёнида ўтирганларни ўткинчи-
ларнинг кўзи илғамайдиган бўлди. Абай пардани қайи-
риб, дераза ёнидаги баланд кроватининг бошига таш-
лаб қўйди. Эрта кўтарилган сарғиш тўлин ой нури уйга
тушиб, қизнинг гулгун юзига тилиқ, оппоқ нур сочиб,
шу'лалантирди. Қизнинг рўпарасида ўтирган Абайнинг
ҳам қирра бурни, катта-катта кўзлари, қалам қошлари,
қуёшда қораймаган, ажин тушмаган оппоқ кенг пешонаси
ой шу'ласида ёрқин нур ичига ғарқ бўлганга ўхшарди.

Бугун қиз йигитни гўё эски қадрдони, яқин одамидек
ҳис этиб, ўзи очилиб гап бошлади. У Абайнинг уй ичлари-
ни, оиласини, элдаги ёрини сўради. Гап орасида Абайнинг
узоқ вақт шаҳарда туриб қолгани, у ердагиларни интизор
қилиб қўйгани, ўзининг ҳам уларни соғинган бўлиши ке-
раклигини одоб блан илова қилиб ўтди.

Абай ўзининг севгилиси Айгеримни кўп ўйлашни яшир-
мади. Бу ҳақда гапни қисқа қилиб, болаларини ҳам бир-
ма-бир айтиб берди. Айгеримга уйланиши ўз ҳаётида энг
мушкул ва оғир масалалардан бири бўлганини ҳам сез-
дириб ўтди. Сўнг Салтанатдан унинг ҳаёти, ҳозирги аҳво-

ли, келажакдаги орзулари ҳақида сўради. Қиз бугун Абай олдида сир сақлашни истамади. Узун-узун нафис бармоқлари блан сочпопугининг ипак шокилаларини дам ҳимариб, дам ўриб ўтириб, қалбидаги бор дардини Абайга изҳор этди. Қизнинг катта-катта қуралай кўзларида порлаб турадиган аланга гўё аллақайларга кетди-ю, аста сўниб ғойиб бўлди... Ба'зан кўзларини қисинқираб қарагандагина ўша соф жозибанинг билинар-билинемас сўник шу'ласи акс этиб қоларди. У Абайдан кўзларини олмай сўзлар, кўриб юрган эл йигитларидан ўзгача сезилаётган бу дўстига, ўзига ишонгандек зўр ишонч блан боқарди. Салтанат ўз қалбидаги, хафагазак бўлиб, мудом хотирини паришон қилиб турадиган дардларини ғамгинлик блан очабошлади.

— Мен ҳам ихтиёрли, ҳам ихтиёрсиз қафасда, тутқунда ётган бир бечораман. Кўплар буни билмайди. Исмиим Салтанат, юриш-туришим озод, босар-турарини билмайдиган эркаларнинг эркасига ўхшайман. Ихтиёрли қафас деганим шу. Лекин аслида, бизнинг элда, туйғун, лочин боқадиган овчилар ҳали ўргатиб бўлмаган қушларга ишонмай, оёғига узун ип бойлаб учиривади-ку, менинг озодлигим ҳам шу хилдаги озодлик. Эрта-индин бировнинг хасми бўлиб, бошим боғланиб кетиш олдида турибман. Шу йил кузда бўлажак куёв биринчи марта келмоқчи. Унинг ким эканлигини, қанчалик йигитлик заковати борлигини яхши билмайман. Кўп эшитгандирсиз, қозоқларда дарди ичида кетадиган қизлар озми? «Унга кўнглим йўқ, бошқа кимга берса ҳам розиман. Шундан мени озод қилсин» деб отамга ўз онамдан ҳам, мана бу кичик онамдан ҳам икки марта айтдириб кўрдим. Розилигини ололмадим. Ёлғиз қизман. Туғилганимдан бери кафтига солиб, шунга гард қўнмаса экан, деб ўстирган отам, онам — уям эди. Ҳали ҳам бошқа тўғриларидан асти райимни қайтаришмайди. Лекин қисматим шу бўлгандан кейин, ўз уйим ўзимга қафас бўлди. Келгусини ўйладим дегунча умидим биратўла узилади. Ҳатто ҳаётдан ҳам, бор умидларимдан ҳам воз кечишга тайёр бўлган онларим кўп бўлади. «Ё раббий, менинг бошимга хўрлик, тубанлик нўхтасини солгунча жонимни олсангчи, асти ўкинмайман, нолимайман!» деб тонг отгунча йиғлаб чиқадиган кунларим ҳам бўлади,—деб қиз нозик бармоқлари блан пешонасини ушлаб, бўртинган юзлари блан ёшлик кўзларига дастрўмолини босди.

Қиз бир нафас жим қолди-да, яна бошини кўтариб Абайга тикилганича бўғиқ ва қаттиқроқ овоз блан гап бошлади:

— Ёш қалбнинг дардларини биларсиз, Абай. Менинг ўрнимда қозоқнинг бошқа қизи бўлса: «Келгусини келганда кўрарман. Ҳозир ўз эрким ўзимдалик чоғида, ота-онамнинг бағрида давр суриб қолай, ўзимни ҳечнарсадан тиймайман» деб юраверарди. Алам устида бор бўлганича бўлар деб енгилтаклик блан ҳархил юришларни ғанимат биладиганлар ҳам бор. Мен шўрликнинг ҳэч бўлмаса қўлимдан шу иш ҳам келмайди. Бу кўнглимдаги эшикка катта қулф уриб, ўз қўлим блан ясаган қафасим. Келгусидан чўчишим, даҳшатим шу қадар кучликми дейман, ҳечбир ўйин-кулгига бир нафас бўлса ҳам очилиб ёзилиб, жоним-дилим блан берилаолмайман. Ҳамиша олдимда беш кундан кейин мени ютадиган бир зиндон ёки бир бўм-бўш олам турганга ўхшайди. Илон авраётган тўрғайдек қанот қоқиб туриб, ўша дамига тортаётган қоронғи зиндонга қулаб кетадиганга ўхшайман, холос. Ба'зан ялт этиб қалбимда бир қувонч пайдо бўлиб, ўзимни-ўзим биронта ёшга қизиқтириб, кўнгили кўябошлайман-у, яна тўсатдан қайтиб, турган жойимда тўхтаб қоламан! — деди.

Қиз яна сукут қилди. Икки ёш анча вақтгача жим қолишди. Абай шу дамгача ўзи эшитиб келган ёш қалблар дарди ичида шу сингари назокат блан шунчалик та'сирли, юракка бориб тегадиган қилиб айтилган дардни эшитмаган эди. Фақат бир русча китобда кимнингдир ниҳоят ёрилиб, бор ҳақиқатни очишга қарор қилиб, ўз ҳаётидаги яширин сирларни, аламли дардларни софдиллик блан изҳор этиб келиб: «Бу менинг исповедим» деганини ўқиган эди. Ҳечкимга изҳор этилмайдиган, фақат ўлим олдидан айтиладиган, яна бир мартагина ошкор этиб, шу блан тамоман сўниб кетадиган юрак китобининг тили шундай бўлса керак. Абай бироз эгилиб, қизнинг икки қўлини ушлади. Қизнинг иссиққина, ипақдек мулойим, хиёл терчиган кўлларини бир нафас қисиб турди-да, юзларига босди. Сўнг бармоқларининг учидан ўпди. Қиз астагина қўлини суғириб тортиб олди. Унга раҳми келган йигитнинг қалби ҳам қизнинг аламли дарди блан ғурбатга тўлиб кетди.

— Азизим Салтанат! Ҳаётимда шу кунга қадар юрак дардларининг сиз айтганингиздек асти эсдан чиқариб

бўлмайдиган қилиб айтилганини эшитганим йўқ эди. Сизнинг бу қадар ишонч блан тўғриси айтишингизга тўғри жавоб беришдан бошқа гапнинг ўрни йўқ. Бир оғиз сўз блан тўғриси айтмай, ёлгон айтадиган бўлсам, катта гуноҳ қилган бўламан. Мен сизга кўнглимдаги бор гапнинг тўғриси айтишим шарт, деб биламан! — деди.

Қиз астагина кўзғолиб қўйди. Борлиги блан йиғитга яқинлашиб, хиёл эгилди. Шу ҳаракати блан бугун Абайдан фақат тўғри жавоб кутаётганини билдирди. Абай гап бошлади:

— Сиз севмаслик азобини тортаётирсиз, Салтанат. Мен — ўз ҳаётимдаги, қабрга ҳам бирга кетадиган севгимнинг дардини тортаётирман. Шу кунга қадар бир он ҳам хира тортиб, унутилмайдиган юрак тонгим бор эди. У тонг — озгина вақт давр сурган икки интизорнинг ҳаёти эди. Менга насиб бўлмай, ой ботгандек ботиб кўзимдан пинҳон бўлган севгилим! Чин ма'шуқам — Тўғжон эди. Айрилганимга кўп вақтлар бўлди. Лекин шу онга қадар ҳатто хиёл жилмайиб кулишигача мудом кўз олдимда. Кўришган, учрашган чоғимиздаги озми, кўпми ёки шодланиб, ёки зорланиб айтган гапларининг ҳаммаси юрагимда, гўё ўз қоним блан ёзилган васиятномадек сақланади. Уша Тўғжондан айрилиб, ҳажрида алам тортиб ше'р ёзиш, куйлаш блан юрган чоғимда айтган бир мунгли созим сизга эшитилипти. Макиш уни сизга жуда ма'қул бўлди деб айтган эди! — деди.

Абай бир вақтлар Салтанатнинг илтимоси блан унга Макиш айтиб берган: «Ярқ этмас қора кўнглим...»ни эслатиб ўтди. Гап шу ерга етганда, қиз ўша куйни хотирлаб, бош ирғаб кўзларини хиёл қисди-да, ўйланиб қолди. Қиз бошини эгаркан, қулоғидаги олтин исирғасининг ҳарбир нозик шокиласи: «биз биламиз, шохидмиз, эшитганмиз» деяётгандек бирга эгилиб, силкиниб тасдиқлади. Абай сўзида давом қилди.

— Қалбим қовишмайдиган бир жонга тақдир қовиштирди. Бирнеча севиқли боланинг отаси бўлдим. Лекин ўша дард, ўша аламни унутмадим. Тўғжонни ўйлаб, тушимда кўраётган эдим. Борлик блан йўқлик орасида уйқу элтиб кўзим илиниб кетган бир вақтда, худди Тўғжонга ўхшаш бир қиз, ўша Тўғжон айтадиган куйни айтиб келиб уйғотди-да, мени ўша юпатди. Шодлигим ҳам, куйлайдиган куйим ҳам, эндиги ҳаётимнинг суянчиғи ҳам, ҳаммаси ўшанинг ўзи бўлиб қолди. Соф

бевгимизнинг шоҳидидек бўлиб ўзгача гўзал бир бола туғилди. Ҳозир одамларнинг назарида мен шаҳарда сабабсиз узоқ туриб қолгандай кўринсам ҳам, Айгеримни фоят алангали ҳислар блан соғинаман! — деди.

Абай шу гапларни айтди-ю, жим бўлиб қолди.

Салтанат бир қадар бўшашиб, ранги ўчган ҳолда ерга қаради-да, Абайга раҳмат айтаётгандек, та'зим қилиб, бош эгди. Ҳар иккови ўз кўнглидаги дардини очиб айтишганда ҳамдард чиқишди. Ортиқча дардлашишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Қиз учун Абай танҳо ўзига боғлиқ бўлмагандан кейин кўнгли таскин топмайди. Абайда бўлса енгилтак юриш-туришларга қизиқиб Айгеримга ёлғон айтгудек, бунга ярим ва'да бергудек ихтиёр йўқ. Ундай қилишни истамайди. Авахта эшигини ўз қўли блан очиб, ўз замонасидаги қозоқларга ғайри табиий кўринадиган бир одамгарчилик қилиб келган шу Салтанат эди. Шу ҳолатлар бу кунда элдаги йигитлардан бошқача бўлиб, янги фикр эгаси бўлиб келган Абайга қудратли амр қилиб ўзини тутишга мажбур этди. Шунинг блан ҳар иккови ҳам юрак дардларини очишни тўхтатишди. Ўз-ўзига сабр бериб донолик блан ўзини тутиб олган Салтанат, Абайга энди дўстона бир оҳангда иккинчи тилагини айтди. Енидаги дўмбирани Абайга узатиб:

— Ўша куйни ўзингиз астагина, фақат менинг ўзим учун айтиб беринг! — деди.

Абай дарҳол дўмбирани қўлига олиб: «Ярқ этмас қора кўнглимни» даставвал Тўғжонга айтилган сўзлар блан куйлаб берди. Кейин куйни ўзгартмай туриб, шу ғамгин кечни қўшиб куйлайбошлади.

Сиполик блан бошлаб, чин кўнгилдан айтилаётган янги сўзлар блан мунг тўкди. Ёруғ ой шу'ласи остида нурли чехраси блан ишонч билдирган дўстига кўнгил сирларини очди. Шу ёшнинг қайғуси асти унутилмас, шоирнинг сози уни кўп йиллар давомида чертар, қарздор дўстининг қалби уни асло унутмай, ўзгартмай кўп йиллар давомида сақлар. Айрилишиб, нома'лум йўллар блан кетганларида ҳам йигитнинг хотирида умрбод қоладиган, орзу қиладиган азизи бўлар. Сирларинг четга фош этилмас. Юракда бир ҳовуч жавҳардек сақланар. Очилмагани учун ҳечқачон ўз қиймати ва фазилатини йўқотмас... деб, юракдан айтилаётган янги ше'р, янги соз тўлқинланди.

Бу томондан бирор ишора бўлишини кутиб, даҳлизда ҳаракатсиз ўтирган Эрбўл, Абайнинг куйлаётган товуши

эшитилгандан кейин Боймағамбетга буюриб, шам ёқдириб келди. Абай ўланини тамомлаб қолган пайтда, Эрбўл шам кўтариб уйга кирди.

Эрбўл ҳали чиқиб келаётган чоғида Абай блан қиз дераза олдидаги сандиқда қандай ўтиришган бўлса, ҳозир ҳам ўша тахлитда ўтиришарди. Унинг устига Абай бамайлихотир ўтириб куйлаётир. Юзида Эрбўл кутгандек ўзгаришдан дарак ҳам йўқ. Эшикдан кириши блан икки ёшга, буларни худди энди кўргандек ҳайрон бўлиб назар ташлаган Эрбўлга ёшларнинг бу тахлитда ўтириши ҳам, чиройлари ҳам унча ма'қул бўлмади. У кутганича чиқмади. Уйга шам келтирилгач, Боймағамбет ҳам кирди. Ёшгина оқсоч хотин чойга дастурхон ёзабошладн. Бироздан кейин Макишлар ҳам келишди.

Эндиги ўтиришда Абай блан Эрбўл дам яккама-якка, дам қўшилишиб кўп ўланлар айтишди. Меҳмонга келган аёлларнинг, айниқса мезбон, Тинибойнинг катта хотинининг илтимоси блан бу икковни аёллар мажлисини қизитиб кўп хизмат қилишди. Бу суҳбат давомида Салтанат индамай ўтирди. Фақат тўбуқтили йигитларнинг Тўқай бўйи элида айтилганидан бошқачароқ қилиб айтадиган куйларига ўзгача ихлос блан қулоқ солди. Сипогарчиликни сақлаб, вазмингина ўтирди. Фақат тарқалиш вақтида, уй кўпчиликдан холи қолган бир пайтда, Эрбўл блан Боймағамбетнинг олдида:

— Шу кечнинг қандай ўтганини билмай ҳам қолибман. Назаримда, кўз очиб-юмгулча, бир лаҳзада ўтиб кетганга ўхшайди. Ҳечқачон ёдимдан чиқмас. Кўнглимда олқишдан бошқа гап йўқ. Орқангиздан аллакимларнинг биттаси бўлмасангиз керак, деб ўйлар эдим. Етишаолмаганим учун ўкинмайман, сизга бахт тилайман, умрингиз борица бахтли бўлинг!— деди.

Абай қизнинг нақадар иродаси кучли, нақадар зийрак эканлигини яна равшанроқ кўрди. Индамасдан қўлини куксига қўйиб бош эгди, сўз қотмади. Шу блан ҳаммасини билиб ўтирганини аңлатди. Йигитнинг ҳозирги ҳолатни сўз блан уқдиришга уринмагани Салтанатга ҳам ма'қул тушган эди. У энди нурли кўзлари ёшга тўлиб, киприк қоқмай, дераза олдида Абайнинг орқасидан узоқ вақт қараб қолди.

Абайнинг элга жўнайдиган вақти яқинлашиб қолди. Сўнгги вақтларда у деярли ҳар куни Михайловнинг уйига борар, унинг блан тез-тез кўришиб турарди. Иртиш дар-

ёсининг бу томонидан қайтиб, яна дўстининг уйига қараб кетди. Эшикни Михайловнинг ўзи очди. Унинг эғнида оқ канопдан тикилган юпқа ёзлик кийим. Ёқаси очилиб, кўкрагининг туки хиёл кўриниб турарди. Қўлида кўтариб юрган китобини ўқиганича келиб қарши олди. Абай блан кўришар-кўришмас қўлтиқлаб олди-да, ўзининг хонасига олиб кетаётди:

— Қунанбоев, мен сизга рус ёзучиларининг китобларидан ташқари яна кейинги ўтиришларимизда сўзлашган бошқа фанларга оид бирқанча китоблар ҳам топиб қўйдим!— деди.

— Қайси фанларни айтаётирсиз, Евгений Петрович?

— Умумий тарихдан! Европа тарихидан, яна географиядан. Қандай бўлмасин сиз шу йил ўқиб чиқишингиз зарур бўлган китоблар. Ярмини ўзим топдим. Яна бир қанчасини Гоголь кутубхонасидан, Кузьмичдан оласиз. Сизга атаб топдириб вақтинча олиб кетишингиз учун тайёрлаб қўйдим. Ўшани бориб оласиз!— деди-да, яна бир нафасдан кейин ўзи гап бошлаб:

— Менинг билишимча, сиз тарихдан унча-мунча хабардор бўлсангиз керак. Тарих илмларининг онаси-ку.

— Мен тарихдан фақат ислом тарихини, уни ҳам мад-расада дарс сифатида эмас, ўзимча уриниб-туртиниб бир ўқиган эдим. Лекин, Евгений Петрович, сиз блан учрашганимдан буён менинг шу кунга қадар илм деб, йиғиб-териб юрганларимнинг ҳаммаси ўз салмоғини йўқотиб қўйди. Назаримда гутунгами, буггами ўхшаб, учиб кетгандай бўлаяётир. Ўша ўқиган тарихимни бир асосий илмга ҳисоблашга ҳам иккиланиб қолдим,— деди.

Михайлов бу гапга кулди-да:

— Ундай бўлса, мен сизга айтайми, ислом тарихи ҳам билим, катта билим... Фақат қандай тарихчи ёзганлигини фарқ қилиш керак... — деб, Михайлов бугун шарқ халқлари, шарқ ҳақида Абайни гоё ҳайратда қолдирадиган кўп қизиқ янгиликларни айтиб берди. Шарқ халқларининг маданияти бутун дунё ма'рифатининг ривожланишига, инсон фикрининг ўсишига кўп асрлар давомида кўп озиқлар берган. Қадимги антик давр блан Европадаги уйғон-ниш даври тўғрисида бирнеча юз йиллар давомида фикрий тараққиёт тўхталиб, турғунлик вужудга келган. Ана шу бирнеча асргача давом этган қоронғиликни ёритган фақат шарқ халқларининг маданияти эканлигини айтиб ўтди. Қадим замон мадакий меросларини ўзида сақлаб

келиб, бугунги маданиятли халқларга ётказучилар шарқдан чиққан донишмандлар бўлганлигини эслатди. Буларнинг бугунги суҳбати шундай масалаларга кўчиш блан Абайнинг кўнглида ғоят қувонтиручи бир янги фикр тугдирди. Уни шу оннинг ўзидаёқ Михайловга айтди.

— Евгений Петрович! Тўғриси айтсам: мен кишилик жамиятининг билим хазинасида шарқ халқларининг ўз бир бўлак, бошқалар блан боғланиши бўлмаган бир олам деб билар эдим. Сиз менинг сочилиб ётган, бир-бирига алоқаси бўлмаган, бир-бирига қарама-қаршидек туюлиб юрган оламларимни туташтириб берадиган кўринасииз. Аслида ҳам адолат, ҳақиқат, ахлоқ масалаларида жамиятнинг манфаатини ўйловчилар озики? Ҳарбир замон, ҳар бир давр ва ҳарбир халқнинг насллар манфаатини, инсоният бахти-саодатини ўйлайдиган насиҳатгўй устозлари, ғамхўрлари бўлади. Гарчи «Улар турли тилларда сўзлашган бўлсалар ҳам туб мақсадга келганда, бир оқимга қуюлиб, бирлашмоғи керакку» деб ўзимча тахмин қилиб юрар эдим. Менинг шу кунга қадар «одамгарчилик» деб ишониб келган тарбиям, олган таълимим сиз блан мени осонгина таништирди. Бизларни шунчалик тез яқинлаштирган ҳам ўша бутун халқлар баҳам кўриб келаётган башарий хазина бўлди. Шундан биримиз тўла баҳраманд бўлсак, биримиз оз бўлса ҳам тотиб кўришимиз орқасида юзага келди!— деди.

Михайлов Абай қўзғаган бу масалалар устида асосли ва чуқур мазмунли фикрлар баён қилди. Михайлов ўзининг бугунги қиёфаси, кенг пешонаси, ўйчан катта кўзлари, силлиқ қилиб таралган узун қўнғир соқоли блан улўғ олимларга, доноларга ўхшарди. Бугун у Абайнинг назарида гўё бир файласуф устоздек кўринаётган эди. Узоқ суҳбатдан кейин Абайга тушунарли қилиб, унинг шу кунга қадар ислом ҳақида ўқиган билимлари тарихий билимга киришини аңлатди. Суҳбатнинг охирида Абайни янада ҳайрон қолдирадиган бир гап гапирди. У Абайнинг ўз халқи тўғрисидаги гап эди. Қозоқ халқи тарихида ҳам бу кунгача илм оламига маълум бўлмаган, балки Абайнинг ўзи ҳам ҳозирча қадри-қимматига етмайдиган фикрий хазинаси бордир, деди. Қозоқларнинг ҳам инсоният оламидаги фан ва маданият мулкига қўшилиши керак бўлган, ҳали ер остида ётган соф олтиндек сақланиб келаётган қимматбаҳо мероси бўлиши шубҳасиз, деди.

Абай бугунги суҳбатдан кейин Михайловни ўзига ав-

валгидан ҳам яқин ҳис қилди. Уни ўзига яқин қариндош, оға қиладиган юксак ғояларини англади. Хайрлашиб кетаётганда Михайловга:

— Бугун мен сизни ўзгача фазилатларингиз блан яна ҳам яхшироқ танидим, Евгений Петрович! Мен сизни фақат рус халқининг илғор ғоялари блан ма'рифатини ўзида сақловчи одам деб билар эдим. Ўзимни бўлса, бошқа бир ўлкадан — сиздан узоқда ётган, сизга ёт бўлган саҳродан келган одам деб ҳис қилар эдим. Қараб турсам, мана сиз ҳозир мени худди қўлимдан етаклаб, баланд довон устига чиқариб турганга ўхшайсиз. Барча давр, бутун замонларнинг, ҳамма халқларнинг маконини — қароргоҳини, адир ва водийларини кўрсатдингиз. Йироқдан бўлса ҳам одам боласи борки, ҳаммаси — гарчи бир-бирига узоқ бўлса-да, қардош эканлигини англатдингиз. Энди билсам, маданият олаmidан бегона халқ йўққа ўхшайди. Сиз менинг Тўбуқтимни ҳам ўша катта йўлдан четга чиқариб қўймадингиз. Шунини эшитиб, шодлигим ичимга сиғмай кетаётир. Мана шунини англаш менинг энг катта ўлжам бўлса керак! — деди.

Михайлов хандон ташлаб кулиб юборди-да, келиб Абайнинг елкасидан кучоқлаб, бир қисиб қўйди.

— Қунанбоев! Бизнинг дўстлигимиз ҳар иккимизга ҳам яхши натижалар берар, деб умид қиламан. Фақат кутубхонадан, Кузьмичдан қўлимни тортмайман деган ва'дангизга вафо қилинг! — деди-да, самимий дўстларча Абай блан хайрлашди.

Шу гал Абайнинг Семейдан бир арава қилиб олиб келган ўлжасининг қоқ ярми Михайлов айтган ёки ўзини топиб берган китоблар эди.

Лосовский сайлов ўтказгали саҳрога чиқиш олдидан Михайлов ўша Лосовский блан Андреевичнинг уйида учрашди. Ўша ерда Михайлов кўп хурсанд бўлиб, ўзини ҳайратда қолдирган саҳро йигити ҳақида гап очиб:

— Қунанбоевнинг илмга интилиши, илмга бўлган талаби гоят зўр. Бу иш — ба'зан ҳали камолга етмаган элнинг борлиғи блан берилиб, чин кўнгилдан қунт қилиб илм ёғдусига интилишини кўрсатади. Илмга нақадар ташна эканлигини билдиради! — деган эди, афтидан, Лосовский бу тўғрида Михайловга қараганда бошқачароқ фикрда кўринди, у:

— Евгений Петрович! Елғиз унинг талаби — бутун халқ талабини кўрсатмас, дейман. Халқини олсак, бу эл

ҳали рус маданиятига «шу қадар эҳтиёжм бор» деб англаган, уйғонган халқ эмас. Агар Қунанбоевнинг ёлғиз ўзили айтаётган бўлсангиз унинг йўли бошқа, лекин унинг илмга чанқоқлигида ёши улғайганда келиб, илмга уринадиган одамларнинг ҳаммасида бўладиган эҳтирос бордир! — деди.

Михайлов блан Андреевичнинг мақсади шу гал Лосовскийга Абайни яқинроқ таништириб юбориш эди. Шунинг блан яна ўзининг синчиклаб кўрабилиши, ҳақиқатпарварлиги орқасида қандай фикрга келганини айтиб келиб, Михайлов хулоса чиқараркан, сўзининг охирида:

— Қунанбоевда мени қизиқтирадиган бир фазилят бор. Кўп марта ҳамсухбат бўлдим. Бутун фикрини билдим. Шунда унинг оғзидан: «Адолат, халқ, халққа ҳалол хизмат» деган гап кўп чиқади, яна шу фикр унинг бутун руҳини қамраб олган. Ўзи шунини одамгарчилик йўли деб билади. Сахро вакиллариининг оғзидан бундай гап чиққанлигини сизлар ҳам кўп эшитмаган бўлсангиз керак. Албатта сизлар менга қараганда қирғиз саҳросини, халқдаги одамгарчилиكنи, уларнинг хусусиятларини яхшироқ биласиз. Лекин мени шу одамдаги гуманизм қизиқтиради. Бу одамнинг истиқболи қандай бўлишини билишга жуда қизиқаман! — деди.

Абайнинг ўзига айтмаган бўлса ҳам, бу кунларда Михайловнинг у ҳақдаги фикри мана шундай эди. Андреевич Михайловнинг гапига қўшимча қилиб Лосовскийга:

— Сиз қирғиз управительларини уқувсиз, гўр, тушунчаси тубан, муттаҳамлар деб биласиз. Ўша мансабга лойиқ одамларни ўзи яхши биладиган саҳродаги турғун одамлар ичидан Қунанбоев сизга топиб берса... Сиз бир гал ўшаларни сайлаб, синаб кўрсангиз қандай бўлар экан? — деди.

Лосовский бу фикрга норозилик билдирмади. Балки уни назарда тутишни билдириб бош ирғаб қўйди-ю, фақат:

— Қирғизнинг эл бошлиқлари бизнинг маҳкама ҳолимлари учун эмас, ҳатто Қунанбоевнинг ўзи учун ҳам қийин жумбоқ бўладиган кишилар. Мен аввалгиларга қараганда кейингилари мутлақо бошқача бўлиб, сахро ҳастига бирор янгилик киргизиб, тўғри йўлга солиб юборади деган ишончдан ҳозирча хорижман. Унсиз ётган бепоён қирғиз саҳроси, ўзим билган ўша сахро бўладиган бўлса, машаққати кўп беҳад мушкул сахро. Майли, бир тажриба қилиб кўрайлик. Натижасини бир-икки йилдан

кейин сизлар Қунанбоев блан шодланиб кўраолсангиз, мен шунга тилакдош бўлайин. Броқ ўзим яхши натижа беришга ишонаман деб айтаолмайман!— деб, салмоқ блан истеҳзо аралаш кулди-да, гапининг охирини мансабдорларга хос мағрурлик блан тамом қилди.

Бирнеча кун ўтгач Лосовский сайловга чиқди. Абай блан Эрбўл яйловдаги овулга Чинғизга хабар бергали Боймағамбетни юбориб, ўзлари Лосовский блан бирга Қизил Мўлага кетишди.

Лосовский бу гал Андреевичнинг уйида берган ва'дасининг устидан чиқди. Қизил Мўла, Қўнғир, Қўкше, Чинғиз бўлисидек уч бўлиснинг сайловида Абайни бир қадам нари юбормай, ёнида олиб юрди. Ҳамма ерда буларни ша'ни-шавкат блан кўп янги уйлар тикиб, қанча-қанча моллар сўйиб, зиёфатлар бериб, очиқ чехра блан кутиб олишди. Лосовский бу элларга Абайни ҳурматли одам сифатида таништирди.

Абай, уч бўлиснинг сайловига йиғилган элга бу сафар ғоят э'тиборли, зўр обрўй қозониб кетган кишидек кўринди. Эл-юрт уни бамисоли бир советник деб биларди.

Бу ишга Абай бош қўшгани учун бўлислик, бийлик, кандидатлик учун бирор ерда чурқ этиб жанжал кўтарилмади. Ҳамма ерда ҳам Абай аввало ўша элнинг эс-ҳушли, ҳалол одамлари блан маслаҳатлашиб олиб, шундан кейингина Лосовскийга: «Фалончини тайинлаш мумкин» деб, кўрсатилган одамнинг номини айтарди. Ўша одамларни ўтказарди. Шаҳарда юрганида, аввалги тажрибаси бўйича сахро одамларига ярим ишонч блан қарайдиган Лосовский шу гал бир ойлик сафар мобайнида Абайни ўзига яқин тутиб, яхши билиб олди. Анчагина ҳурмат ҳам қиладиган бўлди. Сайлов кунларида ба'зан Абайга ҳазил қилиб:

— Ибрагим Қунанбоевич! Мен сизнинг маслаҳатингизга кириб кўрсатган одамларингизни тасдиқлайвераман. Броқ, шу сайлаган одамларингиз ҳам аввалги бўлислардек порахўр, зўрлик қиладиган, ёлғон приговор берадиган, эл жанжалига бошлиқ бўладиган хиёнаткорлардан бўлиб чиқса, жавобини ўзингиз берасиз. Дўстларингиз Михайлов блан Андреевич олдидаги мас'улият сизга юкланади, — деб кулар эди.

Бу ишдаги жавобгарлик ўз гарданида эканини, уларнинг олдидагина эмас, халқ олдида жавобгар эканини ўйлагани учун, Абай бу гал мана шу уч бўлисга ҳечким-

Ҳинг хаёлига келмаган уч ёш йигитни сайлатди. Улар бўлисликка талабгор бўлмаган кишилар эди. Чингиз элига Абайнинг ўзи блан тенгдош, ёшлик чоғидан бери унинг одамгарчилигини, фе'лини ўзи яхши биладиган қадрдон дўсти, Тўғжоннинг акаси Аслбекни кўрсатди. Қунанбой авлодини, Иргизбой уруғини норози қилиб, Абай ўз элининг бўлислигини ўша Аслбекка олиб берди.

Қўнғир Кўкше элига бўлис бўламан деб, моли-дун'ё сарф қилиб, олишиб келаётган ҳам бой, ҳам ўжар, зўравон, ёш бўри — Абейни сайлатмай, унинг ўрнига «мўмин, эсли йигит» деб, Шимирбой деган йигитни сайлатди.

Қизил Мўлага бўлса — бўлисликни хоҳламайдиган, Абайга «умрбод самимий, тилакдош ини бўламан» деб юрган Исҳоқни сайлатди. Қунанбойнинг бу ўғли Абай блан бир онадан туғилган эди. Аммо Қунанбой уни Қудойбердига ини бўлсин, деб ёшлигидан Қункенинг қўлида тарбия қилдирган. Кейинчалик Исҳоқ кўпинча Такежоннинг пинжида бўлиб, фақат шу сўнгги йиллардагина Абайни софдил оға, деб чин кўнглидан дўст тутишга қарор қилган эди. Бир онадан туғилиб, бошқа-бошқа ҳаёт кечириб келиб, энди эси кирганда беғараз кўнгил блан топишган жигар бўлгани учун Абай шу Исҳоқни кўрсатди. Шу кунга қадар яхши танишлиги бўлмаган Матай элига Исҳоқни овули блан кўчириб келиб, шу элда бўлислик вазифасини адо этишни топширди.

Шу йил кўкламда Эралида тўсатдан чиққан ғалаён-дан бошланиб кетган «Абай блан улуғнинг тортишуви» ҳозирча шу йўсинда тамом бўлди. Абай енгиб чиққандай бўлиб, унинг халқ ўртасидаги обрўси яна ҳам ортиб кетди.





У Н К И Р - Ч У Н Қ И Р Л И К Д А

1

— Э-э-эх, Абай! Ҳаҳ, Абай-а! Асти еруғлик кўрма-гур! Чўли-биёбон, дашти-сахро, кимсасиз маконда ёлғиз қолдириб кетиб, тоза сарғайтирдинг-ку. На таниш-билиш, қавми-қариндош бор. На овул эгаси, на уй хўжаси, хотинга бош эга, болаларга ота дегудек ўзинг бор!.. Учинг бордек шу аҳволда қолдириб кетдинг-а?.. Кўзимизни пашшага ем қилдинг-ку! Худонинг иссиғи бу — осмон айланиб ерга тушган. Кундан-кун куйдириб, қовжиратиб турадиган қандай касофат манзил ўзи буниси. Бу азобларнинг ҳаммаси — сен туфайли, Абай! Ҳа, асти ёруғлик кўрмассан ҳали. Нима гуноҳим бор эди?— деб, Абайни барала қарғганича, овулни чарх уриб келаётган Дилда эди.

Дилда шу қарғганича келиб, Айгеримнинг уйига кирди. Уйда ёлғиз ўтирган Айгеримдан юқорироққа, тўрга чиқди. Ёши катта Дилда келгач, Айгерим ўрнидан туриб қарши олди.

Дилда бу кунларда анча қаримсиқ тортиб қолган, юзларини ажин босиб, чакак-чакаги қуришиб кетган. Қотма, новча жуссасидан эт қочиб, фақат суяг-у пай бўлиб озиб-тўзиб кетган. Аслида ҳам озғин, куйгунчак,

сертанвиш Дилда кўп туғишнинг оқибати бўлиб ҳақиқатда ҳам эрта қариб келаётган эди.

Ҳозир унинг Айгеримга эшитдириб, Абайни ерга уриб, қарғаб келиши одатдаги койишларидан бошқачароқ. Бугунги қарғишининг тагида катта гап бор эди. Кечаси шаҳардан келиб Дилданинг уйида ётиб, бугун тушга яқин яйловга чиқиб кетган Монос бир хабар олиб келган эди.

Абайни Алдекенинг қизи блан ёлғиз уйда ўтирган ҳолда кўриб, бунга ўзича бир ма'но бериб қайтган Монос, бу овулга яхши хабар олиб келмади. Дилда блан қўни-қўшни хотинлар, молбоқорларнинг олдида Абайдан койиб:

— Уша яйловнинг бошидан, тупкарнинг тагидан, куп демай, тун демай, етиб бор: «болам авахтада сарғайиб ётипти, эсон-омонлигини кўзинг блан кўриб кел!» деб кекса онаси мени юборган эди. «Шаҳарда азобу-уқубатда ётгандир!» деб халлос уриб етиб борсам, қаёқда, парвойи палак ўтирипти!— деб кўрганининг ёнига қўшиб-чатиб анча гапларни айтиб кетган эди.

Монос даставвал гап бошлаганда: «Дилданинг рашки келиб куюнади» деб, дудмалроқ қилиб гапирган эди. Кейин қараса, Абайнинг йигитчилик қилиб юрганини эшитганда, Дилда шодланиб қулоқ солаётганга ўхшади. Моносни кўярда-қўймай: «Қайнага, кўрган билганларингизни ҳеч яширманг! Мурод-мақсадингизга етинг, ҳаммасини айтиб беринг. Бирор гапни яшириб қолдирсангиз, худонинг олдига борганда бўйингизда қарз бўлади» деб, Моносга ёпишиб олиб, анча гапларни эшитиб қолди.

Монос эркак блан аёл кишининг ўртасида ноз, койиш, куйиш, кўнгли қолишдек нозик ҳислар бўлишининг фаҳмига ҳам етмасди. Ўзи ўлгунча қўпол, ҳафтафаҳм, дағал одам. Шаҳарда Абай блан Салтанат деразасига парда тутилган, ярим қоронғилатиб қўйилган холи уйда ўтиришганини кўрганда, ўзича бир хулоса чиқарган эди. Шунинг учун кечаси Дилданинг қисташи блан анчагина беҳуда гапларни ҳам гапириб келиб, охирида ёлғонни ҳам қистириб кетган эди.

— Мен Абайни қаттиқ койиб ташладим. Азбаройи жаҳлим чиққанидан ўша қизнинг олдида уришиб бердим. Келин, ҳарҳолда сенинг ҳақингни юборганим йўқ. Ҳа, уришмай қараб туради дейсанми? Ит ўз уядошларидан

құрқмайди-да. Мен гапирмасам, ким гапирадн у кишига! «Элда бола-чақанг қон ютиб, тун уйқусини тўрт бўлиб, хайри-худойи атаб ўтирипти. Ичган оши заҳар бўлиб турсин-да, сен бу ерда Алдекенинг қизининг қўйнида ҳузур қилиб ёт!» дедим, жаҳлим чиқиб кетди-да!— деган эди.

Дилда Моносни хўп гапга солиб, бор гапни эшитиб олиб, жўнатиб юборди-да, келиб ҳаммасини Айгеримнинг олдига тўкиб солди. Айгерим тушунаолмади, англаш ҳам қийин эди. Дилда Абай ҳақидаги бу маломат гапларни унга айтаркан, гоҳ кулиб қўйиб ўзини одатдагидан кўра Айгеримга яқинроқ тутиб, пинжига кириб ўтириб гапирди. Нима учундир терисига сизмай шодланиб, юраги қипидан чиққундай бўлиб сўзларди. Монос дўндириб келган маломат гапни ундан ҳам кўпиртириб юборди.

Дилда ҳалигидай маломат гапларни бошлаган пайтда, иссиқдан бўртиниб ўтирган Айгеримнинг ранги оппоқ оқариб, бор вужудидан совуқ тер чиқиб кетди. Бу гаплар хивич — новда блан юрагини савалаётгандай туюлди. Бармоқларигача музлаб кетиб, Дилданинг қўлини маҳкам ушлаб олиб, қалтираган ҳолда:

— Нима дедингиз? Нима деяпсиз? — деди. Бор бўйича Дилдага яқинлашиб, унинг юзига тикилган икки кўзидан ёш отилиб чиқди-ю, оқиб тушмай тўхтаб қолди. Уша катта-катта икки томчи ёш муздек қотиб, косасидан чиқаёзган кўзларида тўхтаб қолди. Уша битта саволни берганича Айгерим жим қолди. Даҳшат ичида ҳаяжонланган чехрасида гоҳ қон ўйнаб, қизариб кетар, гоҳ беҳузур тортиб бораётгандек ранги ўчиб кўкимтир товланиб турарди.

Эркакларнинг товушидек дўриллаган, дағал товушли Дилда Айгеримнинг юзидан кўзини олмай, ўчакишгандек бир гапириб, ўн кулиб сўзлаётир. Айгеримнинг тиззасига тиззасини тираб, энгашиб унга тикилганича:

— Айгерим, бу гапни эшит. Гапнинг каттаси ҳали буёқда... Уша учта арғимоқ қўшиб, ўзига эр излаб келган шаҳарнинг шаллақиси — ҳалиги жодугар Салтанат, Абайга: «Энди мени оласан!» деяётган эмиш. «Ким блан шанингга доғ тушган бўлса, ўша блан юв!», деган гап бор. «Сени авахтадан чиқараман деб эл-юртнинг юзига қарагундек ҳолим қолмади. Энди мени айтдириб қўйган кишим олмайди. Халқ-халойиқнинг ўртасида етти номусимни ерга букиб, ташлаб кетадиган кишинг мен эмасман.

Энди мени оласан!» — депти. Абай: «Саҳрода хотиним, болам бор-ку», деган экан, у: «Унинг менга оғирлиги йўқ, саҳронинг исқирт қизи менинг тенгимми? У ердаги хотининг менинг кулимдан кириб, косовимдан чиқиб юраверади. Сенинг тенгинг мана мен. Ернинг устидан келиб, остидан кетмайман. Мени оласан! Олганингнинг боши шу, бутун ёз бўйи овулга қайтмайсан, шаҳарда турасан. Сен блан танҳо ўзим тураман!» депти. Мана, Айгерим! Менку эрдан аллақачонлар умид узган кишиман. Бевафо Абай икковимизга уй солдириб, дашти биёбонга жотоқ қилиб ташлади-ю, қорасини кўрсатмай кетди борди. «Ёз бўйи шаҳарда юришинг бечиз бўлмаса керак!» — деб ўйлар эдим. Оқибат мана шу бўлди. Қирчишингда қирқилгурнинг: «Уйимга бориб етсин» деган хабари шу! — деди.

Дилда бутун гапни тўкиб солди-да, тантана блан чиқиб кетди. Айгеримнинг беғубор ёруғ уйини қопқора булут босди. Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтмоқда, ҳақиқатда ҳам Абайдан дарак бўлмади.

Абай уч бўлис элнинг сайловини ўтказиб, яйловдаги катта овулга, онасининг уйига келди-да, ўша ерда икки ҳафта туриб қолди. Авахтадан чиқиб келгани учун Абай оға-инилар, оналар, янгалар, жонкуяр қардошларнинг ҳаммасига тапсиқ эди. Ташлаб кетолмади.

Шундай қилиб, эл яйловдан тоғ бағирларига кўчиб тушабошлаган пайтдагина, ўзининг қачонлардан буён интизорлик чекиб, соғиниб келаётган овулига кетди. Фақат Боймағамбетнигина ҳамроҳ қилиб олди. Эрбўл бўлса, яйловда, ўз уйида қолди. Эл кузакда Ўйқудуқ атрофига кўчиб боргунча Абайдан айрилиб турадиган бўлиб, дўстининг розилигини олиб қолди.

Ўз уйига кетишнинг тараддудига тушган Абай икки-уч кундан буён жуда ошиқар, тоқати тоқ бўлиб борарди. Бошқаларга билдирмаса ҳам, Айгеримни соғиниб юраги арзиқарди. Тун кечада йўлга чиқиб Ўйқудуққа, Айгеримнинг уйига кетди.

Шу кеча Абай блан Боймағамбет кимсасиз, жимжит, хилват тоғлардан — Чинғиз тоғи силсилаларидан ошди. Эртасига ҳавонинг иссиғига ҳам қарамай, тушга қадар тоғ бағирлаб яна йўл босди. Йўловчилар кун қиёмга келганда Айгеримлар солдирган қистовга етиб келишди.

Абай бу қистовнинг пойдевори кўтарилган пайтда кетган эди. Энди келса, Оқшўқи тоғининг Қўруқ томонга чўзилиб кетган адрларидан бирининг этагида, кенг увада

катта бино, данғиллама катта ҳовлӣ бун'ёдга келипти. Абай блан Боймағамбет дарвоза ёнида отдан тушиб, йўлак эшикдан ичкарига киришди.

Боймағамбет узун далонга кириши блан, солинган бинонинг қадди баландлигини, тепасининг пишиқ ва мустаҳкам бўлиб ёпилганлигини мақтайбошлади. Абай аввало индамасдан, шошмасдан ўша далоннинг ўзини кўрди. Қишлиқ озиқ-овқат қўйиладиган иккита ҳужрани ва бинонинг ўнг томонидаги тепаси чодир қилиб ёпилган шўшолони¹ кўриб чиқди.

Бу ҳовли — Айгерим блан Успоннинг раҳбарлигида шу атрофда донг чиқарган дурадгор-бинокорлардан уста Тўра деган киши томонидан солинган эди. Бинонинг қурилиш режасини Абайнинг ўзи чизиб берган эди. Ҳарбир хонанинг эни ва бўйини, бир уйдан иккинчи уйга чиқадиган эшикларигача Абайнинг ўзи қозоғга чизиб, Айгеримнинг қўлига топшириб кетган эди.

Бесабр, шошма-шошар Боймағамбет, Абайнинг бамайлихотир юришига тоқат қилолмай, дам Абайдан олдин бошқа уйларга кириб, дам Абайнинг ёнига қайтиб келиб, чарх уриб юрарди. Абай ҳарбир хонанинг қай тахлитда кўтарилганини, сувоғини, бўйини, энини, ўзи бериб кетган режасини эсига тушириб, хаёлан солиштириб келаётган эди. Боймағамбет олдин кириб кетган ҳарбир уйдан қайтиб чиққан сайин:

— Абай оға, буёққа келинг! Ҳаммасидан ҳам мана бунисини кўринг! Шаҳар уйдан фарқи йўқ! Ости-усти тахтавонлик... Печкасини қаранг!..— деб, ичаги узилиб, мақтаб юрган уйларга келди. Бу уйларга келганда жуда хурсанд бўлди.

Хоналарнинг ичида энг яхшиси — ўртадаги катта уй экан. Қадди баланд, кенг, ёруғ уй бўлипти. Бу уйнинг кираверишида узун, кенг даҳлиз. Орқа томонида шу даҳлиздан кирадиган ичкари уй. Ҳар уй ҳархил шаклда солинган. Энг катта уй тўртбурчак шаклида бўлса, ичкариги уй узун, кенг қилиб солинган. Абай блан Айгерим бу уйларни Дилда ва унинг болалари, меҳмон-изломи, болаларининг домласига атаб солдиришган. Бир нафасдан кейин Абай ўзи блан Айгеримга атаб солдирилган кичикроқ уйга чиқди. Абай, Айгеримга аталган уйнинг эшигини ҳалиги даҳлизга чиқадиган қилиб чизган эди. Айгерим у

¹ Қазн ислаш учун солинадиган махсус ҳужра.— *Ред.*

режани ўзгартириб, уйнинг эшигини бу томонга қаратмай нариги томондан очдирипти-да, ўша томонга бир даҳли солдирипти.

Абай Айгерим киритган ўзгаришдан айб топмай, гўри тушунди. Ҳарнафас Дилданинг кўз олдида кириб-чиқаверишдан тортиниб, бир қадар холироқ бўлай деган бўлса керак деб ўйлади. Унинг уйлари ҳам кўнгилдагидек кенг қилиб яхшилаб солинган экан. Абай Айгеримнинг тўрдаги уйида хийла вақт туриб қолди. Соғинган севиқли ёр тушагини кўз олдига келтириб, хаёлида кроватни шу уйдаги печкадан юқорига ўрнатди. Қизғиш кўк шойи чимилдиқ тортиб, ўз кўзидан ўзи яшириб қўйиб, узоқ вақт ўйланиб турди.

Ҳали ҳам тиним топмай, учиб қўниб юрган Боймағамбет чарх айланиб ҳовлини ҳам кўриб келди. Ўзи учун ва бошқа хизматдаги қўшнilar учун солинган уйларгача бирма-бир кириб, уларни ҳам мақтаб келди. Абай энди унинг орқасидан юриб, ҳовлини ҳам шошилмасдан яхшилаб кўрди. Соя-салқин янги уйларда айланиб юриб, анча дам олди. Мол қўранинг эшиги алоҳида. Унинг олд томонидида туя қўра, узун қилиб солинган оғилхона бошқа-бошқа. Яна шу ерга ёндаштириб солинган иккита алоҳида қўра. Томнинг ҳар ер, ҳар еридан туйнук очиб солинган қўра — қўйхона экан. Катта эшик қурилган қўра отхона экан. Ёз фаслида қистовга ташлаб кетиладиган буюмларни қўйиш учун солинган кенг омборнинг тепасини чодир қилиб, катта уйларга туташтириб солинипти.

Абай блан Боймағамбет туш оққунча ҳовли жойини айланиб, яхшилаб кўриб чиқишди. Ҳали келишлари блан қудуқ бошидаги новдан суғориб, эгар-жабдуғини олиб, тушовлаб юборилган отлар йироқлаб кетипти. Абай ўша отларни олиб келиш учун Боймағамбетни юбораркан:

— Хайрли бўлсин! Сен блан мен бу жойларнинг қанча меҳнат ва қийинчиликлар блан солинганини билганимиз ҳам йўқ, Боймағамбет! Бу уйларни бизнинг йўқлигимизни билдирмай, ҳормай-толмай солдириб қўйган Айгерим азамат десангчи! — деди.

Шундай деди-ю, уйнинг деворига суяниб, сояда ўтирган еридан ирғиб турди.

— Отни олиб кел, тезроқ уйга етайлик! — деди, Айгерим блан болаларини соғиниб кетганидан.

Боймағамбет ҳа деганда отни олиб келавермади. Тушов кенгроқ қилиб қўйилган экан, икки от адирга чиқиб,

йироқлаб кетипти. Тоқати тоқ бўлиб бораётган Абай анча махтал бўлиб қолди. Айгеримни ўйлаганича, хуноб бўлиб, ҳамроҳини кутиб ўтирди...

Ёлғиз овул. Яйловга чиқмай, кимсасиз хилват дала — Эрали блан Ўйқудуқда қолган. Бу овул — ҳозир сарғайиб, ҳаёт сўниб, файзи кетган саҳрода, гўё унутилиб қолган бир бўлак ҳаётга, ҳаёт-тирикликнинг билинар-билинимас аломатига ўхшарди. Атроф жимжит, мангуга сукут сақлаб ётган бепоён дала, сарғайган, хазон урган кимсасиз дашт. Мана шу бўм-бўш саҳронинг эртагидек, чин эртаги эмас, кўкимтир туманга чулганган эртаги сингари ҳарорат ортган иссиқ кунларда лип-лип этиб, ёйилиб бориб ўзгариб, тўлғониб ўйин тушиб турадиган кўкимтир сароб кўринади. Ҳозир Абай ўз овулини тахминан ўша ерда бўлса керак деб, Ўйқудуқ даласига тикиларкан, ўша кўкимтир сароб алвон турланиб, унинг нигоҳи блан ўйнашарди. Сарғайиб ётган далани «хилват, мудҳиш, бўм-бўш, дашти-биебон» дейишга йўл қўймай, унга ҳаёт бахш этиб, турли-туман ажиб зотлар блан тўлдиарди. Англаб бўлмайдиган — ажиб жон эгаларига тўла қилиб кўрсатади... Сароб алдайди. Сароб — хаёл сингари. Йўқдан юпанч туғдириб алдайди. Гоҳ Эрали, Ўйқудуқлар, беҳисоб кўк гумбазлар қад кўтариб турган шаҳар блан тўлгандек бўлади. Гўё саройлар ўрнашгандек кўринади. Гоҳ бир тўп қорамтир нарсалар ердан узилиб бориб, кўк саҳнида муаллақ туриб ҳаёт кечирабошлайди. Гала-гала подаларми, тўп-тўп чангалларми? Сочилиб ётган бениҳоят кўп хулёлар ўша йироқдаги кўкимтир туман ичида дам у томонга, дам бу томонга югуришарди. Юз товланиб тўлғониб: «буёққа, буёққа» деб қўярда-қўймай чорлаётгандек, қаровчининг нигоҳини тортиб, уни ўзига мафтун этарди.

«Хаёл сингари, умидбахш сароб шу бўлса керак! Ушанинг кўзга кўринаётган жилваси, дам ўтмай айниб, алвон турланиб, ўзига тортиши шу бўлса керак!» деб ўйлади Абай. Кимсасиз дашти-биебонда ёлғиз қолган одамнинг ёлғизлигини эрмак қилиб, ўйнашаётган ўша юпанчиқни тамоша қилади. Лекин бу гал ўша хаёлий олам ичида, кимсасиз дашти-биебонда ёлғиз овул бўлиб қолган — ўзининг кичкинагина овули, ундаги гўдаклари, ёлғиз қолган гўзал ва ёш ёрини меҳрибонлик блан соғиниб эсга олди.

Бўй тортиб кетган филғон ўнг томонда эсаётган майин шабада остида тебраниб турарди. Кумуш тўлқи-

нидск ба'зан ялтираб, хиёл шувиллаб эшитилар-эшитилмас бир садо чиқарарди. Кўз илғар-илғамас даражада аста тўлқинланиб турган майда тўлқинга ўхшарди. Гўё бутун саҳро охори тўкилмаган оқ шойи парда остида ётгандек товланиб, оппоқ денгиз каби тинмай тўлқинланиб турарди. Куз яқин бўлганидан филғон оқиш тусга кирган, эрмон сарғайган. Кўкламда яшил баргаклар чиқариб, кўк чечак отадиган дашт қуврайи ҳам қақшаб қизғиш тусга кирган. Унгиб ўчган ранглари блан даври ўтиб бораётганини, сўниб бораётган ҳаёт ва умиднинг нақадар ҳолатдан кетганини кўрсатарди.

Узоқда кўкимтир тортиб, мук тушиб ётган Шўлоқ Терек адири кўзга чалинарди. Ўйқудуқнинг шаҳар томонидаги, қорайиб чўзилиб ётган йўл ўтадиган оқиш узун довонлар: Қасқабулоқ, Шўлпон адирлари кўринарди. Бу ерларнинг ҳаммасида элсизлик... Ўлик оламдек унсизлик, хазон урганлик ҳукмрон эди. Абай ўз-ўзидан етимсираб, юраги увишиб кетди. Шу бепоен дун'ё, кимсасиз оламнинг сирларини ўйлаб кетсанг, киши мудом ёлғизлик ҳис этади. Ўша мудҳиш ёлғизлик Абайга шу ерда қаттиқ билинди. Юрагини санчиб кетгандай бўлди. Овулини, у ердагиларни аввалгидан ҳам кучлироқ қумсаб, зориқиб ўйлади-да, юришини жадаллатди.

Шу кайфиятда бораркан, Абай ўзининг аввалги бирқанча оташин ҳисларидан хулоса чиқарди. «Шу сингари дашти-биёбон, кимсасиз саҳрони ватан, макон этган қозоқ халқининг аҳволи нақадар мусибатли? Мана шу эгасиз катта дун'ё ичида ҳарким ўз ҳолича, чор-ночор, ёлғиз-ёлғиз овул бўлиб ўтириши бу. Ҳозирги қозоқлар яшайдиган ерларнинг ҳаммасининг кўриниши шу. Ҳаммасида эл оз, эгасизлик кўп. Муқим бир макон, маданиятли шаҳар йўқ. Олти ойлик дашти-биёбонда, мана шу чўли саҳрода, қурумсоқ хотиннинг кенг дастурхонга сочиб ташлаган бир ҳовуч бўғирсоғидек сочилиб ётган паноҳсиз эл...» деб ўйлади.

Абай Ўйқудуқдаги овулига қуёш ботмасдан хиёл олдин, салқин тушган пайтда етди. Овулга яқинлаб келишганида, буларни таниб, олдиндан севинганича югуришиб болалар чиқишди. Катталар эшик олдида чиқиб қарши олишди.

Абай эшик олдида кутиб турган бир тўда одамларнинг ичида юрган Айгеримга қайта-қайта назар ташлади. Қелиб, Абайнинг отини чилвиридан ушлагандаёқ,

Абайнинг назарида Айгерим бетоб одамга ўхшаб кўринди. Ранги-рўйини олдириб, озиб-тўзиб кетганга ўхшади. Бошқа вақтларда гулгун ёниб, ҳуснига ҳусн қўшиб турадиган нафис қизиллик ҳозир ўчиб кетгандай кўринди. Абай, олдидан югуришиб чиққан Абиш, Гулбодонларнинг юзидан ўпиб кўришди-да, Мағашни кўтариб олди. Айгеримдан туғилган, худди Айгеримнинг ўзига ўхшайдиган уч яшар ўғли Турошни етаклаб олди.

Абай уй ичи, қариндош-уруғларнинг соғ-саломатлигини Дилдадан сўради-да, сўнг Айгерим блан сўрашди.

Абай ўз кўнглини асир этиб, соғинтирадиган латофатни Айгеримнинг чеҳрасидан тополмай ўтирарди. Айгерим озиб, сўлиб қолгангина эмас, кўнглида оғир бир ранж ётган кишидек жуда ма'юс ҳам эди. Абай эшикдан бирга кирган Кишкене Мўлда, Дарқон, Башейларга ўхшаш, қўни-қўшнилар яна Дилда блан ҳол-аҳвол сўрашиб ўтираркан, дам ўтмай Айгеримнинг юзига назар соларди. Зеҳн солиб кўрса, Айгеримнинг юзи дам оқариб, дам кўкимтир товланиб кетаётир. Ба'зан юзидаги қизғиш нури хиёлгина зеб бериб, гўзал чеҳрасига чиқардию, бир лаҳзада яна сўниб кетарди. Кейинчалик сўрашга Абайнинг сабри чидамади. Айгерим совуқ қотаётгандек бир қалтираб кетганда, Абай унинг кўзлари жиқ ёшга тўлиб турганини пайқади.

— Айгерим, буёққа қарачи!— деди.

Гарчи ўртада гап бўлмаса-да, бир-бирининг руҳий ҳолатини юракдан сезиб ўтиришган эди. Эрининг зийраклигини бир лаҳзада англаган Айгерим, ўша онда севгили ёрининг аввалгидек интизорлик чекканини пайқади. «Шуни сезганингга ҳам қувондим!» деяётгандек очиқ чирой блан боқиб, мулойимгина жилмайди.

— Нима дейсиз, Абай?— деди ялт этиб қараб.

Кўзларида тўхтаб турган ёш, ялт этиб қараши блан гавҳар доналаридек думалаб кетди. Абай сесканиб, чўчиб тушди. Кайфи учиб ҳаяжон ичида хотинининг юзига тикилиб:

— Айгерим! Жоним, тобинг йўқми дейман! Сепга нима бўлди ўзи? Юзингда бирор томчи қон қолмаптику, қандай аҳволга тушиб қолгансан?— деди.

Икковининг ўртасида ўтирган Дилда дўриллаган дағал товуш блан олдин жавоб қилди.

— Тобинг йўқми эмиш?— деди кесатиб кулиб юбориб,— шукур. Ҳамманинг тани-жони соғ. Фақат ташвишдан соғ

эмас. Ҳали эшитарсан, бу дардларга ўзинг сабаб бўлдинг, биларсан, Абай!— деб яна кулди. Абайдан норози бўлиб ранжиганини, ҳамиша хонаси — пайти бўлар демай, шартта бетига айтаверадиган Дилда, ҳозир ҳам томдан тараша тушгандек, тарс этиб айтиб қўяқолди.

Уй ичидагилар Абайга анча катта гуноҳ ортишаётир. Семсйда узоқ туриб қолгани учун айблашаётган кўринади. Абай сабр қилиб, дамини чиқармай қўяқолди-да, аёлларга қарамади.

Айгерим блан Абай ўртасида шу кунга қадар бирор оғиз кўнгил қоларлик гап ўтмаган эди. Ҳечқачон кўнгил бузилмас, ҳечқачон соф севгисига гард кўнмас, деб юрган ёрининг юрагига бу тикан қандай қадалди, қанча қийнади?

Бу гапларни Абай кўпчилиكنинг олдида очишни истамади.

Болалари, хизматдаги қўни-қўшнилари блан овқат пишгунча унча-мунча суҳбатлашиб ўтирганида, гап фақат солинган қистов устида кетди.

Шу кеча тонг отгунча Абай блан Айгерим ухламади. Қайғули, дарди-аламга тўла тунни кечиришди.

Айгеримнинг қалбига ранж ва рашк ғоят қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Абай блан ёлғиз қолган он, бир-икки оғиз гап блан, Монос келтирган хабардан сўнг юрагида пайдо бўлган жароҳатни очди. Бор вужудини ўртаётган рашк ўтида ёниб ўртанганича, ўксиб-ўксиб йиғларкан:

— Айнидингиз! Бевафолик қилдингиз, Абай! Бу уйни бахт-саодатимнинг олтин саройи дер эдингиз. Жони-жаҳонимни ўртадингиз. Бу дардларга энди даво топилмас. Мен кўз ёшим блан бўламан. Уйингизнинг чироғи сўнди. Борлигимни шу бедаво дард енгди. Қалбимдаги жароҳатларга даво, аламли дардимга шифо бўлгудек сўз топаолмайсиз. Яхшиси, оғиз очмай қўяқолинг!.. Менинг куним битди!— деди-ю, тўшак устида, Абайнинг оёқ томонида ўтириб олиб, қаддини кўтаролмай, бутун кечани йиғлаб ўтказди.

Абай: «Моноснинг гапи беҳуда, ёлғон гап!» деб ўзини оқлайдиган сўзларни кўп қийналиб айтди. Бирнеча бор интилиб, Айгеримни бағрига босиб, шашқатор ёш оқаётган кўзларидан ўпса, кўз ёшларини ютса ҳам, севишли ёрини юпатаолмади.

Айгеримнинг бу қадар кўнгил нозик, қаттиқ гина сақлайдиган одати борлигини авваллар сезмаган экан.

Энди қанчалик қийналмасин, уринмасин, юпатаолмаслигига кўзи етди. Эндиги ҳаётида суянчиғидан айрилгандек, ич-ичидан зил кетди. Гўё бутун орзу-истаклари емирилиб, вайрон бўлаётган ҳаётини кўргандай бўлди. Шундай хаёлларга боришга юраги бетламай бўшашганича узоқ вақт ўйлаб қолди.

Оппоқ тонг отиб, ўтов устида бўзтўрғайлар чириллаб, алвон турли товуш чиқариб сайрайбошлади. Айгерим аввало хўп ме'ёрига етгунча йиғлаб, оғир дард тортаётган бемордай инграб, «уухҳ!» деб хўрсиниб юборди-да, сўнг қаттиқ озор топган кўнглининг аламларини тўкиб солди.

— Хотин шўрликнинг куни қурсин. Қурсин-у, кул бўлиб кўкларга совурилсин! Йиғлашдан бошқа нима чораси бор? Фақат шу кеча тонг отгунча тинмай оққан кўз ёшларим беҳудага кетмас деб қўрқаман. Шу кеча шу кўз ёшларим блан «қалбимдаги сизга бўлган бор бебаҳо ҳисларимни, бор севгимни ювиб чайқаб ташладимми» деб, чўчиётирман. Назаримда на сизга, на ўзимга ачинмайдиганга ўхшайман. Айтмай илож йўқ. Сиздан на бирор ҳақиқатни, на бирор сирни яшириб кўрмаган эдим. Айтайин... Кўксимда на юрак, на аланга бор. Шу кунларда ҳаммаси сўнди-да, бир бўм-бўш оғулик ҳаёт қолди, холос. Ҳаммасини шу кўз ёшларим ювиб кетди!— деди.

Айгеримнинг тонг атгунча ёрилиб Абайга айтган гапи шу бўлди. Қуйиб-ёниб ўтириб изҳор этаётган дардини у ўзининг эндиги маш'ум тақдири деб билар эди. Абай гўзал ва иродали ёрини бугун аввалгидан бошқачароқ таниди. Унинг ҳалиги айтган гаплари қат'ий ҳукм эди. Бу гаплар икковининг шу кунгача кечирган беғубор, бахтли кунларига айтаётган алвидо' эди. Ёнбошлаб ётган Абайнинг кайфи учиб кетди, отилиб туриб Айгеримга тикилди-да:

— Сен нима дединг? Қайт бу гапингдан! Қайт бу хоҳишингдан! Ўтмишда ҳечқандай гуноҳим йўқ эди, ҳеч бўлмаса ўшани ая. Қелгуси кунларимиз порлоқ деб ишонаман, уни қурбон қилма. Бу тилинг блан бахти-саодат йўлини кесма, қайт, ҳозир қайт!— деб ёпишиб ёлворди.

Айгерим тундиги ёпиқ турган уйга кирган кўкимгир тонг ёғдусида аввалгидан ҳам ранги ўчгандай, гезариб кетгандай кўринарди. Гўё мутлақо индамасликка қарор қилгандек Абайнинг ёлворишларига жавоб қилмади.

Ўша жавоб бермаганича Абайни ўз тўшагида қолдириб, тонг отгунча мижжа қоқмай ўтириб чиққан Айгерим ўрнидан сирғилиб пастга тушди-да, бошига яланг қават қора шойи камзлини ёпиниб, оқариб келаётган салқин тонгга юз тутди. Қалбини қора доғлар қоплаган қайғули ёр бошига қора шойи камзлини ташлаган куйича оқ уйдан чиқиб кетди.

Орадан кўп кунлар ўтди. Айгерим ўша кечадан сўнг, бир хилда, қаттиқ куйиб-ўртаниб, кўнгли совиб кетганича асти исимади қўйди. Абай бу ранж-аламни унинг кўнглидан сра чиқараолмади. Икковининг ўртасига биринчи марта тушган бу совуқчилик кўтарилмади.

Абай учун Айгерим меҳрли ва қимматли ёр эди. Энди эса, ўртага туганмас дард, битмас жароҳат сингари бўлиб асти исимайдиган совуқчилик тушиб қолди. Аслида бу кўнгилсизлиkning тагида бошқа бировнинг хиёнати, бўҳтони ётарди. У Дилданинг ҳаракати эди. Абай умрида биринчи марта ич-ичидан тутоқиб, қаттиқ ўкинди. Ўз хатосини, тузатиб бўлмайдиган хатосини энди англади. «Дилдани жўнатмай, биратўла ажралишиб, кўчиртириб юбормай туриб нега олдим, нега энди Айгеримни олдим-а...»

«...Бошқа кўп хотин олган, нодон, дағал, хиёнаткор эрларнинг қилмишидан менинг нимам ортиқ бўлди! Энди жазонгни торт! Ўз қўлинг блан ширин ҳаётга ўзинг оғу солдинг, энди жазонгни торт!...» деб хуноб бўларди.

Шу сингари кўнгли вайрон бўлган сайин Абай бир мунис, бир ҳамдард изларди.

Кечаю кундуз оғир сукутни бузмай, ёлғиз, сиқилганича китобдан бош кўтармас эди. Айгеримнинг ўтовида китоб кетида китоб бошлаб, эндиги нафаси шу бўлиб қолгандек симириб ютаверди. Шаҳардан олиб келган китобларининг деярли ҳаммасини ўқиб бўлди. Сўнг Боймағамбетни икки марта шаҳарга юбориб, Кузьмичдан хуржун-хуржун китоблар олди.

Бу кунлар Абай учун кўнгил кузи бўлса, унинг кўнглига тортгандек табиатнинг ҳам ғамгин, салқин кузи келди. Эрали ва Ўйқудуқда ёгингарчилик бошланиб, тиниқ осмон тез-тез қора булутлар блан қопланиб турарди. Сари Орқадан эсган совуқ изғириндан узоқ кечаларда шудринг тушиб чиқадиған бўлди. Чинғизнинг ёнбағирларида, ораликларида қишлаб, ёз фаслини яйловда ўтказадиган беҳисоб эл, кўп овуллар куз фаслини ўтказиш учун

бу кунларда Абайнинг овули турган мана шу ерга келган эди. Қунанбой овуллари ҳам Уйқудуқ, Қасқабулоқ, Оқшўқи сингари ўти мўл ўтлоқлар, сувга сероб қудуқ ва булоқлар бўлган жойга келиб ғуж бўлишган эди. Ҳамма мана шу салқин куз кунларида молини тўйдириб, семиртириб олишнинг пайида.

Ёз бўйи ёлғиз ўтирган Абай овулининг атрофига ҳозир беҳисоб овуллар кўчиб келди. Бир-бирига яқин қўнган овуллар қўршаб олди. Зиёфатга, меҳмон-изломга юришлар қизиб кетди.

Фақат Абай блан Айгеримгина ҳечқаерга бормас, уйдан эшикка чиқмас эди. Китобдан бошини кўтармай, барчадан бегона бўлиб қолган Абайга бемаҳал тушган куз салқини эшикда ҳам, уйда ҳам барабар билинабошлади. Ба'зан кеч пайтларида иши бўлмаса ҳам, мол оралаб келишни баҳона қилиб, отга миниб ёлғиз ўзи чиқиб кетарди. Бошини қаерга уришини билмай ёлғиз гангиб юриб-юриб, қайтиб келарди. Шу ёлғизликни гўё ўзига муносиб тақдирдек кўрарди. Гарчи оғир бўлса ҳам, кўникиб қолган дардини тортаётганга ўхшар, кўпчилик ичига кириш ва гап-сўзларга аралашишдан шу ёлғизлигини афзал кўрарди.

Фақат, ба'зи кунларда қош қорайиб, қоронғи тушгунча эшикда: «Қани энди битта-яримта келиб қолса!» деб кимнингдир йўлига кўз тутаетгандай бўлиб юрарди. Шу кайфиятда юаркан, ба'зан ўзига ўзи:

— Шу менинг мудом кўз тутиб, кутаётган бир одамим борга ўхшайди-я... Назаримда худди ўша олдимга келадиган, кўнглимни кўтариб, умидли, бахтиёр кунларга етаклаб кетаётганга ўхшайди. У ким бўлиши мумкин? Мен кимни кутаётирман? У фақат Айгерим бўлса керак эди-ку. Ёки у яна менга кўнгил қўядими? Қайтадан очилиб-қувониб табассум ичида яна ўзини бағримга ташлайдими? — дер эди... — Эҳ, ким билади? Мен орзу қилаётган хёлларга у яна қайтиб келадиганга ўхшамайди. Яна ким бор? Мен кимни кутаётирман ўзи? — деб қўярди. — Ҳеч бўлмаса, Эрбўл келса эди. Шу сингари бошим ғамдан чиқмай қолган кунларда ҳеч бўлмаса қошимда ўша ҳам йўқ! — дер эди.

Қаттиқ боғланиб қолган дўстини куз кунларининг шундай ғамгин оқшомида жуда соғинаётганини сизди. Эрбўлнинг ўзи учун қанчалик қимматли эканини эндигина аниқ билгандек, аввалгидан ҳам қадри ортгандек бўл-

ди. Уйлаб кўрса, Эрбўл блан иккови бирқанча йилларни неча ойлаб бир-биридан ажралмай, самимий дўстликка доғ туширмай, жуда ширин ўтказишган экан. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуқларини баҳам кўришиб, мардликни намоёниш қилучи кўп доvonлардан ҳам бирга ошишган экан. Икковининг ҳам то шу кунгача кечган умри худди йиртилмаган эндек бирга кечирилган умр экан. Сўнгги йилларгина бу икки дўстни шу кунлардагидек ёки қишда, ёки ёзда узоқ муддатга айирадиган бўлиб қолган эди.

Абай Айгеримни олган йилларда Эрбўл ҳам Дамелига уйланган эди. Унинг ҳам Турош блан тенг Исмоғул деган ўғли бор эди. Зотан Абай Эрбўлнинг оиласи ҳақида дўстининг ўзидан кам ўйламас эди. Бир вақтлар Суюндик овулининг четидаги уйлардан бўлган, соғарга сигир, минарга улов сўраб, қардошларнинг олдида бўйин эгиб юрадиган Эрбўлнинг қашшоқ оиласи айна замонда анчагина молга эга бўлиб, қаддини тиклаб олган. Бу кунларда Эрбўл Суюндик овулининг атрофида юрмайди. Абайнинг бу дўсти кўпчиликнинг ўртасида э'тиборли бўлиб қолган ва ўзининг камбағал қардошларидан 7 хонадоннинг бошини бириктириб, ўшаларнинг ўртасида бешқанотлик оқишроқ уйда яшайди. Соғиладиган моли ҳам, от-улови ҳам ўзига етарли. Бунинг устига Абай қошида ойлаб бирга юриб, ўзининг кичкинагина овулига қайтганда унча-мунча қора мол, қўй ва эчкиларни ҳайдаб келиб, хўжалигига қўшиб турарди.

Абайни шунчалар соғинтираётган дўсти Эрбўл кўпчиликка эргашмай, ҳозир Қорашўқидаги қистовида қолиб, молининг қишлик пичанини ғамлатиш, қистовини қишга ҳозирлаш блан овора эди. Абай дўстини қаттиқ соғинаётган бўлса ҳам, унинг тирикчилик ғамида майда-чуйда ишларни битириб юрганини яхши билар, шунинг учун ҳам сабр қилиб чидайверар эди. Агар ишларидан қутилгудек бўлса, Эрбўлнинг ўзи ҳам бирор кун чидаб туролмай, дарров етиб келишини яхши биларди.

Сўнгги кунларда Абай тез-тез уни эслаб тоқати-тоқ бўлиб, йўлига кўз тутаётганини гўё Эрбўл ҳам Чинғизда, узоқда турган жойида сезаётгандек бўлипти. Оғир сукунат босган уйда шам ёқирилиб, Абай кундаги одати бўйича эндигина қўлига китоб олган ҳам эди, тўсатдан ўтовнинг эшиги очилди-да:

— Хайрли кеч! — деб, лоп этиб Эрбўл кириб келди. Абай қай алпозда ўрнидан турганини ўзи ҳам пайқамай

қолди. Отилиб бориб Эрбўлни қучоқлаб олганича, тўр-га бошлаб келаётиб:

— Э, бормисан, келе! Сен бўлмасанг, ҳаво ҳам етиш-маётгандек, диққи нафас бўлиб кетаман. Қани ўтир, ечин. Айгерим, кўрпача сол! — деб дўстининг атрофида парвона бўлиб, болалардек қувонди.

Эрбўлни кўриб Абайнинг шунчалик шодланиб учиб-қўнишидан Айгерим кулиб юборди. Бир нафас уларга қизиқиб қараб турди. Абайнинг ўртага совуқчилик туш-маган пайтлардаги муомалаларини хотирлади. Агар бир кун кўрмаса, худди шу зайлда шодлиги ичига сиғ-май қулоч ёзиб кўришар эди. Ўша аланга сўнмаган пайтларни кўз олдига келтириб, Абайга раҳми келди. Тўсатдан кўнгли исигандек бўлдию, яна сўнди.

Айгерим илгари ўзининг бахтли чоғларида Эрбўлга ўз оиласидаги шодликни тўлдиручи, қувончга-қувонч қўшу-чи дўст деб қарар эди. Ҳозир кўнглида ғашлик туғилди. У, эр-хотин ўртасига тушган совуқчилик ва Абайнинг ўзга сирлари Эрбўл блан боғли эканини ўйлашдан келиб чиқди. «Менинг шўрим Салтанат» деб юрган Айгеримга бошига тушган кулфатнинг бир чеккаси Эрбўл орқали келгандек туюлди.

Одатда рашк енгган ёш юрак адолатсиз, инсофсиз бўлади. Ба'зан жонидан азиз, бебаҳо ҳисларни ҳам ар-зон-гаровга бериб қўя қолади. Ўша рашк қийнаётган Ай-герим ҳозир Эрбўл блан бир-бирининг устида жонини фидо қилиб кўришаётганларини ҳам Салтанат учун деб билди. Тили бир, сири бир бўлгани учун, деб тушунди.

Лекин Эрбўл шу кеч, Айгеримнинг ўзига ҳам, Абай блан буларнинг атрофидаги оқсоч хотинлар — овул одам-ларига ҳам бир шодлик олиб келди. Айгеримнинг уйида қимизга оғзи тегди-ю, хушчақчақлик блан ҳазил қилиб:

— Чойинг блан овқатингни боплайвер, Айгерим! Қора-шўқидан саҳарда Дамелининг чойини ичиб чиққанымдан буён туз тотганим йўқ. Мен Дилдага кўришниш бериб бо-лаларнинг юзидан ўпиб келмасам, Олшинбойнинг қизи эртагаёқ ўпкасини қўлтиқлаб юмма-талагани туради. Бо-риб кўришиб келай. Сен ҳам менга кўзингни кўп олайти-раверма! — деб, Айгерим блан Абайни ҳам кулдириб юборди. Ўз овулидек бўлиб кетган Абайнинг овулидаги ҳамма уйларга бир бошдан кириб, катталарга салом бериб, кўришиб чиқди-да, анча вақтдан кейин қайтиб келди.

Ўтириши бланоқ уйдагиларга бир янги хабарни айтди. Эртага, Эсқўжа овулида тўй бўлар экан.

Қиз узатилади. Шу атрофдаги бўйи етган қизлар ичида ғоят эрка, гўзал ва тарбияли Умитей узатилар экан. Куёв — Кўкше овулидаги Қоратойнинг қариндоши, Олатойнинг ўғли — Дутбой деган йигит. Бутун Ўлжай ичида ўланга усталиги, гўзаллиги ва одоблилиги блан донг чиқарган Умитейнинг узатиладиган чоғи етипти. Абай овулидаги янгалар, тенгдош қизлар, ёру дўстларнинг ҳаммаси Эрбўл келтирган хабарни зўр қувонч блан қарши олишди.

Шу кеч бу овуллардан тўйга айтишга одам ҳам келиб қолди. Эртасига Айгерим бошлиқ бирқанча аёллар тўп-тўп бўлиб Эсқўжа овулига кетишди. Тушга яқин Эрбўл блан Боймағамбетни олиб Абай ҳам тўйга борди.

Абайлар аввало тўй келаётган овулнинг катта уйига кириб, Эсқўжага салом бериб: «Муборак бўлсин» деб, табриклашди. Ошни ҳам ўша уйда ейишди. Меҳмонларга атаб беҳисоб уйлар тикилган эди. Овули хўп безатилган экан. Эсқўжанинг уйида ўтирган Абай ва Эрбўллар, куёвлар ўтирган уйдаги базмда куйлаётган қиз-жувонларнинг нафис овозлари, куйлари, ўйин-кулгиларини эшитиб ўтиришган эди. Бир вақт эшикда тўсатдан шовқин-сурон кўтарилиб, бу уйда ўтирганларнинг диққатини жалб қилди.

Афтидан, эшикда ажойиб бир ҳангома бўлаётганга ўхшайди. Эшик олдидан югуришиб ўтаётган ёшлар ҳам кўринабошлади. Болалар қий-чув кўтаришди. Ба'зибир ёши улғайган, ўрта яшар аёллар, эркаклар ҳам бунга қизиқишаётир. Ҳовлиқиб югуришиб, барала:

— Ҳай, уни қаранглар, соллар келишаётир!

— Бу қандай шавкат-а?

— Кийимларига қаранг, кийимларига?!

— Ана униси сол оғаси... Ҳаммасининг қўлида уқпар тақилган дўмбира. Бу бир ўзгача юриш экан-да.

— Киройи юрсанг шуларга ўхшаб юр! Эрка сол-серишлар шулар-да. Юришларини қаранг!

Болалар ҳам қизиқишиб, товушларининг бориचा қичқиришиб:

— Телпаклари ҳам худди савкеле¹га ўхшайди-я!

¹ Савкеле — узатилаётган қизга кийдириладиган, марварид кокиллар тақилган бош кийими. *Ред.*

лаётган йигитлар блан қизлар тўдаси яқинлашиб келганда, товушлари ҳам қўшилиб, куй яна ҳам янграб кетди. Ўз тўпи блан Умитей ҳам «Жийирма бес»нинг нақаротига қўшилди. Шу нақаротни айтиб бўлишлари блан икки томон аралашиб кетди. Йигитларнинг қўлтиғида келаётган оқ рўмолли жувонлар аста-секин сирғилиб чиқиб кейинги сафга ўтишди. Олдинги сафга, Бойтоснинг ёнига ҳам икки қиз ўтди. Бошқа солларнинг ҳам қўлтиғида биттадан нозанин, хушчақчақ қизлар келишмоқда.

Соллар овулга яқинлаб келишганда, уларнинг олдидан чопар бўлиб, яроғ-аслаҳа таққан ясовуллари келишган эди. Улар анчадан буён овулни тўс-тўполон қилишаётир. Куёв уйида ўтирган нозанин жувонларни салларнинг олдидан олиб чиққанлар ҳам шулар эди. Жувонлар келганда солларнинг ҳаммаси отдан тушиб, ҳалигидай шавқ-завқ блан пиёда куйлаб келишаётган эди.

Сони қирққа етадиган солларнинг олдида ўнтача ясовуллари бор. Эгнида олабайроқ тўн, кўлларида йўғон ола камчи, отармон-чопармонлари экан. Ҳозир соллар ўртадаги безатилган ўтовга қараб юз тутганда, ясовуллар йўл бўшатабошланди. Қамчи ўйнатиб, болалар, катгалар демай, зирқиратиб, йўл очишмоқда. Тўйга келганларнинг кўпчилиги солларни тамоша қилгани чиқишган. Абайлар ҳам шу ерда эди. Куёв томонидан келган тўйбошиларида тортиб, меҳмонларгача шу ерга йиғилишган. Лекин ясовуллар учун ҳозир ўз солларидан қадрлироқ меҳмон ҳам, улуг ҳам йўқ эди.

— Пўшт! Пўшт!

— Қоч нари!

— Четроқ тур!

— Овлоқ! — дейишиб, қуми-тупроқдек меҳмонларни икки томонга сидириб, ўтов бўсағасигача йўл очиб қўйишди. Қатордан чиқиб сафни бузучилар кўринса, ясовулларнинг ранги ўчиб, қони қочиб ғазаб блан ўқрайишарди. Деярли ҳаммаси паҳлавон, саралаб олинган чапдаст йигитлар қамчи блан ба'зиларининг оёғига, орқасига тасир-тусир савалаб юборишарди.

Лекин уларнинг дарғазаб бўлиб қилаётган дағ-дағасидан халқ ранжимас эди. Қамчи еганларнинг ҳам аксари кулгиликка олиб қочишар, кўнглига оғир олмас эди. Соллар тўпининг олдида — баланд бўлиб, қизғиш чўққи соқолли, хиёл қирғий бурун, сариқ мағиздан келган Бойтос. У тамошабинларнинг биронтасига илтифот қилиб, қиё

боқмайди. Икки қиз икки томонидан елкасига қўл ташлаган ҳолда келиб, уйга кириш олдидан Бойтос дўмбирасини яна бир дабдаба блан осмонга кўтарди. Бояги «Жийирма бес»ни, шу дамгача гўё яширин сирларини изҳор этаётгандек, дўмбирадан мунгли садо чиқариб куйлаб келаётган ўланчилар тўпи янграган овоз блан баравар кўтаришди. Қиз-жувонлар ҳам солларга қўшилишди. Соллар тўпининг энг орқасида келаётган қорасоқолли оға соллар ҳам қўшилишди. Бутун тўп ўландаги мана шу та'сирли нақаротни такрорлаганича, тантана блан аста-секин қадам ташлаб келди.

Йўл очиб, икки томонга сидирилиб турган қуми-тупроқдек халқ ичида сон-саноқсиз отлиқ тамошабинлар ҳам бор эди. Кўринишда ўзгача бўлган соллар, оддий халқ ичида бамисоли чет вилоятдан келган бир тўп, бошқача одамларга ўхшарди. Амир блан Умитей бошқалардан олдинроққа, Бойтоснинг орқасига тушиб олган. Бу икковининг овози бошқаларнинг овозидан ўзгача эшитиларди. «Жийирма бес»ни бошлайдиганлар ҳам, янграгиб тўлқинлантириб бориб такрорлайдиганлар ҳам Амир блан Умитей. Соллар йўл бошлашни Бойтосга топширгани блан, куй бошлашда Амир блан Умитейга бўйсунитарди. Иккови ҳуснда ҳам, хулқи хушликда ҳам, бир-бирига мос тушган эди. Солларнинг тили блан айтганда: «тангри қўшгандек» қиз блан йигит мана шу ҳолида оддий, тотув дўстлардек эмас, «оҳ» деса ўпкаси кўрингудек бўлиб, эндигина топишган, эндигина бахт-саодатга эришган жигар сўхталарга ўхшарди.

Камчат телпагига тақилган уқпарни, қимматбаҳо тошларидан тортиб, кичкина бежирим оёқларидаги учи ингичка ихчам амиркон ковушигача ҳуснига ҳусн қўшган гўзал Умитей келмоқда. Унинг гулгун чеҳрасида тегилини топиб, ҳозир, шу оннинг ўзида бахт бўсоғасидан хатлагани келаётгандек шодлик жилааланар, шафақ қизиллиги ўйнарди.

Амир ҳам бошқа соллардан ўзгача. Унинг ҳам баланд ва келишган қадди-қоматига, сут блан суғоргандек оппоқ юзларига ҳаворанг шойи тўни жуда ярашган. Эндигина сабз қилиб келаётган қопқора мўйловларининг ораси хиёл терчиган. Нурли юзлари, катта-катта кўзларида чексиз шодлик порлаб, Умитейнинг юзларига сиғинаётгандек тикилганича келар, кўзларига ундан бошқа ҳечким кўринмас эди. Куйини ҳам фақат Умитейга бағишлаётир. Қизнинг оппоқ тишлари хиёл кўриниб, шодлик наш'асини су-

раётгандек кулимсираб, ла'ли лаблари хиёл титраб турарди. У ҳам бир нафас кўзини олмай, Амирнинг юзига қиё боқиб, гул-гул ёниб келаётир.

Иккови ҳам бир-бирига борлиғи блан берилиб, жонини фидо қилгудек бўлиб келишар, шу онда яна бирор ҳаракатга мажоли келса, албатта жимгина ўпишиб, қотиб қолишган бўлишар эди. Севгининг дастлабки ҳароратли қучоғида, кишини ихтиёридан айириб кетадиган алангали бўса бўларди, холос.

Эрбўл буларга қараб, дамини чиқармай кўздан кечириб борди.

Абай ҳам Эрбўл пайқаган кайфиятни сезиб қолди шекилли, аввал қизиқиб қараб турган одам, тўсатдан орқасига қайрилиб кетақолди. Эрбўл блан Боймағамбетни ташлаб ур-йиқит блан тамоша қилаётган одамлар ичидан сирғилиб четга чиқабошлади.

Броқ, отлиқ тамошабинлар блан пиёда турганларнинг авзойини пайқаб келаётган эди. Ҳамманинг оғзидан ҳайрон бўлиб айтилаётган бир хил гап чиқаётир. Бу гаплар Абайнинг қулоғига қисқа-қисқа, яримта-яримта бўлиб кираётир.

— Амир блан Умитейга нима бўлган ўзи? — деди бир кекса аёл ёнида турган эрига.

— Бу, Кўкшенинг тўйи эмас, Амир блан Умитейнинг тўйими! Бу қандай гап ўзи?! — деди бир мош-гурунч соқолли жигитек. Орқа томонида яна биров:

— Жигаридан урган ошиқларга ўхшайди-ку булар! — деди.

— Киройи севсанг, шундай сев-да!

— Кўнғил ўзаолмаса қандоқ қилсин, ахир!

— Сир тутишнинг ҳам иложи бўлмапти! Ишқ ўти бир бало-да! Шўрликларнинг куни битиб, ҳижрон тунлари келаётир-ку! — деди орқада турган отлиқлардан бир Анет, гўё бир сирини айтаётгандек шивирлаб.

Абай мана бу эл-юртнинг маломатига қолган Амир блан Умитей учун ўнғайсизланиб кетди. Умитейни олади-ган йигитни ўйлаб сиқилди. У йигит шулар блан тенгдош, э'тиборли, Абай ҳам ҳурмат қиладиган йигит эди. Агар шу маломатлар унинг қулоғига етса, буларга ҳам, унга ҳам оғир бўлади-да! — деб, ич-ичидан хижолат тортиб борарди.

Абай шу кетганича тўйни ҳам, тамошани ҳам йиғиштириб, куёв уйининг атрофини қуршаб турган одамларни

ҳам ташлаб кетди. Тўйга келганлар дув кўтарилиб, дастурхондан туришди. Отга минишиб, туғ кўтариб чиқишди. Одат бўйича пойга бериб улоқ тортгани, от устида бўладиган ўйинларни ўтказгани кетишди. Абай секингина отини топиб минди-ю, ёлғиз ўзи отини елдирганича илиқ-иссиғида жўнаб кетақолди.

Унинг кўз ўнгида ҳалиги чин ошиқ-ма'шуқ интизорларнинг сиймоси. Беҳисоб китобларда ўзи ўқиган амри қудрат ва тақдирдан ҳам устунроқ сиҳрли бир кучнинг алангаси кўринади... Ҳалиги ўктам ва гўзал ўланчи қиз блан сол йигитнинг юзида шу'ла сочиб турган интизорлик нури жилваланади. Кўзи юмуқ, кўнгли очиқ. Абай хаёлга чўмганича, боши оққан томонга қараб кетаверди. Илҳом жўн уриб, куйга берилиб кетаётир. Унинг ақл ва идрокига бўйсунмайдиган, ёш ва эҳтиросли қалбнинг самимиятга тўла қудратли садоси сингари куйлар туғилаётир. Юракдан қайнаб чиқаётган сўзлар ўз-ўзидан куйга солиниб кетди...

Ошиқ тили — тилсиз тил,
Кўз блан кўр, қалбин бил,
Севишган ёшлар янглишмас,
Майли инон, майли кул...

деб, тўсатдан пайдо бўлган сатрлар хаёлидан нари кетмайди. Ўзи-ўзини тўхтатаолмайди. Қайта-қайта куйлаганича, бирнеча кун эл-юртдан узоқлашиб кетди.

Эсқўжа овулининг тўйи биринчи кун тўйдек бўлгани блан эртасигаёқ тўй эгаси Эсқўжа учун ҳам, Кўкше эли учун ҳам, қолаверса бир чеккада ётган Қунапбой учун ҳам сайл эмас, саргардонлик бўлиб тушди.

Амир, Умитейнинг қучоғида келиб, куёвга атаб безатилган уйга киргандан бошлаб, тўй-тамоша Дутбой блан Умитейнинг тўйи эмас, ўктам, шўх ўланчи Амирнинг орзу ҳавасига айланиб кетди. «Мени ўзинг узат, ёнимда туриб куйинг, ўланларинг блан узат, деб Умитейнинг ўзи айтдириб юборган экан» деган миш-миш гаплар ҳам чиқиб қолди. Ундан кейин соллар келаётган пайтда, Абайнинг қулоғига чалинган ўша ивир-шивир гаплар ҳам гўё шамол вақтида кетган ёнғин алангасидек лопиллаб, бир лаҳзада бутун яйловни тутиб кетди.

Бу тўйга фақат Ирғизбой, Ўлжайларгина эмас, бошқа кўп эллардан ҳам одам келган эди. Эл яйловдан қайтиб, тоғ бағирларига тушиб ўтирганида, мана бу Ўйқудуққа: Ирғизбой, Қоработир, Анет эллари жойлашган бўлса,

Эралига: бутун Жигитек, Мамай, Бўкеншилар жойлашган эди. Тўйга уларгина эмас, турган жойи яқин бўлганидан қуда томон—Кўкше элидан ҳам кўплар пойгага от қўшиб, улоқда иштирок этиб, курашга солиш учун полвонларини олиб келишган эди. Уйқудуқдан кўриниб турадиган Шўлақтерак, Бўзамбой қудуғи, Оққудуқ — Кўкше элига қарашли қўнислар.

Шу элларнинг ҳаммаси Амир блан Умитейни маломатга қўйиб, кўпчиликнинг оғзига тушириб юборишди. Иргизбойларда кеки бўлган ба'зи одамлар: «Амирнинг шу иши туфайли Иргизбойлар Кўкшенинг олдида айбдор бўлиб қолса эди» деб кўз тутиб туришарди.

Уч кун ўтди. Куёвлар уйидаги базм кечаю-кундуз тўхтамай, ўйин-кулги авжига чиқаётир. Шу кунларда Амир блан Умитей бир нафас айрилишмади. Кўп вақтлардан буён куйламай дилгир бўлиб юрган ҳушхон Айгерим ҳам уч кечаю-уч кундуз куйлади. Қафасдан қутилган булбулдек ҳўп сайради. Куёв Дутбой — Кўкше элининг ор-номусли, диёнатли, ақлли, гапи э'тиборли ёшларининг бири эди. Эл ишини бошқаришда кўзга кўриниб келаётган ёш йигит, бу кунларда бошига тулган шу мушкул ишни ўзи учун оғир азоб деб билди.

Даставвал ўша миш-миш гапларни чиқарган куёв йўлдошларининг оғзига қоқиб, у гапларга хотима беришга уришиб кўрди. Уларни босиб қўйгандан кейин, жиддийлик блан Умитейга: «соллардан айрилиб, ўзимиз холироқ ўтирсак қандай бўлади!» деб кўрди.

Ўзи Умитейни жуда яхши кўрарди. «Тўбуқти қиёининг оқ оҳусини, ҳаммадан ортинини олдим!» деб, мақтаниб юрарди. Ўзи ҳам ошиқлик дардидан бир нафас қутилаолмаган Дутбой Умитейни қаттиқ айбламас эди.

Лекин, унинг ҳалиги маслаҳатини Умитей қабул қилмади. «Мен эл-юртимдан айрилиш олдидан хайрлашаётирман-ку. Ранжисанг ҳам илтимос қиламан, мени шу соллар блан ўтиришдан маҳрум қилма!» деди. Умитей айтса, айниқса шу тахлитда айтса, кўндирмай қўймайди.

Дутбой ёш бўлса ҳам, одамнинг фе'лини бир қарашда биладиган, кўп зийрак йигит эди. Яна ҳарқандай оғирликка чидаш бериб кетадиган, ўзини тутабиладиган ғоят бардошли, иродали йигит. Шу кунларда, у, Кўкше элидаги Қоратойнинг қариндошларидан чиққан ёш мансабдорлар ичида жуда э'тиборлиги. Такежон, Аслбеклар қатори бу ҳам ўз элининг ўткир, салмоқли одами бўлиб қолган.

Умитей илтимос қилгандан кейин, Дутбой, гарчи солларни ёқтирмаса ҳам, тоқат қилди. Броқ бу тоқат уч кундан нарига бормади. Боришининг иложи ҳам йўқ эди. Кўпнинг оғзига тушиб кетган ивир-шивир маломат гаплар куёв йўлдошларининг деярли ҳаммасининг зардасини қайнатиб юборди. Амир блан Умитейнинг ўша сири ниҳоят Дутбойнинг ўзига ҳам ошкор бўлди. Бу иш охири хайрли бўлмаган тўйнинг учинчи куни, тонг ғира-шира ёришиб келаётган бир пайтда рўй берди.

Утовлар орасида Умитейнинг қора камзилини бошларига ёпиниб, Амир блан Умитей қучоқлашиб турган экан. Кўзларидан ёш тўкиб, ўпишиб турганларида, Дутбой келиб уларнинг бошидаги чопонни ўз қўли блан сидириб олди, кўзларидан ёш оқаётганини кўрди.

Ўша ондаёқ куёв бутун йўлдошларига буйруқ бериб, ўтлаб юрган отларнинг ҳаммасини олдириб келди. Ҳатто бош қуда, кекса хотин қудага ҳам буйруқ қилиб: «Ҳозир отларинглар. Туз тотмасдан, ҳозир йўлга чиқ ҳамманг!» деди, қовоғидан қор ёғилиб.

Куёв бор йўлдошлари блан кун чиқар-чиқмас отга миниб, Эсқўжа овулини ташлаб кетди. Ош-ошда, тўй-тўйда қолди. Бу иш қиз узатаётган овул учун ҳам, узатилаётган қиз учун ҳам ўлим эди. Ҳали олмаган қизни куёв талоқ қилди, ташлаб кетди деган гап-да, ахир!

Эсқўжа ўз овулидаги казо-казоларни йиғиб келиб, катта қудага, Жанатойга ёпишди: балони улғайтирма! Келиндан олдинроқ йўлга чиқдик деб қўяқолинглар. Арзиматган гап блан ўртамизга низо' тушираминми? Келинингизни бўлса, эл турган он ўтовини йиқитиб, катта-кичик бош бўлиб ўзимиз етказиб қўямиз,— дейишди.

Айтгандек, Кўкшелар жўнаши блан ўша куни чошгоҳ пайтида ўтов йиқитилиб, Умитей узатилди. Бахти-саодатининг туғи йиқилиб, шам'и сўниб, дилни вайрон қиладиган ғамгин куй блан алвидо' айтганича Амир кетди.

Айгерим ўша жанжал бўлишидан олдинроқ, кечга яқин ўз овулига кетган эди. Уч кун давомида ўйин-кулгига берилган, куйини топиб олган ёш сан'аткор аёл, кўпдан соғиниб юрган кунларига етишгандек, хўп яйраб-яшнаб келди. Кечки пайт ўз овулига келиб, икки от қўшилган енгил аравадан тушганда, Абай блан Эрбўл эшикда туришган эди.

Айгеримнинг оқи-оқ, қизили-қизил бўлиб, яшнаб кетгандек кўринарди. Орага совуқчилик тушмаган, ҳар кунни

ўйин-кулги блан ўтказадиган чоғидагидек гул-гул ёниб кетипти. Кийим-кечакларини ёнидаги Злиҳадан бериб юборди-да, ўзи одатдагидек латиф ҳаракатлар блан Абайларнинг ёнига келиб, овулдагиларнинг эсон-омонлигини сўради. Абай қувониб, Айгеримнинг юзига ҳайрон бўлиб қараб турди-да, уни бошқача бир ҳазил блан қарши олди.

— Эрбўл, Айгеримнинг юзига қарачи, қачонлардан бери соғинган ўланларини хўп куйлаб, яшнаб кетиптими, а?— деди.

Эрбўл ҳам хурсанд бўлиб:

— Шуни айт, биринчи ёққан қорга ағанаб турган қизил тулкидек жуни ҳилпиллаб қолипти-ку!— деб, Айгеримнинг ўзини ҳам кулдириб юборди.

— Ўзи куйлаб, ўзи эшитсин деган экансиз-да. Ташлаб кетиб, энди эрмак қилиш учун жўрттага олдимдан чиқиб турган экансиз-да!— деди.

Лекин бундай гап Абайнинг кўнглида ҳам йўқ эди.

— Айбситайлик деб турганимиз йўқ азизим, хурсанд бўлганимиздан қараб турибмиз! Аслида куй учун яратилган эдинг, броқ биз бошингга қалпоқ, оёғингга боғ борлаб, қўлларингни банди қилиб юрибмиз-да. Куйлаб анча қаддингни ростлаб олибсан. Кўринишингдан кўз қувонади. Шамол бўлаётганда тобига келтириб туриб, қушга солинган қарчиғай кўкка кўтарилиб кетиб, осмонда ўйин тушиб келганда қандай бўлар эди? Чақирсанг, ҳа деганда келақолмай, қўлга қўнмай, ётсираб туради. Кўк саҳнидаги озодликни қумсаб юриб, унинг лаззатини бироз тотиб қолгандан кейин, қайтиб тутқунга тушишга бўйни ёр бермай қийиғилик қилар эди-ку. Айгерим ҳам ўшанга ўхшаб туриптими? Кўзимга худди ўз жинсини топиб қайтганга ўхшаб кўринаётир. Ҳақиқатда ҳам шундай эмасми? Қани, ўзинг айтчи Айгерим?— деди.

Шу сингари тўсатдан айтилган бу ўзгача ўхшатишга учрови кулиб туришган бўлса ҳам Айгерим бироз ўнғайсизланиб кетди. Қизариниб кетганича мулоимгина жиламайиб туриб, Абайнинг гапидан ранжигандек:

— Сиз билмайдиган куйим борми эди? Нимани аяган эдик? биттангиз «тулки» деб, биттангиз «қарчиғай» деб ҳазил қилаётирсиз. Озод қушми? Еки умри синовда ўтаётган, нуқсонлари битмас мунглими? Қим билади!— деди-да, ранги ўчилқираб, хомуш тортганича қошларини чимириб уйга кириб кетди.

Умитей узатиладиган куни Эсқўжа овулида содир бўлган уятли воқиа осонлик билан битмади.

Кўкшелар жўнаши билан Умитей Уйқудуқдан узатилиб Кўкшега кетганда, алвидо' айтиб куйлаганича бошқа томонга кетган Амир билан жўралари гўзал Умитейдан кўнгил узишаолмади. Амир халқнинг гапларига парво қиладиган эмас. Айниқса унинг бугунги дарди, айрилиқ дарди парво қилишга қўймас ҳам эди. Эсқўжа овулидан йироқлашиб, барча соллар бир ерга тўпланиб туришганларида, отининг ёлини қучоқлаб, қаддини кўтаролмай қолган Амирнинг аҳволини кўриб, Умитейни ёлғиз юбормасликка қарор қилишди.

— Уни Кўкшега қудалик қўшган бўлса, мени худонинг қудрати қўшган. Бу ёшлик — бебошлик эмас. Тақдиримда бўлган ишқ ўти. Менга Умитейсиз кун ҳам йўқ, ҳаёт ҳам йўқ. Қани ҳамманг отнинг бошини Кўкше томон бур! Умитейнинг кўчини қувиб ет,— деб дўстларига Амирнинг ўзи буйруқ берди.

Амирнинг дўстлари орасида ёш ҳаваскор ўланчи шоирлардан Муҳаммеджон деган қипқизил нордек, қўй кўзли, гўзал бир йигит ҳам бор эди. Ўша Муҳаммеджон Амир билан Умитейнинг бошига тушган бу жудалик дардига бошқа йигитларнинг ҳаммасидан кўра кўпроқ куюётган эди. Энди Амирнинг ҳалигидек тўсатдан ғайратга кириб кетганини кўриб, шодлиги ичига сиғмай кулиб юборди-да:

— Қани бўлмаса, шу оннинг куйини бундай деб куйлайлик, йигитлар! Қулоқ солинт!— деб, тиниқ овоз билан куйлаб юборди.

Унинг куйидаги энг та'сирли ери — сўзлари эди. У ҳозирнинг ўзида Амир номидан ше'р тўқиб:

Серининг силкинишга кўнгли уйғонди,
Уйладим бошлайин деб ғалаёлни,
Кетдику ёрим олис, йўлдошларим,
Ҳайда-чи қамиш қулоқ бўз қўснини!—

деди.

Амир бошлиқ солларнинг ҳаммаси шу ўланни куйлаганича от қўйиб кетишди.

Булутдек оппоқ отларга минган, қизил, яшил кийим кийган шўх, ўйноқи йигитларнинг нияти ўзгарди. От қуйганича кун чиқиш томонда қорамтир-кўкиш товланиб, бепоён саҳродаги уфқни қуршаб ётган тепаликка қараб йўл олишди. Умитейнинг кўчи — безатилган ўтовларни

ўнча туяга ортган, яна бирқанча отлиқ эркак ва аёллар қуршаб кетаётган кўч. От қўйиб бораётган соллар сарғайиб, қовжираб ётган саҳрода Шўлақтерекка қараб кетаётган бир тўп одамларни дарров кўришди. Биридан бири ўзини уриниб, отнинг бошини қўйиб берганича, қизнинг кўчи Қўжаше манзилига яқинлашиб қолган пайтда қувиб етишди.

Умитей куёвнинг ғазабланиб, тўсатдан кетганини билса ҳам, парво қилмади. Ўз овулида ҳечкимдан тортинмай, Амир блан қучоқлашиб, анчагача йиғлаб кўришиб, ажралганича от устида қаддини кўтариб ололмай ҳали ҳам ёш тўкиб келаётган эди. Жонидан азиз интизори — Амири қолган томонга йиғидан қизарган нурли, мунгли кўзларини қайта-қайта тикиб келаётган эди. Орқадан чопиб келаётганларни катталар йироқдан билишаолмади. Эсқўжа блан Изиқутти бир-бирига:

— Нега от қўйиб, чопишиб юришипти?

— Қаердан келиб қолишди? — дейишди. Умитей уларни кўрган он ўзининг жуда келишган, ёли ипакдек қорайўрға отининг бошини қайирди-ю, тўхтаб қолди. Бир тўп бўлиб келаётган йигитлар Амирнинг жўралари эканлигини юраги ўша ондаёқ сезган эди. Ели, думи қора, ўзи тўқ сариқ отга минган Амир, оқ отлиқ ҳамроҳларининг олдида — ўқ бўйи ўзиб келаётир. Етиб келган он йиғлаганича Умитейни қучоғига олиб, от устида бағрига босганича, унинг ёшлик кўзларидан ўпиб, ўкраб-ўкраб йиғлади.

Орқадагилар ҳам буларнинг ёнига етиб келиб, гўё икки ошиққа отлари блан ўзлари жонли ўтов тиккандек, қуршаб олишди. Уртага олиб туриб, бир вақтлар Биржон қолдириб кетган айрилиқ куйини — «Қўзи кўш»ни бошлашди. Оғир, мунгли қилиб бошлаб, қўшилиб айтиб, шу дами фоят қайғули ва ғамгин бир маросимга айлантириб юборишди.

Э-е-ей! Бўз бола-ей!

Ўтдику замон-ей,

Кўш бўл омон! —

деб такрорлашарди.

Унга сайин Амир блан Умитейнинг юрак-бағри эзиларди. Айрилишаолмай бир-бирига чирмашиб қучоқлашарди. Шу чоқ кўчнинг олдида тушиб кетишаётган Эсқўжа блан Изиқутти орқага қайтиб, чопганларича шиддат блан етиб

келишди. Икки ёшнинг атрофини қуршаб турган соллар қаторини бузиб, ўртага киришди-да, барабар ҳайқариб:

— Бўлди! Бўлгандир энди! Етадиган ниятингга етдинг-ку!

— Тўхта, бас қил энди, Амир! қайт орқангга, хайрлашиб бўлгандирсан! — дейишди. Сўнгги буйруқни Изиқутти ғазаб билан айтди-ю, қора йўрға отнинг сувлиғидан олиб тортиб кетди.

Амирнинг қучоғидан ноилож ситилиб кетаётган Умией:

— Амир, жопим, қолма! Олиб бориб ташла! Уша азоб-уқубат ўтига ўз қўлини билан олиб бориб ташла мени! Элим-юртим солаётган ўтга! Юр ҳамманг! — деди барча солларга қараб, ранги кўкарган, кўз ёшларини ҳам тийиб олган ҳолда, ғазаб билан ғайратига чидамай.

— Қўраман ҳали. Сенинг йўлинига ғов бўлиб кўрсин-чи!—деб, орқасидаги тўқ сариқ отнинг сувлиғидан олиб, ўзи етаклаб кетди. Шу бўлди-ю, Амир тепиниб келиб, қаторлашиши билан Умиейнинг матол белидан қаттиқ қисиб қучоқлаб, пешонасидан ўпди.

— Ўзим ўргилай, тўлини ойим! Сен ойим ботгунча менинг нафасим тўхтасин. Мен бетоли'ни олдинда олсин. Юринглар, борганим бўлсин! — деди. Эсқўжа билан Изиқуттининг дағдағалари, ўшқаришларини писанд қилмади.

Шўлақтерекнинг пасти-баландини эгаллаган беҳисоб овуллар Олатой, Қоратойларнинг овуллари эди. Уша ерга кетишди. Соллар тўли Умиейни қуршаб, ер юзининг бебаҳо гавҳаридек қадрлаб олиб кетишмоқда. Қазо-қазолар, катта қудалар бир тўп бўлиб олдинроқ кетишди. Соллар Умией билан кетаётган қиз-жувонлар тўпини тўлдириб, унинг ёнидан бир қарич нарига кетишмади.

Олдин бориб, Олатойнинг катта уйи ёнига тикилган Умиейнинг саккиз қанотли ўтовига келин тушди. Келин олдиндан олиб чиқилган чимилдиқ остида пиёда кетаётганида бир томонидан Амир, бир томонидан Бойтос суяб келиб, уйга бирга киришди. Аввалгидек, тап тортмай, эркинлик билан кириб боришди.

Шўлақтерекдаги халқ келиннинг бу тахлитда келишига ғаш келиб ёмон кўрди. Бу элнинг катта даргоҳи, эллик фазилати оёқости бўлгандек ёғиниб, энсалари қотиб қарши олишди. Аммо ташқаридагиларнинг норозилиги Умией ўтовининг бўсағасидан хатлаб ичкарига

кираолмади. Кўкше элининг ўйин-кулгига ҳозирланиб турган қиз-қирқини, ёш-яланглари, ишон-ихтиёр қўлида бўлган шаддот хотинлар Умитейнинг савкелелик бошидан чочиқлар сочиб, яхши тилаклар тилаб қабул қилаверишди.

Умитейни халқолдида шарманда қилдирмай шу зайлда қабул қилдирган Кўкше элининг катталари эмас. Овул эгаси, қайнатаси бўлмиш Олатой ҳам эмас. Эндиликда ҳечкимга маслаҳат солмай, бу ишларни мардлик блан кўтариб кетишга қарор қилган, тишини-тишига қўйиб, чидаётган иродали куёв Дутбойнинг ўзи эди.

Броқ, ўша кун икки кечга яқин Дутбой меҳмонларни эслик ва шаддот онасига топширди-ю, ўзи отга минди. Кўкше элининг кекса бошлиғи, ўзининг яқин оғаси бўлган Қоратойнинг уйига етиб борди.

Дутбой уйни бошқалардан холи қилдириб, кекса оғасининг ёлғиз ўзини олиб ўтириб, Амирдан етган озор ва хўрликни батафсил айтиб берди.

— Қунанбойга бориб, бор можаро, бор дардни ўз оғзинг блан етказ. Мана бу бебошликни тийдир. Бўлмаса, Кўкше блан Ирғизбойнинг ораси бузилиб, тўс-тўполон, вайрон бўлди, дейверсин! — деди.

Қоратой, Кўкше элининг бошлиғи бўлиб юриб, Тўбуқтининг устун иш бўлган Ўлжайга қарши мана шу йигитдек тап тортмай ташланишга интилган Кўкше ёшини кўрмаган эди. Кўркам, оқ юзли, кенг пешонали, кўзлари сарғиш, зўр гавдали ёш Дутбой ҳозир Қоратойнинг кўзига ўзини ўтга уришга мўлжаллаётган шунқорга ўхшаб кўринди. Ундаги уруғ, урон номуси, кекса бошлиқнинг хаёлини нечаёққа олиб кетди. У мана бу йигитнинг ғазаб устида саботи ва ақлини баравар ишга солабилишини кўриб, жуда мамнун бўлди. Кўнглидан: «Мендан кейин Кўкше элига бош бўладиган ўғил туғилган бўлса, сен бўларсан!» деган гап ўтди.

Бу қаттиқ ранжитадиган гап Қоратойнинг ҳам кекса кўнглида жирканч ва ғазаб кўзғотди. Дутбойнинг гапларини батафсил эшитиб бўлиб, унинг юзига бақрайиб қараганича бироз ўйланиб турди-да:

— Айт, отимни олиб келсин! Тур! Енимга беш кишини қўш! Ҳозир Қунанбойнинг олдига бораман! — деди.

Кечаси эл ётар пайтда, Ўйқудуқдаги Ирғизбой озуларидан бўлиниб кетиб, Қўруқда ёлғиз ўтирган Нурғонимнинг овулига Қоратойлар етиб келишди. Қунанбой

ҳам Қўруқнинг шу ерига Нурғоним блан ўзига атаб тоқи-
равоқ солдираётган эди. Кўкламда Успоннинг сув бермай
қилган дағдағасини бир кўрган Нурғоним ез бўйи Қунан-
бойга илтижо қилиб, шу Қўруқда ўзларига атаб бошқа
қўра солдириб, ўзга кундошларнинг ва уларнинг балоғат-
га етган каззоб ўғилларининг кўзидан нарироқ бўлишни
истаганлигини билдирган эди.

Кексайиб қолган Қунанбойнинг ўзи ҳам тинчлигини
кўзлаб, холироқ бир ерда туришни орзу қилар эди. Шун-
дай қилиб, эл тоғ этакларига тушадиган пайтда, тез кў-
чиб, эртароқ Қўруққа келиб, кўп йигитларнинг кучи блан
озгина вақт ичида Нурғонимга атаб, кичикроқ қистов,
ҳовли-жой солдираётган эди. Ҳозир кекса ҳожи ўша қўра-
сининг иссиқроқ бир бурчагига тиқилиб, ўлимдек сокин
ва тинч ҳаётини бузмай ётган эди.

Кўпчилик ётиб қолган овулдаги итларни хуружга кел-
тирган отлиқларни ҳали чироғини ўчирмай ўтирган Қу-
нанбой блан Нурғоним: «Ёт элнинг одами!» деб ўйлашди.

Бўлмаса, бу атрофдаги қардошлар, ёру биродарлар
тун кечада эмас, кундуз ҳам Қунанбойнинг чимилдиғи ту-
ширилган, йиллаб ётган бемордек ғамгин овулига келиш-
мас эди. Унинг уйи келган одамни диққинафас қилиб,
юрагини қон қилиб юборар эди.

Уйга Қоратой бошлиқ Кўкшелар кирганда, Қунанбой-
нинг оёқ томонида чимилдиқдан гавдасининг ярми чи-
қиб ўтирган Нурғоним чимилдиқнинг ичига қараб Қу-
нанбойга астагина:

— Қоратой экан! — деди.

Устма-уст тираб қўйилган ёстиқларга суяниб, боши-
ни қуйи солиб тасбиҳ ўғириб ўтирган Қунанбой, сапчиб
бошини кўтарди-да, қошларини кериб, тик қаради. Шун-
дан бир нафас олдин юзида акс этиб турган тавбага, тоат-
ибодатга мойилликни бир силкинишда сидириб солгандек
бўлди. Меҳмонлар тўрга чиқиб ўтирар-ўтирмас, кун бўйи
тушириғлик турган чимилдиқни ўз қўли блан юлқиб
очиб юборди. Салом аликка ҳам тили келмай қолди. Кўп-
дан ўти сўнган, ранги ҳам ўнгиб хиралашиб қолган
ягона кўзи яна чўғдек ялтираб кетди-ю, Қоратойнинг
юзига ўқдек қадалди қолди.

Тенгдошининг юзига ғамгин ва совуқ назар ташла-
ган Қоратой, сўнгги ўн йил мобайнида унинг бунчалик
газابلанганини кўрмаган эди. Назарида, ухлаб ётган
кекса йиртқичнинг устига ўзи қулаб тушиб, чўчитиб уй-

ғотгандек бўлди. Унинг кўп йиллар давомида сўниб ётган ғазаб ўтини туташтириб юборгандек туюлди.

Тўшакдан пастроққа қўйилган шам'нинг шу'ласи Қунанбойнинг чатнаб косасидан чиқиб бораётган ягона кўзига тушганда, қизғиш шу'ла лопиллаб ёниб турарди. Бу кўзларда ҳайиқиш асари кўринмайди. Унинг бу қарашида бир фалокатни сезганлик, олишишга ҳам, мудофаага ҳам тайёрлик, ғазаб ва жаҳолат акс этиб турарди.

Қунанбой, шу йўсун бемаҳалда келишнинг сабабини сезиб, ич-ичидан тутатиб бораётган эди. Кеча Эсқўжанинг тўйидан келаётган Ойғиз йўлакай кириб, бор гапни эрига айтиб кетган эди. Қоработир элидан бўлган Эсқўжа Ойғизнинг яқин қариндоши эди. Умитей бўлса унинг синглиси қатори нарса. Ойғиз ўша қариндошларининг тўйидан қайиб, жаҳли чиқиб келган эди. Уйга кетаётганида: «солларни нега тиймадинг, нега бу жин ўйинини қилдирдинг», деб Эсқўжадан хўп қийинчани эди. Шунда Эсқўжа Қунанбойга бориб айт деб, ўша соллар ҳақида қаттиқ-қаттиқ гапларни айтиб юборган эди. Яна Амир Қунанбойнинг набираси бўлгани учун ўшанинг юз-хотирини қилиб ҳайдаб юбораолмаганини ҳам арз қилган эди.

— Уланинг блан олифталигинг қурғурлар. Сол эмас, у менга келган ажал! — деди. Умрида ашула, ўланининг нималигини билмаган, севмаган, ҳиссиётдан маҳрум нодон бой, ёшларнинг сан'атини эл бошига келган фалокат деб атаган эди.

Ойғиз бу гапларни оқизмай-томизмай Қунанбойга етказиб, ўзи ҳам солларни хўп ёмонлаб келган эди. «Тиядиган киши йўқ деб юришипти ҳали булар. Сен йўқлигингда ҳам овулимизни оёқ ости қилиб, бошимизга чиқиб, хўп ўйнашган. Ҳали кўзинг юмилмайтуриб, бу эл жин ўйноғига тушди-ку!» деб, газариб ўтириб бор аламини тўкиб солган эди.

Ойғизнинг гаплари ҳожининг эсига тушди. Қунанбойнинг ягона кўзи аввало Қоратойга қадалди. Дам ўтмай унинг нарёғида ўтирган Дутбойнинг отаси Олатойга, сўнгра ундан нарироқда ўтирган Кўкшенинг энг катта бойи Бўзенбойга тикилди. Булардан пастроқдаги уч киши, мана бу Кўкше элининг бошлиғи бўлган уч кишининг йигити бўлса керак. Уларга назар ҳам солмади.

Бутун Кўкше номидан Қунанбойдан гап олгани келишипти. Буларнинг юзларини шунчалик сидириб ташлаб

кечалаб келишлари Тўбуқти ичида рўй берай деб турган каттакон бир фалокатнинг келиши эди. Ажал блан қазонинг келиши эди. Қунанбой ўзи силтаб очган чимилдиқни даҳшатли чапғалида ғижимлаб ўтирганича, аввал Қоратойга қараб гап бошлади.

— Сени қандай довул қувиб келди? Қандай қазо келтирдинг? Айт тезроқ!— деди.

Ғазабдан ёрилгудек бўлиб келган Қоратой, Қунанбойга қаҳри-заҳрини сочиб гапирди. Бир-бирининг авзо-йини, юзини бир қарашда биладиган ошналар шу кеча шундай завол вақтида учрашганларида аяшни йиғиштириб қўйгандек кўринишарди. Қунанбойнинг кўзи ҳалигидек ўт сочиб Қоратойга қадалганда: «Бу асти аямайдиган бир оғир иш блан келди» деб тушунган эди. «Аяйдиган киши бу тахлитда келмаслиги керак» деб, кўнглидан ўтказганди.

Ҳожининг кўнглидан шундай гап ўтганини Қоратой ўша он фаҳмлади. Ҳали қошқорайган пайтда ўзини шунчалик тутоқтирган бор ғазаб ва аламни аямасдан Қунанбойнинг устига улоқтириб юборди.

Умитей, Амир, Дутбойнинг ўртасидаги можарони ўша ондаёқ аямай тўкиб солди.

— Орадан «соллик» деган «бузуқлар», «иблис, жин» чиқди,— деди. Уларни озган замонанинг азозиллари, шумлик нишонаси, деб алоҳида уқдириб ўтди.— Бу мудҳиш иш шу атрофдаги элларнинг ҳаммасига маълум бўлди,— деди.— Мана мен деб турган шармандалик, ўз номини куй қўйипти, сан'ат қўйипти. Бутун ёшларни қизиқтириб ўзига тортиб келаётир. Қизил, яшил кийим кийиб, бошига ҳилпиллатиб укпар тақиб ўйноқлаб ўлан айтиб, овулимнинг тўрида юришипти,— деди. Ачитиб-ачитиб бутун арзи-додини қисқача айтиб келди-да, ниҳоят:

— Ўз бошимда ўйин тушса кўтарар эдим. Арвоҳларимнинг гўрида, ўшаларнинг бошида ўйин тушди. Улар чоғимизда сен блан менинг юзимизга тамға босилди. Сени аяганим блан айтмай тоқат қилолмадим. Бошқа кимга ҳам айтаман бу дардларни! Қайси бир итга бориб арз қиламан? Остин-устун бўлган замоннинг қайси бир муттаҳамига суянаман! Мана бу ўзини унутиб, ҳаддидан ошаётганларингни тийиб қўй. Менга ҳам, уларга ҳам айтадиган ҳукмингни ўзинг айт!— деди.

Бошқа гапнинг ҳожати йўқ эди. Бироздан кейин Қунанбойнинг буйруғи блан Нурғоним қапага дастурхон

ясатиб, меҳмонларни ўшаёққа олиб ўтди. Қунанбой ўз овулидаги бирқанча йигитларнинг ичидан Нурғонимнинг акаси Кенжақонни чақиртириб олиб, шошилинч буйруқ берди.

— Қўш от блан чопганинча бориб, Шўлақтерекдаги Олатой овулида ётган Изиқуттига шу буйруқни етказ!— деди.— Амирни олсин-да, етаклаганича кун чиқмасдан олдимга етказсин! Келмайдиган бўлса, оёқ-қўлини боғлаб, савалаб олиб келсин!— деди.

Юз тузилишлари Нурғонимга ўхшаб кетадиган, қипқизил кулча юзли барваста Кенжақон, ҳечкимдан тап тортмайдиган полвон, довюрак йигитлардан эди. У Қунанбойнинг ғазабли сўзларини ўзига сингдириб олаётгандек борлиғи блан қулоқ солди.

Чимилдиқнинг четини чангалида гижимлаганича ўтириб қолган Қунанбой, кеча тонг отгунча миужа қоқмай, жони йўқ, тошдан ясалган ҳайкалдек ҳаракатсиз ўтириб чиқди. Бу кунларда кўпайган қингир-қийшиқ ажинлари, ловиллаб бораётган ғазабини ичига йиғиб яна ҳам чуқурлашиб, тош-метиндек қотиб қолганича ёзилмади.

Тонг оплоқ отган эди. Куз куни бепоён сур дала оқиш тортган адирлар устига қондек қизил шу'ла сочиб, қипқизил шафақ отди. Шу он қаҳрига олиб турган чолнинг уйига Изиқутти блан Амир кириб келди. Ёш йигитнинг рангида қон қолмаган, икки лунжи ичига ботиб, юзлари анча сўлиб қолган эди.

Қунанбой кўпдан буён бу набирасини кўрмаган эди. Қовоғидан қор ёғилиб, индамасдан икки қўлини Амирга томон чўзиб:

— Олдимга кел!— деяётгандек ишора қилди.

Амир тумоғи блан қамчинини ташлаб, бобосининг қошига келиб, тиз чўккан он, тонг отгунча чимилдиқни гижимлаб чиққан узун-узун совуқ панжалар ёш йигитнинг томоғига чанг солиб, халқумидан хип бўғиб олди. Чолнинг қўли ҳали ҳам кекса йиртқич чангалидек бақувват экан. Темир ҳалқадек сиқиб томоғидан бўққанича ўзига томон тортиб, силкитиб қийнарган, бўшатмади. Ҳа демай йигитнинг нафаси қайтиб, кўмкўк кўкариб, ҳушидан кетиб қолди. Шунда ҳам темир чангал бўшамади. Бўғилиб, узилиб бораётган йигит хириллаб, энди бутунлай ўзидан кетди-да, чолнинг олдида чалқасидан шилқ этиб тушди. Қунанбой чўкка тушиб олиб бўққанича, яна бир нафас турса, ўлдириб қўяқолар эди.

— Бу нима қилганинг? Ит бўлса ҳам ўз наслинг эди-ку!— деб Изиқутти ирғиб Қунанбой олдига келди. Қунанбой қон қуйилиб кетган ягона кўзидан ўт сочиб, жирканч блан ялт этиб ўқрайганида, Изиқутти чўчиб кетиб, орқага чекинди.

Унинг ҳайиқиб қолганини кўрган ва Амирнинг чол чангалида яна бир нафас ётса, ўлиб қолишига кўзи етган Нурғоним жон аччиғида отилиб, Амирнинг ёнига юмалаб тушиб, Қунанбойнинг икки қўлидан шаппа ушлаб олди.

— Садағангиз бўлай, ҳожи, сизга нима бўлди? Кечиринг, кечиринг айналай ҳожим!— деб, серғайрат аёл гавдаси блан Қунанбойнинг икки қўлини қаттиқ итариб, Амирнинг томоғидан ажратиб юборди.

Қунанбой тиз чўкиб ўтирган ерида чап оёғи блан Нурғонимнинг кўкрагига бир тепди. Юракка теккан қаттиқ тепкидан Нурғонимнинг кўнгли беҳузур тортиб, шилқ этиб тушди.

Шу он ўтовнинг эшигини юлқиб очганича Абай кириб келди. Амирни қутқазамадан деб, Нурғонимнинг азоб чеканини ҳам кўрди. Қунанбой ёш йигитни чангалидан чиқармаган ҳолда, яна қаттиқроқ бўғаётган эди. Абай остонадан бир ҳатлашда тўрга бориб тушиб:

— Бас қил!..— деб, ҳайқириб юборди.

Отасининг қон қуюлган ягона кўзи ялт этиб қарагунча бўлмай, зарб блан Қунанбойнинг қўлини қоқиб юбориб, Амирни ўлим чангалидан юлиб олди-да, суртаб четга чиқариб қўйди.

— Ҳароми!— деди, Қунанбой ўшқириб.

— Ўлдиртирмайман!— деди, Абай ҳам ҳайқирганича.

Энди ҳар икки ғазабга тўла кўзлар бир-бирига қадалди. Олишгудек бўлиб ўқрайишиб туришар эди. Абайнинг кўзларида нафратли ғазаб ёниб, ўқдек қадалиб турарди, холос. Ханжар ураётгандек гап бошлади. Овозининг борица қичқириб, бор гапини тўкиб солди.

— Оғзингда оллоҳ, чангалингда қон! Яна қон!.. Бу ишларни шариат ҳам буюради. Бир вақтлар ўша шариатнинг йўли деб, бир ноҳақ қон тўккан эдинг..

Шу он Абайнинг ўн уч ёшида юрагига ўқдек қадалган Қўдар ўлими, отасининг ҳозиргина қилган жиноятидек кўз ўнгида гавдаланди.

— Энди шариатга қарши яна қон тўкаётирсанми? Бу хилда дамингни чиқармай сўфиёна ётишинг ибодат, тавбатазарриқ учун эмас, маш'умлик учун, шундай маш'ум

йиртқишлик учун экан-да! — деб, тутқиб кетди. Бир томондан жазони тўхтатмоқчи бўлса, иккинчи томондан ҳукм, беомон ҳукм чиқараётир.

Қунанбой эндигина тилга кирди.

— Чиқ! Йўқол кўзимдан, йўлдан озган!..

— Чиқмайман!

— Сен бормисан, сен ҳаммани йўлдан оздирасан! Оздирасан! Сен қилаётирсан. Ҳаммаси сендан чиқаетир!..

— Бўлаверсин! Мендан! Нега тинчгина ўлмайсан, сен! Замон сеники эмас, меники!.. Нима қилар эдинг?

— Ҳа-а-а шундай дегин... Етишибсан-да шунга-а?! — деб Қунанбой Абай блан Амирга қарши бир мудҳиш иш-ни ихтиёр қилди. Бир лаҳзада Абай блан олишишни бас қилиб, ўша ниятига кўчди.

Эндигина эси ўзига келиб, кўзларини олайтириб очиб, бобосига қараган Амирга Қунанбой қўш қўлини чўзиб, тескари фотиҳага ҳозирланди. Намоз ўқиб муножот қилаётгандек, совуқ нафас блан тилак тиламоқчи бўлиб, қўлини ҳар икковига барабар чўзди. Бу — оқ қилишнинг, тескари фотиҳа беришнинг аломати. Нурғоним блан Изиқуттининг ўти ёрилиб кетиб, икки томондан:

— Ё раббий, ижобат қилма!

— Эй парвардигор, қабул қилма! Бу қандай маш'ум иш! Ўз болаларини қарғамоқчи бўлаётирку, бу! — деб қичқиришаётган эди. Лекин, Қунанбой уларнинг гапини писанд қилмади. Тиз чўкиб олиб, кўндаланг тушиб ётган набирасининг устида тескари фотиҳага қўл ёзиб, ўша беомон қўлларини бирнеча бор Абайга ҳам чўзди.

— Қизариб отаётган тоғда, мана шу завоқ вақтида... Оталик қарғишини бераётирман. Мана бу иккови мендан туғилган — харом қонли, бадбахт наслларим. Эй яратган эгам, ё олло карим, ўз қўлим блан ўлдиришга йўл бермадинг. Мени бандам десанг бор тилагим, чин тилагим шу бўлсин. Шу икковини тезроқ ол! Қазойи ногаҳонингга учрат. Жувонмарг қил! Заҳрини ўзгаларга ёзиб бўлмасдан туриб, тезроқ ол! — деб, тескари фотиҳа бериб юборди. Эндигина эс-ҳушини йиғиштираётган набираси блан Абайга: — Чиқ! Йўқол, кўзимга кўринма! Авлодим эканлигинг чин бўлса, иккалангни ҳам қурбон қилдим. Садақа қилдим, сен иккита чириган тухумни. Икковинг ҳам жувонмарг бўл! Йўқол! — деди.

Абай безрайиб, нафрат блан отасига тикилиб турган эди.

— Ихтиёринг!— деди қўйди.

Қунанбой қарғаб бўлди-да, бир силкиб чимилдиқни тушириб, бағрини ёстиққа берганича мук тушди. Пичирлаб тасбиҳ ўгириб, яна ибодатга бошлади.

Амир эндигина бошини кўтариб тумоғи блан қамчинини қўлига олиб, тиз чўкиб ўтирди. Ҳаракатсиз турган чимилдиққа бироз қараб турди-да:

— Кўп кўраётганинг ҳаётим бўлса, ўзи берган худонинг ўзи олар. Буюрадиган ўлимнингга буюриб бўлдинг. Лекин ҳеч ўкинмайман. Ўтда ўртансам ҳам ўкинмайман!— деди.

Абай Амирни суяб турғизди-да, бирга олиб кетди.

Кўкшедан Амирни Изиқутти олиб кетганда, Бойтос Абайга одам югуртирган, Амирнинг ўртоғи Мирзағулни юборган эди. Мирзағул тонг отар-отмас, Абайни чўчитиб уйғотган эди. Отасининг қаҳри қаттиқлигини биладиган Абай, овулда от бўлмагани учун Мирзағулнинг отини миниб, ёлғиз ўзи етиб келган эди.

Кеч куз. Кузги қўнислардаги эл қўйларнинг юнгини ҳам олиб бўлди. Қистовга кўчадиган кунлар яқин эди. Лекин куз унча совуқ келмай, кузевнинг ўти ҳали мўл бўлгани учун эл кўчмай турган эди. Ўйқудуқда, Абай овулининг атрофига қўнган беҳисоб овуллар бу қўниснинг наमतдек қалин ўтипи, филғон ва бошқа хил кўкатларини босиб-янчиб ташлашган. Овулнинг ёни-бери тақирлангани блан чет-четдаги бепоён ўтлоқлар, адирларнинг ўти ҳали тамом бўлмаган. Салқин куз ҳавосида мол кундан-кун семирмоқда эди.

Чорванинг гамини ейдиган овуллар хурсанд бўлиб, кузнинг ёмғири ва совуқ шамоллари анча беҳаловат қилаётган бўлишига қарамай, чидаб ўтиришган эди.

Кузги одат бўйича Абайнинг овули ҳам ёзда тикиладиган уйларни йиғиштириб қўйиб, унинг ўрнига одлийроқ, кичик-кичик уйларни тиккан. Айгеримнинг ўтову ҳам ҳозир бошқача эди.

Кичикроқ, чоққина ўтовнинг ичига гир айлантириб гулдор шолча, патли гиламлар тутилган. Баланд кроватининг ўрнига қалин қилиб юмшоқ тўшак, кўрпа-кўрпачалар ёзилиб, пар ёстиқлар ташлаб қўйилган. Абай блан Айгерим тўшак ёнига ташлаб қўйилган мўйдор архар терисида ўтиришарди. Тўрда ўтирган меҳмонлар тагига қураб тикилган катта сангсанг пўстак ёзилган. Торгина уйнинг ўртасида ўчоқ бўлгани учун, бу кунларда Абай

китобини тўгарак хонтахтага қўйиб ўқимай, кўпинча ерга ёзинглиқ тўшак устида кўрпа-ёстикларга суяниб, қўлига ушлаб ўтириб ўқирди.

Абайнинг оёғида қўнжи узун, қишга атаб тикилган янги этик. Эғнида камзил, устида кулранг мовут чопон, қалин шим кийиб олган. Унинг ёнида, пастроқда ўтирган Айгеримнинг ҳам эғнида юпқа, енгил почапўстин. Ёқаси ва этагига қундуз тутилган пўстиннинг кўкрагига икки қатор қилиб, қозоқ заргарига буюртириб, катта-катта асл қизил тошлар ўрнатиб ишланган кумуш тугмалар қадалган. Айгерим одатдагича кашта тикиб ўтирарди. Тўрда Эрбўл блан Боймағамбет бафуржа ўтириб, кузги оппоқ қимиздан ичиб тўққиз қумалоқ¹ ўйнашаётир.

Қозондаги, янги сўйилган семиз тойнинг гўшти пишиб қолган эди. Айгерим дастурхонга таклиф қилгандан кейин, Абай эрталабдан буён қимирламай, бошини кўтармай ўқияётган китобини ёпиб, четга қўйди. Қозон туширилган пайтда гуп этиб кўтарилиб кетган кўмкўк тутун кўзни ачитиб томоқни қақратиб анча беҳузур қилди. Абай: «тундикни очилса» деб тепага қаради. Тундик очиб ташланган эди, тешикдан кузнинг эзиб ёғаётган ёмғири шивалаб тушабошлади. Абай койиниб, қошларини чимирди-да:

— Бай-бай! Тундикни очай десанг ёмғир, очмай десанг тутун, дардисар кун экан-ку, бу!— деди.

Уй ичидагилар дастурхон атрофига ўтирган пайтда, шу уйнинг ёнига гурсиллаб келган отлиқлар тўхтади. Келганлар икки киши эди. Усти-боши ёмғирда ивиб уйга кирган йўловчилар — Шаке блан мерган Бекпўл экан. Афтидан, Шаке, Абайга бир иш блан келган кўринарди. Оғаси блан ўтириб овқатланиб бўлгач, унинг ёнида ўтирган ёр-биродарларнинг олдида тортинмай, гапини айтаверди. Қовоғини солиб, ғамгин тортганича Абайга қараб:

— Абай оға! Мен сиз блан маслаҳатлашгани келдим!— деб гап бошлади.— Амир тўғрисида сўзлашмоқчи эдим. Кўз олдимизда, тирик арвоҳдек бўлиб, ўзидан-ўзи сўниб бораётганга ўхшарди. Билмадим, бу ўжарлик, қайсарлигимми? Ёки қаддини ростлаб олмоқчимми, ким билади дейсиз! Келиб-келиб кузнинг шундай ёғинли, довулли олашовур кунларида яна ўша кирдикорларини бошлаётир. Кечадан бери тунов кунги солларнинг ҳаммасини уйига

¹ Шашкага ўхшаш ўйин.— Ред.

Йиғиб олиб, устига олабайроқ тўпларини кийиб, овкилаш-овкилаларини тақиб, яна бир ишни бошламоқчи!— деб қўйди.

Абай блан Айгерим Амирга ла'нат айтаётганга ўхшамайди, аксинча, унинг аҳволига ачиниб, ташвиш тортаётгандай кўринади.

— Ўзининг тан-жони соғми?— деб сўради Айгерим.— Оҳ, шўринг қургурей! Аллакимларга ўхшаб, худди элдан қувилгандек бўлиб қолдинг-а!— деди.

Абай Шакедан:

— Ғамгин тортиб, хаёл суриб юриптими? Қайфияти қандай?— деб сўради.

Шаке дудмол жавоб берди.

— Ерилиб бирор нарса демайди. «Вой» дегудек дарди ҳам борга ўхшамайди. Лекин мудом ўзи блан ўзи овора, дами ичида. Дарди-фикри — дўмбира. Ушандан бошқа дардкаши йўқ. Қайси купи ўтовнинг ёнида туриб қулоқ солсам, ҳозир, бу атрофда тенги йўқ, уччига чиққан дўмбирачи бўлиб кетипти. Кўриниши соғ, лекин ич-ичидан ўртанаётирми дейман. Худди бир дардга чалинган одамдек кундан-кун ранги сарғайиб, озиб кетаётир. Ёки, бир сайр қилай деяётирми! На овулдагиларга, на қариндошуруғга сирини айтсачи. Яна ўша солларни йиғиб ўтирипти. Бугун эрталаб эшитсам: «Кўкшега жўнаймиз» дейишаётган эмиш. Бу энди, ўша эл блан очикдан-очик ёвлашаман дегани-да. Ўзгаларни қўяйлик, кечагина қарғиш берган ҳожидек отаси нима дейди? Номуси ерга урилиб, кек сақлаб юрган Кўкше нима қилади? Шунини ажал ҳайдаб кетаётирми, дейман. Бунини энди қандай қилиб йўлдан қайтарасиз, нима маслаҳат берасиз?— деди.

Абай узоқ ўйлаб қолди. Шакенинг кўзларига тикилиб ўтираркан, унинг Амир ҳақида келтирган ачинарли, қайғули хабарини унинг кўнглидан олиб, ўз юрагига солгандек кўринарди. У Эрбўл блан Шаке ўйламаган бир мулоҳазани айтиб, ҳайрон қилди.

— Отаси қарғишини қайтариб олмайди. Броқ Амирдек новқирон йигитга ажални раво кўрар эдикми?! Агар Амир, ўзгача одамлар ичида, бошқача бир замонда яшаганда эди, ўша қарғиш берган бобонинг бор авлодидан, ҳаммамиздан ортиқ бўлиб, юксак сан'ат эгаси бўлган ҳурматли одамнинг биттаси бўлармиди. Ғамга ботиб қолганига ачинаман. Бир бола учун қасддан айтилган бир ёмон тилакнинг, кўрнинг оғзидан чиққандек совуқ тилакнинг

ўзи ҳам етарли жазо-ку. Энди ўз ихтиёрига қўйиб бер, ра'йини қайтарма, Шаке. Бораман деса, Кўкшесига ҳам борсин. Балки аламини куйдан олиб, кўнгли ёзилиб келар. Бу кунларда кўзига қамчи теккандек, бир ерда гир айла-ниб қолди-ку... Ҳеч бўлмаса «Отлиги отлиқ, пиёдаси пиёда ҳайдашди» демасин!— деди. Гап шу бўлди-ю, Амирни ўз ҳолига қўйиб беришга қарор қилинди.

Эрбўл блан Шаке дарҳол англади. Фақат Айгерим Абайнинг фикрига қўшилмади.

— Шундай пайтда бағрига босмаган, паноҳига олма-ган жигарнинг ширин сўзлари кўнгилга қанчалик мадад бўларди?— деб, юзини четга ўгирди. Абай индамай қўя-қолди.

Абай Семейдан келганидан буён аввалги Айгеримни йўқотиб қўйганга ўхшарди. Шу кунларда Айгерим, ҳали-гидай ўрни блан қистириб кетадиган бир оғиз гапи орқа-ли Абайга кўп нарсаларни англатарди. Илгари, муҳаб-батига доғ тушмаган кунларда Абайнинг гапидан гапи, фикридан фикри, нафасидан нафаси айрилмайдиган, му-нис эди. Эндиги Айгерим, Абайнинг кўнглини оғиз очар-очмас англашни унутиб юборган. Ҳалиги гапи ҳам — ўша, бегоналашиб, совиб кетган кўнгилнинг изғирини.

Абай Амир учун ташвиш тортаётган эди. Айгерим ҳам уйдаги ҳаётни диққинафас қилиб юборди. Бахт-саодатга тўла, шодлик ҳукмрон уйга ғусса кирди. Оромбахш, иссиқ маконига руҳсиз оддий эр-хотинлик ҳаёти ўрнашди. Озо-ри, ғубори кўп, дарди-алами, нуқсони кўп умрининг ғам-гин сиймоли кузи кирди.

Бунинг боиси Салтанат. Бегуноҳ Салтанат. Унинг кўнг-ли оқлиги блан Абайнинг бегуноҳлигини Айгерим хаёлига келтирмади. Уйлаб кўриб, бир нафас бўлса ҳам ан-глай демади. Абай Амир масаласида Айгеримнинг беҳуда айблашини дамини чиқармай ўтириб тинглади. Лекин ўша Амир учун ўз отаси блан ёқалашиш даражасигача борганини эслади. Ундан олган қаттиқ қарғишларини ўй-ларкан, истеҳзо блан ўз-ўзидан кулди. Бир томондан, ота душман — унга ўлим тилаб қарғади. Иккинчи томондан, ягона шодлиги — «севгилим, яқин одамим», дегани Айге-римнинг аҳволи бу. У ҳам кўнглини Абайдан бегона қил-ди. Нима учун бегона қилди? Абайнинг қилмишиданми, кечириб бўлмайдиган гуноҳ, хиёнатиданми? Абайнинг ва-фодор қалби айниб, дўстона нияти бузилганиданми? Ай-геримни Салтанатга алишганиданми? Йўқ, ундан эмас —

буларнинг ҳаммаси беҳуда гаплар. Айгерим ўйлаганича эмас.

Тўғри, Абай Салтанатни ўйлаганда, унинг фазилатларига ўзича бир назар ташлаб, суқланиб, ҳавас блан эсга олади. Ўша пайтни ўйласа, ўзини Салтанатнинг ма'сумалигига муносиб равишда тутабилганига ҳайрон ҳам қолади. Лекин, ўзини тутабилганига фахрланади. Бордию турмушда яна бир Салтанат сингари шахс дуч келса, Абай ўзини яна ўшандагидек тутишга аҳд қилади. Ўзида шундай одат пайдо бўлганига ич-ичидан севинади. Чунки, Абайнинг тушунчасида — бу иш, ўзининг янги бир фазилати. Қозоқ ёшларида, мана шу юрган одамларда бўлмаган янги одат, янги тарбиянинг шоҳиди. Абайнинг китобдан олган илмининг натижаси. Бу ўша одамгарчилик, ҳалоллик каби хислатларни унинг кўнглига яхши сингадиган, чуқур илдиэ оладиган дон қилиб эккан—рус китоблари берган тарбия. Гарчи Абай ўзини ёлғиз ҳис этса-да, иккинчи томондан шукур қиларди. «Фақат илмнигина камолга етказмай, та'лим-тарбия ҳам олаётган эканман-ку, Салтанат блан орамизда йигитлар ишонмайдиган бир муносабат бўлиши ўша тарбиянинг натижаси-ку!» деб ўйларди.

Буни Айгерим ҳам тушунаолмади. У, йигит блан қиз ўртасида беғараз, инсоний дўстлик бўлиши мумкин эканлигини ўйламади. Ўйлашга онги етмади шекилли-да, буни сўз блан англашиб, уқдириб бўлмайди. Ўзининг илми, тарбияси камолга етгандагина одам онгли равишда ўйлаб, ҳал этадиган иш. Аммо ана шу тарбияда Айгерим ҳали Абайга ўхшамайди, уни тўғри англашдан ҳали жуда узоқда. Агар ўша томондан камолга етишганда, бир-биримизни англар эдик. Лекин шу кунларда унинг қалби оғир кечинмалар асири бўлиб қолган. Абай унинг дардига даво тополмаётир. Бирнеча бор Салтанат ҳақида сўз очиб, Айгеримни шу масала устида яхшироқ ўйлаб кўришга мажбур қилиб боқди, лекин ҳар гал унинг сукут қилиб, қовоқ солиши, қаттиқ ранжиб кетишини кўрди, холос. Ҳозир иккови ҳам ўтқал тополмай икки соҳилда туришпти. Бир-биридан йироқ бўлган икки хил табиатли одамга ўхшаб юришпти. Шу кунларда Абай бу кайфиятни айниқса кучлироқ ҳис этди. Ўзини ўзи яна ҳам ғариб ва ёлғиз кўриб, қаттиқ хўрсиниб қўйди.

Айгерим ўзининг ҳалиги гапи Абайга қаттиқ текканини билиб: «ранжитиб қўйдим?» деяётгандек, қайрилиб

Абайнинг юзига қаради. Абай ғамгинлик блан Айгеримнинг кўзларига тикилганича Эрбўлга:

— Эрбўл, дейман! Одам ғуссага тўлиб кетди-ку жуда-а. Уйлаб кўрсангчи, қаерга йўқолиб кетсак экан? Дашти-биёбонга бўлса ҳам бориб, бир ёзилиб келсакчи!— деди.

Шундан сўнг Эрбўлгина эмас, Шаке ҳам, Боймағамбет блан Бекпўл ҳам бирга ўтириб маслаҳат қилишди.

Шаке Чинғизнинг нариги томонидаги элсиз-эгасиз қолган яйловларга бургут олиб мерганлар блан ов қилгани бормоқчи экан. Бу атрофдаги овчилар шундай куз кунларида ов қилгани «солбурунга» боришар эди.

Илгарилар Абайнинг овга чиқадиган одати бўлмаса ҳам, бу йил мана шу ўтирган ёру биродарлари блан солбурунга ов қилгани борадиган бўлди.

Орадан йигирма кун ўтгач, Абайлар солбурунда ов қилиб юришган эди. Ҳозир овчиларнинг уч капаси элсиз тоғ сиртида. Қимсасиз катта тоғ — Боқонос тоғида Қирғиз Шоти деган ўрмонли, катта сувли бир чуқур сойдаги баланд қоянинг тагига қатор қилиб тикилган. Қирғиз Шотининг мана шу жойини — «Кишик авлиё» дейилади. Чунки, мана шу қоянинг чўққисига яқинлаб қолган ерда, катта ғор бор. Чинғиз тоғида шундай ғорлар иккита: биттаси бу ердан бир кунли ерда, Тосбўлат деган эл қишлайдиган жойдаги катта ғор. Уни ба'зан «Авлиётос» деб, ба'зан «Қўнғир авлиё» деб ҳам айтадилар.

Мана бу Қирғиз Шотидаги ғор унга нисбатан кичикроқ бўлгани учун: «Кишик авлиё» деб аталади. Овчиларнинг капаси худди ўша «Кишик авлиё»нинг этагига тикилган. Капанинг олди қалин қарағайзор, қайинзор ўрмонга, орқаси қоятошнинг томоғи тагига қаратиб ўрнатилган. Шу кунларда бирнеча марта енгил-елли қор ёққан, тун ошса из тушиб қолади. Ҳали қалин қор тушмаган бўлса-да, лекин деярли ҳар куни тонгга яқин қор, қиров тушиб, из билинадиган бўлиб, ер оқариб турарди.

Овчилар ўн кундан буён гоҳ бургут, гоҳ тозини ишга солиб, анча тулки олишди. Бекпўл, Шакедек мерганлар қадимги пиликли милтиғи блан архар отиб, капаларнинг ичини овланган жонворларнинг териси блан архар гўштига тўлдириб ташлашди. Овчиларнинг шу кунлардаги ҳаёти ов ишига мослаштирилган. Улар қош қорайиши блан ётишади, ғира-шира тонг отиши блан туришади; ўзгача чаққонлик, сергаклик ва тетиклик блан кун кечпишади.

Мана, ҳозир эндигина тонг оқариб келаётир. Капада-гилар нонуштага иссиқ овқат ҳозирлаш тараддудига тушадиган вақт. Ҳали отлар ҳам келтирилмаган. Икки қават нават ёпилган кенггина иссиқ капада Абай маст уйқуда ётарди. Енида ётган Эрбўл унинг елкасига туртиб, уйғотиб юборди. Абай чўчиб бошини ёстиқдан кўтариб, ялт этиб қаради. Эрбўл:

— Абай, мана бу тамошани кур! Бу нима қилмоқчи бўлаётир? Қара-чи!— деб, няғи блан капанинг ўртасига шора қилди. Абай қайрилиб қараса, мерган Бекпўл настигина капанинг хиёл очиқ турган тундигидан милтиғининг учини чиқариб, осмонга қаратганича ниманидир нишонга олаётир.

Капада туриб ов қиладиган мерганни булар ҳали курган ҳам, эшитган ҳам эмасди.

— Ҳай, нима қилаётирсан?

— Нима кўрдинг?— дейишиб, иккови ҳам бошини ёстиқдан юлиб олишди.

Шу он Бекпўлнинг узун қора милтиғи қарс этиб отилди-да, капа ичига бир қучоғ кўмкўк тутун тарқатди. Ҳали тутун тарқаб бўлмасданоқ, Бекпўл:

— Қулади! «Худди қўлтиғидан тегди»,— деганича эшикка қараб отилди.

Абай блан Эрбўл Бекпўлнинг баридан тортишиб:

— Ҳай ўзи нима гап, кимни отдинг?

— Нимани қулатдинг?— дейишиб, ўринларидан туриб кетишди. Уйда буларнинг ҳам борлигини эндигина кўриб Бекпўл яна эшикка интилганича:

— Архар! Уйдек қўчқор... қулаб келаётир, югуринглар!— деди-ю, ўзи тўрдан эшик томонга бир сакраб, лип этиб чиқиб кетди. Ҳозиргина уйқудан туриб эшикда ўт ёқиш ҳаракатида юрган Боймағамбет блан ошпаз Масоқбой ҳовлиқиб:

— Ким отди?

— Милтиқ қаердан отилди ўзи, тавба?!

— Устимизга думалаб келаётир-ку. Капанинг устига келиб тушмаса яхши эди?— деб, шошганча югуриб қолишди.

Шу онда салмоқли оғир бир нарса капанинг орқа томонидаги ёғочига зарб блан келиб урилиб, гуп этиб тушди. Кейин бу баҳайбат ҳайвоннинг жон талвасасида пишиллаб нафас олаётгани эшитилди. Эрбўл блан Абай кенг этикларига оёқларини нари-бери суқиб, бошларига

пўстинларини ёпинар-ёпинмас отилиб эшикка чиқишди. Бекпўл архарни бўғизлаётган эди.

— Ўзи ҳам ҳўкиздеқ қўчқор экан! Бирор дарди бор-микан?

— Тентираб қаердан келиб қолди? Излаганда топил-майдиган, мугизи қуруқ, пихини ёрган қўчқор қаердан пайдо бўлди-ю, қандай қилиб Бекпўлни излаб топди?— дейишиб эшикка чиққанлар, шундай эҳтиёткор архарнинг ўз оёғи блан келиб, ажал домига илинганига ҳали ҳам тушунолмай, ҳайрон бўлиб туришарди. Абай индамасдан, архарнинг уёқ-буёғига ўтиб кўрди-да:

— Бунга нима бало бўлган экан? Кўзи кўр эмасми-кан? Ёки қариб довдираб қолган архармикин?— деди.

Ўлжасини бўғизлаб бўлган тажрибакор Бекпўл архарга бошдан оёқ бир назар солиб чиқди-да, Абайнинг ҳалиги гапига истехзо блан кулиб қўйди. У доим ўз сан'ати блан фахрланарди. Яна кимни бўлмасин аямай илиб, чертиб гапираверарди.

— Кўр бўлгандаку, мени Абай блан Эрбўл отсин деб, кундузи эшикдан кириб келарди. Қовурғасининг мойи худди бир эплик чиқмаса, бурнимни кесиб бераман. Шундай архар ҳам довдирар эмишми? Ундан кўра Бекпўлнинг қонли оғзи ётса ҳам бир архар, турса ҳам бир архар бўлаётганига ҳасад қилиб айтаётирман, десангчи! — деди. Шу блан архарни «касалми, довдираб келганми?» деганларнинг шубҳасини пучга чиқарди. Яна кулимсираб буларни эрмақ қиларкан, мақтаниб ҳам қўйди.

Уч қападаги одамларнинг ҳаммаси, бугунги архарнинг ўз оёғи блан келиб ҳалок бўлганини ирим юзасидан яхшиликка йўйишди.

— Бугун пичоғимиз мой устида турган кўринади!

— Жуфтинг блан уч тўққиз!

— Қани, отларни тезроқ олиб келинглар, чойни даров тайёрланглар... Тезда отга минайлик! — деб, бу уч капанинг энг зўр бургутбоз овчиси — Турғонбой шошилинч бўйруқ берди.

Бургутини силаб, сонини ушлаб, тобини синаб ўтирган Шаке ҳам: «энди қушларнинг сан'атини кўрамиз, отларни тезроқ ҳозирланглар»деб, шошилтираётган эди.

Абай блан Эрбўл овчи деб ҳисобланса ҳам ҳақиқий овчилардек эпчил, сергак эмас. Чаққон югурдақ овчиларга қараб ҳаракат қилишса ҳам, кўпинча отга кечиқиб минадиган шу иккови эди.

Ҳозир ҳам иккови, ичак-чавағини ағдариб сўйиб қўйилган архарнинг ёнидан кетолмай туришарди. Эринаётганларини англаб, бир-бирига қараб қўйишарди. Эрбўл архарни кўрсатиб, Турғонбойга:

— Кўп шоширавермасангчи, ҳеч бўлмаса мана бу янги гўштнинг қовурдоғини еб отланайлик!— деди.

Овчиларнинг ҳам ўзига хос қонуни, йўл-йўриги бор. Бу ерда бутун инон-ихтиёр бургут кўтарадиган, қушнинг тобини биладиган одамнинг қўлида бўлади. Шунинг учун Турғонбой бу капаларнинг ҳақиқий ҳукмрони бўлиб олган. Ўзи баджаҳл одам, ов қилаётганда анча тажап бўларди. Эрбўлнинг ландавурлиги, беғамлигига ғаш келди. Абай блан Эрбўлга қараб:

— Бунча шалвирайсанлар! — Овга чиқдиларингми? Еки тугун кўтариб меҳмондорчиликка борган хотинларга эргашиб юрибсанларми? Иккалангни кўтариб отга миндириш, кўталангни кунда кўтариб қўйишдан ҳам қийин-а. Қовурдоғни қовираверсин. Шу ғира-шира вақтда Авлиёни кезиб, Шотининг яқин еридаги тошларни оралаб келамиз. Отларингга мин! — деди-да, ўзи бургутини олиб, эгрдоғ тжк отига қараб кетди.

Овчилар авлиёнинг тепасига чиқишганда, йироқдаги Сибон қўниси — Ақ Ийрек белидан эндигина болқиб чиқаётган қиш қуёши, оппоқ қор ёлуғи остида ётган пасти-баланд тепаликларга қизил алвондек шу'ла сочи. Авлиё тоғининг тепаликларида бирида Турғонбой бургутининг бошидаги қалпоғини олди. Нариги томондаги бир тепаликка бориб, Шаке ҳам бургутнинг бошидан қалпоғини олди. Учинчи бир тепаликда Абайнинг Ойғиздан туғилган иниси — Исмоғул ҳам бургутнинг бошидан қалпоғини олди. Одатда Абай блан Эрбўл Қоғуши'нинг ёнида эмас Турғонбойнинг орқасида юришарди. Буларнинг қоғушиси — от устида урчуқдек айланиб, атрофга назар солиб юрадиган эпчил ва зийрак Боймағамбет эди. Турғонбойнинг қўлидаги бургут, шу атрофдаги ҳамма овчилар ҳавас қиладиган, олғир қирон — Тулоқнинг Қорашўлағи деб аталган бургут эди.

Абай бу қушни ёзда Сибон элидаги Тулоқ деган бургутвоздан ўнтача қорамол эвазига олган эди.

Шундай қилиб олишининг сабаби, бир ҳисобдан басмабасликка кетишдан туғилди. Абай қишда ов қиламан, деб

¹ Қ о ғ у ш и — тартарак чалиб тулкини ҳуркитадиган киши, — *Ред.*

қирон бургут излатиб Тўбуқти ичига дарак солганда, Турғонбой: бургутнинг сараси Қорашегир деди. Ўшани қўлга киритиб олишни қаттиқ илтимос қилди. Қорашегирнинг эгаси Бўжейнинг ўғли Жабай экан. Абай сўраганда, Жабай қушини бермади. Шундан кейин Шаке блан Турғонбой: «Шу атрофдаги қушларнинг тўраси — Тулоқнинг Қорашўлағи; унинг донғи бутун Сибон элига кетган, энди иш дандонбозликка кетди, бир қизнинг қалинини бериб бўлса ҳам, уни олиш керак» дейишган эди. Турғонбой Қорашўлақни ёз бўйи ўзи парвариш қилиб кузда ўргатиб, ўз қўли блан жуда тобга келтирган эди.

Қорашўлақ номига яраша ғайрат кўрсатиб келаётир. Овчилар ҳозир ов қилиб изғиб юрадиган ерларнинг бир чети Оқшотов бўлиб, оралиғи Қирғиз Шоти, Жанибек, Тезекнинг Қорашўқиси, Қозбола. Иккинчи чети Бойқўшқор эди. Ҳали қалин қор тушмай туриб, булар ўн кун ичида шу атрофни бирнеча бор оралаб чиқишган эди.

Шу ўн кун мобайнида Қорашўлақнинг ёлғиз ўзи олган тулкининг сони йигирмадан ошди. Қуруқ қайтадиган кун ийқ. Ба'зан иккита тулки олган кун ҳам бўларди. Икки марта бирин-кетин уч тулкини босди. На қимирлашга, на олишишга имкон бермай, бир чанг солганда қўлга туширди.

Ҳозир ҳам қалпоғи олиниши блан ўтдек қизил кўзларини қоғуши юрган томонга тикиб турган Қорашўлақ бир нафасда Турғонбойнинг қўлидан лип этиб учиб кетди. Овчи бирор нарса борлигини кўрмаган эди. Қуш қанот қоқиши блан пастликда юрган Боймағамбетнинг «Кев!» деб қичқирган товуши эшитилди. У тулки кўринганини шу йўсинда ма'лум қилар эди. Афтидан, тулки яқиндан қочганга ўхшайди. Уччала овчининг кўзи Қорашўлақнинг қанот қоқишида эди.

Турғонбой Қорашўлақнинг ҳар кунги тобини, худди моҳир табиблардек унинг осмонга кўтарилаётганда дастлабки қанот қоқишиданоқ билиб оларди. Ба'зан Қорашўлақ қаттиқ силкиниб, думини тез-тез қимирлатиб, сур'ат блан учарди. Шундай вақтларда Турғонбой хурсанд бўлганидан пиқ этиб кулиб қўяр ва кайфи чоғлигида айтадиган гапини такрорлаб:

— Жонбоур¹ бугун тобида! — деб қўярди. Қушнинг шу тахлитда учишини кўрганда, терисига сиғмай кетарди.

¹ Жонбоур — афсонавий, овчи бургут. — *Ред.*

То ўзи етиб боргунча қуш тулкини юмалоқ-ястиқ қилиб, ўлдириб қўйишига ишончи зўр бўларди. Бургутдан бўшаган қўли блан қўнжидаги узун носқовоғини олар, ҳузур қилиб носвойдан бурнига тортиб қўярди. Ўзича хиргойи қилиб, доимо айтадиган ўланини айтган ҳолда қуш тушадиган томонга шошмасдан бораверарди. Қорашўлақнинг Жонбоур Шўгелнинг тухумидан эканлигига кўпдан буён шак-шубҳа қилмай қўйган эди. Бошқалар — бу қиронни Тулоқнинг Қорашўлағи деса, у — Жанбоур дерди. Ўзи севадиган ягона қўшиғини хиргойи қилганда:

Жонбоурдан жон кетмас,
Тўқимдан ҳеч тер кетмас,
Қанжуғадан қон кетмас,
Жонбоурим ёндошса,
Тулки жондан дам¹ этмас...

дер эди. Шу бугун Чошгоҳда ўша Жонбоур — Қорашўлақ кундагидек эмас, сушт учгандек кўринди. Турғонбой одатда завқланиб айтадиган гапини ҳам айтолмади. Носвойни ҳам унутди. Тепиниб қушнинг олдига қараб, отини лўкиллатиб бораркан:

— Ийе, сунга нима бўлди? — деди. Шошганича Авлиётошнинг устидаги увадан ўтиб, тик жарнинг тепасига борди. Узангига оёғининг учини тираб, олдинга қараб интилганча тикилиб турди.

Моҳир бургутвоз овчи, Қорашўлақнинг қанот қоқишини ёқтирмай: «Энди тулкига қандай ташланаркин» деб, тикилиб турган экан. Шу чоқ сабри чидамаган Эрбўл блан Абай от қўйиб тасирлатиб унинг ёнидан ўтиб қолишди. Бургутнинг тулки олганини кунда кўриб юрган бўлишса ҳам, икковининг ҳар сафар қизиқиб, завқ блан тамоша қилиши, елиб-югуриши асти қолмасди. Тоғу тош устида отлари тойғаниб, бири кетидан иккинчиси мункиб йиқилаёзиб бораётганларига қарамай, бургут тушган томонга кетишаётир.

Лекин, улар тажрибасизликлари, машқ қилиб юрмаганликлари орқасида бориш мумкин бўлмаган томондан чиқиб қолишипти.

Турғонбойнинг жаҳли чиқиб, овозининг борича икковига қичқириб:

¹ Д а м э т м а с — умид этмас. — Ред.

— Тўхта! Ҳой! Қаёққа кетаётирсан икковинг типирчи-
лаб? Епирай, буларнинг ҳовлиқишларини қара-я! Эсарла-
рей! — деди зардаси қайнаб.

Ҳақиқатан Абайлар, Қорашўлаққа ҳалал беришди. Улар олдидан тўсиб чиқмаганда эди, тулки тоғнинг яланг еридан чиқмоқчи бўлиб юқорилаб бораётган эди. Олди-дан тасирлатиб булар чиқиб қолгандан кейин, шилт уриб Абайлар блан Турғонбой ўртасидаги баланд қояга қараб кетди. Бургут Абайларнинг нарёғидан айланиб келаётган эди. У тулкининг ўша ердан чиқишини кўзлаган бўлса керак. Энди яна юқори кўтарилиб, баланд қоя устидаги тулкига ташланиши керак бўлди.

Қорашўлақ энди шунинг ҳаракатига тушди. Лекин тулки кексайиб, қорни оқарган, чиниққан, маккор экан. Турғонбой ҳайқириб, уни чўчитиб, қоядан пастга туширишга уриниб кўрди. Броқ одамдан кўра кўкдан келаётган саккиз найзали ҳаво йиртқичидан кўпроқ қўрққан тулки қочмай туриб олди.

Бугунги қанот қоқиши Турғонбойнинг дидига ёқмаган бургут, ўзининг нуқсонини энди аниқ кўрсатди. Тиғи паррондек бориб, қоядаги тулкига тепадан ташланиш ўрнига, пастдан ер бағирлаб учди. Ҳорғин ҳаракат қилиб, икки қаноти блан тошларни уриб кетаёзиб, салмоқ блан учиб бораётир. Бу учишда у Жонбоур эмас, қариб, кучқувватдан қолган оддий бургутлардан фарқ қилмасди. Уч овчининг ўртасида, яқингина ердаги қояда бургутнинг яқин келишини кутиб, ҳали ҳам қочмай турган айёр тулки зўрға қанот қоқиб етиб келган бургутни кўриши блан шилт этдию, уни орқада қолдириб баландликка уриб кетди. Шу ергача зўрға етиб келган Қорашўлақ тулкига човут қилолмади. Ҳали тулки қочган ерга етиб ўзини ташлагандек, лоп этиб қўнди. Тулки қутилиб кетди.

Турғонбойнинг Қорашўлақдан панд егани шу эди. Отдан ирғиб тушди-да, юмшоқ қордан бир қисм олиб, гижимлаб-гижимлаб узунчоқ музга ўхшатди-да, Қорашўлақнинг халқимига солиб, зўрлаб ютқизди. Анча вақтгача қироннинг жиғилдонини эзиб, ҳалиги ютқизган қорини сингдириб юборди-да, Абай блан Эрбўлга чурқ этиб оғиз очмай, отига миниб кетаверди.

Қўлида бургутни бўлмаган иккита тамошабин, Турғонбойни хафа қилиб қўйишганини ўзлари ҳам фаҳмлаб, гуноҳларини бўйинларига олишди. Отини йўрғалатиб кетаётган овчининг орқасидан кетаверишди. Бир тепаликнинг

бошига чиққанда, Турғонбой яна бургутининг бошидан қалпоғини олди. Пастдаги Боймағамбетга қараб, чап қўли блан: «жарликдаги тошни қоқ!» дегандек ишора қилди. Бу гал орқасидан етиб келган Абай блан Эрбўлга қўлини қаттиқ силтаб, қойиб кетди.

— Тўхта! Тура-тур! Елиб-югуриб, йўлни тўсиб асти қўймайсанлар. Ахир, тулкини бургут оладими, ёки сен иккаланг оласанми? Бунча ҳовлиқиш?! Ўша ерда туринглар! — деди.

Абай блан Эрбўл бир-бирига жилмайиб қарашди-да, домласи уринган шогирддек жим бўлишди. Турғонбой тур деган жойда қимирламай туриб қолишди.

Бироздан кейин жарликдаги тошлар орасидан Боймағамбетининг «Кев!» деган ингичка овози янгради. Қорашўлақ отилиб учиб кетди. Бу гал қуш дарғазаб бўлиб, қанотини зарб блан қаттиқ-қаттиқ қоқди. Ҳавода доирани кичик олиб, бир-икки айланиб, бир лаҳзада осмонлаб кетди. Қанотларини қайчи қилиб ёздию, кейин елкасини чиқариб Турғонбойнинг рўпарасидаги қоя бағрига — пастга қараб тўппа-тўғри отилди. Турғонбой даммини чиқармай турарди.

Олдинда қандай ҳодиса рўй берганини билмаса ҳам, Абай блан Эрбўл: «Тушди, тушди, тушди!», «Қандай бўлса ҳам бир иш бўлди!», «Олди! Ё омад!» деб юборишди. Яна сабри-тоқат қилолмай, отларини ниқталаб чоптиришганича Турғонбойнинг ёнидан ўтиб кетишди. Улар ҳам шошилиб югурганларича қуш тушган жойдан жарга тушиб кетишди. Бу гал Қорашўлақ тулкини таппа босди. Абай остидаги кўкиш отнинг эгари бўйнига кетиб, йиқилай деб турганига ҳам қарамай, шошилиб бораркан, рўпарасида, бир ўқ учарлик ерда, ҳали қочиб қўтилган қорни оқ, момиқдек тулки блан Қорашўлақнинг олишаётганини кўрди. Энди от яна бир қадам қўйса, Абай эгар-жабдуги блан отнинг бўйнидан учиб тушар эди. Шу тобда куч блан орқага ташланиб, отининг устида яйдоқ миниб олганича, яна тақимлаб, қуш блан тулкининг олди-га етиб келди. Оппоқ қор устида қизил тулки, қора бургут олишаркан, Абайнинг кўз ўнгида ҳеч хаёлга келмаган ажиб бир манзара намоён бўлди. Севинганидан бсихтиёр: «Айтмадимми! Ё омад! Бебаҳо Жонбоур! Оббо Қорашўлақ-ей!» деб келаётган эди. Яна кўз олдидаги кўринишни шу оннинг ўзида хаёлига келган бир гўзал сурат блан чағиштирди... Оппоқ танли, гулгун юзли, соч-

лари қопқора бир жонон чўмилаётирми? Абайнинг оғзига тўсатдан бир йўл ше'р келди.

«... ўхшайди гўзал жонон чўмилганга»

деди. На боши, на охири бўлган шу бир сатргина ше'р туғилди-ю, уёғи келмади, қўйди.

Абай етиб келган пайтда Қорашўлақ тулкини обдан ҳолатдан кетказиб, босиб олган эди. Қорашўлақнинг енгилгина учиб турган икки елкаси, сочларини кўтариб ташлаётган гўзалнинг тирсагига ўхшарди. Қанотлари эса, қуйинаётган гўзалнинг елкасини безаб турган ҳисобсиз кокилларидек жилваланарди.

Бу тулкини олганларидан кейин, тўрт овчи Қирғиз Шотининг Жанибек томонидаги чангал ва буталар блан қопланган тепаликларига қараб кетишди. Турғонбойнинг шу тепаликларда ҳам бир қуш солиб, сўнг капаларга қайтиш нияти борга ўхшаб қолди.

Отга миниб овга чиқилгандан кейин Абайлар турғонбойдан: «Қаерга борамиз?» деб сўрашмасди. Тўғриси: сўрашга ботинаолишмасди. Турғонбой қорайиб турган чангалзор тепага етиб қолганда, Боймағамбетни яна тоғ этакларига тушириб юборди. Турғонбойга Абай блан Эрбўлдан кўра чапдаст, эпчил Боймағамбет ма'қул бўлган эди. Боймағамбет буларга қараганда анча чиниққан, жуда зийрак йигит. Турғонбой бургутни кўтариб тоғ бошига чиққунча, Боймағамбет баланд тош қояларининг орасида даммини чиқармай бургутнинг бошидан қалпоқ олинишини кутиб турган экан. Турғонбой чўққига чиқиб бургутнинг бошидаги қалпоғини олди-да, қўлини кўтариб Боймағамбетга ишора қилди. Чиниққан қоғуши шундан кейингина ҳаракат қилди. Турғонбой Абайга қараб:

— Ана, кўрдингми, асли овга чиқса Боймағамбет чиқсин экан, ниятингга еткур! — деди.

Боймағамбет аста-секин жар бўйлаб юриб, тулки ҳуркитиб бораркан, ба'зи ерларда тўхтаб, қамчи сопи блан эгарининг қошига секингина уриб тақиллатиб қўярди. Тоғ ва сойликни оғир сукунат босган. Шамолдан заррача асар йўқ. Гўё бутун олам даммини ичига олиб, жим бўлган-у, Қорашўлақнинг яна бир муваффақиятини кутаётган эди. Турғонбой баланд чўққида туриб, икки овчи кетган Қирғиз Шотининг бош томонига кўз ташлади. Олис бир тепалик устида бўз отлиқ Шаке ҳам бургут-

нинг бошидаги қалпоғини олиб турганини лайқади. Ундан нарироқдаги бир чўққида кўз илғар-илғамас кичкинагина бир қора нарсага ўхшаб Исмоғул ҳам кўринди.

Шу тобда Боймағамбет, Қорашўлақнинг қулоғига сингиб қолган ўткир, ингичка овоз блан қисқагина қилиб, яна: «Кев!» деб қолди. Қорашўлақ яна кетди. Бу сафарги учиши ҳалигиндай эмас, яна эрталабгидек, суст. Эринчоқлик блан қанотини шалвираб қоқиб борарди. Лекин, тулки пастликдан, тумшуғининг таккинасидан қочди. Қуш, отлиқлар устидан хиёл кўтарилиб бир айланди-ю, пастга отилди. Худди шу онда ўнг томондаги кўкиш товланиб турган бир чўққидан ўқдек учиб келаётган бошқа бир бургут кўринди. Оёғида боғи бор бу бегона бургут лип-лип қанот қоққанича, Боймағамбетнинг ёнидаги тулкига кўз тикиб, ташланишга мўлжаллаб келаётир. Тоғ бошидаги овчилар бирор нарса демасалар ҳам, ичларидан: «Икки бургут бир-бирига ташланадиган бўлди-да!» деб хавфсираб қотиб туришарди.

Бегона бургут тулкига Қорашўлақдан кўра яқин ердан чиқди. Тўғри кетганича Қорашўлақдан олдин бориб қолди. Энди тулкига ўша бургут олдин ташланиши мумкин эди. Лекин у қушнинг йўли яқин бўлгани блан тулкига ташланишга унча ра'бати йўқдек кўринди. Эринчоқлик блан шошилмай кетаётир. Қорашўлақ бўлса, ўз ўлжасига келган рақибни кўриши блан пастга шўнгиб, қаттиқ-қаттиқ қанот қоқиб, аввалги сустлигини ҳам унутди. Отилиб бориб, тош тепасида турган тулкини бегона бургутнинг тумшуғи тагидан лип этиб илиб кетди. Тулкини чангаллаганича парвоз қилиб, олдидан чопиб келаётган Боймағамбетнинг ёнига келиб тушди. Бегона бургут Қорашўлаққа ташланиб қоладими деб чўчиётган Боймағамбет отдан ирғиб тушди-да, тепада айланиб юрган бегона бургутни йўлатмаслик учун қамчисини ҳавода ўйнатабошладди. Қорашўлақ блан унинг чангалидаги тулкини ҳам ўз гавдаси блан яшириб турарди. Шу чоқда юқорида турган Турғонбой, Абай, Эрбўллар ҳам тоғ бошидан шағал ва қорни шувиллатиб тушириб, тойғана-тойғана пастга қараб келишаётган эди. Довон ошиб келаётган бегона бургут яқинлашиши блан Турғонбой:

— О, мана бу Қорашегир-ку! — деди.

Абай, Эрбўл, Боймағамбетлар бу қушларнинг табиятини, одатини билмаганликлари, тажрибасизликлари орқасида шошиб гангиб қолишди. Уларнинг, назарида, Қо-

рашегир ерда ўтирган Қорашўлаққа чанг солиб ўлдириб, қўядигандек туюларди. Турғонбой ҳам шулар блан бирга шошилиб келаётир. Лекин у булар ўйлаган хаёлга боргани ҳам йўқ. Моҳир бургутвоз Қорашегирнинг қўлбола қуш эмас, ёввойи қуш эканлигини яхши билгани учун унинг ўз жинсидан бўлган қушга ташланмаслигига ишончи зўр эди.

Лекин, басма-басига ов қилишнинг ўзи ҳам бир пойга. Донғи чиққан Қорашегирнинг олдидан пойгага қўйгандек қаторлаштириб юборганда, Турғонбойнинг ўзи тобга келтирган Қорашўлақнинг олдин бориб тулкини тортиб олиши уни ғоят хурсанд қилар, фахрлантирарди. У ҳозир: «Қорашегир нима қилар экан» деб, унинг эндиги учиб қўнишини, қанот қоқишини, авзойини яқиндан кўришга шошилиб келаётган эди.

Қорашегир Қорашўлаққа ҳужум қилмади. Ҳатто нарироқ бориб тошга ҳам қўнмади. «Яна тулки бўлса» дегандек, шу сой ичида ўлжа излаб учиб юрди. У, сер ҳасад, кўзи ўткир овчи — Турғонбойга: «мени ҳам кўриб қўй!» деяётгандек, узоқ вақт ҳавода айланди.

Қорашегирнинг ўзига хос ажойиб бир хусусияти Турғонбойнинг юрагига ўт солди. Соёни оралаб, бир пастлаб кетади-да, қайтадан кўкка кўтарилганда қўлбола қушларга ўхшамайди. Ҳақиқий ёввойи қушдек қанотини қаттиқ-қаттиқ силкитиб, тез сур'ат блан сув оққандек текис сузиб кетади. Бу биринчидан, бургутнинг ўз хусусияти бўлса, иккинчидан, тобга олган овчининг сан'атини кўрсатади. Қушни салмоқи қилиб қўймай, пастга ҳам, баландга ҳам бир зайлда учадиган қилиб ўргатишга жуда кам овчи муяссар бўлади. Қорашегирни биринчи кўришдаёқ ундаги ана шу ўзгача хусусият Турғонбойнинг диққатини жалб қилган эди. Қорашегир бир кўтарилганича нариги тепаликнинг бошидан ошиб, ундан ҳам юқори турган чўққига етиб боргунча қанот қоқмади. Турғонбой шунга зеҳн солиб турди.

Қушга кўп ишқивоз бўлган Турғонбой шу ёз Абайга келиб: «Қорашегирни эгасидан сўраб ол» деб, маслаҳат берганда, унинг ўша бошқа қушларда бўлмаган хусусияти борлигини билганидан айтган эди.

Қорашегир Тўбукти элига келганда, бу атрофдаги барча овчиларга донғи кетган энг машҳур бургутвозларнинг қўлидан чиқиб келган эди. Бир-бирига қушни ўтирган Тўбукти, Керей, Сибон элларида: «Қозоқда энг зўр қушбе-

ги — қуш ўргатучи ким?» деб сўралганда — «илгари ўтган Жалойир авлодидан бўлган Шўрдан кейинги қуш ўргатучи, қушни тобга олучи Керей — Қул» дейишар эди. Ўша қулнинг болалари, темирқанот чоғида саҳрода қулга тушириб, ўн йиллар давомида қўлида ўстирган қуш — мана шу Қорашегир эди. Шунинг учун Абай унинг эгасига бориб, бирнеча бор оғиз солиб кўрган, лекин сўраб ололмаган эди.

Боймағамбет, Эрбўл ва Абай учови севикишганича бориб, Қорашўлақ олган тулкини унинг чангалидан ажратиб олишди. Эрбўл Қорашўлақни тулкидан айириб олиши блан енгига қўндирди, силаб-сийпаб:

— Дурустсанку, Шўлағим! Донғи чиққан Қорашегирни ҳам қанжуғанга боғлаб кетдинг-ку! Чангалидан тортиб олдинг-а! — деб, шодлиги нчига сизмай мақтанакетди.

Турғонбой буларга парво қилмади. Икки кўзи ҳали ҳам Қорашегирда эди. У, пастлаб келиб тўпланиб турган одамлар устидан сўнгги марта бир айланиб ўтди. Кейин отилиб баланд чўққига томон кўтарилиб, ўзи ошиб келган довоңгача толмай парвоз қилиб бориб, ўша ердаги харсанг тошлардан бирига қўнди. Қуш қўнғандан кейингига ундан кўзини олган Турғонбой:

— Гап тулки олган олмаганда эмас! Тошга қўнғанда ҳам қирғий, қарчигайларга ўхшаб снгилгина бориб қўндику! — деди.

Ўз қўлидаги Қорашўлақдан «Қорашегирнинг сан'ати устун» дейишга оғзи бормаса ҳам, шу фикр унинг қалбини тирнаб ўтди.

Овчилар тулкини боғлаб олиб, ҳалиги сойдан яна юқори чиқиб кетаётганларида, ҳали Қорашегир келган доводан ошиб, бешта овчи буларга томон келаётган эди. Икки тўп бир-бири блан учрашганида, Абулғози Турғонбой блан сўрашмай туриб:

— Ҳой, Турғонбой ростини айтчи, Қорашегир мана бу доводдан қандай учиб ўтди! Сенинг тулкиннга интилгандаги кайфияти дидингга ўтиришдими? Қорашўлақ бундан олдинроқ ташланган эдими? Бу тулкини кўрганда қандай учди? Шуни айтчи! — деди.

Қорашегирнинг эгаси — Жабай Абулғозининг ёнидаги тўрт кишининг ўртасида турарди. Унинг бошида тулки тумоқ, эғнида оқ элтери пўстин. Кўркам юзли, чиройли, мағрур одам эди. Ёши Абай, Абулғозилар қатори бўлгани блан, кўкрагини тутиб ётган қолқора кўркам соқоли унинг

ёшини булардан кўра каттароқ қилиб кўрсатарди. Жабай ҳам Турғонбойга қараб:

— Мен, мана бу айёр Абулғози блан баҳслашиб келаётирман. Қушиннинг устига, тулкингга Қорашегир қандай борганини дурустроқ қилиб, ростини айтиб бери! — деди.

Бу тўдадаги қушбегилардан яна биттаси Жиренше эди. У гўё Абулғози блан Жабайнинг қушбегилик юзасидан олиб боришаётган баҳсига бетараф кишидек кўринарди. Овчиликка унчалик жон-дили блан берилганга ҳам ўхшамайди. У иккови, Абайлар блан саломлашиб ҳам эсига келмай Турғонбойни қуршаб турганда, Жиренше Абайга яқинлашиб келди. Қизғин баҳслашаётганларни имлаб кўрсатди-да, кўзини қисиб, илжайиб қўйди. Эрбўл блан Абайнинг ёнига келиб, қуюққина сўрашабошлади.

Қорашегир Жабайнинг қўлида эди. Турғонбой бу қироннинг тулкига Қорашўлақдан кўра яқин ердан чиққанини, аввал бориб босиши мумкин бўлганини айтди.

— Лекин учиши анча суст бўлди. Тобига келтиришда бирор хатолик ўтганми, нима бўлган! Қорашўлақ кейин учган бўлса ҳам илгари етиб бориб, қоядаги тулкини илиб олди-да, Қорашегирнинг олдидан кўз-кўз қилиб ўтиб, иккинчи томонга қўнди! — деди.

Мапманликни севадиган овчи олдин тўғриси айтиб туриб, охирида: «бировларнинг ичи куйсин» дегандек, мақтанчоқлик блан ёлғонни ҳам қўшиб кетди. Буни дарҳол фаҳмлаган Абулғози башарасини тиржайтириб кулгач, Абайга қараб имлаб қўйди. Унинг зийраклигидан завқланган Абай кулиб юборди. Энди Турғонбой блан Жабай гапга тушиб кетишди.

Жабай бугун Қорашегирнинг нималар қилганини Турғонбойга гапирабошлади.

— Ҳали мана бу Жанибекда бир тулкини чилпарчин қилган эди. Ёнгинасида турган мана бу Адил қўлдан чиқариб юборди-да! — деди, ўзининг кичик онасидан туғилган, Бўжейга ўхшаб кетадиган инисини кўрсатиб.

— Кўн этикнинг қўпжига ўхшаб шалвираган лўнжинг қурғур, отдан ирғиб тушиб, югуриб боришнинг ўрнига имиллади ўтирди. Қуш тулкига тушган жой қалин чангалзор эди. Олишаётганида қанотига тикан кирди шекилли, тулкини қўйди юборди! — деб Жабай, бургутнинг тулкидан айрилганини бир Адилдан кўрса, бир ерни баҳона қиларди.

Абулғози блан иккови шу тўғрида баҳслашиб келаётган экан. Жабайнинг бу гапларини Абулғози эрмак қилиб кулди.

— Айтасан-да, айб Қорашегирда эмас, чангал блан Адилда, деяётгирсан-ку. Қушнинг тобини бузиб қўйган ўзим эдим дейишга бўйнинг ёр берармиди. Айтсам, гапга кирмайсан. «Қушни тобга олиш сенга — Абулғози блан Адил эмас, эртадан қора кечгача ҳақорат қилсанг кўтараверадиган» деган эдимку! Сенинг Бўжейнинг ўғли бўлганингнинг, йўғонлигининг Қорашегирга нима аҳамияти бор! Қуш боқишни билиш керак. Қушни бузиб қўйдинг. Айнигани учун тулкини олмай, қўйиб юбурди. Мана бу Турғонбойнинг гапини эшитсангчи. Қорашулақнинг олдида келаётган бўлишига қарамай тулкини унга ташлаб кетишни бежиз деб ўйлайсанми? Ҳаммаси ҳам майлия, лекин Қорашулақ биринчи тўқнаш келиб олишгандаёқ бизнинг қушнинг обрўйини айрондек тўкканини айтмайсанми! — деб, яна кулди.

Ўз аламини олиш учун Жабайни аямай тоза та'зири-ни берди. Абай блан ота кундош, доим сен эмас, мен деб юрадиган Жабайга ўз қариндошининг мана бу қилиғи номуссизлик, хамиятсизликдек туюлиб, жуда тутоқиб кетди.

— Бу бема'нининг айтаётган гапини қаранг. Сен қушнинг тобини биласан, лекин мендан ортиқ билмайсан. Қаердан билагон бўлиб чиқдинг? Кунда қушни ўзимга бийлатмай, талашиб-тортишиб юриб, бузсанг ўзинг бузгандирсан. Кўп алжирамай капангни олиб кетгин-да, мендан овлоқ юр! — деди.

Шу ерда турганларнинг ҳаммаси Жабайнинг ҳаддан ташқари катта кетиб, ўринсиз ғазабланганини фаҳмлашди-ю, яна кулгига олиб индамай қўяқолишди. Абай секин Жабайнинг ёнига келиб, илгари ҳеч кўрмаган Қорашегирга энгашиб қаради-да, Жабайга: «Қалпоғини олчи!» — деди.

Анчагача қушга тикилиб турди, чўнтагидан янги булғори портсигарига солинган папиросини олди. Боймағамбет чақиб берган гугуртдан ёндириб олиб, бамайлихотир папирос чекиб турди-да:

— Қорашегир деганлари оддийгина шегир эканку!¹ — деди, Жабайнинг ҳалиги баҳсдан пайдо бўлган жароҳа-

¹ «Узоқ учолмайдиган қушга узундан-узоқ от қўйишнинг нима ҳожати бор» деган ма'нода. — *Ред.*

тини жўрттага чуқурроқ тирнаётгандек, қушни камситиб. Шундан кейин Жабайлар ҳалигача тулкининг сонини ўнтага етказа олмаганини ҳам сўраб билиб олди.

— Бизнинг ҳар уччала қапамиз ҳам тулки терисига тўлиб кетди. Бекпўллар ҳам архар блан буғуни уйиб ташлашди. Тулки тошда юрса Қорашўлақ илиб кетади, дарахтзорга кирса, қора този тирқиратиб қувиб чиқади! — деди-ю, отининг бошини бурганча кетаверди.

Жабайнинг ёнидаги қоғуши, овчи ҳамроҳи Бийбола деган йигит эди. Абайлар кетиши блан у:

— Бу тоза мақтаниб, ўзини кўрсатиб кетди-ку! — деб қолди.

Абайлар шу кетишда тўғри қапага бориб, ҳалиги архарнинг қовурдоғини ейишмоқчи эди. Турғонбой кўнмади.

— Бугун Қорашегиргина эмас, Қорашўлақ ҳам кўнглимга унча ўтиришмай турипти... Шунинча яна бир синаб кўрайликчи. Кун ҳам тушга яқинлашиб қолди. Қапага бориб қайтгунимизча кеч кириб қолади. Ярим кунимиз бекорга ўтади. Қирғиз Шотини яна бир изғиб чиқайлик. Қани, буёққа юринглар! — деди. Боймағамбетга рўпарадаги жарни кўрсатди: «олдинга туш!» дегандек қўлини силтаб, қайрилиб кетди.

Овчилар шу кетганларича қош қорайган пайтда капаларига қайтиб келишди. Лекин тулки олишолмади. Боймағамбет ҳайдаб чиқариб берган тулкига икки марта юборилганда ҳам Қорашўлақ ҳафсала қилмади. Ўзини уёқ-буёққа чалғитиб кетиб, тулкига қарамай қўйди. Суст учган бургутга чап бериб, инига кириб тош бағрига тикилиб, икки тулки ҳам қутилиб кетди. Шундан сўнг қапага қайтган овчилар, Қорашўлақнинг бугунги фе'л-атвориға тушунолмай ҳайрон бўлишди.

Илгари кунигина бемалол учтадан тулки оларди, ҳатто икки марта тўрттадан ҳам олган эди. «Тоби айниб қолдими? Ҳолсизлана бошладими? Еки учтадан тулки олиш оғирлик қилаётирми?» дейишарди. Қорашўлақ қанотларини хурпайтириб ўтирарди.

Тўрт овчи галма-гал унинг жунжиб ўтиришига тикилиб келишди.

Бургутнинг ўзи ҳам, кирови Қорашўлақ деса дегудек эди. Унинг гавдаси бир қучоқ бўлиб, ҳозиргидай патини хурпайтириб ўтирганда ён томондан қаралса, бўйи энидан қисқа кўринар, каттакон қора тўнкага ўхшарди.

Овчилар қапага келишганда, Абайнинг капасида меҳмонлар ўтиришган экан. Жиренше блан Абулғози келишилти. Бу икковининг Жабайдан айрилиб, бу ерга келишининг тагида Жиреншедан чиққан бир гап бор эди.

Ҳали булар Абайларнинг тўдасига йўлиқиб, айрилиб кетишганда, Бийбола айтиб юборган гапданми ёки ўзининг кўнгли озор топганданми, ҳар ҳолда Абайнинг ҳалигидай қилиб кетиши Жабайга жуда қор қилиб, қаттиқ ранжити. Ёнидаги ҳамроҳларига қараб, қовоқ думоғини осилтириб, бошини чайқаб:

— Ҳалиги менга катталигини кўрсатиб кетди-ку! Унинг отаси Қунанбой бўлса, менинг отам Бўжей. У Абай бўлса, мен Жабай! Нимасига бунча гердайиб, мени камситаётир?— деб,— Қорашегир, сенинг тобинг туфайли эшитаётирман-ку бу та'наларни!— деб, чиндан ранжиб, куюниб кетган эди.

Жиренше блан Абулғози Жабайнинг бу гапига на қўшилишди-ю, на э'тироз билдиришди. Брок, Жиренше овда ўтадиган гап-сўзларга, ба'зи ишларга ҳечқачон жиддий тус бермас, шунчаки, гап, ҳазил деб қарарди. У биров хаёл суриб келаётиб, астагина пиқиллаб кулди-да, Абулғозининг биқинига қамчи блан туртиб, Жабайдан кейинроқ қолишди.

Жиренше найранг ишлатиб, бир қалтис ҳазил қилишнинг режасини тузган экан. У ҳийла ишлатадиган бўлса, Абайни ҳам, Жабайни ҳам бир зумда қўлга туширарди. Бу икковини қўлга олиб, эрмак қилиш унга ғоят қизиқ овдек кўринди. Сўзамол, э'тиборли Жиренше бу кунларда сержамоа Қотибақ элининг ёлғиз устун бўлиб олган эди. У фақат Чинғиз бўлисида эмас, қўшни ўтирган Кўкше, Мамай элларига ҳам, Керей, Уоқ элларига ҳам э'тиборли йигит бўлиб чиққан.

Абай ҳам ўзининг обрўи, э'тибори бўлган жойларга шу ўртоғи блан бориб, у ерларда ҳам унинг э'тиборини орттиришга тиришарди.

Мана шу Жиренше, Тўбуқти орасида, ба'зан эл ўртасидаги уриш-жанжал, олишув-тортишувларда кўпчиликка сездирмай, усталик блан ҳазил ишлатиб, ўртага не-не чигал тугунларни ташлаб қўярди. Бировни эрмак қилишда устихони йўқ, кулгидан оғзи бўшамайдиган Жиренше, ўшандай пайтларда тулки блан ўйнашаётган бургутга ўхшаб кетарди. Ҳозир яна ўша одатини ишга солди.

Абулғозини четга чақириб олиб, пичирлаб ўз режасини унга ҳам уқдириб келаётир. Гап орасида кўзини шинграйтириб кулар, ёшликдаги шўхлигидан қилиб, от устида чалқанчасига ташлаб керишиб қўярди. Ўзи ҳам кишининг ақли етмайдиган гапларни топган эди.

— Жабай ҳалиги гапни азбаройи алам қилганидан гапираётир. Абай буни жуда ерга уриб кетди. Мағрурлик блан, менинг кимлигимни билиб қўй, деди-да. Бу шўрлик қандай чидасин! Энди иккаламиз Абайдан унинг ўчини олиб берамиз. Аммо бу иш ёлғиз менинг қўлимдан келмайди. Менинг қушбегилигим — сенинг муллалигингдек гап. Абай менга ишонмайди. У Жабай эмас, муғомбирроқ. Сен бош қўшсанг, икки киши бўлиб Абайни алдаймиз-да Жабайнинг ўчини олиб берамиз! — деди.

Абулғози Абайни яхши кўргани, чин дўст деб ҳисоблагани учун, дастлаб:

— Қўй, хафа қилиб қўямиз! Мендан кўнгли қолади! — деган эди, Жиренше яна баттарроқ кулди.

— Вой хумпарей, қуш деган нарса кишининг номуси эмас-ку? Жабай гўллигига бориб ундан койиб келаётир. Қуш қиз эмас-ку. Нимадан номус қилиб ўпкаларди дейсан? Биз уни алдаганда қуш орқали алдаймиз-да! — деди. Бу ишнинг амалга ошиши осон гап эмаслигига кўзи етган Абулғози:

— Ийе! Турғонбой алдатармиди? У кўзинг чиққур қушнинг ичидаги қириндисигача кўриб туради, ўлса алдатадими? — деди. Жиренше буни ҳам парвойига келтирмади.

— Ҳай, у қушни билгани блан эси паст, баджаҳл нарса эмасми? Сен ўзинг менга фақат ўшанинг қўлидаги Қорашўлақнинг тобини, қандай боқилаётганини айтиб маслаҳат бериб турчи. Турғонбойга қўшиб Абайни ҳам, бошқасини ҳам тойдек бўйинини остида қолдириб, ҳеблакдек учуриб юборай! — деди.

Бугун Абайнинг капасига меҳмон бўлиб келган дўстларнинг кўнглида мана шундай ғараз бор эди. Жиреншега эрмак керак. Қорашўлақни қапага олиб киришлари блан астагина Абулғозини туртиб, қушга қараб имлаб қўйди. Абулғози: «Қани Қорашўлақнинг гавдасини бир кўрайчи» деб, қушни қўлига қўндириб, анчагача силаб-сийпаб ўтириб, хўп синчиклаб кўрди. Сўзлашганда ҳам қушнинг гавдаси, суяги, насли ҳақидаги гапдан нарига ўтмади. Турғонбойнинг аччиғини келтирадиган томонга

тил тегизмаслик шарт эди. Қушнинг тоби, бугунги аҳволи ҳақида оғиз очмади.

Абай иссиқина, кенг капанинг ичига гулхан ёқтириб юборди-да, меҳмонларга яхши чойдан дамлатди. Чин кўнглидан хуш кўриб кутмоқда эди. Абулғозига: «Бургутни яна кўр, яна бир кўргин» — деб, икки-уч марта ўзи илтимос қилиб, тутқазди. Лекин Абулғози ҳаргал ҳам у кутганича жавоб қилмади. Қуш тўғрисида фақат ҳалигидай, бугунги овга алоқаси бўлмаган мақтовлар блан чегараланарди. Абай дўсти Абулғозининг бундай тортиниб ўтиришини ёқтирмади.

— Бекорчи гапларнинг нима кераги бор! Ундан кўра бугунги тоби ҳақида гапирсангчи. Бунинг кечқурун шундай аҳволга тушишининг боиси нима деб ўйлайсан? Сенинг фикрингча, бугун қандай овқат бериш керак? Шунини айтгин,— деди.

Абулғози шуида ҳам у тўғрида оғиз очмади.

— Ҳа, Турғокенг биладику! Турғокенгнинг ўзи ҳам билади! — деди-ю, очиқ жавоб қилмади. Абайнинг Абулғозидан қушнинг овқатини сўраб ўтирганига Турғонбойнинг энсаси қотди. Ирғиб ўрнидан турди-да, бугун овланган тулкининг бир қўлини суғуриб олди-да, бўсағада орқасини ўгириб ўтирганича, бургутга овқат тайёрлай бошлади. Абулғози унинг рўпарасида ўтирарди. «Турғокенг билади» дейиш блан бирга унинг қушга ҳозирлаётган овқатига қайта-қайта кўз ташлаб кўярди.

Турғонбой қушга қони қотмаган, янги гўштдан бермоқчи бўлаётир. Бу — тоби қочиб, ҳолатдан кетабошлаган, этдан тушиб қолган қушга бериладиган овқат. Демак, Турғонбой: «Қорашўлақ этдан тушиб бораётир» деб билар экан. Абулғози ҳали қушнинг сонини, тўшини, думининг тагини тимискилаб хўп яхшилаб кўриб чиққан эди. Ҳақиқатда ҳам бу жойларида қоракесак этдан бошқа ҳеч гап йўқ эди. Абулғозининг узун бармоқли оппоқ, юмшоқ қўллари қушнинг қаноти тагида бироз ёғ пайдо бўлганини ғоят сезгирлик блан билиб олди. Лекин буни Турғонбой пайқамеган бўлса керак. Унинг қадоқ босиб кетган қўли яхши ажратолмай қанотдаги катта патларнинг таги деб ўйлаши ҳам мумкин эди.

Абулғози қушни ушлаб ўтириб, бугунги учиши Турғонбойга ма'қул бўлмаганини сезди. Яна айниқса, кечқурун ҳам учинчи, тўртинчи тулкига жон-жаҳти блан ташланмаганининг сабабини билиб олди.

Шундай қилиб, агар Абулғози Жиреншени ўз мақсадига етказаман, Қорашўлаққа зиён келтираман деса, ҳозир қўлидан келарди.

Айниқса Турғонбойнинг қушга тулки гўштинининг қонини сиқмай бериши жуда ўринсиз. Қиронни аввалгидан ҳам бузиб қўяди. Абулғози қушга ачинганидан, бир кўнгли айтиб юборай ҳам деди. Жиренше Абулғозининг ҳамма нарсага зеҳн солиб, билиб олганига энди жуда ишонди. Абулғози буёғига қолганда, ўйинни бузиб юбормаса яхши эди, деб, ўрнидан туриб келди-да, шеригининг ёнини қаттиқ чимчилаб қўйди.

— Буёққа бер-чи, шу қушни ўзим бир кўрай! — деб, у ҳам анча вақтгача Қорашўлақнинг орқабошини силаб-сийпаб ўтириб, кейин ўз жойига қўндириб қўйди.

— Яхши қуш экан, лекин тобга олишни билмаётган экансанлар! — деб қўйди, зўр ишонч блан. Турғонбой ялт этиб унга бир қаради-да, энсаси қотиб, яна юзини четга ўгирди. Абай қушбегисининг ғашига теккан Жиреншени эрмак қилиб:

— «Жиренше, Жиренше» деб юрганларига қушнинг тилини ҳам биламан, деб ўйлайсанми? Сен билганни Турғонбой уёқда турсин, ўзим ҳам биламан. Кўп маҳмаданалик қилмай, меҳмон бўлиб иззатинг блан жим ўтир! — деди. Жиренше ҳазилни кўтараверар эди. Ҳингиллаб кулди-да:

— Шунини айт, биз нимани билар эдик. Ана у русча китобларда «Тулоқнинг Қорашўлағини Абай бундай парвариш қилсин!» деб ёзиб қўйгандир. Ўзинг оғзингдан туширмайдиган Пўшқин ёзганми? Тулстой айтиб берганми? Сен биласан! Ана, биз аралашмай қўяқолдик. Тур, Абулғози, отларни ўтга қўйдириб келайлик! — деб, Абулғозининг елкасига туртиб, эшикка олиб чиқиб кетди.

Эшикда Абулғозидан сўраб, қушнинг миридан-сиригача билиб олди. Қайтиб уйга киришганда, Турғонбой қушга овқат бермоқчи бўлиб турган экан.

Абай ундан: «Бугун қандай овқат бермоқчи бўлаётирсан?» деб сўраган эди, Турғонбой истар-истмас:

— Бугун «ўйтамоқ» деган овқат бераман! — деди.

Бу ҳалиги овчилар эшитмаган янги гап эди. Абай ижикилаб сўраса, у тулкининг бир қўлини қонини сиқмасдан бераётган экан. Абай блан Турғонбой қушнинг олдида гапга алақсиб турганларида, Жиренше Абулғозига қараб шивирлаб:

— Эртага бу қуш нима қилади, шуни айтиб берчи?— деди. Абулғози ҳам секингина:

— Бу қуш эртага тулкини олишга олади-ю, броқ қўйиб юборади! — деди.

Шундан кейин Жиренше орқасига иккита катта ёстиқни устма-уст қўйиб, тўрда чираниб чалқасидан тушиб ётиб олди. Узун қўнғир соқолини бармоғи блан тараб, ётган ерида кўзини шинграйтириб, Абай блан Турғонбой томонга қараб қўярди. Ётиб-ётиб бир вақт «одамли» парихонлар, фолбинларга ўхшаб фикрини шартта айтди қўйди.

— «Ўйтомоқ»ни берилсин! Лекин менинг айтганим келмаса, кўрарсан. Бу қуш эртага тулкини олиб ерга уради-ю, қўйиб юборади! — деди.

Шундай деди-да, овқат пишгунча қитдек тиниқиб олмақчи бўлган одамдек, орқасини ўгириб, мук тушганича кўзини юмди.

Броқ кўзини юмишга юмдию, кулимсираган ҳолда Турғонбойнинг ҳаракатига зимдан назар ташлаб ётди. Қушга овқатнинг ҳаммасини берадими, ё бермайдими, шуни пойлади.

Турғонбой у блан айтишмаган бўлса ҳам ичида аччиғи келиб, ўжарлик блан ўчакишди. Аслида Жиреншенинг мақсади ҳам жиззаки Турғонбойнинг жаҳлини чиқариб, асабини қўзғотиш эди. Овчиларнинг одатига хилоф бўлса ҳам, боягидай, қўполлик блан муомала қилиб Турғонбойни ғазаблантирмоқчи, уни ўз ишидан янглиштириб юбормоқчи эди. Бўлмаса, овчиларнинг таомилида ҳар кун қуш кўтариб юрадиган тажрибали, қушбегига: «Ундай овқат берма, сен адашаётирсан» деган гапларни айтилмайди.

Турғонбой Абулғози блан маслаҳатлашмоқчи бўлиб турган ерида Жиреншенинг гапига жаҳли чиқиб, маслаҳат солишни ҳам йиғиштириб қўяқолди. Унга ўчакишиб: «Ўйтомоғи»нинг ҳаммасини едириб қўйди. Қуш жиғилдоли туртиб чиққунча еб, хўп тўйиб олганидан кейингина Жиренше қора санг-санг пўстинини бошига тортиб ёпинди-да, ёнида ётган Абулғозини чимчилаб қўйиб, анчагача пиқиллаб кулиб ётди.

Эртасига Абайлар овга чиққанда Жиренше блан Абулғози бирга чиқди. Буларнинг ови кечагидек эмас, бугун қанча юришмасын, тулки кўринмади. Фақат туш оққан пайтдагина, Боқонос тоғининг кунгай томонидаги

чакалакзор тармоқларининг биридан қоғуши — Бойма-
гамбет блан Жиреншенинг йигити бир тулкини ҳайдаб
чиқишди. Абулғозининг қўлидаги Жиреншенинг қуши
толпиниб турган бўлса ҳам Жиренше қушни солдирмади.
Жўрттага Қорашўлаққа навбат берди.

Тулкини кўрганда толпиниб турадиган Қорашўлақ
Турғонбойнинг қўлидан қаттиқ интилиб учиб кетди.
Зарб блан бориб, тулкига ҳам кўнгилдагидек ташланган-
дай бўлди. Жиренше, Абулғози, Абай учови қатор ту-
ришган эди. Абай қушнинг тулкига тигипаррондек оти-
либ бораётганини Жиреншега кўрсатиб ҳазил қилди.

— Жиреншевой, ана энди сенинг башоратингни кў-
раман! — деди.

— Хайр, кўрсак-кўрармиз! Ҳали тулки қанжуғанга
боғлангани йўқ-ку. Кўп ҳовлиқаверма! — деб Жиренше
кулганича қушга қараб турди.

Тулки бир туп толнинг тегида турган экан. Қуш оти-
либ бориб, шап этиб, тулкига чанг солди. Панжасининг
зарбидан тулкининг бели қайишиб, шилқ этиб ётиб қол-
ди, лекин буниг ҳаммаси даставвал бориб ташланган
ондаги ҳаракат эди. «Олди, босди» дейишиб, Абай блан
Эрбўл от қўйишганча қуш тушган ерга кетишди. Шу тоб-
да бургутнинг чангалидаги тулки жонининг борица юлқи-
ниб, типирчилаб, устидаги бургутни тушириб юборди-да,
тармашлаб бориб яқиндаги чакалаклар орасига кириб ке-
тиш пайида ичкарига интилабошлади. Абайнинг орқаси-
дан Турғонбой, Жиреншелар ҳам югуришиб келаётган эди.

Овчилар яқинлашиб келган пайтда, бургут сирғилиб,
чангалнинг ичига кириб кетаётган тулкини ушлаб қо-
лолмади. Икки оёғини бирдан тортиб олиб, тулкидан ай-
рилиб қолаверди.

Тулки, бургутнинг чангалидан лат еган елкасини қи-
мирлатиб, тўлғонганича чакалакнинг нариги томонига
ўтди-да, бирпасда ғойиб бўлди. Бу кайфиятни кўриб
ҳайратда қолган Абай блан Эрбўл ўкинганларидан сон-
ларига урганларича отларининг бошини тортиб, гангиб
туриб қолишди. Жиренше оғиз очиб сўз қотмади. Кўз-
ларини қисганича отининг устида дам орқага, дам олдин-
га оғиб завқ блан хўп кулди. Турғонбой айб ўзидан ўт-
ганлигини бўйнига олишни истамасди. Кечаги Жабайга
ўхшаб, у ҳам айбни чангалзорга қўяётган эди.

Қорашўлақ Жонбоур Шўгелнинг авлодидан. Жонбоур-
нинг авлодини Вали тўрадан яхши биладиган ким бор?

Уша: «Жонбоурнинг чангалидан тулки қочиб қутилмайди, лекин чангалзорда тулкига тушмайди!» деган-ку,— деди.

Бу гаплар қушбегининг ўзини қанчалик юпатгани ма'лум эмас, лекин Абай блан Жиреншени ишонтираолмади. Чунки Жиреншенинг айтгани келиб, уларни енгиб, изза қилди. Бугунги ов шу блан ўтди. Овчиларнинг омади келмай, бошқа тулки йўлиқмай, капаларига кеч қайтишди.

Энди Турғонбой бургутга кечқурун қандай овқат беради. Абулғози блан Жиренше шунини билишга қизиқарди.

Абулғози қушнинг қаноти тагида пайдо бўлган мойни яна топиб, кечагидан кўра бугун анча билиниб қолганини аниқлади.

Турғонбой бўлса, икки-уч кун ичида бургутнинг тобинини аниқлаб олишга қарор қилди. Агар семириб бораётган бўлса, шу сингари овқат блан икки-уч кунда аниқ билиниб қолади. У ҳолда бундан кейин нима қилиш, қандай йўл блан оздиришнинг чораси осон бўлади. Ҳозиргидай гумонсираб ўтиришдан ёмони йўқ. Шу аҳвол бир ҳафта, ўн кун чўзилиб кетса, қуш биратўла айниб қолиши мумкин. Шуларни назарда тутиб, қушига яна кечагидек «Ўйтомоқ»ни берабошлади.

Бундан кейин нима бўлишини Абулғозидан сўраб билиб олган Жиренше, Турғонбой боплаб қушни тўйдириб қўйгандан кейин, яна кечагидек фолбинлик қилиб тўла ишонч блан:

— Ҳа, эртага Қорашўлақ тулкига чанг ҳам солмайди, устидан айланиб ўтади-ю, кетаверади!— деди.

Абай уни ҳазиломиз жеркиб:

— Алжима, муаккилларинг келиб қулоғингга шивирлаб кетдику, тўғрисини айт! Қирғиз Шотидан жин теккан янги фолбин! Қароматингни эртага кўрарман!— деди.

Жиренше яна кечагидек Абайларга орқасини ўгириб мук тушганича тўнига бурканиб ётаркан:

— Ундай бўлса, бу қуш энди етти кунгача тулки олмайди! — деб қўйди.

Эртасига одатдагидан эртароқ отланган овчилар қаттиқ баҳслашиб, ўчакишиб овга чиқишди. Броқ бугун ҳам кечагидай, кун бўйи бирорта тулки дуч келмай, ниҳоят кечга яқин кўринди. Кўринишга кўринди-ю, лекин Қорашўлаққа олдирмади. Жиреншенинг айтгани кечагидан ҳам бугун тўғри келди. Қорашўлақ ўқдек отилиб тулкининг устига борди-ю, лекин чанг солмасдан ўтиб кетиб, нарироқдаги бир тошга бориб қўнди.

Энди кулги ҳам йиғиштирилди. Абай блан Турғонбой Жиреншега қарши оғиз очолмай қаттиқ уялиб қолишди. Жиреншенинг мақсади шу эди. Қош қорайиши блан ўзининг қоғуши йигитини олиб, хайр-ма'зурни ҳам нас'я қилиб, отини қаттиқ елдирганича Қозболадаги ўз капасига кетди. Абулғозини ҳам бирга олиб кетмоқчи эди. Лекин унинг шу кунгача Абайларни масхара қилишига энди қўшилгиси келмаган Абулғози, Жиренше блан кетмай, Абайлар олдида қолди. Турғонбойга:

— Қарашўлақни койитиб қўйдинг. Уч кун ўзимга бериб қўй, тузатиб берай. Қўй энди, номус-помусни йиғиш-тир! — деди.

Абай ҳам Турғонбойнинг янглишганини бугун аниқ билган эди.

— Энди шунинг айтганини қил. Турғонбой, ўз билармонлиқни қўй! — деди.

Шунинг блан улар уч-тўрт кунгача қушни қайтадан тобига келтирмоқчи бўлиб юришганида, Абай овчилар блан бирга юрмай, қапада қолди. Жиреншенинг буларни эрмак қилиб, сарсон қилиб кетганини энди аниқ билган Абай ундан на хафа бўлдию, на ғазабланди. Лекин ўйинда ютқизиб қўйганига қаттиқ хижолат тортди. Энди у Солбурунга олиб келган бир хуржун китобларини олди-га ёйиб, мутолаага киришди. Ҳар кун қапада узлуксуз гулхан ёқтириб, архарнинг гўштидан мойли қовурдоқ тайёрлатиб холи жойда ўтириб, китоб ўқишга тушди.

Шу йўсинда уч-тўрт кун ўтди. Бу кунларда Турғонбой блан Абулғози: «Қорашўлақни яна тобга келтириб қўй-дик. Аввалгисидек ов қилаётир» деганлари блан қапага кўп тулки олиб келишмади. Уч-тўрт кун ичида икки қуш блан юриб, олиб келганлари фақат иккитагина тулки бўлди.

Шундай қилиб, яна бир маслаҳат вақтида Турғонбой блан Абулғози Абайга: «Бу ердан кўчайлик. Бу ерда тулки қолмади. Кўчганда ҳам узоқ-яқин демасдан, тўғ-ри Мошонга кўчайлик!» дейишди.

Қиш кунда Боқонос блан Мошоннинг ўртаси бир кунлик йўл. Қор босиб ётган қатма-қат, йўлсиз адирларни ошиб, Мошонга бориш осон гап эмас. Лекин қиш эндигина кирди. Ҳали қалин қор тушган эмас. Овчилар қушларнинг тоби жуда жойида дейишаётир. Архар, буғи отадиган Бекпўл ҳам қайта-қайта: «Архарлар бу ерлардан узоқлашди. Ўзларининг қишлиқ макони бўлган Буғили ва Мошон тоғларига кетиб қолишди» деяётган эди.

Мошон, Чингиз элининг ери эмас. У — Тўбуқтининг Қоракесек томонидаги, чет-четда яшайдиган уруғлардан бирига қарашли қўнис. Абай шу ёшга киргунча у тоғларни оралаб кўрмаган эди. Қишнинг кунин у ерларда эл борми, овчилар борми, ўзи кимларнинг макони — бундан беҳабар эди. Фақат Тўбуқтининг пасти-баландини, бор маконларини яхши биладиган, зийрак Абулғозидан суриптириб ўтириб, ўша ерлар ҳақида озгина маълумот олди. Мошоннинг баъзи тоғ оралиқларида Ескене ва Мўтиш элларининг битта-яримта овуллари яшар экан.

Йўли узоқ, одамлари бегона бўлган номаълум сафар Абайни унча қизиқтирмас эди. Аксинча, ҳамроҳлари шу гапни айтгандан буён кўнгли жуда ғаш тортиб қолди. Бир ҳисобдан: «Шу яйловлардаги жониворлар камайиб қолган бўлса, элга қайтиб кетиша қолса нима қилади-я!» деб хуноб ҳам бўлди. Аммо бундай дейиш, мана бу жондилли ов бўлган, ҳеч ҳормайдиган абжир йигитларнинг назарида эришчоқлик, чидамсизликдек кўриниши мумкин эди. Шунинг учун: «Ҳарқандай бўлганда ҳам бир сафарга чидай, Мошондан уёғига овни тўхтатиб, Чингизнинг ўша еридаги довонидан ошиб, Қидирдан ўтиб Жидебойдаги овулга ҳам кириб чиқаман!» деб ўйлади.

Абай кўнгандан кейин, уч қапа эртасига эрталаб йиқитилиб, овчилар Буғули, Мошонга кўчиб кетадиган бўлди. Абулғози Абайнинг Мошонга боришини ўзи маслаҳат кўргани учун, энди Жиренше блан ўзларининг капасини ҳам ўша ерга кўчирмоқчи бўлиб, ярим кечада отланиб кетди.

Эртасига ғира-шира пайтда, кўч Қирғиз Шотидан жўнаб кетди. Қўлида бургути бўлганларнинг кўпчилигини ўша кўч блан юбориб, уларга Турғонбой блан Исмоғулни бошлиқ қилишди. Абайнинг ўзи, Эрбўл, Шаке, Боймағамбет тўрт киши бўлиб, бошқа қисқароқ йўлдан кетишди.

Кўчдан бўлиниб кетаётганларида, Абай блан Исмоғул қилган ваъда бўйича бугун булар Буғулига бориб қўнишмоқчи эмасди. Буғулининг бериги этакларидаги, «Эсбўлатнинг Қорасуви» деган ерда, Урозбой қўнисида учрашмоқчи эди. Тундаги ваъдага биноан бугун кечқурун Жиренше блан Абулғозининг кўчлари ҳам ўша ерга етиб бориши керак эди. «Шундан кейин эртага Буғули тоғини оралаб бориб, Мошонга эртага, туш пайтида бемалол кириб бораёйлик. Кеч кирмасдан ўрнашиб оламиз. Бугун борамиз деб, уринмайлик. Шошмасдан бир қўниб борақолайлик» дейишган эди.

Шундай қилиб Абай бошлиқ тўрт овчи Қирғиз Шотидан чиқиб Жонибек орқали Қозболадан ўтиб, тушга яқин Бўтақон ўшоғидан ошабошлашди.

Бу ерларда ҳам қор унча қалин эмас экан. Йўловчилар келаётган мана шу ерлар — Абайнинг овуллари, қардошлари ҳар ёз кўчиб келадиган таниш қўнислар эди. Йўловчиларнинг отлари семиз, тобида. Ҳаммаси янги тақаланган, юриб чарчайдиган эмас. Булон қуйруқ¹ юриш блан бир зайлда тез йўртиб кетишаётир. Тинч кунларда ёққан қор, бу ерларда бўладиган совуқ блан кучли бўронларни ҳали кўрмаганидан момикдай кўпчиб ётарди. Гарчи йўлни оғирлаштирадиган даражада бўлмаса-да, отнинг тўпиғидан ошарди. Қорда ҳали из бўлмаганидан йўловчилар қаторлашиб юрмай, кетма-кет боришаётган эди.

Шаке йўл бошлаб борарди. У ёш бўлса ҳам, бўш-баёв эмас, анча чиниққан, ўтдек чақнаган йигит. Бундан ташқари илгари ҳам икки марта Солбурунга овга чиқиб, йўл кўриб кўзи пишиб қолган. Абай блан Эрбўлнинг ёши ундан катта бўлса ҳам қиш кунларида бу ерларда юриб кўрмаганлари учун йўл бошлашни Шакега топширишди.

Тонг отгандаёқ ҳаво айниб, бироз туман тушиб, қоронғилашиб турган эди. Йўловчилар Боқонос, Қозболанинг қатма-қат баланд тоғлари, катта довоиларидан ўтишгач, ҳаво озроқ ёришгандек бўлди. Лекин куннинг кўзи кўринмасди. Гунгурт, хира қиш ҳавосида кўчма булутлар ўркач-ўркач бўлиб шимол томонга ёпирилиб бораётир. Ҳалигина баланд тоғ бошини чулғаб, этакларигача чувалиб тушган туман, энди кўтарилиб кетди. Шундан кейин қуёшнинг булутлар орасидан тушаётган заиф, оқиш шу'ласи, куннинг қайвақт бўлганини аниқлашга имкон берди. Ҳозир совуқ бўлгани блан қақшатиб, юз-кўзни чимчилайдиган аёз йўқ.

Йўл бошлашни ишончли йигитга топширган Абай, атрофга ма'юслик блан ғамгин назар ташлаб келаётир. Болалик чоғида бирқанча ёзни мана шу Бўтақон ўшоғида ўтказганида, бошидан кечирган турли-туман шодлик ва қувончлари, қайғу ва аламлари хотирига тушиб бормоқда. Ана шу хотиралардан бири энаси блан ўз онаси Улжонни зўр олқиш блан эслатди. Абай, Бўтақон ўшағидан қиялаб ўтиб бораркан, ўша йили катта уй қароргоҳ эт-

¹ Отнинг думи икки томонга силкиниб юриши, думи сиқилиб турадиган бир тоифа саҳро оти. — *Ред.*

ган қўнисини таниди. Уни камолга етказиб, даставвал катталар қаторига қўшган макон — мана шу қор босиб, кимсасиз, эгасиз ҳувиллаб турган қўнис эди. Бу иш, Абай блан Эрбўл Бўжейнинг ма'ракасидан ҳориб-толиб, уйқусизликдан жуда толиқиб, ўзларини таппа ташлашган кунни рўй берган эди.

Булар уйғонишганда, ўша иккала олтин она, Абайга, бола Абайга умрида биринчи марта қўйнинг калласини пишириб тортган эди. Йўлига атаб сўйилган қўйнинг калласини тортиб, биринчи марта ёш ўғлонига энди: «Эр—азамат бўлдинг» деб, қутли фотиҳасини берган эди. Абай ҳозир ҳам кекса энасини асти кўзидан нари кеткизолмай келаётир. Назарида, агар кўзини юмиб, қўлини чўзса, энасининг кичкина, буришган бармоқларига бориб тегадигандай бўларди. Ўша бармоқлар орқасига қоқиб, эркалатиб, пешонасидан силаётгандай туюларди. Томоғига бир нарса тикилиб келгандай бўлдию, кўзлари жиқ-жиқ ёшга тўлди. Қур'он ўқиб, энасининг арвоғига бағишлаб юборди.

Қур'онни диндор кишилар мазор бошида, дастурхон устида, ма'лум бир вақтларда, ҳайит кунларида ўқиса, Абай энаси ёдига тушиб, ҳозиргидай қаттиқ соғиниб йўқлаган пайтларида, тўғри келган жойда ўқиб кетаверар эди. Қур'онни ўқиб бўлиб фотиҳа қилди. Қайрилиб: «Қишки манзарасини хотиримда қолдириб кетай» дегандек қилиб, орқасида қолиб бораётган Қозболанинг Қорашўқисига анча вақтгача тикилиб, қараб турди.

Бўтақонда ўтган, аста эсдан чиқмайдиган ўша кундаги чошгоҳ пайтини хотирлаш — унга ўша вақтларнинг яна бир унутилмас дамларини эслатди.

Тутош булут орасидан гулгун чехрасида севинч акс этиб кулиб ёлғиз ма'шуқаси — Тўғжоннинг сиймоси намаён бўлди. Эрбўл шу Бўтақондаги ана у кўриниб турган тепалик бошига Абай учун бир қувончли хабар олиб келган эди. Ўша тунда бориш — қайтиш сафари... Жанибекдаги дарахтзор орасида, ой нури остида Тўғжонни қаттиқ соғиниб қучоғига олган ўша он, бор нафаси, ҳатто билинар-билинемас шарпаси блан Абайнинг қалбида янгидан қўзғолди. Абай, ўша манзараларни, ўша саробдек онларни хотирлаш блан ўзининг ҳозирги ҳаётини, қаерда эканлигини биратўла унутиб, анча вақтгача хаёл денгизига чўмиб кетди. Севги изтиробларини, юрак қони блан ёзилган ошиқлик китобини кўз юмиб, дилида ўқиб

борарди. У ба'зан хўрсиниб қўяр, ҳасратга тўла юракдан йиғлаб Тўғжонни йўқларди.

... Қанча вақт ўтгани ма'лум эмас. Фақат унинг қалби соғиниш, нолиш созини чертар, ўзи чертиб, ўзи тинглаб келаркан, қаттиқ зарб блан келиб урилган ҳаётнафаси ҳаммасини остин-устун қилиб, бузиб юборди. Соғинган ёрини тушида бағрига босиб турган пайтда туртиб уйғотиб юборгандай бўлди. Абай ялт этиб атрофига қараб, эс-ҳушини йиғиб олди. Қараса, оти тўхтаб турипти, ҳамроҳлари ҳам бир ерга тўпланиб туришипти.

Шу чоғ кучли бўрон кўтарилиб, қор учқунлаб, бутун атроф оппоқ қор пардасига чулғанипти кўйипти. Абай ҳавонинг авзойи жуда бузилиб кетганини эндигина билди. Ҳамроҳлари ҳам ўша бўронда тўхтаб қолишган экан. Эсаётган кучли бўрон отлиқларнинг теварак-атрофида ер юзи-кун кўзини тутиб, тўс-тўпалон кўтариб уввос солаётир. Гир айланиб ўйнаётган қор учқунлари йўловчиларни қуршаб олаётир. Абай Шакедан:

— Бўрон туриб кетдимиз? Юшмоқ қорни шамол учираётирми? — деб сўради.

— Билмадим. Тўс-тўполони чиқиб кетди! Бўралаб ёғаётирми дейман. Остимиздан ҳам, устимиздан ҳам қор уриб турипти-ку! — деди.

— Қани энди, адашмасликнинг чорасини қилайлик. Бола, ўзингнинг кўнглинг тўқми? Тўғри бораётирсанми? — деди Эрбўл куйиб-пишиб Шакега. Шакенинг шубҳаси бор экан. Атрофни кўриб бўлмайдиган бўрон кўтарилиб кетгандан кейин қай томонга юришни маслаҳатлашиб олмоқчи экан.

— Бўронда етакчи шамолнинг ўзику. Шамол чиққан томонни белгилаб, отнинг бошини Эсбўлатнинг қора сувиға тўғрилаб олмоқчи эдим. Ҳаммаси ўзимизга таниш бўлган қўнислардан ўтиб келаётиб яна хаёл суриб кетиб, шамолнинг қай томондан турганини пайқамай қолбман! — деди.

Ўзидан катта бўлгани учун Абай пайқагандир деган умид блан унга қаради. Абай ҳамроҳларини ҳайрон қолдириб:

— Шамол ўзи қачон кўтарилди? Мен шамол турганини тўхтаганимиздан кейингина билдим! — деди, уйқудан энди турган кишидек.

Икки кўзи кўмкўк, бурни, юзлари қипқизариб кетган сапсариқ Боймағамбет, Абайнинг гапига кулиб юборди.

Бу тўрттовининг ичида шамолни даставвал пайқаган ўша Боймағамбет эди. У:

— Шамол бетингга ён томондан урадиган қилиб бо-раверсанг, аввалги йўлдан адашмаймиз!— деди.

Шаке унга ишонмади.

— Сенга ён томондан тургандек бўлса, менга тўғридан туриб, отнинг пешонасига уриб эсаётгандай бўлган эди!— деб, иккови гап талашиб кетишди. Ниҳоят, Шаке Боймағамбетни тўхтатиб, Абай блан Эрбўлга қараб:

— Қани, бир ерда тураверган блан маслаҳат чиқмайди. Ҳали қай томонга юришни ҳам билмай қоламиз. Ё сиз икковингиз бошланг, ё менга топширинг, Абай оға, мен таваккал қилиб тўғри шу қаттиқ бўронга қарши юраман! Лекин кун тобора қаҳри захрига олиб бораётир. Бўрон кучайиб кетадими, нима бўлади. Шамолнинг ўзи ҳам кўтарилиши бланоқ зўрайди кетди. Энди тумоқни бостириб, ўраниб олинглар, нима бўлса ҳам тез юриб кўрайлик!— деди.

Абайга ўзидан ҳам, бошқа ҳамроҳларининг икковидан ҳам Шакенинг кўриниши блан ғайрати ишончлироқ кўринди. Шунга хурсанд бўлиб:

— Қани, қароғим! Ичимиздаги эпчилимиз ҳам, зийрағимиз ҳам сен экансан. Нима бўлса бўлар, қани орқангга тушдик, бошлайвер!— деди.

— Қани энди таввакал, юринглар!— деди-да, Шаке ёли қора, туёқлари оқ қўнғир отининг бошини елга қарши бурди. Шамолга қарши боришга тихирлик қилиб, чир айланиб кетган катта отининг тизгинини тортиб ушлади-да, зарб блан қамчи босиб йўртиб кетди.

Абай унинг орқасидан кетди. Туёғи оқ қўнғир отнинг сағри кенг, семиз, тўнкариб қўйган тоғарадек экан. Абай тумоғини кўзига бостириб олиб, қўнғир отнинг сағридан кўзини олмай кетма-кет елиб борарди. Тўпидан ажралган тўрт йўловчи, кимсасиз дашти-сахрода уввос солиб қутураётган оппоқ бўрон қучоғига от елдириб киришдию, сингиб кетаверинди.

Шаке шу кетганча тўхтамасдан анча юрди. Бўрон ҳали ҳам олдиларидан уввос солиб чинқириб бўралаб эсаётир. Совуқ кучайиб кетганидан бўлса керак, энди қор аввалгидек майда, ёпишқоқ, юмшоқ қор эмас, қаттиқ муз зарраларига айланиб юз-кўзга келиб урилаётир. Айниқса шамолга қарши пешонани тутиб бориш қийин бўлди.

Шакенинг оти паноҳ излаётгандек, ҳа деса орқада елиб келаётган отларга томон қайрилишга уринарди. Тизгини хиёл бўшади дегунча бошини буриб оларди. Пешонасига санчилиб, қадалиб эсаётган қаттиқ шамол, отнинг кокилини орқасига учириб, пешонасини очиб, юнгини биттадан юлиб олаётгандай бўларди. Шаке қўнғир отнинг шамолга қарши юриб бориши осон эмаслигини билгани ҳолда, от бошини сал бошқа томонга бурса: «Терс йўлга тушиб кетиб, адаштириб юборади» деб ўйларди. Бошқа вақтларда қамчи тегизмайдиган ўйноқи, югурдак қўнғирини ҳозир тез-тез тасирлатиб қамчилаб келарди.

Абай ўз остидаги саман отнинг бир қилиғини пайқадди. У кейин қолса, пешонасига шамол қаттиқ уришини сезиб, олдинги отнинг орқасидан бир қарич айрилмай паналаб келаётир. Броқ, шундай бўлса ҳам, олдинги отдан ошиб келаётган қор аралаш бўрон саман отнинг ёлига ҳам, Абайнинг бутун гавдасига ҳам куч блан урилаётир. Озгина вақт ичида отнинг қулоғигача, Абайнинг сийрак соқол-мўйловидан тортиб кипригигача оппоқ қиров босиб кетди.

Олдинда кетаётган қўнғир от блан ёш йигитни қаттиқ қийнаётган даҳшатли бўрон, Абайнинг ҳам юзига қаттиқ урилаётир. Йўлнинг ихтиёрини Шаке блан ўзининг отига берган Абай, эгарнинг қошига энгашиганича кетаётир. Лекин, шунда ҳам саҳро бўрони йўловчиларни қаҳрига олиб эсанкиратмоқда.

Абайнинг бошидаги тулки тумоқнинг икки томонидан изиллаб ураётган шамол чаккасига санчиқ турғизиб юборди. Энгашиб келаётиб, юзини беркитиб, буқиниб чопган эди, бўрон бўйнига қор пуркиб юборди. Бошини кўтарган эди, совуқ бўрон юзларини ялаб, беҳузур қилди. Юз-кўзини қўли блан ишқалаб совуқдан сақланса, икки қўли музлаб, бармоқларининг учига санчиқ туриб, тизгин блан қамчини ушлашга ҳам қўли қовишмай қолди. Бунинг устига, икки чаккасидан кириб тумоғини ковлаб бораётган бўрон — чидаб бўларлик эмасди.

Эгар устида ўзини тутолмай, дам ўнгга, ҳам чапга қайрилиб, отининг ёлига ҳам ёпишиб чопаётган Абайнинг жуда мазаси қочди. Фақат мазаси қочдигина эмас, энди юз-қўлини совуқ уриш хавфи ҳам бор эди. Чаккадан ураётган совуқ ундан ҳам хатарли. Совуққотиб, тобора ўзини удалайолмай бораётган Абай энди чопони-

нинг барини ҳам эплаёлмай қолди. Қайта-қайта қимти қўяётган барини, сал қўзғолса, шамол юлиб-юлқиб очиб қайириб борарди. Дастлаб ҳамроҳларидан олдин си- бой бермасман, деб ўйлаган бўлса ҳам, ортиқ чидашнинг иложи бўлмади. Абай товушининг борица ҳайқириб, ол- динда кетаётган Шакени тўхтатди. Ҳамма тўхтаб би- ерга тўдалашиб ҳол-аҳвол сўрашди.

Елғиз Абайгина эмас, қолган йўловчиларнинг ҳам аҳволи шу экан. Булар тўхташи билан отлари ўз-ўзида чир айланиб, бўронга орқасини ўгириб, паноҳ излаган- дай бир-бирига яқинлашиб, қимирламай туриб қолишди. Йўловчилар ҳам сакраб-сакраб отларидан тушиб, отла- панасида туриб, бўроннинг тобора кучаяётгани ҳақида сўзлашди.

— Епирим! Жуда ғазабига олиб кетди-ку!— деб гап бошлади Эрбўл.

— Тез босилса майли, бўлмаса жуда хатарлик-да! Кўз очирмаётир!— деб, Абай атрофни оқ тутак билан қуршаётган бўронга қаради.

— Босилиб қолар! Сабр қилайлик!

— Сабр қилмаганда, кимсасиз далада бир жойда туриш билан жон омон қоладими?— деб, Шаке билан Боймағамбет далда беришди.

Шу тобда тўрттови ҳам ички чўнтакларидagi рўмол- чаларини олиб, тумоқларининг ичидан пешоналарини қаттиқ танғиб олишди. Икки юзи қипқизариб кетган, аёз- га чиниқиб олган Шаке ҳали ҳам тетик ва бардам эди.

— Агар шамол қай томондан турганини билмаган бўлсак, унда адашдик. Адашганда ҳам қаттиқ адашдик. Адашмаган бўлсак, шу зайлда юриш билан кеч киргунча Эсбўлат қора сувига етиб қоламиз. Бўрон кишининг ихтиёрига қўядиган эмас. Секин юрган билан совуқ пасаймайди. Адашмасликка унинг алоқаси ҳам йўқ. Уёқ- буёққа зеҳн солиб юраман дейишнинг ҳисоби ҳам йўқ. Энди нима бўлса ҳам отларни яна бир ҳайдаб, узоқ йўл юришга белни маҳкам боғлайсиз, Абай оғал!— деб, қўн- гир отнинг қоринбоғини қаттиқ тортиб олиб, ирғиб оти- га минди. Абайлар чурқ этмай, яна Шакенинг орқаси- дан кетишди.

... Қанча вақт ўтгани маълум эмас. Чидам билан узоқ юришга аҳд қилган йўловчилар анчадан бери ҳеч ерда тўхтамай, отларни бир зайлда қаттиқ ҳайдаб келиш- моқда. Кўпдан бери пишқириб эсаётган бўрон баъзан ўз-

гача ғазаб блан зўрайиб кетиб, ўзини тўрт томанга урарди. Кун бўйи ғувиллаган ваҳимали товуши қулоқларни гаранг қиларди. Авжига чиққан совуқ, созидаи янглишмас, ба'зан оқ бўрон қаттиқ аёзга жўр қилиб уввос солиб юборарди. Саҳрода, қутурган довул ичида бошпана ва янги ўлжа — янги қон излаб бирга қўшилишиб улиётган бўрилардек улиёттир.

Шундай улиган қорли довул остида ҳувиллаб ётган бу кимсасиз саҳро, гарчи Абайнинг ўзи туғилиб ўсган ерлар бўлса ҳам, ҳозир гўё бемехр, кўнгли тош ўгай онадек боқарди.

Кечагина болалик, ёш йигитлик чоғининг яшил майсалари сарғаймайдиган, олтин бешигидек туюлган, шодликларга тўла бу ҳаётбахш яйлов, ҳозир бағри қаттиқ қабрга, музлаб ётган қопқора тош тобутга айланган эди.

Мана шу онда, мана шу меҳнат ва машаққатли оғир дамларда, бутун дун'ё гўё бир ҳовучдек бўлиб кўринади. Қутурган бўрон ичида бир овулнинг қўтанидек кўринади. Дун'ё шу қадар бужмайиб, тўс-тўпалон ичида кичрайиб торайган, остин-устун келгандек бўлади. Бу дун'ёда осмон ҳам, ер ҳам, тоғ-сув ҳам, ўлка-увалар ҳам, ҳали бир шаклга кириб улгурган нарса ҳам йўққа ўхшайди. Бунинг Абай биладиган оти қозоқча эмас, русча китоблардан ўқиб-билиб олган икки сўзга тўғри келади. Бири — хаос, иккинчиси — стихия. Қандайдир бир китобда баён қилинишича, дун'ё даставвал яратилишда шундай шаклланмаган, тўс-тўполон ҳолатдаги нарсадан вужудга келган бўлса керак. Қайнаб турган сув шундай ҳаракат қилади. Тоғдек тўлқинларни осмонга отиб, сапчиб кўпик сочиб қутураётган денгиз шундай бўлади. Уша тўлқин ичида ҳарнафас ажал қиёфасини кутиб келаётган кишига ҳам дун'ё шу сингари бир ҳовуч бўлиб кўринса керак.

Йўловчилар ҳамон тўхтамай кетишаётир. Фақат совуқ қотиш устига энди ҳорғинлик ҳам қўшилган. Шу блан бирга: «Епирим! Асти тинадими ўзи?! Бу юриш тамом бўладими? Энди қачон?» деган, алам ва чидамсизлик юракни ўртарди. Бир вақт шамол сусайиб бориб, тўсатдан узилиб қолди. Абай ичида: «Епирим, тилак қабул бўлди шекилли, ҳалиги нолишдек қисқа тилак ижобат бўлди шекилли?» деб, умид қилди. Шаке шу он отининг бошини тортди. Қолганлар ҳам тўхташиб, баравар сўзлайбошлашди.

— Босилдими дейман! Кун бизга кўмаклашадиган кўринади?— деб тўхтаган Шаке, энди маслаҳатлашиб олмоқчи эди. Қор ёғаётир, лекин боягидек жадаллаб муз аралаш ёғмай, катта-катта юшмоқ қор ёғаётир. Бўрон босилгани блан ёғаётган қордан атрофни кўриб бўлмайди. Йўловчилар юришни секинлатиб, отларга дам беришди, ўзлари ҳам бироз эс-хушларини йиғиштириб олиб, энди қай томонга қараб йўл олишнинг маслаҳатини қилишди. Шу тобда қишнинг қисқа куни ўтиб, қуёш ботиб бораётган эди. Ҳаво айниб, қоронғилашиб турганиданми, ёки чиндан ҳам қош қорайиб қолганми, ҳарҳолда бўрон тингани блан атрофни кўриб бўлмайдиган даражада қоронғилик босган эди.

Умидвор кўзларга кутмаган ердан қистов қорайиб кўринаётгандай бўлар, ёки яқин ерларда ёйилиб юрган қорамоллар сингари алланималар қорайиб кўринарди. Аммо бу нарсаларнинг ҳарбирини ҳарким алоҳида-алоҳида пайқаса ҳам, йўловчилар уни бир-бирларига нишонч блан кўрсатишолмайди.

— Ана у турган нима?

— Мана бу қорайиб кўринаётган нима экан?

— Мана бу томонимизда бир нарса қолиб кетдими дейман?— дейишиб, бир-бирларига кўрсатишиб, тева-рак-атрофга кўз ташлаб келишаётир.

Буларни кеч қоронғилиги, туман алдаб, юпатаётгандай бўлаётир. Элга етиш орзусида юрган, довул қутурган саҳродан безор бўлган кўнгилларга инсон макони нақадар иссиқ кўринмасин, илож йўқ эди. Қўра, қистов, мол-жонга ўхшаб кўринаётганларнинг ҳаммаси ҳам бошқа нарса бўлиб чиқаётир. Ба'зан оппоқ оқариб, осмон блан туташиб турган шу яқин орадаги тепаликнинг бўлмағур оддий бир тоши ҳам қўрага ўхшаб кетаверар экан. Қалин қор тагида зўрға қилтаноқ бўйи кўтарилган тол, чангал, тобилғиларнинг боши ҳам буларнинг кўзини алдар экан.

Бўрон босилиб, ҳалиги қаҳри-заҳрига олиб турган совуқ хиёл бўшашгани блан, атрофни кўролмай келаётган йўловчиларнинг кўнглига умид бахш этгудек ҳеч гап йўқ. Чунки уларнинг бирортаси ҳам қаерда кетаётганликларини шу онгача аниқ билмасди.

Шакенинг тахмин қилишича, ҳозир булар Пушантойнинг ғарбидан кесиб ўтиб, Айдарли қўйтосининг ўнг томонида, ёнбағирдан кетаётган бўлишлари керак. Энди

отларни жадаллаб бир ҳайдашса, кенг увадан ўтиб, Эсбўлат қорасувининг устидан тушишлари керак. Шакс тўғри кетаётирман деб ўйларди. Фақат бир гумони шуки, агар йўловчилар Бўтақондан чиққанда тўғри йўл олишган бўлса, шу сингари тез юриш блан аллақачон Қорасувга етишса керак эди.

Ҳали, даставвал қайси томонга юришни шамолга қараб белгиланган пайтда, Шаке блан гап талашган Боймағамбетнинг шубҳаси, бу ерда кетаётганларида ортаборди. Ҳарбир жарлиқ, ҳарбир қирлиқ, текислик ёки сойлардан ўтганлари сайин ўша шубҳасини айтарди.

— Бу ерлар Эсбўлат Қорасувининг атрофига ўхшамайди. Агар биз уннинг кун чиқишида келаётган бўлсак эдик, оқ ўтли адрлар, тошлоқ тепаликлар ёки кенг уваларни босиб ўтишимиз керак эди. Бу ерларда кетма-кет булоқ, сувга сероб ўтлоқлардан ўтаётирмиз. Адашдикда, адашганда ҳам бутунлай адашдик! — дер эди.

Йўловчилар шу сингари, ҳардам-хаёллик блан секин аста кетаётганларида кун ботиб, қоронғи тушди. Нома'лум сафар, энди уларни беихтиёр йўл босучи тун йўловчисига айлантирди. Кун бўйи тинмай юриб келган отлар бироз ором олсин, деб бир булоқнинг бошига келиб тушишди. Қиров босган семиз отларни анча вақтгача ўтлатишди. Абай отдан зўрға тушиб, дуч келган бир ерга ўзини ташлаб ёнбошлади. Кўзини юмганича жим ётиб, Боймағамбет блан Шакенинг йўл ҳақидаги мунозарасини ўйлайбошлади. Лекин, қанча ўйламасин, хуноб бўлиб, тутатишдан бошқа ҳечнарсга топаолмади. Маслаҳатлашиб кўрган эди, Эрбўл ҳам бирор янги нарсани айтмади. Аммо доим вазминлик блан иш тутатган Эрбўл, ҳозиргидай ҳориб-толиқиш устида ҳам Абайга бир ҳазил қилиб қўйди.

— От устида юришга қолганда икковимиз ҳам бўш келмас эдик. Броқ данғил-текис, катта йўлга тушиб олиб: «Бошга тушгани кўз кўрар» деб кетаверишга дуруст эдик. Кузнинг шу сингари ойсиз, қоронғи кечаларида адашмай, йўл топиб кетаверадиган ҳунаримиз йўқ эди-ку, а! Энди қишнинг қорли бўрони ичида, йўлсиз ерда бир юмалоқ ипдек бўлиб ётган капани излаб топадиган бизми? Тўғриси айтсам, худонинг мана шу бўм-бўш дала-сида ҳозир бир бошпана топиш, қалин ўт орасига тушиб кетган игнани топишдан ҳам қийинроқ. Агар сенинг ундан ортиқ ҳунаринг бўлса, ўзинг биласан! — деди.

Абай, хунарик, бор эдй-деяолмади. Индамай хўрсиниб қўяқолди. Ўзининг ҳам кўнглида шу Эрбўл айтгандек шубҳа бор эди. Шундай қилиб, йўловчилар отланиб яна Шаке орқасидан энди қўзғолаётганларида, ҳали тўхтаган бўрон яна кўтарилди-ю, ғувиллаб уввос солди кетди.

Бўроннинг уввос солиши — қақшатғич, мудҳиш совуқнинг аломати экан. Йигитлар яна отларга миниб юриб кетганларида, кундузи ажалдек ҳайқирган кучли бўрон энди бор кучи билан улиб, пишқирганича қутуриб кетди. Совуқ кундузгига қараганда анча қаттиқ эди. Орадан кўп ўтмай йўловчиларнинг ҳолини танг қилди. Бироздан кейин ҳаммаси тўсатдан тўхтаб ҳайқириб қолишди:

— Оббо! Энди нима қилдик?!

! — Чинакам фалокатга энди йўлиқмасак...

— Шу бўронли тунда юрган яхшими ёки биржойда буқиниб ётган яхшими? Нима қиламиз?

— Шамол қаёқдан турди? Энди нима қилмоқчи бўлаётирсиз?— деди энг кейин сўзлаган Эрбўл. Ҳамма ҳаяжон ичида бирдан тўхтади.

Шакенинг фикри — юришни тўхтатмаслик, лекин қаттиқ юрмай, секин-аста олдинга силжийбориш эди. Чунки тўхтаганда, пана бўладиган ер йўқ. Совуқ шамолда ҳаракатсиз турган киши совуқ қотиб, музлаб қолиши мумкин. Нима бўлса ҳам олда умид бор. Шунинг учун ҳали ҳам бўлса бир-бирларидан қолиб кетмай, олдинга боравериш шарт.

Шакенинг ўзларича бир фикрга келолмаган ҳамроҳлари унинг гапига кўнишди-да, индамай орқасига тушиб кетаверишди.

Яна узоқ давом этган чексиз, поёнсиз юриш бўлди.

Бу юриш ҳамма йўловчиларни совуқ қотириш, чарчатиш билан бирга, энди уйқудан қисиб тинкасини қуритди. Кун бўйи туз тотмай, жуда ҳолдан кетишди. Кийимлари иссиқ бўлгани билан қаттиқ чарчаганликларидан совуқ қотабошлашди. Абай орқасидан келаётганларга товушининг борица ҳайқириб, бутун вужуди совуқ қотиб қалтираб кетаётганини айтди.

— Менинг оёғим қотиб кетаётир. От устида оёқ музлаганини энди кўрдим. Сен қалайсан Боймағамбет?— деб, орқасида келаётган ёш йигитга бақирган эди, у ҳам совқотиб бораётганини айтиб:

— Энди бир ерга тўшиб, мизғиб, тиниқиб олсак қандай бўлар экан?— деди.

Йўловчиларнинг ҳаммаси яна тўхтаб маслаҳат қилишди. Шу тобда бутун олам тўрттагина отнинг боши қўшилган ердек, кичкинагина бир уйнинг ўрнидек бўлиб, буришиб музлаб қолгандек туюларди. Отлиқлар бошига оғир кулфат тушиб, ғариб бир аҳволда туришарди.

— Ҳамон ётадиган бўлсак, бирорта тошнинг панасига тиқилайлик?— деди Шаке. Бу хилда юришдан умидсизланган Эрбўл:

— Шу тобда бизларга топилай деб турган тош ҳам йўқ. Нима бўлса бўлди. Ундан кўра худо деб, отнинг бағрига тиқилиб, шу ерда ётақолайлик!— деди.

Шу гап жуда мақул бўлди. Ҳаммалари отдан тушиб, тўрт отнинг орқасини бўронга қилиб қўйишди-да, ўша отларнинг бўйинлари тагига келиб, бир-бирларига ёнбошлаб жимгина ётиб қолишди.

Қаттиқ аёзнинг гоҳ ғувиллаб, гоҳ шовуллаб келаётган овози, кучли довулнинг шовқини тинмай, қулоққа урилиб турарди. Гўё шу йўловчилардан ўчини олмагунча тинмайдигандек, чинқириб, уввос солиб қаҳрига олаётир. Эрбўлнинг тиззасига бошини қўйиб ётган Абай кўзини юмса, назарида, гавдаси чирпирак бўлиб айланаётгандай бўлди. От-улови, мана шу ётган кафтдек қорли ери блан буларни худди қуюн учуриб юрган ҳебалакдек учираётганга ўхшарди.

Кўнгил беҳузур тортиб бош айланади. Бўрон товушидан икки қулоғи шанғиллаб, битиб борарди. Абай шу аҳволда борлиқ блан, йўқлиқ орасида ажиб бир ҳолатда бироз вақт хаёл суриб ётди, кейин йўқлиқ қучоғига кириб, ўзини бутунлай унутди.

Қанча ухлаганларини билишмайди. Бир вақт уйғониб, устларини кўмиб ётган қалин қорни қоқиб туришганида, ҳали қоронғи кеча эди. Тўрттови ҳам бир огиздан қаттиқ совуқ қотиб қолганларини айтишди-да, ирғиб туриб кетишди. Ҳаммадан олдин Эрбўл:

— Ҳай йигитлар! Уйқусизликдан киши ўлмайди. Қақшатиб турган аёзда уйқу душман. Эс-ҳушингни йиғ ҳамманг, бир ғайрат қилайлик! — деди.

— Билмадим. Асти бунчалик совуқ қотмаган эдим. Совуқ этимдан ўтиб, тўғри суягимгача бораётганга ўхшайди! — деб Абай тепинганича уёқдан-буёққа юрабошлади! Ёш йигитчалар ҳам хўп совуқ қотишган эди. Лекин улар тез ҳаракат қилиб, отларнинг устини оппоқ юнгдек қоплаб ётган қорни енглари, қамчилари блан қоқиб, си-

дириб туширишди. Тез-тез қимирлаб исинабошлашди. Йўловчилар отларга миниб олиб, яна қўзғолишди. Жўнаш олдидан Абай:

— Адашар бўлсак адашдик. Энди ҳеч бўлмаса исиниб, бироз ўзимизни тутиб олайлик. Қандай бўлмасин, бирор соат отни қаттиқ ҳайданглар! — деди.

Дарғазаб далада, қаҳрига олаётган совуқ сиймоли ўгай далада булар яна узоқ йўл босишди. Гарчи юз-қўллари ҳали исимаган бўлса ҳам, қаттиқ юришдан оёқлари, танлари исиб кетди. Ниҳоят, қор бўрони орқали оҳиста сузилиб ўтаётган билинар-билинемас ёғду блан ғира-шира тортиб бориб, бўронли туннинг тонги ҳам отди.

Йўловчилар сукут қилиб боришарди. Лекин ҳамманинг кўнглида тонг отиши блан: «Довул босилар, бўрон тинар», деган ягона умид бор эди. Отларни аяб, юришни секинлатган Шаке шамол пасайиб, ғуввос сусайишини кутган эди. Яна узоқ кутишга тўғри келди. Довул қутураётган поёнсиз саҳрода йўл босиб азобу уқубат блан ўтказиладиган иккинчи кун бошланди. Вақт чошғоҳдан ошиб кетди. Бўронли куннинг бор ёғдуси — мана шу бўзариб турган ғира-шира, холос. Ҳавонинг очилишидан, бўроннинг босилишидан дарак ҳам йўқ.

...Бўрон бугун ҳам бир нафас тингани йўқ. Йўловчилар бутун кун бир соат юришса, бир соат отларга дам беришиб, ҳамон ўша нома'лум сой ва жарларни, адир ва тепаликларни кезиб келишмоқда. Тўхтаган сайин ҳамма бош қотириб, фақат бир нарса устида ўйларди.

Бугун эрталабдан буён Шакенинг ўзи ҳам, Абай, Эрбўллар ҳам: «Боймағамбетнинг кечаги сўзи тўғри экан, шамол бизни адаштириб, бошқа ёққа олиб кетди» деган фикрга келишган эди. Бугун бир тўхтаб, бир юриб келаётганларида, шамолга қарши юришни тўхтатиб, кеча Бўтақон ўшоғида Боймағамбет: «Ён томондан эсди» деган шамолнинг қай томондан эганини эслашга уринишди.

Агар унинг айтгани тўғри бўлса, булар шамолга қарши боришганда Эсбўлат Қорасувининг ўнг томонига қараб кетган бўлишлари керак. У ҳолда Тобуқти яйловининг бир чети бўлган — Катта Кўксингирга қараб кетишаётир. Ёки биратўла ўнг томондаги, одам оёғи тегмаган дашти-биебонга, Керей элининг ерига тушиб кетишди. Бир қарорга келолмай, гангиб кетган бошларида яна бир катта жумбоқ пайдо бўлди. Бордию, нотўғри йўлга

тушиб кетишган бўлишса, кечагидек, тундагидек жадаллаб юриш блан қаерларга кетиб қолишган бўлишлари мумкин? Энди Боймағамбет айтган томонга қараб юриладиган бўлса, яна қанча юришдан кейин Эсбўлат Қорасувига ёки ўшанинг атрофидаги Буғули, Мошон тоғларининг этагига етиш мумкин? Очиққан, толиққан йўловчилар бугун фақат шуни ўйлашаётир, холос.

Энди Шаке эмас, Боймағамбет йўл бошлади. Тун бўйи қаттиқ совуқ қотиб, дардсиниб чиққан Абай ба'зан исинса ҳам ичидан тураётган қалтироқ кун бўйи босилмади. Энди бир иссиқ жойга етиш насиб бўлса ҳам, ўзининг касалланиб, зўрга етиб боришини англади. Кун бўйи отда юриш йўловчиларни кечга яқин яна бир дам олишга мажбур қилди. Отдан қулаб тушгандек, зарб блан ерга тушган Абай, отнинг жировини Боймағамбетга бериб, ўзи бир кичкина тошнинг панасига бориб ётди. Йўловчилар энди на сўзлашар, на маслаҳатлашарди. Афтидан, ҳарким ўз дардини ўзи тортиб, ўйга чўмгандек кўринарди.

Абай энди ўзини чиндан бетобдек ҳис этабошлади. Суяк-суяги қақшаб, вужудини кўтараолмасди. Ер тортиб бораётганга ўхшарди. Совуқ тобора қаттиқроқ музлатиб бораётган эди. Қалби, умидигача музлаб, қалтираётирми? Ҳаётдан чиндан умид узиш соати ҳам яқинлашиб қолгандек туюларди. Лекин, негадир ўша ўлимдан чўчиб, юраги ҳайиқмайди. Аксинча: «Келса тезроқ келақолса экан, тугаса тугаб қўяқолса экан» дер эди. Кўнглида шундай ҳис пайдо бўлиши блан бирга, Абай кечагина хаёлидан ўтказган, бўрон учириб олиб кетган, алангали соғинишга тўла икки онни сўнгги марта хотирлади. Унинг бири — қуёшдек меҳрибон, азиз опасининг ҳаётлик чоғини эслаш. Иккинчиси — умрида ҳечқачон унутилмай, ҳатто ўлими олдида ҳам, бор сезгиларидан ажралаётган онда ҳам, сўнгги марта ялт этиб, юзи кулимсираб, танҳо ўзи кўз ўнгидан ўтадиган Тўғжонини эслади.

Энди ўша ўлган, ўчган меҳрибонларнинг яна ёдига тушиши—Абай блан сўнгги марта видо'лашиши бўлса керак? «Ўлим яқинми?» деб, ўйлаб ўтирган Абай оғир хаёлларга чўмиб, уйқуси ўчиб кетди. Шу пайт қошқорайиб, қоронғи тушиб бораётган эди. Абайнинг қулоғига бир овоз эшитилиб қолди. Абай сесканиб кетди-да: «Хаёлим бузилаётган бўлса керак!» деб, индамай қўяқолди. Ҳамроҳлари мук тушиб ухлаб ётишган эди.

Бироздан кейин ҳалиги овоз яна эшитилди. Чиндан ҳам одамнинг овози. Ким бўлса ҳам одамзод йўлиқса, бу йўловчилар ҳозир йиғлаб кўришгудек аҳволда эди. Овоз яна бир эшитилган он, ирғиб ўрнидан туриб кетган Абай, ўзининг: «Касал бўлсам керак» деган хаёлини беҳуда экан деб ўйлади. Ўрнидан туриши блан товушининг борица қичқирди. Толиқиб турган отлар бошини ердан озол кўтариб, кулоқларини чимиришди. Эрбўл блан икки йигит ҳам тўсатдан эшитилган товушдан чўчиб уйғониб, ирғиб ўриналаридан туришди. Эрбўл отилиб Абайнинг ёнига келиб:

— Нима бўлди, Абай? Кимни чақираётирсан? — деди. Кўнглидан бу: «Уйқусираётирми» деган гап ўтиб, ҳайрон бўлганича Абайнинг юзига тикилиб қаради. Йўқ, Абайнинг юзида уйқусираш аломатлари кўринмади. Абай ҳамроҳларига қараб:

— Қичқир ҳамманг! Ҳозиргина бир одамнинг қаттиқ қичқираётган товуши эшитилди. Қичқиринглар! — деди.

Шамол ҳали ҳам қаттиқ гувуллаб эсмоқда эди. Шунга қарамай, тўрт киши бир бўлиб, узоқ-узоқ қичқаришди. Худди шу тобда шамол эсаётган томондан, қорли бўрон ичидан буларга қараб келаётган қорамтир нарса кўринди. Бироздан кейин, бўронли оппоқ олам ичида аниқ кўринабошлаган бир отлиқ одам чопганича яқинлашиб келди. Усти-боши оппоқ қор, ўзи барваста келган, оқ бўз от минган, бир семиз отни етаклаган бу одам севинчи ичига сиғмай, тетик овоз блан ҳайқариб:

— Ҳой, бормисанлар? Тирикмисанлар ўзи, азизларим?!— деганича етиб келиб, отдан тушди. Келган одамнинг товушини ҳаммадан олдин Абай таниган эди. Шодлиги ичига сиғмай қичқариб юбориб:

— Абулғози! Айланай Абулғози! Қаердан келдинг? — деб, югуриб бориб қучоқлаб олди.

Келган одам ҳақиқатда ҳам Абулғози эди.

— Қаердан келардим? Сизларни излаб келдим! Эҳ худо, ҳамиша муродга етказ! Мана бу қорли бўрон ичида сенларни топарман, деб ким умид қилипти дейсан? Азбаройи тинчимаганимдан гангиб, зир югуриб юрибман-да. Совуққа олдириб қўймадингларми? Отларинг ҳали бардамми?! Қани, отга тезроқ минайлик. Кеч кирмасдан бир иссикроқ жой топайлик!— деб, буларни ўзи бошлаб кетди.

Шаке блан Боймағамбетнинг шодлиги ичларига сиғмай, югурганларича бориб, бироз тиниқиб олган отларни

етаклаб келишди. Йўловчилар ўша ондаёқ отларига миниб, Аблугозининг орқасидан йўртиб кетишди.

Йўловчилар юрган жой — Мошон тоғининг ён томони экан. Абулғози олдинда кетаётир. Эрбўл унинг ёнида сўзлашиб келаётир. Абай, ҳали ҳам шахдам қадам ташлаб келаётган саман отининг бошини олдинда кетаётган Абулғози блан Эрбўл отларининг орқасига тақаб бостириб, жуда бирхил бўлиб, зўрға келаётир. Ўзининг соғ ёки касаллигини ҳам билолмасди. Худди калтак еган кишидек, а'зойи-бадани қақшаб, тутдек тўкилиб борарди. Атрофдаги олам ҳам кўзига ғалати кўринади. Ба'зан назарида, Абайнинг ўзи юрмаётганга ўхшайди. Йўлнинг икки томони тоққа ўхшайди-да, ўша тоғлар, қояларнинг ўзи Абай томонга силжиб келиб, унинг ёнидан ўтиб кетаётгандек бўлади.

Абай, мияси гангиб, фикри шу зайл чулғониб, тинкаси қуриб келаркан, ба'зан уйқу блан уйғоқлик, «борлиқ блан йўқлик» орасида қоларди. Ўзига-ўзи ҳайрон бўларди. Хиёл эс-ҳушини йиғиб олган пайтларда:

«Уйқу блан чарчаш енгдими? Ёки касал бўлиб қолдимми?» деб, гумон ичида чала ярим хаёлларга борарди. Олдинда кетаётган икки отлиқнинг гаплари ҳам онда-сонда қулоғига чала-чулпа эшитилиб қоларди.

Абулғози блан ёнма-ён кетаётган Эрбўл:

— Менга қара азизим, бизни қандай қилиб топдинг? Муаккилларнинг борми? Эси бор одам шундай қор бўронда адашганларни топаман, деб йўлга чиқадими? — деди.

— Атама! Мени бугун одам демай, шу даштнинг бўйиси десангчи!

— Бу бўронда бўри ҳам излаганини топмай, йўлиққанини олади-ку!

— Ўзимга қолса, мени кўнгил ҳайдаб келди. Қайси куни, Абайни Жиреншега алдатиб юрганимда, ичимдан: Хиёнат қилаётирман, лекин бир хизмат қилиб, кўнгилдан чиқариб юборарман деб юрган эдим. Кеча тушга яқин, бўрон тургандан кейин, сенларнинг адашиб кетганларингни билган эдим. Дастлаб бўрон турган пайтда сенлар Бўтақон бошида аввало бир тўпланиб туриб қолдиларинг. Шунда мен Шақпақнинг чўққисида, баландликда турганимда қораларингни кўриб қолган эдим. Агар сенлар адашмаганларингда, йўлимиз Жилондининг устида туташар эди. Учрашмадик. Бўрон туриб келди-ю, ер

юзини, кун кўзини оппоқ парда қоплади. Сенларнинг адашиб кетганларингни билдим. «Шамолнинг қай томондан турганини пайқамай, Кўксингирга, Керей ерига, дашт-биёбонга қараб кетишди» деб ўйладим. Бизлар бўлса кеча айни вақтида Эсбўлат Қорасувига бориб қўндик. Тонг отгунча ҳай-ҳайлашиб белги бериб чиқдик. Бугун капаларни кўчириб: «Етолсаларинг Мошонга бориб қўнинглар, бўлмаса Буғулида туналлар» дедим-да, ўзим тонг отгандан буён қўш от блан сенларни излашга тушдим.

— Ҳўш, излаганда, сизларни қаердан учратаман деб изладинг?

— Ма'лум бир ерда учратаман дейиш қийин эди. Фақат бир қилган тахминим-да. Агар сенлар эсдан айрилиб адашган бўлсанглар, унда чора йўқ. Борди-ю, бир томонга қараб адашган бўлсанглар, унда бориб-бориб хатосини англайди-да, тўғри йўлни белгилаб, орқага қайтишадиганим дедим. У ҳолда улар ёки Буғулининг ёки Мошоннинг орқа томанидан чиқиши керак деган хаёлга бориб, кун бўйи шу икки тоғнинг ўртасида уч марта уёқдан-буёққа юриб чиқдим. Товуш берганим-чи, ҳали Мошоннинг белига сўнгги марта кўтарилганимда, қош қорайиб бораётган бўлса ҳам изларингни кўриб қолдим. Кўришим блан кетма-кет бормоқчи эдим, тақир ерлардаги изни бўрон кўмиб юборипти. Ўзимча тахмин қилдим, шу чопганимча бир чой қайнарлик вақт тинмасдан қичқириб келаётган эдим!— деди.

— Ўзим адашиб кетаман деб, ўйладингми ё ўйламадингми? Абулғози, сен оддий одам эмассан, ҳеч бўлмаганда фолбин бўлсанг керак.

Абулғози кулмади. У дашқол солиб, фол очини — «бобомдан қолган ҳислат» деб ишониб юрарди.

Лекин, кузнинг ойсиз қоронғи кечаларида, довул ва ёғин-чочин бўлиб турган кечаларида ҳам, керак бўлса, ёлғиз тўп тобилғини, бир тўп қарағайни адашмасдан топаоларди. Қиш кунлари от қулоғи кўринмайдиган қор бўрони бир ҳафта давом этса, ўша бир ҳафта ичида тинимсиз йўл юриб, бораман деган ерига отган ўқдек тўппа-тўғри келиб етар, отининг тумшугини манзилга тақарди. Лекин ўзининг бу ҳислатини фол очишни билганидан деб билмас эди. Ҳозир Эрбўлга ўша сирини айтиб келмоқда.

— Менинг адашмаслигим фолбинликдан эмас. Бир кўрдан, Тўқбой деган кўп ақлли, бир кекса кўр қўшни-

миздан олган сабоғим бор. Уша одам ба'зан машаққатли довонлардан ошиб, ёгин-чочин вақтида ҳам икки овул ўртасида адашмай, ёлғиз ўзи юраверар эди. Кўр бўлганда ҳам, қитдай ёруғликни сезаолмайдиган кўр эди. Худонинг қудрати, ўзига таниш ерларгагина эмас, ба'зан кўрмаган жойларига, беш-олти чақирим ергача адашмай тўғри кетаверарди. «Тўқам, қандай қилиб юрасиз?» деб сўраганимда, ўша одам: «Сени бошлайдиган йўл бўлса, мени бошлайдиган ел» дер эди. Шамол етакчи эканлиги рост, лекин уни ҳарҳолда дили ҳам етакларди дейман-да. Қор бўрони қутуриб турган зимзиё кечада бизлар ҳам ўша кўр Тўқбойга ўхшаймиз-да. Биринчидан, шамолга мумкин қадар суяниш керак. Ундан кейин, кўзим бор демаслик керак. Кўнгилнинг кўзига йўл бошлатиш керак. Мана, менинг бутун сирим ва сеҳрим ана шунда! — деди.

Эрбўл Абулғозидан энди шу кетишда уларни қаерга олиб боришини, нима қилмоқчи эканлигини сўради. Абулғози ҳамма бир ерга тўплангунча тўхтаб турди-да:

— Йигитлар! Сенлар жуда қаттиқ совуқ қотган кўринасанлар. Ўзимизнинг капани излаб топмоқчи эмасман. Яхшими-ёмонми, мана шу Мошон тоғининг силсилаларида қишлайдиган Жуантаёқ, Мўтиш элларининг битта-яримта овули бўларди. Шундай овуллардан биронтасига, уй-жой ёмон бўлса ҳам, иссиқ ўчоқ ёнида исиниб, бироз эс-ҳушларингни йиғиб оладиган ерга олиб бориш нияти-даман. Қаерда, кимнинг овули бор эканлигини билмайман. Шу орага, худди мана шу биз келаётган водийга сўнгги йилларда Мўтишларнинг ўзига дуруст бир овули қистов солди деб эшитган эдим. Зора ўшаларнинг биронтасига дуч келиб қолсак. Ҳарҳолда бугун кечаси бир иссиқ жойга етказиб, сенларнинг жонларингни киритаман! — деди.

Йўловчилар қаттиқ совуқ қотиб, титраган ҳолда, товушларини зўрға чиқариб:

— Бошла! — Башлайвер!

— Айтганинг келсин!

— Битта бошпанага етказсанг, армонимиз йўқ. Ҳарқанча юриш бўлса чидаймиз! — дейишиб, ихтиёрини Абулғозига беришди.

Шу блан яна бирқанча вақт отларини жимгина елдириб, майда дарахтлар блан қопланган чуқур водий бўйидан боришаркан, буларнинг олдидан: «ҳов»! деб ҳурган

итларнинг товуши эшитилиб қолди. Севиниб кетган йўловчиларнинг юраги қииндан чиқиб кетаёзди. Ба'зибирлари:

— Ё раббий, ўзинг етказ!

— Ё худо, йўлингга оқ қўчқор!

— Ажалдан омон қолдик-а! — деб юборишди.

Йўловчилар қалин қор босиб ётган бир тўп қайиндан айланиб ўтиб, яйдоқ ерга чиқишлари блан ҳалиги итларнинг товуши кўпайиб эшитилди. Уларнинг орасидаги катта итларнинг салмоқли, йўғон товуши тоғларни янграиб юборди. Абулғози тепиниб отини чоптириб кетди. Бошқалардан узоқлашиб кетиб, тоғнинг тошлоқ тақир-бурнига етиши блан отини кўндаланг қилиб туриб олди. Абай блан Эрбўл иккови отларини қаттиқ елдириб, Абулғозига яқинлашганларида қўйроқда, яқингина ерда деразаларидан чироқ шу'ласи тушиб турган уй кўринди.

— Эл! Эл!

— Овул, овул бор экан! Садағанг кетайин одамлар! Ҳали ётишмаган ҳам экан! — деди Эрбўл ҳовлиққанича орқасида келаётган Боймағамбет блан Шакега.

— Деразаси кўп! Ўзи ҳам катта қистов экан. Бу бир бадавлат овул бўлса керак! Омадимиз келган экан, йигитлар! — деб, Абулғозининг ўзи ҳам ғоят хурсанд бўлиб кетди. Йўловчиларнинг ҳаммасидан олдин ўзи етиб келди. Эшик олдида отдан ирғиб тушди-да, шонганича кичкина эшикни қаттиқ-қаттиқ қоқабошлади.

Абай қайси аҳволда отдан тушганини билмади. Кўлидан отнинг тизгини тушиб кетганда, Боймағамбет ушлаб олди. Бор вужуди тарашадек қотиб қолганга ўхшарди. Қўзғолишга мажоли келмай, серрайиб турганда Шакс келиб қўлтиғидан олиб, қўзғотди. Абайнинг кўзи тиниб, ер, кўк, уй, отлар ҳаммаси чирпирак бўлиб айланиб борар, қулоғи шанғиллаб гап ҳам уқолмасди. Фақат Эрбўл, Абулғозиларнинг уйдан чиққан бир-иккита одам блан сўзлашиб: «...Мўтиш!.. Дўғол!.. Найман!..» деб тилга олишаётган аллақандай исмларгина ўқтин-ўқтин қулоғига чалинарди, холос. Овулнинг одамлари Абулғозини бошлаб, Абулғози бошлиқ йўловчиларнинг ҳаммаси узун қоронғи далонда кетишаётганда, ичкарида қизил шу'ла сочиб бир эшик очилди. Уша уйдан чиққан аёл:

— Нариги уйга олиб борақолинг, катта уйдагилар ухлаб қолишди! Уша уйга олиб ўтишсин дейишаётир! — деди.

Шаке блан Боймағамбет қоронғи далонда зўрға келаётган Абайнинг икки ёғидан суяб келиб кенг даҳлизга олиб киришди. Ҳочқда ўт ҳали сўнмаган, чўғлар милтираб ётган экан. Сокин ҳаёт кечираётган иссиқ маконнинг, инсон яшаётган жойнинг иссиқ нафаси келди. Йўловчиларни қозонда қайнаётган от гўштининг ҳиди, сариқ қийнинг аччиқ тутуни блан қарши олди. Меҳмонлар даҳлизга кириб бўлганларидан кейин, уларни эшикдан бошлаб келган йигитларнинг биттаси ўнг томондаги эшикни очиб, ичкарига таклиф қилди. Бу уйнинг остонасидан тўригача: гулдор тақир гилам, бир қисмига туклик гилам, мовутдан ўйиб гул ишланган наматлар солинган. Кенг, ёруғ, жуда файзли уй экан. Олдинда келаётган Абулғози блан Эрбўл уйга бошқалардан олдин киришди. Улар ўнг томондаги қийматбаҳо суяклардан нақш қилиб ишланган баланд кровать ёнида турган ёш жувон — уй эгаси блан сўрашиб, тўрға ўтаверишди.

Орқасидан Шаке суяган ҳолда Абай ҳам остонадан ҳатлади. Уйга кириши блан ўнг томондаги гажим тутилган кизил чимилдиққа кўзи тушди. Кўркам, баланд кроватьдаги одам бўйи қилиб йиғиб қўйилган қалин партўшак, момиқ ёстиқлар кўзига ташланди. Кейин уй эгасини кўрган он қаттиқ ҳаяжонланиб, беихтиёр:

— Оҳ! Жоним! Ўзими? — деб юборди-ю, орқасига қулаб тушгудай бўлди. Тўшак блан печканинг оралиғида турган, оқиш кўйлак, қора камзил, бошига лачак кийган гўзал жувон ҳам жон аччиғида Абайга қараб отилди. Сочидаги чўлпилари шилдир-шилдир этди.

— Ё раббий! Абаймисиз? Худойим, сизни ҳам кўрадиган кун бор экан! Жигарим! — деб, келиб Абайни қучоқлаб олди. Қаттиқ шилдираб келган чўлпининг товуши Абайнинг қучоғида тинди. Чўлпининг шилдираган товуши чиқиши блан Абай кўзини чирт юмиб, қулоқ солганича эси оғиб кетгандек, ранги қум-қўйи ўчиб бўсағага суяниб қолди. Бўйнидан қучоқлаб, ўксиб-ўксиб йиғлаётган жувоннинг олдида йиқилиб тушгудек бўлди. Бўшашиб, вужудини титроқ босди. Ёш жувонни қучоқлай деса, қўлларида мадор йўқ, фақат силарди, холос. Сўз қотай деса, тошдек бир нарса томоғига тиқилиб, нафасини бўғиб борарди. Тўрға чиқолмай, ёш жувоннинг қучоғида турган жойида ўзини ўша эшик олдида ташлаб юборди. Юқорига чиқишиб, эндигина ўтиришган Эрбўл блан Абулғози:

— Совуқ қотиб, титраб келган эди!

— Толиқиб, тоби қочиб келган эди! Кўнгли озиб қолди шекилли! — дейишди. Ҳамроҳлари Абайни тўрга олишди-да, кроватьга суяб ўтиргизишди. Шаке келиб Абайнинг белбоғини ечаётганда, Боймағамбет унинг сиртқи кийимларини ечиб, кўкрагини очиб қўйди. Ҳалиги ёш жувон:

— Ё худо, нима деяпсиз-а? Бетоб бўлиб келган эдимиз? — деб, баланд кроватьдаги кашта тикилган оппоқ-оппоқ, катта ёстиқларни олиб Абайнинг орқасига устма-уст суяб қўйди. Абайнинг ички камзилининг тугмаларини ечиб, кўкрагини яна очиброқ қўйди. Жонини фидо қилгудек бўлиб, ёнига ўтирди-да, узукларга тўла оппоқ бармоқларини Абайнинг пешонасига қўйди. Бир қўли билан кўкрагини силайбошлади. Абай зўрға кўзини очиб, кўкрагини силаётган жувоннинг қўлини ушлаб кўзларига босди. Ҳароратли қўлни лабларига қаттиқ босиб турганида, кўзларидан оқаётган иссиқ ёш томчилари юмалаб, жувоннинг оппоқ, майин қўлига тушди.

Абайнинг кўксидан оҳистагина оддий сўз эмас, қалб рози чиққанда:

— Тўғжоним! Армоним йўқ, олдингда олсин! — деди-ю, секингина хўрсиниб, жим бўлиб қолди. Абайнинг ёнида ўтирган Эрбўл Тўғжонни энди таниди.

— Азизим! Кўзимнинг нури, бу нима деяпти ўзи? Сен Тўғжонмисан? — деб, ўридан турасолиб Тўғжон билан кўришабошлади.

— Мен Эрбўлигман-ку, олтиним! — деб, ўпкасини туютолмай йиғламсираб қучоқлаб олди.

Икки елкаси дириллаб, ранги қум-қуйт ўчиб, икки кўзига жиқ ёш тўлиб Абайнинг ёнида ўтирган Тўғжон, Эрбўлни маҳкам қучоқлаб олиб, ўкраб йиғлаб юборди. Аслида бу Абайни қучоқлаб йиғлайдиган алам ва армон ёшлари эди.

Абайларни эшикдан бошлаб келган икки эркак ҳам шу уйда эди. Улар ҳайрон бўлиб, қовоқларини солиб туришган эди. Эрбўл билан Тўғжоннинг шу таҳлитда кўришганларини кўргандан сўнг, кўнгиллари таскин топгандек бўлди. Келганлар Тўғжоннинг яқин қариндошлари эканлигига қаноат ҳосил қилишди. Бу йигитлар Тўғжоннинг эри ҳам, қайниси ҳам эмас. Биттаси — сариқ мўйловли, оқ сариқдан келган мулла экан. Иккинчиси эса, мана шу овулнинг келди-кеттисини кутиб, хизмат қилиб юрадиган қардошларидан бири — пастки лабига

носвой тўлдириб олган, олакўз, қошлари қуюқ-қуюқ, чўққи соқол, қотмагина, усти-боши анча юпун Дуйсен деган йигит экан. Энди ўтирганларнинг ичида бири олиб, бири қўйиб сўзлаётган фақат ўша мулла блан Дуйсен. Улар дам кулиб, дам ҳайрон бўлиб:

— Епирим, суни қаранг. Тўғжонга қариндош чиқиб қолишди-ку!

— Тун кечада, шундай қор бўронда келган ким экан десак, ўзимизнинг Тўғжоннинг акалари экан-да!

— Кўрдингизми, Тўғжон ҳам эл-юртини хўп соғинипти-а!

— Бўтадек бўзлаб юборди! Она юрт ҳеч унутилади-ми, ҳарҳолда олтин бешик-да!

— Ўзи ҳам айтолмай зўрга чидаб юрган экан-да! Не алфозда юрди дегин, шўрлик! — дейишиб ҳазиллашиб ҳам қўйишди.

Дастлабки кўришув унсизгина оташин кўз ёшлари блан бошланди. Шундан кейин Абай блан Тўғжон бир-бирларига телмуришиб ўлтиришди-ю, узоқ вақт сўз қотишолмади. Кекса оқсоч хотин блан ёш жувоп ҳалидан ҳали келиб шивирлашиб, Тўғжоннинг буйруғини олиб кетишаётган эди.

Ҳалиги икки йигит катта тегарак хонтахтани юмалатиб келиб қийматбаҳо жиҳозлар блан безатилган кенг уйнинг ўртасига қўйди-да, чироқни ҳам шу ерга олишди.

Қўнжи узун этигини ечиб, махсичан ўтирган Абайнинг ёнбошида катта-катта момик ёстиқлар, эғнида қийматбаҳо кулранг мовутдан татарча қилиб тиктирилган тик ёқали камзил. Кўкраги очилиб ёнбошлаб ётган Абайга бу либослар ғоят ярашиб турарди. Оқ кўйлак устидан кийган қора желаткасининг кўкрак чўнтагидан тилла соатнинг занжири ҳам кўриниб турарди. Бошида шаҳар бозоридан олинган чиройлик қора дўппи. Тумоқ остида қуёш ва шамолга олдирилмаган кенг ва оппоқ пешонаси алоҳида кўзга ташланиб турипти. Лекин иссиқ-совуққа чалинишдан қорайган бурни блан юзи хурмодек буртиб турипти. Кўзлари ҳам кўп йиғлаган кишининг кўзидек, ёшланиб, қовоқлари шишиб, қизариб турган эди.

Ҳозир Абай қалтираб, нафаси ҳам отилиб-отилиб чиқаётган эди. Кўп йиғлагандан кейин ўпкаси тўлиб хўрсинаётганга ўхшарди. Ба'зан жимиллаб, эти ивишиб кетиб, совуқдан вужудига қалтироқ турар, бир нафасдан кейин

гуп этиб икки юзи ловуллаб, иссиқ чиқиб кетарди. Абай анча вақтгача вужудида рўй бераётган бу ҳолатга парво қилмай, фақат Тўғжоннинг юзидан, қоматидан, ҳарбир ҳаракатидан кўзини олмай телмуриб турди.

Тўғжон гўзаллашиб, аввалгидан ҳам ўзгача бир латофат кашф этган. Юзлари кўркамлашиб, янада камолга етиб, тигдор тортиб кетипти. Бу энди — етилган гўзал эди. Аввалги бежирим, кичкинагила бурни, ҳозир хиёл кўтарилиб, ҳуснига бир ажиб ҳусн қўшган. Кўзларининг оқ-қораси ярақлаб ёниб, ўйчанлик ва сабот акс этиб турарди. Унинг борлиги гўё жонлантирилган нафис сан'ат асарининг мажмуасига ўхшарди. Қайғули ўйларми ёки армону ҳасрат блан кечаётган кунларми, ҳарҳолда шуларнинг биттаси унда ўз изини қолдирган. Ҳозирги Тўғжоннинг чеҳрасида Абайнинг хаёлидан бир нафас нари кетмайдиган, бир лаҳзада юзига чиқиб товланиб, дам ўтмай қайтиб турадиган шафақ сингари гулгун қизиллик йўқ эди.

Ҳозир гап чортанг келиб, уйдагиларнинг ҳаммаси гапга тушиб кетди. Лекин бу гаплар, бир-бирига жонидили блан берилиб кетган Абай блан Тўғжоннинг на қулоғига киради-ю, на англашилади.

Эрбўл блан Шаке, Са'зан Боймағамбет ҳам қўшилиб, ҳар икки мезбон йигитга ўзларининг икки кундан буёя тортган азоб уқубатларини ҳикоя қилишмоқда. Ов қилиб юриб, бўронда адашиб, бу жойларга тўсатдан келиб қолганларини айтишди. Адашган одамнинг бўронда қанчалик гангиб, қандай қилиб йўлдан адашиб кетишини ҳам гапириб беришди. Абулғозининг ҳам эшитган одам ҳайрон қоларлик даражада зийраклик блан буларни излаб топганини сўзлаб, Тўғжонни ҳам тинглашга мажбур қилишди.

Бироздан кейин чой келтирилди. Тўғжон мулоим ва латиф ҳаракатлари блан хонтахта ёнига келиб ўтирди-да, Абайдан бошлаб ўтирганларнинг ҳаммасига аччиқ-аччиқ чой узатабошлади. Шу тобда бошини ёстиқдан зўрға кўтарган Абай, икки чаккасига турган санчиқнинг зўридан кўз ўнги қоронғилашиб, чалқасидан кетди-да, елкасини қарс этиб кроватга уриб олди. Зўрға туриб, пешонасини қўллари орасига олиб сиққанича ерга қараб ўтирди. Титраб, қақшаб бораётган вужудига ба'зан гуп этиб иссиқ югуриб, алангаланиб кетгандай туюларди. Тўғжоннинг: «Чой ичинг» деган товуши туман ичида зўрға эшитилган-

дек бўлиб, бор кучини тўплаб, бир пиёла чой ичиб кўрдя. Чойнинг иссиқ-совуқлигининг ҳам фарқига боролмади. Тамшаниб кўрса, оғзи бемаза, миснинг та'ми келаётган эди. Абай ўзининг чиндан ҳам касал бўлиб қолганини шу чой устида билди. Бир пиёладан ортиқ ичолмай, шилқ этиб бошини қуйи солиб, пешонасини ушлаганича дами-ни чиқармай ўтираверди. Боядан бери Абайнинг авзойига зеҳн солиб ўтирган Тўғжон, қаттиқ ҳаяжонга тушиб, юраги ивишиб кетганидан:

— Абай, совуқ тегдими, жуда тобингиз қочиб турганга ўхшайди-ку, қийналиб зўрға ўтирибсиз! — деди.

Абай бошини кўтариб Тўғжонга қараганда, Эрбўл ҳам унинг чиндан касал бўлиб қолганини пайқади.

— Икки юзинг лангиллаб ёниб, кўзларинг ёшланиб, рангинг бир хил бўлиб турипти-ку. Қаттиқ совуқ тегиб қолди-да, сенга Абай! Қалинроқ кийиниб, мана бу иссиқ чойдан бир-икки пиёла ичиб, ўралиб ётақол! — деди.

Бу гап Абайга ҳам ма'қул тушгандай бўлган эди. Унинг райини пайқаган Тўғжон лип этиб ўрнидан туриб, Абайнинг тумоғини кийдириб, елкасига тўнини ташлади-да, барларини қимтиб, ўраб қўйди. Яна иссиқ чой қуйдириб, ўз қўли блан бир қошиқ сариқ ёғ солди. Қандни ҳам унинг олдига суриб қўйди.

Абай яна бир пиёла чойни зўрға ичди.

— Билмадим, бошим ёрилиб кетгудай бўлиб тушиб боради! А'зойи-баданимни кўтариб олгудек мадор йўқ. Суяк-суягим синиб, сирқираётир. Оғзим бемаза. Қаттиқ иситмалаётган бўлсам керак дейман! — деб, икки қўл блан яна чаккасини қисди. Кўнгли қаттиқ айниб, беҳузур бўлаётганидан энди оғзига ҳечнарсга ололмади. Фақат: «Эсим борида, ҳолим борида айтиб қолай» деяётгандек, кўнглидаги дардини уйдагилардан яширолмай, кўпчилик тушунолмайдиган қилиб, хўрсиниш аралаш астагина изҳор этди.

— Е раббий, бу қандай жазо?! Қандай азоб? Умр бўйи қилган орзу олдига қандай азоб! — деб қўйди. Ўзининг ҳозирги дардидан ҳам оғирроқ дардини ана шундай узук-узук жумлаларда ифода қилди. Тўғжон бу оҳизорининг боиси ўзи эканлигини Абай гап бошлаган он тушунди. Кўпчиликка сездирмай, кўз ёшларини сидириб ташлаб ўтирди.

Дастурхон йиғилиши блан Абай ўзини ёстиққа ташлаб юборди. Зўрға ўтирганини уйдагилар эндигина би-

лишди. Бошидаги тумоғи, эгнидаги тўни блан ётқизиб, устидан кўрпа ташлаб, уёқ-буёғини қимтиб қўяётган Тўғжоннинг қилаётган ғамхўрлигини кўриб шодланган Абай:

— Жоним! Асилим... Борлиғим — ёлғиз ўзингсан! — деди астагина, бошида парвонадек айланиб юрган ма'шуқасига.

Овқат пишгунча Абай гуп учиб ётганича ётаверди. Уйқу блан алаҳлаш ўртасидаги англаб бўлмайдиган бир ҳолатдан мияси толиб кетган эди. Гоҳ хаёли битиб, олам кўкка учиб, сўниб кетади. Гоҳ ўзили Айгеримнинг қошида кўради. Яна бир нафасдан кейин уч жийрон от қўшилган извошда Семей кўчасида кетаётган бўлади. Бир вақт қопқоронғи тунда, қўлига Қорашўлақни қўндириб олиб, Қирғиз Шотидаги Кишик Авлиё қоясидан зимзиё, тубсиз жарга оти блан тушиб кетаётгандай бўлади. Остидаги саман от сурилиб кетиб, бургутга ёпишганича қоядан жарга қулаб, учиб тушади... Абай чўчиб уйғониб, ёстиқдан бошини озод кутариб, атрофдагиларни чаа ярим таниб яна шилқ этиб, ўзини ёстиққа ташлайди.

Яна бир ҳушидан кетиб кўзи илингандек бўлганда, дун'ё — дун'ё эмас, ери-кўки туташган, қипқизил аланга ичидаги теп-текис, бепоён даштга айланиб чўзилиб кетади. Унинг ичида ўзи учиб юрганга ўхшайди. Ба'зан зўр тўлқинда сузиб бораётгандек туюлади. Кўзига қандайдир, жип-париларга ўхшаш ғалати нарсалар кўринади. Ярми одам, ярми бошқа нарсага ўхшаш қўрқинчли мудҳиш башарали махлуқлар келади. Ҳалигилар бадбашаралиги блан қўрқитиб келиб: «Йўлдош бўлайлик, бирга юрайлик, биз блан кетасан» дейишиб, Абай қаерга борса орқасидан қолмай, атрофини ўраб олиб, аллақайларга бошлайди.

Энди ўшалар блан кетиб, ўзига азиз соҳилдан узилиб тушиб кетаётганда, жон аччиғида Тўғжон югуриб келиб қўлига ёпишиб: «Ташлаб кетма жоним, мени ҳам олакет!» деб, иссиқ юзини Абайнинг юзига босади. Кўз ёшлари блан бунинг юзини юваётгандай бўлади. Абай алаҳлаб барала гапирабошлайди:

— ...ташламайман, жоним! Кетмайман, сен блан қоламан! — деб уйғониб кетади.

Унинг алаҳлашини кўрган Эрбўл қаттиқ ташвишга тушиб:

— Епирим! Абай касал бўлиб қолди-ку! Иситмаси

жуда баланд. Бир кечаю, икки кундуз бўронда юриб жони қолдими? Қаттиқ совуқ теккан бўлса керак? Саҳрода кўп машаққатлар тортди-да! — деб, ич этини еб ўтирарди.

Яна бир нафасдан кейин, Абай устидаги тўнини, кўрпани юлқиб ташлаб: «Ёниб кетаётирман, ўртаб боради. Олчи, олчи!» деб яна алаҳлаб уйғониб кетди.

Абайнинг касали шу сингари бетоқатлик блан бошланди. Меҳмонлар овқат ичгали ўтирганларида, бўйнидан қучоқлаб ўтириб, орқа-бошини силаб уйғотаётган Тўғжон, Эрбўлларга қараб:

— Иситмаси қўлимни куйдираётир! — деди.

— Оҳ, Абайжон! Шунча йиллардан буён интизор қилиб бир келганингда шу қадар ожиз, ғариб аҳволда ҳам келасанми? Бир сен эмас, мен ҳам пешонасининг шўри аримайдиган бетоле' эканман. «Бир кўрсам» деб орзу қилар эдим. Шу аҳволда келсанг, қандоқ қилай. Куйиш устига куйиш, дард устига дард қўшилсин дедингми? — деб, айрим гапларни ўтирганлар ҳам эшитарлик қилиб айтиб юборди. Ба'зан Абайга ўхшаб, бу ҳам пичирлаб, йиғлаганича беморнинг қулоғига айтарди. Кўз ёшлари дар'ё бўлиб оққанича Абайни уйғотди. Лекин овқат ичиш уёқда турсин, энди бира-тўла тўшак тортиб ётиб қолган экан. Иситманинг зўридан ўтдек бўлиб, чиқаётган дами қайтиб кетаётгандек, икки елкаси блан нафас олиб турарди.

Уйнинг тўрига алоҳида жой солиб Эрбўл, Шаке, Тўғжон учови Абайни ечинтириб ўрнига ётқизгани олиб бораётганларида, бўғинларни қалтираб кетган Абай, бир-икки қадам қўйди-ю, шилқ этиб ўзини ташлаб юборди.

Касал шу зайл тўсатдан бошланди. Кўкдан кўтариб ургандек, гуп учди-ю, ётди қолди.

Абайнинг ёнига тўшак ёздириб, энди ўрнига ётаётган Эрбўл:

— Бу касал бугун эмас, кеча кечаси бошланган эди. Шундан кейин ҳам бир кечаю-бир кундуз қор бўронда от устида юргандан кейин нима жони қолсин! Касалига ҳам қарамай юрган экан-да. Шу ерга етиб келиши блан шилқ этиб ётиб қолишидан айтаётирман. Охири ҳайрлик бўлсин. Бунчалик ўзини билмай ётиб қолишидан юрагим чўчиб турипти! — деди Тўғжонга.

Гарчи Эрбўлнинг ўзи ҳам қаттиқ чарчаб-толиб келган бўлишига қарамай, Абайдан кўнгли тинчимагани учун ухлайолмади. Чироқни ўчирмай, паст қилиб, мил-

тиратиб қайната, қайнаналари уйига бориб ётган Тўғжоннинг ҳам кўнгли тинчимади.

Тун ярмидан ошган пайтда, Абай иситманинг зўридан яна алаҳлаб, бетоқат бўлабошлади. Тўғжон бунинг дардли нафасини йироқда ётган ерида сезгандек бўлади. Эшикни ғичирлатмай секингина очиб, чўлписини ҳам шилдиратмай қўлига ушлаганича кириб келди. Абайнинг оёқ томонида туриб, унинг юзларига телмурди. Беморнинг ҳоли оғирлашиб, инқиллаши зўрайиб, қаттиқ қийналаётган эди. Тўғжон астагина Абайнинг ёнига келиб ўтирди-да, унинг алангаи-отаиш бўлиб ёнаётган пешонасига қўлини қўйди.

Эл ётгандан буён иситманинг зўридан хаёлини туман чулғаб алаҳлаётган Абайнинг кўз ўнгиди яна ўша қутураётган қор бўрони ўйнади. Бутун олам оппоқ муздек, аста силжиб оқаётган бир шаффоф нарси билан тўлган. Қорми ёки ўраб-чирмаб олишга уринаётган оппоқ совуқ кафанми? Бир нафас тинмайди, бир ерда тўхтамайди. Мудом силжиб, сирғилиб оқиб турадиган балчиқ, сув тагидаги ёпишқоқ балчиқ оқизиб кетаётиб, Абайни гоҳ тўлқиннинг учига илиб кўкларга кўтаради, гоҳ тагсиз жарга қулатиб, аллақайларга олиб кетаётганга ўхшайди. Ўша ёпишқоқ, жирканч нарсаси бутун вужудини сескантириб, совуқ елим сингари танасига чаплашаётир. Бу нарсаси Абайнинг назарида дам оппоқ қор, майда қор бўрони бўлса, дам тагсиз жаҳаннамни тўлдириб турган шўр, оқ ботқоққа ўхшайди. Ба'зан бу нарсаси дамига тортиб кетаётгандек, ютиб бораётгандек туюлади. Ёрдам бериб, қутқариб олгудек кимсаси йўқ. Ёлғиз ўзи паноҳсиз, ҳолсиз, қўл-оёғи боғланган кишидек ютилиб, ботиб кетаётгандай бўлади. Қўлига дуч келган нарсасига ёпишиб: «Ютиб кетди. Ушла... қутқор!» деб қичқиради. Шунда яна учиб келгандек, қаердандир Тўғжон пайдо бўлиб, бошида парвонадек айланади. Лекин энди қўлини бермай: «Менга атаган ўланнингни айт, ўша ўланнингни айт!» деб қараб туради. Алаҳлаб, ҳалокат қучоғига ботиб кетаётган Абай, ўша ўланни топиб айтишга шошилади. Жонининг боришга тиришиб Тўғжонга атаб тўқиган ўланни айтиб беришга уринади. Лекин қанча уринмасин, ўлан асти эсига тушмайди. «Қандай эди! Нима эди...!» деб, алаҳлаганича уйғониб кетади. Уйғониши билан ёнида ўзига ёпишиб, қайғу ичида юзига тикилиб ўтирган ва нималарнидир сўзлаётган Тўғжонга кўзи тушади. Хаё-

лида: «Ҳали ҳам алаҳлаётган эканман», деб яна ўша хаёлга чўмиб кетади.

...Тўғжон бундан жавоб кутиб ўтиргандек. Жавоб бермаса ундан ажралиб қолиб, Абай ҳаётдан ҳам, умидини узадигандек туюлади. Яна хаёлини тўплаб ўша ўлани эслашга уринади. Улани... Тўғжон сўраётган ўлан ҳеч эсига тушмай, яна қийнайди. «Қаерга кетди? Йўқотдим қўйдим, энди сендан ҳам айрилдим!» деб, яна бетоқат бўлади, алаҳлайди, яна излайди. Ўзидан-ўзи: «менга нима бўлди-а?» деб, хуноб бўлиб, ўзидан қийиб, яна гапирабошлайди. «Уша ўланним қаерга кетди, сенга... сенга эди-ку, тополмаётирманку!» деб, яна ўша ўлани излашга тушади.

Қанча вақт ўтгани маълум эмас. Тўғжон қанча ўтирган бўлса, шу вақт ичида Абай ўзи блан ўзи селвор бўлиб кўзига кўринаётган нарсалар блан олишиб, ниманидир йўқлаш, излашдан бўшамади.

Аёлниг кўнгли Абайнинг бу алаҳлаши ўзи блан алоқадор эканлигини дарҳол англади, юраги эзилиб, юз-кўзларини силади, қучоқлаб бағрига босди. Тортаётган азобини кўриб, юраги эзилиб кетди. Ўт бўлиб ёнаётган юзига юзини қўйиб:

— Тинчлан!.. Тинчлангин Абайжон! Ҳечнарсани излама, қўй, қийналмагин! — деди.

Абай кўзини юмиб, бир нафас индамай ётди. Яна дам ўтмай бетоқат бўлиб, нафас ололмай қийналабошлади.

«...Сен билмайсан-ку... сенга айтиб беришган эмас!.. Бор эди! Ўланним бор эди! Ҳозир, ҳозир! Олиб кетма де-чи! Ҳозир айтиб берай!» дейди. Кўзлари юмуқ ҳолда қовоғини солиб, қўллари блан ҳавони тутиб, бармоқларини қимирлатади... Айтмоқчи бўлаётган гапининг ярмини пичирлаб айтиб, оғзи хиёл очилиб қолганича, яна жим бўлади.

Яна ҳалиги атрофни қуршаб эсаётган совуқ қор бўрони. Яна ўша бўрондан туғилган оппоқ мия сингари шўр балчиқ ичига тортиб кетаётир. Сесканиб, чўчиб кетиб: «Ушла! Қутқор, берма унга, Тўғжон!» деб, яна уйғониб кетади. Олдида ўтирган Тўғжонни кўриб, яна унинг ўлапини топиб бермоқчи бўлиб: «Айтаман, айтаман» дейди. Кўзини юмди дегунча: «Қандай эди? Яна қаерга кетди-а?» деб, жуда қийналади.

Тополмайди. Бетоқат бўлиб тўлғонади, хуноб бўлади. Шундай азоб ичида бирдан:

«...Дун'ё... дун'ё... қандай эди? Дун'ёда... сра сендек менга ёр йўқ, сенга ёр... мендан ортиқ топилса-да...» деб юборди. Бошини ёстиқдан озод кўтариб, оқ кўйлагининг ёқаси очилиб, кўкраги кўриниб турган ҳолда ўтириб олди-да, «ўҳ»деб, қаттиқ хўрсиниб юборди. Кўзидан дўланадек ёшлар тўкилиб, юзини ювиб оқиб борарди. Хўрсинди-да, Тўғжоннинг юзига қаради. Энди эси ўзига келгандек бўлди. Тўғжоннинг қўлини икки қўли блан ушлаб, пешонасига, кўзларига, юзларига босди, кейин юрагига қўйиб, қаттиқ қисиб турди.

Буларнинг ёнида Абайнинг қийналишини, алаҳлашини кўриб юраги сиқилиб ўтирган Эрбўл, энди Абайнинг эси ўзига келганда: «Иккови ҳам тортинмасин!» дегандек, дарҳол ўрнига ётиб, орқасини ўгириб олди.

Абай эсим борида айтиб қолай дегандек, боши-охири йўқ бир гапни Тўғжоннинг юзига-юзини қўйганича, ҳароратли нафас блан шивирлаб айтабошлади.

— ...Ҳаётдан адашиб, совуққа қотиб, саргардон бўлиб келиб... қошингга йиқилдим. Барча ҳис ва туйғулардан айрилиб толиқиб келиб йиқилдим... «Ўлма!» деб амр қиладиган эгам сенмисан, жоним!— деди. Яна кўзларини юмиб, азоб ичида хўрсинди. Тўғжоннинг қўлини қўйиб юбориб, ёстиққа ўзини ташлади. Боши ёстиққа теккан он яна алаҳлайбошлади. «Бўрон! Ҳамон бўрон! Бошла! Совқотдим, ана қуладим, олиб кетаётир... Йиқилма жийрон от, уч жийрон от, у эмас!»— деб, яна жим бўлиб қолди. Энди хиёл тинчлангандек бўлди.

Беморнинг ҳалигидай: «Олиб кетаётир» деган гапини эшитганда, тоқат қилолмай, ўкраб йиғлаб юборган Тўғжоннинг юраги алланечук бўлиб, орқасига тортиб кетди.

Бемор йигит, дардидан чўчиётирми? Ёки нима бўлишини сезаётирми? Қазоси шу ерда етадими? Тўғжон шу гапларни ўйлаб юрак бағри эзилганидан бўғилиб йиғлайбошлади. Абай шундай қаттиқ азоб устида жон талваса қилаётганда, ота-онаси, бола-чақаларини оғзига олмай, фақат уни йўқлаётир. Тўғжонни деяётир. Ҳалиги алаҳлашларнинг ҳаммаси ҳам кўнглида ётган, қалбини тилка-пора қилган аламли дарди, ягона дардига ўхшайди. У: «Тўғжонга айтиб ўлсам эди, билдириб ўлсам эди» деб юрган бир саломни, жон саломни экан. У, ўша ўлан экан. Қорашаш Тўғжонни кўргани бир келганда, шу ўланни айтиб берган эди. Абай ҳали алаҳлаётганда, бошини эслай олмади. Лекин бу ўлан йиллар давомида

Тўғжоннинг қалбида, ўтган даврнинг мунгли созидек, асти унутилмай ҳамон чертилиб, ҳамон ғамгин садо чиқариб турарди.

...Ярқ этмас қора кўнглим на қилса-да,
Осмонда ой блан кун барқ урса-да...

Давомини ҳали ўзи айтди. Бу саломини ботиб бораётган, қуёшнинг сўнаётган мажолсиз нуридек, энг сўнгги қизил шу'ласидек узилиб бораётган сўнгги нафаси блан айтди.

Дун'ёда менга сра сендай ёр йўқ,
Сенга ёр мендан ортиқ топилса-да!—

деди.

Тўғжон Абайнинг қўлини кўксига босиб, мук тушганича билагидан ўпиб, ўксиб-ўксиб йиғлади.

— Маш'алим! Бу сенинг сўзларинг эмас, менинг сўзларим-ку. Менинг қалбимдаги дардни айтгансан-ку. Маш'ум тақдир сендан тирик айиргунча, олдинда, ўша элда олса нима қилар эди. Ўша кунларда олса бўлмасмиди! — деб, анчагача қаддини кўтариб ололмади. Оғир ғуссага ботиб, зор-зор йиғлади.

Абай яна бироздан кейин бетоқат бўлиб, тўлғониб: «Ташна бўлдим!» деган эди, йиғидан бошини кўтарган Тўғжон унинг нима деяётганини дурустроқ англаб оломай, қараб қолди.

Орқасини ўгириб ётган бўлса ҳам, сергак ётган Эрбўл ўрнидан ирғиб туриб, печканинг устида турган сувни олиб, Абайнинг оғзига тутди. Абай сувдан бир ҳўплаб, ҳалқумини ҳўллаб олди-да, яна ёстиққа ўзини ташлади.

— Уҳ, бу қандай бўлди-а? Анча қаттиқ касал бўлиб қолдим шекилли. Дард анча оғирми дейман? А'зойи-баданам ўртаниб кетаётир!— деб, хўрсинганича яна кўзларини юмди. Нафас олиши оғирлашиб, қаттиқ инграрди, кўкрагидан чиқаётган нафас алангаи-оташ бўлиб қалтираб отилиб чиқабошлади.

Абай бу кечани куйиб-ёниб, қаттиқ безовталиқ ичида алаҳлаш блан ўтказди. Тўғжон блан Эрбўл ҳам бир нафас кўз илингириб ором олишолмади. Тўғжон ҳали бир қаттиқ куйиб хафа бўлганидан кейин, оппоқ тонг отгунча ноладан, йиғидан ўзини тўхтатолмади. Фақат тонг отиб, уйдагилар уйғониб, нариги уйдаги ота-оналари туришди, деган хабар келгандан кейингина Абайнинг ҳам би-

роз кўзи илингач, зўрға ўрнидан туриб, секин чиқиб кетди. Ҳаммадан олдин турган Боймағамбет, Тўғжоннинг юзида бир томчи қон қолмай оқариб, дармони қуриб кетганини пайқади. Вазмин, ақлли гўзалнинг сабот акс этиб турган сиймосида, ёри ўлгандек, қайғу изи кўринарди. Икки кўзи қипқизил бўлиб, қовоқлари шишиб кетган эди.

Абай шу овулда касал бўлиб, ўн кун ёстиқ устида ётиб қолди. Дастлабки бир ҳафта ичида унинг дард чангалида қийналиши, қисилиши ўзининг ҳамроҳларини, айниқса Тўғжонни, ҳатто бу овулдагиларни ҳам қаттиқ ташвишга солди. Бу овулнинг эгаси Найман деган бир кекса бой эди. Абайлар келиб тушган кечаси уларнинг ким эканлигини, қаердан келишганини эшитди. Ўша кун эрталаб Абайдан бошқа йўловчиларнинг ҳаммаси Найманнинг катта уйига бориб, овул эгасига салом бериб, унга ўзларининг қайси аҳволда бу ерга келиб қолишганини батафсил сўзлаб беришди. Найман катта хотини блан келиб, Абайнинг кўнглини сўраб, дардига шифо тилаб чиқиб кетишди.

Бу овулдагилар Абайнинг касалига қайишгани блан, ўша кун туш пайтида Тўғжон ҳақида бир ножўя гап эшитиб қолиб, келини дув-дув гап қилиб қолишди. Кечаси меҳмонларнинг ёнида ўтирган икки йигит Тўғжон блан Абайнинг бир-бирига қилган муомаласини яхшиликка йўймади. Тонг отиши блан уларнинг дарди-фикри — Абайнинг Тўғжонга қандай қариндош эканлигини билиш бўлиб қолди. Суриштириб кўришса, булар бир-бирига йироқ қариндош экан. Демак: «Кечаси шунчалар муккадан кетиб қилаётган меҳрибончиликнинг тагида бошқа гап бор экан-да» дейишди. Найманнинг қўлида юриб, оиласига сингишиб кетган Содир деган кекса молбоқар Тўғжоннинг даҳлизида ётарди. Ўша чол ўтган кеча Тўғжоннинг тонг отгунча Абайнинг ёнидан чиқмаганини, яна эрталаб чиқиб кетаётганда икки кўзи жиққа ёш эканини ҳалиги икки йигитга ҳам, Тўғжоннинг қайнапасига ҳам оқизмай-томизмай айтиб берди.

Шу баҳона бўлдию, бетоб Абайга қарагани Тўғжонни йўлатмай, Найманнинг хотини — кампирнинг ўзи келиб ўтирди.

— Қунакенгнинг ўғлини ўзим парвариш қиламан. Мен ҳам сенинг онангман, болам. Бегона эмасман. Тузалгунингча бошингга ёстиқ қўйиб, оғзингга сув тутадиган,

жопкуяр қардошларингдап бўламиз. Бошингни кутарсанг бас, шифо берсин! — деди-ю, ўтирди олди. Баланд бўйли, тунд юзли, қопқора кампир, Абайнинг касалини боқиш учун бир томондан ўзи ўтирса, ёнига кўмакчи қилиб кечаги муллани ҳам олди.

Бемор, келаси уч кун давомида кўзини очмай ётди. Тўғжон онда-сонда бир нафас кириб чиқмаса, бу ерда кўп туролмайди. Қайнабаси: «Сен отангни кутавер, бу ерда нима қиласан чироғим, бор, ўша катта уйга бор» деб, дарҳол чиқариб юборарди.

Шу аҳволда икки кун ўтгандан кейин бу овулнинг сафарга кетган мирзаси, Тўғжоннинг эри — Оққўзи ҳам етиб келди.

Оққўзи Мўтиш элининг баланд бўйли, семизларидан бири экан. Тўбукти ичида Мўтиш эли жусса жиҳатидан бўлакчароқ бўлади. Буларнинг деярлик ҳаммаси говрил-говрил, семиз, оқ-сарикдан келган, кўк кўз, барнаста йирик одамлар бўлишади. Уларнинг ичида соч-соқоли сапсарик, тиниқ мовий кўзли ёшлари, кексалари ҳам учрайди. Оққўзи шу хилдаги — гавдали, сапсарик, соч-соқоли қизғиш, кўк кўз, танқа бурун йигит экан. Боши, пешонаси, чаккалари ҳам мўл-кўл яратилган бўлиб, ёши ҳам Абай қатори экан. У жуда кам гап, вазмин, тунд табиатли одамга ўхшайди.

Оққўзининг келиши бемор ётган Абайга бўлаётган муносабат ва парваришни ўзгартмади. Лекин, Тўғжоннинг бу уйга кириб-чиқиши бутунлай барҳам еди.

Бир ҳафта қаттиқ дард тортиб, ўзини жуда олдириб, мадори қолмаган Абайнинг секин-секин таҳаси енгил тортабошлади. Оз-оздан уйқусига ҳаловат кириб, иштаҳаси ҳам очилабошлади. Шу кунларда қовоғидан қор ёғиб, Абайнинг ҳамроҳлари блан биратўла гаплашмай кўйган Оққўзининг димоғ-фироғини кўтариш Эрбўл блан Абулғозига анча малол келди. Абай бошини кўтарар-кўтармас, кампир ҳам Боймағамбет блан Шакега:

— Абай ҳам тузалиб қолди. Энди бу ерда кўп саргайиб ётмасаларинг керак, чироқларим. Овулинг, элинг ҳам узоқ эмас. Бир бошдан қариндош-уруғларингни кўриб кетаверсаларинг, элга ҳам етиб қоларсанлар. Абайни энди эсон-омон онасининг қўлига топшириб, ўша ерда боқизсаларинг ҳам бўлади-ку! — деди. Усталик блан: «Меҳмонлар, энди иззатингиз ҳам битди», деган гапга келтирди. Орадан уч кун ўтгач, Абай йўлга чиқадиган бўлди.

Булар кетмасдан бир кун бурун, ярим кечада Тўғжон келиб, Абайни уйғотди. Астагина ёнига ўтириб видо'лашди.

Абай кўзини очиб, Тўғжонни кўриши блан унга интилиб, қучоқлаб олганда, Тўғжон тортиниб Абайнинг қучоғидан сирғилиб чиқди-да:

— Абай! Мен бир нафас сен блан сўзлашиб, видо'лашиб кетгани келдим! — деди.

Бу гапга асти кўнгли бовар қилмаган Абай, тўсатдан Тўғжоннинг юзига қараб:

— Ҳаётимнинг маш'али! Нима деяпсан? Нима де-моқчи бўлаётирсан? — деб, яна қучоғига олишга уринган эди, Тўғжон унинг қўлларини тўсиб:

— Тақдир бизни қўшмади. Ҳеч бўлмаса шу гал, соғ-саломат келганингда... воз кечган бўлардим. Ҳаётимиздаги ниҳояти бўлмаган ҳижрон дарди, висол орзуси бу гал ҳам сени менга бемор қилиб келтириб, тақдир шу деди. Лекин севган юрак қайтишни билмайди. Фақат эндиги йўлдошим сабрим бўлсин, дедим. Шу сингари ўзимизни ўзимиз тийиш орқасида, висол энди бир умр эришолмаган орзу бўлиб ўтсин. Имондек соф орзулар бўлиб гўрга ҳам бирга кетсин. Мен ма'шуқангман. Уша ма'шуқалигимча қолиб, кўз ёшларимни ютиб ўтай, жоним! — деди.

Абай буни соф муҳаббатга тўла қалби блан англади.

— Ҳаммасини айтдинг. Ўзингнинг ҳам, менинг ҳам қалбимдаги ҳамма гапни айтдинг. Шундай қилмасанг, сен Тўғжон бўлар эдингми. Бундан ҳам ортигини кутсам, йўлдан озганлигим бўлади. Розингдан айланай. Ишқ ўтида ўртанган қалбингдан чиққан розингдан! — деди-да, Тўғжоннинг пешонасидан ўпди. Бошини қўллари орасига олиб ўтирганича ўтириб қолди. Тўғжон астагина ўрнидан туриб чиқиб кетди. Орқасидан эшикнинг ёғирламай, астагина ёпилгани билинди. Абай оппоқ тонг отгунча шу зайл ҳаракатсиз ўтирди. Гоҳ кўзидан дув-дув иссиқ ёш томчилари тўкиларди. Гоҳ ўксиб қаттиқ хўрсинганида, икки елкаси, кенг кўкраги тўлқин урган толдек, қалтирарди. Унинг борлигини ларзага келтираётган тўлқин — бедаво дард тўлқини, туганмас ғусса тўлқини...

...Қиш ярим бўлган. Абай Оқшўқидаги янги қистовида китоб мутолаасига берилиб кетган. Овдан қайтиб кел-

гандан бери Боймағамбет уч йўл хуржун тўлдириб ша-
харга китоб олиб бориб, хуржунини тўлдириб китоб олиб
келиб, Абайнинг эндиги руҳий озугини тез-тез алмашти-
риш блан овора. Абай Айгеримнинг уйида, холироқ бир
жойда ўтирар, китобдан бош кўтармасди.

Бу кунларда Айгерим илгаригидек Абайни чалғита-
вермайди. Абайлар овдан қайтиб келишганда, эрининг
Тўғжон қўлида ўн кун ётганини эшитган бўлса ҳам,
у ҳақда эрига сўз очмади. Лекин бутун рашк ва алами-
ни ичига ютиб, билмасликка солиб юраверди. Рашк ўти-
да тутоқиб, бўғилиб кетган Айгерим, ҳозир Абайдан
кўнгли совиб, бегоналашиб кетганга ўхшарди. Салтанат
дардининг устига устак бўлган Тўғжон воқиаси Абайни
энди бутундай ундан бегона қилиб қўйди. Ерилиб сўз-
лашмаса ҳам, Абай унинг нима учун шунчалар зуғум
қилаётганини яхши биларди. Лекин, унинг ҳозиргидай:
«Ичимдагини топ» деб, чиройини очмай юришини бу ҳам
кечираолмай, кўнглида қаттиқ гина сақлаб ўтирди. Айге-
рим блан Тўғжон ҳақида сўзлашиб, қалбидаги жароҳа-
тини унга изҳор қилиб, дардлашгиси ҳам келмади.

Бу йил қишда Абай бор дарди, бутун сирларини ичи-
га солиб олдию, асти изҳор қилмади қўйди. Унинг энди-
ги сирдоши, эндиги дўсти, бир умр вафосизлик қилмай-
диган ҳамроҳи — яна китоб, фақат китоб бўлиб қолди.





ДОВОНДА.

1

Апрель ойининг бошлари эди. Қиш эрта чиққанидан бу йил ўт-ўланлар барвақт кўкарди. Моллар баравар болалай бошлади. Кечқурун оналари блан овулга яқин тепаликларга яйлаб чиққан қўзилар, улоқлар ғужғон ўйнаб юришарди. Оқшўқидаги овулнинг кўпчилик хонадони ҳали қишлик уйларда. Қистов ёнидаги кўмкўк майсага эрта тикилган ўтов-уй фақат Айгеримнинг ўтови блан хизматдаги қўшнилардан Башей, Злиҳаларнинг кўҳнароқ уйи.

Кундаги одати бўйича Абай ёнига Боймағамбетни олиб, қистовнинг ёнидаги кўмкўк майса блан қопланган кичикроқ тепалик бошида ўтирарди. Буларнинг ёнида кечки ёйилишга чиққан қўй-қўзиларга кўз солиб юрган қўшнилардан: Бойтўри, Бойқадам, Дарқон ва Кишкене Мўлдалар ҳам бор. Бу қўшнилар шу кўкламдан бери Абай блан Боймағамбет тепаликнинг бошига чиқса, қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтиб ўтиришларини билишарди. Шунинг учун индамасдан келиб ўтириб, ўша ҳикояларни тинглашга одатланишган.

Бойтўри илгари Қунанбойнинг катта овулида бод касалига учраб, йўқчилик чанғалида, машаққат блан кун кечирарди. Кейинчалик Абай уни кўчириб келиб, касалини

даволатиб, одам қаторига қўшиб олган. Шунга ўхшаш, қашшоқлик блан яшаган, дардга чалиниб қолган Буркутбойни ҳам паноҳи остига олган. Мана бу ўтирган Бойқадам ҳам шуларга ўхшаб, Қунапбойнинг бошқа овулларида ёруғлик кўрмай, ниҳоят ўз хоҳиши блан келиб Абайнинг овулига қўшилган. Боймағамбет ҳам бир тўп ишилари блан оч-яланғоч ҳолда келиб, Абайдан дўстона марҳамат кўриб, йўқчилик чангалидан бироз қутилиб анча қаддини ростлаб олган қўшниларида бири.

Абайнинг овули шунга ўхшаш ёру-дўстларга анча марҳаматлик овул эди. Бу нарса Абайнинг қўни-қўшнилари блан доимо суҳбатда бўлишидан, улар блан жуда тоғулигидан ҳам кўриниб турарди.

Ҳозир ҳикояни Абай эмас, Боймағамбет айтмоқда. Узун, қизиқ бир ҳикояни эндигина бошлади. Абайнинг рўнарасига ўтириб олиб, Боймағамбет:

— Нидерланд деган мамлакатда, Лейден деган шаҳарда, инквизиция деган суд бор экан!— деб бошлади.

Мана шу ўтган қиш китобдан бош кўтармаган Абай, ўзи ўқиб чиққан баъзи эртақларни, романларни кўпинча уй ичидагиларга, Эрбўл блан Боймағамбетга, Кишкене Мўлдага яна ҳикояга ақли етадиган бўлиб, эси кириб қолган болалари: Абдурахмон, Гулбодон, Мағашларга ғоят қизиқарли қилиб айтиб берарди. Абай бундан ўн кун муқаддам ҳикояни ихлос блан, қунт қилиб тинглайдиган Боймағамбетга бир қизиқ роман воқиясини айтиб берган эди. Ҳали Боймағамбет бошлаган бу роман — Европада ўрта асрда бўлиб ўтган катта бир фожияни тасвирлайдиган огир ҳикоя эди.

Боймағамбет доимо шу сингари воқиялар чалкашиб кетган қийин ҳикояларни айтишга қизиқарди. Қаҳрамонлари кўп, уларнинг ўртасидаги ечиб бўлмайдиган чигал воқиа тортишувлари кўп ҳикояларни Абай бир айтиб бергандаёқ илиб оларди. Эшитиб олган ҳикоясини ўша кундан бошлаб қўшнилари уйида, хотинлар, молбоқарлар, келган меҳмонларга сўзлаб бераркан, бирор ерида янглишмай, тутилмай, ғоят гўзал тил блан қизиқарли қилиб айтарди. Шу йил қиш Боймағамбетнинг эртақчи деган донгғи Оқшўқи, Қўриқ атрофигагина эмас, Чинғиздан тортиб Семейгача кетган эди.

Бу икковининг олдига келиб ўтираётган Кишкене Мўлда, Бойтўрилар Боймағамбет ҳикоясини энди бошлаганини билиб, хурсанд бўлишди. Чунки, Боймағамбет

шахсан Абайнинг ўзига айтиб бериб, унинг синовидан ўтаётганда, ҳикоянинг устига келиб қолганларга янги одам келди, деб ҳикояни қайтадан бошламай давом этдириб кетаверарди. Бугун кечқурун Боймағамбет блан Абайнинг ёнига катталардан ташқари болалар ҳам келиб ўтиришган эди. Балоғатга етиб, йигит бўлиб қолган Ақлбой ҳам бугун Қўриқдаги Нургонимнинг овулига бормаи, Боймағамбетнинг ҳикоясини эшитиш учун шу овулда ётиб қолган. Мусулмончадан анча саводи чиқиб қолган Абиш ҳам, ҳикояни тинглаётир. Ўқишга ихлоси баланд, зеҳни ўткир шогирдларнинг бири бўлгани учун овулдагиларнинг ҳаммаси яхши кўрадиган қирра бурун Мағашгача шу ерда эди. У ҳам Боймағамбетнинг ҳикоясини диққат блан берилиб тингламоқда.

Қуёш эндигина уясига кириб бораётир. Баҳорнинг кечки салқини тушиб, тепалик бошида ёқимсиз изгирик турди. Лекин қизиқ романни завқ блан тинглаётганларнинг ҳаммаси Боймағамбетнинг оғзига тикилганларича ўтиришаркан, тошлоқ тепада, тасирлаб келаётган отлиқни ҳам пайқамай қолишди. Фақат йўловчи яқинлашиб келиб, ёнларида отдан тушгандагина билиб, ялт этиб қарашди.

Остидаги жийрон отини терлатиб, йироқ сафардан келаётган йўловчи — Жидебойдаги катта овулнинг қўшинларидан Аслбой экан. У шаҳардан келаётган эди. Утирганларга салом бериб, эл-юртнинг, овулдаги қариндош-уруғларнинг соғ-саломатлигини сўраб бўлиб, шаҳар янгиликларини айтабошлади. Бегона йўловчи келгандан кейин, Боймағамбетнинг ҳикояси узилиб қолди. Абай Аслбойдан:

— Хўш, шаҳарда қандай янгиликлар бор?— деб сўраган эди, Аслбой фавқулодда бир хабарни айтди.

— Эшитдингларми, йўқми? Шаҳарда подшо ҳақида бошқача бир хабар юрипти. Шу кунда бизларга ҳокимлик қилиб турган оқ подшо ўлипти дейишаётир. Яна ўлганда ҳам ўз ажали блан эмас, биров отиб ўлдирипти!— деди.

Бу хабарни эшитган он Кишкене Мўлданинг лаблари астагина қимирлаб, дуо ўқиб, фотиҳа қилди. Гарчи, қандай дуо қилганини билмаса ҳам муллага таассуф қилиб, кекса Бойтўри ҳам фотиҳа қилди.

Абай ялт этиб қараб:

— Нима дейсан? Ким айтди бу гапни? Қачон ўлдирипти?— деб аниқлаб сўрайбошлади.

Аслбой қаноатлантирадиган қилиб дурустроқ бир жавоб айтолмади. Фақат тахмин қилиб:

— Семейликларнинг ҳаммасининг оғзида шу гап. Ўлганига ҳам бир ойдан ошипти. Ўлдирган кишилар ҳам қўлга тушипти. Подшонинг ўрнига ўгли тахтга минипти. Руслар черковда, мусулмонлар масжидда жанозалар ўқишган. Халқдан онт олишиб, қўй-чи, бутун шаҳар дув кўчаётир. Бошқа гапларни билолмадим!— деди.

«Подшо ўлипти» деган хабарни эшитиб, Абай ўйланиб қолди. Подшони ўлдиручилар анчайин одамлар эмаслигини, бу хабарнинг тагида бир гап борлигини дарров пайқади. Ичида: «Ундай одамлар қиладиган ҳаракат осон бўлмаса керак. Қўлларида катта-катта ишлар келади-ган, бошида ақли, қалбида ғайрат жўш урган, иродаси кучли одамлар мудом сургунда юриш блан қаноатланмаса керак. Бутун Россияни ларзага келтирадиган бир ҳаракат қилишлари турган гап эди. Шундай бир иш содир бўлипти-да!» деган хаёлга борди.

Бу вақтда соддадил ва кекса Бойтўри, яна шуларга ўхшаш кўнгли бўш Қишкене Мўлдалар подшонинг бу тарзда ўлишига, гўё маш'ум бир иш рўй бергандек қарашди. Бунга ҳарқайсиси ўз ҳолича турли-туман тус бериб, завқ блан сўзлашаётир.

— Ийе, бу қандай гап-а, подшонинг амри блан фуқарони ўлдирилгучи эди, подшони ҳам ўлдирад экан-да?

— Буни ўлдирган одамнинг юраги мугиздек мустаҳкам бўлса керак! Юраги бетлаб қўли борганини айтинг!

— Ҳарҳолда ўлдирган одам, анчайин фуқаролардан бўлмаса керак! Подшо бўлмаса ҳам, подшодан қолишмай-диган катталардан биридир. Ўзига ишонган, «сендан менинг қаерим кам» дейдиган кишидир-да, бўлмаса анчайин одамга подшо блан олишмаса, бошқа олишади-ган одам озми?

— Ким бўлса ҳам кўзни чирт юмиб, таваккал қиладиган эрларнинг биттаси қилди-ку, бу ишни!— дейишди.

Ўтирганларнинг чехрасида подшонинг ўлганига ачиниш аломати йўқ. Фақат қандай қилиб ўлгани, ким ўлдиргани қизиқтираётир. Бу ҳолни кўрган Қишкене Мўлда ўзининг устозлигини ишлатиб, уларни босиб қўймоқчи бўлди.

— Шариатда ўзингга, ватанингга ҳокимлик қиладиган одамга итоат қил, дейилган. Қайси динда бўлмасин, у подшоҳи-а'зам. Масжидларда ҳам жанозалар ўқилип-

ти-ку. Бу хафа бўларлик воқиа. Шумлик аломати! Одам-зоднинг хулқи бузилган эмасми?! Подшони фуқаро ўлдирганини ҳечбир китобда ўқиган эмасман. Охир замоннинг аломати. Бу ҳодиса замоннинг айниганлик нишонаси!— деди.

Ўз хаёлига чўмиб кетган Абай, Қишкене Мўлда гапининг охиринагина эшитди-да, кулиб юбориб, ўрнидан турди.

— Қишкене Мўлда! Кучли амир — зўрлик бор ерда адоват ҳам зўр бўлади. Сиз унинг қайсибир сирини билиб-сиз? Ўша милтиқ кўтарган қўлни қандай ғазаб, кек, поладора қилиб отдирганини бу ерда ўтириб, билиб бўладими?— деди-ю, секин-аста овулга қараб кетаверди.

Уйга келаётиб, Боймағамбетга:

— Бақо, сен эртага Семейга жўнайсан. Бу хабарни эшитиб қўяқолишимиз тўғри келмас. Мен хат ёзиб бераман, шаҳарга бориб ҳамма гапни билиб кел!— деди.

Айтгандек, эртасига Абайдан хат олиб Семейга жўнаб кетган Боймағамбет уч кун юриб қайтиб келди. У шаҳарга тушиб хатни Михайловга берди. Семейдан хуржунини тўлдириб олиб келган янги китоблардан ташқари Семейнинг «жандарол» маҳкамаси чиқарадиган «Область ахбороти» деган газетасини, яна Михайловнинг Абайга ёзган хатини олиб келди.

Михайлов қисқагина ёзипти. Шундай бўлса ҳам, воқияни ҳозирча расмий э'лон қилинган хабарлар бўйича батафсил баён этипти. «Биринчи март куни, Петербургда кундузи соат бир блан иккиннинг ўртасида сайлдан қайтиб, ўзининг қишки саройига келаётган подшони тайёрланиб, пойлаб юрган одамлар отган. Оғир ярадор бўлган подшо ўша куни саройга келиши блан, тушдан кейин ўлгап. Отишни уюштиручилардан бир қисми қўлга тушган» депти.

Евгений Петрович бундан бошқа хабарларни ҳам ёзипти. Семей губернатори иккинчи март куни шаҳар гарнизонини йиғиб, бутун маҳкамалардаги ходимларни тўплаб, аввало қазо қилган подшога мотам маросими ўтказипти. Шундан кейин барча солдатлар мансабдорлардан тортиб, бутун халқни янги подшога, Александр учинчига ҳалол хизмат қилишга қасам'ёд қилдирипти. Евгений Петрович мана шундай расмий ишлар ҳақида ёзиб келиб, хатнинг охирида махфий буйруқ блан ўзининг ишдан бўшатилганлигини айтипти. Яна Абайга ҳазил қилиб: «Мана, Ибра-

гим Қунанбоевич, оламда мана шундай гаплар бўлаётир. Сиз учун бу гапларни фақат Боймағамбетдан эшитиб қўяқолишнинг ўзи қаноатланурлик бўлармикан? Оқшўқиди ҳарқанча хурсандчилик бўлса ҳам, шаҳарга бир келиб, мана бу ишларни ўз қулоғингиз билан эшитиб кетсангиз, ёмон бўлмас!»—деб қўйипти.

Семейда чиқадиган ягона газета — «Область ахбороти» ҳам подшонинг ўлими ҳақида Михайловнинг хатидаги маълумотлардан ортиқ ҳеч гап ёзаолмапти. Абайни ҳайратда қолдирган нарсаси — бундай пайтларда хушомалгўй қуллар не-не ваҳимали гапларни ёзиб, дўқ уриб тоза вайсаси керак эди. Ажабо, ҳокимларнинг тумшуғи ерга ишқалиб, кўзига қамчи теккандек гангиб қолишганми? Еки уларнинг бунчалик сўзни эҳтиёт билан ишлатишлари бир нарсадан чўчиб қолганларининг аломатими, бу қандай гап ўзи? — деган хаёлга борди.

Эртасига Абай билан Боймағамбет икки от қўшилган енгил аравада қатор ўтириб олиб, Семейга жўнашди. Йўл селгиб, анча қуриб қолган. Йўлни оғирлаштирадиган балчиқ ҳам, ботқоқ ҳам йўқ. Эрта баҳорда яшнаб келатган оламнинг кўркини бузиб, ҳуснига гўбор туширадиган чанг ва иссиқ ҳам йўқ. Оқшўқидан то Семейгача йўлнинг икки томони кўмкўк майса. Далалар эндигина тиг тортиб чиққан чим, янгигиша қипини ёрган тобилғи, эрта очилган лола, энди кўклаб чиққан филгонлар билан қопланган. Тепаликлар, тоғ бағирлари, бепоён ўлкалар ҳам кўмкўк. Булоқлар, кичкина кўллар — ҳаммасининг атрофи ҳам ипак сингари майса билан қопланган эди.

Йўловчиларнинг қаршисидан мулойим ва ёқимли шабада эсиб турарди.

Эпчил, серғайрат Боймағамбетнинг бирор ерда тўхташ, ҳаяллаганга тоқати йўқ эди. Қиши билан ем бериб боқиб чиққан икки саман отни шундай юришлар бўлса, деган умидда ўзи совутиб юрган эди. Ҳозир ўша қора ёлли қўш саман от тер чиқармай тасирлаб йўртиб кетаётир. Йўловчиларни уринтирмай, бир зайлда елиб, руҳлантириб бораётир. Ёлдираклар йўлнинг қизғиш қум шағалларини ғичирлатиб, оламини қоплаган кўмкўк майсалар, очилиб ётган чечаклар орасидан жадаллаб кетаётир.

Абайнинг ёнида ўтириб, узун қамчи билан отларни ҳайдаб қўйиб кетаётган Боймағамбет тунов кун Аслбой келиши билан чала қолган «Черный Век-Марта» романини энди ҳикоя қилишга тушди.

Бу чангалзор сингари чигал воқияли романда: подшолик динидан бошқа динда бўлган бир олийжаноб йигит Дик, унинг маслакдоши софдил, жасур паҳлавон — Қизил соқол, инквизиция судининг ғоят маккор жосуси, учига чиққан хиёнаткор хотин Черний Век, унинг кушанда-си бўлган, мудом унга панд бериб юрадиган, ҳарқандай оғирчиликни азаматлик блан кўтариб кетадиган хотин Марталарнинг саргузаштлари ҳикоя қилинган. Черний Векка душман бўлган Марта — Дикни қутқазадиган кўмакчиларнинг бири бўлади. Яна, Лиден шаҳрининг Дик блан Қизил соқолни қувғинга солиб, кетига тушган, қонди жазо берадиган беомон суди ҳақида баҳс қилади. Оми уламолар, ёвуз сўфиларнинг ихтиёрида бўлган инквизиция суди тасвирланади. Бу ҳикояда олийжаноб фазилатлар, қаҳрамонлик ҳам бор. Худонинг номини тилга олиб туриб ҳар куни қанча-қанча бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкучи, янги-янги жазо усуллари, кишан ва сиртмоқларни яратучи зўравон, шафқатсиз дин бошлиқлари ҳам бор. Унда ёш қалбнинг сокин сув юзига тушиб турган ёрқин ой шу'ласидек — беғубор муҳаббати, орзу истаклари тасвирланган. Шунингдек қоронғи зиндон тубидек даҳшатли, шафқатни билмайдиган, адолатни танимайдиган, бутун вужуди хиёнатдан иборат бўлган Черний Век ҳам бор.

Боймағамбет ўз ҳикоясида иштирок этучиларнинг эҳтиёжи ва ички сирларидан бир поғона юқори туриб, уларнинг ҳарбирига танқидий назар блан боқиб, ёндашар эди. Уларни жамиятда тутган мавқии, даражаси, илми, тарбиясига қараб, ҳарқайсисини ўз тили блан сўзлатарди. Бу — воқиалари бир-бирига чирмашиб, чувалиб кетган, юз хил тугундан иборат бўлган ғоят қийин ҳикоя. Боймағамбет унинг китобдаги тартибини бузмай, янглишмай, ўрни-ўрнига қўйиб айтаоларди.

Боймағамбет шундай романларни айтадиган бўлгандан бери илгари айтадиган «Минг бир кеча», қозоқ эртаклари, форс ҳикояси «Қирқ тўти», «Бахтиёр»ни бир вақтлар ўқиб ўтган дарсидек ҳисобларди. Ҳозир, сўнгги йилларда уларни кўп айтмас, ўқимишли ҳикоячидек тингловчиларга: «Қиройи эшитсанг, мана буни эшит! Боймағамбетни қадр қилмоқчи бўлсанг, мана шулар блан қадр қил!» дегандек, мана шу янги ҳикояларни айтарди.

Боймағамбет бу кунларда шарқ ва қозоқ эртакларидан фақат Рустамни, Жамшидни, Шаркен, Уч кўр, Сайидбат-

толни, қозоқларнинг Эдил-Жайиқ, Жупор қўриғи, Эртўс-тик сингари эртақларинигина айтарди. Булар Боймағамбетнинг ўткир зеҳнига ёзилган унутилмас китобга ўхшарди. Буларнинг ҳарбирини қошқорайгандан бошлаб, то овқатдан кейинги чойга қадар беш-олти соат давомида, бир ўтиришда айтиб битирарди. Эртақчи Боймағамбет ҳалиги саралаб олган эртақлари қаторида Абайдан эшитган романларидан ҳам қўшди. Шуларнинг ичидаги ноёбларидан биттаси Боймағамбет «Петр Пелекей»¹ деб атайдиган ҳикоя эди. Ундан кейин «Сохатий», «Дубровский», «Валентин Луй», «Чўлоқ француз», мана энди «Черний Век — Марта» қўшилиб кўпайиб келмоқда.

Боймағамбетнинг ўзи русча ўқимаган, мусулмонча ҳам ўқимаган. Брок, Абай ўқиб чиққан қизиқ романларнинг деярлик ҳаммаси бунга айтиб бериларди. Шу хилда кўп ҳикоялар блан танишиш Боймағамбетнинг ма'навий қиёфасида, кўринишида катта ўзгариш пайдо қилди. Ба'зибир ишларда, ўзини тутабилишда, у, атрофидаги бошқа қозоқларга ўхшамас эди. Абайнинг билишича, у мана шу ҳикоялардан кўп яхши фазилатларни ўзлаштирган. Ўз тенгдошлари ичида бошқачароқ бўлиб, камолга етиб, ўқимишли, хат билмайдиган ўқимишли, ажойиб одам бўлиб келаётган эди.

Бу вақтда тобора қуюқлашиб чиқиб келаётган сариқ соқоли, узун кинприклари орасида чақнаб турадиган катта-катта мовий кўзлари, каттакон бурнигача Боймағамбетни Абайнинг ўзига ҳам ба'зан бошқа қозоқлардан ўзгача кўрсатарди. Ҳозир Боймағамбет Абайнинг назарида оддий отбоқар эмас. Бу саҳрога бошқа бир ердан келган ҳамроҳига ўхшаб кўринарди. У Қизил соқолнинг Дикни халос қилиш йўлида кўрсатган жонбозлигини, ғайратини тасвирларкан, Абай ҳайрон бўлиб, шодлиги ичига сиғмай, Боймағамбетнинг юзларига тикиларди. Қизил соқолнинг қалбида дўстга садоқат ва юксак одамгарчилик бўлса, шундай садоқат Боймағамбетнинг ўзида ҳам топиладигандек кўринарди.

Абай ҳайрон бўлиб, шодланиб, Боймағамбетга қарашдан ўзини тияолмасди.

Тўбуқтида, Иргизбойлар ичида мана бу Боймағамбет сингарилар илгари бўлган эмас. Абай орқали унга етган

¹ Петр Великий.

кўп китоблар ҳақиқатда ҳам уни бошқача, янги одам қилиб тарбиялади. Боймағамбет ўтакетган тўғри сўзли одам. Боши кетса ҳам ҳақиқатни қўйиб, ёлғон гапирмайди. Яна Абай учун ғоят қимматли бир хусусияти — Боймағамбет ҳечқачон бировнинг гапини бировга етказиб, бировни бировдан ранжитмас эди. Сир тутишга келганда, Абайнинг иниси ёки ёридан ҳам пишиқ эди. Шу йил қишда Айгерим Боймағамбетнинг мана шу хусусияти ҳақида:

— Шунчалик сир сақлайдики, «Бугун эрталаб Абай Турошга нима деди?» деб сўрасам, «Ҳа, мен қаердан биламан, ўзидан сўра» деб, ўшани ҳам айтмади-я.

Ҳатто: «Боласи тўғрисида отанинг гапини онасига етказиш ҳам хиёнат бўлади» деб ўйлайди,— деган эди. Бир кўришдаёқ одамнинг қандайлигини билиб оладиган зийрак Айгерим унга ўзгача баҳо берган эди. Ҳозир Айгеримнинг Боймағамбет ҳақида айтган бошқа бир гапи ҳам Абайнинг ёдига тушиб кетди.

— Баҳо сиздан руслар ҳақида кўп нарсa эшитиб кўнглига тугиб олган. Шу кунларда, ҳатто ўзи ҳам русларга ўхшаб кетаётир. Қозоқчасига ундоқ эди, бундоқ эди деган гапларни билмайди. Ўлсанг ҳам шу, куйсанг ҳам шу дейди-ю, шартга тўғрисиани айтади қўяди. Афтидан ҳалол, адолатли ва софдил руслар ҳам шундай бўлса керак!— деган эди. Ҳозир Абай Боймағамбетнинг шундай ўзгариб кетаётгани ҳақида ўйлаб, ўзининг рус китобларидан олаётган тарбиясининг ижобий таъсиридан зўр қаноат ҳосил қилиб, ич-ичидан хурсанд бўлди.

...Боймағамбет икковимиз фақат ўқибгина, ҳикоя айтибгина юрмаган эканмиз. Ўйлаб кўрсам, тарбияланиб ҳам келаётган эканмиз-ку! Лекин мендан кўра Боймағамбет ёшроқ-да, тезгина эгилақолди, шекилли!? Шунинг учун ҳам унда китобнинг изи очикроқ кўринса керак! Демак, Боймағамбетда менинг ҳозирги кайфиятимнинг ярми акс этиб турипти-ку? Бир ҳисобдан бу менинг ойнам. Эл ўртасида юриб ўзгариб келаётган одамгарчилигимнинг ойинаси!..— деган қарорга келди. Лекин бу фикрни айтсам, ҳамроҳимнинг кўнглига озор бўлиб тушмасин деган андишага бориб, айтмай қўяқолди. Унинг эвазига йўл бўйи Боймағамбетнинг бутун ҳикояларини айтдириб, эшитиб келди. Боймағамбет ҳикоясини тамом қилганда, одатдагидек воқиа ичидаги Дик, Қизил соқолларнинг баъзибир чуқур маъноли, оқилона гапларини тузатиб, кўркамлаштириб айтиб берди.

Бу йўловчилар туш оққан пайтда, Кушикбойга келиб, отларига дам беришди. Ўзлари ҳам йўл озиқларини олиб овқатланишди. Кейин куни бўйи тўхтамай яна йўл бо- сишди. Ўша куни кечикиб келган йўловчилар эл ётар чоқда Тишибойнинг дарвозасини қоқди. Боймағамбет ҳам худди шу дарвозанинг тагига етгунча бирининг орқасидан иккинчиси бошланаётган романларига ноилож хотима берди.

Бу гал Михайлов блан Абай одатдагидан кўра кўпроқ учрашиб, ҳар гал узоқ-узоқ суҳбатлашадиган бўлишди. Евгений Петрович Абайни, гўё кўпдан буён йўлига кўз тутиб юрган дўсти келгандек, шодланиб қарши олди. Евгений Петрович хизматдан бўшатиш билан, энди улар истаган вақтларида учрашаолишарди. Михайлов хатда ёзмаган кўп янгиликларни Абай блан дастлаб кўришган кундаёқ айтиб берди. Подшони ўлдиришга илгарилар ҳам ҳозирлик кўрилганини, халқ йўлида новқирон умрларини, озодликлари, ҳаётларини қурбон қилган азаматларни ай- тиб берди. Янада Петербургда дорга осилган Желябов ва қаҳрамон рус қизи София Перовская ҳақида ҳам гапириб берди.

Унинг фикрича, бу гал подшо ҳукумати зўр таҳлика остида қолган эди. У мийиғида кулганича, тўртинчи март куни подшо саройидан э'лон қилинган ахборотда илгарилар бу хилдаги ҳужжатларда сра учрамайдиган янги гаплар ҳам борлигини айтди. Ўша қоғозда: «Бутун халққа тааллуқли бўлган хўжалик ва жамоатчиликка оид масалалар ҳақида ғамхўрлик қилмай бўлмайди» деган гап ҳам ёзилипти.

— Бунинг ичида «Социальный» деган гап ҳам бор. Бундай даҳшатли гапнинг подшолик оғзидан чиқиши, тахтнинг қаттиқ ларзага келганини, путурдан кетганини кўрсатади. Афтидан, революцион ҳаракат Петербургдаги- ларнинг ўтини ёриб юборганга ўхшайди!— деб, истеҳзо блан кулиб қўйди.

Абай бу янги хабарларни зўр қизиқиш блан сўраб ўтирарди. Аввал Михайлов блан учрашганида, бундай масалалар устида унчалик чуқур суҳбат қилинмасди. Подшони ўлдириш самодержавиега қарши йўлланган кенг ижтимоий ҳаракатнинг оқибати эканлигини билгач, Абайда: «революция йўлидаги рус халқининг ҳаракати ва иродаси, ғазаби ва талаби жуда зўр енгилмас кучга эга экан» деган фикр тугилди. Шунинг блан бирга Ми-

хайловнинг ўзи ҳам Абайнинг назарида, энди ўзгача яратилган, улуғ одамдек кўринди. Яна ҳам яқинроқ, кадрлироқ бўлиб қолди. Ундан эшитган гапларни чуқурроқ билиб олиш, тушунолмаганларини аниқлаб олиш учун Михайловга кетма-кет савол берди.

— Подшоликнинг кўрққани рост бўлса, қани энди, Евгений Петрович, ўзингизга ўхшаш азоб-уқубат чекиб сурғунда юрган кўп азаматларга енгиллик бермапти-ку? Энди сизга Семей улуғи ҳам бошқачароқ назар блан қараса керак эди! Аксинча, Губернатор сизни маҳкама-сидан бўшатиб ўтирипти. Бу қандай бўлди?— деди.

Михайлов Абайнинг бу саволига кулиб, икки қўлини ёзиб қўйди-да:

— Мен революционерлар ичидаги йирикларидан эмасман. Мен энди кўкарганимда хазон уриб, новқирон чоғимда университетнинг учинчи курсидан олиб кетган... Мени бу ердаги хизматга олишганда ҳам, хоҳлаганларидан олишган эмас, ноилож олишган. Бу ердаги жондороллар Петербургдан, статистика бюроси очилсин деган буйруқ олади. Бу шаҳардаги чиновникларнинг ичида статистика нимаю, ҳисобот нима? Борди-ю, бу илмий йўл блан олиб бориладиган иш бўлса, уни қай тахлитда бошлаб, қай йўсинда режага солинади? Қисқаси «Тузоққа илинган бу овни, нимага қўшиб, қандай қилиб сйилади», шунинг йўлини биладиган чиновник бу шаҳарда йўқ экан. Мен студент бўлиб, илмнинг кетига тушиб юрган чоғимда, илмнинг шу тармоғига ҳам кўпгина кўнгил қўйиб, анчагина уриниб кўрган эдим. Бу шаҳарда мана шу янги ишни бошлашнинг уддасидан чиқадиган одам топилмагандан кейин, чор-ночор мени ана шу амали йўқ, меҳнати кўп ишга таклиф қилишган эди. Мен ҳам бекордан кўра деб, шу ишни олган эдим. Энди, Ибрагим Қунанбоевич, менинг бир касалим бор. Бу албатта мен ўсган муҳитни менга сингдирган, эккан уруғи бўлиши керак. Ҳаётнинг, тирикчиликнинг, илмнинг қайси томони, қайси тармоғига бўлмасин кўнгил қўйиб, ўшанга берила-бошласам, ўшани жуда чуқур, таг-туғи блан билгим келади. Мен ўша ҳисобот комитетининг ишини йўлга қўйиб юбориш учун эўр қизиқиш блан ишлайбошлаган эдим. Сизнинг областингизда халқ хўжалиги қанчалик мураккаблигини англайбошлаган эдим. Аниқ маълумотлар тўплаб, илмий текшириш йўли блан ўрганаётган эдим. Бугун Петербургда мана бу аҳвол рўй берди-

да, аввалдан ҳам полиция назорати остида бўлган, ишончсиз одам ҳисобланган Михайловни четга чиқариб қўйишди. Лекин, мен ҳозир четда бўлсам ҳам шу ерда бошлаган ишимни ташламайман. Сизнинг халқингиз макон этган ўлкага, эҳтимол, бирор фойда келтирадиган хизмат қиларман. Савдогар ва саноат эгаларининг эмас, халқ манфаатини кўзлаб иш олиб борилса, бу ўлкани ривожлантириб юбориш мумкин!—деди.

Михайлов шу суҳбатни қизғинлик билан давом эттирди.

Дўсти билан учрашишга қулай бўлсин учун, Абай бу кунларда Иртиш дарёсининг нариги бетига ўтиб, Боймағамбет иккови Қаримнинг уйида туришарди. Оролчалардаги ўрмонларни яшил япроқлар билан безантириб келаётган баҳор кунларида, ба'зан икки дўст ўйдан чиқиб катта сувни бўйлаб юришарди. Ба'зида қайиққа тушиб, Михайловнинг уйи рўпарасидаги «Полковник ороли»га чиқиб, узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтириб қайтишарди. Михайловнинг эндиги ҳар учрашувда Абайга айтадиган янгиликлари биридан-бири қизиқ, биридан-бири қимматли эди. Абайдан фақат тўрт ёш катта бўлса ҳам, Михайловнинг ўзи аралашиб, ўз кўзи билан кўриб, билиб чиққан воқияларининг ҳаммаси Абай учун буюк чўққиларга, чангалзорларга ўхшаш ажойиб-ғаройиб воқиялар эди. Бу — ёзилмаган, Абайнинг назарида, ёзган билан тугамас ажойиб дostonга ўхшарди. «Достон деган гап ҳам — оз. Чунки, қандай дoston бўлмасин, бир қаҳрамон ҳақида баҳс этади. Бунда қаҳрамонларнинг сони йўқ. Жабр-зулм қилучи ёвуз бўлса, у ҳам минг йиллар умр суриб келаётган, сиҳргар, шафқатсиз зулм эгаси—қўлида амри-қудрати бўлган, зарбоб тўн кийган, зарҳал безаклар тақилган либослар кийиб, тахт устида ўтирган ер тангриси — подшолик».

Шу пайтда Абай, подшога қарши курашиш Россияда қачон туғилганини Михайловдан сўради. Михайлов Абайнинг илтимоси бўйича, подшоликка қарши курашнинг дастлабки даврларидан бошлаб айтиб берди. Пушкин замонидан тортиб, то Белинский, Герценларгача келиб етишини, уларнинг ғояси Чернишевский томонидан яна кўтарилганини айтиб берди. Михайловнинг Чернишевский ҳақида самимият ва зўр ҳурмат билан сўзлашидан, Абай ўз дўстининг устози Чернишевский эканлигини англади. Абай, Каракозовнинг подшоли отганини, Каракозовнинг дорга осилганини ҳам эшитди. Каракозовнинг подшо

извошдан тушаётганда ёнгинасига келиб ўқ отиб текиза-олмаганини эшитганда, Абай: «Қандай омади кетган шўрлик экан!» деб юборди.

Каракозовнинг амакиваччаси ва унинг гуруҳининг раҳбари бўлган Ишутиннинг тақдирини эшитганда, Абай жуда ҳайрон қолди. Петербургда, Семеновское плацда булутлч куз купларидан бирида Ишутинни осмоқчи бўлиб, дор тагига олиб келишади. Бўйнига арқон солиш олдидан, ўлим жазоси бериш ҳақидаги маш'ум ҳукми ўқиб эшитдирилади. Дорга осганда кийдириладиган қоп-кафани ҳам бошига кийдирилади. Дорга тортиб юборишгина қолади. Шу чоқ раҳм қилган бўлиб, ўлим жазосидан қолдириш тўғрисидаги иккинчи ҳукм ўқилади, умрбод сургунга юборилади. Самодержавие ўзини мудофаа қилиш учун, қандай оғир зулм ўтказадиган қоронғи зиндонлар ясаб қўйганини айтиб берди. Шлисселбург зиндони, Алексеевский Равелин, Иркутскдаги — Александровский централлар сингари, одамдан қон чиқармай туриб, жонини оладиган, бўғмасдан димиқтириб ўлдирадиган, ёруғ дун'ёнинг дўзаки бўлган маш'ум зиндонлар борлигини Абай энди билди. Ишутин мана шундай ерларнинг бирида берилган жазонинг — азобнинг оғирлигидан жинни бўлиб қолган ва кўп йиллар жинни бўлиб юрган экан. Кўрган одамнинг раҳми келиб, кўзидан беихтиёр ёш чиқиб кетар экан. Шўрлик кўп ғариб аҳволга тушган экан. Шу сингари ўлдиришнинг иримини қилиб, эрмак қилиш, Абайнинг назарида, одамга одам қиладиган зулмнинг, шафқатсизликнинг уччига чиққан ҳайвонлик хилидек туюлди. Йиртқичликдек кўринди. Ҳаяжон ичида:

— Евгений Петрович! Елирим, наҳотки шундай қилинса? Халқ олдида, бутун бошлиқ Россиянинг кўз олдида, усиз ҳам қазога кўниб турган одамни шунчалик эрмак қилиб ўйпатишлар ҳам бўлар экан-да! Шундай ишларга йўл қўйилаверадими?— деб сўради.

Михайлов шу сингари масхарали жазо, ўзи: илғор рус жамиятиниң ифтихори, озодлик ғоясининг жарчиси деб айтаётган Чернишевскийдек одамларнинг бошига ҳам солинганини Абайга айтиб берди.

— Бизларнинг ҳаммамизга ғоявий тарбия берган устозимиз бор,— деди Михайлов,— у, Чернишевский деган одам. Мана шу ўн беш-йигирма йилдан бери ёш бўғиннинг ҳаммасини ўша Чернишевскийнинг ғоялари руҳлантириб келмоқда...— деди.

Шундан кейин Михайлов 1864 йил 19 майда, Петербургдаги Митинский майдонида, Чернишевскийни халқ олдида дор остига олиб келганларидан кейингина, етти йил сургуи деган ҳуқум ўқилганини, шундан буён ўн етти йил ўтган бўлса ҳам, Чернишевскийнинг ҳамон Сибирьнинг энг йироқ бир бурчагида Вилъюск деган ла'нати қамоқхонада ётганини айтиб берди.

Михайлов шу суҳбат вақтида Чернишевский ҳақида Абайни ҳайратда қолдириб, унинг учун янгилик бўлган яна бир гапни айтди. Абай, подшони ўлдиручиларнинг бошлиғи, уларнинг ғоявий раҳбари Чернишевский деб ўйлар эди. Лекин, Михайлов ўз устози ҳақида сўзларкан, унинг биринчи март воқиясига ҳечқандай алоқаси бўлмаганини айтди.

Абай аниқ билиб олиш учун яна:

— Гарчи унинг ўзи шахсан иштирок этмаган бўлса ҳам, ғояси ва оғзаки раҳбарлиги сабаб бўлмадими?— деди.

Михайлов кенгроқ қилиб тушунтириб берди.

— Асосий масала ҳам шунда — подшони ўлдиришда Чернишевскийнинг, сиз айтгандек, ғояси ҳам, сўзи ҳам иштирок этган эмас. У, иштирок ҳам қилмайди. Бу ишни қилганлар Чернишевскийнинг революцион фикрларини тўғри ва чуқур тушунган тўп эмас. Узича чала-ярим, потўғри тушунган тўп. Чернишевский тутган йўлнинг ва у олдинга сурган илғор ғояларнинг бу ҳаракатга мутлақо алоқаси йўқ!— деди.

Якка шахсни ўлдириш, подшони ўлдириш бўлса ҳам, Чернишевский тутган йўл эмаслигини аниқлади. Бир подшо ўлдирилса, ўрнига иккинчи подшо ўтиради. Подшолик тузумини барбод қиладиган асосий йўл бу эмас. Чернишевскийнинг уқдиришича, подшоликка қарши курашга беҳисоб фуқаро, деҳқонлар, миллионлаб меҳнаткаш омма қатнашмоғи керак. Михайлов Чернишевскийнинг рус деҳқонларига қарата чиқарган: «Қул деҳқонларга уларнинг дўстларидан салом» деб ўз ўғитларини баён қилган прокламацияси ҳақида гапириб берди. Шунда Чернишевский деҳқонларни подшолик тузумига қарши, қўлга болта олиб курашишга ундаган. Деҳқонларни қулликда тутганлар — Россиядаги дворянлар-помешчиклар. 1861 йилда подшо озодлик бердим деб, халқни алдади. Чунки подшо халқ подшоси эмас, дворянлар подшоси. У фақат ўшалар учун ғамхўрлик қилади. «Беҳисоб халқ, меҳнаткаш омма, сиз-

ларни у алдади» деб ёзган экан. Чернишевскийнинг прокламациясини Михайлов студентлик чоғида ёдлаб олган эди. Хотирида қолган яна бирқанча гапларни ҳам айтиб берди: «У сизларни алдади, чалғитишга тиришди. Подшонинг ўзи ким, унинг ўзи ҳам ўша дворян эмасми? Сизлар дворянларнинг қулисиз, дворянлар бўлса подшонинг малайлари. Подшонинг ўзи ҳам ўшаларга суяниб ўтирган энг катта дворян. Шундай бўлгандан кейин подшо албатта дворянларнинг ёнини олади» деган экан. Яна бир ерида: «Ҳақиқий озодлик бериладиган бўлса, ҳамма ишнинг бошида халқ ўтирсин. Беҳисоб ҳокимлар эса ўша халққа тоби' бўлсин. Камбағал деҳқонларга озор беришга ҳечкимнинг ҳадди сифмайдиган бўлсин» деган экан. Дворянлар блан подшолик тузумига қарши, қайраб қўйилган қора болта ғазаб блан урилгандагина кўпчиликнинг кўзи очилишини айтган экан. Агар шундай қилинмаса,—деди Михайлов,—мана буларга ўхшаб, тўрт одам, беш одам бир бўлиб, бир ерда подшони, бир ерда министри ўлдиришдан иш чиқмайди. У кўпчиликдан йироқ, якка-якка, самарасиз, шунчаки бир иш бўлади...

Чернишевскийнинг фикри, «Кучни халқдан кутиш керак» дегани Абайнинг кўнглига жуда одилонга айтилган гапдек ўтиришди. Абай ўз ичиди: халқнинг савиясини ошириб, уни ёвузлик, зўрлик ўрдаси блан олишабиладиган даражага етказабилиш керак. «Ҳақиқий халқ ғўмхўри бўлган азаматнинг бурчи шу экан-да!» — деган улуғ фикрга келди.

Шу блан бирга, ҳали Абай эшитиб қонмаган қизиқ ҳикоя ҳам бор эди. У, Михайловдан самодержавиега қарши курашган рус фарзандлари ҳақида қайтадан сўради. Гарчи Михайлов кўп йиллардан буён йироқда — сургунда юрган бўлса ҳам, худди бир доно солномачига, кекса билмдонга ўхшарди. Россиядаги подшоликка қарши курашаётган кучларнинг, одамларнинг, гуруҳларнинг деярлик ҳаммасини батафсил билар экан. У Абайга кўп йиллик одамлар, уларнинг ишлари, курашлари ҳақида бирма-бир айтиб берди. Абай бугунги суҳбатдан ўз дўсти ҳақида ҳам бир яхши фикрга келди. Самодержавиега қарши курашаётган гуруҳлар турли-туман экан-у, лекин Михайлов уларнинг ҳаммасини қувватлай бермас экан. Ёлғиз ўзи узоқларга кетиб, тинкаси қуриган, курашга қатнашаолмай четда қолган бўлса-да, бутун кўнгли, тириклик таянчи, умр шу'ласи, умиди ўша томонда. Ўша томонда, ўша

гуруҳда бўлганда ҳам, фақат Чернишевский томонида экан.

Абай кейинроқ Андреевич блан учрашиб, Михайловнинг ажойиб одам эканини мамнуният блан сўзлаганда, Андреевич ҳам Абайнинг фикрига қўшилиб:

— Михайлов савияси баланд халқпарвар одам. Гражданлик виждони эрта уйғонган азамат. У йигирма ёшидаёқ ўзининг чиниққан революционер эканлигини кўрсатиб улгурган... ҳа, унинг бутун оиласи ҳам шу йўлда ўзини қурбон қилиб келган одамлар... Евгений Петрович сизга ўз опасининг Чернишевскийга жазо берилган куни қандай иш қилганини айтдими? Айтмагандир?.. «Мен ҳам айтдим-а» деяётгандек, Михайловнинг хулқи, камтаринлигига қойил қолиб кулиб қўйди-да, айтиб берди.

— Ундай бўлса, Чернишевский ўлим жазосига ҳукм қилингани э'лон этилиши бланоқ, атрофни ўраб турган қум-тупроқдек халқ орасидан бир қиз чиқиб, Чернишевскийнинг оёғи тагига бир даста гул ташлайди. «Хайр дўстимиз!» деб, товушининг борица қичқириб халқ муҳаббатини изҳор қилади. Атрофни қуршаб турган подшоликнинг ҳокимлари, жаллодлари, солдат ва жосусларчага: «Мени кўриб қўй» дегандек тап тортмай тикка бориб ташлайди. Бу: «Сенлар ўлимга ҳукм қилсаларинг, бутун ёшлар бунинг босган изини кўзига сурма қилади!» деган чуқур ма'нони англатадиган ҳаракат эди. Чернишевскийнинг оёғига гул ташлаган ўша Марья Михайлова, худди шу Евгений Петровичингизнинг туғишган опаси бўлади!..— деди.

Абай бу гапларни эшитиб яна ҳайратда қолди. Уни ҳайрон қилган нарса, биринчидан — ҳалиги тарбияли олийжаноб қизнинг ҳокимлар зулмига қарши отган адолатли ғазabi бўлса, иккинчидан — ўша ёш жасур қиз Марья Михайлова, Абайнинг бугунги дўсти, Михайловнинг туғишган опаси бўлиб чиққани эди. Яна, Абай блан кўп сирдош бўлиб, сўзлашиб юрган Евгений Петрович, ўзга революционерлар ҳақида гапирганда, ўз опасининг ишини айтмай қўяқолиши ғоят таажжубланарли эди.

Абай энди ўйлаб кўрса Михайлов бу гапларни жуда ҳам камтарлигидан айтмапти. Ўзи қилган ишлар ҳақида ҳам: «Мен шундоқ қилган эдим!» деб, бирор оғиз гапирмаган экан. У халқ учун курашаётган жасур, виждон эгалари ҳақида сўзларкан, ўша ишларни амалга ошираётган бунинг ўзи эмас, ўзгалар бўлади. Михайлов фақат кўп-

нинг биригагина ўхшайди. Ўзининг тутган ўрнини кичик ва аҳамиятсиз қилиб кўрсатади. Абай фақат унинг, Чернишевский қамоққа олинишидан икки йил муқаддам сургун қилинганини биларди, холос.

Михайлов тобора Абайнинг диққатини ўзига тортаркан, уни чуқур хаёлларга боришга мажбур қиларди.

«Агар кўпнинг бири, шуҳрат топмаган, э'тибордан четдагиларнинг бири Михайлов сингари бўлса, бу халқ нақадар камолга етган халқ! Бу халқнинг мана шу бўғини нақадар зўр кучга эга. Забардаст, ироласи кучли, ғайрати барқ урган, камолга етган бўғин! Бу бўғин филдек ягришлик, матонатлик, зўр қудрат ва жасорат тўплаётган эзгулик кучи-ку!» деб ўйлади. Абай келаси гап учрашганида, Михайловдан унинг ўзи тўғрисида сўрашга аҳд қилди.

Эртасига, ҳаво очиқ, беғубор чошгоҳ пайтида Абай келиб, Иртиш дарёси бўйидаги, ўзи учун илм ўчоғи бўлиб қолган пастаккина уйнинг эшигини қоқди. Эзма, оқсоч хотин Домна эна, кимдандир койиганича, эшик очишга чиқди. Эшикни очиб, Абайни кўрган он кекса аёл ҳам, уни уй эгаси Михайловнинг ўзидек хурсанд бўлиб қарши олди.

— Абрагим, сен экансан-ку! Кел, кел! Дўстинг ҳам сени кутиб ўтирган эди!— дедию, орқасидан яна кимдандир койиб кетди.— ... Мен, яна ҳалиги, қари кўппак бўлса керак, деган эдим. Орқамдан қолмайди. Гап айлантириб: «Сенинг мирзанг — сицилист...» дейди. «Уйига кимлар келади? Ўзи қаерга боради? Нима еб, нима ичади?...» деб, миридан-сиригача сўраб, бошимни қотиради, кўппак ўлгур.

Домна, Абайни даҳлизда тутиб олиб, тоза ҳасрат қилди. Абай устидаги чакмонини ечаркан, кулимсираганича кампирнинг гапига қизиқиб қулоқ солди. Абай гап мана шу маҳаллага қарайдиган кекса жандарма — Селантий ҳақида бораётганини биларди. Афтидан Михайловнинг орқасидан пойлаб юриш шунга топширилган бўлса керак. У, Домнадан гап оламан деб, қирқ кундан бери шу уйнинг атрофидан нари кетмай юрган бўлса, Михайлов ҳам уйда ўтирган ерида унинг ҳарбир босган қадами, оғзидан чиққан ҳар оғиз гапигача билиб турарди. Кекса жандарма Домнани нима деб айлантиришни, бунинг унга берган жавобини эшитаркан, диққат блаи қулоқ соларди.

Ҳозир ҳам Домна Селантийдан шикоят қилаётганда, Михайлов меҳмонхонанинг эшиги олдида келиб, Абайга

бош эгиб қўйиб, Домнанинг гапини эшитмоқда. Абай бу соддадил кампирга самимий ҳурмат назари блан қараб турди-да:

— Домнушка, бугун ҳам Селантий сизни хафа қилипти шекилли, ҳали, яна дийдор кўришиб келдингизми?— деди.

— Кўрмасам бўладими?

— Ўзини кўрддингизми?

— Ўзини эмас, ҳозир мана бу қўшнимиз Сидориха деган хотинни кўрдим. Иртишга кир чайқагани борсам, у ҳам челагини кўтариб, сув бўйига борди. Мендан, яна ўша Селантий сўрайдиган бўлмағур гапларни сўраётир... Улар Евгений Петрович эмас, ҳатто сени ҳам сўрашади. «Ана у қирғизинг мунча келаверади? Сенинг сицилистинг қирғизларни ҳам авраётирми?»— дейди.

Домна Фадеевна шошилмай, кекса оёқларини секин-секин босиб, ичкари уйларга томон кетди. Михайлов Домнанинг бу гапларидан безовталаниб, бироз диққат бўлди. Қуюқ қошларини чимириб, индамасдан уйнинг у бошидан бу бошига юриб турди-да, сўнг ўзини босиб олди. Одатдагидек вазминлик блан келиб диванга, Абайнинг ёнига ўтирди.

Унинг ҳозирги кайфияти, Абай бугунги суҳбатда сўрарман, деб келган гапини очишга қулай бўлгани учун, Абай гап бошлади.

— Сиздан шу кунгача анигини сўраб билмаган эканман, Евгений Петрович. Нима учун сургун қилинганингизни менга айтсангиз бўладими?— деб сўраган эди, Михайлов қисқагина қилиб бошидан кечирган бир воқияни айтиб берди.

Михайлов Петербург университетидида студентлик чоғида ўзининг поччаси Шелгунов блан бирга Чернишевский гоёларига берилган экан. Бирқанча студентлар блан бирлашиб, илм ва ма'рифат душмани бўлган профессорларнинг ишдан четлатилишини талаб қилиб, катта бир намоёнишда иштирок этипти. Шунинг учун қамалиб, Петро-заводск шаҳрига сургун қилинганини айтди. Ўша ерда бир йил туришгандан кейин, Петербургдаги бошлиқлар, ёру биродарларнинг маслаҳати блан сургундаги студентлар тўпи подшо номига ариза ёзиб, жазони енгиллаштиришни илтимос қилишган экан. Жазони енгиллаштириш ўрнига Петрозаводскдан Сибирьга сургун қилиб юборипти. Сабабини Михайлов шу ерда Лосовскийдан эшитипти, унга губернатор айтиб берган экан. Подшо Петергофда, ёзлик са-

ройда истироҳат қилиб ётган чоғида, буларнинг аризасини ўқипти. Аризанинг биринчи бетини ўқиганда: «Ҳали ёш экан, биратўла бузилиб етмаган одамлар бўлса керак. Ёилдан ошиқ жафо чекипти. Қайтарилса ҳам бўлар, қилган ишига пушаймон еб, тузалиб қолишар!»— деб, буларнинг гуноҳидан ўтмоқчи ҳам бўлган экан. Аризанинг иккинчи бетини ағдариб қолиши билан фе'ли айниб кетипти. Ариза тамом бўлиб қолган ерда, хатнинг охирида, қоғозга томган сиёҳ бор экан. Уни ариза беручиларнинг биттаси тили билан ялаб, қоғоз юзини кир қилиб қўйипти. Бутун ишни ўша ҳал қилипти. Подшонинг кўзи шу жойига тушиши билан, жаҳли чиқиб кетиб, аризани ҳам улоқтириб урипти. «Буларни қайтарилмасин, бундан ҳам узоққа қувилсин, йўқотилсин!» депти қўйипти. Ручка учидан тасодифан томиб кетган сиёҳ томчиси подшо жанобларининг кўзига гўё бир э'тироз, бир ис'ён аломатидек кўринипти. Шундай қилиб, Михайловларнинг бошига аввалгидан ҳам қаттиқроқ жабр-зулм тушипти. Михайлов Абайга ўз ҳаётидан, ўзининг қилган ишларидан фақат шу воқиянинг ўзини айтириб олиб, бошига тушган шу кулгили бир ҳолни билдирди. Уни ҳам сабр билан чеҳрасида истеҳзо акс этган ҳолда бир ўткир ҳажв тариқасида айтиб берди.

Шунинг билан бирга Михайлов, кўпдан буён изҳор этилмаётган кўнглида сақланиб келаётган бир дардини даст-аввал Абайга айтди.

— Бу ердаги жандарм чиновниклари менга худди иккинчи подшони ҳам ўлдирмоқчи бўлаётган ёки шу ердаги губернаторнинг уйи тагидан чуқур қазиётган кишидек қарайдилар... Мен энди нима ҳам қилаоламан? Эҳтимол, ниҳоллигимда қирқиб ташламаганларида менинг ҳам қўлимдан бирор дурустроқ иш келган бўларди... Эҳ Ибрагим Қўшанбоевич! Сиз мени аллақандай деб ўйлайсиз. Россиядаги ижтимоий онгнинг, революцион курашнинг йирик вакилидек кўрасиз... У сизнинг менга бўлган дўстона муносабатингиздан, дўстлигингиздан туғилган фикр. Мана, кўрдингизми, мен ҳақиқатга келганда кўпчилик сафидаги оддий, яна четда қолган одамларнинг биттасман, холос!— деди.

Абай бу гапларни эшитиб бўлгач, ўйланиб қолиб, кейин жавоб берди.

— Сизнинг халқингиз, сизнинг жамиятингиз нақадар бахтли. Тўғри, азоби кам демайман. Оғир меҳнати ҳам ўзинга етиб ортарлик. Лекин шунга қарамай, отиб келаёт-

ган тонги яқин, тунн ёришиб келаётган элни кўраётирман!— деди.

— Нега бундай деяётирсиз? Бундай фикрга келишингизга сабаб нима?

— Йиғлатучилари кўп бўлса, юпатучи, овитучиси ҳам кўп бўлган эл бахтсиз бўладими? Кўп деганим, ҳали сизнинг: «Мен кўпнинг бириман» деган гапингизга қараб айтаётирман. Агар эл учун ғамхўрлик қиладиган, жон куйдирадиган кучнинг сафдаги, оддий одамнинг биттаси сиз бўлсангиз, Евгений Петрович, бу тарафнинг бирлашгандаги кучи қандай бўлади? Уша кучнинг биттаси подшоини ўлдирса, қаддини ростлаб, қанотини ёзиб, уюшқоқлик блан ҳаракат қилган куни қиладиган иши қандай бўлади? Кўзи ёшли халқнинг ҳақиқий тонги отиб, яшнаган янги ҳаёт барпо қилинади-да. Рус халқи — бахтли халқ деганимнинг сабаби шунда!— деб, Абай гапини тамом қилиб, бир нафас жим қолди-да, сўнг:

— Бахтсиз, шўрли халқ, руслар эмас, бизлар десангизчи. Менинг элим... Қалин кўрпа тагида, зулмат ичида ётган қозоқ халқи,— деди.

Абай илгари ҳам дўсти блан узоқ-узоқ суҳбатлашганида, энг оғир ва чигал мавзу' шу бўларди. Бугун ҳам гап шу масалага келганда, Михайлов ўзининг шу ўлканинг келажаги учун қайғириб чуқур хаёлларга борадиган одам эканлигини кўрсатди.

Унинг фикрига қараганда, «Қозоқ халқининг олдида турган бир яхшилик ва бир ёмонлик бор. Ёмонликдан қутилиш қийин. Яхшилигига етишиш қийин. Ёмонлик — бу ўлкалардаги улуғлар блан чиновниклар. Қулоғини кар, кўзини кўр қилиб ўтириб олиб, порадан, мансабдан бошқани ўйламайдиганлар. Яхшилик — рус маданияти. Броқ ҳозирги қозоқларга унинг бор сири, бор фазилатлари жумбоқ. Рус деганда, бугунги қозоқларнинг кўз олдида — Селантий, Сергей, Тентек ўязлар сингари ёт ва дағал зўрлик келади. Лекин Абай таниб, билиб келаётир-ку. Рус халқида, мана шуларнинг орқасида ётган мутлақо бошқача сирлар ҳам бор. У ажойиб, бебаҳо олам. Русларда ҳозир бутун дунёга манзур бўладиган илм бор. Русларда бутун дунё халқи ўқийдиган китоблар бор. Халқнинг яхши фазилатларини, ҳақиқий халқ эканлигини яққол кўрсатиб, бутун дунёга намойиш қилабилган юксак фикрли мутафаккирлар бор. Шуларнинг ҳаммаси ҳозирги қозоқ халқининг кўзидан йироқда, пинҳон ва бегона. Лекин,

қоронғиликда ётган халқнинг Абайдек эрта уйғонган ёлғиз вакиллари ўзига зарур бўлган ҳамроҳни ўша рус хазинасидан топмоғи ва олмоғи керак». Қозоқ халқини уйғонабошлаган барча халқлар борадиган йўлга — ма'рифат йўлига сафарбар қилмоқ керак...

— Албатта, халқ учун эмас, ўзинг учун ҳам келажак шу тахлитда бўлади, деб олдиндан чўрт кесиб қўйиш мумкин эмас,— деди Михайлов.— Сиз менга қозоқларнинг «Йўл онаси—из» деган бир яхши мақолини айтиб берган эдингиз. Ҳар вақт биров бошлайди, қолганлар эргашади. Бир дона уруғдан юзлаб дон унади.. «Учқундан аланга чиқади.» Шу гап ёдингизда бўлсин! Бу жуда улуғ гап!.. Сиз — ўша хилдаги бир дона уруғлардансиз. Сиз учун мен икки ишни маслаҳат кўрардим: биринчидан — қозоқнинг ёш бўғини учун, айтайлик, сизнинг ўз болаларингиздан бошласак «ўқиш, ўқиш, ўқиш!» керак дер эдим. Русча ўқиш! Иккинчиси — ўқиб, олган илм ва ма'рифатни халққа ёйиш. Қоронғи саҳрога бир дона шам бўлса ҳам, ёлғиз қўлда ёлғиз чироқдек бўлса ҳам, ўз билганларингизни ўшаларга етказиб, уқдириш керак. Ўша уқдириш йўли билан бугунги жамият баданидаги алвон турли жароҳатларни очиб, аниқлаб, фош қилиб ситиб ташлаш керак. Уларга танқидий назар билан қараб, синчиклаб кўрабилиш керак! Менинг билишимча, сизнинг халқингиз — шоир халқ. Қайси йўл билан амалга оширишни билмайман, лекин, мен уларнинг дўмбираси, ўлашларида халқ дардини куйлатар эдим. Халқ бошига кулфат ёғдираётганларнинг сирини фош қиладиган, илм ва ма'рифатни мадҳ этадиган янги куйлар киргизар эдим. Шунинг энг кучли ўғит, эзгуликка бошловчи ўғит деб билардим. Шундай қўшиқлар, янги қўшиқлар куйланса, сизнинг халқингиз образли, чуқур ма'ноли сўзларни севади-ку. Зеҳни ўткир, чуқур муҳокамали ва қобилиятли халқ. Семипалатинск масжидларидаги имомлар ўқийдиган ўғит ва насиҳатларга қараганда, ҳалигидек қўшиқларни бир лаҳзада илиб олиб, севиб айтадиган бўлар эди. Билсангиз керак, рус халқида мана, бизнинг ҳаммамизни халқ учун қайғириш руҳида ўстирган — рус шоирлари-ку. Тўғри, улар ўз фикрини китоб орқали англатган. Ҳозир сизларда китоб ҳам йўқ. Лекин мен унинг учун ўйлаб ҳам ўтирмас эдим. Қай тарзда айтилмасин, ғамхўрлик қилиб айтилган гап халқнинг қулоғига етсин. Ўшанинг ўзи оқартиради, ўшанинг ўзи уйғотади. Албатта! — деб, Михайлов сўзини тамом қилар-

қан, кулимсираб, ҳазил қилиб Абайнинг елкасига қоқиб қўйди.

Илгари, Михайлов Чернишевский ҳақида гапирганда, Абай бирпеча бор ундан: «Бизнинг қозоқ халқидек халққа, унинг уйғонабошлаган азаматларига Чернишевский шу ерда бўлганда қандай маслаҳат берар эди? Қандай йўл кўрсатар эди? Шу тўғрида сизнинг фикрингиз қандай?» деб сўрарди. Бугун ўша гап Михайловнинг ёдига тушгандек:

— Чернишевскийнинг ўзи блан сўзлашсангиз, албатта, мендан кўра яхшироқ маслаҳат берган бўлар эди... Аксинча, Чернишевский кўзи блан қаралганда, аста-секин бориладиган, суст йўлни айтаётган бўлишим ҳам мумкин. Лекин, халқингизнинг тарихи, маданияти ўзга халқларнинг тарихидан кейинроқда бўлгани учун, шу йўл дурустроқ бўларми, деб ўйлайман,— деди.

Абай унинг фикрини ўзича тушунди.

— Мен тушундим, Евгений Петрович. Қишнинг музи эриб, юмшамаган ерга экилган уруғ униб ҳам чиқмайди. Чернишевскийнинг қўли блан сепилган уруғнинг ҳаммаси ҳам бу ерда унавсермайди дейсиз-да,— деди.

Михайлов Абайнинг шунчалик зийраклигига жуда севишиб кетди.

— Чернишевский асосан умидни халқнинг қайралган қора болтасига юклаган деб қайси кун сизга бир айтган эдимку. Халқнинг онгини ошириш, ма'рифатга эриштириш ҳам — ўша буюк мақсадга олиб борадиган йўл. Акс ҳолда, халқ қўзғолони революцияга эмас, ис'ёнга айланади... Эҳтимол, Чернишевский сизга очиқроқ жавоб берган бўларди — мен ҳали сизнинг халқингизни дурустроқ билмайман-да, шунинг учун ҳам халқингиз қай йўсинда кураш олиб борса, тўғри бўлишлигини айтиб беролмай турибман,— деди.

Михайловнинг бу гаплари Абайга худди ўз кўнглидаги гаплардек туюлди. Ақидасига айланди.

Ҳаёт, тирикчиликка оид улуг масалалар устида кетган бу суҳбатнинг охирида Михайлов у гапларни Абайнинг ҳаётига татбиқ қилди. Унинг овулдаги ўқиб юрган болалари ҳақида сўради. Абай ўзининг Абиш, Мағашдек ўғиллари, Гулбодондек қизи мусулмонча ўқиётганини айтди. Энди уларни русча ўқишга бериш ниятида эканлигини билдирди. Абай ўша болаларини қаерга ўқишга бериш кераклигини, бу ишни қандай

амалга ошириш лозимлиги ҳақида Михайловдан маслаҳат сўради. Михайлов унга:

— Болаларингиз рус оиласида туриб ўқишса, икки-уч йилнинг ичидаёқ рус тилини яхши ўрганиб кетишади. Одам блан одамни, халқ блан халқни бир-бирига тенглаштирадиган фазилат — билим. Билимда тенг бўлгандан кейин, икки-уч йилнинг ичидаёқ болаларингиз саҳродаги қиёфасидан узоқлашиб, ўзгариб кетганини кўрасиз. Фақат чиновник бўламан деб, улуғ бўламан деб ўқимасин. «Халқим юборган биринчи қалдирғочман», «ўзим учун ўқийман, элим учун, халқим учун етишаман» деб ўқисин! — деди.

Абайнинг кўз ўнгида Абиш, Мағашлардек жон-дили блан ўқишга берилган болалари гавдаланди. Улар мана шу Михайлов сингари янги ва юксак ғояли одамлар бўлиб етишганини кўраётгандай бўлди. Уларни ҳам, Тўбуқти нусхасида қозоқча тикилган кийимда эмас, шаҳарлилар кийимида тасаввур қилди. Кўзларига кўз ойнак таққан, ёзув столи устидаги қалин-қалин жилдлар устига энгашиб ўқиб ўтирган илмли кишиларни, халқ ғамхўрларини, истиқболи баланд, кескин табиатли олим, янги бўғиннинг бошчиларини кўраётгандай бўлди. «Уша ҳаётни кўрсам кошки эди! Мен қаридим, мен тамом бўлдим. Йўлни сенларга бердим. Лекин бу дунёда ҳечқандай армоним йўқ!» десам, армони бўлмаган ота бўлар эдим-да» деб, анчагача хаёл суриб кетди.

Михайловнинг Абайни ширин хаёлларга етаклаган, кўнглига зўр умид бағишлаган суҳбати, улар блан ҳар кунни учрашиб турадиган дўсти Андреевичнинг тўсатдан кириб келиши блан беихтиёр бўлиниб қолди.

Бугун у Михайловни анчагина янгиликлардан хабардор қилмоқчи экан. Яна Тўбуқти ҳақида уезд маҳкамасидан эшитиб чиққан хабарларни Абайга ҳам айтмоқчи бўлиб келган экан. Бу кунларда уезд маҳкамасидан тортиб, то мировой судья маҳкамаси, ҳатто жондорол маҳкамасигача, Тўбуқти элларидан тушаётган сон-саноқсиз аризалар, чақиқ актлар босиб кетипти. Юзлаб кишиларнинг муҳрини бостириб, ёки бормоқларини бостириб, бир хилларни: «Ўтлоқларга ўт қўйди» деб, бир хилларни: «Овулга босқинчилик қилди» деб, яна ба'зиларини: «Одам ўлдирди», «ҳомиладор хотиннинг боласини туширди» деб, бир-бирининг устига бўҳтон ортишаётган экан. Андреевич шу хабарларни айтар экан, Абайга қараб:

— Ибрагим, сиз ҳозирги Тўбуқти бўлисларининг йшидан хабардор бўлмасангиз керак. Тушаётган аризалар, мен биладиган қирғиз бўлисларидан бўлса, сиз томонда яна янгидан авж олган тортишув борлигини билдиради. Айтмоқчи, бу йил сайлов бўлади-ку, сайлов олдидан яна управительликни талашиш бошланган кўринади? Ҳарқалай эл ичи қаттиқ бузилиб, бош-бошига қовишмаётганга ўхшайди!— деди.

Михайлов сўнгги йилларда жондорол маҳкамасида хизмат қиларкан, қозоқ бўлисларидан тушадиган баъзи аризалар кўп қаттиқ бўҳтонлар, чақиқлар блан тўлдирилиб берилишини билар эди. Баъзан Абайга:

— Подшолик қонуни қирғиз саҳросини қаттиқ оздириб бораётган экан. Биринчидан — пора, иккинчидан — Россия қонунининг қозоқ шароитига, урф-одатларига тўғри келмаслиги бор. Учунчидан — халқ блан улуғлар ўртасида келишмовчилик, бир-бирига ишонмаслик, бир-бирига душманлик бор. Биридан бири жирканиб ётсирашлик боо. Шунинг оқибати бўлиб, қирғизлар қонун олдида осонлик блан ёлғон аризаларни ёзиб тушираверади. Бировнинг устига бўҳтон ортиб, арз қилишлардан уялмайдиган ҳам, тортинмайдиган ҳам бўлиб кетган. Мана бу нўноқ ҳокимлар, қобилятсиз мансабдорларнинг саҳрони расво қилиб улгургани шу-да! — дерди.

Доим халқни ўйлаб унга ачинар, мансабдорлардан кулиб, уларни эрмак қилиб ўтирарди. Андреевич келтирган ҳалиги хабарни эшитиши блан:

— Чақиқлар бўлис устидан тушаётирми ёки фуқаро устидан арз қилиб, бўлиснинг номидан ёзилган аризаларми? — деб сўради. — Чақиқнинг деярлик ҳаммаси бўлислар устидан! — деб, Андреевич, истеҳзо блан жилмайди-да, — ёдимдан чиқмаган бўлса, Лосовский блан бирга бориб: «Халққа қайишадиган дуруст одамлар» деб, Ибрагим, сиз сайлатган эдингиз-ку! — деб кулиб қўйди. — Приговор беручиларнинг яна бир тўпи бор. Улар — ҳақиқатан ҳам жабр чекканлар. Деярлик ҳаммаси жотоқ — қашшоқдир. Улардан бирнеча одам менга келиб: «Бизнинг ишимизни ўзинг ол, бўлислар қилаётган хиёнат, зўрликни улуғларга етказ, ҳақимизни олиб бер» деб, ишларини менга бермоқчи бўлиб юришипти! — деди.

Абай бўлислар томонидан тушган приговорлар ҳам борлигини билгач, улар кимларни қоралаётганини сўраган эди, одамларнинг номи Андреевичнинг хотирида қолмаган

экан, айтиб беролмади. Лекин ўз устидан арз қилган жотоқларни: «Ўғри деб ушлатиб авахтага қамаш керак» деб, да'во қилинган бирнеча приговорлар борлигини айтди. Бу суҳбатдан Михайлов ўзича хулоса чиқарди.

— Ундай бўлса, Ибрагим Қунанбоевич сайлаган: «Халққа яхши хизмат қилади» деган управительлар хизмат қилаётган экан-да. Лекин халқ учун эмас, ўзларининг яна управитель бўлиб қолишлари учун, сайловчилардан кўпроқ товуш олиш учун хизмат қилаётган экан. Уларга қарши гуруҳлар ҳам бор-да. Уларнинг ўртасида жотоқлар бетараф. Управитель: «Мен томонга ўтинглар» деса, улар: «Биздан парироқ юр» деяётган бўлса керак, шунинг учун улар устидан ҳали ўғри, муттаҳам деб, ҳали каллакесар, ёлғончи деб, приговор тушаётган бўлса керак. Мана, Ибрагим Қунанбоевич, сиз улардан: «Улуғлар олдида халқ манфаатини ёқлайдиган одамлар» деб умид қиласиз. Улар бўлса: «Улуғга бўйсунмайди, ўзбошимча, ёмон эл» деб, ўз халқининг устига тухмат ортиб, ёмонлайверади. Тўғри, бу управительларингиз аҳмоқ эмас, улар сизни алдаб, бир бўлис бўлиб олишган-да, энди сиз блан ҳисоби тамом бўлган. Эндиликда улар сиз блан тотув бўлиқшдан кўра, губернаторга, ўязга яхши кўриниш афзалроқ, фойдалироқ эканини билишади. Ғамхўрлари шу бўлса, албатта халқнинг боши қайғудан чиқмайди-да. Яна бу хилдаги бўлислар кўп яшайди. Миридан-сиригача биладиган сизни шунча алдаб ўтирганда, халқни алдамайдими! Улуғ бўлса, ўзини гўлликка солиб ўтираверади. Унинг жонидили шундай бўлислар, мана шундай ишларку. У билмай қиладими, ё ўзини билмасликка соладими, барибир бу ншдан у зарар кўрмайди! — деди.

Андреевич кулиб қўйиб:

— Улуғдан нима кетади дейсиз? Қийналган бўлиб, ғазабланган бўлиб ўтириб, порани еяверади-да. Тинч элдан тийин ҳам тушмайди. Тинчи кетган элдан ҳад'ясини ҳам олади, ўртадаги низо'ни кўтарган, бошини қовиштирган бўлиб, мартабасини ҳам ортдираверади! — деди.

Абай ўша сайлов бўлган йили: «Халқ ғамхўри бўлар», «орлик, номуслик бўлар» деб ўзи сайлатган бўлислар учун номус қилганидан ер ёрилмади, ерга кирмади. Шу бўлисларнинг биттаси Абайнинг туғишган иниси Исҳоқ эди. Халқ бошига ўз иниси орқали ўзи кулфат солаётгандек бўлиб кўринди.

Бундан кейинги суҳбатга Абай эркинлик блан арала-шаолмади. Уялганидан қаттиқ сиқилиб, хижолат ичида бир хўрсиниб қўйди-ю, хайрлашиб чиқиб кетди.

2

Шаҳардан қайтиб келаётган Абай блан Боймағамбет Эралидаги жотоқлар уйига кеча кечқурун келиб тушган эди. Абай блан Боймағамбет тушиб келган тўрт гилди-ракли, енгил арава кўп уйли, қашшоқ овулнинг ўртасида-ги кўҳна бир кулба ёнида турарди. Уша кулбадагилар энди нопушта қилиб бўлишган эди. Мезбон — мошгурунч соқолли Даркембой, тўши очиқ эски кўйлаги устидан юпингина чакмонини елкасига тапплаб, сарпойчан чор-дона қуриб ўтириб, Абай блан суҳбатлашаётир. У сигир шохидан ясалган нос қовоғидан кафтига нос солиб, онда-сонда бурун катакларига тортиб қўярди. Афтидан, Даркембой ўзи яхши кўрган одамининг меҳмон бўлиб кели-шидан жуда хурсанд ва унинг суҳбатидан мамнун кўри-нади. Пиёлаларни артиб-суртиб, йиғиштириб юрган очатқи юзли кекса аёл — Сарқитнинг ҳам, Абай меҳмон бўлиб келганига кўнгли кўтарилиб, боши кўкка етган эди. Эри блан Абай суҳбатлашиб ўтираркан, онда-сонда ҳазил қилиб кулишган пайтларида ажин босган қовоқларини кериб, жилмайганича уларнинг гапига қулоқ солар ва қўшилишиб куларди. Уйнинг тўридан бўсағасигача сочи-либ ётган конфет қоғозлари Даркембойнинг ўн ёшлик кичик ўғли Муқашнинг ҳам, шаҳардан ўз қариндоши келганидек, хурсанд бўлганини кўрсатарди. Даркембой кечаси Абайдан шаҳардаги гапларни эшитиб, хўп қонган эди.

— Бизлар бу ерда, мансабдор, оқсоқол-қорасоқолнинг гапини эшитишдан бошқа нима кўрдик. Қозоқнинг яхши дегани гап гапирса, бировга кўрсатган зўравонлигини, кучини гапиради. Бирхиллари қилган шаллақилиги, рас-волиги, ишлатган ҳийласини гапиради. Биз сингари камбағал қашшоқларнинг гапига қулоқ солсанг, кам-кўстликдан хасрат қилади. Сенинг кечадан буён ана у подшохи ўлдирган, халқ учун ўзини ўтга ташлаган азамат-лар ҳақида гапирган гапинг менга кўп ма'қул бўлди-да, Абай. «Пешонаси шўр, меҳнатининг унуми йўқ қора халқ-нинг ғамини ейдиганлар бор, ўшаларнинг дардига дард-каш бўлиб, жонини ўтга ёқиб, кўпчиликка келадиган эз-

гуликни ўйлайдиган азаматлар бор. Халқ кўзини очса, бахти-саодатга эришса, ўшалар ниятига етган кун эришади» деяётирсан. Улар мана шу, оёғи синиб ётган бўрибаччадек Эралида шумшайиб ўтириб қолган кўп жотоқларнинг ҳам дардига ҳозиқ бўладиган ҳомийлар-ку!—деб, носвойидан бир отиб қўйиб, хаёл суриб кетди. Кечадан бери Абайдан эшитган гапларидан бир хулоса чиқариб:

— Э-э-э, кучлилар нимадан гапиреди! Кучсизга қилган зўрлигидан гапиреди. Кучсизлар нимадан гапиреди? Кучлилардан кўрган зулмидан гапиреди!—деб, ўз фикрини ифодалаганда, Абай Даркембойнинг шунчалик хушёрлигига ҳайрон қолди.

— Баракалла! Кечадан буён қилган суҳбатимиздан бир ажиб хулоса чиқардинг-ку, мана бу гапнинг мақол бўлишга арзийдиган гап бўлди. Ақл—моли-дунёга кўмилиб ётган бойларда эмас, азоб тортиб жабр чеккан, ғариб-ғураболарда-ку, асли!—деди.

Даркембой Абайнинг мақташига фахр қилмай, аста кулиб қўйди-да:

— Мени ақллига чиқариб, халқ оғаси қиласанми. Камбағалдан сўзамол чиқса: «Сувдан чиққан судираҳмат» дейишади. Вақиллайди қўяди-да дейишади. Ақлсиз бўлса: «Камбағалнинг ақли калта» дейишади. Сўзга уста бўлса: «Бунга гапни ким қўйипти?» деб, яна кулги қилишади. Йўқ, гапнинг ҳақиқатга эриштирганини кўрган эмасман, Абай! — деб Даркембой Абайга айтаман, деб юрган дардига кучди.

Абайнинг келганига кечадан буён шодланиб ўтирган Даркембойнинг унга айтмоқчи бўлган бирқанча арз-доди бор эди. Унинг ба'зибири ўзиники бўлса, бир хиллари камбағал, қашшоқ қўни-қўшниларнинг дарди эди.

Даркембой: «Йўлда жуда уриниб келган» деб, Абайни аяб, кечаси ўз шикоятларини, ҳасратини айтмаган, кетар олдида айтишга қарор қилган эди. Энди бу уйга бирин-бирин, ба'зибир қўни-қўшнилар келабошлашди. Улар — Абай танийдиган Давдибой, Ереной, яна шулар сингари, Қотибақ уруғидан, жотоқ бўлиб қолган Қорекелар эди. Қирқ-эллик хонадондан иборат бўлган шу ердаги жотоқлардан тўрт-беш кексанинг Абай ёнига келиб ўтиришининг тагида гап бор эди. Абай бу кексалардан экинчи қандай экканларини, ҳозир озиқ-овқатлари, тирикчиликлари қайси аҳволдалигини бирма-бир суриштириб чиқди.

— Мияли-Бойғабил жотоқлари, сизларнинг ерингиз яхши эди, кимнинг экини яхши ҳосил берди? — деб, авало Дандибойдан сўради.

— Кимнинг экини яхши ҳосил берди? — деди. Дандибой Абайнинг сўзини такрорлаб, кулди-да:

— Оҳ, чирогим, Абай! Бизларни ҳосил олади дейсанми? Бу онангни... ит миниб, ип блан қамчилаб, нахсдан чиқолмай юрган пайтда, худонинг бераман деб турган нарсасини ҳам уддасидан чиқиб ололмайдиган ландавурлик бор эмасми, бизда? Мана шу Мияли-Бойғабилда ўтирган йигирма уйлик йиғилиб, йигирма ерга экин эколмагандан кейин нимасини айтаман.

— Экканингиз чиқадиганми ўзи? Бу йил қалай, ҳосил дуруст бўладиганми? Ознинг ҳам баракаси бор-ку! — деб, Абай сўраганида, Дандибой, Даркембой, Ереной учови баравар:

— Барака деяётирсанми...

— Уша барака ҳам, буюрса барака-да!

— Баракани излаб, ҳалака бўлмасак яхши эди?! — деб, бирдан кўнгилдаги хавфларини билдиришди.

— У нима деганингиз? — деб, Абай Даркембойга қараган эди, мезбон боядан бери айтмоқчи бўлиб ўтирган дардининг биттасини бошлади.

— Утган йил: «Баракани кўкдан тилама, қилган меҳнатингдан тила» деган бир гапинг эсимда эди. Меҳнатдан тиладик-да, меҳнат қилдик. Меҳнатимизга яраша, ўтган йил Шўлпонда, Қиндикда, Мияли-Бойғабилда ҳаммамизнинг экинимиз ҳам яхши чиққан эди. Оқибат нима бўлди? Утган йил Эралида бўлган сайловадаги ўзинг кўрган жанжалнинг оқибати келиб-келиб, яна бизнинг бошимизга бало бўлдику?

— «Йиртиқ-ямоқ кулбам деб Уяз блан жанжаллашиб, бор фалокатни сеплар қилдинг» — деб, Такежон блан Мойбосарлар ҳам ўчини бизнинг бултурги экинимиздан олди-ку! Барака ўшами энди? Чайқалиб турган экинимиз энди пишиб, ўроқ соламиз деб турганимизда бир кечанинг ўзида беш овулнинг йилқиси тушиб, пайҳонлаб кетди-ку! — деди Эреной. У, Даркембойнинг гапини оғиздан олиб, ўтган йилдан буён Абайга ҳам ма'лум бўлган ғоят аламли бир дард очилиб кетди.

Абай бу гапларнинг тагида қандай гап борлигини биларди. Утган йил бўлисликдан тушиб қолган Такежон, яна шу жотоқлар экин эккан кўнис ва яйлов-ўтлоқларга

кузда кўчиб келадиган Ирғизбой, Қотибақлар жўрттага буларнинг экинни молларга сдиртириб юборган эди. Уша вақтда Абай бу ишда айбдор овуллар блан қаттиқ юлишиб тортишган, кўп жанжаллар қилганди. Аслбек бўлисининг ёрдами блан бир тўда бой овуллардан мана шу Эреной, Дандибой ва Қорекеларга мол кестириб берган эди. Лекин маша бу оқсоқоллар йиғилиб келиб, Абайга яна ўша дарддан шикоят қилишаётир. Чунки мол кесилгани блан зўравон овуллар буларнинг ҳақини со кетган эди. Уша овулларнинг то шу кунгача буларнинг ҳақини бермай келаётганини Абай энди билди. Даркембой шу ҳасратларни айтаркан, яқинда Арқатда, Сибон, Тўбуқти, Уоқ элларининг ўртасида ўтказиладиган сиёз-йиғинга ҳозирлик кўрилаётганини ҳам айтди. Абайга маслаҳат солиб, «Куч тўплаб, улов топиб, ҳалол ҳақимизни талаб қилиб, ўша кўп элнинг ўртасига одам юборсак, бориб арз қилса, бир иш чиқадами?» деб сўради.

Абай бу гапга жавоб бермай туриб, бошларига яна қандай озор ва кўргуликлар тушганини сўрайбошлади.

— Бу йил кўкламда экинларингизга яна зарар етказишдими? Еки экин экиб, жафо чекиб, меҳнат қилаётганингизда улов бериб, миниб туришга от бериб, кўмаклашган қардошлар ҳам бўлдим?— деди.

Кексалар Абайнинг бу гапига кулишди. Қореке қизишиб кетди-да, дағал товуш блан кесатиб гапирди.

— Оббо, Абай тушкुरей, нима деяётир бу ўзи-я? Улар берганга беради-да. Бизга ўхшаш қаширға тирноғи йўқ қашшоқлардан нима унади деб беради!— деди.

— Ёрдамдан гапирасан-а, худди шу Қорекенинги экинни энди кўкариб келаётганда, ўша қардош бўлмишларнинг яна бир кечада йилқисини қўйиб юборди-ку!

— У ҳам майли-я, от бериш уёқда турсин, ўзимизнинг битта-яримта оқсоқ-тўқсоғимизгача қоқиб кетганини айтмайсанларми!!! — деб, Эреной блан Даркембой яқингинада кўрсатилган яна бир зўравонлиқнинг юзини очабошлади.

Абай кўп вақтлардан бери шаҳарда қолиб кетганидан, мана бу сўнгги гаплардан хабарсиз эди. Шунини сўрайбошлаганда, Даркембой яна бир оғир хиёнатни фош қилди. Бу гапларнинг тагида Абайни ғоят ҳижолатда қолдирадиган бир сир ҳам бор эди.

...Жотоқлар ўтган йил ололмаган ҳақини бу йил яна талаб қилганида, кўкламда бу ерларга кўчиб келган Та-

кежон, Мойбосар, Кунту, Бойсол овуллари ва Қоратой овуллари сингари зўравон авулларнинг аччиғи келиб, яна зарбиши ўтказиб кетипти. Шунинг орқибати бўлса керак, экин эндигина қилтаноқ бўлиб келаётган пайтда ҳалиги овулларнинг ҳарқайсиси ўз рўпарасида ўтирган жотоқлардан кўпчилигининг экинига йилқисини ҳайдаб, пайхонлатиб, кўп зиён етказиб кетипти. Меҳнатига ачинган жотоқлар ҳаллослаб уёқ-буёққа югуришиб, унга-бунга арз қилиб кўришган экан, ҳечқандай иш чиқараолишмапти.

«Увол-ку, ҳалол меҳнати, пешона териси-ку, буларни қақшатиш яхши эмас» деганлар бўлса ҳам, зўравон овулларнинг юзидан ўтиб, ботиниб ҳечнарсга айтолмапти. Жони ачиб айтган гаплари оғзидан чиқипти-ю, ўз уйларида қолаверипти. Қашамадан қайтиб келаётган Такежоннинг йилқилари ҳар куни экинга тушаверганидан кейин, жуда ҳам жони куйиб кетиб, Даркембой, Дандибойлар бошлиқ Бўкенши, Жигитск жотоқлари бир бўлиб, бир-иккита отни ушлаб, кечаси йилқи қайтарадиган йигит блан ёқалашиб ҳам қолишган экан. Эртасига нома'лум ердан тўпланиб, елкасига сўйил ташлаб, жотоқларни чопиб ташлагудек бўлиб юзтача йигит бостириб келишипти. От ўйнатиб Даркембойнинг ўзини урадиган бўлиб, булар, ушлаб олган йилқиларни ҳайдаб кетишипти. «Экинимизни едириб юбордиларинг-ку» деб, шикоят қилиб боришган экан, Такежон блан Мойбосарлар: «Элнинг файзини кетказиб, йўқ ердаги шумликни бошлаб, ер тирмалаб қўняс ва яйлоқларимнинг қутини учирган шум пиятлар, элнинг садағаси кетсаларинг арзийди ҳамманг» деб, буларни ота-бобосидан тортиб ҳақорат қилиб, қувлаб юборишипти. «Сен қирчонғиларнинг касофатинг уриб, ўтган йил бошимдаги мартабамдан ажралдим. Бир отадан тарқаган бўлсаларинг ҳам қардошим эмассан. Сенларни Тўбуқти сонидан садақа қилиб чиқардим. Жотоқ бўладиган бўлсанг, экин экадиган бўлсанг, бор ана у Белоғошга, мужикларнинг ичига бориб эк. Уша ерга бориб рус бўл! Нега ўлиб кетмайсан, ҳамманг. Сенларнинг бординдан йўғинг» деб, оғзидан чиқмаган ҳақорат, ўтказмаган хўрлиги қолмапти.

— Ҳали бугина эмас экан. Битта-яримта оқсоқ-тўқсоғимизнинг сўқадан бўшагани ҳам шу эди. Мана қарийб бир ой бўлди, шу ердаги қашшоқлардан етти уйнинг етти бирдек отини бир кечада ўғри олди кетди. Эккан

экинчимиз чиқадими ёки яна босилиб-янчилиб, кўкармай тинкамизни қуритадими, ҳали унга кўзимиз етмайди. Утган йил пишиб турган экинчимизни пайхонлаб, ҳақини тўламай кетган зўравонлар, бу йил: «Кўк қилтаноғим» деган гиш-гишага қулоқ соладими, йўқми?! Ё раббий, атрофни аланга сингари душманлик қуршаб турган пайтда, ўртада қилтираб турган бир тўп чийдек ҳолимиз бор. Ниятингга етмагурлар ҳеч бўлмаганда мана шу ерда ўтирган эллик уйликнинг ким эканлигини ўйласа-чи. Бирин бўлмаса, бирининг бўсағасида чириганлар эдик-ку. Отабобосидан тортиб, ўтидан кириб кулидан чиққанлар эдик-ку. «Шўрликлар, ҳолатдан кетиб қолган экансан, сенларга ҳам жир битиб, биқининг чиқиб юрадиган кун бўлсин!» деб, раҳм қилмаганини қаранг! Эндиликда қилиб ўтирган қасдлиги худди бўридан баттар!— деб, Даркембой яна шикоятни давом этдирди.

— Шу ердаги камбағаллар илтимос қилгандан кейин, мана шу ўтирган тўрт киши йўқолган етти отни изладик. Ўғри ҳам четдан келмаган экан. Молни Қизил Мўладан топдик. Ақимбет элининг ўғрилари олган экан. Уларга чиқариб берган муттаҳамалар ҳам топилди. Дарак берганларида қўлимиздаги борини «суюнчи»га бериб, энди молимизни қайтариб оламиз, деб юрганимизда, яна бир кутилмаган балога учрадик. Қизил Мўланинг бўлиси ўзинингнинг ининг Исҳоқ эмасмиди! Молимиз топилганида: «Бўлис ўзимнинг Исҳоқим, олиб бермай қўймайди, кўзинини очиб қўй!» деб, Ақимбет ўғриларнинг халқимида «хип» бўғиб турган эдик. Улар ҳам анча бўшашиб қолишган эди. Ўзини оқлаш учун: «Биз ўғирлаб олганимиз йўқ», ўз элининг одами Серикбойда ҳақимиз бор эди. Ўша: «Шуни ол» деб чиқариб берди. Серикбой билан сен жотоқларнинг ўртангда бир чатоғинг борга ўхшайди. Аввало ўша томондан орани очди қил. Бизга бу молни чиқариб берган Серикбойни олиб кел, деб қолса бўладими. Қайтиб келиб, бу ердаги қардошларга арз қилайлик десак, у муттаҳам Серикбой ўтган йилдан буён Қашамада Такежонга қарашли ерда қишлар экан. Борсак, Такежон Серикбойни бизларнинг кўзимизга кўрсатадиган эмас. Гард қўндирадиган эмас. «Жотоқлар кўп алжима-син. Серикбой ҳам ўзларига ўхшаш, қашшоқларнинг бири! Мен унга паноҳ бўламан. Жотоғим, камбағалим деб паноҳ бўламан» деб, камбағалпарвар бўлди чиқди. Билсак, у Серикбой деган ити Такежоннинг ўзи қўллаб-қўл-

тиқлайдиган ўғриси экан. Қисқаси, Серикбой қўлга тушмади. Сирғилиб чиқиб, қутилиб кетди. Ана энди сарсон-саргардон бўлиб, яна шу тўрт киши, Ақимбет элига борсак, энди у томонни ҳам худо уриб қолипти. Такежон Исҳоқ бўлисга, ўзингнинг инингга хат ёзиб, одам югуртипти. «Жотоқлар менинг душманам, буларнинг молини олиб беришга бош қўшма. Олдинга борса, ҳайдаб чиқар!» депти. Шундай қилиб, иккинчи марта борганимизда, балонинг ҳам, қазонинг ҳам каттасига кўзимиз етди. Исҳоқ бўлис ҳам Ақимбет ўғриларини суяб, бизга гап бермайдиган қилиб ўшаларга ён босди-қўйди. Етти от уёқда турсин, еттита терисини ҳам ололмай, зор қақшаб қайтдик. Уёғини сўрасанг, олдимизга бир пиёла иссиқ сув, бир тишлам нон ҳам қўймади. Мана энди агар сиёз-ийгин бўлса, ўша ерга бориб ўтган йилги, бу йилги экинларни талаб қилиб арз қилсак. Яна мана бу камбағалларнинг ўртасидаги улови бўлган, ўшанинг орқасида кун кўраётган еттита ориқ оқсоқни ўртага солсак, деган хаёлда эдик. Агар ариза берсак, рус улуглар воситачи бўлса. Ба'зан бўлис, бийлар улардан қўрққанидан ҳам тўғрилаб берарди. Шу йўл блан бўлса ҳам ҳақимизни олсак, деган эдик. Йўқотган молимизни фақат йиғлаб йўқлаш блан ўтмай, олишиб-тортишиб ҳам кўрсак, деган эдик. Қани энди бу ишга сен нима маслаҳат берасан! Сен блан сўзлашаётган фақат мана шу ёнингда ўтирган тўрттагина чол эмас. Биз эллик уйлик, кўзи ёшлик, кўнгли ғамлик жотоқларнинг номидан сўзлаётирмиз!— деб сўзини тамом қилди.

Бу суҳбат давомида Абай гоҳ қовоғини солиб ранги ўчиб кетиб, гоҳ ғазабига чидолмай лабини тишлади. Гапни ўрнига қўйиб жиддийлик блан гапираётган Даркембойдан кўзини олмай ўтираркан, бирнеча марта уҳ тортиб ҳам юборди. Акаси Такежон блан иниси Исҳоқнинг қилган ишидан ғоят ғазабланиб, қаттиқ хижолат тортди. Номус, уят, жирканиш — бир бўлиб, оғули тўлқинга айланиб, унинг та'сирчан қалбида куз тумани сингари чувалиб бормоқда эди. Бегуноҳ, сўзамол, бама'ни чолнинг гапларига қулоқ соларкан, кўнглида бир мисра' ше'р пайдо бўлди-ю, хаёлидан нари кетмай, такрорланаверди.

...Зийрак ақл уялтирмас виждонни...

Бу номусга тегадиган иш-ку. Қалби ҳисдан маҳрум, бефаҳм, дарди-фикри ўз нафси бўлганлар бор. Улар учун ор нима, шафқат нимаю, адолат нима!..

Даркембой гапипи тамомлагач, уйга оғир сукунат чўкди. Абай ҳалиги хаёлининг давомини сўз блан тамом қилди.

— Шунча ёвузликни қилганлар, мен блан бир ота, бир онадан туғилган—бири оға, бири ини бўлганлар экан. Ушалар учун сизларнинг ҳузурингизда мен ҳам айблиман. «Орсиз қўлим қилди, орли бетим уялди» деб, қўя-қолсам, бу гапим кимни юпатади. Сизлар учун мадад бўлаоладими?—деб Абай аввало кекса дўстларига бошқачароқ кўринган, лекин кейин ойдинлашган бир гапни айтди. Шаҳарда Михайлов блан кўп ҳамсуҳбат бўлиш натижасида туғилган фикрини айтди. Шунини сўзлаб ўтираркан, халқ тўғрисида, ҳозиргина бошига келган бир мулоҳаза тўғрисида ўйлаб кетди. Шу оннинг ўзида пайдо бўлган бу фикрини ҳам сўзлай бошлади.

— Бир вақтлар жотоқларга келиб қўшилганингни айтганингда, шу кунга қадар асти эсимдан чиқмайдиган бир ажойиб гап айтган эдинг, Даркембой. «Кўйи бирнинг—куни бир». «Қариндошим—бир отадан тарқалганлар эмас, ўзим блан ҳаёти бир, заҳмати бир жотоқлар» деган эдинг. Уша гапининг ма'носини мен халқ ғамхўри бўлган, юксак ғояли бир рус азамати блан суҳбатлашган чоғимда яна ҳам чуқурроқ англадим. Меҳнат аҳли бўлган фуқаронинг мунгдоши фақат қозоқ халқи ичидагина эмас, ўзингга ўхшаш умри хўрлик ва зўрлик остида чириётган миллион-миллион қора халқ—русларда ҳам бор экан. Улар ҳам рус авлодимиз деб, бир отанинг боласимиз деб, подшоси блан чиновнигига, тўраси блан улуғига суяниб ўтиргани йўқ. Аксинча, улар ҳам худди сенга ўхшаб «қонимни сўручи, қонхўрим—шулар» дер экан. Ўйлаб кўрсам, Кўкше, Мамайдан чиққан қашшоқ жотоқларнинггина дарди-ҳасрати бир эмас. Уларнинг Сибирь ва Россиядаги бутун рус жотоқлари блан ҳам дарди-ҳасрати, уропи бир экан!—деди.

Ўз фикрининг шундай юксалишга етганидан Абайнинг ўзи мамнун бўлиб, кулиб қўйди. Унинг бу гаплари ҳақиқат эканлигига унча кўнгли бовар қилмай турган Даркембойлар шубҳаланган ҳолда кулишди. Абай яна сўзида давом қилиб:

— Яна ўйлаб кўрсам, Тўбуқти-Керей, Қоракесек-Найман ичидаги бўлислар блан Семей-Омби¹, Оренбург,

¹ Омск. — *Ред.*

Петербургдаги бор тўраларнинг ҳаммасининг урони бир экан. Буларни урсанг уларга, уларни қоқсанг буларга тегадиган сири борга ўхшайди, кекса дўстларим. Русларда фуқаронинг ҳолига қайишадиган кўп доно одам бор экан. Ўша: «Беҳисоб халқ ўзини шу кўйларга солиб, жабр қилаётган улугларнинг зулмидан халос бўлиш учун бошқаларга ялинмасин, ўзининг қайраб қўйилган қора болтасига ялинсин» депти. Сизларнинг дарди аламларингизга қулоқ солиб ўтирганимда, ба'зан: «Қурғурей, ўша қора болтани мана шу қозоқ саҳросидаги қанча-қанча қабиҳлик, оқмамараз дардининг илдизига қараб қарсиллатиб бир урармиди» деган хаёлга ҳам бораман. Хаяжонга тушиб кетаман!—деди.

Гарчи бу гаплар ҳозир сиртга чиқарилгани демаса, аслида Абайнинг бировга маслаҳат қилиб айтган гаплари эмас, энг нозик ички сири эди. Мана бу ўтирган кексаларга ҳозир Абайнинг фикрий ёрдамидан кўра, амалий кўмаги зарурроқ. Абай шу томонларни ўйлади-ю, гапни бошқа томонга бурди. Ўзига тикилиб ўтирган кексаларнинг тўрттовига бир-бир назар солиб чиқди-да, тўсатдан улар кутмаган бир кескин қарорга келиб ўшани айтди.

— Сиёз Арқатда эмас, сиртда, Болқибекда бўлади. Ҳозир бошланган ҳам бўлса керак. Шаҳарда эшитган эдим. Дов-жанжал йиғинига бормайман, деб аҳд қилган эдим. Лекин сизлар учун, мана шу уйда бугун эшитганим ёвузлик, жабри-зулм блан бир олишиш учун энди атайлаб бораман. Уч кундан кейин отланиб сизлар ҳам Болқибекка қараб жўнанг. Ўтган йилги, бу йилги экинларингиз, йўқотган отларингизни,— ҳаммасини ўша Такежон, Исҳоқ, Мойбосарлардан да'во қиламиз. Сизлар учун да'вогар ўзим бўламан. Сизлар фақат қирқ уйликнинг номидан: «Да'вогарлар бўлиб мен келдим» деб, битта-иккитангиз ўша сиёз бошида бўлсангиз бас. Даркембой ўзинг бор. Ёнингга мана бу Дандибойни ҳам ол. Бу ҳам ўзингга ўхшаш, айтган гапининг устидан чиқадиган мард камбағалку. Гап шу. Бошқасини сиёз бошида... Фақат уч кундан кейин йўлга чиқинглар. Биз энди кетайлик! Боймағамбет, отни қўш!—деб, Абай тутоққанича ирғиб ўрнидан туриб кетди.

Боймағамбет, Абайнинг тутоқиб, бетоқат бўлиб туришига ўзининг эпчиллиги блан жавоб қилгандек, отилиб уйдан чиқиб кетди. Абай шошиб-пишиб кийинабошлади. Желеткасини, ёзлик енгил узун камзулини кийди. Соа-

тига қараб, кейин чолларга кўз ташласа, улар ниманидир айтиш андишасига бориб, айтолмай тургандек кўринди. Дандибой Эренойга сал энгашиб, бир нарсани шивирлади. Ниманингдир маслаҳати бўлаётганга ўхшайди. Абай турган жойида Дандибой томон энгашиб:

— Дандеске нима гап? Сен бир гапни айтолмай турибсан шекилли. Қани ўзимга айтчи, ниманинг андишасига бораётирсиз, қандай тўсқинлик туғилиб қолди?—деб, Даркембойга ҳам қаради. Даркембой Абай томон ўгирилиб, аввалгича жиддийлик блан:

— Берган маслаҳатинг ҳам, қилган аҳдинг ҳам жуда яхши. Кўпчилик ўртасига солмагунча, ҳақимиз тегмаслигини кўриб турибмиз. Энди бу одамларнинг йўлини тўсаётган яна ўша йўқчилик бўлаётир. Болқибекка, ҳеч бўлмаганда икки киши бориши керак. Дандибой икковинг бор дединг, дуруст. Лекин буларинг «Қандоқ қилиб етамиз?» деган андишага бориб, ўйланиб ўтиришипти. Етти бирдек оти кетган жотоқ овулида тайёр турган от блан тўн бор дейсанми?—деди. Эреной бунинг гапини қувватлаб:

— Мишиб боргудек ҳечбало йўқ-ку, Абайжон?—деган эди, Дандибой ҳам товушида кесатиқ оҳанг блан:

— Бу йўқчилик асти орқамдан қолармикин?—деб, йўқчиликни бир ҳақорат қилиб қойиб ташлади.— Қўлим етар ерга юбормайди. Қип-яланғочликдан, мечал боладек, шу Эралининг бўйидан нари силжишга имкон йўқ. Тукканнинг тагидаги Болқибекка уловсиз қандай қилиб етай?!—деди.

Абай ҳамон шахтидан қайтмаган ҳолда жавоб қилди.

— Биттангнинг отинг борга ўхшайди. Яна биттанг ана у, мен араванинг четига қўшиб келаётган жийрон отни мин. Дандибой, сен шу отни ёз бўйи ишлат. Йилқи ўтарга чиқадиган пайтда қўшиб юборарсан. Даркембой, сен ҳали от блан бирга тўнни ҳам гапирган эдинг-а!—деди.

Абай кеча кечқурун шу уйга келтириб қўйилган узунчоқ оқ сандиқни очиб, икки бўлак газлама олди.

— Мана бу авра-астари блан бир чакмон. Даркембой, буни сен ўзинг тиктириб кий!—деганда, кексаларнинг ҳаммаси хурсанд бўлиб:

— Баракалла!

— Кўп яша!

— Мамнун қилдинг-ку, бутам!

— Умри-жонингга барака берсин! — дейишаётганда, Даркембой Абайнинг қўлидан газламани оларкан:

— Абайжон, бу қандай бўлди? Зўрликни Такежон қилиб, жаримасини сен тўлаётирсанми?—деди хандон ташлаб кулиб, бошқа чоллар блан Абайни ҳам кулдирди.

— Мана, бийларнинг эшигига бормасданоқ бир от, бир тун жаримани ҳам олди-ку бу жотоқлар. Ҳақини юборади дейсанми, энди!—деб, яна кулди. Кекса дўстининг кўнглини кўтаргани учун Абайнинг ўзи ҳам хурсанд бўлди.

— Дамингни чиқарма, Даркембой. Бунинг жарима эканлиги тўғри, лекин отангга отам қилган ишларнинг жаримаси бўлсин дейлик. Такежон, Исҳоқлар блан ҳали сўзлашамиз. Уларга қўшилиб айбдор эмас, айбловчи бўларман. Ва'да шу бўлсин. Лекин олишганда чап бериб тушмай, тикка ташлан. Тўқмамбетда бўлган жанг олди-дан Бойдали: «Суюндик, ақлни Сугирдан сўрама, мана бу камбағал Даркембойдан сўра» деган экан-ку. Шунинг учун Дандибой икковинг бор, деяётирман-да. Агар чанг солган ерингдан қон чиқармасанг кузда иккалангни мана шу бир гала жотоқларнинг олдида: «Қўрқоқлик қилди» деб уялтираман!— деди. Уйдагиларни бироз кулдириб, кейин Эриной блан Қорекега:

— Бу ерда қоладиган кексалардан сиз икковингиз шу гапга гувоҳ бўласиз. Буларнинг ва'дага вафосини синашни кузга қўяман! — деди.

Шу онда: «От тайёр» деб, Боймағамбет кириб келди. Уйдагиларнинг ҳаммаси эшикка чиқиш учун қўзғолишди. Абайнинг ҳалиги гапига жавоб қилиб, хандон ташлаб кулиб келаётган Эреной:

— Ва'да шу. У ҳолда бу икковига бериладиган жазонинг ҳукмини ҳам ўзингга чиқартирамиз!— деди. Қореке, Дандибой блан Даркембойларга зўр ишонч билдирди.

— Агар худо тил-оғзига тушов солиб боғлаб қўймаса, ёнида сен бўлганингдан кейин, бу икки шеринг, бўлис уёқда турсин, жондоролдан ҳам тап тортмас. Ўзинг ҳам шу икковини топиб ушладинг, бўтам, ялонғоч сувдан тоймас дейдилар-ку. Энди шулар яланғоч ботирлигини кўрсатолмаса, унда жотоқнинг биратўла шўри қуриydi десангчи!—деб, бу тўғридаги гапларни шу блан тугатди.

Даркембойнинг уйи олдидаги уч от ўрнига иккита от қўшилган арава енгил қўзғолиб, шилдираганича юриб кетди. Жотоқларнинг кулбалардан чиқиб, араванинг ат-

рофида ўралишиб юрган ёш болалар икки томонга ажралиб, йўл беришди. Салқинда ётган ориқ итлар, катта-кичик кўппаклар бирдан уввос солиб ҳурганича араванинг орқасидан анча жойгача боришди. Эренойларнинг олдида Абайларни кузатиш учун тўпланган кекса аёллар, ёшу қари эркаклар ва бирқанча болалар бор эди. Уларнинг ўртасида турган Эреной, Абайнинг орқасидан қараб, ўйланиб туриб:

— Худонинг қудрати, шу болага ёшлигидаёқ бутун қардошлар зўр умид блан қарарди. Уша умид, ҳали ҳам умид. Зойе' кетмаганга ўхшайди. Ўзи блан бирга бўлиб, суҳбатлашиб кўрганим шу. Барака топкур, ҳақиқатан ҳам одамда ўзига нисбатан яхши тилак ва ҳурмат уйғотадиган йигит экан!—деди ўзининг гапига ма'юслик блан қулоқ солиб турган камбағалларга қараб.

— Йўқолган етти отингни олиб бераман деди. Ўлжаси, ортинги блан худди ўша зўравонларнинг ўзидан олиб бераман, деб кетди. Ўтган йилги, бу йилги экинларингизни тўлатдириб бераман деяётир. Шу гапларидан айтаётирман-да!—деди.

Бир тўда бўлиб, тўпланиб турганлар оғзидан ишонар-ишонмас айтилаётган гаплар чиқаётир.

— Етти от!

— Қайтариб олиб бермоқчи!

— Ҳақимизни олиб бермоқчи!

— Экиннинг чиқимини тўлаттирмоқчи!

— Бултурги экин, бу йилги экин!

— Бу йилги экинни ҳам!

— Шуларнинг ҳисобига ҳақ олиб бермоқчи!

— Айтгани келсин!

— Ва'дасининг устидан чиқсин, оқ йўл берсин!— дейишаётир, теварак-атрофдан.

Ҳамма жотоқларнинг кўзи, чанг ичида чала-ярим кўриниб кетаётган аравада. Чала умидлари ўша аравага эргашиб кетаётгандек, камбағал овулнинг одамлари узок вақт араванинг орқасидан қараб қолишди.

3

Абай бу гал шаҳарда кўп туриб қолди. Михайлов ва Андреевичлар блан эрта кўкламдан бошланган учрашуви ва суҳбатлари Абайнинг ҳаётидаги бошқа суҳбатларидан фарқ қиларди. Дун'ёнинг кўп сиричи очган, моҳияти, э'ти-

бори блан бебаҳо ва ажойиб дарсларга ўхшарди. Шунинг учун уларни ташлаб кетаолмади. Ҳозир ёзнинг ярми бўлиб қолганликдан, халқ яйловнинг энг четки қўнсларида экан. Абай блан Боймағамбет, Эралидан чиққандан кейин орада бир қўниб, отларини қаттиқ ҳайдашганича эртасига кечқурун кун ботиб бораётган пайтдагина Қунанбой овулига яқинлаб келишди. Йўловчилар қиялаб ўтиб кетаётган катта овул — Бўтақон ўшоғида ўтирган Такежон овули экан. Йилқиси кўп, қўйининг ҳисоби йўқ, ўнлаб қўшнилари хизматида бўлган бадавлат овул бўлиб кетипти.

Абай Боймағамбетга:

— Бу сувлга тушмай қўяқолайлик,—деди.

Ўлжоннинг овули блан Абайнинг овули Бойқўшқорда, бу ердан беш-олти чақирим нарида эди. Абай кўпдан бери кўрмай, соғиниб келаётган овулига эл ётиб, болалар ухлаб қолмасдан етиб келишга ошиқиб борарди. Йўл Такежон овулининг четидаги қурум босган қора кулбалар ёнидан ўтаётганда, Абайнинг эсига дастлаб Қоражон тушди. У Боймағамбетга қараб:

— Уни кўр, Боймағамбет. Мана шу кулба каттагина бўлса ҳам, ё чўпон, ё мол соғучи, ёки қоровуллар, соқчилардан бирининг уйи-ку. Шунчалик увадасини оқизиб қўйипти. Бир парча наमत берса, худо ургур Қоражоннинг нимаси кетар экан-а! Сен нима дейсан?!—деди.

Абай блан ёнма-ён ўтирган Боймағамбет тукли қовоқларининг тагида ёниб турган катта-катта мовий кўзларини ялт эттириб бир қараб, кулиб қўйди.

— Қоражондан хайр-саховат чиқиши қийин-ку, Абай оға! Бу қўшнилари хизмати учун олиб юрмаса, ғариб-бечораларга раҳм қилганидан атрофига йиғиб ўтирипти дейсизми. Хизматини қилдирса ҳам қарагуси келмаганида бу!—деди. Йўловчилар овулнинг четидан ўтиб боришаркан, тепаликдан ошиб, чопганча пастга, Бўтақондаги катта булоқ бошига уймалашиб келаётган йилқини кўришди. Абай бу отларнинг миқдорига кўз ташлаб:

— Шунинг ҳаммаси Такежоннинг йилқисими? Қанча вақт ичида шунчалик кўпайиб кетган-а, Боймағамбет уни кўр!—деди.

Шу пайтда овул томондан биров отини тасирлатиб чоптирганича буларнинг орқасидан келаётганини пайқашди. Абай блан боймағамбет баравар қайрилиб қарашди. Кумуш нақшли эгар-жабдуқ урилган аргумоқдек катта

қашқа ғунонға миниб, чоптирганича келаётган йигитча Азмибой экан.

— Ассалому алайкум, Абай оға! — деди, аравага ёндашиши блан.

Абай боланинг саломига алиқ олиб, овули, ота-онасининг эсон-омонлигини сўради. Бу бола Такежон блан Қоражоннинг балоғатга етиб қолган ёлғиз ўғли эди. Юзи япалоқ, кўзлари қисик, қалин қовоғидан қор ёғилиб қизариб турадиган, қопқора, совуққина бола эди. Саломлашиб бўлиши блан отини араванинг ёнидан юргизиб, онасининг Абайга айтиб юборган гапларини етказабошлады.

— Абай оға, мени сизга опам юборди. «Совға-саломини кўзи қиймай, четлаб ўтиб кетаётгани нимаси! Барибир, эрталаб одам юбориб, шаҳардан олиб келган конфетларни, чой ва қандларни олдириб келаман! Келинлар ўзлари талашиб, тортишиб еб қўйишмасин деб айт!» деди. Мени атайин бориб, салом бериб, шу гапларни айт деб юборди! — деди.

Бола шу гаплар блан онаси айтгандек қилиб Абайларни кесатди-да, истеҳзо аралаш кулиб, отининг бошини тортди. Афтидан, қайтиб кетмоқчи бўлса керак. Абай унга: «Тўхта, буёққа юр!» деб, араванинг ўзи ўтирган томонига ишора қилди. Ёнма-ён келаётган Азимбойга оғаларча меҳрибонлик блан очилиб сўз қотди.

— Бўтам, агар бутун гап совға-саломда бўлса, шу аравадаги ширинликнинг ҳаммаси сеники бўлсин. Ҳозир биз блан бирга овулга бориб қўниб, эрталаб ҳаммасини олиб кел. Отанг блан онангга учрашмай кетаётганим — кун кеч кириб кетди. Олдимизда бизларнинг ҳаммамиздан катта она блан ота бор. Эл ётиб қолмасдан бориб, ҳаммадан олдин ўшаларга салом бериш учун шошилиб кетаётирман. Бу бир масала! — деб, Боймағамбетга отини секинроқ ҳайдатиб, араванинг шалдир-шулдири бироз сусайган пайтда болага яна бир гап айтди.

— Ўзинг етилиб, йигит бўлиб қолибсан. Онанг нима деса ўшанинг ҳаммаси ақл бўлавермайди. Йироқдан келаётган оғага салом бериб ҳол-аҳвол сўрашар-сўрашмас: «Оламан, бериб кет» дейиш дуруст гапми. Ўйлаб кўрчи! У онанг бўлса, мен оғангман. Бу томонларни ҳам ўйлаш керак. Уқдингми! — деб, боланинг юзига тикилиб қаради. Бу гаплар Азимбойга ёқмади. Қизил юзи кў-

кимтир товланиб, гезариб кетди. Қошларини чимириб, қовоғидан қор ёғилдию, Абайга жавоб қилмади.

Абай яна ўзи савол берди:

— Мана бу йилқининг ҳаммаси ўз овулингизникими? — деди.

— Ҳа, ўзимизники, кимники бўларди!

— Сони қанча ўзининг?

Бола дамини чиқармади. Ичида йилқининг сонини яхши билиб турган бўлса ҳам, ирим қилиб айтмади. Кундан кун ортиб бораётган йилқининг сонини ўғли уйга келиб айтганда, отаси Такежон унга: «Оғзингдан чиқарма, бировга молнинг сонини айтма!» деб, тайинларди. Бола жавоб бермагандан кейин Абайнинг гапи ерда қолишига кўнгли бўлмаган Боймағамбет:

— Майдаси-ю, йириги бўлиб, бу йил туёғи беш юзга етди деб эшитган эдим. Мана бу йилқи кўринишда ҳам шундан кўп бўлса кўпки, кам эмас! — деб юборди.

Бола шунда ҳам сир бермади.

Абайнинг бироз кайфи қочиб, ранги ўчинқираб, гўё ўсиб-улғайиб келаётган бир қабиҳликни кўргандек хўрсиниб қўйди. Товуши ўзгариб, ўз-ўзига айтаётгандек:

— Бундан ўн беш йил муқаддам, икковимизни бўлак қилиб чиқарганларида саксонтадан йилқи теккан эди. Такежон бўлис бўлиб халқни тўйгунча сўрди-ку. Утган сайловда тушиб қолмаганда, ишлар бундан ҳам бошқача бўлар эдими, нима бўларди! — деди.

Қовоғи солиқ, тўнг бола бу гаплардан оғасини ёмон кўриб, астойдил аччиғланди. Қичикликдан макр-ҳийла ишлатишга ўрганиб қолган кўнглида энди мағрурлик ва ўч олиш ҳисси уйғонди.

— Бўлисликдан тушмаганда дейсиз, ўзингиз ҳали эшитмаган экансиз-да. Янги сайловдан хабарингиз йўқми. Оғам яна бўлис бўлди. Айтгандек, суюнчи беринг, мана шу бир ҳафтадан бери бизнинг овулларнинг ҳаммаси тўй-тамоша қилиб пойга бериб, хурсандлик қилишаётир... — деди.

Абай тўсатдан бутун гавдаси блан айланиб, болага қаради. Бу атрофдаги энг катта янгиликни — бўлис сайловини сўради. Шаҳарда юрганида Казанцев деган бир крестьян начальнигининг шу атрофда ўзига қарашли участканинг уч-тўрт бўлисини сайлаш учун чиқиб кетганини эшитган эди. Лекин, бўлисликка кимлар сайланганини ҳали билмас эди.

— Оғангни ким сайлади? Қайси бўлисга сайланди?

— Начальник Казанцев сайлади. Менинг оғам Қизил Адирга бўлис бўлди.

— Қизил Адирга. Чинғизга ким сайланди?

— Чинғизга, ўзимизнинг элга Шубар оғам сайланди. Қизил Мўлага яна Исҳоқ оғамнинг ўзи бўлис бўлди. Шундай қилиб, Ҳожининг уч ўғли уч элга бўлис бўлди деб, то ўша Шоқпоқ, Жилонди, Кенг Қўнис, Дўнгелек Қўнис, Бойқўшқоргача тутиб ётган Ирғизбойларнинг ҳаммаси ўйин-кулги блан банд. Билмаган экансиэ. Ундай бўлса, суюнчига энди бутун бошлиқ бир от олар эканман-да сиздан, Абай оға! — деди.

Отаси блан оғаларининг бўлис бўлганини айтаётган-да, боланинг юзи қизариб, ял-ял ёниб кетди. Ичига сифдиролмайд юрган шодлигини юзидаги ёрқинлик блан ифода қилгандек бўлди.

Афтидан, бу бола ҳокимликнинг гаштини суриб, ма-засига анча тушуниб қолганга ўхшайди. Ҳалиги янги-ликларни айтаётган тили ва кўринишидан Абай: «Бу ўзи катта бўлиб қолипти-ку. Кўп дарслар қулогига қуйил-ганга ўхшайди. Ишга ҳам, сўзга ҳам эрта аралашиш-нинг пайига тушиб қолипти!» деб ўйлади. Лекин, Азим-бойнинг авзойини кўриб, ичидан: «Қопоғон итга ўхшаш қандай нарса чиқар экан сендан? Бўлсанг ҳам амалпа-растликда Такежондан ўтсанг керак! Амални тутганда ҳам келиштириб, ўрнига қўйиб, тутмасанг бўладими сен!» деб, хаёл суриб кетди.

Суюнчи сўраганида Абайнинг бир оғиз сўз қотмай, дамини чиқармай жим қолиши болага яна кор қилди. Илгари онасидан кўп эшитадиган бир гап ёдига тушди. Онаси ҳамиша: «Абай биздан молни ҳам, обрўйни ҳам қизғонади, асло раво кўрмайди» дерди. Уша гапнинг та'-сири остида Абайни ёқтирмайдиган Азимбой, ҳозир унинг нақадар қизғонишини ўз кўзи блан кўриб турган-дек бўлди. Ичидан: «Қизғонасан-да, шунинг учун ҳам даминг ичингга тушиб кетди. Ундай бўлса, яна сенинг жонингга ўт ёқадиган бир гапни ҳам айтай» деган хаёлга борди.

Абай боладан ҳалиги хабарни эшитиб, хаёл суриб кетиб, Азимбойни ҳам унутиб юборган эди. Ботиб бора-ётган қуёшнинг қизил шу'ласига ялт этиб қаради-да, Боймағамбетга:

— Ҳайда, юр тезроқ! — деди.

Терлаб кетган бўлса ҳам, кечки йўл босишдан қизишган икки от пишқирганича яна чопишиб кетди. Қўмқўк чим блан қопланган, тептекис Бўтақон водийсида араванинг шалдираган товуши ўчиб, жимгина борарди. Азимбой энди булардан айрилиб қолиши керак эди. Овул ҳам анча орқада қолиб кетди. Кеч кириб, йилқи ҳам сув ичиб бўлиб, тунги ўтлоққа қараб чувалашиб кетаётир. Молпараст бола Азимбой, қора қашқа ғуноннинг ғамини еб, тезроқ овулга қайтиши, остидаги отини йилқига қўшиб юборишга улгуриши керак эди. Қош қорайиб кетса, йилқини тополмай адашиб кетиши ҳам мумкин. Бунинг устига, ҳозир бегона эл—Керей эли блан яқин ўтирилгандан от ўғрилари ҳам кўпайиб, олди-қочди авж олган пайт. Кўнглидан: «Ғуноним қўллик бўлиб кетадими!» деган гап ҳам ўтган эди.

Шундай бўлса ҳам, бола Абайлардан қолмай келаётир. То бир оғиз гап блан бўлса-да Абайни узиб, ништарини тиқиб олмагунча аламдан чиқмайдиган кўринади. Тўнг, қўрс бола нима блан Абайни жиғибийрон қилишни яхши биларди. У ҳам — сўнгги кунларнинг бир янгилиги эди. Бутун яйловлардаги элнинг ҳаммаси, Қунанбой болаларининг қаторасига бўлис бўлиб сайланганига танг қолиш блан бирга, ҳалиги янги гапни ҳам оғзидан қўймаётган эди. Бу кўпчилик куйиб-пишиб, бўлисларни қарғаб, ғазаб блан гапираётган бир хунук хабар эди. Худди шу бугун туш пайтида қимиз ичиб ўтирганда, отаси Такежоннинг: «Абай буні эшитса, тарс ёрилиб кетар. Ҳамиша шунинг ёнини олиб, олишгани-олишган эди. Қўлидан келадиган бўлса, энди ўртага тушиб кўрсинчи. Ажратиб олиб кўрсинчи. Бу ишим Абайни ҳам енгганим бўлади. Чор-ночор бўйсунушга мажбур қилиб, ўзимга тобе' қилиб олганим бўлади» деб Ирғизбойнинг оқсоқол, қоросоқоли ўртасида кўпирганини Азимбой кўнглига тугиб олган эди. Ҳозир у Абайга ёндашиб, отини елдириб келаётиб, унга томон энгашди-да, аниқ қилиб гапирди.

— Дарвоқи', сизга айтаман деб туриб, эсимдан чиқиб қолипти. Оғамларни бўлис қилиб сайлаган Қазанцев: «Бозоралини ушлаб беринглар» деб буйруқ қилипти. Уша буйруқ блан уч-тўрт бўлис бош қўшиб приговор ёзишиб, Бозоралини ушлатиб, куни кеча шаҳарга ҳайдатиб юбориштипти. Йўлда қочиб кетмасин деб, яроғ-аслаҳа таққан, кўк совут кийган ясовуллар туяга миндириб, кечала-

ри оёқ-қўлига кишан уриб қўядиган бўлиб, олиб кетипти! — деди.

Шу хабарни айтиб бўлган бола, қош қорайиб, қоронғилик босган пайтда оппоқ тишларини кўрсатиб бир иржайди-да, отининг бошини тортиди.

Абай ирғиб тушиб, арава устида чир айланиб ғазаб ичида боланинг юзига бақрайиб қараганича:

— Ййе, худо урган, расволар! Бўлис бўлар-бўлмас яна ўша итлигини бошлади дегин ҳали! Оббо, бўри қалб, бўри оғиз йиртқичларей! — деди.

Абайнинг хаёлига бўрининг оғзи ҳали, Азимбойнинг иржайганини кўргандан кейин келган эди. Ҳарҳолда ўша қолдирган қандайдир ёқимсиз таассуротга боғлиқ эди. Бироз илгари унинг кўз олдига «қопогон итнинг башараси» келган бўлса, энди Азимбойнинг лаблари, қипқизил иржайган оғзи, бўрининг оғзидек қонли оғизни гавдалантирди. Абайнинг ғазаб ичида айтаётган гапларига бола ортиқ қулоқ солишни истамади. Отининг бошини қаттиқ тортиб, тўхтаб қолди. Лекин кетиб бораётган араванинг орқасидан товушининг борица заҳарханда қилиб:

«Ана энди кетавер!» деб, ғазаб блан яна бир иржайди-ю, орқасига қайтди. Йироқдаги оқ уйлик овулнинг ер ўчоғидаги ўт кечки овқатга таклиф қилиб: «Кел-кел» дегандек, лоп-лоп қилиб ёнаётган эди. Баднафс боланинг кўнгли кечки гўштга зор кетди. Қора қашқа ғунонининг тизгинини йиғиб олди-да, сариқ сопли ола қамчи блан отини бир урди-ю овулга қараб қуюндек учди кетди. Абайга ҳалиги гапларни айтиб, аламдан чиққанига завқ қилиб, шодлигидан терисига сиғмай, қоронғи кечда от қўйиб, ёлғиз ўзи: «Ирғизбой, Ирғизбой» деганича урон солиб кетди.

Абайлар Бойқўшқорга келишганда, овулдагилар ҳали ётмаган эди. Абай ўзининг учта-тўртта болалари: Абиш, Мағаш, кичкина Турош, яна кулгинчак қизи Гулбодоннинг ухлаб қолмаганига ғоят қувонди. Улар гулдураб келаётган араванинг товушини эшитишлари бланоқ, қий-чув кўтариб уйларида югуриб чиқишганича тўғри келиб Абайнинг аравасига ёпирилишди. Биттаси араванинг олдига, биттаси араванинг орқасига чиқиб, кичкиналари — Мағаш, Турошлар Абайнинг икки тиззасига ўтириб олишди. Бўйнига осилиб қучоқлаб кулишганларича шодланиб қарши олишди. Боймағамбет аравани олиб бориб, Абай-

нинг ҳаммадан олдин кўришадиган одами, — Улжоннинг уйи ёнида тўхтатди.

Улжон, бир гала болалари ёпишиб, қуршаб келаётган Абайни ўзининг катта тўшаги ёнида ўрнидан туриб қарши олди. Бағрига босиб, ўпиб кўришди. Айгерим, Ойғизлар ҳам Абай блан шу уйга келиб кўришишди. Яғрини кенг, Олпомишдек барваста Ўспон ҳам келди. У, яхтак ёқа оқ кўйлагининг устидан чакмонини елкасига ташлаганича, қадди-қомати келишган, матолгина ёш хотини Эркажон блан бирга келди.

Ўспон Абай блан чақчақлаб сўрашаркан, оғзи тўла кулги, йўғон товуши уйдаги ғовур-ғовурни босиб кетаётган эди. У, Қунанбойнинг ўғиллари қаторасига бўлис бўлиб, овулларининг шодлик устида эканлигини Абайга бир бошдан айтиб берди. Суюнчи сўради. Абай унинг суюнчи сўрашига э'тиборсизгина жавоб қилиб, руҳсиз бир товуш блан Улжонга: «Хайрли бўлсин, ҳаммангиз хурсанд экансиз, хайрли бўлсин!» деди. Улжон ҳам Абайнинг авзойидан, унинг у қадар хурсанд бўлмаганини пайқаб, астагина: «Эсончилик бўлсин, бўтам!» деб қўяқолди. Ўспон ҳали ҳам оғзининг таноби қочганича кулиб, бўлис бўлган оға-инилари блан мақтаниб кўпираётир. Отнинг қилидек қаттиқ калта қора мўйлови ҳурпайиб турадиган, қопқора кўмирдек даккам-дуккам чўққи соқоли эса, атрофига сачраб кетаётганга ўхшайдиган Ўспон, ҳаётда қандай шодлик, қандай хурсандлик бўлмасин, ғоят қизғинлик блан ҳис этарди.

— Фақат кўп ой, кўп йилларга ўйнаб-кулиб етишайлик. Шодлик устига шодлик! — деди.

Абай ҳали Азимбойдан эшитиб келган совуқ хабарни, ҳозир Ўспон: «Шодлик устига шодлик» қаторига қўшиб айтаётир. Турган гап, Бозоралига қасдлик қилишда ўжар, қўрс Ўспон Такежондан кам хизмат қилмаган бўлиши керак. Гарчи уларга ўхшаш ҳаромлиги бўлмаса ҳам, манманликка боришда бу ҳам бўш келмайди. «Турган ерида қўли, тишлаган ерида тиши қолади» деб, уни гиж-гижлатиб, нотўғри йўлга солиб юборадиган Мойбосарлар оз эмас. Афтидан, унинг ҳозир кўпириши ҳам ўша адашганликнинг оқибати бўлиши керак. Ҳовлиқма Ўспон, ўз жигарларининг тахти-бахтга эга бўлишидан Абай ҳоли эмас деб биларди.

— Бу ердагилар бўлис бўлаётир. «Улуққа ўз фе'ли-атворимиз ма'қул бўлди. Бизни билганидан, халқ ўрта-

сидаги обрўйимизни кўрганидан кейин Қазанцевнинг «ўзи сайлади» дегуси ҳам келади. Мен уларга: «Худойингни унутма, кўп ҳишиниб кетма, улуғ сени қаёқдан билади? Кўкламда кетиб ёзнинг ярми ўтгунча шаҳарнинг қумида кечиб, иссиқда куйиб-пишиб ётганида Абай бекорга ётди дейсанми? Мапа шу ҳаммангга келаётган катта обрўй, мана бу ботмон қуйруқлар бекорга келаётгани йўқдир? Шаҳардаги улуғ блан кунда кўришиб, ўшалар блан келишиб, иш тутаётган Абайнинг орқасидир» деб, буларнинг кўзини очирмайман! — деб, кулиб юборди.

Абай, Успон ўзининг энг яқин иниси бўлатуриб, бу масалада шу қадар адашганига қаттиқ истеҳзо блан кулди.

— Мудом ёнимда юрсанг ҳам, ба'зан менинг ҳақимда адашганда, ойсиз қоронғи кечада юргандек тентираб, аллақаерларга кетасан-да, Успон! Шубарку Бакемнинг ўғли. Ҳали бузилмаган истиқболли ёшлардан. У бўлис бўлса, бўлсин деяқолай! Хўш энди, бир бўлис бўлганда саксонга йилкисини беш юзга етказиб олган Такежонни ҳам қўллайманми?! Қизил Мўланинг бўлиси бўлиб, Тўбуқтининг ўғриларини ҳимоя қиладиган Исҳоққа кафил бўламанми?! Еки, азбаройи мени яхши кўрганингдан, мени ҳам бирор мартабали қилиб қўйинг келадими? Бу сайловга қадам босиб қатнашганим йўқ. Фолбинчасига алжимасдан тинч тур! — деб, яна кулди.

Успон бу гапга ҳам қулоқ солмади.

— Қўйсангчи чироғим. Бу гапингга ишонадиган тўбуқтилик йўқ. Мапа шу яйловдаги қум-тупроқдек халқнинг мўнкиллаган чолидан тортиб, она сути оғзидан кетмаган гўдакларигача сўраб кўр! Қунанбойнинг уч бирдек боласи бўлис бўлди, шаҳарда сарғайиб ётган Абай, шу иш орқасидан югурмади деган гапга итим ишонадими! Ундан кўра дамингни чиқармай, манави, бўлис бўлган оға-иниларингнинг олқишини олавер. Қўйсангчи, бу гапингга бегоналар уёқда турсин, ўзим ҳам ишонмайман. Нега ишонаман? Шундай қилди деб, ўзим жўрттага айтаётирман. Улар бўлис бўлиб обрўй қозонсин. Сен ўшаларни сайлатадиган бўлиб, улардан юқориноқ обрўйга эга бўл. Тангри берган обрўйни ўзингга-ўзинг раво кўрмайсан, нима, жонингга қасдинг борми?! — деди. Абай қараса, гап уқдириб бўладиган эмас. Энди сувлиғини тишлаб олиб, бўй бермай кетишини Абай пайқади-да, болалар блан оналари олдида гап талашиб ўтирмади.

Сўнгра тўсатдан Абишга қараб, унинг ўқиши ҳақида сўрайбошлади.

— Оға, мен ҳозир, русча ҳам ўқиётирман. Сен ҳали билганинг йўқми? Қистовдалигимизда бошлаган эдим!— деб, Абиш ўзига гап тегиши блан оиладаги ҳақиқатан ҳам яхши бир янгиликни айтди.

— Оҳо, кимда ўқиётирсан, русчани ким ўқитаётир, бўтам?— деди.

Оқи-оқ, қизили қизил бўлиб, жовдираб ўтирган чиройли, нозиккина ўғли Абишни Абай ўзига томон тортиб, қучоқлаб, пешонасидан ўпди.

Буларни ким русча ўқитаётганини Улжон айтиб берди.

— Қўкламда сен шаҳарга кетишинг блан бизнинг Жидебойдаги овулга бир ёшгина рус йигити келган эди. Илгари бир йил тилмочлик ҳам қилган экан. Ўзини халқ: «Бола тилмоч» дер экан. Ўша: «Шаҳарда туриш соғлигимга тўғри келмаётир, кўмкўк далага чиқиб турай, қимиз ичай, деб келган эдим. Болаларингиз бор-ку, бойвучча, ўшаларга русча ўқитиб тураман» дегандан кейин, мен: «Абайнинг болаларини ўқитсин, кичик болаларимни русча ўқитаман деб юрган эди» деб, Оқшўқиға жўнатган эдим. Мана шундан буён Абишнинг ўзигина эмас, Мағашинг, Гулбодонинггача ўша «Бола тилмоч» Баепда ўқишаётир!— деди.

Абай ўзидан сир тутилган бу яхши янгиликни эшитиб, астойдил қувонди.

Энди Айгеримга қараб:

— Қалай, болалар Қишкене Мўлада ўқишганидек, бунда ҳам қунт қилиб ўқишаётирми? Муаллимни яхши кутаётирсизми? — деб, суриштирди.

Айгерим Абайни соғинтирган нафис овози блан жавоб қилди.

— Болалар жон-дили блан берилиб ўқишаётир. Қизиқиб ўқишади. Яйловга кўчиб келаётганимизда, йўл-йўлакай қўнган жойларимизда ҳам Абиш, Мағашлар бирор кунни бўш ўтказишмади. Тилмочнинг ўзи ҳам одамижон экан. Бир вақт ўқитиб ўтиради-да, бир нафасдан кейин чўлдирашиб, Абиш блан сўзлашиб, гапиришга ўргатади, тўйга миниб, пойга қилиб чопишади. Катта сувға бориб болалар блан чўмилиб келади!— деб, ажиб бир латофат блан жилмайиб, Абайнинг юзига қаради-да:— Рус муллеси қизиқ бўлар экан ўзи. Катталик, гердайиш деган

гапни ҳам билмас экан. Болаларни гўё ўйинга жалб қилаётгандек, қизиқтириб ўқитаётганга ўхшайди!— деди.

Абай, Айгеримнинг қанчалик хуш'ёр, хушфаҳмлигини кўриб, кулимсираганича диққат блан тинглаб турди-да, бош ирғаб унинг сўзларини ма'қуллади. Успон янғасини ҳазиломиз кесатиб:

— Бай, бай! Худо йўли блан шариятни ўргатган, отангдек муллани қўйиб, бир тилмочни мақтаганинг нимаси? Ҳарқалай Абай русча ўқишни яхши кўради деб икковимиз ҳам, русчадан саводхон бўлиб кетмасак дегин ҳали! Томоғимизни қириб!— деб Айгеримнинг товушига ўхшатиб, эрмак қилиб, — товушимиз ҳам шилдираб-жилдираб, а!— деди. Уйдагилар дув кулиб юборишди. Айгеримни қайнанаси олдида қизартириб, товушини ўчириб қўйди-да, ўзи ҳам хандон ташлаб кулди.

Абай Абиш, Мағаш, Гулбодонлардан ба'зи гапларнинг русча қандай айтилишини сўраб, имтиҳон қилиб кўрди. Талашиб жавоб бераётган болаларида «ўқиш, билим» деб турган зўр талаб, интилиш борлигини кўрди.

Кечки овқатдан кейин Абиш, Мағаш, Гулбодон уччовини кенг тўнининг икки барига ўраб, қучоқлаганича Айгеримнинг уйига қараб кетаётганида, Абай ичидан шукур қилди. Ҳали, кечқурун учрашган Азимбой — Такежоннинг ўғли эсига тушди. Ҳалитдан ёмонликнинг пайига тушиб олган ўша боладан бу болалар бутунлай бошқа. Булар ҳақиқий болалар, ҳали сутдек оппоқ покиза болалар. Уларнинг та'лим-тарбиясига, илмга бўлган иштиёқи ва интилишини ўйлаб, кўнглида оталарча қаноатланиш ҳисси пайдо бўлди. Абишни қаттиқроқ қучоқлаб:

— Бўтам, Абишим!— Русча ўқишни бошлаганинг жуда яхши бўлипти. Мусулмонча ўқишинг етарлик бўлди. Бу йил мен сени русча ўқишга бераман. Худо хоҳласа, зўр олим бўлиб етишасан. Сенинг тўғрингдаги энг катта тилагим шу, болам! Ўқишга мендан олдин ўзинг бошлаганингга жуда хурсанд бўлдим. Ўзим айналай сендан!— деди.

Абай тўхтаб, кўнглида бирор нарса тилаётгандек, тикка кўтарилган тўлин ойга ва кенг осмонга қараб, туриб қолди. «Шу боламнинг умрини зойи' қилма, тилагимга етказ. Менга насиб бўлмаган зўр илм, ислохлик фазилатларига ҳеч бўлмаса, шу фарзандим эришсин. Е раббий, қулфи-дилини очиб, оқ йўл бер» деди. Шу кеча севиқли ўғлини бағрига босиб туриб, ичидан илтижо қи-

либ, алангали тилак тилади. Абиш индамади. Лекин, отасининг меҳрибонлигидан кўнгли бўшашди шекилли, ранги ўчиб кетди.

— Хўп оға, хўп!— деди, холос.

Отаси блан оғаси ўртасидаги бу аҳдни бўйи кичкина бўлса ҳам жуда зийрак бола бўлган Мағаш ҳам пайқадди. Абишни қучоқлаб турган оғасининг белига ёпишиб олиб:

— Ҳа, оға!— деди, норози бир оҳангда.— Елғиз Абиш борадими, мен ҳам бораман. Мен ҳам шаҳарга бориб русча ўқийман!— деди. Буларнинг ёнида турган кичкина Гулбодон ҳам кичкина Мағашга эргашиб:

— Оға, оға дейман, мен ҳам, мен ҳам бораман! Мени ҳам русча ўқит. Баепдан сўрангчи, у менга русчани ҳаммадан олдин сен ўрганасан деяётир. Мен ҳам бораман!— деди.

Абай ҳали ҳам уйга кирмай, болаларининг ўртасида шодлиги ичига сиғмай кулиб турарди. Гулбодоннинг бошидан силаб, Мағаш икковининг юзидан ўпиб, ва'да берди.

— Ундай бўлса, икковингни ҳам Абишга қўшиб, шу йил кузакда ўқишга олиб бораман. Ҳаммангизни бирга олиб бораман! Ва'димиз шу бўлсин!— деди. Болаларни эргаштириб, уйга борганда, Айгерим мулойимгина жилмайиб, уй ёнида турган эди. Энди ўтов эшигини ўнг қўли блан баланд кўтариб, ўз ўтовига кириш учун Абайга йўл очди.





ЧОРРАҲАДА

I

Болқибекдаги сиёзга Абай бир тўп одам блан борди. Ёнида қадрдон ҳамроҳларидан Эрбўл, Боймағамбет, Шакелар бор. Жонибекка келиб Эрбўлнинг уйида меҳмон бўлишиб, сиёзга қараб кетаётганларида, икки-уч ҳамроҳи блан Аслбек ҳам шуларга қўшилиб кетди. У ўтган сайловда бўлисликдан тушиб қолган эди.

Абайнинг ёнида шу гал катта ўғли Оқлбой ҳам бирга кетаётган эди. Оқлбой Абайнинг боласи бўлгани блан Абайнинг тарбиясида эмас, Нурғонимнинг қўлида Қунанбойнинг кенжа ўғли ҳисобида ўсган. Бутун Ирғизбой ичидаги ношуд, эрка болаларнинг биттаси эди. Ўзи Абайдан мутлақо бегоналашиб кетган. Оддий танишларнинг бирига ўхшарди.

Оқлбой бошига камчат телпак, эгнига қора бахмал тўп кийган, эгар-жабдуғи қуюқ кумуш нақшли, олифта мирзалардан. Унинг ёнида ўзининг икки йигити — от боқари бор эди. Биттаси — баланд бўйли, қирғий бурун, чуқур-чуқур кўк кўзли Қозоқбой деган черкес йигит. Қозоқбой деган ном унга шу ерда берилган. У ёш жиҳатидан Оқлбойдан анча катта, Абай қатори одам. Ёнида бирорта эслик одам бўлсин деб, уни Нурғоним жўрттага Оқл-

бойга қўшиб юборган. Иккинчиси — Мамай элидан чиққан, Оқлбой блан тенг Мамирқоз деган ёш йигит. Мамирқоз оппоқ, кўзлари катта-катта бўлиб, бўлалик жуссасидан паҳлавон чиқадиганга ўхшарди. Оғзидан ҳазил, аския тушмайдиган хушчақчақ йигит. У Оқлбойни чин дўстларча севарди. Оқлбой қаерга бормасин, Мамирқоздан бир нафас ажралмасди.

Абай ҳамроҳлари блан келаётганда, Оқлбой катта кишилар блан бирга юришдан тортиниб, кўпинча ўзини четга олаверарди. Мамирқоз икковининг йигитчилик вазидан сирлари борми, ёки бемалолроқ ҳазил, аския қилишаётирми, ҳарҳолда гаплари асти тугамасди. Абай уларнинг ба'зан кўпчиликдан айрилиб, кимсасиз далада қолишларини сезди. Ба'зан иккови от қўйиб чопишганича катталардан олдинга ўтиб, йироқлашиб кетишарди. Улардаги бу кайфиятга анчадан буён зеҳн солиб келаётган Абай, Шаке блан Эрбўлга ҳазил қилиб қўйди.

— Мана бу Мамирқоз бизнинг Оқлбойнинг чиндан ҳам яқин дўстимики? Тотув дўстдан кишининг шу сингари, бир уядан чиққан кучукларга ўхшаб чирмашиб, ўйнашиб, бир нафас айрилаолмайдиган вақти ҳам бўлади! — деб, Эрбўлга қаради.

Эрбўл кулимсираб, ялт этиб Абайга кўз ташлади. Абай ёшликда ўз ўрталарида ўтган ба'зибир қизиқ воқияларни эслаб айтаётганини дарҳол фаҳмлади. Оқлбой блан Мамирқознинг ўртасида худди Абай блан ўзи ўртасида бўлгани сингари «дўстлик бордир» дейишга Эрбўлнинг кўнгли бовор қилмасди.

— Дўстлик дейсанми, Абай. Ёшлик-бебошлик дегандек, бу иккови ҳалитдан йигитчиликда ўтадиган ба'зибир ишларга уриниб қолган айёрлар кўринади! — деб ҳаммани кулдириб юбориб, Эрбўл Оқлбойлар томонга қаради. Абай ҳам уларнинг тортиниб, четлаб туришига қарадида:

— Ким билади. Бойнинг арзанда, тухва мирзаси, ўзи билармон, худбин бўлади. Бошқаларнинг илми, ақли деган одамларидан ўзини четга олиб юради. «Ҳаммасидан ўзинг яхшисан!» дейдиган хушомадгўйларни севади. Шундай қўланса мағрурликни тебратиб, аллалаб юрадиган одамларни ўзгалардан ортиқ кўрадиган вақтлари ҳам бўлади. Эҳтимол, шундайдир, худо билади! Ҳарҳолда Оқлбойингиз, сири бизга ма'лум йигитлардан эмас! — деди.

Шаке, Боймагамбет. Эрбўллар бу гапга яна кулишди. Эрбўл Абайга тегажаклик қилиб:

— Асли ўзи, қўлдан келса, кишининг ўн олти ёшида кўрган боласи бўлишдан эҳтиёт керакку-я! Энди ўспириш бўлганда: «Сен отасан» деган гапни эшитдирган болани, киши, йигит оғаси бўлганда ҳам ёқтирмайди-да. Гаши келиб гижинаверадами, ё ундай эмасми? — деди. Бу — Абайга Эрбўл содиқ дўстлиги орқасидагина айтаоладиган қалтис ҳазил эди. Абайга оғалик, дўстлик муносабатини ҳечқачон ўзгартмаган Аслбек, Эрбўлнинг ҳазилини қизиқиб тинглади.

Мулойимгина жилмайиб қўйиб:

— Шундай қилиб, Эрбўл Оқлбойни оқлаш томонига ўтди денг? — деди.

— Бошвоғини қўйиб берди!

— Қўйганда ҳам, биратўла қўйиб берди!

— Ўзи эрка Оқлбойни бундан кейин сувлиқсиз, югансиз юравер, деган гап-да! — дейишди кулиб, бир четда аста-секин сўзлашиб кетаётган Шаке блан Боймагамбет.

Булар Болқибекка эрта етиб келишди. Суви ҳам, қулф уриб ётган кенг ўтлоқ ва тепаликлари ҳам Болқибек деб аталадиган бу қўнис — сиёз ўтказиш учун ўйлаб топилган энг қулай жой эди. Бу сиёз уч-тўрт қўшни эл бирлашиб ўтказадиган сиёз. Унда ана шу эллар ўртасидаги ҳархил жанжал ва да'волар кўрилади. Зотан, бундай йиғин олишиб-тортишадиган эллардан ҳечбирининг ерида бўлмай, четда бўлгани яхши.

Агарда йиғин бирорта можаро қилаётган эл ўртасида ўтказилса, унинг амалдорлари ўз халқининг яқинлигидан фойдаланиб, овозни кўп олишга тиришарди. Болқибекнинг бўлса, бир томони — Тўбуқти, иккинчи томони Сибон, Найман ва учинчи томони Керей яйловларидан иборат бўлган ўрталиқдаги жой. Гарчи у кенг яйлов-ўтлоқлари, зилол сувлари блан ном чиқарган чиройли қўнис бўлса-да, ҳар йили бўш ётарди. Чунки ҳар уччала эл у жойни бир-биридан қизғонарди. Мабодо биронтаси қўниб қоладиган бўлса, қолган иккитаси «Кўчингни кўтар, дахлинг йўқ. Бу ўртадаги қўнис» деб да'во қилишга турарди.

Бу йил мана шу уч-тўрт элни бирлаштириб, йиғин ўтказиш керак бўлганда, Болқибекдан ортиқ жойни излаб топиб бўлмасди.

Бу гал Болқибек сиёзига Семей уездидаги крестьян начальниги Казанцевга қарашли участкадаги тўққиз бўлисининг одами йиғилиши керак. Тўбуқти тўрт бўлис бўлса, Сибон икки бўлис, Бура, Уоқ икки бўлис. Гарчи Дуони бу бўлислардан бошқа бўлса ҳам, ери Болқибекка яқин бўлганликдан, Керей бўлислари ҳам қатнашади. Шунинг учун улар ҳам келиб ўтовларини тикиб, сўзамол, ишбилармон бийларини саралаб, тортишувга шайланаётир.

Ҳозир Казанцев участкасининг ҳамма бўлислари ичида Қунанбой болаларининг омади келиб турипти. Сўнгги сайловдан бери Қунанбойнинг уч ўғли уч элга бўлис бўлгани ҳақидаги гап фақат Тўбуқтиларнинггина эмас, қўшни Керей, Сибон, Уоқ-Бура элларининг ҳам оғзидан тушмаётган эди. Ҳаваси келиб, таажжубланиб сўзловчилар ҳам, ҳасадланиб рашк ўтида ёнучилар ҳам шуларнинг ўзларига ўхшашлар. Ҳар эл, ҳар уруғнинг бўлислик, бийлик тама қилиб юрган йўғонлари. Эл-юрт:

— Ирғизбойнинг иши йирик, Кечагина Қунанбой оға султон бўлиб турганда, «шуҳрати ортиб кетди» деб халқ хайрон бўлган эди. Энди бўлса, Қунанбой бу дунёнинг ишларидан воз кечиб, ўз роҳатини кўзлаб, кулга чўккан нортуюдек уйида ётипти. Лекин, амал ва бахт ҳали ҳам унинг орқасида экан. Уч бирдек бўрибаччаси уч элнинг ҳокими бўлди. Шундай қилиб, Тўбуқти яна Ирғизбойларнинг юмса муштида, ёзса кафтида бўлиб қолдику. Тўбуқтигина эмас, Қизил Мўлага бўлис бўлиб ўтирган Исҳоқ Уоқ-Бурани, Сибонни ҳам қанотининг тагига олиб ўтирипти. «Ирғизбойлар энгашса Иртишни, чалқайса Чинғизни оладиган бўлиб, ошиб-тошиб кетаётир!» деяётган эди.

Эрбўл, Болқибекдаги сиёзга бундан бурун бир бориб, халқнинг қайфиятига зеҳн солиб, кўп гапларни билиб қайтган эди. Бундай пайтда «халқ» деб, барча халқни айтилмайди. Мансабдорлар, сўзи ўтадиган, амри қудратга эга бўлган бийлар ва бўлисларни, яна уларнинг атрофида фармонбардор бўлиб юрганларни айтилади. Болқибекка яқинлашиб қолганда, Абай блан Эрбўл ҳамроҳларидан кейинда қолиб, сўзлашиб келишаётган эди.

Қунанбой болалари ҳақида халқ оғзида юрган бояги гапларни ҳам Эрбўл ўша ердан эшитиб келганди. Бор мансабдорларга зеҳн солиб, миридан-сиригача айириб: «Элнинг авзойи, юртнинг хулқи менга ёқмади» деб келган ҳам Эрбўл эди.

— Ҳаммасидан мудҳиши — шу кунларда яппа кўп, пора блан порахўрлик кўп. Қандай балон-нафс, қандай очкўзлик эканига тушунолмаيمان! «Туяни туки блан ютади» деган гап бунинг олдида ип ечолмай қолипти. Уюрлаб йилқи, юзлаб қўй, қўш-қўш туялар олиб келаётган да'вогарларни ҳам эшитдим. Шаҳардан чиққан начальник ҳам, худо уриб, ошкора ейдиган экан. Қазанцев Қизил Мўлага келгач, Такежон блан Шубарни қайтадан бўлис қилишда Исҳоқ катта иш кўрсатганга ўхшайди. Йигирма йилқини саралаб, Қазанцевга ўтказипти дейишаётир. Шунинг оқибати бўлса керак, Қазанцев Тўбуқтига келар-келмас, Такежонни оғзидан туширмапти. Шундай қилиб, бўлисларинг ўнгини ҳам, чапини ҳам суриштирмай, халқни бўрсуқдай сўриб, начальниikka берилган поранинг ҳиссасини чиқараётир. Кўзини ёғ босиб, ҳишиниб кетган.

— Бийларчи? Бийларнинг ҳам ҳаммаси порага шерикми?

— Бийларнинг кўпчилигини билаолмадим. Аммо уларнинг ҳам пора ейишига шак-шубҳа йўқ. Ўзинг ўйлаб кўр, Керей — Тўбуқтининг, Сибон — Тўбуқтининг, Бура — Тўбуқтининг бирор да'воси бўлса, уни аввало бўлислар орқали айтишади. Бўлис эса ишни бийга ошириб, поранинг олдини ўзи олиб ими-жимида жойлайди. Кейин бийга берганда, енг ичида битишиб: «Ана унинг фойдасига ҳукм чиқарсанг оламиз», «мана бунинг гуноҳидап ўтсанг, оламиз» демай қўядими! Шундай қилиб, бўлисларнинг ҳам пораси бийлар блан битишувдан келади. Ҳукм бўлса, бийнинг оғзидан эшитдирилади. Оғзи блан одил ҳукм айтиб, авлиёлик қилиб, порадан парҳиз қиладиган бизнинг Жиренше, Абдилда, Ҳрозбойларми? — деди.

— Қани, тўғриси айтчи, Жиренше, Ҳрозбойлар ҳам пора оладими?

— Ие, у нима деганинг, олмаганда-чи?

— Эндигина одам бўлиб келаётган эди. Иккови ҳам менинг дўстларим эди. Бир вақтлар ўша икковининг эл ишига аралашишига ўзим сабаб бўлган эдим. Ҳозир э'тиборли бўлиб, бойиб кетди деб эшитаман. Ҳеч бўлмаса, харомдан ўзини тийса нима қилар эди! Муболага қиладиган бўлсанг керак. Мен ҳали ҳам уларни ҳалол дегим келади. Агар улар ҳам порага ўрганган бўлса, ҳалол одам қолмапти-да? — деди Абай ўзига ўзи савол бераётгандек. Кейин жим бўлиб ҳаёл сурганича кетаверди.

Эрбўл Абайнинг ҳалиги икковини: «Дўстларим эди» деган гапидан кейин уларнинг ша'нига доғ туширадиган дув-дув гапларни айтмай қўяқолди. Йўлдошининг «дўстим» деган одамлари ҳақидаги ножўя гапларни айтса, чақимчилик бўлади. Чақимчилик қилишга Абайнинг «Ғийбат яқинни ёт, тотувни араз қилади» деган ибораси ёдига тушиб, ўнғайсизланарди. Бундай гаплардан ўзини ғоят эҳтиёт қиладиган Эрбўл, ўша одати бўйича индамай қўяқолди.

Абайлар Болқибекдаги сиёзга келганда, тушадиган жойларини анчагача топишаолмади. Қатор уйлар, тўп-тўп одамлар орасида кўп юришди. Катта сувнинг икки томонидаги кенг яйлоқ — ўтлоққа тикилган қатор уйларнинг ҳисоби йўқ эди. Ба'зи ерларда уйлар икки томонга қатор тикилган бўлиб, ўртасида тўғри кўча ҳосил бўлган. Етти-саккиз қанотли катта уйлар, аҳ'ёнда бир учрамаса, бу ерга тикилган уйларнинг аксари беш-олти қанотли, безатилган, ихчам ва янги оппоқ ўтовлар. Кўпчилигининг устига ёпилган наमतларига кимхоб ва мовутдан ранг-баранг гул солиб безатилган. Ба'зи ерларда, оқ уйлардан четроқда, алоҳида бир қаторни ташкил этган кўҳнароқ уйлар ҳам кўзга чалинарди. Булар — ошхона ва отбоқарлар, ошпазлар, хизматкорлар ётадиган уйлар бўлса керак. Мана шу қаторасига тизилган оппоқ уйлардан нарироқда, желида¹ қатор-қатор қулунлар кўринарди. Ҳар уй ўзининг соғим бияларини, югурук отларини ҳам олакелган.

Жели бўйидаги йилқининг биясидан, семиз-семиз, ўйноқлаб турган катта отлари кўп эди. Деярлик ҳаммаси сараланган. Йилқиларга ҳар овулнинг, ҳар элнинг ўз тамғаси босилган. Сув бўйидаги бир-бирига улашиб кетган желилар сиёзга атаб тикилган уйларнинг у бошидан ҳам, бу бошидан ҳам ошиб, анча ергача чўзилган эди. Айниқса, мана шу қатор-қатор желилардаги, боғлаб қўйилганига ночор бўйсуниб турган юзлаб қулунлар кишининг диққатини жалб қиларди.

Абайлар улуғларга атаб тикилган уйларни ҳам кўришди. Мана шу уйларнинг ўртасида учта саккиз қанотли уйни бир-бирига туташтириб тикилган катта ўрда ҳам

¹ Жели — тортиб қўйилган арқон; ўша арқонга қулунларни қатор қилиб боғлаб қўйилади. — *Ред.*

бор эди. Яна шу ўрданинг атрофида иккита кичикроқ уйни бир, учта кичикроқ уйни бир қилиб тикилган уйлар ҳам турипти. Бу уйларнинг атрофида елиб-югураётган бўлислар, бийлар, айниқса старшинлар блан чопарларнинг ҳисоби йўқ. Бел боғлаб хизмат қилаётган йигитларда тиним йўқ. Мирзаларидан тортиб, отбоқарларига-ча бошқача кийим кийган эллар йиғилган. Бу ерда Тўбуқтиларнинг — тўрт каржли япасқи тумоғи, Керейларнинг — ингичка узун чўққилик, Найманларнинг — олти каржли сирма, Уоқларнинг — саккиз каржли тумоқлари ҳам кўринарди. Уларнинг бир-бирига ўхшамаган чопон ва камзиллари, эгар-жабдуқлари ҳам Абайнинг кўзига ташланиб турарди. Сибон, Тўбуқти, Керей, Уоқ бўлислари, кандилатлари, дўлинжи бийлари¹, тилмочлари блан юришарди. Абайлар улуғлар уйининг ёнидан ўтиб кетишаётганда, ҳалигилар улуғларга атаб тикилган уйнинг олдида саф тортиб қолишди. Шу тобда улуғ уйдан оқ китель, оқ картуз кийган, сариғ тугмали начальниклар, урядниклар, стражниклар ҳам чиқишди. Эрбўл буларнинг шу тахлитда туришини эрмак қилиб кулди-да:

— Булар саф тортиб қолишди. Қимнинг жанозасини ўқишмоқчи?— деди.

— Ўзи нима гап? Қўй ичидан саралаб олинган така, серкаларга ўхшаб туришлари бошқача-ку?— деди ҳайрон бўлган Аслбек ҳам. Орқасига айланиб қараган Шаке:

— Ўяз келади дейишган эди. Ана, бирқанча извошлар отларини чоптирганича келаётир-ку. Буларингиз, ўша ўязга пешвоз чиқиб туришипти!— деди.

Абай, Аслбеклар ҳам отларининг бошини тортиб, орқага қайрилишди. Кўмкўк, майса блан қопланган бепоён ўлкада, узоқда бир гала бўлиб чанг-тўзон кўтариб келишаётир. Битта извош эмас, деярлик ҳаммаси уч отлиқ олти-етти извош. Қўнғироқларини жаранглатганича яқинлаб келаётир. Уларнинг олдида бирқанча чопарлар, старшинлар, отбоқар ва хизматкорлар, ўлган-тирилганларига ҳам қарамай, от чоптириб келмоқдалар. Гўё бир катта пойга сингари Болқибекни, ўпир-тўпир, қийғос-сурон бостириб келишаётир. Абай:

— Бу келаётган битта ўяз эмас, бир тўп тўралар келишаётганга ўхшайди-ку!— деди.

¹ К а н д и л а т — бўлис кандидати. Дўлинжи бий — должный бий... Ҳар бўлисга қарашли овуллардаги биринчи бий. Агар бўлис блан кандидат баравар ўриндан тушса, шу бий бўлис бўлади.

Кеча шу ердан борган Шаке бўлис иниси Шубордан эшитган хабарини энди айтди.

— Тўғри айтаяпсиз. Бир ўяз эмас. Мана бу Керей блан Сибон, Тўбуқти орасидаги жанжални шу сиезда кўриш учун, областънинг икки ўязи бирга келади, дейишаётган эди. Мана бу келаётганлар фақат бизнинг Семей ўязигина эмас, Қарқаралининг ҳам ўязи бирга келаётган бўлиши керак!— деди.

Бу тахмин тўғри чиқди. Олдинда келаётган икки катта извош орқадагилардан ажралиб баравар келиб тўхтади. Келганлар қўл остидаги бўлислар, тилмочлар блан иккига бўлиниб, ҳарқайсиси ўзига атаб тикилган уйларга кетишди. Абайлар ортиқ ҳаялламай Болқибекдаги ўзлари тушадиган уйни излаб, олдинга силжишди.

Улуғларни тушириш бланоқ, ҳовлиққанларича зир югуришаётган старшинлар, чопарлар ва кутучилар кўринди. Одатда бундай югурдаклар ҳаддидан ошиб, қутуриб, йўлда дуч келган одамларни ҳақорат ҳам қилиб кетаверадилар.

— Қутургандан қутилган яхши. Қани, юринглар, мана бу амалпарастлардан нари кетайлик! — деб, Эрбўл ўз тўпини бошлаб кетди.

Булар ҳали ҳам тушадиган уйларини тополмай юришган эди. Боймағамбет, Мамирқоз, Қозоқбойлар отларини елдириб йўртганча Қунанбой ўғиллари тиктирган уйларни суриштириб юришарди. Булар олдин Қизил Адир бўлиси — Такежон тиктирган бир тўп катта-катта уйларга дуч келишди.

— Такежоннинг уйини топдик!— деб келган Боймағамбетга, Абай қисқагина қилиб:

— У ерга тушмаймиз!— деди.

Иккинчи бир овулга дуч келганларида, Қозоқбой отини йўртиб бориб билиб келди.

— Ҳа, бу Исҳоқнинг овули экан. Тушсак бўладими Абай?— деди, қозоқлар ичида қанча юрса ҳам, тузалмайдиган чала-чулпа тили блан.

Абай: «У ерга ҳам тушмаймиз!»— деди.

— Қизил Мўланинг бўлиси Исҳоқ қариндошимиз бўлгани блан эли бегона, уларни чиқимдор қилишимизнинг нима ҳожати бор?— деди Эрбўл ҳам.

Оға-ини бўлислар ўз ўтов-уйларини ёнма-ён тиктиришпти. Буларнинг ёнидаги яна бир қатор уйлар Чинғизнинг янги бўлиси, Қунанбойнинг набираси Шубор тик-

тирган ўтовлар эди. Абайлар шу уйлар рўпарасига келганда, уларнинг орқасидан бир одам қувиб етди. Йўрга жийрон отда тасирлаб келган Шуборнинг ўзи экан. У товушининг борица салом бериб, отлиқларнинг орасини ёриб кирди. Орқасидан таниб келган Абайга ёндошиши билан:

— Абай оға, мана бу уйлар бизники. Қаерга кетаётирсиз? Ҳамроҳларингиз билан бизникида бўлинг!— деди.

Кўркем, оппоқ юзида хиёл чўтири бор, кенг яғринли, узун бўйли, от устида типпатик ўтирадиган савлатли йигит — Шубор бўлис шу эди.

Абай унинг билан иссиққина сўрашди. Ёш бўлатуриб шунчалик мартабага эришгани учун табриклади-да:

— Лекин, бугун бизларни уйимга туш, деб қистама. Сен ҳозир катта ишда оғир вазифани адо этаётирсан. Тепангда улуғинг, ёнингда ўз тенгги бўлисларинг бор. Иш билан, арз кўтариб келганлар, да'вогарлар, олис-яқин қардошларинг ҳам бор. Шуларнинг ҳаммасининг ғалваси, ўпир-дўпири бўлисининг уйида бўлади. Бизлар бўлсак, мана бу Асл оғанг, Эрбўл, ҳаммамиз ҳам кеч ётиб, кеч туриб хотиржамликка ўрганиб қолганмиз. Ўспон ҳам шу ерга уй тиктирди дейишган эди. Сизларнинг улуғ бўлганингизга шодланиб терисига сигмай юрипти. Ушанга ўхшаш қардошлар ҳам бор-ку. Бизнинг ётиб-туришимизга ўшанинг уйи қулай. Уша ерга боришга рухсат бер!— деди.

Абайнинг тушмагани Шуборга унча ма'қул бўлмади, лекин энди ортиқча қистаб ёпишиб ҳам ўтирмади.

— Ундай бўлса, Абай оға, сизда бир оғиз гапим бор эди! — деб, Абайни бошқалардан кейинроқда олиб қолди.

— Орқангиздан югуриб келишимнинг тагида гап бор. Ҳали ўяз келиб тушганда бизлар етти-саккиз бўлис меҳмонхонага киришимиз билан ўяз нари-бери кўришасолиб: «Сиёз бошида Ибрагим Қуланбоевич борми?» деб, сизни сўради. Шунга ҳам биз қувониб кетдик. Мен бошқа бўлислар ичида ҳаммадан олдин: «Шу ерда, сизни кўргани келади!» дедим. Шубор ўзининг Абай туфайли яна ҳам қадди кўтарилиб, чаноқ бўлиб келганини билдирди.

— Бориб бир нафас суҳбатлашиб келсангиз яхши бўларди. Турли-туман да'во-ю, жанжаллар билан келган ғаразли одамлар кўп. Шулар олдида улуғ ёнига бориб ҳаммадан бурун бир кўриниш бериб чиқсангиз, шунинг ўзи ҳам биз учун катта гап, катта обрўй бўлар эди!—

деб, кўнглидаги яна бир муддаосини айтди. Абай, унча очилиб жавоб қилмади, фақат:

— Уяз ким, Лосовскийнинг ўзими, ёки бошқами? — деб сўради.

Келган Лосовскийнинг ёрдамчиси эмас, ўзи экан. Абай Лосовскийнинг олдига Шубор айтган ҳисоб блан эмас, танишлиги, ўзаро ҳурмат юзасидан бормоқчи бўлди.

— Бораман! Бориб кўришиб келаман. Илтимос қилмасанг ҳам бўлади! — деди-да, Шубордан айрилиб ҳамроҳлари бориб тушган Успоннинг уйига қараб кетди.

Бироздан кейин Тўбуқтининг мансабдорлари, бўлислари ва улуғларининг кўпчилиги шу ерга йиғилди.

Қунанбойнинг катта уйига, Улжоннинг моли-дун'ёсига эга бўлиб ўтирган Успон, ўзи бўлис бўлмаса ҳам, шу ерга бешта катта ўтов тиктирган эди. Бугун катта бир кўк қашқа сўйдириб: «Ўездлардан бўшаган пайтларида келиб меҳмон бўлиб кетишсин» деб, Болқибек сиёзига келган икки дуон бўлисларини зиёфатга чақирипти.

Тушдан кейин Абай ўтирган саккиз қанотли уйга бутун бўлислар йиғилишди. Сибондан келган бўлислар орасида нариги Найманнинг э'тиборли, устунларидан — Қийсиқнинг ўғли Жумақон бўлис, Керей элидан — Тўйсари бўлис, Тўбуқтининг Шиғон элидан чиққан шафқатсиз, бўйни йўғон Мўлдабой бўлис ҳам бор. Деярлик ҳаммаси семиз, говрил келадиган Мўтиш элидан чиққан гавдаси ҳам йирик, иши ҳам йирик қўрс ва жиззаки бўлис шу.

Бу ўтиришдагилар қизгин суҳбат қилиб ўтирмай, бир-бирларининг оғзини пойлашиб, ичларида: «Улуғ олдиди ким э'тиборли бўлар экан, ким кўп обрўй қозонар экан» деб ўтирганлар. Бир-бирини кўролмайдиган, ғаразгўй: бахт ва мансаб талашучи одамлар. Гаплари ҳам бир-бирига қовушмайди. Чунки, бугун бўлмаса эртага бўлис блан бўлисининг чегараси ва қўнис, яйлоқлари ҳақидаги да'во-жанжаллар ўртага ташланади. Сибон блан Қизил Адир можароси — Такежон блан Жумақонларнинг тортишуви бўлади. Мўтиш блан Керейнинг да'во-жанжали — Мўлдабой блан Тўйсарининг тортишуви бўлади. Кўп йиллардан бери сиёз бўлмагани учун баримта босиш, босқинчилик қилиш, унашиб қўйилган қиз можароси сингари Тўбуқти блан Керей, Керей блан Сибон, Сибон блан Уоқ — Тўбуқти эллари орасида хилма-хил катта жанжаллар пайдо бўлган эди. Буларнинг ҳаммаси ўзларининг сўзамол бийларини тезлаб, эртага бўла-

диган тортишувда ишга солмоқчи бўлиб ўтиришипти. Мана шу дамани чиқармай ўтирган бийларнинг ҳаммаси бу кайфиятни яхши билишар, сир бой бермасликка тиришарди.

Уларнинг ғарази, жанжалидан бутунлай четда бўлган Абайгина ўзини эркин ҳис этиб, ўйнаб-кулиб ўтирарди. У Жумақон блан Тўйсаридан Керей-Сибон орасидаги бир жанжал ишни сўради. Бу иш кўпдан буён ҳамманинг оғзига тушиб кетган, икки эл шу иш вазидан бир-бирини босиб, янчиб, молни талашгача борган, асти бартараф бўлмай келаётган иш эди. У — Солиқа қиз можароси деган жанжал эди. Абай шу ишнинг оқибати нима бўлганини сўради. Жумақон жавоб беришдан тортишиб ўтирган Тўйсарининг юзига ер тагидан совуқ бир назар ташлади-да:

— Талон-торож бўлган эл бўлмаса, тиним топган элни кўрганим йўқ! Чироғим Абай, тиндираман десалар, тишим топилар эди-ку. Ҳатто қиз ҳам тинишни-тийилиш-ни билмагандан кейин элдан нима гина!— деб аллакимларнинг қизигача қўшиб айблаб, кесатиб қўйди. Сиезда Керей-Сибоннинг ўртасидаги кўпнинг муҳокамасига ташланадиган энг катта, чигал масала шу экани билиниб қолди.

Абай қараса, меҳмонлардан бу хилдаги гапларни сўраш — дил сиеҳликка олиб борадиган. Гапни кўп айлантирмай, қисқа қилиб қўяқолди. Бироздан кейин қимиз ичиб, юзига қон югуриб чиройи очилабошлаган меҳмонларни куй-ўланлар блан чалғитишни ма'қул кўрди. Шаке астагина тингиллатиб ўтирган дўмбирани сўраб олди-да, Бойкўкшега узатди. Оқин Бойкўкше аслида Қизил Адирдан Такежон блан бирга келган бўлса ҳам, Болқибекка келганидан буён Ўспоннинг уйида эди. У индамай ўз ҳолича юрган киши бўлиб, чопарлар, старшинларнинг гап-сўзига қулоқ бериб, турли-туман сирларни эшитиб юрарди. Эшитган гапларини ба'зан Ўспонга ҳам айтиб турарди.

— Бўлису, старшину бийларинг порани бўккунча еяпти, нимасини айтасан. Қўлингдагинг оз кўринса, эпни қилиб, бўлис бўл. Оқ деб ҳам ейсан, қора деб ҳам ейсан. Нима қилаётирсан, дейдиган одам йўқ экан!— деб қўярди.

Бундай гапларни Ўспон ҳам жуда қизиқиб тингларди. «Сен бўлис, бийларнинг сирини қаердан биласан-а?

Улар-ку пора еганда, туя кўрдингми-йўқ, қабилидан бутун ишни енг ичида битиришади. Ивир-шивир блан келишиб, ишни тун қоронғисида битиришади. Сенинг: Муаккилларнинг борми дейман-да?»— деб сўраганида, Бойкўкше бу гаплар кимлар орқали қулоғига етишини яширмай, очиқ айтиб берди.

— Дамингни чиқарма. Мен ҳамма бўлисларнинг чопари блан сирдошман. Уларнинг олиш-беришлари ўша айёрларнинг қўлидан ўтаётир-ку, улар мендан сир яширмайди. Ўзга чопарлар блан ҳам сирдош бўлиб юриб, уларнинг бўлиси қиладиган ишларни ҳам эшитиб келиб, ўша онда менга етказиб туришади! — деди.

Абай ҳали меҳмонлардан олдин келиб Бойкўкше блан сўзлашиб ўтирганида: «Хўш, Бойаке, кўрган-билганларингизни айтинг. Сиезда нима гаплар бўлаётир?» деб сўраган эди. Шунда Ўспон блан Бойкўкше ўзлари холи ерда гаплашадиган гапларининг ҳаммасини кула-кула Абайга айтиб беришган эди.

Бўлисларнинг бугунги ўтиришида Абай қўлига дўм-бира бергандан кейин, Бойкўкше даставвал сиполик блан меҳмонлар ша'нига ше'р тўқиб, куйлади. Қимизнинг кайфини суриб, елпиниб ўтирган бўлислар: «Баракалла!» «Овози жаранглайди-я», «Сайра, булбул!», «Ўзи ҳам ҳозирги оқинларнинг пешқадами-да!», «Қадимги улуғ оқинлардан қолган-да!», «Сўзла, армон қолмасин!» деб, тева-рак-атрофдан мақташди. Бойкўкше икки лунжи сўлинқираган, чўққи соқол, доим қовоғи солиқ, тунд юзли киши. Бу мақтовларга ҳишиниш уёқда турсин, парвойига ҳам келтирмади. Аввалги ўлани меҳмонлар блан саломлашишдек гап эди. Иккинчи ўланга — термага кўчганида, гапни бошқа томонга буриб кетди.

«Улуғ бўлдинг, қўлингни қаерга узатсанг етадиган бўлди. Яхши деган ном олдинг. Яхши одамлигинг чин бўлса, қашшоқни қақшатма. Ёмонларнинг ёнини олиб, ҳалол, мўмин одамларни юмалатиб ема. Халқпарварлик ниқоби остида таловчининг ишини қилма. Олганингни оз кўриб, халқнинг ҳалол молини ҳаромзодалик блан талаб, кўпнинг баракасини учирма. Оғирлигингни халқ устига ташлама!» деб сайраб кетди. Гарчи оқин бировнинг номини тилга олмаган бўлса ҳам, шу ўтирган бўлисларнинг кўпига ишора қилиб, ачитиб ўтди. Шундан кейин бўлислар безовта бўлиб, Бойкўкше уларга ёқмай қолди. Беандиша, кўрс Мўлдабойнинг жини қўзиб:

— Бойкўкше деганларига, чиндан ҳам оддий Кўкше¹ экан, деб юрманглар бу айёрни! Ёта-ёта ёнбошга, деганларидек туриб-туриб, тиниқ сувингни лойқатиб кетадиган айёрлардан экан-ку!— деди.

Мўлдабойнинг гапи Аслбекка қаттиқ тегди.

— Оқин айтса, очиб айтади. Тингловчилар бироз сабр қилса, қандоқ бўларкин!— деб, кулиб қўйди.

Бойкўкшенинг куйини ёқтирмаган ба'зи мансабдорлар гапни бопқа ёққа айлантиришга уриниб, ўзаро ҳазил-аскияга кўчишди. Абай ўтирганлар олдида Бойкўкшенинг э'тиборини ортдирмоқчи бўлиб, гапга аралашди.

— Бойкўкше гапининг қиммати шундаки,— берганнинг бетига қараб айтилган мадҳ эмас. Тиланчилик, тама'ирлик блан айтилган гап ҳам эмас. Бу — халқнинг кўнглидагини ундан бурун айтадиган, кўзи — халқнинг ўткир кўзи, овози—халқнинг овози бўлган одам!— деди.

Бу масалада Такежон Абайнинг фикрига қўшчл. мади.

— Халқнинг кўнглидаги гапини дейсан, халқ бунга: «Заҳар-заққум гапларни айт» деб топширипти дейсанми! Ўзининг худо берган қирчанғилиги десангчи!— деди. Исҳоқ блан Тўйсари ҳам унинг шу гапини қувватлашиб:

— Қўтир отдек суркалиб юрмаса бўладими?

— Халқдан нарироқ! Бунинг балосини халққа ёпиштириб нима қиласан?— деди Такежон.

Абай бу жавобларга кулди-да:

— Тўғри сўз, қачон тўғри қабул қилинар эди. Бу ҳам ўша: «Тўғрисини айтсанг, тутақиб кетамиз, айтма»нинг ишорасида. Ёлғиз Бойкўкшенинг гапини кўтаролмаймизу, халқнинг гапини қандай кўтарамиз!— деб, хандон ташлаб кулди.

— Халқ Бойкўкше эмас! — деб да'во қилди Такежон. Шу тобда Бойкўкше чўкка тушиб олиб, дўмбирасини жаранглатиб чалганича:

— Ийе, бўлисим, халқ — Бойкўкшенинг ўзи! Тинглагинг келмагани-да, бўлмаса, Бойкўкше худди халқ айтганини айтади!— деди.

— Қани, ундай бўлса, халқ айтганини менга бир оғиз қилиб айтиб бер-чи! — деб, Такежон истеҳзо блан кулганича Бойкўкшени эрмак қилабошлади. Ўзга бўлис-

¹ Кўкше — содда, оддий, мўмин, ювош ма'ноларида.— *Ред.*

лар ҳам Такежонга қўшилиб, Бойкўкше блан Абайни ўртага олиб, эрмак қилиш томонига ўтишди. Абай ҳам улар блан ўчакишиб, қизишиб кетди-да, кулиб Бойкўкшега:

— Ҳай, Бойаке, энди бўш келма. Гапни қисқа қил. Мен бир ўланнинг бошини айтай, шунинг охирига бўлислар ҳақида халқ нима деганини сен қўшиб айтиб юборчи!— деди-да, товушининг борича куйлаб:

— Яйдоқ ерга ёйилиб чўп битади,
Қай йигитга мол-ҳол кўп битади...

— деб юборди.

Чўкка тушиб ўтирган Бойкўкше хурсанд бўлиб, қаддини ростлаб олди, қошларини бир кериб қўйиб, илиб кетди:

Қай йигитни пишиқ деб бўлис қўйсанг,
То ўрнидан тушгунча еб ўтади...

— Мана халқнинг гапи!— деб, Такежонга қараб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Уйдагилар дув кулишиб, ҳамма ўзининг ҳайратда қолганини ҳархил қилиб ифодалади. Қипқизариб кетган Такежон тескари қараб:

— Оббо, тилинг кесилгурей, чакагингдан олгурни қара!— деди.

Абай Бойкўкшедан хурсанд бўлиб, завқ қилиб роса кулди. Ёнида ўтирган Эрбўлга:

— Қалай, Бойкўкше эмас, бўлисларингнинг бошига кўкдан тушган «жай¹ кўкше» бўлмадими!— деди-да, кулганича эшикка чиқиб кетди. Эрбўл ҳам бирга кетди. Бўлислар, гарчи аввалига қўшилишган бўлса ҳам, энди эс-ҳушларини йиғиштириб олиб, дамлари ичларига тушиб кетди. Худди тўдасига туйғун теккан катта тўдоқ, салмоқли ғозлардек, семиз гавдаларини бироз йиғиштириб, қунушиб қолишди.

Меҳмон бўлислар Бойкўкшенинг гапини ёқтиришмаганини Ўспон ҳам пайқаган эди. Бойкўкше кўзига ёмон кўриниб:

— Бас, бас қил энди!—деб, ўзи қимиз қуйиб меҳмонларга узатабошлади.

Бу бўлислар орасида ўланнинг фаҳмига етадиган, сўзга тушунадиганнинг биттаси Шубор эди. Шу ерда-

¹ Ж а й— чақмоқ.— *Ред.*

ғиларнинг ҳаммасидан ёш бўлса-да, ўқиш, мутолаа жиҳатидан ҳам олдинда турарди. Бўлис сайланишга ёши етмагани учун Ирғизбойлар икки ёш катта қилиб, йигирма олтида деб ёздириб, бўлис қилишган. Вақтида ўн йилча Ғабитхондан дарс олган, мусулмон муллалари даражасига ҳам етиб қолган. Бу блан қаноатланмай, Абайдан ўрнак олиб, тилмочлар орқали туртиниб-суртиниб ўз ҳолича рус тилини ҳам ўрганмоқчи бўлиб юрган эди. Бундай ўтиришларда ба'зан суҳбат мавзуини ўзгартириб юбориш ҳам қўлидан келарди. У ўз қатори ёшлар ичида ўсиб келаётган эди.

Такежон, Исҳоқ сингари оғалари кечаги ўтган сайловда крестьян начальниги Қазанцев блан ҳам, боя келган ўяз Лосовский блан ҳам даставвал сўзлашишни шунга топширишган эди. Улуғ блан бир-икки оғиз муомала қилиб келишни ҳам мана шу Шубор адо этган эди.

Ҳали ўспон Бойкўкшенинг гапини ёқтирмай, жеркиб ташлагандан кейин, уёғини Шубор илиб кетди, Бойкўкшега қараб.

— Вой, Бойкўкше бўлмай қуриб кет. Бировни эрмак қилиб, бировни илиб гапиришингни «тўғри сўзлим» деб билсанг керак. Одобдан четга чиқиб, «томоғини еб, товоғини теп» деган гапни сенга ким ўргатди?— деди.

Ўспон Шуборнинг гапидан кейин баттарроқ қизишиб кетди. Кўркам юзлари оппоқ оқариб, косасидан хнёл ирғиб чиққан ўткир, ола кўзларига ғазабдан қон қуйилиб Бойкўкшега совуқ назар ташлади.

— Мен бўлис ҳам, улуғ ҳам эмасман. Кўпчилик элнинг яхшилари шу ерга йиғилгандан кейин, қардошларча ҳурмат юзасидан таклиф қилган эдим. Ўйнаб-кулиб, бир-бирига меҳри товланиб кетсин деб, уйимга холисона чақирганман. Қардошлар ўртасидаги адоватни ҳам, жанжални ҳам ёқтирмайман. Шу ўтирганларнинг ҳаммасига ҳам фақат яхшиликни раво кўрадиган, беғараз дўстман! — деди.

Унинг бу гапларини ёш бўлис Дутбой қувватлаб кетди.

— Баракалла, гапнинг тўғриси шу. Қунакенгнинг кенжаси, Ирғизбойларнинг ҳаммасига бошпана бўлган катта чанғароқ — даргоҳ сенинг бошингда турганда, сенинг шуни дейишингнинг ўзи катта гап! — деди.

Унинг гапи Сибон мирзаси Жумақон, Керей бўлиси Тўйсари, Шоғон бўлиси Мўлдабойга ма'қул тушиб:

— Тўғри айтаётир, асли гап шу да!— дейишди.

— Фақат Тўбуқтигина эмас, бу даргоҳ ҳаммамизнинг ўртамиздаги даргоҳ,— дейишди.

— Аргин, Найман, Уоқ, Керей — тўрт шер бош қўшибмиз. Бекорга йиғилиб ўтирганимиз йўқ бу ерда. Успон мирза қилаётган иззат-икромингдан ҳам, гапингдан ҳам хурсанд бўлдик! — деди Тўйсари охирида.

Успон меҳмонлар ўзига нисбатан қандай фикрда эканини билиб олгандан кейин, Бойкўкшега яна бир кўз ташлаб қўйиб:

— Мана, билармон бўлсанг, яхши ният—ярим мол деб, яхшилар олдида яхши гаплардан гапириб хурсанд қилар десам, бу нима қилганинг худо кўтаргур! — деб, жеркиб, Бойкўкшедан қаттиқ хафа бўлганини билдирди. Мезбоннинг авзойи ўзгаргандан кейин, кўп ўтирмай Бойкўкше, Шаке, Боймағамбетлар ҳам Абайни излаб бирин-сирин сурғилиб эшикка чиқиб кетишди.

Абай ўша кунни кечқурун Лосовский блан кўришгани келганда, улуғларнинг уйига беҳисоб шам'лар ёқилиб, кечки чой учун нози-не'матлар тўла дастурхон ёзилаётган эди. Қизил юзлари, оқ пешонаси саҳро қуёшида бироз қорайиб қолган Лосовский Абай кириши блан ўрнидан туриб, эски танишдек қарши олди. Иккови ҳам бир-бирининг қўлини қаттиқ қисиб кўришиб бўлганларидан кейин, Лосовский ёлғиз келган меҳмонини ўз ёнига ўтқазди. Уйда ўзи қараб ўтирган бир иш ҳақида Абайга ҳам гапирди. Баланд столнинг четида Лосовский текшираётган бир тўп қоғоз турган экан. Кўпчилик халқ номидан берилган аризалар. Маҳкама тилида «Приговор» деб аталадиган қоғозлар бўлса керак.

Бу «Приговор» устида бугун Лосовский ўзи тергов олиб борган экан. Мана шу қоғозларга қўйилган қўллар, босилган муҳирларнинг ҳаммаси ёлғон «подлог» эканини Абайга ҳам айтди. Абай: «Бу кимдан тушган? Нима тўғрисида берилган экан?» деб сўради.

— Келганингиз яхши бўлди, Ибрагим Қунанбоевич. Бу аризаларни Муқир бўлисининг одамларидан ёш бир қирғиз ёзган. Кундузи ўзини ҳам кўрдим. Шу ерга йиғилган Тўбуқти бўлисларидан Дағанди, Қондигатай, Энгирскей бўлисларидан ўша йигитнинг кўз олдида сўраб, аризининг ясама эканлигини аниқлаб олдим. «Приговор» мана шу с'езд бўлаётган Болқибек ҳақида берилган. Ариза беручи бу «Приговор»ни Семипалатинскга, «Его пре-

восходительство губернатор»нинг маҳкамасига берипти. Аризасида: «Сибон, Тўбуқти, Керейнинг бор бўлислари ўз розиликларини билдириб, Болқибек қадим замонда Муқир бўлисидаги Жонотой ўғлига қарашли ер эди. Энди Болқибек ариза беручига — Жонотой ўғли Кўкбойнинг ихтиёрига топширилса экан» деб, қўл қўйишипти. Бугун келганимдан буён текшираётирман. Бошқа бўлислар уёқда турсин, Муқир элининг ўз бўлиси Дутбой Олатоев ҳам: «Мен бундай приговорга муқир босган эмасман» дейди. Мана, бизнинг маҳкама саҳро ҳаётини билмайди, аҳмоқона ишларгача борадиган, беҳисоб хатоликлар қилади, дейишади. Бунга ким айбли? Мана шундай ишлар айбли-да. Ҳали ёлғон онт ичишади, ҳали ёлғон чақиқ юборишади, ҳали шу сингари приговор блан ўғриларни ҳимоя қилишади... Тугоқиб кетасан киши!.. Мен ўша арз берган муттаҳамни чақиртирдим. Ҳали келади.— Мана буни кўринг!— деб уезд приговор ёзилган қоғозларни ағдариб, бирнеча еридаги босилган муқирларни кўрсатди.

— Мана бу печатьлар ҳали айтилган беш-олти волостнинг управительлари босган печать дейди ариза беручи. Ҳақиқатда — фақат ўз старшинининг печати. Аниқ тупмасин деб жўрттага сиёҳни чаплаштириб босилган. Бу катта жиноят! Қабиҳ жиноят! Яна бу ишларни бир ёшгина йигит қилаяпти!— деди.

Лосовский, олдида хизмат қилиб турган оқ мўйловли, қадди букилган стражникка:

— Айт, чой олиб келишсин. Ибрагим Қунанбоевич менинг меҳмоним, ўтириб чой ичайлик!— деди.

Ўязнинг уйига Абайдан бошқа ҳечким кирмаган эди. Ҳали кундузи Успоннинг уйида зиёфатда бўлган бўлисларнинг ҳаммаси ҳозир мана шу туташтириб тикилган уйнинг эшиги олдида юришарди. Ба'зилар онда-сондочилган эшикдан ёки эшикнинг тирқишидан мўралашиб, Абайнинг тўрда, ўязнинг ёнида ўтириб аризаларни биргача титкилашаётганини кўришарди. Эшикда ба'зилар хурсанд бўлиб, ба'зиларнинг ҳаваси келиб, яна ба'зилар хасад қилишиб, шивирлашиб юришарди. Эшикдан стражник чиқиб: «Чой, чой келтир!» деб, буйруқ қилганда, бўлислар аввалгидан ҳам ҳайрон бўлишди.

— Чойни Абай учун буюраётир!

— Ўязнинг Абайни меҳмон қилаётир!

— Бу сиёз, Тўбуқтининг айтгани-айтган, дегани-деган сиёз бўлади!— деб қўйишди.

Шупингдек, эртага бўлислар ўртасида бўладиган жанжал-тортишувларнинг оқибати нима блан тугашини ҳам ўйлаб қўйишарди.

— Абай, ўязнинг оғзини пишиқлаб қўйгандан кейин, Қунанбой болаларига бас келиб бўладими? — деб, умид-сизланаётганлар ҳам бор эди.

Бугун тушдан кейин Ўспоннинг уйида кўк қашқани еб, дўстлик, тотувлик блан фотиҳа қилишиб тарқалишганда, Сибоннинг устуларидан Жумақон, Керей бўлиси Тўйсари ва Шаған бўлиси Мўлдабой ҳам, Бойкўкше айтган ҳалиги гапнинг алами чиқмай сўзлашиб кетишаётган эди. Жумақон ёнидаги ҳамроҳларига:

— Бу оқиннинг гапи эмас, унга уқдириб ўтирган Абайнинг гапи. Бу нима қилгани! Кўк қашқа сўйиб, зиёфатга чақириб оғзини тиёлмайдиган тентагини алжитгани нимаси? — деди.

Тўйсари блан Мўлдабой ҳам бирга қайтиб келаётиб, шу ҳақда сўзлашганларида, Тўйсари:

— Мўлдабой дейман, бу Абайнинг нега бундай қилди ўзи? Бизни оқинига талатиб, айтадиганини айтиб олдида, яна ўзи чиқди кетди. Бу нима демоқчи? — деб сўради.

Мўлдабой:

— Нима демоқчи бўлганини қаёқдан биламан. Бу кунда Қунанбой болалари босар-турарини билмай кетган-ку! Тагида бирор гап борми ёки мени кўриб қўй деганими? Бўлислик ёмон бўлса, Қунанбойнинг уч бирдек бўрибаччаси нега бўлис бўлипти? Қишин-ёзин шаҳарда сарғайиб ётиб, улуғлар блан оғиз бурун ўпишиб юрган Абайнинг ўзи нега оға-иниларининг ҳаммасини бир бошдан бўлис қилипти? Шунчаки ўзини унутиш, ҳаддан ошиш-да!— деб қўйди.

Шу хилда Абайни ёзғириб келаётган бўлислар, ҳозир Ўяз уйининг атрофида айланиб юриб дам Абайнинг улуғ олдидаги обрўйига хасад қилар, дам кўнглидан: «Асли Абайни қўлга олиб, у блан яхшиликча келишиш керак экан» деган гапни ўтказарди.

Абай блан Лосовский чой устида суҳбатлашиб ўтиришаркан, сиёзга алоқадор гапларни гапиришмади. Чунки, Абай гап бошлаши бланоқ:

— Ваше высочоблагородие, мен бу ерга фақат сиёзни кўриб кетай деб келдим. Бутунлай холис одамман. Аммо

бечора жотоқ овуллар ба'зи зўравон овуллардан жабр-зулм кўрган экан. Шуларнинг ишига бироз кўмаклашарман, деган умидда келган эдим. Агар улар ўз ҳақини ололмаса, ҳаммасининг номидан сизга ўзим илтимос қиларман. Ҳозир уни ҳам айтмайман. Фақат сиз блан дийдор кўришиб, шаҳар янгиликларини эшитай дедим. Яна ўзимизнинг танишларимиз, дўстларимиз бўлган Евгений Петрович блан адвокат Андреевичнинг ҳоли-аҳволини, саломатлигини билиб келай, деб келдим!— деди.

— Яхши қилгансиз, жуда яхши қилибсиз-да! Ибрагим Қунанбоевич! Сиз менинг ҳам саҳродаги эркин сўзлашадиган бирдан-бир ҳамсуҳбатимсиз!— деб, Лосовский Абай блан бирқанча бошқа масалалар устида сўзлашиб кетди. У Абай ўқиётган китоблар ҳақида, Петербург журналлари, газеталари ҳақида ўзи айтгандек эркин, ёзилиб суҳбатлашиб ўтирди.

Эшикдан кириб келган урядник буларнинг суҳбатини бўлиб қўйди. Қилич таққан қипқизил кулча юзли, семиз урядник:

— Ваше высокоблагородие! Жонотоев келди, олиб киришга ижозат этиладими? — деди.

— Олиб кир! — деб, буйруқ қилди Лосовский. Иккинчи уйда турган баланд бўйли, кенг яғринли, қушбурун, қоратўридан келган ёш йигитни семиз урядник уйга олиб кирди. Кўзлари катта-катта, пешонаси кенг бу ёш йигит жаранглаган товуш блан аввало Ўязга:

— Здрасти, ваше благородие! — деб, рус тилида салом берди, кейин ўйчан кўзлари ялт этиб Абайга қараб:

— Ассалому алайкум, Абай оға! — деб, ўнг қўлини кўксига қўйиб та'зим қилди.

Абай унинг авзойини кўргандан кейин, ҳалиги сохта аризаларнинг эгаси Кўкбой Жонотой ўғли шу эканлигини фаҳмлади.

Уйга бирга кирган тилмоч Кўкбойнинг ёнида турган эди. Лосовский ўша тилмоч орқали Кўкбойдан жавоб олабошлади. Унинг ёши йигирмада экан. Семей шаҳарида Камоли ҳазрат мадрасида кўп йиллардан буён ўқиб юрган муллавачча экан. Ўзи Кўкше уруғидан бўлиб, яна Муқир элининг бўлиси Дутбойга ҳешлиги ҳам бор экан.

— Жонотоев беш элнинг управительлари сен берган приговорнинг қалбаки эканлигини тасдиқлашди. Ўз қариндошинг, ўз элининг бўлиси Дутбой Олотоев ҳам: «Бу қалбаки, подлог ариза» деб, гувоҳлик берди. Сен

Ўзинг мусулмон мадрасасида, инobatлик устознинг қўлида тарбия кўраётган одам экансан. Ешгина йигитсан. Ҳозирдан бошлаб мана шундай ёлғончилик, хиёнаткорлик ва жиноий ишларга уринсанг, кейинчалик қандай одам бўласан? Мен сендан қаттиқ ғазабланаётирман. Сен оддий нодонлардан эмассан. Билмай қилган ёвузликнинг ярим гуноҳи кечирилса, билиб туриб қилинган ёвузликнинг жазоси икки ҳисса ортиқ бўлиши керак. Хўш, бунга нима дейсан? — деди.

Кўкбой гап бошлашдан олдин ашулачиларга ўхшаб, кироат блан томоғини қириб қўйди. Абай бу йигитни энди эслади. У муллабачча бўлишдан ташқари, бундан тўртбеш йил аввал халқ ўртасида анча кўзга кўринган ўланчи ҳам эди. Абай энди яхши таниди. Ичида унинг қилган ишидан ғазабланиб ўтирган бўлса ҳам, жазоланишига кўнгли бўлмай қолди. Кўкбой томоғини қириб қўйганича, дам Абайга, дам ўзга кўз ташлаб турарди. Гап бошлашдан олдин хижолат ичида қилқизариб кетди. Кейин тўсатдан рангги ўчиб, оқариб кетганича гапини бошлаб юборди.

— Тақсир! Қилган ишим жиноят. Бош тортмайман. Лекин нима мажбур қилди? Фақат шунинг ўзини билсангиз, ундан кейин ҳарқанча жазо берилса жафо демайман. Аксинча, қилмишимга яраша кўргулигим дейман,— деди.

— Хўш, нима мажбур қилди?

— Йўқчилик, муҳтожлик мажбур қилди, Ваше благородие! Мен Кўкше деган отанинг авлодиман. Бир томонимда Мамай — бепоён ер уники. Иккинчи томонимда — Улжай, мана бу яйлоптаги бор ер буники. Бизлар бўлсак, юзларча овул, тилдаккина битта сув—Боқоноснинг бўйида ўтирамиз, игна санчгудек ер йўқ. Болқибек бўлса, йироқдаги Сибондан ҳам, Керейдан ҳам, ўзга Тўбуқтилардан ҳам бизнинг еримизга яқин, туташиб кетган. Чакирса эшитиладиган жой. Катта бир сув, бепоён ўлка мудом бўш туради. Ҳечкимнинг дахли бўлмаган ер. Бу ишларни йўқчилик, муҳтожликдан, яна Болқибек доим бўш ётишидан қилдим. Приговорим — ясама. Қайси бўлис менга муҳрини берай деб турипти. Улар берганга беради. Қуда-анда, ёру дўст бўлсам беради. Мен на қуда-андаю, на ёру дўстман. Розилик бермайдилар. Сиртдан ясама приговор ясаб юборганим рост. Ҳақиқат шу. Гапларимнинг тўғри эканлигини мана шу ёнингизда ўтирган Абай оғам, иншоолло, ёлғон демас. Гувоҳликни шу киши-

нинг ўзларидан сўранг. Кейин қандай ҳукм чиқариб, қандай жазо берсангиз ҳам розиман, гуноҳимдан тонмайман, Мана бош, олсанг тандан жудо бўлар, олмасанг фидо бўлар! — деб, салмоқли ва ғоят ёқимли товуш блан арзини тамом этди.

Тилмоч гапни қанчалик тўғри етказишга диққат қилиб турган Абайга Кўкбойнинг ўтдек жасурлиги, айниқса ёқимли, ширалик товуши жуда ма'қул бўлди. Энди бирор жазога муносиб кўргиси келмай қолди. Агар улуғ чиндан ҳам жазо берадиган бўлса, Абай ўртага тушиб Кўкбойни ажратиб олишга аҳд қилиб ўтирган эди.

Лосовский арз қилучиларни кўп кўрган. Яна қозоқ халқининг фе'ли-атвори ва одатларига зеҳн солиб юриб, анча кўзи пишиб қолган одам эди. Унга жиноятчи йигит негадир ёқиб қолди. Ҳозир Абайнинг кўнглида қандай ҳислар пайдо бўлаётганини ҳам фаҳмилади. Шунинг учун Абайга қараб мулоиймлик блан:

— Ибрагим Қунанбоевич! Жанатаев подлог ҳужжат ясашнигина билмай, ўз ишига ўзи оқловчи, адвокат бўлишни ҳам билади шекилли? Унинг сўнгги гаплари шу жиноятнинг ҳақиқий сабаби бўлиши мумкинми, сизнинг фикрингиз қалай? — деб сўради.

Гапнинг бу томонга айланиши Абай учун айни муддао бўлиб тушди. Чунки, қонуний тергов устида қандай қилиб гапга аралашишни билмай, гангиб ўтирган эди. Энди шу гапдан фойдаланиб, астагина кулиб қўйди. Улуғнинг юзига қаради-да:

— Жонотоевнинг приговори ясама бўлса ҳам, кўрсатган сабаблари, келтирган далилларининг ҳаммаси тўғри, ҳақиқат. Ишонч блан гувоҳ бўлаоламан, Ваше благородие! — деди.

— Аммо Жонотоевнинг ўша ҳақиқатни айтиб қўяқолмай, жиноят қилиши тўғрими?

— Албатта, Ваше благородие, тўғри эмас.

— Шу сингари ёшгина одам ҳалитдан ёмонликка юз тутса, жиноятга ўрганса, келажакда ким бўлади?

— Албатта, келажаги аянч. Билим, тарбия олиб чиқиб, бор кучини ёмонликка сарф қилса, нодон ёвузларга қараганда, халқ учун бирнеча ҳисса зиёнли ёвуз бўлади.

— Тўғри айтаяпсиз, жуда тўғри айтаяпсиз, Ибрагим Қунанбоевич. Демак, шундай экан, бу йигит келтирадиган зарардан халқни қўриқлаш учун ҳам унга жазо бериш керак-да!

— Жазо бериш керак, албатта. Бу йигит ҳарқанча жазони шу ерда, сизнинг олдингизда туриб тортаётганга ўхшайди. Зотан, жазо фақат авахтага қамаш эмас-ку. Виждон азоби — бутун жазолардан оғир жазо. Ўзига етарли жазосини — ўғирлик қилган қўлидан сиз ушлаб олган вақтда ҳам сезмайди деёлмайман. Агар очиб кўрсангиз, ичи номусдан ўртаниб бораётгандир деб ўйлайман.

Лосовский бу гапга кулди-да, гўё гуноҳини ўтгандек, мулойимгина жилмайиб Кўкбойнинг юзига қараб қўйди. Сўнг Абайга:

— Ибрагим Қунанбоевич! Сиз Жонотоевнинг шундай уялганига ишонч блан баҳо бераяпсиз. Менинг фикримча, бу блан сиз йигитни кафилга олишга хоҳиш билдираяпсиз. Дуруст тушунибманми, қани, тўғриси айтингчи! — деб, кулиб юборди.

Абайнинг юзига зўр умид блан қараб турган Кўкбой ҳам қипқизариб кетди-да, севинганидан кулиб юборди. Абайга қараб қозоқчалаб:

— Абай оға! Қасам'ёд қиламан деган гап, мард йигитнинг оғзидан кам чиқадиган гап. Номард бўлмасман, мард бўларман дер эдим! Ҳалиги гапингизни чала-ярим тушуниб турибман. Ўртага тушиб, шу номусдан қутқариб олсангиз, шу ўртанганимнинг ўзи етарлик бўлди. Бундан кейин самимий дўст бўлиб, ёнингизда бирга ўларман, шу гапимга ишонинг! — деди.

Абай Кўкбойнинг юзига тикилиб туриб, раҳми келди. Унинг нақадар сўзга усталигига қизиқиб қараб турарди. Кўкбой сўзини тамом қилиши блан энди ялт этиб Лосовскийга қаради-да:

— Ваше высокоблагородие, бу йигит менга ва'да бериб, онт ичди. Мени кафил дедингиз-ку. Кафил бўлишга таваккал қилдим. Жонотоевнинг қилган гуноҳидан шу гал ўтинг, менга кафилга беринг! — деди.

Лосовский жиддийлик блан Кўкбойга қаради-да, салмоқлаб гап бошлади.

— Жонотоев! Сен яхшиликка, тўғри йўлга юзлансанг, қўлидан яхши иш келадиган одам бўларсан. Энди сен тўғри йўлдан озма. Азамат бўл. Мана бу Ибрагим Қунанбоевичнинг гапидан, маслаҳатидан четга чиқма. Мен сени кафилга бердим. Орли, номусли одамнинг кафиллигига бердим. Ор-номусинг бўлса, бундан кейин устинга шу сингари жиноят тушмасин! — деди. Шу кунга қадар қўлида ётган, Кўкбойни қоралайдиган бир даста қоғозни —

кучли далилларни икки букиб, ўртасидан йиртди-да, стол ёнидаги пастгина саватга улоқтириб юборди.

Абай шу кеча Лосовский блан бўлган узоқ суҳбатдан кейин, хайрлашиб эшикка чиққанида, бояги юрган бўлислар ҳалигача тарқалмаган экан. Уларнинг орасида Кўкбой ҳам бор эди. У:

— Абай мени ўтдан суғуриб олди. Ажалнинг чангалидан олиб қолди. Барака топкур, Абай оға, бу яхшилигининг ўла ўлгунимча унутмайман!— деб, тинмай олқиш айтиб юрган экан.

Абай Кўкбойни олиб Успоннинг уйига қараб кетди. Орқасидан қараб қолган бўлислар, Абайнинг улуғ олдидаги обрўйи, э'тибори баланд эканини гапиришганча қолишди. «Оббо, уни авахтадан, ҳайдалиб кетаётган еридан, дамига тортай деб турган улуғнинг қўлидан юлиб олди-я! Бунга асти даво йўқ!» дейишарди. Абай блан улуғнинг дўстлиги ҳақида яна кўланкага қараб тўн бичишар, кеча тонг отгунча турли-туман афсоналар тўқишар, Болқибекдаги юзлаб уйларнинг ҳаммасига дув-дув гап тарқатишарди.

2

Эртаси сиёзга йиғилган кўп элларнинг бўлис ва бийларини қаттиқ ҳаяжонга солиб, зўр ташвишга қўйган кун бўлди.

— Икки дуон бош қўшди. Икки Ўязинг келиб ўтирипти. Ким бўлади?!

— Бош бий ким бўлади?

— Уни ким сайлайди?

— Ўязлар элнинг ўзига ҳавола қилган эмиш.

— Яхшилар бирлашиб, кимни манзур кўришар экан?

— Бош бий қайси элдан сайланса, иликнинг ёғлик томони ўша элники десангчи!

— Тўбуқтидан бўладими? Сибон, Керей, Уоқлардан бўладими? Кимнинг пешонаси ярқираб турган экан?

— Тўрт шер бош қўшганда, Арғин оға эмасми? Бу катта мансаб, Тўбуқтидан ўтиб бошқага тегмас,— дейётганлар ҳам бор эди. Мансаб талаш, бахт талашнинг нафаси сиёзга келган мансабдорлар, старшин, элликбошилар, чопарлар, хизматкорлар, хушомадгўйлар орасида лов-лов кўтарилаётган эди.

Успоннинг уйида ётган Абайлар кеч туриб, шошмасдан отга миниб, тушга яқин улуғларнинг уйига томон ке-

лишди. Булар — сиёзга келган улуғлар ҳам эмас, арз, да'вога келганлар ҳам эмас, ўз ҳолича: «Сиёзда нима гаплар бўлар экан?» деб, келган холис одамлар. Ҳозир булар ҳам ўнтадан ошиқ салт отлиқ бўлиб айланиб юришипти. Уртада Абай блан Аслбек, уларнинг ёнида Эрбўл, Шаке, Бойкўкшелар бор. Яна кеча кечаси Абай блан улуғ олдида тасодифан учрашиб танишган янги йўлдоши, Кўкбой ҳам бор. Ақлбойга ўхшаш ёшлар ҳам келишаётган эди.

Абай, ёнидаги Бойкўкше, Эрбўл, Аслбекларга, улуғларнинг уйи атрофида халлос уриб юрган бўлис ва тилмочларни кўрсатиб, ҳажвий ўлан айтиб келаётир. Кеча кечқурундан буён Лосовскийнинг бўсағасидан мўралаб, эшигининг олдидан нари кетолмай юрган ўз жигарлари блан ўзга эллардан чиққан бўлислар тонг отгунча Абайнинг хаёлидан нари кетмаган эди. Битта-яримтанинг оғзидан: «Такежон бўлис», «Мўлдабой бўлис», «Исҳоқ бўлис» деган гап чиқди дегунча, Абай ўзини тутолмай кулаварарди. Ҳозир ҳам улуғларнинг уйи атрофида куйиб-пишиб пилдираб юрганларни кўрганида, кечадан бери хаёлидан нари кетмай турган бир аччиқ ҳажв, ҳозир кулгили ше'р мисра'ларига айланиб:

Чопар келди типирлаб:
«Ўяз чиқди, сиёз бор...»
«Улов!» деб, «Ўй!» деб дикирлаб,
Шошиб қолдим, кун тигиз,
Кетди юрак гупиллаб...

деб, қамчиси блан ўязларнинг уйи томонга ишора қилганда, Бойкўкше, Кўкбой, Эрбўллар хандон ташлаб кулиб юборишди.

— Яна, яна! Давомини, давомини айт, келиб турипти-ку!— деб, Бойкўкше қўнғир қашқа отини ниқталаб келиб, Абайнинг қаторига ўтиб олди.

Ғайратланиб халқимга
Сўз айтаман кўпириб,
«Худо хоҳласа шу гал
Оқлайин юртим сутин» деб,
Ғайратли, гамхўр каби,
Жабдуғимни бутунлаб,
Хилват жойда Ўязга
Мақтамайман элимни.
Ўз элимга айтаман:
«Берганим йўқ», деб, «белимни». —

деди. Абайнинг ўзи ҳам кечадан буён кулгисини қиста-таётган гап бугун тўсатдан ше'рга айланиб чиқабошлаганига севишганидан хохолаб кулиб юборди.

Кўкбой Абайнинг оқин эканини илгари эшитмаган эди. Ўзи ҳам ўланни кўп севар, енгил-енгил кулгили ўланларини тўқиб юарди. Абайнинг ҳалиги ўткир ҳажвига қизиқиб, ширалик, жаранглаган овози блан куйлаб, бир-икки оғиз қўшимча қилиб қўйди:

— Қўйма! қўйиб ҳар ерга,
Яширганман сиримни.
Евлашгучи зотлардан
Аямайман тигимни!

Абай кулиб, Кўкбойга қаради. Бор гавдаси блан тўсатдан бурилиб:

— Ийе, Кўкбой, сен фақат ўланчи эмас, оқин ҳам экансан-ку. Бу жуда яхши!— деди.

Кўкбой ҳам ҳазил қилиб, кулиб жавоб берди.

— Абай ога, сизнинг оқинлигингизни мен эндигина билиб олқишлаётганим-да, бу! — деди. Ёшларнинг ҳаммаси Абайга қизиқиб қарашар, «яна айтса экан» дейишиб, унга яқинлашиб, диққат блан қулоқ солиб келишар-ётган эди.

Лекин гап шу ерга етганда, уларнинг тўпи улуғларнинг уйига яқинлашиб қолди. Шу вақтда кимнингдир бор овози блан Абайларни чақиргани эшитилди. Отлиқлар алаң-жалаң бўлиб, атрофга қарашган эди, яқингина ерда довра олиб ўтирган бир тўп одам кўринди. Уларнинг ўртасида ўрнидан туриб, бошидаги енгил қора тумоғини қўлига олиб, Абайларга қараб силкиб чақираётган Такежон экан. Отлиқлар қайрилиб, ўша довра олиб ўтирганларнинг ёнига келиб салом бериб сўрашабошлашди.

Такежон типпатик турганича:

— Абай, Аслбек икковнинг отларни анави йигитларга бериб, ўзларинг шу ерда қолинглар. Мана бу Тўбуқтининг катталари бир масала устида сенларнинг фикрингни билмоқчи бўлиб ўтирипти!— деди.

Абай индамай бироз ўйланиб қолиб:

— Асл ога! — деб, Аслбекка қараган эди, у отдан тушаётган экан. Абай ҳам отдан тушди. Буларнинг отини олиб кетган ҳамроҳлари ўтирган одамлардан четлаб ўтиб кетишди.

¹ Қўй ма — хазина ма'носида. — *Ред.*

Абай даврадаги одамлар қаторига кириб, Аслбек блан ёнма-ён ўтириб олгач, ҳаммага бир-бир назар ташлаб, бир қанча одам блан алоҳида-алоҳида сўрашиб чиқди.

Тўбуқтининг бутун катталари шу ерга йиғилганга ўхшайди. Бўлислардан: Мўлдабой, Дутбой ва Қунанбойнинг ўғиллари ҳозир у нозир эди. Ота-отадан чиққан мансабдорлардан: беш старшин Соқ Тўғолоқдан, мажлис боши Бойғулоқ ҳам шу ерда. Еши Абайлар қатори, мажлису маслаҳатлардан қолмайдиган сўзамол, пичингчи Аброли ҳам шу ерда. Котибақдан — Жиренше, Бўкеншидан — Кунту. Эсбўлатдан — бир кўзли, узун қопқора сийрак соқолли, кўзи ичига ботган, даҳани туртиб чиққан Ўрозбой. Мўлдабойнинг атрофида: Бурақон, Адил сингари бирнеча семиз, гавдали кишилар, — қизил сариқдан келган қўй кўзли Мўтишлар бор. Мамайдан — Асозбой, Мирза Бедейдан — босқинчи баримтачиларнинг бошлиғи Дуйсен бор эди.

Бу ўтирганларнинг ичида ўзларининг шу ерда бўлишлари блан Абайни ҳайратда қолдирган иккита Жигитек мансабдори — Бейсемби блан Абдилда ҳам бор эди. Улар бир чеккада, ҳечкимнинг яхши-ёмон гапига аралашмай, лоқайдлик блан ҳўмрайишиб, қадрларини букканларича тескари қараб ўтиришарди. Гўё улар учун бу мажлис аҳли ҳам, уларнинг гап-сўзлари ҳам йўқдек. Фақат нома'лум бир сир туфайли, ноиложликдан келишган. Бозоралини ҳайдатиб юборган ўзга Тўбуқтиларнинг ҳаммасидан юз ўгирган одамлардек ўтиришарди.

Бозорали масаласида дарди ичида юрган Абай бугун Ўяз блан учрашганида, ўша тўғрида яхшилаб сўзлашмоқчи эди. Енига жигитеклардан бир-икки кишини олиб, уларни Бозоралининг йўқловчилари сифатида бошлаб бормоқчи эди. Бирга олиб боришга мўлжаллаган одамнинг биттаси мана шу Бейсемби эди. Уни бу кунларда халқ: «Жигитекнинг устун, э'тиборли бошлиғи» деб, гапиришарди. Иккинчисига — асти яғрини ерга тегмайдиган, айёр чапдаст Абдилдани олишга қарор қилган эди.

«Кечагина шерини бадарға қилиб юборган шафқатсиз душманларнинг ичида буларга нима бор экан, шумшайиб нима қилиб ўтиришипти?» деб Абайнинг энсаси қотиб, бир назар ташлади-да, яна қайтиб қарамай қўяқолди. Бойғулоқ гап бошлади.

— Қардошлар! Қун синайди, бақувват бел чидайди. Шукур, мажол етмайдиган довонга интилиб ҳасратда

ўтирганимиз йўқ. Тўбуқтининг бақувват тўпи бўлиб ўтирибмиз. Тўрт шерининг авлоди заминингга келиб тўпланди. Ойга қўл узатсак ҳам етади. Уртамызга «Бош бий» деган бир улўғ насиба ташланди. Арғин оға деб, қолган уч шер ўзидан ўтиб бу мансабни бизга берди. «Ўғил туғилса, отасидек бўлса» деган гап бор. Мана бу Такежон, Исҳоқ, Шуборларга раҳмат айтаман. Уччови ўзга бўлислар ўртасидан: «Бу мартабани талашма» деб, ўзимизнинг ўртамызга ташлади. Эртага ўша бош бий олдиға олис-яқиннинг, қиядаги қийиннинг чигал тугунларини ечиш келади. Эл олдида обрўли, гапи э'тиборли бир одамнинг номини аҳиллик блан бамаслаҳат кўрсатиш керак. Уни мана бу икки ўязнинг тасдиғидан ўтказиб чиқиш керак. Элнинг шохи синиб, эрнинг фазилати емирилмасин. Қани, «омин» деб бир яхшининг номини атаб бер. Чироғим Абай, сени чақиртирганимизнинг сабаби, улўғ сен айтган гапни э'тиборға олади. Шу ўтирганларга манзур бўлган одамни ўзинг ҳам қувватлаб, ўша кўнгли яқин улўғингга бориб айтгин! — деди.

Ўтирганларнинг дами ичига тушиб кетиб, ўртаға сукунат чўкди. Абай уларнинг бу кайфиятидан ичида юз турли тугун борлигини сизди. Ҳасад ичида юз хил хаёлларға бориб, турли алфозға тушаётганликларини кўриб турарди. Истеҳзо блан пиқ этиб кулди-да, товушини барала қўйиб гап бошлади:

— Хўш, қардошлар! Сизға шундай даража берилганиға қувонганингиз чин бўлса, нега энди дамнингиз ичингизға тушиб, хаёл суриб қолдингиз? Мўлжалингиздаги кишини нега шартта-шартта кўрсатиб қўяқолмайсиз! Ёки чиройимдир чиним, нурлидир куним, бирлигим мустаҳкам, деган гапларни тилингизнинг учида айтаётирсизми? Лабингиз зўрға қимирлаб, томоғингизға иккиланиш тиқилиб қолдими? Нега чурқ этмайсиз? — деди.

У тумоғини олиб, қўлини биқинига тираб, бошини кўтарди-да, қовоғини солганча ўтирганларға бир қур қараб чиқди. Кўпчиликка Абай ҳозирги кўриниши блан бу ерда ўтирганларнинг ҳаммасидан устундек кўринди. Тили ҳам тутилмай, бемалол, ботил гапиргандек туюлди.

Ўтирганларнинг аксарияти Тўбуқтининг ҳозирги ёш бўғин, ўрта бўғинидан чиққан ўспиринлар — Урозбой, Жиренше, Кунту, Аброли, Мўлдабой сингарилар. Булар гапға, илмға, йўл-йўриқ билишға қолганда Абайни ўзларидан ўқ бўйи ўзиқ кўришарди. Орқасидан ҳасад қи-

лишса ҳам, бу ҳолни ҳамиша сезиб туришарди. Абай, ҳалигидай кесатиб гапирадиган бўлса, мана шу мансабдорларнинг деярлик ҳаммаси дамини чиқармай, писиб қолишарди. Ёрилиб бир нарса деяолмай, мудом: «Буёнинг тагида нима гап бор? қандай ҳийла ишлатмоқчи? Бирор ҳаромлик йўқми?» деб, чурқ этмай ўтираверишарди. Улар ҳозир ҳам индамай ўтиришган эди. Абай уларнинг шу зайл ўтиришидан фойдаланиб, тўсатдан кўнглига келган бир фикрни амалга оширмоқчи бўлди.

— Дуруст, яхшилар. Ўтган иш — ўтди, энди тўғриси-ни айтаверамиз-да. Бош бийлик эр азамат учун ша'ни-шавкатгина эмас, катта бир синов. «Тўбуқтининг обрўйи» деяпсизлар-ку. Сизнинг мақсадингиз ўша обрўйни туширмаслик. Лекин қўл остингизда бўлган халқнинг тилаги ундагина эмас. Турган гап. Бош бийнинг олдига жанжал сурон кўтариб сизлар келмайсиз. Бу бийнинг олдига кўпнинг иши келади. Зўрлик, хўрлик кўрган, ўз ҳақиқага эга бўлолмаган кўпнинг иши кўлдек қалқиб келади. Камбағал, қашшоқлар, кўз ёши оққанлар, бировларга емиш бўлганлар келади. Етим-есир, бева-бечораларнинг ҳақи, ҳалол пули, хизмат музди, пешона тери, кўз ёшлари, охи-зори келади. Эл блан эл ўртасидаги гапларни олсангиз Сибон — Тўбуқти, Тўбуқти — Керей, Тўбуқти — Уоқ ўртасида озмунча шов-шувлар бўлаётирми! Мана шу Тўбуқти бир отанинг ўғлиман дегани блан ўз ичида хилма-хил дарди-аламлар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фалокатлар озми? Мен бош бийликда, аввало мана шундай сир, мана шундай оғир синов борлигини тушунган одамни чин одам дер эдим! Шу гапларни бурчим деб биладиган одам борми? Халқим деган одам, «менинг қонуним — адолат ва ҳалоллик» деган одам бош бий бўлади. Сиз номзод кўрсатмадингиз-ку. Лекин очиб айтганнинг айби йўқ. Мана бу ўтирган Тўбуқтилар ичида бахти-саодатнинг боши Ирғизбой. Қолаверса, мана Қунанбойнинг авлодлари бор-ку. «Ўшаларнинг биттасига лойиқ» дейдиган хушомадгўйлар ҳам йўқ эмас. Мен ўша Ирғизбойларнинг биттаси бўлсам, бош бийликка буларнинг ичидан бирортасини кўрсатмайман. Лекин кўрсатадиган одамим бу ерда топилмайди ҳам демайман. Қардошларга обрўй, олқиш олиб бермаса, ла'нат айтдирмайдиган, иснод келтирмайдиган, ўзи одил, оқкўнгил бир одамнинг номини атайман. Улуғ олдига бориб ма'қуллаганда ҳам фақат ўша одамни ма'қуллайман! Шундай қилиб, мана шу Асл оғанинг номини

кўрсатаман. Бўлис ҳам эмас, бий ҳам эмас. Амалдор бўламан, деб орзу ҳам қилган эмас. Холис одам. Адолатли, халқ учун жон куйдирадиган, халққа ёқадиган одам. Менинг маслаҳатимга кирсанг, мана шу Асл оғанинг этагини ушла!— деди.

Абай сўзини тамомлаши бланоқ, Бўкеншининг ишбилармандларидан Кунту бошлиқ Жиренше, Урозбой, Абролилар бир оғиздан:

— Баракалла!

— Шундай бўлсин! Бормисан!

— Тўғри айтдинг, ортиқча гапнинг ҳожати йўқ!

— Адолатингдан розиман, Абай! — деб, унинг гапини қувватлаб кетишди.

Қолган гапларни ўшаларнинг ўзлари ҳал қилиб юборишди. Энди ўртада бошқа гап айланмай, ҳамма Абайнинг сўзини ма'қуллашга киришди. Иргизбойлардан Абайнинг гапини ма'қуллаб жавоб қилган бирорта одам бўлмади. Шунингдек, ботиниб норозилик билдирган киши ҳам бўлмади.

Ниҳоят Болқибек сиёзининг бош бийи қилиб халқ номидан Аслбекни сайлаш лойиқ топилганини Абай ўша он Лосовскийга билдирди. Ўзи ҳам шуни ма'қул кўрганини айтиб, тасдиқлатиб чиқарди.

Абай шу келишида Лосовскийга айтмоқчи бўлиб, кўнглига тугиб юрган Бозорали ҳақидаги бир чети арз, бир чети сирдек гапни қўзғаб кўрди.

Абайнинг ҳамиша Бозоралини ёқлаб, ёнини олиб юришини, унга ўзга бўлислардан бошқачароқ назар блан қарашини Лосовский ҳам биларди. Абай шу ҳақда оғиз очиши блан у гапни қисқа қилиб, ўз бўйнидан соқит қилиб қўяқолди.

— Бозорали Қавменовнинг иши ҳақида мен блан сўзлашинингизни билиб, ўзим ҳам кутиб юрган эдим. Шаҳарда Андреевич ҳам сизнинг номингиздан келиб, мендан Қавменов иши ҳақида сўраган эди. Лекин мен бу ишдан четда қолибман. Қавменовнинг иши Семипалатинск ўязининг ихтиёридан чиқиб кетган. Семиречинск, Семипалатинск областлари орасида юрган босқинчиларнинг— қочқин Уролбойнинг ишига тиркалди. Унинг бўйнига Қарқарали ўязидан ҳам кўп оғир жиноятлар қўйилипти. Анигини дўстингиз Андреевич мендан кўра батафсилроқ қилиб айтиб берар. Бу иш устидан чиқариладиган ҳукм аввал чиқарилиб тайёрлаб қўйилган экан. Қочиб юрган

Қавменовларнинг қўлга тушишигина қолган эди. Менинг билганим ана шу. Ҳукм аввало генерал губернатор маҳкамасида чиқарилган экан. Омскда корпус маҳкамаси ҳам тасдиқлаган эмиш деб эшитдим. Шунинг учун Қавменов Семипалатинскга етиши блан, бизлар бу ерга чиқиш олдидан эстап блан Омскга кетди. У одамнинг эндиги тақдири ўн беш йил каторга бўлиб, ҳал қилиб қўйилди,— деди.

Абай Бозорали ишининг шунчалик оғирлашиб кетганини даҳшат ичида ўтириб тинглади. Ранги ўчиб, авзои бузилган ҳолда бу гал Лосовский блан хайрлашмай чиқиб кетди.

Бозоралини ушлаб бериб, шафқатсизлик блан бўйнига туҳмат ортиб, приговор тузган, ҳайдатиб юборган Такежон блан Исҳоқлардан Абайнинг кўнгли муздай совиб, зардаси қайнаб чиқди.

У далада, бошини қаерга уришини, кимни излашини билмай, гангиб кетаётган эди. Фақат Бозоралининг ўтдек нурли юзини эсларди. Унинг оёқ-қўлларига солинган, шилдираб бораётган кишанлар кўз ўнгидан бир нафас нари кетмасди. У, кимлигини билмайдиган, тилига тушунмайдиган, ундаги инсоний фазилатларни англаёлмайдиган ёт жаллодлар қўлида. Маҳбуслар чакмонини қайгули гавдасига либос қилиб кетаётган ёлғиз ғариб азамат, Абайнинг кўзларидан беихтиёр ёш тўктирди... Туртки еган кишидек кўнгли ранжиб, ёшли кўзларини ерга тикканича халқнинг шовқин-суронидан холироқ томонга қараб борарди. Орқасидан тасирлаб келаётган туёқ товушларини эшитгандан кейингина эс-ҳушини йиғиштириб олди. Қараса Абайнинг Уяз олдидан қандай хабар олиб чиққанини Жиренше блан Кунту билгани келишган экан.

Абай бошини кўтариб, хиёл ўзини тутиб олди-да, Кунтуга қаради.

— Асл оғанг бош бий бўлди. Қутлуқ бўлсин! Ўзига ҳам, халққа ҳам хабар қилинглар!— деди.

— Адолатингга қойил бўлдим, Абай, ҳаминша оқ йўл берсин! Ота ўғлигина эмас, ўзинг айтгандек... ҳа деб, айтаверар эдинг-ку! — деб, Жиренше завқ қилиб кўзини қисиб қўйди-да:— ўзинг айтгандек, одам боласи бўлдинг, Абай. Таваккал, лекин ўзинг бош бий бўлмасанг ҳам тўрт шернинг бош бийини сайлаб бердинг. Ўзингнинг ҳам юқорию-қуйидагиларга тоза доврўнинг кетадиган бўлди-да. Ирғизбойларнинг бирқанча гердайганлари сендан

хафа бўлса, бўлақолсин. Сен бўлмасанг, буларинг ўзининг ким бўлишини қаёқдан биларди! Кунту Аслбек учун қувонса, мен худди сенинг учун қувондим!— деб, Абайши беихтиёр кулдириб туриб, қўлини сиқди.

Гарчи Абай, кулиб турса ҳам, ичига чироқ ёқса ёримас, ўша алам, ўша дард блан қалби парчаланиб борарди.

— Эҳ, Жиренше, бу гаплар кўнглимга сиғай деб турипти дейсанми? Бу дун'ёда озод юрган одам: «Бир кун моли дун'ё, бир кун тахти бахт, обрўй» деб, ҳалак бўлаверади. Мен ҳозир Ўязнинг уйидан, кўксимдан ўқ егандек бўлиб чиқдим. Бозорали, азизим Бозорали, қайларда юрипти десангчи! Лосовский орқали бир чораси топи-лармикин, деган умидда эдим. Мудҳиш бир хабар эшитиб чиқдим. Ўяз: «Кўлдан кетиб қолди. Иш ҳатто Семей жондаролидан ҳам ўтиб, корпусга кетипти. Ўзини Омскга ундан уёғига каторгага ҳайдаб кетипти», деб, бор умидимни барбод қилиб чиқарди-ку!— деди.

Жиреншенинг ранги қумқуйт ўчиб, серрайганича, турган жойида туриб қолди.

Абайнинг дили сиёсх бўлиб умидсизланганича, агар Лосовский ҳам ёрдам беролмаса... Ёрдам беролмайдими ёки ёрдам беришни истамайдими?.. Бозоралининг номи-ни айтар-айтмас Лосовскийнинг совуққина муомила қилганини, нари-бери ўзини четга олиб, ёрдам беришдан бош тортганини Абай эндигина англади... Тўсатдан Абай Михайловнинг: «Сиз уни бошқа бир жиддий ишда синаб кўринг, ўзининг ким эканлигини ўшанда яққол кўрсатади, қўяди!..» деган гапини эслади. Оқил дўсти жуда тўғри айтган экан-да!.. Агар ёрдам бераман деса, Лосовский катта ёрдам бериши мумкин эди-ку. Ҳеч бўлмаса бўлисларнинг ҳусумат орқасида туҳмат қилиб ёзган приговорини рад этиб, Ўролбойнинг босқинчилигига Бозоралининг ҳечқандай алоқаси йўқлигини тасдиқлаши мумкин эди-ку... Демак, соддадил Кўкбойга қилган марҳаматни Бозоралига қилиш мумкин эмас экан-да. Чунки Бозорали бўлислар, улуғлар блан ҳамкорлик қилишга ҳечқачон рози бўлмайдиган одам сифатида уларнинг душмани ҳисобланади... Евгений Петрович буни ҳам тўғри айтган экан... Ҳаётни ҳам, одамларни ҳам нақадар яхши билади-а?..— деб хаёл суриб борарди. Тўсатдан Абайнинг ён томонидан, хурсанд бўлишиб:

— Абай-ку?..

— Абайнинг ўзи-ку!

— Ҳа, мен ҳам айтдим, кечадан бери шу ерда деб излаётган эдимку?

— Бўтам Абай, қаёқда қолдинг асти?!— деб келаётганларга Абай қайрилиб қараса, ўзининг жотоқ дўстлари Даркембой блан Дандибой елиб-югуриб харсиллашиб келишаяпти. Қуми-тупроқдек бегона одамлар ичида Абайни излаб топган икки кекса чиндан ҳам қаттиқ қувониб кетган эди.

Абай кекса дўстлари блан кўритшиб бўлгандан кейин, икки дўстини эргаштириб олиб, ҳозирнинг ўзидаёқ уларнинг ишини бартараф қилиб беришга киришмоқчи бўлди. Биргалашиб келаётган Даркембойга қаради. Унинг келишган қоматига ярашган янги тўни, ўзига лойиқ тумоғини кўриб хурсанд бўлди. Эралидаги жотоқларнинг эсон-омонлигини, ҳозирги аҳволини сўради. Уяз уйларининг орқароқ томонида бир тўп одам давра олиб ўтиришган экан. Абай ўзига керак одамларнинг ўша ерда ўтиришганини узоқдан пайқади-да, ўша томонга қараб кетди.

Дандибой Даркембойга қараганда кексароқ, қотмагина, анча букчайиб қолган эди. У Абай блан Даркембойдан кейинроқда, қамчисини белига кўндаланг қилиб, икки қўлини ўшанга ортиб, бел оғриғидан майда-майда қадам ташлаб келаётган эди. Эғнида туяжуп чакмони, бошида эски тумоқ. Ажин босган бўйни блан ияги, сийрак соқоли тагидан билиниб турган сўлғун лунжи — бутун кўриниши уни Даркембойнинг отбоқарига ўхшатиб кўрсатарди.

Абайлар яқинлашиб келаётган тўда, Ирғизбой казозоларининг бошқалардан холироқ ўтирган тўдаси экан. Давра олиб ўтирганларнинг орасида қипқизил мағиздай, мош-гурунч соқолли Мойбосар ҳам бор. Унинг ёнида Такежон, Исҳоқ, Шубор, Оқберди, Ирсойларга ўхшаш Ирғизбойнинг катта-кичиклари ўтиришипти.

Абай кўринмасдан олдин уларнинг суҳбати Абай ҳақида борарди. Унинг ҳали, бош бий сайланаётганда гапирган гапини, бийликни Ирғизбой болаларига бермай, Бўкенши боласи — Аслбекка олиб берганини айтиб, гўё у бир гуноҳ иш қилгандек ёзғириб ўтиришган эди.

Бўлислар Ирғизбойлардан сайлангани учун, «Улуғ Қунанбой болалари томонида» деган гаплардан сўнгги кунларда Мойбосарнинг кўнгли тўқ эди. У ичида: «Бўлис ёшлардан бўлса, тўрт эл бир бўлиб бош бийлик мансабини Тўбуқтига ҳавола қилса, уни Ўскенбойнинг ўғли олмай

ким олади? Бу ўртага шундай мартаба келса, бош бий Ирғизбойнинг эндиги устун — мен бўлмай, ким бўлади? деб, овоза қилмаса ҳам ичида бош бийликнинг кайфини суриб юрган эди. Ўзича доимо бекорга ҳовлиқиб, йўқ ердаги хаёлларга боравера диган Мойбосар: «Шу Болқибек сиёзи, эҳтимол, менинг насибамдир. Бош бийликнинг йўли ҳам бошқа. Не-не оғир масалалар, не-не жанжаллар бор. Турган гап, буларни ҳал қилувчининг ўлжаси ҳам бошқача бўлади. Тўраликнинг тушуми ҳам чакки бўлармиди! Худо хоҳласа, шу гал уюрлаб йилқи, қўралаб қўй ҳайдаб кетиш насиб бўлса, унга нима етсин!» деган хаёлларга ҳам борарди.

Энди қараса, буларни йиғиб олиб Такежон блан Исҳоқ: «Бир катта бахт ўз оёғи блан келган эди-ку, ўзимизнинг касримиздан бўлиб, Ирғизбойга буюрмай, бошқа отанинг боласига буюрди. Ҳамма ишни қилган Абай, Абай-да!» деб ўтиришипти.

Бу хабарни эшитган Мойбосарнинг жони ҳалқумига келиб, бурнининг катакларигача қисилиб кетди.

— Абайнинг ҳаддидан ошиб, ўзи келган бахтнинг бошига тепгани нимаси? Аслбекни сийласа, ошини берсин, ўз олдидаги молини берсин. Ота ўғлига, ҳожининг обрўйига тўрт эл ҳавола қилган бийликни бизга раво кўрмай, кўчага ҳайдаб юборганини қаранг? Қардошлар блан маслаҳат қилиш ҳам йўқ. Берганда ҳам, ҳеч бўлмаса, писанда қилиб, кўзини очиб, пуллаган бўлса ҳам майли эди-я! Дарвешлардек давлатни кўчага сочгани нимаси? Отанинг обрўйини елга совургани нимаси! — деб кесатиб, вайсаб кетди.

Такежонлар ўзларига ёқмайдиган бу хабарни чўзиб ўтиришмасдан, қисқагина айтиб қўяқолишди.

Ирсой, Оқбердилар ҳам Мойбосарнинг гапини қувватлаб, Абайни кесатиб-нуқатиб ўтишди.

Такежон Шуборга қараб, Абайни эрмак қилиб:

— Бош бий сайланаётганда, Абай: «бева-бечораларга, стим-есирларга, мусофир-мужовирларга яхшилик қиладиган одам керак» деб бу гапни нега бунча кавлайверди? Одатда бундай: «Мусофир-мужовир, етим-есир» деган гаплар ўликни даврага олиб, исқот берилаётганда айтиларди. «Садақа, ушр-фитирни мусофир-мужовирларга берилсин» дейиларди. Бизнинг бу йиғитимиз Болқибек сиёзини бировнинг жанозаси деб, биладими? Тўрт шернинг бошини қўшиб ўтириб, Моекенг айтгандек, дарвеш-

ларга ўхшаб гапирса, номус қилганимдан ерга кириб кетай дедим!— деди.

Шубор Абайнинг ўзини кўрганда, «бошқа оғалар, қариндошлардан унинг йўли бўлак» деб, алоҳида ҳурмат қиларди. Броқ Ирғизбойнинг мана шу Такежон, Мойбосарларга ўхшаш зўравон, инсонлик ҳиссидан маҳрум бўлган кишилари блан учрашганда, у ҳам Абайнинг орқасидан эрмак қилиб кулишни энди-энди машқ қилиб келаётган эди. Унинг узун қирра бурнининг учи ба'зан учиб-учиб қўярди. Ҳозир бурнининг учи яна учиб кетдида, пиқ этиб кулиб аския қилабошлади.

— Такежон оға, дарвеш дейсиз, Абай оғам айтсалар худо йўли блан мусулмончилик йўлини айтаётирлар-да? У киши айтган гапларни дарвешлар эмас, эшонлар-пирлар, уламо-фузалолар ҳам ҳар кун айтиб, дилингизга жо қилаётир-ку! Ахир, Болқибек сиёзида ҳам худонинг йўлини таниб кетмасак, бўладими?— деб, кулиб юборди.

Унинг сўнгги сўзлари усталик блан қилинган истеҳзоли масхаралаш эди. Шу ерда ўтирган Ирғизбойларнинг ҳаммаси, руҳонийлар ривоят қиладиган бема'ни гапларни ёқтирмайдиган Абайдан қаттиқ кулишди. Шу гапнинг устига, икки чол блан бирга келаётган Абай кўриниб қолди. Ирғизбойларнинг кўпчилиги Абай блан тўқнашганда, чурқ этолмай, чап бериб кетадиган одатлари бўйича, кулгини йиғиштириб жим бўлишди. Такежон, уст-боши тўзиган, қадди букилиб келаётган қашшоқ Дандибой чолни бир қарашдаёқ таниб, яна кулгисига кулги қўшилиб:

— Ана камлик қилган бўлса, Абайнинг улуғни ҳам ташлаб чиқиб, яна мусофир-мужовирларни етаклаб келаётир!— деди.

Ўтирганларнинг кўпчилиги энди сўз қотишга ботинолмай, Абайни кутиб туришарди. Такежон секин-секин яна эрмак қилиб кулабошлади.

— Худонинг қудрати, бизнинг Абай шу йил кўкламдан буён қандайдир тақводор бўлиб кетипти. Ёки анавилари подшони ўлдирганларидан кейин, буниси тавбага келди-ми. Бундай қилаверса, қулчилик қилиб ҳали ҳажга ҳам кетмаса денг. Яна бир кун эмас, бир кун бошига салла ўраб, зикр тушиб, «афанди» бўлиб келган Абайни кўрмасак гўрга эди!— деди.

Шубор, Мойбосарлар ҳам кулгиларини ичларига ютишга уриниб, қизарганларича пиқирлаб қолишди.

Шу тобда Абайлар буларнинг ёнига етиб келишди. Икки чол Ирғизбой тўпига салом бериб, уруғ-аймоқнинг, мол-жоннинг омонлигини сўрашди. Лекин Ирғизбойлардан ҳечким улар блан дурустроқ сўрашгани йўқ. Чунки буларнинг жотоқлиги, экинларини довлаб хархаша қилиб юришгани ўтирганларнинг жўпчилигига ма'лум эди. Ҳозир бирор нарса демаса ҳам, бу чолларнинг Абайни бошлаб юришлари бечиз эмас, деб билишган эди.

Ирғизбойлар ичида бугун кўрмаган катталари бўлса ҳам Абай салом бермади. Оғзида папирос. Икки қўлини чакмонининг устидан орқасига ташлаб, зардаси қайнаган ҳолда совуқ, синовчи назар блан тикилиб турди. Ирғизбой тўпининг каттадан-кичигини бир-бир кўздан кечириб чиқди. Шу зайлда индамасдан туриб-туриб, кейин папиросини қўлига олди-да:

— Такежон, Исҳоқ, Шубор!— деб дағал товуш блан қаторасига санаб териб олди-да,— қани уч бўлис, учовинг буёққа, четроққа чиқ! Сенларга гапим бор!— деди. Шундай деди-ю, чолларга папирос ушлаган қўли блан илгари боришга ишора қилиб, четга чиқиб кетишди.

Такежон блан Исҳоқ семиз гавдаларини аранг қимирлатиб, лапанглаб ўринларидан туришди. Шубор ҳаммадан олдин дик этиб туриб, ихчам, келишган қоматини ростлаб олди-да, дарҳол Абайнинг орқасидан эргашиб кетди.

Булар бирнеча киши бўлиб давра олиб ўтиришлари блан Абай гап бошлади.

— Мана бу Даржембой блан Дандибой сиёзга бир да'во блан келишган. Булар бултурдан бери ҳақларини ололмай юрган кўзи ёшликлар эканлигини мен яхши биламан. Булар тортган жулфатни ўзларига айтдирмай, ўзим сўзлаб берсам ҳам, ҳақларини еган кишилар бўйин товлайолмайди. Булар ўз шахсий дардларини айтиш учун эмас, қирқ уйли жотоқлар номидан келишган. Шаҳардан келаётганимда: «Ичингиздан вакил сайлаб, Болқибек сиёзига юборинг, мана шу икковини юборинг, сиёзда сизларнинг номингиздан мен ўзим сўзлайман!» деб, буларни ўзим айтиб келганман. Энди буларнинг ишини сенлар, мана шу уччала бўлис битиришларинг керак! Қаерга бориб додини айтмасин: «Ҳақимиз шуларда!» деб кўрсатадиган кишиси ҳам уччовингсан!— деб, Абай уч бўлисга тикилиб қаради.

Такежон Абайни ёмон кўриб,ғижиниб ўтирган экан.

— Ийе, «Сизлардан да'во қилади» дейсан, Такежон блан Исҳоқ уларнинг овулига босиб бориб одам ўлдирди-ми? Иккита исқирт, ногиронингни қилтиллашиб бошлаб келиб, менга пеш қиласан? Ёки уларнинг башарасини кўрсатиб, мени чўчитмоқчи бўлаётирсанми!— деб, жеркиб ташлади.

Абай қаттиқ ғазабланганидан, ранги оқариб кетди-да, Такежонга ўқрайганича ҳайқариб юборди.

— Ҳай Такежон, ҳаддингдан ошмай гапир. Оёғингга қараб бос! Бу кексаларнинг сирти ёмон бўлса-да, ичидан қабиҳлик тополмайсан. Қашшоқлик булар блан бирга туғилган эмас. Бўлислик ҳам сен блан бирга туғилган эмас!

— Худо муҳтожликдан бошини чиқармаган бенаволарингни қашшоқ қилган мен эканман-да!

— Сенсан!

— Бундан бошқа туҳматинг ҳам борми!

— Сенсан! Ўзинг бўлмасанг отанг Ўскенбой, Қунанбой, Мирзатойлар! Булар кулингдан кириб, косовингдан чиққанлар. Ота-онасидан тортиб сенинг авлодларинг эшигида умри хизматкорлик, қуллик блан ўтган одамлар. Куч-қувватини олиб, ранги-рўйидан айириб, қариган чоғида кераксиз қилиб, ҳайдаб дарбадар қилиб қўйганларинг! Камбағаллиги, нимжоплигидан бошқа ҳеч айби йўқ. Кўзи ёшли қардошлар шулар!— деб, қовоғини солиб олди. Шу он ғазаб ичида Абайнинг хаёлига қайраб қўйилган қора болта блан ҳуқуққа эга бўлаолади деган гап келди. Асли шундан яхши чора йўқ деган хаёлга борди-да, баттарроқ қизишиб кетиб, қаттиқ-қаттиқ гапирабошлади. — Алқандозлик қилмай, тўғри гапир. Мана шу Болқибек-да, халойиқнинг кўзи олдида буларнинг ҳақини, ҳалол молини ками-кўсти қилмасдан қўлига тутқазасан ҳамманг! Қани бермай кўрчи! Мана шу ўтирган Қунанбой болалари, шу ерда, тўрт шер бош қўшган йиғинда шарманда бўлмайман десаларинг, ҳозирнинг ўзида ҳаракатингни қил! Буларнинг ҳақи ўзларингда ҳам, сенларга тобе' бўлган ўзга кишиларда ҳам бор. Ўзларингни тўрт томонга ташлаб, билмасликка олма-да, буларнинг ҳақини ўрнига қўй. Бўлмаса ҳозир ўрнимдан тураману, ишга киришаман!— Қани, жавоб бер дарров!— деди.

Абайнинг сўнгги гаплари Такежонни беихтиёр ўйлатиб қўйиб, товушини ўчирди. «Ҳозир ўрнимдан тураману, ишга киришаман» дегани: «Улуққа — Ўязга бориб айта-

манъ дегани. Бу гапдан Такежоннинг юраги шув этиб кетди. Исҳоқ ҳам оғиз очишга ботинолмай, Абайнинг юзига ҳам қарайолмай ўтирган эди. Жотўқлардан олиб Ақимбет овулига оширилган етти отнинг можароси, ҳали Даркембойни кўрганидан буён Исҳоқнинг кўнглини ғаш қилиб турган эди. У ҳамма қариндошларидан кўра, Такежон блан бирга иш тутса ҳам, Абайни ҳурмат қилганиданми ёки қўрққаниданми, доим уни бир улугдек кўрарди. Булар орасида Абайга гапни англатиб, сўзини ўтказаоладиган — Шубор эди. Шунинг учун Исҳоқ эндиги умидни ундан кутиб, Шуборга қаради.

Абай блан Такежон гапга боришиб қолган пайтда, аралашмай ўтиришни Шубор ўзига эп билмади. Лекин Абайга қараб эмас, Даркембойга қараб гапирди.

— Хўш, қариндошлар, сизларнинг ўз оғзингиз блан айтадиган арзингиз ҳам борми? Қани, қандай да'во, қандай жанжал ўзи? Энди гап очилди-ку, буёғини ўзларингиз ҳам айтингчи! — деди қизишмасдан, вазминлик блан гап бошлаб.

Даркембойнинг гапи ипга тизилгандек тилининг учидан тайёр туран экан. Тортинмасдан дадил товуш блан тикка гап бошлады.

— Чироқларим, бизлар жанжал кўтариш, ғавро қилиш учун келганимиз йўқ. Унга бизда ҳол қани-ю, қудрат қани! Абайга орқа қилиб, бировнинг ортиқча молини сўраб оламан деган ният ҳам йўқ. Ҳалол молимни йўқлаб келдим. Ёлғиз ўз манфаатим учун эмас, кўпчиликнинг тилаги блан келдим. Икки хил да'вом бор. Қирқ уйли жотоқларнинг икки ҳисса бўлиб кетган ҳақи бор. Аввало шуки: ўтган йил кузда пишиб турган беш ер экинимизни мана бу Такежон, Мойбосар, чироғим Шубор, ўз овулининг, ана у Сугир овулининг йилқилари еб кетди. Овулларингиз Оқ Еспе, Сар Жириқ, Тақир Тума, Қашамада ўтиганида, кетма-кет тўрт кеча йилқиларингиз тушиб, пайҳонлаб кетди. Бултур ўша ҳақимизни йўқлаган эдик, ўлган устига тепган дегандек, бу йил кўклам ҳам эндигина кўкариб қилтаноқ отиб келаётган экинимизни яна ўша овуллар босиб янчиб, тупроғини ўйнатиб кетди. Нон ўрнига кесак тишлатиб кетди. Кўкка қаратиб ули-тиб кетдинг, қардошлар! Бу бир. Иккинчидан — мана бу Исҳоқ чироғим, сенинг Қизил Мўла бўлисингга қарашли, уччига чиққан ўғриларнинг овули — Ақимбет овули бор. Етти бирдек отимизни олиб кетиб кўзини йўқотди. Мана

шу икки чол орқасидан йўқлаб бордик. Онт омонсиз, жон гумонсиз, таппа устига босиб бориб, бўйин тўлғатмай, ўғриларнинг гуноҳини бўйнига ҳам қўйдик, лекин орада хат юриб қолди. Гап-сўз, салом, илтимос деган балло юриб қолди. Молимизни чиқариб берган ўғри ҳам олдимиздан топилди. Ушани кўз қиймадимиз ёки Исҳоқ биздан кўра ўз қўл остингда бўлган Ақимбет овулининг гапини кўпроқ э'тиборга олдингми? Етти бирдек отимнинг ўрнига еттита улоққа ҳам эга бўлолмай, яна қон қақшаб, чирқираб қолдим. Абайга айтмай кимга айтаман? Ҳақимни олиб берадиган йиғин бўлса, нега арзи-ҳолимни айтиб, молимни йўқламай қолаверар эканман? Менинг гапим ана шу, бўлисларим!— деб, Даркембой сўзини тамом қилди.

Даркембой сўзлаётганда, Такежон ғазабига чидолмай неча марта тутақиб ҳам кетди. Бирнеча марта қўзғолиб қўйиб, Даркембойга қараб қовоғини солди. Ушқириб, жержиб ташламоқчи бўлиб, оғзини жуфтлаб ҳам кўрди. Лекин дастлабки олиштанида Абайдан енгилиб, юраги безиллаб қолган экан. Ичида қайнаётган аламини сиртга чиқаролмади.

Даркембойнинг гапидан кейин орага жимлик чўкди. Бироздан кейин Шубор эпини қилди. Агар бу гап улуғнинг қулоғига етса ҳам, бийларнинг ўртасига ташланса ҳам, Қунанбойнинг шу ўтирган уч бўлис ўғлига обрў олиб бермай иснод келтиришини дарҳол фаҳмлади. Бунинг устига, Абайни тийиб қўйиш ҳам қўлдан желадиган иш эмас. Шуборнинг нақадар эпчил эканлиги, мана шу катта ишни силлиқлик блан бартараф қилишида очиқ кўринди. У Даркембой, Дандибойларга гўё кўп вақтлардан бери сирдош, мундош одамдек пинжига кириб, очиқ чеҳра блан боқди. Кулги аралаш иссиққина гап бошлади.

— Шундай қилиб, икки чол, қараб турсам, бугун ҳақларингни юбормайдиганга ўхшайсанлар-ку. Ўзларинг менинг бўлисимдати одамлардан. Бегоналар блан дов-лашсанглар, ўзим ёқлашим керак бўлган фуқароларим экансанлар. Фуқароларим десам ҳам бугун мендан баланд желаётирсанлар. Бу йиғинда Қунанбой болаларига шу икковингдан бошқа ботирлик блан гапириб, сўзини ўтказган қозоқ боласи йўқ, десам ёлғон бўлмас!— деб кулиб қўйди.— Бир томонингда ҳечкимга гапини бермайдиган Абай оғам ўтирипти. Унинг нариёғида Ўяз, берёғида бош бий турипти. Қайсибирига бориб арз қилсаларинг ҳам биздан кўра сенларнинг гапинг ўтади. Унда

тепадан уриб, товондан чиқарилади. Шундай қилиб, сен икковинг қирқ уйликнинг ичида «омади келган, оқйўлтой чоллар бўлдинглар-да!» Қардошлар, бу ерда айтишиб, тортишгудек ҳеч гап йўқ. Бир битимга келиб қўяқолайлик. Бу гаплар ўтган йилдан бери менинг ҳам қулоғимга чалиниб юрган эди. Аслида, худога қараган ма'қул-а!— деб, Такежон блан Исҳоққа кўз ташлаб қўйди.— Қардошлар, буларнинг ҳақини ўзимиз ҳам емайлик, ўзгага ҳам едирмайлик! Гап шу бўлсин. Фақат шу ерда Абай оғамнинг ўзлари бир ҳукм чиқарсинлар-да, бу гапларни бартараф қилиб юборайлик! — деди.

Мана шу чигал гапларни анча усталик блан неча томонга буриб, тўғрилаб олиб чиққан Шубор, Абайнинг назарида кўп уддабурон кўринди. Ичида: «Такежон, Исҳоқларга қараганда, мана бу анча зийрак экан! Ёш бўлса ҳам ақл-фаросат шундан чиқадиганга ўхшайди, бунинг истиқболи баланд бўлар. Брок, у қайси йўлдан борар экан!» деган хаёлга бориб, ўйланиб қолди.

Дандибойнинг ўзи гапга аралашмаса ҳам, Шуборнинг ҳалиги сўзи Такежонни кўндириб, буларни рози қилиб, Абайга сабр бериб, яна Қунанбой болаларининг обрўйини сақлашга тиришиб, усталик блан олиб борилаётган гап эканлигини жуда яхши тушунди. Ичида нима-нидир ма'қуллаётгандек, бош ирғаб ўтирди-да, кейин томоғини қириб қўйиб:

— Ҳа-а-а! Сўз жўясини топса, мол эгасини топади-да. Ундай бўлса, кўрнинг тилагани икки кўзи, ҳимматингга қуллик, чирогим. Ёш бўлис бўлсанг ҳам, бош бўлис сен бўл. Нима десанг, шу бўлсин! — деди.

— Айтсин, айтсин! Шубор ҳамма гапни айтди, ҳукми Абай оғам айтсин! Биз рози, нима десалар қабул қилдик!— деб, Исҳоқ ҳам дарҳол кўнақолди.

Икки иниси, икки бўлис ма'қулга келгандан кейин Такежон ҳам бўйин товламади. У ўзидан ҳадиксираб: «Улуққа гапи ўтиб турган Абай бирда бўлмаса, бирда бирор захмат етказиб қўйиши мумкин. Ҳа деб унинг блан ўчакишаверишнинг хосияти йўқ» деган хаёл блан ўтирарди. Шунинг учун газариб, дамини чиқармай, тишини-тишига қўйиб, Абайнинг ҳукмини кутди. Ниҳоят, ўтирганларнинг ҳаммаси Абайнинг оғзига тикилди. У, гапни чўзиб ўтирмай, шартта-шартта айтиб қўяқолди.

Абайнинг ҳукми бўйича жотоқлар ўтган йилги ва бу йилги экини учун бир ер экинга икки бошдан йигирма

бош мол оладиган бўлишди. Бу йил олдирган етти йил-қиси учун бошига қўшоқ, орқасига тиркови блан ўн «тўқ» оладиган бўлишди. «Тўқ» бу элларнинг ҳукмида бир яхши от ёки қулинлик бия, ёки бузоқли сигир бўлади. Экиннинг йигирма бош молини ҳам Абай аниқлаб, йигирма «бести — беш яшар от» деб, «қоқ» деб кесди. Абай ҳукмини айтаётганда, икки чол азбаройи севинчлари ичига сиғмай, шошиб кетганларидан оғиз очгудек ҳоллари қолмай, фақат ичларида: «Ё омад, омин! Айтганинг келсин!» деб, ўтиришди.

Гарчи бундай ҳукм уч бўлисга мисли кўрилмаган ишдек туюлса ҳам, улар чор-ночор, тинкаси қуриб жим қолишди. Ҳукми сен чиқар дегандан кейин, яна бирор нарса дейиш битимга хилоф иш бўларди. Яна Абай ундай гапларга энди йўл қўяди деб, Такежон ҳам, Шубор ҳам умид қилаолмас эди. Абай ўз ҳукми буларга малол келаётганини билиб турган бўлса ҳам, парво қилмади. Ҳечкимга очиқ чеҳра блан қарагани ҳам йўқ. Қовоқ солиб ўтириб гап бошлади.

— Бу ҳукм айтилди. Бу ўз йўлига. Энди ҳамма гап мана шу шўрлик икки чолнинг қўлига тегадиган молда қолди. Ичингда оғирсиниб, сиртингда чала кўниб ўтирибсан. «Кейинчалик кўрармиз!» деяётган бўлсаларинг керак. Болқибек сиёси тарқалгандан кейин думингни тутқизмай, қуруқ гапдан нарига ўтмаслигингни мен жуда яхши биламан. Агар шу ҳукм ҳукм бўлса, ҳалиги айтилган ўттиз қора уч куннинг ичида мана бу икки чолнинг олдида «тўқи-тўқдек», «қоқи-қоқдек» тўрт оёғи блан юриб келиб ҳозир бўлсин. Уччовинг ҳам бўлиссан. Ақимбет овули — бирингда. Сугир, Мойбосар бирингда. Ўз молларинг ўзингдан йироқлаб кетган, қўлга кириши қийин бўлган мулк эмас. Ҳозир менинг кўз олдимда чопарларингни тўрт томонга югуртир ҳамманг. Мана шу уч кун ичида берадиган молларни тўла-тўкис етказиб келиб топширинглар! Қўлларига топшираётганингда, ишнинг бошиқошида ўзим бўламан. Кўзим блан кўриб: «Ҳукм энди амалга ошди, бу иш энди бартараф бўлди» деган қарорга ўшандагина келаман. Унгача мана бу иккови шу ердан бир қадам нари силжимади. Шартим шу. Бу иш тамом бўлса, фақат шу тахлитдагина тамом бўлади. Уқдиларингни ҳамманг? — деди қатъий қилиб.

— Тушундик, тушундик! — деган гапларни Абай диққат блан тикилиб туриб, бўлисларнинг оғзидан зўрға

сугуриб олгандек бўлди. Шундан кейин папиросини чекиб ўрнидан турди-да, чолларини эргаштириб кетди.

Уч кундан кейин, Абай айтгандек, ўн «тўқ», фалонча «қоқ» деб ўлчанадиган беш ёшли отга барабар моллар тугал ҳайдаб келтирилди. Даркембой блан Дандибойларнинг олдига тўппа-тўғри ўтгиз қора тушди. Икки чол севинчларини ичларига сиғдиrolмай, қайта-қайта тамшанар, завқ қилиб атрофида айланишарди.

— Шўрли жотоқлар, роса қувонишади-да.

— Бу тўлов эмас, қалин учун бериладиган мол ҳам эмас! Бир азаматнинг хуни дейишга арзийдиган бўлди ўзи!

— Жотоқ, жотоқ бўлгандан буён шундай қўли уза-йиб, ҳақини олганми? Қўлим етар, деган гап хаёлига келганми?

— Айланай сендан, Абайим!

— Асти кам бўлма!— дейишарди.

Кам-кўстсиз келтирилган молларни Абай кўздан кечирди. Буларни энди жўнатмоқчи бўлиб турганда, яна бир шубҳа туғилиб қолди.

Бундай шубҳа туғилишига зийрак, эҳтиёткор Дандибой сабаб бўлди. У кичкина, қисик кўзларини милтиллатиб туриб, илжайганича:

— Абайжоп, олиб беришга олиб бердинг. Бирталай молни олдимга солдинг. Броқ, бир шубҳа юрагимга ваҳима солиб турипти. Йўл йироқ, яна хилват, зада бўлиб қолган кўнгил қурғур шуни «менинг пешонамга сиғмайдими?» деб турипти. Бу ерда-ку булар молни бериб кўниб туришипти, лекин нарироққа боришимиз блан, икки чол дун'ёи-жаҳон молни олдимизга солиб кетаётганимизда, «ўғрилар» икковимизни икки ерга юмалоқ-ёстиқ қилиб, яна бор-йўқни шилиб кетадими, дейман?— деди.

Дандибойдан кўра таваккалчироқ, ҳали ҳам қалбида ўти сўнмаган Даркембой:

— Э-э, қўйсангчи, ҳа деб юраксизлик қилаверма! Ким пойлаб турипти дейсан? Эл ичи эмасми! Йўловчилар учрар, ҳамроҳ бўлиб кетармиз! — деди.

Шу молнинг эсон-омон бориб жотоқнинг қўлига тегишини Абайнинг ўзи ҳам орзу қилар, шошиларди.

— Йўқ Даркембой, Дандекенг тўғри айтаётир. Эл ораси йироқ, яна хилват. Илашган ҳамроҳнинг ўзи ҳам хавфли. Ёмон айтмай, яхши йўқ. Қўй, ундай бўлса, ёнингизда ҳеч бўлмаганда бирорта дадилроқ йигит бўл-

син! — деди-да, орқасида турган Боймағамбетни чақириб:

— Боймағамбет! Мен сени сафарга жўнатмоқчи бўлаётирман. Ҳозир мана бу икки чолнинг молини ҳайдашиб Бойқўшқорга, бизнинг овулга бор. Аввало ўша ерда бирикки кун тиниқиб олинглар. Ундан кейин бир яхши отга миниб ол-да, ўз қўлинг билан Эралига, жотоқларга эсон-омон топшириб кел. Айгеримга салом айт, мана бу иккита оқсоқолни яхшилаб кутиб, хурсанд қилиб жўнатсин. Сандиқда олти отар тўппонча бор, ўшани сенга олиб берсин. Энди уёғини худога топширдим, хайр кексалар! Эл-юртингдагиларга салом айтинглар! Энди худо деб кетаверинглар! — деди-да, кекса дўстларини жўнатди.

Худди шу фурсатда нарироқда ўтирган Такежон бошқа бир маслаҳатда эди. Ёнида ўтирганлар Эралига донғи кетган машҳур ўғрилардан — Серкебой билан Турсун. Ёш жиҳатдан булар иккови тенгдош бўлиб, гавдаси ҳам кесилган гўладек бирхилда йўғон эди. Улар ҳам ёш, ҳам тиниб-тинчимаган, чиндан ҳам бало-қазога ўхшаган ўғрилар эди. Буларнинг тинмаслигига бир томондан мана шу Такежоннинг ўзи ҳам сабабчи эди. Ҳар икковига ҳам ўзи ёрдам бериб ҳамоя қилиб юарди. Бовирдан қистов бериб, ўша ерга ўрнаштирган ҳам ўзи эди. Такежон шу икки ўғрини холи жойга чақириб, молларини олиб кетаётган Даркембойларни кўрсатди.

Иккала ўғрисини, аввало, тоза ҳақорат қилиб олди-да:

— Ҳой, икки ит, мана бу шум жотоқларда кеким кетаётир. Шу кекимни олиб бермайдиган бўлсаларинг, орқаларингдан ёв қувганда паноҳсиз қолаверасанлар, икки кўппак шуни билиб қўй! — деди.

Турсунбой салмоқлаб, дудуқланиб гапирарди. Жуда оғзи чакки, аскиячи ҳам эди.

— Ийе! Так-к-кежоней, қўлим-мни қўйвор... от-танг-ни... ў-ш-ша жотоқни! — деб, ҳозирдаёқ бир ёмонликни бошлагуси келиб қолди.

Серкебой бўлса, жотоқларнинг молини бир марта олиб, балога қолган эди. Шунинг учун ортиқча шошилмади. У ҳаддан ташқари макжор эди. Такежонни ишқотирганда ҳам, ҳозир эмас, қишнинг беш бўрони ўтгандан кейин, деди. Изини ҳам қолдирмай осмонга учиб кетгандек исини чиқармай жойлашини билдирди. Бу гап Такежонга ҳам ма'қул тушди. Икки чапдаст ўғри билан Таке-

жон бир-бирларининг мақсадларига тушуниб тарқалишди.

Абай бўлис бўлмаса ҳам, Болқибек сиёзида жонидили блан аралашган иши жотоқлар иши бўлди. Бошқа иши йўқ эди. Энди эл блан эл орасидаги можаролар, тахти-бахт талашлари, да'во-жанжаллар қай йўсинда бораётганини кўрмоқчи эди. Бир томонда улуғ, бир томонда бош бийнинг олдида бу масалаларнинг қай тахлитда қўйилиши, қандай ҳал қилинишини билиш ниятида бирнеча кун ҳаяллаб қолди.

Шу орада бошқа қардошларнинг бир катта иши қўзғолди. Бу — мана шу сиёзда кўриладиган ишлар ичида ғоят чалкаш, кўп жанжалли иш эди. У, сержамоа Керей эли блан Сибон орасида шу йил қишдан бери катта шовшувга сабаб бўлган: «Солиқа қизнинг можароси» деб шуҳрат топган жанжал эди.

Керейлардан Қўжагелдининг этилиб ўтирган қизи Солиқа, Сибон элининг бир йигитига айтдириб қўйилган эди. Утган йил бўлажак куёв, қизга тенгдош йигит ўлиб қолди-да, Сибон эли қизни урфи-одат бўйича қайнағасига атаб қўяди. Қайнаға бўлмишнинг ёши олтмишга борган бўлиб, икки хотинли киши эди. Қизнинг қалин моли бутунлай бериб қўйилган. Ўтовини тикиб, сепини бутлаб ўтирган ўша қизни кекса қайнаға учинчи хотин қилиб олмоқчи эди. Бундан норози бўлган жасур, ўткир қиз, ўз элининг барча Қўжагелди, Шақантойлар ичидаги казо-казоларга хат ёзиб, арз қилади. «Суягингни хор қилма, элим, аввалги хоҳишингга бўйсунган эдим. Чипор илон бўлсам ҳам, Керей, сенинг наслинг эдим-ку. Ёш умримга зомин бўлма. Отамдан қари, қовжираган, мўн-киллаган чолнинг кўп хотинларидан бири қилиб берма!» дейди. Қизнинг оҳи-зори халққа етиб боради. Керейнинг эр йигитлари, ёш-ялангларининг ҳамиятига тегиб: «Қизни хор қилмаймиз» дейишади. Кекса оқин унинг оҳи-зорини қўбиз блан дўмбирага қўшиб: «Солиқа қизнинг туққан элига қилган арзи» деб ғоят мунгли куйга солиб айтади. Ҳадемай, ўша Солиқанинг аламли дарди, Керей элининг ёш-қариси барабар айтадиган қўшиқ бўлиб кетади. Қўй боқиб юрган қўйчивон, от устида юрган йилқичидан тортиб, тўйхашам ва бошқа йиғинларда қиз-жувон, йигит-яланг, ҳатто болаларгача шу мунгли қўшиқни куйлайдиган бўлади. Дардли қиз ўша Керей эли ичидаги Шақантой авлодидан ўз тенгини, хуштериши топади. Шундай қилиб

Керей «қизнинг кўз ёшини оқизмаймиз» деб, ноилож бурунги қудаликдан ажрашга аҳд қилади.

Лекин бу хабар қуда томонга етиши блан, ҳархил гап чиқади. «Бу — зўравонлик, назар-писанд қилмаслик. Арвоҳларни хотира қилмаслик. Сибон-Найманнинг номусини ерга букиб, оёқости қилишлик!» — дейишди. Бу гап кўпчилиكنинг иззат-нафсига тегиб, фисқи-фасод гапларга айланади. Кўп узоққа бормай, орада бир мартагина элчи юборилади-ю, ҳар икки тарафда каттакон душманлик рўй беради қўяди.

Ердан қор кетиб, кўк чиққанидан буён Сибон блан Керей бир-бирининг устига босиб келиб, баримта олишаётган эди. Кўплаб лашкар тўплашиб, зўр қирғинлар қилишаётган эди. Ҳар икки тарафнинг ҳам сўйил еб йиқилган, оғир ярадор, майиб бўлган азаматларининг сони шу кунларда элликка яқинлашиб қолган эди. Мана шу сиёз бўлаётган кунларнинг ўзида ҳам Қўжагелли блан Шақантой уруғида тиним йўқ эди. Найманнинг ҳам йилқиси ҳар кун тўс-тўполонга учраб турарди. Керейнинг баримтачилари ҳам тасирлатиб босиб бориб, найзабозлик қилиб, уларни ҳам тинч қўймаётган эди.

Болқибек сиёзи чақирилиб, Қарқарали, Семей ўязлари келиб бош қўшганда кўриладиган энг катта, муҳим, тез ҳал қилиниши зарур бўлган иш — шу Солиқа қизнинг можароси эди. Иштирок этучиларнинг сони кўп. Сиёзга келган Найман-Сибон кишилари, Керей одамлари шу ерда ҳам зимдан қаттиқ олишаётир. Шу ерда, Болқибекда ҳам ҳар икки тараф ўз ўязларига бир-бирининг устидан арз тушираётир. Ёлғон гувоҳлик бериб, жоп-имонили ўртага солиб, онг ичишаётир.

Тўрт шер бирлашиб, ўтказаетган бу йиғилишда Найман-Сибон блан Керейларнинг ўртасидаги низо' кучли бўлгани учун, ўртадаги холис Тўбуқти осонлик блан обрў қозонган эди.

Абай Аслбекка олиб берган бош бийлик Тўбуқтига осонгина тегишининг тагида шу сингари катта гаплар бор эди. Икки шернинг бир-бирига кўзи қиймай, қизғонишиб, маҳкам ёпишиб оладиган мансабини, Тўбуқти устун бўлгани учун олган эмасди. Уни Мойбосар, Такежонлар: «Арғин оға бўлгани учун гап-сўзсиз бизга насиб бўлди», яна «Ўскенбой бий, Қунанбой ҳожининг обрўйига бош урганидан, элнинг ўзи бизга ҳурмат юзасидан топширди!» деса, унинг ҳаммаси қуруқ кўпириш-

лик. Ирғизбойларнинг ҳишиниб, осмондан келиб қиладиган мақтанчоқлиги, холос.

Ҳар икки томоннинг ғаразғўй бўлислари: «Бу ишни ким ҳал қилади?» деган сўроққа жавоб тополмай, ганиб қолинган эди. Уязларга: «Ихтиёр сизда, бу ишни ўзингиз ҳал қилинг» деб, арз ҳам қилишди. Лекин улуғлар бу ишдан бош тортишди. Ишни бош бийга топширишга Керей қаршилиқ қилди. Аслбекни «Сибонларнинг куёви» деб, «ғаразғўй, бўйнида хунимиз бўлган, бизга душман овулнинг, Оқтайлоқнинг куёви» деб, Керейлар норозилиқ билдиришди. Аслбекнинг ўзи ҳам: «Қардошларнинг маломатига қоламан» деб, бу ишдан воз кечақолди. Шу ҳақда Аслбекка, Кунтудек қариндошлари, Дутбойдек тилакдош яқинлари: «Хукм чиқариб, ўлжа олишга имконият бор эди. Олдинга ўзи келиб турган беҳисоб давлатдан бекор тортинчоқлик қилдингда!» — деб, қаттиқ койишган эди.

Худди шу пайтда Сибонлар блан Керейлар ўртасида Абайнинг одиллиги, ҳақиқатпарварлиги доврўқ бўлиб кетган эди. Абай қилган икки ишни бунга шоҳид қилиб жүрсатишаётган эди. Халқ: «Қунанбойнинг болалари бош бийликни ўзимизга бер деб, ҳарчанд ёлворишса ҳам Абай кўнмапти. Қардошларнинг сўзига кириб, йўлдан озмапти. Халққа адолат блан фойда келтирсин, деб, бош бийликни ўз жигарларидан тортиб олиб, фақат хешлиги бўлган Аслбекка берипти» деяётган бўлса, иккинчи бир гап сўнгги кунларда тарқалган эди: «Жотоқларга Абайнинг ўзи ҳомий бўлипти. Хукмни ҳам ўзи чиқарипти. Бўлис бўлиб ўтирган, зўравон қардошларини додлатиб туриб, ўттизта қорамолни олиб берипти. Аслида, олдига арз қилиб, дов-жанжал блан борган одам, адолатни шу йигитдан топадиганга ўхшайди. Қариндош-уруғига ён босмайди. Аксинча, олдига келган икки давогарнинг бири ўзининг яқини бўлса, оғирликнинг кўпини ўшанинг гардонига қўйиб юборади. Халққа ҳалолат хизмат қиладиган, ғамхўрлик блан халққа қайишадиган йигит» дейишарди.

Бундан ташқари Найман-Сибон, Керей-Уоқнинг бўлис, бийларининг қулоғига етаётган бошқа гап ҳам бор эди: «Абайни Семейнинг бутун улуғлари билади. Ҳаммаси шунинг гапига қулоқ солади» дейишарди. «Бу кунда Қунанбой Қунанбой эмас, унинг кечаги Қунанбой деган донғи бўлмаса, ҳозир тирик арвоҳ холос. Бўлис бўлиб юрган ёру-

биродарлари бўлса, улар ҳам ўзиб чиққан етук кишилар эмас. Такежон, Исҳоқ деганлари бўлса, отасининг обрўидан фойдаланиб юрган сирти силлиқ, безҳсон маҳлуқлар. Тўбуқтида биронта инсонлик фазилатига эга одам бўлса, у ҳам ёлғиз Абай. Бўлис бўлиб юрганларга қараганда, қўлида мансаби бўлмаган Абай одам ҳам, азамат ҳам» дейишарди.

Бу гап Керей блан Найманлар томонидан тикилган уйларда давра олиб ўтирганлар ўртасида кун бўйи қайта-қайта гапириб ўтилди. Шу гаплар таъсирида Жумақон Лосовскийнинг олдига ҳам кириб чиқди. Тўйсари эса, Қарқаранинг улуғи ҳузурига бориб маслаҳат қилиб келди.

Ҳеч гапдан хабарсиз, фақат Аслбекнинг бош бийликни қандай бажараётганини, Жиренше, Ҳрозбойларнинг Керей — Найман бийлари блан баҳс-жавоблари, тортишувларини тамоша қилиб юрган Абайни бир кун тушда Ҳяз чақиртирди. Борса, бош бий Аслбек ҳам, Қарқаралининг Ҳязи ҳам Лосовскийнинг қошида экан.

Бироз сўзлашиб ўтирганларидан кейин, улуғлар блан Аслбек Абайга Керейлар блан Найманларнинг тилак ва талабларини изҳор қилиб: «Икки элнинг ўртасига тушиб, холис қардошларча уларнинг ўртасидаги катта можарони бости-бости қилишга сабабчи бўл!» дейишди. Абай бу илтимос улуғларнинг ўзидан чиққан гапми ёки Керей блан Найманларнинг хоҳишими, шуни сўраган эди, Аслбек: «Сендан бу ердагилар илтимос қилаётгани йўқ. Бир томондан Жумақон, иккинчи томондан Тўйсари иккови ҳам менга келишди. Шу ишга Абайни кўндириб бер. Қардошларининг жароҳатига малҳам қўйишга чақираётирмиз. Қандай ҳукм чиқарса, шунга рози бўламиз деб кетишди» — деди. Буни эшитган Абай гапни чўзиб ўтирмай, Керей. — Найман элларининг орасига тушиб, уларни келиштириб қўйишга розилик билдирди.

Абайнинг розилигини эшитиб Ҳязлар ҳам хурсанд бўлишди. Шундан кейин Қарқаралининг Ҳязи Синицин қиз номидан тушган икки аризани унга берди. Арабча ёзилган бу аризаларни Абай улуғларнинг уйида ўтирган жойидаёқ ўқиб чиқди. Лекин қизнинг аризаси ҳақидаги фикрини Ҳязга ҳам, Аслбекка ҳам изҳор қилмади.

Ҳша кун Абай ҳар икки тарафдан учтадан одам чақиртирди. Бироз суҳбатлашиб ўтириб, уларнинг авзойини билиб олди.

Абай блан сўзлашинга Найманлар томонидан Жумақон, Бароқтўра, Тангрибердилар келди. Керейлардан: Тўйсари, Бегеш, Тишқонбойлар келди. Улар блан бўладиган суҳбатга Абай Жиренше блан Урозбойни ҳам олакелди. Керей — Найман одамлари блан учрашишдан мақсад — бир иш юзасидан уларнинг олдидан ўтиш эди.

— Хўш энди, қариқдошлар, гапим эм бўлиб, эл тинчийдиган бўлса, мен кучимни аямайман. Борди-ю, билим, тажрибам камлик қилиб, бирор чора топиш қўлимдан келмай қолса, унда кечиргайсиз. Лекин зеҳн солиб, ўйлаб кўрсам, бу иш аслида бир унашиғлик қиз туфайли бошланган бўлса ҳам, жуда улғайиб, чалкашиб кетипти. Икки эл орасида кўпдан бери: баримта олишлар, жанглар ҳам кўпайиб кетган. Бу ишда босқинчилик, қирғин-қиёматгача бориб етган зўр-зўр чигал туғунлар бор. Бирқанча баҳодирнинг хунига барабар келадиган ҳақ, молу-мулк тўғрисидаги гаплар бор. Мана бу ишларнинг ҳаммасига мувофиқ, бир ҳукм чиқарадиган одам узоқ ўтириб, кўп тергаб, чуқур мулоҳаза қилиб ҳақиқатга етмоғи керак. Бунга бир кишининг вақти ҳам, куч-қуввати ҳам етмайди. Бир китобдан ўқиган мақолимда: «Елғиз аҳл яхши, лекин иккита бўлса яна яхши» деган эди,— деб Абай бир нафас жим қолди. Келтирган мисоли рус халқи мақолларидан эди. Жим қолгани — ўтирганларнинг авзойини билиш эди. Қовоқ солиб ўтирган Жумақон сирини бой бермади. Тўйсари ҳам, Абай сўзини тамомлашини кутиб, индамай ўтираверди.

— Олдингиздан ўтай деган эдим. Ҳали айтганимдек, бу катта ишга бир одамнинг вақти ҳам, қудрати ҳам етмайди. Ёнимга ёрдамчи олмоқчи эдим. Уртадаги холис биродар, ҳар икки томонга ҳам жони ачийдиган деб, бутун гапни Тўбуқтига ҳавола қилдингиз-ку. Агар софдиллик блан ҳавола қилганингиз чин бўлса, мен ўша Тўбуқти ичидан ёнимга кўмакчи қилиб мана бу Жиренше блан Урозбойни олмоқчиман. Бунга сиз нима дейсиз? Жавобингизни олсам, деган эдим, жигарларим!— деб, сўзини тамом қилди.

Керей — Найманлар бу йиғилишда дарҳол жавоб бериб, гапни қисқа қилиб қўяқолишди. Жумақон ҳам, Тўйсари ҳам ёнида ўтирган ўз одамлари блан маслаҳат қилмасданоқ:

— Сен нима десанг, шу бўлсин!

— Ол! Ёрдамга кимни оламан десанг, ихтиёр ўзингда! — дейишди.

Броқ, эндигина гапни бир жойга қўйиб, тарқалишмоқчи бўлиб туришганда Сибоннинг тўраси — йўғон гавдали, қипқизил юзли, мош-гурунч соқолли Бароқ тўра Абайга катта-катта ўтли кўзларининг қирини ташлаб, сўнгги тилагини айтди.

— Абай, чироқ! Икки қардошинг гапини сенга ҳавола қилди. Гап эмас, сен учун катта синов бўлган ишни ҳавола қилди. Тўбуқти холис қардошим деди. Биринчидан тор-мор бўлишимизни тиламас, бирлигимизни тилар, деб ишонса, иккинчидан адолатли, ҳалол деб сенинг ўзингга талаб қилди. Ёнингга икки кишини оласанми, беш кишини оласанми, ёки яна бирқанчасини оласанми, ўзинг биласан. Лекин қадимдан қолган: «Бийлар кўп бўлса ҳам ҳукм битта бўлади, бутун можараларни Мойқи — бий ҳал қилади», деган гап бор-ку. Аслида биз бор ишни, ҳал қиладиган сўзни, узил-кесил ҳукмни сенинг ўз оғзингдан эшитишни кутамиз! — деди.

Жумақон бу гапни ма'қуллаган бўлиб, хиёл бош эгиб қўйди. Тўйсари ўз фикрини бошқача ифода қилди.

— Бароқ мирза муддаосини айтди-ку. Менинг бошқа гапим ҳам йўқ. Ихтиёрни ўзингга берганман. Оёғингда боғ блан уч, чақирганда қўлга келиб қўн, деб нима қилар эдим! Бор умид ўзингдан. Одилона ҳукмни фақат ўзингдангина кутаман! — деди.

Абай индамай ўтириб, ҳар икки томоннинг кишиларига қараб, бош эгиб қўйди-да, шу блан дастлабки суҳбатга хотима берди. Холис бий аввало кам гап, сабрли бўлмоғи керак. Сир учини сўз чиқаради. Ярим оғиз гапдан авзой билишга уриниб, турли-туман тахминларга боручи, гап кавлашиб, фалокат бошловчилар ҳар икки томонда ҳам оз эмас. Шуларни ўйлаган Абай, то ўз ҳукмини чиқармагунча терговни кўп эҳтиётлик блан олиб боришга қарор қилди. Ўзгаларни кўп сўзлатиб, ўзи кам гап бўлишга аҳд қилди. Шунинг учун ҳалиги бир қадар ғараз блан айтилган ҳар икки гапнинг икковига ҳам: «Сенинг гапинг ма'қул, сеники нома'қул» деб, ўз ра'йини билдирмади.

Уй холи қолиши блан Ўрозбой, Жиреншени энди ишга солмоқчи бўлиб турганда, хуш'ёр, зийрак Жиренше ҳалиги гапга доир кўнглида пайдо бўлган бир мулоҳазани айтди.

— Ҳозирча қат'ий бир нарса дейиш қийин. Лекин Керей оқ кўнгиллик блан ҳавола қилганда, Бароқ тура ўйлаб кўриб, ҳавола қиладиган кўринади-а! — деди.

Бу тўғрида Абайнинг ўзи ҳам шундай фикрда бўлишига қарамай, Жиреншега ёрилиб бирор нарса демади. Унинг ўрнига ҳозирдан бошлаб тезлик блан ишга киришиш зарурлигини билдирди. Тергов олиб бориш учун биттасини Керейга, биттасини Найманга жўнатадиган бўлди. Абай бу икковига ҳам ҳали ўзи ўйлаган тадбирни айтди.

— Сўраб, истаб билиб келишларинг керак. Ҳар ҳужум, ҳар баримта олганда қўлга тушган молу дун'ё, сўйил еб йиқилган йигит кўп. Кўп нарсаларни сўраб, анча ишларни билиб келишларинг керак. Аммо бўлган ишлар бору, бўлмаган иш бор. Ғараз блан ростга ёлғонни қўшиб, дўндириб гапириладиган гаплар ҳам бор. Шундай вақтда ўзларинг: «Бу яхши, бу ёмон, бу тўғри, бу нотўғри» деб айтакўрмаларинг. Ичларингда турсин. Айниқса рўйхуш бериб, ва'да беракўрмаларинг. Ва'да бериш— бўйинга тушган қарз бўлади. Сенларга қарз бўлган— менга бурч бўлади. Яна бир илтимосим бор. Икковияннинг ҳам олдинга қўядиган шартим: енг учида битишиб, мол-дун'ёга сотилакўрманглар. Икковинг ҳам дўстим бўлинглар, чин тилагим шуки, қанотим бўлинглар. Лекин адолат сари, оқ йўлга бошлаб учучи қанотим бўлинглар! — деди.

Қиз можараси устида туғилган бутун дов-жанжални Қўжагелди, Шақантой элларига бориб, тўла-тўкис билишни, яна бор эшитган-билганларини Абайга етказиб туришни Ўрозбойга топширди. Сибон ичига бориб, синчиклаб таги-туғи блан текшириб келишни Жиреншега топширди. Улар ишни аввало шу сиёзга келган Керей— Найман одамларидан бошламоқчи бўлишди. Да'вогарларнинг ҳам, гувоҳларнинг ҳам кўпчилиги шу ерда бўлгани учун, тергов ишини асосан шу ерда битириш мумкинлигини айтишди. Броқ уччови маслаҳатлашиб кўришди-да: «Ҳар икки томон ҳам бир-бирининг устига туҳмат ортиб, ҳақиқа кўчмайдиган бўлса» у ҳолда Ўрозбой блан Жиренше, Керей блан Сибоннинг ба'зи жойларига ўзлари бориб келадиган бўлишди.

Шундай қилиб, Солиқа қиз можараси кеча-кундузлаб бир ҳафта тергов қилинди. Тергов уч ерда олиб борилди. Ба'зан, кун бўйи эшитган-билганлари, топган-тутганлари

ҳақида сўзлашиб олиш учун Абай, Жиреншелар тун ярмида тўпланиб яна тарқалишарди.

Абайнинг ўзи қиз овулининг бош одами, кекса Қолдибой блан қизнинг аменгери¹ чол Соботорни тергади. Буларнинг ўртасидаги қудалик йўли блан ўтишган сарпа-сирихлар, қалин моли сингари олди-бердиларни Абай шошилмасдан, аниқлаб олди. Олинган қалин мол эвазига қизга қилинган сепни Қолдибойга бирма-бир санатиб, рўйхатга олди. Абайга ҳозир маълум бўлишича, Солиқага қалинни катта берилган экан. Куёв, Байгубек эли ичида бадавлат оиланинг ёлғиз ўғли экан. Унинг қаллиқчасига қалин молни аямай берилган экан. Куёв ўлиб, қиз урф-одат бўйича қайнағаси бўлмиш чолнинг хасми бўлиб қолганидан кейин, «Фотиҳа бузилмасин» деган Соботорнинг кўнглига қараб, Қолдибой: «Қизим тенгига эмас, тенгсизга кетадиган бўлди» депти. Соботорнинг ўзидан ҳам ярим қалин молини олипти. Абай шу жойларига алоҳида диққат қилиб, кейинчалик қанча мол олганини аниқлаб билди. Тўғри, олган қалинга яраша, кўп ўғилнинг ўртасида етиб ўтирган ёлғизгина эрка қизнинг отаси боламини рози қилиб, орзу ҳавас блан узатаман деб, саккиз қанотли оқ уйидан ташқари, сепини ҳам беками-кўст қилган экан. Қизнинг сепидаги ҳарбир нарса йигирма бештадан экан. Сепнинг боши қўқонли карвонлардан юз қўйга олинган ипак гиламдан бошланса, уёғи йигирма беш поча пўстин, тақир гилам, сандиқ, наматлар ҳам йигирма бешдан, кийим-кечак, кўйлак, дастурхон, чинни чойнаклар ҳам, қийматбаҳо суяклар блан нақшланган баланд кроватдаги шойи, дуроя-кўрпа, кўрпачалар ҳам йигирма бештадан экан.

Аммо бу моли-мулк ҳали Керей кўлида. Қалинни бўлса олиб бўлишган. Бунинг устига, энди қизи айниб ўтирипти. Сибон-Найманларга алам қилаётгани — қиз учун берилган беҳисоб мол. Можаро шу сингари молдунёни талашишдан чиққани учун, баримтачилар ҳайдаб кетадиган йилқи ҳам оз бўлмайди-да. Қай томони бўлса ҳам, ўчакишиб, ҳақим кетмасин, деб олган. Қуролли йигит, чиниққан босқинчи «Эр-ботир» деб ном чиқарган найзабозлар, босқинчи, баримтачилар асти тиним топма-

¹ Аменгер — илгари вақтларда унашиб кўйилган қизнинг қаллиғи ўлса, урф-одат бўйича, қиз ўлган куёвнинг ака ёки укасининг хасми бўларди. — *Ред.*

ган. Сўйил тутишга ярарли, ювош йигитлар орасида ҳам қизишиб кетиб, бу фалокатга қотишганлар оз эмас. Можаронинг бир тугуни мана шу қудалик атрофида бўлгани учун Абай дастлабки терговда Сибонлар блан Керейларни галма-гал чақиртириб турди. Уларнинг кўнглидаги бор муддаосини билиб олди. Ундан кейин бу можароларнинг бош омили ҳисобланадиган қизнинг ўзини ма дейди? Абай энди шуни билмоқчи бўлди.

Солиқа аризасини сиёзга олиб келиб, ўз қўли блан Қарқарали ўязига киргизгандан буён, мана шу Болқибек сиёзида юрган эди. Абай, Эрбўл блан Кўкбойни юбориб, Солиқани яқин одамлари блан бирга Ўспоннинг уйига чақиртириб келди.

Бошида камчат телпак, эгнида шоҳи камзил, қулоқларида катта-катта исирғалар тебранган, қора тўридан келган, баланд бўйли қиз кирди. У, Абайнинг устига собит одимлар блан тортинмай кириб келди. Отаси Қолдибой ҳам бирга келипти. Аввалига, Солиқа қизни кўришга қизиққан ёш қарилар уй ичини тутиб кетди. Керейларнинг ўзидан ҳам қизни эҳтиётлаб олиб юрган одамлар анчагина экан. Ўспон келганларга қимиз узатиб бўлгандан кейин, Абай аввало Тўбуқтиликларни тарқатди. Шундан кейин ўзларининг ортиқча эканликларини англаган Қолдибой ҳам бор Керейларни эргаштириб чиқиб кетди.

Абай блан Солиқа ҳоли уйда қолишди. Абай Солиқанинг юзига эндигина дурустроқ назар ташлади. Қора тўридан келган Солиқанинг юзлари беғубор, қопқора шахло кўзлари ажойиб экан. Уйчан, ўтдек нурли кўзлар. Ўсиқ, қуюқ киприклари кўзининг усиз ҳам катта-катта қорачиғига соя солиб, чуқурлаштириб турарди. Қирра бурнининг усти хиёл жўтарилган, нафис лабларининг икки четида пастга тортилган бир чизик билинарди. Бу—кўнгли яримликни, ёки кўнглидаги оғир ғуссани юзида акс этдириб турарди. Лекин Солиқа индамай ўтирганда, ғамгин ва ма'юс кўринса ҳам, сўзлаганда оппоқ садафдек дона-дона тишлари кўриниб турар экан. Бу ҳолат, Солиқанинг сиймосида хушнудлик ва самимият акс этдириб, очиқ чехрали, серзавқ, ўтли-шудли қиз эканидан дарак бериб турарди.

Шу ишга киришгандан бошлаб, ўзи оз гапириб, бошқаларнинг гапини кўпроқ эшитишга аҳд қилган Абай, ҳозир ҳам шунга риоя қилди. Сукут ичида бирпас Со-

лиқанинг юзларига қараб ўтирди-да, кейин билмоқчи бўлган гапларини сўради.

— Солиқа чироғим! Биринчи марта кўришаётган бўл-сак ҳам, ҳозир сизни ёш болалик чоғингиздан бери бил-ладиган яқин қардошингизга ўхшайман. Сенинг тўғринг-да кўп гаплар эшитганимдан бўлса керак!— деган эди, Солиқа аввал қизариб, уялганидан кулиб қўйди.— Ари-зангни ўқидим. Уша гапинг гапми? Олдин шунга жавоб бер-чи!— деди.

Солиқа бу гапни эшитиб, қошларини чимириб қўйди-да, тезда ўзини тутиб олди.

— Абай мирза!— деди катта қопқора кўзларида номус ва ғазаб акс этгани ҳолда ҳайрон бўлиб.— Уша гапим гап, сўзимдан қайтганим йўқ!— деди. Оппоқ тишлари кўриниб, юзлари қизариб, қон ўйнайбошлади.

— Яна бир нарсани сўрайман,— «Бормайман, тегмай-ман» деганингда, муносиб кўрмаганинг фақат чол Собо-торми? Ёки бутун Сибонни лойиқ кўрмайсанми? Агар Сибоннинг ўзингга тенг йигити бўлса, нима дер эдинг?

— Оғизларига аввало чолни олмай азаматни олса, ўз тенгимни атаса, мен можаро қилармидим? У ҳолда, овулим, элим ҳам менинг ра'йимга қараб ўтирармиди?!

— Ўз тенгимни атасин деган гапингни қуда томонга айтдирдингми?

— Айтдирган эдим, қулоқ солишмади. «Соботор — ху-до қўшган амснгери, боши боғлаб қўйилган, эл-юртда йўқ шумликни бошламасин!» дейишипти.

— Чироғим, энди яна бир сўроққа жавоб бер. У ҳам яширин сир эмас, буқунларда ошкора бўлган гап. Қал-лиқ юртинг сени: «Қиз ўзича айнимас эди, оламан деб, уни йўлдан урган Керейларнинг иккинчи отаси бўлган ана у Шақантойнинг йигити. Ушанга кўнгил бергандан кейин қиз айниб қолди. Қалинни олди, фотиҳани бузди. Керейлар бизнинг арвоқларимиз олдида бир айбли эмас, икки айбли» дейишаётир. Сен Шақантой йигитни Сибон-дан умид узганингдан кейин топдингми? Ёки аввал кўнгил бериб қўйган эдингми?

Қиз бу саволга ҳам дарҳол жавоб қилди. Фақат уял-ганидан ранги ўчиб кетиб, сўнг бир лаҳзада қизариниб ўнғайсизланди. Қулоғидаги зирагининг майда шокила-ларигача қалтираб кетди.

— Имондек сирим бўлсин, Абай мирза. Сибон: «Чол-дан бошқа ҳечкимни атамайман», деганда, мен: Шақантой

йигити эмас, «итни, ҳатто итнинг думини тутсам ҳам, шу ердан кетай, қорамни ўчириб, бошимни олиб йўқолай» дедим. Шақантой йигити шундан кейин топилди. Ундан олдин мени оздириб, йўлдан урган, ўртага совуқчилик солган Керей ўғли уёқда турсин, бирор киши бўлган эмас. Бошда айтдирилган йигит борлигида, Сибон севикли маконим эди. Ҳадди сиғиб, менга сўз қотадиган Керей йигити ҳам йўқ эди!— деди. Қиз сўзини тамом қилди-ю, гажимли дастрўмолининг учини кўзларига босиб, унсизгина ўтириб ёш тўкди. Абайга кўз қирини ташлаганда, катта қора кўзлари номус ва алам ёшларидан қипқизариб кетганлиги билинди. Гап тамом бўлди. Энди Абайнинг ундан сўрайдиган бошқа гапи йўқлигини пайқаган Солиқа, туриб кетиш тараддудида эди.

— Бошқа гапим йўқ!— деди Абай, қизнинг юзига тикилганича.

Солиқа туриб кетмади. Ҳалиги кўз ёшларининг орқасидан бир ғазаб, номус пайдо бўлди. Гап қисқа бўлиб, ўз қардошлари блан бўлган суҳбатга қараганда шунча осон битганига ҳайрон қолди. Абайнинг қошида у ўзини бир меҳрибоннинг олдида ўтиргандек ҳис этди. Шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, Солиқани яна бир сирни айтишга мажбур қилди. Қайғи ва алам ичида қошларини бир чишириб қўйди-да:

— Мени айнитган Керей ҳам йўқ. Айниш деган гап хаёлимда ҳам йўқ эди. Бу хаёл — заҳаролуд хаёл кейин пайдо бўлди. У: «Соботорнинг, қовжираб қолган чолнинг уч хотинининг бири бўлиб 'бормайман», деган хаёл. Бу хаёл, бу қайғу шу қадар қийнаётирки, бу кунларда мен тирик юрибман деялмайман. Бирнеча кундан буён ҳаёт блан ўлимнинг ўртасида турибман. Чол силайдиган этимни қуртлар есин демоқчиман. Кўнглимдаги муддаони сўрадинг-ку, биродар. Мана бу Болқибек блан Боқоноснинг чуқур қора сувларига ҳар кун қарайман. Маконим, қабрим сенларнинг тагингдан топилар, деб қарайман. Соботорга теккандан кўра, шу икки сувнинг чуқур ерларидан бири буюрсин! Гап шу!— деди.

Абай бирдан бошини кўтариб, ҳаяжон ичида ранги ўчиб кетди. Қиз ўрнидан туриб кетаётганида, Абай қотиб қолгандек, ўйлашиб ўтирганича қизга қараб бош эгди. Ҳозир унинг кўз ўнгида шундай сарвқад, ажойиб нозинининг чуқур сувга чўкиб кетаётгани гавдаланиб турарди, холос. Назарида, қорайиб турган чуқур сув, қаттиқ

шалоплаб кетгандек бўлди. Қиз вужуди ўша сув тагига кетиб бораётир. Қошлари ҳаётга ла'нат айтиб чимирилган, нозик қўллари ўлимни чангаллаб юмилган ҳолда, совуқ, кимсасиз бўшлиқ ичида жон бериб, жой топгандек бўлди. Кўнглида ҳаёл ва тасаввур бирга қўшилиб, қандайдир илиқ оқим пайдо бўлдию, сўзлар ўз-ўзидан вазинга тушиб, ўланга айланди кетди.

...Чол сийпаган этимни қурт есин деб,
Қоядан қиз ташлади теран сувга...

Қизнинг Абай уйдан тез чиқиб кетиши Эрбўл, Кўкбой, Шакеларга ма'қул бўлмади. Эрбўл кўнглига келган гапни эшикдан келаётиб, Абайга ҳам айтди.

— Абай, улуғнинг маҳкамасига сўроққа чақиртирилгандек дарров жўнатиб юборганинг нимаси?— деди.

— Ҳеч бўлмаса, тушлик овқатдан кейин жўнатсангиз ҳам бўлар эди-ку, Абай оға!— деди Шаке ҳам.

— Йўқ, кетгани ма'қул!— деб, Абай қоғоз блан қалам олиб, нимадир ёзабошлади. Ҳамроҳлари блан сўзлашгиси ҳам келмади. «Қизини анча олиб ўтириб, хўп сўзлашди» деган гап туғилса, қилдан қийиқ ахтариб юрган Сибон бундан ҳам бир иғво чиқариши мумкин. «Улуққа арз қилиб, айтиладиган гапларни Абай қулоғига қуйиб чиқарди» дейишдан тоймайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бу гапларни кўнглидан ўтказди-ю, ёрилиб айтмай қўяқолди.

Шундан сўнг, Керей — Найман ўртасидаги Солиқа қиз можаросидан туғилган ғалаён яна уч кун тергалди. Мана шу уч кун ичида бирқанча гапларни бартараф қилган Жиренше блан Урозбой ёнларига бештадан одам олиб, иккови икки томондан Керей блан Сибонни оралаб келишди. Яна бирқанча далиллар йиғиб, бу икки элини элақдан ўтказиб чиқишди.

Энди ҳукм чиқариладиган кун ҳам келган эди. Бор да'волар, чиқим ва энг чалкаш тугунлар атрофдан йиғилиб келиб, ечилиб, Абайнинг қўлига теккан эди. Абай Керейдан ҳам, Наймандан ҳам шу ишга иштироки бўлган ёшу қарининг ҳаммасини улуғлар уйи ёнига йиғдирди.

Чопарлар, страшинлар олиб-югуришиб: «Солиқа қизининг можароси», «Керей — Найман ғавғоси бугун ҳал бўлади, бугун ҳукм чиқарилади» деб, Болқибек сиёзига келган бутун халққа хабар қилишди. Ҳукм чиқариладиган жойга сиёз бошидаги улуғлар ҳам келишмоқчи эди. Ҳозир ялтироқ тугмали оқ кительларини кийиб, сариқ қишло қиличлар таққан урядник, стражник ва тилмоч-

ларни эргаштириб, бир гала бўлиб келишаётяр. Бугунги йиғилиш дабдабали йиғилишга ўхшарди.

Йиғилиш бошланай деб турганда, Жиренше блан Урозбой Абайни бир чеккага чақириб олиб, галатироқ бир гап айтишди. Уни Жиренше бошлади.

— Абай, икки тизгин бир жилов сенинг қўлингда. Синаладиган паллага сен ҳам етдинг, эл ҳам етди. Нима демоқчи бўлаётганингни ҳатто мана бу Урозбой блан менга ҳам айтмай, ичингда сақлаб келдинг. Қани, айтчи, чирогим! Кимни йиқитиб, кимни устин қилмоқчисан ўзи?

Абай бу икковига синовчи назар блан қараб турдида, кўзларини қисинқираб жулиб қўйди.

— Ўзларинг айтчи, кимнинг ёнини ол демоқчисанлар? Томоқларингга бир нарса тикилиб турганга ўхшайди-ку? Қани, икковинг нима дейсан?— деб, Жиреншега тикилди.

Жиренше ҳам унинг юзидан кўзини олмади. Мумкин қадар совуққонлик блан, қат'ий оҳангда гап бошлаб қабиҳ бир сирни очди.

— Абай, «Олтинни кўрса, фаришта йўлдан озади», ота йўли элга ўрнак. Бунинг англаган эл — мана бу Сибон эли. Бароқнинг ўзи бошлиқ, Бойгубек, Солпилар ҳукм чиқарилиши олдидан мен блан Урозбойдан сенга салом юбориб, ўз орзуларини билдиришди. Керейнинг қизини Соботорга буюриб берсин. Сибоннинг ҳалол молидан қирқ йилқини танлаб бераман!— деяётяр. Сенинг йўлингни тўсишдан мақсад шуни айтиш эди!— деди.

Абайнинг назарида, Жиреншенинг оғзидан нажосат тўкилаётгандай жирканч кўринди. «Бас қил, товушингни ўчир!» деяётгандек қўлини қаттиқ силтаб, ҳўмрайганича, қараб қолди. Кейин бошқа бир хаёлга бориб, ўзини тутиб олди. Бир лаҳзада унинг чехрасида рўй берган ўзгариш, ҳуш'ёр, зийрак Жиреншенинг э'тиборидан четда қолмади. Аввал хавфсиниб турган Жиренше умид қилабошлади. Абай энди Жиренше блан Урозбойга қараб, ҳиринглаб кулабошлади. Ҳали кулгидан тўхтамай туриб, дарров гап бошлади.

— Ҳа, Урозбой! Сен ҳам шундай дейсанда-а! «Олиш керак. Керейни йиқитиб бериш керак» дейсан-ку?— деб, икковини яна айлантирабошлади.

Нияти бузилган Урозбой блан Жиренше, Абайнинг бундай ишларга асти кўнмаслигини, яна ўзларига қараганда кўп устин эканини яхши билсалар ҳам, айтган гапларидан қайтишмади.

— Тўғри, мен ҳам Жиреншенинг гапига қўшиламан. Ундай эди, бундай эди, деб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Олмаётган ҳоким, смаётган бий бор дейсанми бу ерда? Бу иш сен блан бошланиб сен блан тамом бўлади деб ўйлайсанми! Маккага келганимиз йўқ-ку, ахир. Болқибекнинг сиёзига келганмиз! — деди.

— Асли гап ўзи шу-я! — деди Абай жиддий тусда гапирётгандек, товушини ҳам ўзгартмай.

Жиреншелар аввалгидан ҳам умидвор бўлишди.

— Гап шу, шунга қарор қилдик!

— Сибоннинг айтганини қил! — дейишди.

Шу ондагина Абай тўсатдан бўғилиб, тутақиб кетди-да, ҳайқариб:

— Бас қил, икки кўпак! — деб, ҳақорат қилиб юборди.

Уларнинг ёши Абайдан каттароқ бўлса ҳам, ба'зан ҳазил, ба'зан жаҳил аралаш сўкаверарди. Икковини ҳам хўп сўкиб аламдан чиқди, яна ғазабига чидамай ўртанганича койиб кетди.

— Ўз одамим, ишонган боғим, суянган тоғим, учарда қанотим, деб қаторимга олганим сенлармисан? Айланиб юриб-юриб келиб, берган маслаҳатинг: «Ҳаром ейиш керак!» дейиш бўлдимиз?! Уша йўлдан юрадиган бўлсам, икковингни эргаштирмай Такежонни танлаб қуяқолсам бўлмасмиди? Сенлар: Керей, Найман адолатга учрамай, саргардонликка учрасин. Бўлса бўлар, бўлмаса ювлаб кетар, — десаларинг, мен уларни — элим дейман. Уч ўрданинг одами олдида, қуми-тупроқдек қозоқ халқи олдида мени жиғилдошларинг учун қурбон қилмоқчи бўлаётирсанларми? Сени ўлдириб келдик дегин ҳали! Сенлардан келган иш шу-да! Йўқол, иккаланг ҳам! — деди-да, туриб кетди.

Шу чоғ: «Улуғлар, улуғлар келишди, сени кутиб қолишди-ку Абай!» — деб, ҳовлиққанларича Такежон блан Исҳоқ етиб келишди. Абай шўшмасдан бориб, йиғин ичига кирди. Кўмкўк майса блан қопланган тепаликнинг бошига чиқди. Икки ўяз блан кўришиб, икки томоннинг — Керей — Найманнинг Бароқ блан Тўйсаридек да'вогарларига ҳам салом берди.

Жиренше орқали Абайга пора таклиф қилган Бароқ ҳозир гердайиб ўтирипти. Шу ишда ҳаром йўл тутишни у, анча аввал ўйлаган эди. Абай: «Жиреншеларни ёрдамчи қилиб оламан» деб, уларнинг олдидан ўтаётгандаёқ, режасини тузиб қўйган эди. Уша куни Абайга, «Ҳукми ёл-

ғиз ўзинг чиқар» дейишида ма'лум мақсад бўлиб, жўрттага айтган эди. «Керей Абайга пора ҳақида гап ташлаб, унинг кўзига ёмон кўринаверсин», Жиреншега бўлса: «Порани боплаб бериб, айтганимдан чиқмайдиган қилиб оламан» деб, унга жўрттага аҳамият бермаган киши бўлиб қўяқолган эди. Бундан олдин ҳам шундай бир ишда Жиреншега, пора тикиштириб, у блан анча сирдош бўлиб олган эди.

Абай мажлисни очиб, бир — икки оғизгина гапирди-ю, кейин да'вогар Бароқ бийга сўз берди.

Аввал сўзлаган Бароқ ҳам, ундан кейин сўзлаган Тўй сари ҳам, шу кунга қадар айтиб келаётган дов-да'воларини яна такрорлаб ўтишди. Ҳар икки томон ҳам гапни: аввал худо, қолаберса сенга топширдик, одилона ҳукмингни чиқар, холис қардош сўнгги сўзингни отабобонгинг арвоҳига топширдик!—деб, тамом қилишди.

Шундан кейингина Абай гап бошлади.

Ҳаяжон ичида қалби тўлқинланиб тургани учун ранги ўчинқираб кетган эди. Бошидаги тумоғини олиб, чордона қуриб, қўлини тумоғи блан бирга биқинига тираб ўтирарди. Оппоқ, жанг пешонаси, чўзиқроқ қирра бурнининг учидан бироз тер пайдо бўлди. Лекин у, ўзини босиб олган, товуши салмоқли ва дадил чиқаётган эди. Товушини барала қўйиб, тутилмасдан сўзлар, ўз-ўзидан қуюлиб кетаётгандек эркин гапирди.

— Эй халқим! Керей—Найман элим!—«Аҳиллигимни топ, осойишталик бер» — деб ўрталарингизга мени қўйибсиз. «Йиртигимга ямоқ бўл, дардимга ҳозиқ бўл!» деб ишонч билдирибсиз. Бир ишдан сизни огоҳлантириб ўтмоқчиман: Тўбуқтидан туғилганим учун икки жигар, икковингизнинг ишингизга Тўбуқти чўққисидан туриб қарар, деб ўйламанг. Қўлимдан келмаса иложим йўқ. Уддасидан чиқсам, ниятимга етолсам, мақсадим — жафокаш халқим, қозоғим — ҳаммангизнинг ғамхўрингиз бўлиш! — демоқчиман. Иккинчидан, шуни айтмоқчиманки, қозоқда узатилмай туриб бева қолган қиз можароси — қадимий можаро. Ба'зан бирлигингизни, ба'зан эллигингиз, эллик фазилатингизни асрлар давомида митадек еб келаётган ла'нати можаро. Замон ўзгариб, занг тўзиши ростми? Шунинг учунми? Ёки дард бир бўлса ҳам даво кўпайгани учунми? Ҳарҳолда ҳозирги замонда, бизнинг давримизда бу можаро бир бош-

қача, янги йўл блан ҳал қилинмоғи керак бўлиб қолди. Кўпчилик, айниқса ёш насл шуни талаб қилади, деб биламан. Мана қардошлар, сизларнинг ишингизга ана шундай назар блан қарадим. Ҳукми ҳам ўшанга қараб чиқардим. Сизларнинг гамингизни еб, қўлдан келса, ҳомий бўлишдан бўлак орзу истагим ҳам, мақсадим ҳам йўқ. Биринчи масала — Солиқа қиз масаласи. Тўғри йўл — эл йўлдоши дейдилар. Мен ота-боболаримиз қандай даво, қандай чора топганини биламан. Янги насл — янги тилаклар блан келади. Ёшлиқдан бошлаб қайғу ҳасрат блан ўтаман деб келмайди. Янги кун ўзининг янги йўлини, янги тилаklarини, ёшларнинг кўнгли орқали айтади. Янги бўғиннинг талаби орқали айтади. Унга қулоқ солмаган эл оғаси уларнинг дардига даво эмас, жафо топади. Бу қиз бўлса, тақдир бир марта жазолаган қиз. Ўз тенгидан айрилиб, умид-истаклари барбод бўлган қиз. Ота-онаси, қаллиқ томони бир атаган жойга бажонидил кўнгил қўйган эди. Лекин, тангри ҳам тақдирда бир умрга икки ўлим ёзган эмас. Сobotорнинг тилаги ўша қизнинг бошига иккинчи ўлим — қонли сиртмоқ бўлиб тушаётир. Бу хилда сиртмоқ солиш адолатдан эмас, такрор айтаман, бу — қонли сиртмоқ. Қиз ўлимига рози, бундай ҳаётга рози эмас. Эй, тўпланиб турган халойиқ, ҳаммангизда ҳам опа-сингил, қизлар бор. Тўрт элнинг йиғинида ўтирганлар, бу гапим кейингиларга ҳам ибрат бўлсин дейман. Бир жонни икки қайта ўрташ — адолатдан эмас. Бир қизнинг икки қайта сотилмоғи — йўл ҳам эмас. Аввалида қиз сизларга, халққа берган ихтиёрини энди халқ қизнинг ўзига берсин. Қизнинг боши Сибондан озод. Бу — менинг биринчи қарорим, — деди Абай.

Сўнгги сўзларни баланд товуш блан дона-дона қилиб гапирди-да, тўхтамасдан иккинчи гапга ўтиб кетди.

— Сибонда ҳам айб йўқ. — Улим — эл жазоси эмас, эр қазоси, унга даво йўқ. Яхши ният блан молу дунё сарф қилиб, орзу ҳавас кўраман деган эди. Броқ, ўртага ўлим тушиб кетди. Солиқа қизга батамом берилган қалин мол Сибоннинг ҳақи, ҳалол моли эди. Керей уни олдинг. Бир олмадинг, икки олдинг. Даставвал олган қалиннинг ҳам ози эмас эди. Эллик туянинг пулига баравар эди. Кейинчалик қизингнинг ихтиёрига ҳам қарамай: «Кекса кишига берилаётир, хотин устига бораётир» деган баҳона блан яна олдинг, олганда ҳам беармон олдинг. Болангнинг ўтга тушаётганига ҳам парво қилмай, бир эмас, икки

сотдинг. Бу ишда Сибон айбли эмас, иштаҳангни карнай қилган Керей сен айблисан. Эндиликда қиз эгаси Керей, ҳалол фотиҳа, ҳалол мол эвазига Соботорга икки қизнинг қалин молини берсип. Аввал эллик туяга тенг, кейин йигирма беш туя бараварида мол олинган экан. Мен: ҳам Сибон олдида, ҳам ўз қизи олдида айбдор бўлган Керейнинг гуноҳи учун унинг бўйнига яна йигирма беш туя қўйдим. Шундай қилиб, Керей юз туя қилиб қайтаради. Қўжагелди блан Шақантой — бу икки отанинг авлоди Сибон олдида айбдор бўлгани учун жаримали баравар кўтаради. Мана бу иккинчи масала. Мен беш кундан буён қиз можаросидан туғилган босқинчиликлар орқасида ҳар икки томондан кетган молу дунёни бирмабир текшириб, ҳаммасини аниқлаб чиқдим. Баримта босиш вақтларида Керейлардан икки юз йилқининг ҳақи Сибонга ўтган. Юз етмиш йилқи Керейга ўтган. Уша баримтага босиб олинган молларнинг кўзи тириклари ўз ҳолича, кўзи йўқолган ҳар йилқи туёғига беш яшар от ҳисобидан қилиб, ҳар икки томон бир-бирига қайтарсин. Мана, қардошлар, фақат эл бирлигини тилаш орқасида кўнглимда пайдо бўлган талабим ва чиқарган ҳукмим шу! Мен сўзимни тугатдим! — деди.

Йиғиндагилар бу ҳукмни чурқ этмай қарши олишди. Абайнинг ҳукмини тилмочлар орқали энди батафсил эшитиб бўлган икки ўяз ўзаро кулишиб сўзлашабошладди. Иккови ҳам Абайга: «Дуруст айтдингиз, шундай қилганингиз ма'қул!» дейётгандек, бош ирғашиб кулганларича сўзлашабошладди.

Икки томонни тўлдириб ўтирган, қуми-тупроқдек Керей — Найманларга улуғлардаги вазият: «бу ишнинг ҳукми чиқарилди, шунинг блан тиним топди» деган ма'нони англатди. Одатда шундай йиғинларда теварак-атрофдан чувиллашиб эшитиладиган «розиман!», «норозиман», «бу қандай бўлди, бу тўғри эмас» деган гаплар ҳам эшитилмади. Икки элнинг йиғилишига келиб: «Қандоқ бўлар экан?» деб, ўтирган холис Тўбуқтилар ҳам ҳозир сирбой беришмади. Абай чиқарган ҳукмдан рози бўлган халқ аста-секин тарқалабошлади.

Жиренше, Сибонлардан бири бўлган баланд бўйли, зўр гавдали, оқсоқолнинг ёнида турган эди. Жиреншеннинг ҳозирги ивир-шивири уни худди қамчилаб юборгандай бўлди. Уша чол дўриллаган дағал товуш блан Абайга қараб ҳайқириб, урон ташлади.

— Эй, Кенгирбой! Кенгирбой! Қани сенинг арвоҳинг? Кенгирбой? Йўлдан озган қизга чиқарган ҳукминг шундай эдими? Кенгирбой, арвоҳингга сиғинаётирман! — дедию, орқасига айланиб кетаверди. Бу чол, Кенгирбой шу сингари қиз можароси устида Энглик блан Кебекни ўлим жазосига буюрганига ишора қилган эди.

Лекин, бу пайтда кўпчилик ўзаро сўзлашганича тарқалиб кетишган эди. Абай ҳалиги чолнинг товушини эшитиб, хаёл суриб, юзига тикилиб турди-да, бир нафасдан сўнг хандон ташлаб кулиб юборди.

Ҳукм тугаб, халқ тарқалган пайтда, Жиренше блан Урозбой келиб Абайга иккинчи марта сўз қотиб кўришди. Гапни яна Жиренше бошлади.

— Абай, бошқаси-ку, майли-я, ҳалиги Сибон чол, отанг Кенгирбойнинг арвоҳига сиғинганда, ҳеч бўлмаса этинг жимирлашдими? Ё шунда ҳам қовурғанг қайишмадими? Ота-боболаримизнинг йўлидан ўзинг ҳам озиб, халқни ҳам оздириб турганингни шунда ҳам англай олмадингми? Қани, тўғриси айтчи! — деб, ранги ўчинқираб Абайнинг юзига тикилди. Абай ҳали бояги жаҳлдан тушмаган эди.

— Кенгирбойнинг халқ қўйган оти «Қобон» эди. Пора учун шундай вақтда қариндошининг қонини ичганидан «Қобон» аталган. Уқдингми? Мен Кенгирбойнинг ўғли эмасман, одамнинг ўғлиман! — деди.

Абайнинг бу гапидан кейин Жиренше блан Урозбой бошларига калтак блан бир ургандек гангиб серрайганларича турган жойларида туриб қолишди. Абай кетаверди.

Иккови ёлғиз қолишиб, бақрайишиб бир-бирларига қарашганда, уларнинг чеҳраларида кучли ғазаб акс этиб турган эди. Жиренше:

— Бунинг жуда ҳишиниб кетипти-ку! Қараб турсин! — деб қўйди.

Урозбойнинг ҳам кўнглига шу гап келган эди.

— Кечагина ошиб-тошган Қунанбой ҳам бир тўкилган эди. Бунинг ҳам бир кўргулиги борга ўхшайди! Таваккал, Жиренше, юр буёққа! — деб, иккови бирга кетишди.

Кейин, Болқибек сиёзи тамом бўлгандан сўнг, Абай бир тўп ёшлар блан бирга отланиб, Бойқўшқорга қараб кетди. Шу тобда Жиренше блан Урозбойлар ҳам йўлга чиқишган эди. Абайлар тўпининг олдида, ўқ бўйи ерда

иккови бирга кетипаётган эди. Абай уларни таниб, орқасидан чақирган эди, қайрилиб қарашди-ю, Абайни танишиб, тўхтамай отларини лўкиллатганларича илгариларга кетишди. Абай ҳали уларга айтган қаттиқ гапларини эслаб, энди бемалол сўзлашиб, дурустроқ тушунтирмоқчи эди. Шу ниятда остидаги саман отини чоптириб, олдинда кетаётганларни қувиб етди. Ўз тўпидан ситилиб чиқиб, ёлғиз ўзи уларнинг ёнига келган эди. Лекин, Абай етиб келиши билан Жиреншелар уни кўриб «ийе» деяётгандек, бир-бирларига қараб қўйишди-ю, отларига кетмакет қамчи босиб чопиб кетишди. Абай бу кайфиятни ўша он англади-да, уларнинг орқасидан қичқариб:

— Ҳа, шундайми? Билдим! — деди.

Иккови эшитиб қолди. Отларининг бошини тортиб, қайрилиб қарашди-да, бир оғиздан:

— Билган бўлсанг бўпти!

— Билсанг шу! — деб жеркиб ташлашди-ю, яна от қўйганларича кетаверишди. Улар Абайга қаттиқ кек сақлаб, тобора қаттиқроқ ғазабланиб боришаётган эди.

Болқибек сиёзидан қайтиб келаётган Такежон, Мой-босарлар ҳам Абайни сўйиб-сотиб, ёмонлаб қайтишди. Жиренше орқали Бароқ таклиф қилган қирқ йилқи масаласи буларга ҳам маълум эди.

— Ҳам мол ортдириб, ҳам обрў ортдириб, эл-юрт қилган ишни қилиш ўрнига Абай мол ҳам, обрў ҳам ортдирмай қуруқ қайтди. Русларнинг улуғи айтадиган гапни айтиб урф-одатини бузиб қайтди. Отанинг обрўи билан келган бахт-саодатни оёқости қилганда, шундай виждонсизлик, номуссизлигимиздан оёқ-ости қиламиз-да! — деди. Такежон.

Лекин Тўбуқти мансабдорлари шундай дейишгани билан Керей-Найманлар Абайга ҳечқандай айб қўйишмади. Улар бир тўхтама келиб, улуғлар жўнаш олдидан: «Тиндик, тинчидик» дейишди. Наймандан Жумақон билан Бароқ, Керейлардан Тўйсари билан Бегеш бўлиб, битим қилишиб, муҳр босилган «тинчлик» қоғозини бериб отланишди. Улар Абайга «йўли бурунги қозоқ йўлидан бўлак, нафаси ўткир, лабзи элга эм бўлгудек, сўзи э'тиборлик, юзи олмосдек, истиқболи баланд, бу атрофда зўр обрўй қозонганларнинг биттаси бўлиш олдидан турган одам экан!» деб, баҳо беришди.

Уч от қўшилган катта извош Оқшўқидаги қистовнинг рўпарасидан — Қўриқдан чиқиб, шаҳарга кетаётир. Кучер Боймағамбет. Кузнинг эрталабки салқин ҳавосида уч тўриқ отни бир моромда қаттиқ елдириб борарди. Ичига қизил сафян сирилган, тепаси тушириб қўйилган кенг извошда Абай блан уч боласи — Абиш, Мағаш ва Гулбодонлар кетишаётир.

Пешонаси кенг, қаламқош, рангпаргина Абиш йўл бўйи Абай блан суҳбатлашиб борарди.

— Оға, биз шаҳарда қаерда турамиз? Уччаламиз бир уйда турамизми? Қозоқнинг уйида турамизми, ёки руснинг уйида турсак яхши бўладими? Ёки мен бу икковидан бошқа туриб, бошқа ерда ўқийманми? — деб отасидан жумбоқдек кўринаётган келажак кунлар ҳақида сўраб кетаётир.

— Ҳа, мен қизи бор руснинг уйида, ўзимдек қизи бор уйда ёлғиз тураман! Мен ўзим сен икковингдан бошқа тураман! — деб, ака-укасидан ўктамроқ Гулбодон кулаётир. У отасининг олдидан Мағашни ҳам суриб тушириб, ўзи чалқасидан тушганича отасини қучоқлаб ётиб олган эди. Гулбодоннинг шундай ўтжирлиги, айниқса биринчи марта онасининг бағридан айрилиб кетаётганига қарамай, ортиқча ғам емаслиги отасига кўп ма'қул бўлди. Тиззасида ётган эрка қизнинг иягини қитиқлаб кулганича:

— Бепарво қизим, тилла қизим! Ҳаммадан сен ботир бўлсанг керак, бўтам! Ўзинг айтгандек, сени булардан бошқа ерга қўяман. Сенга она бўладиган, эслик-хушлик, ўқимишлик рус аёлининг қўлига топшираман. Ҳаммангни ҳам яхши оилаларга ўрнаштираман! Сен уччаланг шаҳарда турадиган бўлганингдан кейин, менинг ҳам кўп умрим шаҳарда бўлади. Сенларнинг ёнларингда юраман. Мен учун уччовининг ўқиб, одам бўлишларингдан бошқа шодлик ҳам, орзу ҳавас ҳам йўқ! — деди. Ба'зан уч боласини кенг бағрига олиб, маҳкам қучоқлаб қўярди.

Абай бир вақт, индамай ўтирган нозик ўғли Мағаш томон қайрилди. Уни қучоқлаб яқинроқ тортиб олди. Извошдаги қалин кўрпа, катта ёстиқларни тузатиб, унинг жойини баланд қилиб яхшилаб берди-да: «Қани, бир ўлан айт-чи, ўлан бошла Мағаш!» — деди. Уйдан чиққанига бошқалардан кўпроқ ма'юс тортиб келаётган

Мағашнинг кўнглини бироз очмоқчи эди. Гулбодонга ўхшамайдиган, отасининг чиройини бир лаҳзада англай оладиган Мағаш, ўзига кўрсатилган бу илтифотга чиндан журсанд бўлди.

— Оға, қайси ўланни айтай? — деб отасининг бўйнидан қучоқлаб олди.

Бир нафасда очилиб-ёзилиб кетди. Болаларга хос кулгидан нафис лабларининг таноби қочиб, оппоқ тишларини кўрсатди.

— Броқ, мен бошламайман, адашиб кетаман, мен ўрганиб олгунча ўзинг бошла оға! — деб илтимос қилди.

Абай унинг илтимосини ма'қул кўриб, томоғини қириши блан Гулбодон инисини эрмак қилиб кетди.

— Ийе, ўлан айт деса бўлди, Мағаш ҳамиша одамга: «Ўзинг бошла!» дейди туради! — деб хохолаб кулганича, — орқасига тисланадиган тойга ўхшаб, уйнинг ёнидан нари кетаолмайди бу! — деди. Абай, Боймағамбетдан тортиб, извошдагиларнинг ҳаммаси кулиб юборишди.

Мағаш уялиб, айланиб тушиб, юзини беркитиб ётган жойида ўзи ҳам тоза кулди. Кичик инисини аямай қаттиқ эрмак қилаётган Гулбодонга Абиш э'тироз билдирди.

— Орқага тисланаверадиган одати бўлса, уни ёмон той деб ўйласанг керак, ўзинг тойга минмасанг қаёқдан биласан? — деди.

Мағаш ўша он бошини ёстиқдан юлиб олиб:

— Той қаёқда? Қўйга ҳам минолмайди. Ана, менинг ёздаги орқага тисланадиган сариқ тойим, пойгадан беш марта биринчи бўлиб келди. Ушами энди? — деди кулиб:— Қани оға, ўланни бошла! — деди.

Абай бошлаб, болалари қўшилиб «Қўзи қўш» куйини биргалашиб куйлаб кетишди.

Икки кун тўхтамасдан йўл босишганда, гоҳ биргалашиб ўлан айтишар, гоҳ болаларига ўзи ҳикоя қилиб берарди ёки Абишга, Гулбодонга улар биладиган эртакларни айтдиарди. Уйқу қисиб келган чоғларда, Боймағамбетгача қўшилишиб, узоқ-узоқ куйлашарди. Ниҳоят шаҳарга етишди.

Абай Михайловнинг маслаҳати бўйича Мағаш блан Гулбодонни «уездная школа»га берди. Биттаси эрлар, биттаси қизлар мактабига берилгани блан, ижковн Андреевич топиб берган руснинг уйига қўйилди. Абиш тўғрисида Михайлов бошқа маслаҳат берди. У мусулмончадан яхши саводхон бўлипти. Илмга иштиёқи зўр, зеҳни

Ўткир экан. Ўз тиришқоқлиги орқасида русчани ҳам тилмочда ўқиб, сўзлашиб юриб, анча билиб қолипти. Бошланғич синфларга беришга ёши ҳам анча ўтиб қолган. Шунинг учун Абай блан Михайлов уни қолган икки боладан айириб олишди. Унинг ёлғиз ўзини тил ўрғатишга, умумий тарбиясига кучли та'сир кўрсатадиган ўқимишли одамларнинг уйига қўйишди. Яна мактабга беришмай, чиниққан, яхши тажрибали муаллим ёллашиб, ўшанинг қўлига топширишди.

Абишнинг ёқимли кўриниши, ахлоқи биринчи учрашувдаёқ Михайловга ма'қул бўлиб, унга бошқача ихлос қўйди. Ўқиш ва тураржой масаласи ҳал бўлгандан кейин, Михайлов Абайга яна бир маслаҳат берди.

— Ибрагим Қунанбоевич! Бу ўғлингиз Абдурахмон, илмга жуда жиддий бериладиган болага ўхшайди. Ёши бироз ўтиб қолгани учун ташвишланманг. Эҳтимол, ўз она тилида саводини чиқариб, анча оқ-қорани таниб келгани яхши бўлгандир. Шу ёшда бошқа тилда ўқишга киришгани унинг учун осонроқ ҳам бўлар. Брок, шу болангиз ҳақидаги маслаҳатимга қулоқ солинг. Абдурахмон бу йил қиш бўйи ёлланган бир ўқитучининг қўлида яхшилаб тайёрлансин. Келаси йили Семейда ўқимасин. Тюмендаги мактаблар анча юқори туради. Тюменда менинг жуда яхши дўстларим, танишларим ҳам бор. Бу бола ёзда саҳрога бориб турар, лекин қиш фаслида руслар ўртасида бўлиб, шаҳарда, руслар ўртасида тарбиялансин. Саломат бўлса, унинг истиқболини Тюмендан ҳам нари, Питердан умид қилайлик! — деди.

Абай болалари ҳақида саҳродаги қариндошларидан кўра, кўпроқ жон куйдириб, ҳам оға, ҳам дўст сифатида ғамхўрлик қилаётган Михайловнинг маслаҳатидан жуда миннатдор бўлди. Ўша он унинг маслаҳатига кўнди.

Бу гаплар Михайлов ишлаб ўтирадиган катта, ёруғ хонада бўлиб ўтди.

Бироздан кейин бу хонага ичкариги уйлардан чиқиб келаётган ёшгина бир жувон кирди. Абай бу аёлли Михайловнинг уйида кўргани шу эди. Одатда икки дўст учрашганларида, бу ерда фақат ивирсиб, майда-чуйда ишларни қилиб юрадиган биттагина бегона одам бўларди. Қари полиция блан кўп уришадиган, Домнушка бўларди, холос. Ҳалиги ёш жувон қоронғи тушиб қолган оддийгина уйга катта ёруғ лампа олиб кирди. Қип-қизил кўрмак юзли, қуюқ, қўнғир сочли, катта-катта порлоқ

мовий кўзли аёл экан. Уйга мулойимлик блан салом бериб кириб келди. Абайнинг ёнида ўтирган Михайлов иргиб ўрнидан туриб, ёш жувоннинг қўлидаги чироғни олди-да, раҳмат айтди. Бир қўли блан уни Абай томон тортиб келиб:

— Мана бу Ибрагим Қунанбоевич, менинг дўстим! Таниш, Лизанка! — деди. Ҳайрон бўлиб, гангиб қолган Абайнинг юзига қараб, ўзи ҳам бироз қизариб кетганича кулиб:

— Ибрагим Қунанбоевич, танишинг, Елизавета Алексеевна, менинг хотиним! — деди.

Абай ўнғайсизланиб кетди. Бундай пайтда «хайрли бўлсин» дейишни русча қандоқ қилиб айтишни билмай, тугилиб қолган эди.

— Мен билмаган эдим, Евгений Петрович, сиз нега яширдингиз? Бахтли бўлингиз! — деди шошиб-пишиб.

Бу аёл, Абай илгари улуғларнинг уйида ёки Андреевичнинг жамоасида ба'зан кўриб қоладиган Петербург, Москвада ўсган аёлларга ўхшамайди. Мана шу Семейда кўп учрайдиган оддий одамларга ўхшайди. Кўринишида мўмин, уятчан экани билиниб турипти. Эри блан меҳмон олдида ўнғайсизланиб ийманиб ҳаракат қилаётир. Анча тортинчоқ бўлса керак. Елизавета Алексеевна ўтирмай, бироз туриб астагина чиқиб кетганида, Михайлов ўзининг уйланиш воқинасини қисқагина қилиб айтиб берди.

— Мен шу ерда, яқинда уйландим. Аввалдан уйланмоқчи бўлиб юрган қаллиғим эмас. Кутилмаган бир вақтда тўсатдан уйландим, десам ҳам бўлади. Шу ерлик, содда қизлардан бири. Ма'лумоти ҳам йўқ. Сиз Абишни ўқитганингиз сингари, ҳозир мен ҳам уни уйда ўқитаётирман. Ўқитиб, камолга етказиб, ўзимга муносиб ёр қилишни бурчим деб билдим! — деди. Аввалги салтсувай ҳаётига кирган бу катта янгликни негадир ўнғайсизланиб, қисқа қилиб айтиб қўяқолди. Абай ҳам ортиқча суриштириб ўтирмади. Бир нафасдан кейин Михайлов гапни бошқа томонга буриб, шу кунларда ўзининг область маҳкамасига қайтадан ишга олингани, яна қайтадан хизматчи бўлиб қолгани тўғрисида ҳикоя қилиб кетди.

Бир кун Абай, Иртишнинг бу томонига ўтиб, кўпдан буён бормаган Тинибой уйига бориб, Макишнинг олдида ётиб қолди. Ўша кун кечқурун Макиш унинг келмай қўйганидан койиб, анча гинахонлик қилди. Абайнинг қайсибир йили, шу уйда, Салтанат блан бирга кўнгилли

дамларни ўтказганини ҳам эслаб ўтди. Салтанатнинг номи тилга олиниши билан Абай уни самимий дўст сифатида соф кўнгилдан хотирлади. Хаёл суриб туриб чўзиб гапирди:

— Сал-та-на-т! Қамол топкур Салтанат, ажойиб эди-да! Мен кўриб юрган ёшларнинг ичида олийжанобларидан биттаси эди!— деб қўйди.

Тўсатдан Макишга қаради-да:

— Макиш, менга қара, бу кунларда Салтанат нима қилаётган экан? Ҳаёти, ҳол-аҳволи қандай экан? Сенинг хабаринг бўлмадими? — деди.

Шундан кейин Макиш, Абайга Салтанат ҳақида кўп қимматли гапларни айтиб берди.

Салтанат ўша айтдириб қўйилган йигитга теккан экан. Бу кунларда у эркисиз ҳаёт тутқуни бўлиб қолипти. Ушандан бери шаҳарга биринчи марта, мана шу ўтган ёз келиб кетипти. Бир ўғил, бир қизлик бўлипти. Болаларини ҳам ола келган экан. Шаҳарлилар одати бўйича Макиш Салтанатни болалари билан сайлга олиб чиқипти. Қайиққа тушиб, Иртишдан ўтиб, Полковник оролига боришипти.

Мешда қимиз, сўйишга қўй олишиб, бир кун кечгача икки дўст тоза ҳасратлашиб ўтириб келишипти.

Макиш, Абай кутмаган ва хаёлига ҳам келтирмаган бир гапни айтди. Абайнинг сўнгги йилларда ёзган шеърларининг ҳаммасини ёддан билар экан. Салтанатнинг илтимоси билан ўзи билган шеърларни гоҳ куйга солиб, гоҳ шундай ўқиб айтиб берипти. Салтанат уларни ҳаяжон ичида индамай ўтириб, зўр қизиқиш билан тинглапти. Ниҳоят, ёнига ўғлини чақириб олиб, бағрига босипти-да, Макишга:

— Ҳаёт мени кўнглимдаги орзуларимдан узоққа олиб кетди. Умид қилиб бўлмаса ҳам, орзу қилган эдим. Абай билан учрашган кунларим, умримнинг мана шу оролдек чечаклар, гуллар билан безанган энг гўзал даври экан. Саодатли кунларим ўша бўлди, холос. Бугун мен чор-ночор бошқа ҳаётга жўндим. Бошқа кишига беришди. Энди орзум ҳам сўнди. Макиш, фақат бугун сени кўриш, Абай сўзларини эшитиш билан, яна ўша дардларим янги бўлгандек, интизорлик сезабошладим. Эндиги бир аҳдим шуки, Абайни қадрлаб, ёлғиз ўз кўнглимда сақлаш билан қаноатланмайман. Мана бу болаларимни ҳам уни қадрлашга ўргатарман. Шуларнинг кўнглида ҳам Абайга дўс-

тона ҳислар уйғотиб, ўстириш — эндиги оналик бурчим бўлар. Абайга содиқ дўст тариқасида қилган сўнгги эҳсоним бўлар! — депти.

Абай Салтанатни зўр ҳурмат блан хотирлар экан, Макишни ҳам юракдан олқишлаб, беҳад миннатдор бўлди. Уни ўзига сирдош, садоқатли дўстдек билиб, бирнеча сўз блан кўнгил сирларини изҳор қилди.

— Шундай, буни фақат Салтанат айтиши мумкин. У ўз бурчинигина айтмаган. Менинг гардонимдаги вазифани ҳам айтипти-да. Унинг болалари сингари ёш бўғинга руҳий озиқ бўларлик, улар севиб сақлайдиган хазина бўларлик сўзлар блан ше'р яратиш менинг бурчим эканини айтипти-ку. «Олти қирнинг остида, йироқда юрсам ҳам, менга ҳеч бўлмаса, шундай илиқ нафасинг етиб турсин» дегани-да бу. Тушундим, англадим, армон блан ўтаётган дўст! — деб, муқаддас сирини айтди-да, қалби илҳом блан тўлқинланиб хаёлга чўмди.

Бу гал Абай шаҳарда узоқ туриб қолди. Болаларини ўқнишга биринчи олиб келган йили тез ташлаб кетишга кўзи қиймади. Бутун куз бўйи, қишнинг ярмигача эртдан-кечгача Гоголь номидаги кутубхонада ўтирарди. У ерда илмий-текшириш ишлари блан банд одамдек ўтириши кундан-кун ўзини ҳам қизиқтириб бораётган эди. Китобдан кўзини олгиси келмас, борлиғи блан берилиб кетган эди. Ба'зан кечқурун, уй бошқалардан холи қолган пайтда, ўқиган қизиқ-қизиқ романларини Боймағамбетга айтиб берарди. Ундан эшита-эшита Боймағамбет ҳам жуда кўп ҳикояларни билиб олаётган эди.

Шанба кунлар кечқурун Боймағамбет чана қўшиб бориб, бир уйдан Абишни, яна бир уйдан Мағаш блан Гулбодонни олиб келарди. Улар икки кечаю бир кундуз отасининг бағрида яйраб-яшнаб анча тиниқиб олишарди. Болалари келадиган кечалари Абай ҳатто элдан келадиган одамлар блан ҳам банд бўлмасликка, вақтини бировга бермасликка тиришарди. Болаларига дам ўзи ҳикоя айтиб берар, дам Боймағамбетга айтдирад ёки қўшилишиб куйлашарди. Бу кечалар хушвақтлик блан гоят кўнгилли ўтарди.

Абай ҳар ҳафтада ёки ҳар ўн кунда бир марта Абиш турган уйга борарди. Абишнинг «Хозяйка»си, гўзал ва ахлоқли, кексайиб қолган аёл Анна Николаевна блан узоқ-узоқ суҳбатлашиб қайтарди. Ба'зан Мағашдек иккита ўғли, Гулбодондек иккита қизи бўлган Екатерина

Петровнанинг уйига борарди. Офицер эри ўлиб, тўрт бола блан бева қолган бу аёл ҳозир фақат ўзининг машаққатли оғир меҳнати — ўқитучилиги орқасида кун кўрарди. Абай онда-сонда бу уйга болалари учун тўланадиган ижара ҳақи, мураббиялигига тўланадиган ҳақлардан ташқари, Боймағамбетдан бутун-бутун қўйларнинг гўштини, қопда ун, ўтин-чўп юбориб турарди.

Шу гал Абай фақат ўз болаларини ўқишга бериш блан қаноатланмай, яна бирнеча етим болаларни ҳам ўқишга ўрнаштирди. Бу болаларни Абай жотоқ қўшниларига махсус одам юбориб олдириб келди. Биттаси Эрали жотоқлари ичидаги Анет-Мўлдабойнинг ўғли Аниёр деган етим бола. У фавқулодда бир воқиядан сўнг ўқишга келган эди. Бундан икки йил олдин корпус блан Семей жондороли томонидан чиқарилган буйруқда: «Ҳар бўлисдан бир бола русча ўқишга берилсин» дейилган эди. Бу буйруқ Тўбуқти бўлисларига етганда, биронта ота ўз боласини беришга рози бўлмади. Берилса ҳам, етим болалар берилсин, деб, кейин у етимларнинг ҳам эгаси топилиб, агар хуни тўланмаса, уларни ҳам бермайдиган бўлишди. Қисқаси, ўзларининг жоҳилликлари орқасида ўжарлик ва тўнг бўйинлик қилиб келишаётган эди. Бу гапларни бир кун Михайлов Абайга айтиб берган эди. Азбаройи куйганидан кула-кула: «Бутун бошлиқ Семипалат уезди битта боласини ҳам ўқишга беришга рози бўлмади. Нима қилса бўлади-да?» — деб, сўраган эди.

Абай ўша гапни эшитиши блан шаҳарда ётган ерида Тўбуқтидаги ўзи яхши биладиган, сўзи ўтадиган одамларнинг ҳаммасига хат ёзади. Чинғиз бўлисининг ҳисобига деб, жотоқ боласи Аниёрни шаҳарга олдириб келиб интернатга беради. Мўлдабойга хат ёзиб, Шаған элидан олдириб келгани — ўша эл ичидаги оз уйлик қирғизларнинг Умарбек деган етим боласи эди. Уни ҳам русча ўқишга берди. Такежонга хат ёзиб, Қизил Адирдан яна бир етим болани — Қурмонбойни олдирди. Бундан ташқари, Эрали жотоқларидан яна иккита болани ўқишга ўрнаштирди. Булар Абай блан бир отадан тарқаган элларнинг боласи эмас. Мамай элидан чиққан жотоқларнинг болалари. Са'диваққос блан Қасен деган иккита етим бола эди. Бу икковини мусулмонча ўқишга, мадрасага киритиб қўйди. Абай жотоқлар ҳақида ўйлаб: «Ҳеч бўлмаса, уларнинг ёш бўғини озми-кўпми илм нуридан баҳраманд бўлсин. Шояд, кўзи очилиб, шўри ариб, кўпчи-

ликка ҳам кумаги тегса!» деган эди. Абай шаҳарда юрган бўлса ҳам жотоқлар ҳақида ўйлаб, ташвишланарди.

Ўша йили Болқибек сиёзида Абай олиб берган моллар жотоқларнинг қўлига тўла-тўқис тегмапти. Сиёздан эсонмон Эралига етган бўлса ҳам, ўттизта молнинг ўнта сархил-сархилини териб, ўша йилнинг жузидаёқ нома'лум ўғрилар яна олиб кетипти.

Шаҳарда ётган ерида жотоқларнинг аҳволидан хабардор бўлиб турган Абай, «ҳеч бўлмаса, кетмас давлат — илмга шуларнинг ичидан ҳам битта-яримтасининг қўли етиб қолсинчи» деб, ҳалиги болаларни бутун бошлиқ Тўбуқти ичидан атайлаб саралаб, олдириб келган эди.

Қишнинг ярми ўтиб, энди шаҳардан овулга қайтадиган вақт яқинлашиб қолди. Абай яна бир шанба куни Боймағамбетни ярим кун юргизди. Шаҳардаги ўша ўқучи болаларни ўз уйига йиғдириб келди. Олдида олиб ўтириб, ўланлар айтдирди. Уларни ўз ихтиёрига қўйиб бериб, яйратиб ўйнатди, топишмачоқлар айтдирди. Кечки овқат олдидан, болалар бир нафас жим бўлган пайтларида, салмоқли овоз блан: «Болалар!» деб, ёш меҳмонларни ҳам, ўз болаларини ҳам ўзига қаратди. Бугун кундузи ёзиб қўйилган бир тахта қоғозни қўлига олди-да, индамай ҳайрон бўлиб турган болаларга бир ше'р ўқиб берди.

Илм бор деб ёшликда эсламадим,
Билатуриб фойдасини қунт қилмадим.

Ўтирганлар орасида ёлғиз ўзидан бошқа ҳечкимга ма'лум бўлмаган, шу бугун яратилган ше'р эди. Ше'рининг:

Одамзоднинг зийнати фарзанд экан,
Фарзандам ўқишини ёт кўрмадим.
Бил, деб бердим фарзандимни мактабга,
Хизмат қилиб, амал олсин деб бермадим...

деган сатрларини такрорлаб ўқиб бергач, болаларга қараб, қисқагина хайрлашув сўзини бошлади.

— Мана, болаларим, инижонларим. Биз сингари оғаталарингиз вақтида ўсиб-унолмай, саргайиб қолган чўпга ўхшаймиз. Ҳозир: «Илмдан бебаҳра қолдик» деб ўқинамиз, пушаймон бўламыз. Илм биз учун фақат бир орзу бўлиб қолди, холюс. Сизлар учун менинг бор тилагим, қиладиган насиҳатим ҳалиги. Бу — оға фотиҳаси!

Сизлардан мадад кутаётган сахро элининг тилаги! Одам бўламан деб, ўқинглар! Халқимга, элимга яхшилигим тексин, тўғри, софдил азамат бўламан деб, халқ ғамхўри бўламан деб ўқинглар! — деди. Сизларга атаб мана шу насиҳатни ше'р блан ёзган «Кўкбой» деган оқин бўлади! — деди.

«Мана шу ўтирган болалардан янги авлод, янги бўғиннинг янги азаматларини етиштира билсам, менинг эндиги юпанчим, кўмакдошим, ишонган қанотим шулар бўлмайдими? Эндиликда қиладиган меҳнатим, кўмагим, айтадиган насиҳат ва маслаҳатим бўлса — ҳаммаси ҳам қозоқнинг авом, қоронғиликда қолган халқидан янги авлод, кўзи очилган, илмга эришган кишилар етиштиришга сафарбар бўлсин. Эл ичини кўкартирадиган вақт етди-ку» деган хаёлга борди.

Бу йил қиш Абай китоб ўқиш блан бирга, қўлига тез-тез қалам олиб, ўзи ҳам вужудида жон созидек акс садо бериб жўш ураётган кўп ше'рларни куйлаб юрадиган, ёзиб қўядиган бўлган эди. Ўша ше'рлардаги ўғит ва насиҳатларни ҳалиги «ёш авлод»га бағишларди. Лекин ҳали бу ше'рларнинг эгасида ўзига унча ишонч ҳам, оқин деган номи ҳам йўқ. Ўз сан'атига чала ишонадиган, ўзини-ўзи синаб кўраверадиган бу одамнинг ҳозирча камтарлик блан айтиладиган «Кўкбой» деган тахаллусигина бор эди, холос.





ЧУҚҚИДА

Саҳрода Татьяна куйи

1

Бирнеча йиллар ўтди. Абай учун бу меҳнат йиллари— сан'ат йўлида изланиш йиллари бўлди. Уқиш ва ёзиш Абайнинг эндиги ҳаёт нафасидек бўлиб қолган эди.

Бу кунларда Абай оқин-шоир бўлиб танилган. Унинг ўзи ҳам оқинлик фаолиятини энди халқ олдидаги асосий бурчи деб ҳисобларди.

Ҳаётдан, сон-саноқсиз китоблардан олинган ҳақиқат жараёнлари, юксак фикрлар бу чоқда вазнга тушиб, оқиннинг ўзи она тилида илк даф'а яратилаётган ше'рларнинг мисра'ларига қуйилмоқда эди. Қишин-ёзин китоб устида ўтирган ёки ёзув блан машғул бўлган чоғларини энди Абай ғоят бахтли дамлар деб ҳисоблайдиган бўлганди. Бу йилларда у, эл осойишини бузучи мансабдорлар, порахўр бўлислар, амалпарастларни бирнеча бор одилона ғазаб блан жазолаган эди. «Элнинг фе'л-атвори» деган ше'рлари эл ичидаги қанча-қанча ғаломуслар блан бузиқиларнинг сирини фош этиб, юзларига қора суркаган эди. Бегуноҳ, ёввош халқнинг ҳомиси, ор-номус эгаси бўлган оқин энди меҳнат аҳлининг оғир дард-аламларини зўр ҳаққоният ва кучли эҳтирос блан куйлаётган эди. Талай ёшларнинг савиясини ошириб, чуқур ўйлашга

мажбур қиладиган, олийжаноб туйғулар блан суғорилган гўзал сўзлар ана шу Оқшўқида туғилиб тарқалиб кетарди.

Бунинг эвазига, кейинги вақтларда Абай атрофига йиғилган ёш сан'аткорлар ҳам уйишиб, мустаҳкам бир тўп ташкил бўлаётган эди. Абай эндиги яратган ше'рларининг ҳаммасини ёзиб қўярди. Унинг ше'рларини ёдловчилар, куйга солиб айтучилар, халққа тарқатучилар ҳам инилари — дўстлари ҳисобланган ана шу ёшлар орасидан чиқабошлаган эди.

Шу блан бирга, Абай хоҳламаса ҳам, оғир кўриб ўзини четга олишга интилса ҳам бўлмай, оғир юкдек орқасида осилиб юрадиган яна бир сермашаққат вазифа ҳам бор. У эл ўртасидаги да'во-жанжаллар. Брок, у Абайнинг севиб, зўр иштиёқ блан қилаётган ишидан кейинги ўринда турарди.

Эрталабки чойдан кейин уй ичи ҳам, меҳмонлар ҳам эшикка чиқиб кетган. Қишнинг ҳаво очиқ кунларидан бири. Абай ўзининг кенг хонасида ёлғиз ўтирипти. Олдида каттакон тўғарак хонтахта. У гоҳ ўша хонтахтага тирсагини қўйиб, гоҳ икки қўлини белига тираб, индамай хаёл суриб ўтирипти.

Қалбида ёнаётган фикр маш'алини акс этдиручи ўткир кўзлари аҳ'ён-аҳ'ёнда вазминлик блан рўпарасидаги деразага қадалади. Қуёш нур сочиб турган қорли адирларга узоқ-узоқ тикилади. Қандайдир зўр кучни ичига букиб, мук тушиб ётган тепа-тепачалар...

Бу йилги қишда Абай эл можароларидан, беҳаловат юриш-туришлардан қутилиб, уйда босим ўтирди. Кўпгина ше'рлар ёзилган маҳсулдор йилнинг биттаси шу эди. Қалбини илҳом аллалаб, ўзи блан ўзи ёлғиз қолиб ёлғиз ўтирган вақтларида, кўз олдида кўпинча мана шу адирлар турарди. Булар ҳавонинг авзойига қараб, чиройини ўзгартириб туради. Кўпинча шоирнинг илҳоми адирлар блан сирлашаётгандек бўлади. Туманли хира кунларда у адирлар қуёш нур сочиб турган кунларни соғиниб, нолиётгандек туюлар, ҳаво очиқ кунларда эса—яшнаган ёз кунларни қўмсаётгандек кўринарди. Ҳозир, асти етишиб бўлмайдиган орзу армонлар енггандек қор тагида ётарди...

Абай ўша адирларнинг чиройи очилганини кўргандек бўлди. Қўра-қўра қўйлар ўша адир томонга ўрмалашиб кетаётган экан. Интизорлик торта-торта тоқати қолмаган,

соқит адирлар энди тошлар устида юриб, янгротиб куйлаётган қўйчивон овозидан жонлангандек кўринди.

Абайнинг ҳаёла денгизига чўмиб кетганини унинг авзойидан дарҳол фаҳмлайдиган бир ҳамроҳи бор. — У — шундай онларда даммини чиқармай, кўп ҳаракат қилмай жим ўтирадиган Боймағамбет. У ҳозир бекор ўтирмаслик учун Абайнинг тобилғи соплик қамчисини олдида, бир чеккада ўтириб, боғичини янгилашга киришди. Онда-сонда Абайга бир назар ташлаб қўяр, яна ўз ишини давом эттирарди.

Боймағамбет бир вақт Абайга кўз ташлаган эди, унинг лаблари қимирлаб, гўё биров билан сўзлашаётган кишидек қўллари ҳам ҳаракат қилаётган экан. Бурун бундай одати йўқ эди. Шу йил қиш ёлғиз ўтирадиган бўлгандан бери ўқтин-ўқтин шундай қиладиган бўлиб қолган. Абай қачон шундай қилса, Боймағамбет унинг дарров қоғоз-қалам сўрашини биларди.

Шунигдек бирор иш буюриб қолар деб, жутиб ўтирган эди. Абай тўсатдан ўгирилиб, ялт этиб Боймағамбетга лоқайд бир назар ташлади-да, уйнинг чап томонидаги бурчагига қўл чўзиб, ниманидир «олиб бер» дегандек ишора қилди.

Боймағамбет унга нима кераклигини тушунди-да, ирғиб туриб, хонтахта устига икки катта китобни келтириб қўйди.

Абай китобнинг биттасини варақлаб, ўзига керакли жойни топиб, саҳифаларни кўздан кечиргач, хиёл орқага ташланиб, яна ўйлаб кетди.

Бу икки китоб — бу овул, бу ўлканинг Абайдан бошқа кўпчилиги ҳали на тилини, на мазмунини тушунаолмайдиган китоблар. Улар фақат Абайнинг қалбигагина ҳам тушунарли, ҳам қадрли бўлган икки оқиннинг — икки буюк шоирнинг китоблари. Пушкин билан Лермонтов...

Абай булар билан чуқур танишиб, топишиб олгандан буён, турли-туман «ҳикмат»лар, «шайх», «ҳофиз»лар, «ривоятлар» ҳам четда қолди. Абай кундаги одати бўйича бу китобларни очиб ўтираркан, унинг уйига қўниб ўтгали тушган ба'зибир намозхон, тақводор кексалар, чала мулла сўфилар ичларида:

«Бу киши шариат, тариқатларини ўқиб ўтирар экан» деб қўйишарди.

Ба'зан бир-бирига:

— Еки арвоҳларга қур'он хатим қилаётирини?! Қорига бўйрмай, ўзи тушираётир. Унинг савоби кўл-да,— деб қўйишарди.

Лекин, китоб тескари очилиб, расми саҳифалари кўринганда, ҳарфлари тикилган каштадек чўзилиб, чувалиб ётадиган араб ҳарфига ўхшамай, кетма-кет силжишиб оқаётгандек, бир текис ёзиладиган рус ҳарфларини кўришганда, ҳалиги одамлар ичларида таажжубланишиб, жим бўлиб қолишарди. Абайга кек сақлаб юрадиган амалпараст зўравонлар бўлса, орқасидан ғийбат қилиб:

— Бу тескари ёзувга нега бунча тикилавермаса энди-а?— деб қўйиб,— ҳа, бу ҳам ҳаддидан ошганлик-да. Ўзича қозоқларни камситгани-да. Улуғларга сенлардан мен яқинман демоқчи, ўтиришини кўрмайсанми! — деб кесатишарди.

Абай ўзининг унсиз тил билан узоқ-узоқ дардлашпадиган бу дўстлари, бегона одамлар назарида, бир ралати жумбоқдек туюлишини яхши биларди. Аммо бу гапларга парво қилмас, хаёлига ҳам келтирмасди.

... Улар вафот этган. Лекин бу хилдаги ўлим, ўлимми? Улар мангу тирик, мангу барҳаёт бўлиб, кейинги замон учун ҳам номларини унутилмас қилиб кетганлар. Ўзгалардан ер юзида қоладиган нишона — бир ҳовуч тупроқ холос. Ўша нишона, қабир устига тортилган бўз тупроқ, замон ўтган сайин чўка-чўка, ниҳоят, қора ер билан барабарлашади, йўқолиб кетади. Ўша бўз тупроқ ер билан яксон бўлиши билан одамнинг номи-нишони ҳам ўчади. Абадий йўқолади. Тамом бўлади. Мана булар бўлса, ер юзида ўзларидан қолган белгини — номи-нишонни тоғдек мустаҳкам, абадий емирилмас қилиб ўрнатиб кетган одамлар. Улар бамисоли анави кўриниб турган Оқшўқининг икки баланд чўққиси... Абай узоқ бир хўрсиниб, яна хаёлга чўмиб кетди.

— Халқнинг билим ва ма'рифат эгаси бўлмоғи нақадар буюк эҳсон! Кўплаб талантли авлодлардан қолиб келаётган маданий хазиналар бўлиб, уни сақлаш учун «билим ва ма'рифат» деган асл сандиғи бўлса, нима армон бор? — дерди.

Мана бу икки оқин кўпинча Абайнинг назарида бир туғишган оға-инига ўхшаб кўринарди. Бундай тенглаштириш ҳар икки номни ҳам Абайга худди шу ўртадаги одамлар сингари яқин қилиб кўрсатарди.

...Ақл-идроки блан ғазабн олишиб, гоҳ бири, гоҳ иккинчиси енгиб, ниҳоят, камолга етган ақли ғалаба қозонган бўлса-да, сабр блан ўртанган аламзада оға бор. Уша оғанинг дард-аламларини кўриб, «сабрдан нима чиқди» деб оташин ғазабга берилиб, олишиб ўлган ини бор. Уша оға — Пушкин, Уша ини — Лермонтов. Кейинги авлодга, ҳамма эл, ҳамма замоннинг илғор фикрли кишилари зеҳнига нур сочиб, ҳаётлари маш'алдек порлаб ўтган оға-ини... Абай ўйлаб ўтириб, Татьянанинг хатига енгашди.

— Нақадар гўзал сўзлар! Сўз эмас, қалб шарпаси. Уриб турган юрак садоси. Нақадар нозик ва чуқур ифодалар! — деб ўтириб, китобдан кўзини олди-ю:

Ошиқ тили — тилсиз тил, •

Кўз блан кўр, дилин бил...—

деди.

Татьяна хатининг нозик нидосига ўз қалбидан акс садодек чиқиб қўшилган сатрларни хотирлади. Бу — қиз блан йигит ғуссасига қизиқишдан туғилган ше'рнинг боши эди.

Бу даврон Абайнинг ўзидан ўтиб кетди... «Лекин ўша вақтларда ҳам қалбдан шу хилда чиққан садони эшитган эдимми?» — деб, бироз ўйлаб қолди. Шу он кўз ўнгида икки гўзал сиймо пайдо бўлди. Ҳаётида, фақат унинг ўзи учун учиб тушган юлдузлар сингари порлаб туришди. Биттаси — қалби алангали ҳисларга тўла ма'сум Тўғжон сиймоси, иккинчиси — қалби тўла қайғуси муҳаббат ва севинчини босиб кетган Салтанат сиймоси. Кеча Татьянанинг хатини таржима қилаётганида, шу иккови Абайнинг кўз олдида галма-гал намоён бўлгандек туюлган эди. Оташин севгуси бўлса ҳам оқилона сабр блан ҳаёт гирдобига ночор кўнганлар. Булар ҳам Татьяна сингари азиз бошларини тутқунлик нуқтасига қийнала-қийнала кўндирганлар. Абайнинг билишича, Татьянанинг узунгина хатида уларнинг қалбидаги аламли дард ҳам тўла тараннум этилган, ўрин олган... Эшитишга арзийдиган, берилиб тилганадиган куй. «Хуш'ёр қалб бўлса, шу куйларга чўмиб кўрсин. Шу ўрнак бўлар! Ҳис этабиладиган ёшлар тоғилар. Ўрнак қилиб кўрсам натар!» деб ўйлади.

Шунинг учун ҳам бир-икки кундан буён оқин Татьяна ўз халқининг тилида сўзлатабошлаган эди. Сўзлатган сайин Татьяна ёқимли мулойим овоз кашф этиб, бу тилда

ҳам жозибали куй топиб, дйлкаплик блан дардларини изҳор этадиган бўлиб борарди. Ҳозир тортинчоқ камсухун қизга Пушкин ёздирган хат блан ўзи ёздирган хатни солиштираётир. Ба'зи жойлари Пушкинникидек эмас, ғализроқ. Лекин бу ўқучининг ғўрлигини назарда тутиб, ночор берилган бож. Шунда ҳам тушунарли бўлармикин! Абайнинг кўз олдига Кўкбой, Муқалар келди. «Ким билади, шундай гаплар блан дардини изҳор этган Татьяна англай олишармикин!» деб шубҳаланди.

«Евгений Онегин»нинг шу саҳифалари орасига солиб қўйилган бир хат бор эди. Абай бироз хаёл суриб ўтириб носвой чекди-да, ўша хатни олди.

Семей кутубхонасига бориб, ўнтача китоб олиб келган Боймағамбет шу хатни ҳам олакелган эди. Билимдон дўсти Михайлов унинг «Евгений Онегин» ҳақида завқланиб ёзган хатига жавоб қайтарган экан. Ўзининг шу хатида Михайлов: «Евгений Онегин» сўнгги йилларда куйга солинипти. Уни, Пушкиннинг Татьянаси блан Ленскийларга жуда ҳам муносиб куй дейишаётир. Петербург, Москвадаги илғор кишилар шу блан яшаб, шу блан нафас олаётган эмиш. Броқ, қандоқ қилайлик, уни эшитиш бизга насиб бўлмади» деб қўйипти. Хатнинг шу жойини қайтадан ўқиб ўтириб, Абай яна Кўкбой блан Муқани эслади. «Гўзал оҳанг блан ариайдай, бўйдай талай»ни ҳам пуллаб, ўтказиб юрган шоввозлар-да» деб, кулимсираб юқориюқда турган дўмбирани олди. «Қани ўша шўрли боққолларнинг қўлига бўз ўрнига атлас бериб кўрайчи» деди кучли бир илҳом келгандек бўлиб.

Кўзлари хиёл ёшланиб, лаблари сскин-сскин пичирлаб, аҳ'ён-аҳ'ёнда Оқшўқининг чўққиларига кўз ташлаб қўярди. Броқ, бу кўзлар, қараган нарсасини кўраётган кўзлар эмас. Бу фикр нигоҳи, оқин қалбида жўш ураётган илҳом нигоҳи. Қўли дўмбира пардалари устида йўрғалаётир. Кеча ётар чоғида ҳам мана шу оҳанг гўё олисдан келаётгандай қулоғига хиёл чалинган эди.

Ҳозир ўша саз бирдан ёдига келиб, дўмбира торларига ҳам илашиб кетақолди. Яна дўмбирасини чертиб, астагина хиргойи қилиб кўрган эди, яхши тушипти:

Нечора, нетай билдирмай,
Ёпирай, нечук айтаман?—

деган икки йўл, Татьяна сирининг боши, тўхталиб туриб ечилабошлагандек бўлди. Яна, яна... Дам ёнбошлаб, дам

сапчиб туриб чордона қуриб ўтириб, тўлғанаёттандек тебранарди. Қўш тор ба'зан секин садо чиқарса, ба'зан тўсатдан баланд овоз блан жаранглаб бориб қайта на- саярди. Сўнгги икки йўл қимматга тушди. Лекин у ҳам пардага тушди. Татьяна хатинянг уч бандини дам олмай айтиб ўтди. Шодлиги ичига сиғмай, оғзидаги носвойни ҳам пуфлаб ташлаб, яна янгисини отди. Энди дам аста, дам қаттиқ чалди. Назарида, энди эсидан чиқмайдиганга ўхшади. Бир нафасдан кейин бор гавдаси блан ўгирилиб, орқасига қаради. Кўзлари чақнаб, шўхлик акс этиб бориб, нигоҳи мулойимлашди-да, Боймағамбетга:

— Ҳай, сен нима қилиб ўтирибсан, ҳеч нарса тушун- дингми?— деди.

Боймағамбет Абайнинг бундай тўсатдан ўзгаришига ҳайрон бўлганича, боғич тақилган сариқ қамчини кўр- сатиб:

— Мана бу эди, Абай оғал— деди.

— Мен нима қилиб ўтирибман, сездингми?

— Русча бир куй ёдингизга тушди шекилли деб ўти- рибман.

— Ҳа, ундоқ бўлса, бунинг ҳам ма'қул гап. Қани бўлмаса, бориб Кишкене Мўлдани айтиб кел!— деди-да, ўзи яна ҳалиги куйни чалабошлади.

Боймағамбет ўрнидан туриб, эшик очганда, у томон- дан келаётган Айгерим кўринди. Унинг орқасида келаёт- ган бирнеча бегона одамлар ҳам бор эди. Эғнида тўн, чакмон, қўлига қамчи ушлаган, белини маҳкам боғлаган, юзи совуқдан қизарган кишилар. Олдинда келаётган иккитасининг бошида Тўбуқти нусхасидан бошқача, олти каржли қилиб тикилган чўққи тумоқ— уоқларнинг тумоғи. Абай ўшаларни дурустроқ кўргунча, Айгерим ҳам, келаётганлар ҳам уйга киришди. Абай хаёлини дўм- бирада чалаётган куйидан узмай туриб:

— Оббо, совуқ кирди-ку!— деди.

Айгерим ҳайрон бўлиб:

— Совуқ эмас-ку Абай! Бугун ҳатто мой қотгудек ҳам совуқ йўқ!— деди.

Абай:

— Ҳа, тўғри, совуқ десам, сизлар экансиз!— деди-да, бегона элнинг одамлари блан сўрашди.

Айгерим бу гап Абайнинг жумбоқ гапларидан биттаси эканини фаҳмлади-да, кулимсираб туриб, ичкари уйга кириб кетди.

Шунинг устига, қаршидаги уйда болаларни ўқитаётган Кишкене Мўлда ҳам кириб келди. Абай унга қараб:

— Татьянанинг хатини кўчирган эдингми? Энди у, куйлайдиган бўлди-ку, билдингми?— деди.

— Жуда афзал бўлипти, кўчириб қўйган эдим.

— Ундоқ бўлса, энди Муқа блан Кўкбойга хат ёзиб юбор. Икковига ҳам: «Татьяна салом айтиб юборипти, биз блан ҳам танишсин депти» де! Мана бу Муҳамеджон шаҳарга кетаётган бўлса керак,—унинг саломини олаборсин!— деди.

Уйдаги тумоқ ва белбоғларини ечмай ўтирган бегона меҳмонлар бу гаплар қандоқ гап ва ким ҳақида кетаётган гап эканини фаҳмлашгани ҳам йўқ. Аҳамият бериб қулоқ солишгани ҳам йўқ. Шулар блан бирга кирган Муҳамеджон Абайдан пастроқда ўтирган эди. Фақат у блан Кишкене Мўлдагина Абайнинг ҳалиги гапларига қунт қилиб қулоқ солишди. Икки юзи қипқизил, қўй кўзли, келишган йигит Муҳамеджон ҳақиқатан ҳам шаҳарга кетаётган эди.

У, ўзидан ҳол-аҳвол сўрамасданоқ, ундаги кайфиятни сезган Абайга тонг қолиш блан бирга, ҳалиги хат блан ше'рни билиш пайига тушди. Муҳамеджон ҳам Кўкбой блан Муқаларга ўхшаш моҳир ўланчиман деб юрадиган йигитлардан эди. Бундан ташқари, ўзи ҳам аҳ'ён- аҳ'ёнда ўланлар чиқариб юрарди. Сўнгги йилларда Абай ёзган ше'рларнинг ҳаммасини кўчириб олиб, ёдлаб, куйга солиб айтиб юрадиган дўстларининг биттаси шу. У, ҳозир сиртқи кийимини сечаётиб:

— Абай оға, бу куйлаётган ким?— деди.

Абай қайтадан дўмбирасини қўлига олиб, «Татьяна хати»нинг аввалги уч бандини куйга солиб айтиб берди-да, кейин бу ҳақдаги гапини тўхтатди. Сўнгра ҳамон жим ўтирган меҳмонларнинг қандай иш блан келганликларини сўради.

Абайнинг ҳалиги куйини бир марта айтганда ўрганаолмай қолган Муҳамеджон сўзларни яхши тушунди. Абай ёзган ше'рлар блан чиқарган куйларнинг ҳаммасини биладан, деб юрган Муҳамеджон бундай жозибали сўзни ҳали эшитмаган эди. Абайнинг ҳалиги гапига қараганда ҳам билмас экан. Шунинг учун: «ёдлаб олиб, ўшаларга айтиб бер, деяётган бўлса керак» деди-да, энди ше'рни ҳам, куйни ҳам яхшилаб ўрганиб олишга аҳд қилди.

У—Абайнинг яқин қариндошларидан бири эди. Ёши кичик бўлгани учун Абай ўзи айтиб бермаса «яна айтиб беринг» дейишга ботинаолмасди. Ҳа деб, қийин-қистокқа олаверишни Абай ёқтирмаслигини ҳам биларди. Шунинг учун: «Бугун тушлик овқатни Абай оғамнинг уйида ўтказиб, шу куйни яхшилаб билиб кетай» деб, рўпарадаги уйга чиқиб кетган Қишкене Мўлданинг кетидан кетди. Абай ҳали келган меҳмонларнинг гапига қулоқ солабошлади.

Абай булардан: «Қандай иш блан келдинглар? Нима қилиб юрибсанлар?» деб сўраркан, бир нарсата жуда гаажжубланди. Бундан олдин, ҳар ҳолда шу қиш ичи, ҳозир рўпарасида ўтирган мана шу уч киши — икки Уоқ, бир Кўкше худди шу кийимлари, шу кўринишлари, шу зайлда ўтиришлари блан Абайнинг кўз олдида яна бир намоён бўлиб ўтганга ўхшарди. Булар мол можароси блан желишган. Ушанда ҳам яна шу Кўкше ўғриси — Турсун шу тахлитда мўлтайиб ўтирганди. Мудроқ босаётгандек бошини қуйи солиб, дамини чиқармай ўтирган эди. Ушанда ҳам, мана бу давогар Уоқ — Сарсеке йўп-йўғон бўлиб, лаппайиб ўтирган эди. Ушанда ҳам, худди ҳозиргидай Турсундан Сарсеке мол даво қиларди. «Броқ у гал булар оларини олиб, тиниб-тинчиб кетишган эди-ку!»

Ҳаётнинг мудом ўзгариб турадиган кўринишлари ичида ҳеч ўзгармайдиган бўлиб олган, ҳар элдан чиққан бўлса ҳам, шаклини бузмай юрадиганлар шуларми? Ёки икки жойда кўрган бир ҳолатнинг биттаси ҳақиқат, биттаси тушми? Ноҳотки бир-бирига шунчалик ўхшаса! Буларнинг ўшандаги кўриниши блан ҳозирги қиёфасини олганда, орада ҳечқанча вақт ўтмаган, вақт бир жойда турганича туриб қолганга ўхшайди-ку...

Абай Сарсекенинг сўзларига қулоқ соларкан, аввал ичида шундай хаёлларга бориб ўтирган эди. Лекин Абайнинг кўнглида пайдо бўлган бу ашглашилмовчилик Сарсекенинг гапи бир ерга етганда, ойдинлашиб бориб, узилиб қолди.

Сарсеке ўғирнинг товушидек тўқиллаб чиқадиган товуши блан:

— У гал олган молимни ҳазм қилдирмадинг. Абайнинг олдида олиб бориб, қустириб олдинг. Ундай бўлса, мана, сенга ёмонлик қилганим қилган, нима қилар эдинг, яна оламап. Сен Уоқнинг зўравонлигини кўриб қўяй,—деб жўрттага қилди. Учакишиб қилди бу ишни. У

гал фақат уч йилқи олган эди. Энди мана, бир гилам, бир тўшни орттириб, беш йилқи олди. Учакишлик! Бўлмаса, бу нима Абайжон! — деб, сўзини тамом қилди.

Абай энди тушунди. Қани, авзойига зеҳн солиб, ҳақиқатни аниқлаб кўрайчи, деб ўғрига қаради. У қизил санг-санг тумоқнинг боғини маҳкам боғлаганича, бошини қуйи солиб ўтирарди. Каттакон бурнининг учи блан чўққи соқолининг ярмидан уёғи кўринмайди. Абайнинг ҳаракатини ер тагидан жузатиб, тошдек қотиб, миқ этмай ўтирипти. Сарсекенинг да'восига қарши оғиз очиб, бирор нарса ҳам демади. Серсекенинг гапларига, гўё ўзига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган гапдек қараб, сиртига ҳам юқтирмай, терсайиб ўтирипти. Сарсеке гапирётган экан деб парвойига келтирадиган эмас. Абайни кўп ўтиборли бий тутиб, тартиб сақлаб ўтирганими ёки бу ўғрининг да'вогарга гап бермаслик учун қилаётган ҳийласими?

Абай ўғрининг юзини кўриш, кўзиши-кўзига тушириш учун шиддат блан гапирди.

— Хўш, сен нима дейсан?— дегандагина ўғрининг қизил санг-санг тумоғи аста-секин қўзғалиб, терсайганича Абайга қаради. Думдумалоқ, пишиқ жуссали, беҳаловат ўғрининг чағир кўзлари ялт этиб Абайга қаради-ю, қайтадан сўнди. Яна ерга боқди. Унинг қовоқлари қалин, лунжи салқиган, бутун гавдаси кесилган ғўла синтари туташ, зилдек, тепса тебранмайдиган эди. У бироз пинагини бузмай ўтириб, кейин бир қўзғалиб қўйди-да:

— Абай оға, шу қайси-си кунгина,— деб тилини чайнаб, ҳар оғиз гапини салмоқлаб,—худди ман-на шу Сарсеке ўзинг-ни олдингга олиб келиб бор-р йўғим-имни йиғ-ғиштир-риб бир олди. У гал т-тўла дединг буйр-руқ қилдинг, бердим. Хўш, энд-ди Уоқ моли ўғирланс-са, ҳа йўқ-қ, б-бе, йўқ мен тўл-лай берайми, энди?— деб қўйди.

Яна битмас, туганмас можаро. Қайсибири чин, қайсибири ёлғон? Шундай можаро, шундай да'вогарлар битадиган, тинадиган кун ҳам бўлармикан? Яна олишиш керак. Бир-бирига чирмашиб, чалкашиб жетган ғаразликнинг тагига етаман дегунингча, ўз ҳаётинг поёнига етиб қоласан киши...

Яна хаёлларни тўзғитиб юборишди. Ҳалиги Пушкин қани? Бояги ипак толасидек ҳим-ҳим товланиб желаётган Татьяна ҳислари қаерда қолди? Садоқатли, соф қалбли,

жовдираб нафас олиб турган Татьяна... Молини йўқлаб юрган да'вогар, киши молини ҳазм қилиб кетиб, тониб тураверадиған ўғри. Лойқаланиб кетган ҳаётнинг битмас-туғанмас ғалаёнлари. Гангитиб, тинка-мадорни қуритасанку, ахир! Қани ўша, тўлқинланиб, эшилиб келаётган созинг, Пушкин!.. Хотиримдами?— деб, безовта кўнгил блан дўмбирани олиб, Абай яна ҳалиги куйни излай бошлади.

Дўмбиранинг торлари ҳалигина дилкаш, равон эди: Энди мана тушов урилган оддек муккалаб қолаётир... Дўмбирадан чиқаётган садо ҳам бир-бирига қовишмайди. Боя келиб турган куй йўқолди қўйди. Сарсекенинг ўғри Турсуннинг гапига қарши айтаётган да'восини тинглаб ўтириб, ўша куйни хотирлашга анча уриниб кўрса ҳам, ёдига тушмади. Чап бериб кетаверди, тутқич бермади. Дўмбирани яна бир четга қўйди. Сарсеке бўлса ҳамон хуноб бўлиб гапираётир.

— Молимни яна ўзинг олдинг. Сендан бошқа киши олган эмас. Турсун, ўчакишиб қилдинг. «Йўқолган молни кетидан қувадиган, тўлатиб оладиган сенмисан!» деб қилдинг-да бу ишни...

— Қ-кўр, тутганини қўймас деб, с-сендан бошқа эл, сен-никидан бош-шқа м-мол қур-риганми? Ҳат-то ўша пайш-шанба эм-мас, бутун бир ой давомида Тур-рсун отга минипт-timi?

Энди яккови ҳам бор гапни ўртага солиб, олишаке-тишди. Бир вақт Абай Сарсекедан: «Кўрган одам борми ёки шоҳид бўларлик из-пизи борми?» деб сўради. Сарсекенинг қўлида ундай дадиллар йўқ экан. Ҳақиқатига етиш кўп машаққат можаро. Абай хўрсиниб, қошларини чимириб қўйди.

— Э, товба! Биродарлар, бошқа бировнинг олдига бориб, тергатсаларинг қандоқ бўлади-а? Да'вогарнинг қўлида далил йўқ, биттанг олдинг десанг, биттанг олмадим дейсан. Текшириш, тергаш керак. Менинг бўлса вақтим ҳам, мажолим ҳам йўқ. Қўшнингиз-ку, заҳри бегумон бўлиб, ҳақиқатига ҳам етар эди. Ақлбойга бориб тергатсаларинг қандоқ бўлади?— деб илтимос қилиб кўрди.

Бу гапга Сарсеке ҳам, Турсун ҳам кўнмади. «Борми-йўқми, оқ бўлайлик, қора бўлайлик, нима бўлсак бўлайлик, шу ерда қандай қарорга келсангиз, ҳукм ўша бўлсин,»— деб, туриб олишди.

Шундан кейин Абайнинг жаҳли чиқиб бўғилганича ўғрига қараб:

— Ундай бўлса, қани, тўғриси айтчи, ўлсанг ҳам ростини айт! Бунинг молини олдингми ё олмадингми?— деб, ғазаб блан тикилиб турди.

Турсун тараддудланмай, дарров жавоб қилди. У ода-ти бўйича лабини кериб, салмоқлаб гапирди.

— Аб-бай оға! С-сенинг ол-лдингда, ўлсам ҳам, ҳақ-қиқатини айтиб ўл-ламан, деган шартим бор. Мана худо, мана қур'-он...

— Ҳай, қайтариб айтчи!— деган Абайга ўғри ялт этиб қараб кўзларига тикилганича тап тортмай давом этди.

— Айт-ганимдан тонмайман, Аб-бай оға, ўғр-ри бўл-сам ҳам, шар-ртимни буз-змай ўл-ламан деган ўғр-риман. Мана тўғр-рисини айтсам, гап шу: бу гал мен олмадим, с-сутдек оқман!— деб санг-санг тумоғини кўтариб, орқа-сига суриб, юзини биратўла очди-да, Абайга тикилиб тураверди.

Гап шу. Ўғридаги бу кайфиятни кўрган Абай анчага-ча унинг юзидан кўзини олмай, тикилиб ўтирди. Ўғри ҳам Абайнинг кўзига қараб, киприк ҳам қоқмай, қадалганча қолди. Абай ичида: «Ўғри бўлса ҳам бунинг ҳозирги кў-риниши тўғри одамникига ўхшаб турипти-ку» деб икки-ланабошлади. То Абай кўзини олмагунча, Турсун ҳам боя-ги ўтиришини ўзгартирмади. Бу ҳолат ҳам Абайга анча та'сир қилди. Эндиги ҳукмини Абай одатдан ташқари тезлик блан чиқарди.

— Мен ҳам айтдим, бу ўғри бўлса ҳам, лабзи йўқ ўғри эмас эди. Алдаётган бўлсанг алдандим Турсун. Ле-кин бундан кейин ҳам дуч келишга тўғри келар... ёлгон айтаётган бўлсанг, унда, ўз уволинг ўзингга. Айтмадинг дема, билдингми?! Бу гал сенга ростини айтди деб ишон-дим!— деди-да, Сарсеке томон қайрилиб, ўз ҳукмини айт-ди.— Бунда сенинг молинг йўқ, Сарсеке, бошқа одамни ушла!— деб, Сарсекега кўз қирини ташлаб қўйиб, гапини тамоm қилди.

Турсун шундан сўнг тумоғини яна тузатиб кийиб олди. Бошқа сўз қотмади. Сарсеке ҳам дамани чиқармади. Фа-қат ерга қараб қолди. Абай буларнинг ишини битирган он дўмбирасини олди-да, буларга қараб:

— Ана энди, ишларинг битди. Меҳмонхонага чиқиб овқатланинглар!—деб, ўзи дўмбирани ушлаб турганича, энгашиб, яна китоба, Татьяна хатига тикилди.

Сарсеке блан Турсун ўришларидан туришди. Дастлаб уйга киришганларида, Сарсекени тўрга ўтиргизиб, ўзи пойгакда ўтирган Турсун, ҳозир ҳам бегона элнинг одами деб Сарсекега йўл бериб, ўзи уларнинг орқасидан кетди.

Лекин, меҳмонхонага бир узун қоронғи далондан ўтиб бориш керак эди. Уша ердан ўтиб кетишаётганларида, Турсун оғзини катта очиб, товуш чиқармай, ҳиринглаб кулиб қўйди. Унинг шу сингари индамай кулиш одати бор эди. Бу чоқ унинг ўзидан ўзи хурсанд бўлган дамларидан бири бўлди.

У чиндан ҳам бу гал артистлик қилиб чиқди.

Кузда узоқ ерга боришга эриниб, қўшни Қоной элидан уч йилқини ўғирлаб келиб сўйган эди. Сарсекелар кетига тушиб, уни Абайнинг олдига олиб келишган эди. Ушанда тергов бошланиши блан ўзича бир режа тузган эди. Абай ундан: «Олдингми, тўғрисини айт!» деб сўраши бланоқ: «Олдим, ҳарқандай ҳукм чиқарсанг рози-ман!» деган эди. Абай ўғрилар ичида шундай осонлик блан тўғрисини айтиб, айбини бўйнига олган ўғрини кўпдан бери кўргани шу эди. Ушанда у:

— Менинг ўғридан оладиган порам — ҳақиқатгўйлиги!.. — деган эди.

Турсун кўнглига бир гапни туғиб келган эди. У орадан икки ой ўтказиб туриб, бир куннинг ичида яна шу Сарсекенинг ўзидан беш йилқини шилиб келиб, саранжомлаб олади. Бу гал усталик блан иш кўриб, ўғриликнинг исини ҳам чиқармади.

Пайт пойлаб юриб, қаттиқ бўрон бўлиб турган бир кечада бориб, из топиб бўлмайдиган пайтда илиб кетади. Сарсекенинг бу галги да'воси қуруқ шубҳа эди, холос. На шоҳиди бору, на далили бор. Буни яхши билган Турсун, бу сафар Абайнинг олдига келганда: «Энди ўлсам ҳам тоғиб ўламан» деб, аҳд қилиб келганди. Турсун ҳозир ўша муддаосига етиб, Сарсекени ҳам, Абайни ҳам боплаб алдаб чиққанига кулаётган эди.

Булар чиқиб кетишлари блан Абай яна Татьяна куйини излашга тушди:

Начора, нетай билдирмай...

деб, дўмбирага жўр қилиб курган эди, бояги куй ҳамон келмади. Энди биратўла эсдан чиқипти. Шу тобда бир талай одам яна устига бостириб кирди.

Қишкенен Мўлда блан Муҳамеджон яна тўққиз қумалоқнинг тахтасини бир қўлида, тери халтага солинган қумалоқ-қурраларни иккинчи қўлида кўтарганича Кўрпебой кириб келди.

Келганига уч-тўрт кул бўлса-да, Кўрпебой тўққиз қумалоқдан ҳали Абайга бўш келиб ютқизгани йўқ. Бу ўйин сўнгги кунларда кучли тортишув блан давом этаётган эди. Рақиблар ба'зан эрталабдан тушлик овқатгача ўйнаганларида ҳам, бир ўйинни тугатаолмай ажралишарди. Кеча кечқурун Абай китоб, ёзув-чизув блан овора бўлди-да, ўйин узилиб қолди. Энди Кўрпебой «тўққиз қумалоқнинг» тахтасини кўтариб кирганда, Абай: «ўртага яна халал кирди, қўятурай» деб, Пушкин томларини ёпиб қўйди, Кўрпебойга:

— Энди кечагининг ҳиссаси чиқмаса, сен жуда гердаийиб кетаяпсанку-а!— деди.

Сариқ суякдан ясалган, сийқа, йилтироқ «қумалоқлар» уядан-уяга тўққиз-тўққизтадан бўлиб, ширт-ширт тушабошлади. Кўрпебой ҳам Абайнинг уяларини тўлдираётган эди. Унинг қўли тахта устида юрганда, секин липиллаб сузиб юрганга ўхшарди. Уяларга санаб тушираётган тошларни тўхтамасдан равонлик блан қандай тушираётганини пайқаш қийин эди.

Абай ба'зи қишларда уйда ўтириб қолганида, айттириб юбориб, йигирма кун, бир ой босим ўтириб қумалоқ ўйнайдиган одамларнинг биттаси — Моқийнинг ўғли Смоғул ёки Марқабой бўлса, яна биттаси мана шу Кўрпебой эди. Қаторида Абай ҳам бўлган мана шу уч-тўрт ўйинчи — бу атрофдаги бошқа ўйинчилар орасида ном чиқарган, яна ўзаро қаттиқ тортишиб юрадиган моҳир ўйинчилар эди.

Абай блан Кўрпебой ўйин бошлашди. Дастлабки уч-тўрт юришда одатдагидек, ҳар икки томон ҳам тез-тез юриб, икки-икки уядан тош олишди. Лекин ҳали туздуқ¹ олиб, туздуқ беришмади.

Ҳозир Муҳамеджон, Қишкенен Мўлда, Боймағамбетлар ҳам бу ўйинга диққат қилиб, тикилиб ўтиришган эди. Муҳамеджон ҳали нариги уйга бориши бланоқ, Татьяна хатини Абайнинг қўл'ёзмасидан кўчириб олган, кейин Қишкенен Мўлда ёзган нусхага солиштириб, у блан бир сидра

¹ т у з д у қ — рақибнинг чуқурчасини тошлари блан ютиб олиш.

Ўқиб чиққан эди. Мўлда бу ше'рни кўчирганида, ёдлаб ҳам олган экан.

Татьянанинг сўзларидан завқланган Муҳамеджоннинг дарди-фикри — ҳалиги куйни яна бир эшитиш эди. Лекин тошларга тикилганича ўтирган Абай, ўйин бир ёқлик бўлмагунча, бошқа ҳечнарсга тўғрисида ўйлайдиган эмас эди. Шу орада ёш ўланчи чўнтагидаги қоғозни олди-да, пичирлаб қайта-қайта ўқиб, дастлабки бандларни ёдлай бошлади.

Тили шунчалик нафис ифодали Татьяна, булар илгари Абайдан ҳам эшитиб кўрмаган тарзда фиғон қилади, алам чекади.

— Сўлим сўз бўлса шундай бўлади-да!— деб хатга тикилади. Абай дамини чиқармай, Татьянасини унутгандек, ҳамон Кўрпобой блан бир-бирини қолдириш пайида ўтирарди. Муҳамеджон ше'рининг бошланғич икки бандини ёдлаб ҳам бўлди.

Ниҳоят, қумалоқ томон кўз ташлади-да, дўмбирани қўлига олиб, динғиллатганича ичида: «Начора, нетай билдирмай» ни ўзи билган куйга солиб кўрди. Лекин, у куйга тушмади. Ўзи айтадиган машҳур куйи: «Оқ қайин»га солиб кўрди. «Тўпой кўк» блан ҳам ёндаштириб боқди. Ҳеч қайсисига тушмади.

Боймағамбет у ниманинг илинжида ўтирганини нариги уйдаёқ эшитиб келган эди. Энди шояд Абайнинг диққатини шу таҳлитда жалб қилсам, деган умидда гап келтириб, Муҳамеджонга:

— Қалай, Татьяна «Оқ қайин»ни билгиси келмаётирми дейман?— деди.

— «Оқ қайин» нигина эмас, Татьяна биз билган куйларнинг биронтасига ҳам яқинлашмаётир.

— Байт, терма сингари чўзиб айтилмайдиган куйларга тезроқ келадими дейман!— деб, Боймағамбет яна Абайга қараб қўйди.

Абай эндигина буларнинг гапига кўнгил бўлабошлаб:

— Шундай дейсанларми? Татьяна бўладиган бўлса, «Оқ бола»¹ ҳам бўлмайди. Байт излаб Бағдодга-ю Мисрга ҳам бормайди!— деб қўйди-да, қаддини ростлаб, бир юриш қилганда, сўнгги тош тарс этиб бориб Кўрпобойнинг ўртадаги уясига тушиб қолди. Завқланиб кетган

¹ Бир лапар қаҳрамони бўлмиш қизнинг номи.

Абай тўла гавдаси блан силкиниб, хандон ташлаб кулиб юборди. Кўрпебой шошиб кетиб, қовоғини солганича бўз-райиб қолди.

Қумалоққа назар ташлаб ўтирган Қишкенес Мўлда:

— Хайр, туздуқ зап туздуқ бўлди-да...— деб, Абайга қўшилиб кулди. Абай кўп ўйлаб кўргандан кейин, «жуда нозик» ердан туздуқ олишга муваффақ бўлган эди.

Абай энди ёнида ўтирган йигитларнинг хоҳишини анча фаҳмлаб қолиб:

— Боймағамбет, Татьяна бояги куйини энди айтмаётганини кўрдингми?— деб Муҳамеджоннинг қўлидаги дўмбирасига қўл чўзди. Муҳамеджон дўмбирани дарҳол унга узатиб, тиззасида ётган қоғозга энгашиди.

Абай бу гал дўмбирани чертиши блан эрталабки куй аввалгисича қайтадан жаранглаб, тезгина келақолди.

— Йўқ, энди айтгиси келган экан!— деб, Абай кулимсираб,— бундоқ депти-ку!— деди-да, куйлай бошлади. Уз таржимасининг икки бандини айтиб чиқди. Уша иккинчи банди тамом бўла келганда, ичкариги уйдан келаётган Айгерим кўринди. У таажжубланган ҳолда Абайнинг куйига қулоқ солиб келиб ёнига ўтирди.

Иккинчи бандни бошлаганда, Муҳамеджон Абайга қўшилиб ичида айтиб кўрди. Худди шу пайтда ўзининг бир қумалоғи блан юриб келаётган Кўрпебой, Абайнинг бой уяларини ёқалаб, шатирлатиб тош ташлаб келиб «бўйнидан хип бўғадиган» жойдан туздуқ олди қўйди.

— Ийе, бу нима қилди ўзи!— деб, дўмбирани Муҳамеджонга тутқиза солиб, қайтадан қумалоқ тошлар устига энгашиб қолди. Муҳамеджон Айгерим томонга ёнбошлаб пичирлади.

— Оббо, мана бу бемазанинг қилиғини қаранг, шу маҳалда!— деб ғижиниб, Кўрпебойга қаради. Айгерим:

— Нима бўлди чироғим, нима қилди ўзи?— деб энгашиб, қумалоқ тошларига кўз ташлади.

— Абай оғамнинг мана шу янги куйини ўрганиб кетай деб, атайин йўлдан қолиб ўтирган эдим!... «Бўйнидан хип бўғадиган» жойдан туздуқ олдирган одам энди бизга қарармиди!— деб, пичирлади хуноб бўлганидан. Боймағамбет ҳам ўкиниб, бош чайқаб қўйди. Айгерим Муҳамеджонга қаради-да:

— Қани у, қандай куй экан? Кўпдан буён товушининг ҳам эшитганимиз йўқ. Тушлик овқатдан кейин отлапарсан. Билганингча айтиб берчи!— деди.

— Эй ялғажон, ўзим ҳам бир марта эшитиб, ушлай олмай, «дод» деб қолдим-ку ахир,— деб Муҳамеджон дўмбирани олиб, ҳалиги куйни динғиллатиб кўрди. Келишмаётир. Абай энди ўз навбатини юриб, бироз бўшаб ўтирган эди.

— Йўқ, нотўғри чалаётирсан,— деб, яна дўмбирани олди. Ҳалиги куйни уч-тўрт қайтариб чалиб берди. Муҳамеджон дўмбирани иккинчи марта олганда, янглишмасдан жаранглатиб чалабошлади. Ёдлаб олган шеърининг икки бандини куйга солиб, куйлаб ҳам юборди.

— Мана, Татьяна Муҳамеджон блан танишганга ўхшайди, Айтавер! — деди Абай.

Муҳамеджон ўзининг баланд ва тиниқ овозини энди янгрлатиб куйлай бошлади. Тиззасида ётган ёзувга кўз қирини ташлаб ўтириб, Татьянанинг хатини бошдан-оёқ, тутилмасдан айтиб берди. Бу ўртада тўққиз қумалоқ ҳам тўхталиб қолди.

Абай диққат қилиб киприк ҳам қоқмай тинглади. Оқшўқиянинг чўққиларига тикилиб Татьянанинг нозли ноласи лол қилгандан ранги ҳам ўчинқираб ўтирарди. Ўзи сўзлатган сўз, ўзи куйлатган куй биринчи мартаба ёш, гўзал ва моҳир ўланчининг жаранглаган овози блан айтилганда, Абайнинг ўзини ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди.

Татьянанинг оҳи-зори, яна сўнгги кунларда ўзининг хаёлидан бир нафас нари кетмаётган Тўғжон ва Салтанатнинг оҳи-зори блан бирдек туюлди. Ҳозир уларгина эмас, Айгерим ҳақида ҳам ўйлаётир. Кечаги оқила ёри ва дунёдаги энг яқин, энг севикли ёри Айгерим ҳам бу позли нолишда ўз ғуссасини ифодаловчи тилни топгандек туюларди. Абай ҳозир мана шу куйга қулоқ солиб ўтираркан, ўзи таржима қилган гўзал шеърдаги зўр қудратга молик бўлган ҳақиқатни биринчи марта мароқ блан тамоша қилди. «Рус қизи Татьяна қозоқ қизларидан ҳам ўз мушдошларини, тақдири ўзи блан бир хилда бўлган тенгдошларини топди. Тили, тарбияси, тарихлари бошқа-бошқа бўлса ҳам, одам насли кўп жиҳатларидан: фикр қилиш қобилияти, ҳол-аҳволи, тақдири ва алангали ҳислари блан бир-бирига нақадар яқин-а! Бир-бирига қариндош, яқин жигарлар-ку! Мана бу ўланчи оқин, қозоқ ёшларига шу ҳақиқатни баён этишга тайёр!» деган фикрдан Абайнинг ичи ёруғ нурга тўлиб, чексиз шодланди. Атрофида ўтирганларни ҳам унутиб, шу куй туфайли туғилган ўйларга борлиғи блан берилиб кетди.

Уйдагиларнинг ҳаммаси ундаги кайфиятни пайқаб, жим бўлиб, Муҳамеджонга тикилганларича ўтиришди. Қозоқ куйи эмас, лекин мунгли, та'сирли ва содда куй тўлқинланаётир. Муҳамеджон: «Яна унутиб қўймай, яхшилаб ёдлаб олай» деяётгандек, тўхтамасдан айтаверди. Унинг ўзини ҳам бу куй мафтун қилганлиги очиқ кўри-ниб турарди. Кўз ўнгида Татьянадек кўзи ёшли намоён бўлиб, унинг паришон ҳолини куйлаш жараёнида чуқур англаб ҳис этаётгандек бўлди. Куйни тўхтатиши блан:

— Нолиши бор вужудни лол этадиган қандай ала-м-зада экан-а! Буни шундай ғусса ичида нозик ифодаларга бордириб, фиғон қилдирган ким экан, Абай оға?! — деб, Абайга қаради.

Уйдагиларнинг ҳаммаси бу саволни жуда ўринли то-пиб, Абайнинг жавобини кутиб туришди. Сергап Киш-кене Мўлда:

— Эй, уни бу хилда сўзлатаётган Фошкин-ку! — деди.

Унинг шу тобда гапга қўшилганига Муҳамеджоннинг энсаси қотиб:

— Қўятуринг-чи, мулла ака! Фошкин демай. Ҳатто у оқиннинг номи ҳам сиз атаётганингиздек эмас! — деди.

Кишкене Мўлда гапдан қолгиси келмай, яна:

— Хўш, қандоқ экан? Мен жуда дуруст айтдим, шун-доқ! — деди.

— Йўқ, Абай оғам Пушкин дер эдилар шекилли! — деди-да, яна Абайга қаради.

Абай, уларга Пушкиннинг ҳаёти, вафоти ҳақида қис-қачагина сўзлаб бериб, «Татьяна хати»га кўз ташлади. Муҳамеджон кўчириб олган нусхасига тикилганича, ба'зи жойларини тузатиб ўтириб:

— Асли ўзи, юрак дардларини изҳор этабилган тил шу-ку! Тўғриси айтганда, Пушкиндек оқинни қозоқ боласи, сен ҳам, бошқалар ҳам, қўйчи, бутун мусулмон олами ҳали кўрган эмас... Нима десанг шундай-де! — де-ди, ўйлаб ўтирган ҳолда.

— Тўғри, ҳарҳолда бечора қиз ўз дард-аламини айта-олипти-ку! — деди Боймағамбет ҳам.

Шу пайтда Кўрпебой яна қумалоқлар томон энгашиди. Муҳамеджон пайқамаган киши бўлиб, тиззаси блан қу-малоқ тахтасини четга суриб юборди-да, Абайга қараб:

— Татьянанинг шундай нолиши жавобсиз қолгани адолатданми, Абай оға! Йигит ҳам шунга лойиқ бир жа-

воб қилганда яхши бўлмас эдими, юрагида заррача ўти бор одам жавоб қилмай тураоладими?— деди.

— Муҳамеджон бек дуруст айтади. Шубҳасиз, шундай бўлиши керак эди, Абай!— деди Кишкене Мўлда ҳам, илтимос қилаётгандек. Абай бироз ўйлаб туриб:

— Сенинг гапинг ҳам ма'қул. Онегинни сўзлатиш керак!— деб, бир нафас ўйланиб қолди-да,— лекин у қургуннинг ўзи вафосиз эдику-а!— деб жим бўлиб қолди. Яна Пушкин томини ўқишга тушди.

Ўша куни, тушлик овқатдан сўнг Муҳамеджон Семейга жўнаб кетди. Абай кеч бўйи Пушкинни ўқиш блан банд бўлди. Пушкинга фақат ўқучи сифатидагина эмас, шоир сифатида ҳам яқинлашган куни шу кун эди. Худди қардошини топгандек, қалбида илҳом жўш уриб, борлиғи блан унга берилган куни шу кун бўлди. Абай тунда кечки овқат олдидан Пушкин томини ёпаётиб, уйдагилар ҳам эшитарлик қилиб, бир сирини айтди.

— Дун'ёни кўришда кўзимни очиб қўйдинг-ку, Евгений Петрович... Мени шундай хазиналарга етакладинг!.. Энди менинг ка'бам ўрнидан кўчиб, кун чиқишим — кун ботиш, кун ботишим — кун чиқиш бўлиб бораётир. Шундай бўлса бўлақолсин!— деди.

Овқатдан кейин, уйдагилар кундаги одат бўйича «Абайдан яна бир янги ҳикоя чиқармикин» деяётгандек, анчагача ётмай, қараб ўтиришди. Шам ёқилгандан то овқат пишгунча китобга тикилиб ўтирган Абай, энди уйдагиларнинг кўнглига қараб, айниқса унинг ҳикояларини термулиб ўтириб тинглайдиган, бу кунларда донгдор эртачки бўлиб олган Боймағамбетни, берилиб қулоқ соладиган Айгеримни назарда тутиб, янги бир ҳикоя айтиб бермоқчи бўлди.

Шунинг блан ярим кечага қадар қимир этмай, ҳикояга қулоқ солиб ўтирган мажлис аҳлига Абай яқинда ўқиб чиққан бир романини ҳикоя қилиб берди.

2

Бугун кечқурун, Семей шахрининг кун ботарида, четда яшовчи Тонгжориқ деган бир майда савдогарнинг уйида бирқанча ёшлар тўпланишди. Тонгжориқнинг уйида — Абайнинг қариндошларидан Қисатой деган ёш йигит ижарага ўтирарди. Қисатой бу ерда ҳам саҳродаги сингари доим улфатчиллик қилиш, меҳмон кутиш блан овора

эди. Ўзи камгап, беозор йигит бўлиб, ҳамиша уйидан одам аримас, жон-дили хушчақчақлик, ўйин-кулги мажлислари эди.

Унинг бугунги меҳмонлари, Абайнинг яқин қариндошлари блан оқин ва ўланчи дўстлари — шоғирдлари эди. Ҳозир бу ерда жўрабоши бўлиб, тўрга чиқиб ўтирган йигит — бурни катта, йўгон гавдали, овози ҳам жаранглаб чиқаётган Кўкбой оқин. У, Абай бўлмаган ерда ҳечкимга сўз бермас эди. Гапирганда ҳам, ўзи хуш кўрган нарсасини жуда мақтаб, кўкларга кўтариб, кўнглига ёқмаган ишларни ерга уриб, астарини ағдариб гапирарди. Ҳамиша нимани назарда тутиб гапирса, ўшани ўрнига қўйишга уринар, ўзининг гапини мақулламагунча қўймасди. Шундай қилар экан, бошқаларни кулдириб ўтирарди. Ўзининг бу фе'ли ҳақида у: «Шовоқилигим — шоирлигим. Ҳақиқатини айтадиган шоирман. Қизғин табиатли бўлиб, шодлиги блан ғазоби галма-гал алангаланиб турмайдиган; ҳамиша яхдек, кесак табиат одамлардан шоир чиқмайди» деб, куларди.

Қисатойнинг бу мажлисдаги иззатли меҳмонларидан биттаси — ҳозир қалин қора соқолини қўйган Шубор оқин. Кўкбой мусулмончадан етишган бўлса, у русчадан ҳам анча савод чиқариб қолган. Абайдан ёши кичик Кўкбой ҳам, Шубор ҳам унинг олдида эркин сўзлашиб ўтираолмасди. Аммо у бўлмаган ерларда, ўзга қозоқлар ичида билармон, сўзамол деб ном чиқарганларининг бирортасидан кам эмасмиз, деб ўйлашарди. Шубор жуда яхши кийинадиган, силаниб-сийпанадиган олифта йигит. Яқиндагина олган тилла соатининг тилла занжири ҳам қора желатканинг кўкрак чўнтагидан осилиб, ярақлаб турарди. У тортиниbroқ сўзлар, лекин сўзлаганда ҳечкимга гап бермас, бировни эрмак қилиб, илиб гапиришга устихони йўқ эди.

Булардан бошқа меҳмонларнинг биттаси — Абайнинг севикли ўғли, ҳозир 15—16 ларга чиқиб қолган Мағаш — Мағовия. — У — рангпаргина, пешонаси кенг, қирра бурун, жуда истараси иссиқ йигитча бўлиб, мажлис аҳли орасида ўзининг илм-ма'рифати блан ҳам ажралиб турарди. Ёши кичик бўлишига қарамай, шундай мажлисларда катталар блан баравар суҳбат қиларди. Мажлисда яна машҳур ўланчи — Муқа ҳам бор. Жаранглаган ўткир товушли Муқа — баланд бўйли, оқ юзли, кўркам йигит. У, ҳам яхши ўланчи, ҳам дўмбира ва скрипкага уста бўлгани

учун Абай бундан икки йил муқаддам Уоқ элидан кўчириб келиб, ўз тарбиясига олган, Мағовияга йўлдош қилиб, қўйган эди. Унинг ёнгинасида — Ирсойнинг ўғли Исҳоқ ўтирарди. У ҳам ўзига яраша сан'аткор, Кўкбой, Муқалар қозоқ куйларини, ўланларини, қозоқ халқ қиссалари ва тарихий дostonларни яхши билса, Исҳоқ Абайнинг ёрдами, ўзининг урилиб-туртиниб ўқиши орқасида араб ва форс ҳикояларини «ўрганиб олган» йигит. У билмайдиган дoston йўқ. Ундан: на «Жамшид», «Қаҳрамон Қатрон», «Рустами дoston», «Бахтиёр»лар қолгану, на «Минг бир кеча», «Гўр ўғли Султон» лар қолган.

Мажлис аҳли йиғилиб, шу ерда ётиб қолмоқчи бўлиб отбоқарларини уй-уйларига қайтариб юборишди. Энди ўтириш жонланиб, ҳазил, аския бошланган пайтда, даҳлизнинг эшиги ланг очилди. Бир йигит буғи осмонга чиқиб, шақиллаб қайнаб турган катта сариқ самоварни олиб кирди. Топғжариқнинг хотини — тўлагина, оппоқ пахтадек, тавноз жувон самовар орқасидан дастурхон олиб келди. Катта меҳмонхонанинг бўсағасидан тўригача қалин-қалин кўрпачалар ёзилиб, катта-катта ёстиқлар ташланган эди. Ўша кўрпачаларда, ёстиқларда ёнбошлаб ётган меҳмонлар дув кўтарилиб, чордона қуриб олинишди, тўғарак хонтахта блан самоварга жой беришди. Дастурхон ёзилаётганда Қисатой шкафдан бир бутилка коньяк, бир бутилка зубровка ҳам олиб қўйди.

Дастурхонга ширинликлар қаторида яхна гўшт, қази-қарталар ҳам япроқланиб, тақсимчаларда қўйилабошланди. Исҳоқ буни кўриб мамнун бўлганидан, бир қўзғалиб қўйди-да кулимсираб:

— Ҳа, бормисан! Мана бунинг ақлли одамнинг иши бўлди-да, Қисатой!— деди. Ўтирганларнинг ҳам ба'зилари унга қўшилиб кулишди.

Катта тўғарак хонтахтанинг атрофини қуршаб, еб-ичиб ўтирган меҳмонлар бўлган-бўлмаган ҳажвий ҳикояларни айтиб кулишлар, бир-бирини эрмак қилиб, аския қилишлар ҳам авж олиб кетди. Бир вақт Шубор Абайнинг шунга ўхшаш ёшлар мажлисини яхши кўришини хотирлаб:

— Абай оғамнинг шу гал шаҳарга келмагани чакки бўлди-да!— деди.

— Йўқ, уйда ўтиргани ма'қул. Бу йил китоб ўқиш, ше'р ёзишга астойдил киришган!— деди Кўкбой.

Шубор, унга қараб, истеҳзо блан:

— Хайр, билмадим-да, ўша чиноринг ўсаверса, бизлар унинг соясида қолиб ше'р ёзишга ҳам ботинолмайдиган бўлиб кетмасак яхши эди,— деб қўйди.

Унинг бу гапидан кўпгина ёшлар янги ёзган ше'рларини тортиниб Абайга кўрсатолмай юришларига ишора қилаётгани кўриниб турарди. Бу гапнинг тагида Шуборнинг кўнглидаги Абайга бўлган ҳасад ҳам йўқ эмасди.

Шубор сўнгги сайловда бўлисликдан тушиб қолган эди. Бу, мансабпараст, худбин йигит, Абайнинг оқин сифатида кундан-кун шухрат топаётганини асти кўраолмасди. Бу кунларда Абайнинг яқин дўстларининг орасига кириб олиб, ҳам ўланчи, ҳам оқин номини олишга жони-жаҳди билан уринаётган эди. Унинг ҳалиги гапига Мағовия кулди-да:

— Ундай бўлса, дурустроқ ше'р ёзмагунимизча кўрсатмай турамурамиз-да!— деди.

Шубор бошини чайқаб, шикоятимиз:

— Дуруст ёки дуруст эмаслигини билмайман, ҳарҳолда бу йил ўзимча уриниб, бир янги ўлчов, янги вазн топиб, бир жуда яхши ше'р ёзиб олиб бориб кўрсатган эдим: «Бу ше'р бундай ёзилмайди» деди...— деб ўкипч билан кулиб қўйди.

Бундай ҳазил, бундай гина Кўкбойнинг кўнглида ҳам бор эди.

— Менга Новрузбойнинг¹ тумшуғи қизил оти шу бўлсин, деб «Шуқпордек кокили бор»²ни худди ўзимга мийдиргандек қилиб берган эди. Кейин қараб туриб-туриб: «Бунинг ўзи жуда ҳишиниб кетди» деган баҳона билан яна йиқитиб, ўзи тортиб олганидан хабарингиз йўқми!— деди ҳасадланмай беғараз ҳазил қилиб. Мажлис аҳли бу гапни биринчи марта эшитиши эди, бирдан кулги кўтарилди. Мағовия Кўкбойга қараб:

— Кўкежон, уни айтасиз, ше'рларнинг ҳаммасини ўзи тортиб олганини айтмайсизми?— деди. Аввалги ёз Абай «Ёз чилласи саратон» деган ше'рини ёзгандан кейин, илгари Кўкбой номидан ёзиб юрган ше'рларнинг ҳам ҳаммасини ўз номига ўтказиб олган эди. Ўша ше'рларни олаётганда Кўкбойга: «Сен сўқимни ол, мен ше'рларимни ўзим оламан» деган эди. Кўкбой энди ўша воқияни хотирлаб:

¹ Кўкбой ёзган поэманинг қаҳрамони.

² Абайнинг югурук от ҳақида ёзган машҳур ше'ри.

— Ҳа, унинг эвазига Кўкенг сенларга жийрон бия сўйди-ку! Қазисида икки эллик мой чиқиб, сўқимнинг қобирғасини еган кунимиз шеърларини олса олақолсин, қазисига бир тўйдим-ку! — деб ўтирганларни яна бир кулдириб олди.— Қайси куни ўша жийрон биянинг қазисини еганда айтган гапимни Абай оғамга айтсам: «Тошкентни олган генерал аскарни блан шаҳар ичига карнай-сурнай чалиб кирганда, чойхонада пинакка кетиб ўтирган бир банги: «Тошкентни олса олсин, аммо карнай-сурнайига жуда завқ қилдим» деган экан. Сен ҳам худди ўша бангининг ўзи бўлибсан-да!— деди. Кўкбой сўзини тамом қилганда, яна кулги кўтарилди. Тонгжориқнинг боядан бери индамай ўтирган хотини ҳам, хандон ташлаб кулиб юборди.

Шу кўтарилган кулги тамом бўлакелган пайтда, даҳлизнинг эшиги очилиб, қўлида қамчи ушлаган, юз-кўзини қиров босган, товонига ёпишган қорниғижирлатиб босиб келаётган, совуққа қолган бир йўловчи кўринди. У, эшикдан:

— Ассаломуалайкум!— деб кириб келди. Ўтирганлар бегона одамнинг келишини ёқтирмай, саломига ҳам тилар-тиламас алик олишди. Дарҳол кулгини ҳам йиғиштириб «ким экан» деб, унга тикилишди. Йўловчини энг аввал Исҳоқ таниб, хурсанд бўлганидан кулиб юбориб: «Муҳамеджонмисан?» дейиши блан, уйдагиларнинг чиройи очилиб кетди.

Абай овулидан тўғри шаҳарга жўнаб, энди етиб келган эди. Муҳамеджон эл-юртнинг соғ-саломатлигини сўраётганларга жавоб қилатуриб, қўнжи узун этигини ечиб ташлади. Кейин белбоғини ҳам, устки кийимини ҳам ечиб, чўққи соқоли блан қисқагина мўйловларида қоғиб қолган музми тушираркан, бир нафас типпатик қараб қолди. Ўтирганларнинг ҳаммаси сурниб, жой беришиб: «Буёққа чиқ, буёққа чиқ» — деб, юқорига таклиф қилишаётган эди. Муҳамеджон шошилмасдан, артиниб-суртиниб ўзини тузатиб олди-да, тўрга қарали.

— Бугун худди мана шу Муқа блан Кўкбойнинг ўртасига ўтиришга ижозат берасизларми, жўралар!— деди. Муқа пастроқ сурилиб жой берди.

Муҳамеджон ёнига ўтирганда, Кўкбой унда бир гап борлигини сезиб қолди. Ҳозир унда куйлашда ҳам, оқинликда ҳам мана шу ўтирган ёшларнинг биронтасига йўл бермайман, деган вазият борлигига шубҳа йўқ. Афтидан,

бугун унинг кўнглига тугиб келган бир гап борга ўхшади. Муҳамеджон ўтирар-ўтирмас Кўкбой уни кесатди.

— Соқол-мўйловига муз қотиб, ғарч-ғурч қилиб кириб келаётган ким экан десам, овул экан-да! — деди.

Муҳамеджон унга:

— Ҳа, овул ёмон бўлса, мадрасани ташлаб, худонинг уйидан қочиб, ўзинг нима қилиб овулга бориб юрибсан? — деди.

Муҳамеджон илгари Кўкбойнинг муллаликка ўқиганини эслатиб, ўтирганларни кулдирди-да:

— Дамингни чиқарма, ҳамма барака ўша овулда бўлса, нима дейсан! — деди.

— Қайси баракани айтаётирсан ўзинг? — деган Кўкбой.

— Қайси баракани десанг ҳам, топиб беришга мен кафил. Фақат чой ичкудек фурсат берчи, азизим! — деб, ғурур блан бир қараб қўйди-да, дамини чиқармай ўтириб чой ичишга киришди. Қолганлар еб-ичиб бўлишган эди. Бироз-бироз орқага сурилиб ўтириб, аввалгидек ҳазил-аскияга кўчишди. Шуборнинг илтимоси блан энди ашула, ўйин-кулги бошланадиган бўлди. Одат бўйича Шубор:

— Қуйлаш, аввал каттадан бўлсин. Бошқалар ҳам тортинмай айтаверишига яхши бўлади. Кўке, ўзингиз Новрузбойингиз блан Тилевқабақ қизининг айтишганини бир эслаб юборсангиз қандоқ бўлади?! — деди.

Ўтирганларнинг ҳаммаси шунга толиб экан.

Кўкбой томоғини қириб қўйиб, шошмасдан ўзи шу йил қишда ёзган достонининг бир қисмини ўйноқи оҳанг блан яхшилаб айтиб берди. Бундан кейин Мағовия бошлиқ ўтирганларнинг ҳаммаси Шубор оқиндан «Сегиз оёқ»¹ ни илтимос қилишди. У ўзи айтмай, ёнидаги Уринбек деган йигитига айттирди.

Қорни очиқиб, совқотиб келган Муҳамеджон қазикарталардан еб, қонгунча чой ичди. Афтидан у, чалинаётган музыкага ҳам, айтилаётган ўланларга ҳам қулоқ солмаётгандек кўринарди.

Ашула узилган бир пайтда Исҳоқ ундан: «Абайнинг овулига кириб чиқдингми, саломат эканми?» деб сўраган

¹ Сегиз оёқ — саккиз сатрли ше'р бўлиб, Абай томонидан ше'рга янги киритилган форма. — *Ред.*

эди, қисқа қилиб: «Бирров кириб чиқдим. Соғ, салом айтди» деб, қўяқолди. Ниҳоят, чойга хўп қониб бироз орқага сурилди. Дастурхон йиғилди. Энди «Тўпайкўк»ни айтаётган Муқанинг тиниқ, ширалик овози янгради. Кейин ўтирганларнинг илтимосига кўра, яна бир-икки куйни айтиб берди. Сўнгги айтгани эскириб кетган куйлардан бири эди.

Шу куй тамом бўлай деб қолганда, Муҳамеджон кўпчиликнинг илтимос қилишини кутиб ўтирмай, томоғини қириб олиб, Муқанинг дўмбирасига қўл чўзди. У ҳам куйни тамом қилиши бланоқ дўмбирани узатақолди. Муҳамеджон дўмбиранинг қулоғини бураб созларкан:

— Шунча оқин йиғилиб олиб, ҳанузгача: «қулун ориқ, той семиз» деб ўтирибсизми-а! Киройи эшитганингга яраша, ўланнинг ўланини эшит. Гап ундай эмас бундай!— деди-да, куйлаб юборди.

Энди Татьянанинг: «Начора, нетай, билдирмай» деган ғоят мунгли куйи кетди. Ҳамма дамини ичига олиб ўтириб тинглади. Муҳамеджон куйлаётган ўланнинг ажойиблиги—унинг ҳарбир сўзи аниқ, дона-дона эшитилаётганлиги эди. Дастлабки бир бандини эшитганда, ўтирганлар «байтми, ёки рус куйими» деб нимани эшитаётганларининг фарқига боришолмади. Бироздан кейингина шу куйнинг ўзига хос бир аламли дардни тараннум этаётган чуқур мазмунли оғир куй эканлиги маълум бўлди. Ўтирганларга айниқса қаттиқ таъсир этган нарса — шеър блан тили эди.

Еш оқинларнинг ҳаммаси дардли маъшуқанинг рози дилини уққандек бўлишди. Ичидан: «Асли шундай бўлиши керак-ку» десаларда, ўзи ҳам биз эшитиб кўрмаган сир блан дард экан, деб диққат блан тинглашди. Икки-уч бандидан сўнг, Муҳамеджоннинг оғзига тикилиб қолишди. Кишини ҳайратда қолдирадиган ажойиб соз. Шу қадар латиф тўлқин отиб чиқаётган соф ҳислар блан алангали юрак сўз қотиб нидо қилаётир. Ешга тўлган кўзларини жовдиратиб туриб, ўксиб-ўксиб нафас олаётган соф кўнгил дардларини очаётир.

Муҳамеджоннинг қипқизил товланиб турган юзларига боқиб, ҳалиги гўзал куй элитиб ўтирган оқ кўнгилли Исҳоқ, хонаси блан куйловчига:

— Вой, овозингдан ўргулай!—деб қўйди. Бошқа вақт бўлганда кулгининг хонаси эди. Лекин ҳозирги ўтиришда ҳечким чурқ этмади.

Куйловчи дам олмай «Татьяна хати»нинг охиригача айтиб бўлди-да, хўрсиниб кўйиб, пешонасидаги терни артабошлади.

Уй ичини оғир сукунат босган эди.

Кўкбой ҳам, Шубор ҳам дамини чиқармади. Ранглари ўчиб, кайфлари бузилиб кетганидан, Муҳамеджоннинг афтига ҳам қарашолмади. Кўкбой Муҳамеджон келганидаёқ ундан кутилмаган бир иш чиқишини сезган эди. Ичида: «Эшикдан кириб келгандаёқ тили бурро эди, беҳуда эмас экан-да» деб, мана бу куй блан ше'р ҳақида сўрашга ҳам юраги бетламади. Қолган ашулачи ва оқинлар ҳам худди шу зайлда ўтиришарди. Ниҳоят бу жимликни Мағовия бузди. У, хурсанд бўлганича Муҳамеджонга қараб:

— Хўш, Муқа, энди бу куйнинг, бу ше'рнинг қаердан эканлигини айтиб бермайсизми?— деди.

Шубор блан Кўкбой шу гапдан кейингина Муҳамеджонга қарашди. Броқ иккови ҳам қаттиқ ҳадиксираб турганга ўхшарди. Муҳамеджон дарҳол жавоб қилиб, ше'рнинг Қишкене Мўлда ёзган нусхасини Кўкбойга узатаркан:

— Йигитлар, бу Пушкиннинг ше'ри-ку! Уни яқинда қозоқчага Абай оғам таржима қилиб, яна куй яратиб, «шу куйга солиб айтинглар» деди. Ҳаммангизга мендан юборган саломномаси шу!— деди.

Эндигина Шуборнинг чиройи очилиб, кулиб юборди.

— Уҳ! Танимга энди жон кирди-я. Муҳамеджон «ўзим чиқардим» деб қоладими деб, кайфим учиб кетса бўлади-ми!— деди.

Кўкбой ҳам севинганидан кулиб:

— Мен ҳам айтдим, шундай гўзал соз, ажойиб ше'р тўқиган Муҳамеджон сен бўлсанг, сен блан рақобат қилиб бўлар эдими? Йўлни бериб, энди ўланни ёлғиз сен айт, мен воз кечдим, дейишдан бошқа илож бор эдими? Оббо, худди бахтимга чанг солаётгандек кўзимга ёмон кўринган эдинг. Раҳмат сенга, чин кўнгиладан раҳмат Муҳамеджон! — деди.

Бу икковининг беғараз ҳазилига ўтирганларнинг ҳаммаси хандон ташлаб кулиб юборишди.

Шу тобда Муҳамеджоннинг ташқарида қолган оти эсига тушиб, эшикка чиқиб кетди. Кун бўйи терлаб келиб, энди совуқдан қунишиб, титраб турган отини ўз кўзи олдидан иссиқ отхонага олдириб боғлатиб қўйди. У, уйга

қайтиб кирганда, уйлаги бояги ҳолат ўзгариб, нечукдир бошқача бўлиб қолипти.

Энди печканинг бурчагида турган чироқни хонтахта устига келтириб қўйишипти. Кўкбой, Шубор, Исҳоқлар бошлиқ беш-олти киши қўлига қоғоз, қалам олиб, хонтахтага бағрини бериб ўтиришипти. Ҳаммаси — Кишкенс Мўлда Кўкбойга юборган «Татьянанинг хати»ни кўчиришаётир.

Муҳамеджон ичкари кириб, бироз индамай эшик олдида тургач, пиқ этиб кулди.

— Ийе, буларнинг ҳаммаси менинг буйруғимни кўчираётган котибларим бўлиб қолишипти-ку. Баракалла, Пушкин, арвоҳингдан айланай! — деди. Оқинларнинг фақатгина кулиб қўйишақолгани бўлмаса, бу гапга яраша жавоб қилгудек фурсатлари йўқ эди.

Ҳамма кўчириб олгандан кейин, биров дўмбирага қўшиб, биров ҳиргойи қилиб «Татьянанинг хати»ни айтишди. Фақат ўрганаолмаганлари Муҳамеджонга бошлатиб, ўзлари иккитадан-учтадан бўлиб қўшилишиб айтишар эди. Шундай қилиб тун ярмидан оққунча, ҳамманинг жон-дили блан берилгани — Муҳамеджон келтирган ўша янгилик бўлди. Анчагача ўтиришиб, ётар пайтда бу уйдаги куй биладиган, дўмбира биладигаларнинг ҳаммаси Татьяна куйини, мунгли дардини ёдлаб олди.

Шундан икки кун кейин шаҳардаги Уоқлардан бир киши Муқани қиз тўйига айтди. Ўша ердаги қиз-жувонлар, куёв йўлдошлари, қудалар, ёш-қари ўртасида — кўпчилик олдида «Татьяна хати» илк даф'а жаранглади. Донгдор ўланчининг овозини янгради, буюк рус оқини созини сайратди. Бу ерда ҳам кўпчилик халқни ўша соф қалб нидоси, нозик ҳислар мафтун этиб, ҳаяжонга солди.

Муқа сўнгги сўзларни тўлқинлантириб айтиб бўлганда, куй бошланишиданоқ берилиб, тинглаётган бир кекса:

— Кўп яша бўтам, эриб тинглагудек сан'ат кўрсатдинг, қани буни ким айтган? Энди шуни ҳам айтиб бери-чи? — деди. Ўланчи йигит:

— Русларнинг илгари ўтган оқини Пушкин деган одам бўлган экан, ўшанинг сўзлари. Қозоқчага Абай таржима қилган! — деди.

Шу кунларда Кўкбой, Исҳоқ, Муҳамеджонлар ўтиришларда бўлишса, фақат «Татьяна куйи»ни айтадиган бўлишди. Шаҳардан қайтиб кетиш олдида Кўкбой, Михайловнинг уйига кириб чиқди. Абайга дўсти берган хат-

ни олди-да, шу кунларда шахардаги ёшлар ўртасида машҳур бўлган, ҳаммасини ҳаяжонга солган янги куй ҳақида сўзлаб берди. Абайнинг Пушкинни таржима қилганини, айниқса Татьяна хатини таржима қилганини эшитганда, Михайлов иргиб туриб, Кўкбойнинг ёнига келди. Бу хабарга қизиқиб, суриштирабошлади.

— Хўш, қани, Ибрагим Қунанбаевич, Татьянани қозоқ тилида сўзлатдими? Қандай чиққан? Қозоқча бўлса ҳам менга айтиб берингчи. Шошилмасдан айтинг!— деди.

Кўкбой жўнамоқчи бўлиб, қўлига олган тумоғи блан қамчисини Михайлов икки қўллаб олиб, стул устига қўйди.

— Қани, Кўкбой, бошланг, менга айтиб беринг! Абай таржима қилган сўзларни жуда эшитгим келаётир! — деди.

Кўкбой, Михайловга яна бир янгиликни ҳам айтди.

— Сўзларигина эмас, куйи ҳам бор. Биз уни «Татьяна куйи» деб, деярлик ҳар куни айтиб, бутун Семей шаҳрига ёяётирмиз!

— Куй! Музикасими, уни ким чиқарди?

— Уни ҳам Абай оғам чиқарди.

— Қани, айтинг бўлмаса, куйи блан айтинг!

Шундан кейин Кўкбой Михайловнинг юзига тикилганича жаранглаган, ёқимли овоз блан «Татьяна хати»ни бошидан охиригача айтиб берди.

Бу вақтларда Михайлов қозоқ тилига анча тушунадиган бўлиб қолган эди. Унинг ўзи ҳам музикага кўп қобилиятли одам эди. Ёшлик чоғида музикадан анчагина дарс ҳам олган эди. Кўкбойнинг куйи тугаб қолганда қўпилиб хиргойи қилди. Абайнинг куйини тез илиб олди. Куйлаш блан бирга куйнинг айтилиш йўлини ше'р қофиясига солиштириб келиб, Кўкбой айтиб бўлиши блан оқ ўрпидан иргиб турди. Кўкбойнинг икки елкасидан қисиб, бироз силкитиб қўйди-да, «раҳмат, кўп раҳмат!» деди-ю, яна тапга тушиб кетди.

— Ибрагим Қунанбаевичга салом айтинг, мен уни табриклайман. Бу иши яхши, жуда яхши! Унинг халқи Пушкинни билмоғи керак. Билишгина эмас, севиши ҳам керак!— деб, қизишиб сўзлаб кетди. Шундан кейин Кўкбой куйлаётганда фаҳмлаган бир масалани ҳам айтди.

— Брок, менинг фикримча, Пушкин ше'рларининг ба'зи жойларини тўғри таржима қилмаганга ўхшайди. Айниқса, ҳамма сатрларнинг вазни Пушкин вазни блан бир-

хилда чиқмаган. Сиз айтган куйда шу нарса сезилиб турибди. Лекин, мен уни камчилик демайман. Қозоқчага яхши тушунаолмадим. Яхши билолмадим. Шунинг учун ше'рнинг яхшилигини билмаган ҳолда камчилигини кўрсатиш адолатдан бўлмайди. Сизнингча, ўзингизнинг тушунчангизча, қозоқча ше'ри яхшими, қалай? Сизнингча Пушкин, мана шу «Татьяна хати»дан қиёс қилганда, кучли сан'аткорми? — деди. Сўнгги саволига алоҳида ма'но бериб гапирди.

«Татьяна хати»ни ўқигандан бери Кўкбой Пушкинга зўр ҳурмат блан қарар, уни жуда қадрлар эди.

— О, Евгений Петрович, агар Пушкиннинг ҳамма ше'рлари мана шу «Татьяна хати» сингари бўлса, биз, қозоқ болалари ҳали ундай қувватни кўрган эмасмиз. Мен араб ва форс шоирларининг асарларини ҳам ўқиганман. Лекин, ҳақ сўзни айтсам, биз биладиган шоирлар ўртасида Пушкиннинг тенгги йўқ, деб ўйлайман. Абай таржима қилиб берган «Татьяна хати» ўзининг гўзаллиги блан Пушкиннинг қанчалик буюк фазилатларга эга эканлигини бизга ёрқин кўрсатиб берди.

Михайлов бу сўзлардан таржиманинг ҳақиқий бадий таржима эканлигини англаб, яна Абайни олқишловчи самимий дўстлик саломларини йўллади.

3

Бугун Оқшўқидаги овулга кўп одам йиғилган. Овулдагиларнинг оёғи ерга тегмайди. Кечки чойдан кейин, Абай ўтирган катта уйга меҳмонлардан ташқари, овулнинг ўз одамлари ҳам бирин-кетин келиб уй лиқ тўлган эди. Уйга сиғмаганларни Айгерим, Эрбўл, Боймағамбет ва Абайнинг иниси, ёш йигитча Какитой тўрттлови очик чехра блан қарши олиб, ичкари уйга ўтқазишаётир. Бази ёшлар даҳлизга ҳам ўтиришган. Абайнинг қадрдон ва тотув қўшнилари чол Бойтўри, кекса Бургутбой, Бойқадам сингарилар ўз кампирлари блан бирга келишиб, Абайнинг ёнидан жой олишди. Ўткир ва ингичка овозли Какитой, Айгеримга кўмаклашиб, уч уйдаги меҳмонларни ўзи кутаётган эди. Қайси уйга борса ҳам, хушчақчақлиги, мулойим хулқи блан мажлис аҳлини хурсанд қилиб, ҳаммага манзур бўларди. Янгалари, тенгқурларини қулоч ёзиб қарши олар, ҳамманинг кўнглини овларди. Абай уйидаги мажлисни ҳаммага барабар го'ят кўнгилли, хушчақчақ мажлис қилиб ўтқазишга уринарди.

Какитой — Абайнинг Исҳоқ деган инисининг уғли. У Мағовия блан тенгдош.—Дўстлик, тенгдошлик ва қариндошлик қўшилиб, уларнинг икковини энг ширин, энг иссиқ ҳислар блан боғлаган эди.

Какитой Мағовиядан қишин-ёзин айрилмасди. Сўнгги икки йилдан буён у Абайнинг овулида, унинг тарбиясида эди. Оппоқ, кўркам, очиқ чехрали, косасидан хиёл қабариб чиққан чиройли ва ўткир кўзли Какитойнинг бурун учи сал кўтарилган бўлиб, чехрасида ҳали болаларга хос излар кўриниб турарди. Қипқизил лабларида беғуборлик, софлик, ма'сумлик намоён эди. Бу лаблар, ҳарқандай гўзал қизга битса ҳам, нуқсондан хориж дейишга арзийдиган лаблар эди. Айниқса, Абай унинг шу ойнадек очиқ чехрасини, чийиллаб қичқириб сўзларкан, ростгўй ва беғаразлигини жуда яхши кўрарди. Абай уни Мағаш блан Абишлар қаторида яхши кўрарди. Какитойни ўз ота-онасининг уйига ҳам юборгуси келмай:

— Исҳоқ блан Тектидан, Маникедан қандай та'лим олардинг? Сеннинг ота-онанг шу ерда, мана, менинг ўзим. Шу ерда ўзимнинг бағримда бўл, бўтам!— дерди.

Унинг Какитойга ихлоси ортишининг яна бошқа бир сабаби бор. Бу бола, шаҳарга бориб ўқимаган бўлса ҳам, сўнгги икки йил мобайнида Абайнинг ёнида бўлиб, рус тилини ўрганишга, енгилроқ китобларни ўқишга жонжаҳди блан киришаётган эди. Ёзда дам олишга келган Абишда ёз бўйи ўқирди. Шаҳарда, мактабда ўқиётган Мағовиянинг билимидан ҳам фойдаланарди. Абайнинг ёнидан бир қарич нари кетмасди. От устида юргандами, бемалол ўтиргандами, овқат устидами, Абай бир нафас бўш қолди дегунча, рус тилида ўқиган китоблари, уларнинг ма'носига оид сўроқларни берар, билишга уринарди. Ўзининг та'лим-тарбияси, одоб ахлоқи блан шаҳар мактабида ўқийдиган яхши шоғирдга ўхшарди. Қай мактабнинг бўлмасин, мураббийлари фахрланишга арзийдиган, ҳар жиҳатдан етук шоғирдга ўхшарди.

Бугун ҳам Абай овулидаги меҳмонларни руҳлантириб, мажлисни жонлантираётган ўша Какитой эди. Кўпчилик меҳмонлар Абайдан кичик бўлсалар ҳам, ҳозир Какитойнинг Абай олдида ўзини эркин ҳис этиши, улар ўртасидаги самимиятни кўриб, ўзлари ҳам тортинмай, гўё Абай блан бир онлада ўсган одамдек бағир босиб кетишди. Бу меҳмонлар бегона эмас. Абайнинг иниси қаторидаги дўстлари, оқин, ўланчи биродарлари эди.

Улар тўпи блан бирнеча ой Семейда юриб, яқиндагина қайтиб келишди. Бугун кун ботар пайтда кўплари чаналарда, ба'зилари салт от блан Абай овулига жадаллаб етиб келганлар: Кўкбой, Муқа, Мағозия, Ирсоё, Шубор, Муҳамеджонлар эди.

Булар кўп вақтдан буён Абай блан кўришмаганлари учун ҳозир меҳмонларга ўхшаб ўтиришган эди. Бўлмаса, сўнгги йилларда ёзин-қишин Абай овулини ўз уйлари, ўйин-кулги қиладиган маконларига айлантириб олишган ёшлар. Абайнинг ҳам эндиги эл ичида кўп қадр қиладиган одамлари мана шу ёш авлод эди.

Ёшлар келиб, чойга ҳам ўтирмасдан, Абай блан Айгерим ва Эрбўлдан бугунги кечни ўзларича ўйин-кулги қилиб, эркинлик блан ўтказишга рухсат сўрашди. Бу тилакни бир тўп ёшлар номидан Кўкбой:

— Абай оға, бизнинг шу тўпимиз бу йил қишда Семей шаҳрида ўланчи ва оқин сифатида шуҳрат топиб қайтди. Отоқли ўланчи Муқа уёқда турсин, шаҳарда, дар'ёнинг ҳар икки томонида қандай тўй бўлмасин, бизларнинг бирортамизни қўлга тушириб тўй-тамошасини қизитишга жуда ишқибоз бўлиб қолди-ку! Қўйингчи, оёғимиз ерга тегмади. Шаҳарлиларингизнинг кафтидан тушмадик десак ҳам бўлади. Шу қадар шуҳрат топишимизга сабаб—сизнинг куйларингиз, куйга солиб айттирган ўланларингиз бўлди. Айниқса Муҳамеджон олиб борган: «Татьяна куйи» лол қилмаган йиғинни кўрмадик. Шундай қилиб, мана бу овулингизга келиб ўтирган иниларингиз, жигарларингиз, куй ва сан'атнинг катта бир гуруҳи бўлиб, янги сан'атга эришиб келишди. Бугун тўпимиз блан сизнинг кўригингиздан ўтайлик. Бизнинг ўйин-кулгимизни кўринг!— деди.

Абай Кўкбойнинг сўзини шодланиб, кулимсираб ўтириб, завқ блан тинглади.

— Ҳарбирингиз бир уй одамни қойил қилган бўлсангиз, бугун тўпланишиб келганингизда, Оқшўқига бира-тўла хонбозорни кўчириб келдик дегин. Қани, куйланглар! Бошлайверинг ўйин-кулгини!— деди. Чойга дастурхон ёзилаётган пайтда ўз уйидаги дўстларига:

— Айгерим, Какитой, Эрбўл, Боймағамбет! Сен тўрттовинг бориб, овулдаги қўни-қўшнилар, молбоқарлар, бутун уйлардаги чол-кампирларни, ёш-ялангларни айтиб келиб, буларнинг ўйин-кулгисини бирга кўринглар. Уларнинг ҳам кўнгли очилсин. Мана бу меҳмонларингиз бўлса, Се-

мей шаҳрида, тумонатдек халқ олдида, йиғинларда бўй ўлчашиб ютиб келганлар, пешонаси ярқираганларга ўхшайди. Буларнинг талаби катта-да. Бизларнинг уч-турткиши бўлиб, тинглашимиз оз кўринар, назари ҳам илмас. Булар яна камсиниб, лунжини чайнаб олишмасин. Ўзлари ўрганган кўпчиликни, халқни йиғиб беринглар. Ҳамма уйларга жойлаштириб, уларни ҳам яхшилаб меҳмон қилинглар!— деди.

Қош қорайгандан бери, Какитой блан Боймағамбет икковининг тинмай халлослаб юриб, кўпчиликни йиғиб келишларининг, келганларни яхши кутишларининг боиси шу эди.

Кўпчилик йиғилиб, то ўйин-кулги бошлангунча Кўкбой Абайга шаҳардаги янгиликларни айтиб берди. Кейин Абай гап очгандан кейин Михайлов ҳақида сўзлай бошлади. Ўзининг Михайлов уйида бирнеча марта бўлганини айтди. Ундан ҳархил китоблар ва ёрдам олаётганини ҳам айтиб келиб, ниҳоят, сўнгги учрашувларини хотирлади. Михайловнинг «Татьяна куйи»ни эшитгандаги севинчини, Абайга айтиб юборган қизгин саломларини етказди. Унинг: «Пушкин ўлчови блан Абайнинг вазни бирхил эмасга ўхшайдими?» деган мулоҳазасини ҳам айтди. Абай Михайловнинг нақадар зийрак одам эканига ҳайрон қолиб, мамнуният блан гапирди.

— Йигитлар, Михайловнинг айтгани тўғри. Менинг таржимам Пушкин ўлчови блан тенг чиқаётгани йўқ. Тўғри айтипти. Ундан кейин, Татьянанинг юрак дардларини қозоқ тилида баён этдиришда менинг ўзим ба'зибир сабаблар блан тўғри чиқармаган жойларим ҳам бор!— деди. «Ўзим ба'зибир сабаблар блан» деганда, таржима-сига ўз қалбидан чиққан ба'зибир оташип ҳислар ҳам қўшилиб кетганига ишора қилган эди. Лекин у ҳақда ҳозир ёрилиб гапиргиси келмади. Яна гапини Михайловга кўчирди-да:

— Ёпирым, бу Михайлов нақадар сезгир, ажойиб одам-да. Қозоқ тилини яхши билмайди, шунга қарамай, ўзим ҳам шубҳа қиладиган жойларимни топиб айтипти. Илм ва ма'рифат одамга сингиб кетгандан кейин, зеҳнини нақадар ўткирлаштириб, йироқни кўрабиладиган қиладиган-а. Қошимда ўтирган қозоқлардан кўра, йироқда ўтирган Михайлов менинг ҳол-аҳволимни кўриб билиб ўтирипти-ку!— деди.

Бу кеча — ўйин-кулги, куй ва ўланлар, гўзал сан'ат

мусобақасининг қизғин, зўр тамошаси бўлган кечага айланди. Тунги овқатдан кейин, ётар пайтдагина меҳмонлар тарқалиб кетишди. Энди шаҳардан келганлар блан Абайнинг атрофидаги энг яқин одамларигина холи қолиб, катта уйда ёзилиб ўтиришди. Меҳмонлар блан овулдагилар орасида куйламаган одам оз қолди. Куйламаган фақат Абай блан Айгерим эди, холос. Булардан бошқа ҳамма: гоҳ Муқа, Муҳамеджон, Кўкбойлар якка-якка айтишса, гоҳ Мағовия, Какитойлар биргалашиб айтишар, ба'зан Шубор блан Кўкбой бошлаб, Исҳоқ, Эрбўл, Боймағамбетгача қўшилишиб ўзларича хор ташкил қилишарди.

Эндиги ўтиришда Абай блан Айгеримнинг илтимосига кўра, яккахон ўланчиларгина эски ва янги ўланлардан куйлаб ўтиришди. Шу орада Кўкбой блан Муҳамеджон Айгеримнинг ҳам куйлаб беришини илтимос қилиб қолишди.

— Кўпдан бери янгамизнинг куйлаганини эшитмай кетдик-ку!

— Нима сабабдан айтмайдиган бўлиб кетди!— Бир эшитсак бўларди, Абай оға!— дейишди.

Абай ҳам Айгеримининг нурланиб болқиган, оқ-қизили шафақ отиб гул-гул ёниб турган чехрасига интиқлик блан тикилиб қолди.

— Айгерим айтмайдиган бўлиб кетди-ку! Айтармиди!— деди.

Унинг товушида ўкинч сингари бир киноя эшитилди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги бирнеча йил давомида Абай блан Айгеримнинг ўртасида фақат бир-бирига ҳурмат сақлашдан бошқа нарса қолмаган эди. Музлаган кўнгил эриб, аввалгидек бир-бирига талпинишлар ҳам йўқ. Юзаки муомала ва муносабатлар блан чегараланиб қолишган. Уларнинг ўртасида дастлабки, бахтли йиллардаги сингари, сирлашиб дардлашадиган самимий суҳбат соатлари ҳам узилган. Оташин тўлқинли кунлари битиб, негадир совиниб қолган эди. Айгерим Абайнинг гапида мунгли оҳангни эшитиб, ўша дастлабки йиллардаги сингари сезгирлик блан юраги шиг этиб, арзиқиб кетди. Ялт этиб Абайга боққан қопқора, наркас кўзларида ажиб бир ишва блан бирга, савол ифодаси ҳам акс этди, ёқимли, нафис саз сингари овоз блан:

— Мен эмасдим-ку, Абай! Айтдирмай қўйган ўзларингиз, ўзингиз эдингиз-ку,— деб, мулойимгина жилмайиб қўйди.

— Қани, айтчи, Айгерим! Юракда борини чётчи. Эшитганинг, ўрганганинг борми, янги куйларингни айтаётirman! Борми ўзи асти?— деб, Абай борлиғи блан берилиб, фақат Айгеримга қулоқ солди.

Шу пайт Айгерим қошларини хиёл чимириб, Эрбўлга ишора қилгандай бўлди. Сирдош дўст, Муқанинг қўлидаги дўмбирани олиб, дарҳол Айгеримнинг ёнига ўтиб, Татьяна куйини чалабошлади. Шу он, бу мажлисда, Абайнинг ўзи ҳам кўпдан бери эшитмаган, эшитмаганига ўқингудек гоёт майин, кумуш толалар сингари нозик куй кўтарилди. Абай ҳайратда қолди. Гарчи у беҳабар қолган, «ўрган» деб айтмаган бўлса ҳам, Айгерим Татьяна куйини, яна Татьяна хатининг ҳаммасини билар экан. Ҳали Эрбўлга ишора қилишининг сабаби—Айгеримнинг сўнгги кунлардаги сирини ўша биларди. Айгерим, Эрбўлга дўмбира чалдириб, астагина куйлаб, Татьяна куйини ҳам, сўзларини ҳам батамом ёдлаб олган экан. Айгерим куй бошлаганда, Татьяна созини шу кунга қадар айтиб юрган ашулачи йигитларнинг ҳаммаси: «Чин Татьяна шунинг ўзи! Оппоқ юзлари гул-гул ёниб, яшнаб турган Айгерим» деб, «Хулди ўшанинг ўзи» деб билишди. Билишди-ю, сув қуйгандек жим бўлиб тинглашди.

Абайнинг ўзи ҳам, куйни дастлаб чиқарган кун, Муҳамеджон айтганда, қизиқиб тинглаган бўлса, шундан кейин берилиб, эриб тинглагани шу эди. Овулда, Абайнинг ёнида куйловчи ёшлардан ҳечким бўлмагани учун, Татьяна куйи фақат дўмбирада чалингани бўлмаса, ҳозирча куйлайдиганлар йўқ эди. Ҳозир Айгерим, Абай учун янги бир ҳаёт, алангали нафас камф этгандек бўлди. Абай, яна ҳув ўша йиллардаги сингари, Айгеримдан кўзини ололмай, ҳатто нафас ҳам олмай эриб ўтириб қулоқ солди. Ҳозир Айгеримнинг ўзи ҳам ўланинг сўзларини куйдаги ҳарбир нозик тўлқинни ҳам бузмасдан, ҳарбир нидосигача бино қўйиб, борлиғи блан берилиб айтаётган эди. У ҳозир куйларди эмас, кўнглидаги армонини, дардаламини чертаётган эди. Татьяна нозини эмас, ўз қалбидан қайнаб чиққан алангали, соф ҳисларни изҳор этарди. Қалбидаги соф садоқатини, ёшлик муножотини яширин бир дуодек қилиб, ягона меҳрибонига бағишлаётир. Абайга айтаётир...

Ўзгага ҳеч дун'ёда
Ихтиёр-ла берилмас бу юрак.
Азалда, тақдир-эгадан
Хўжам сенсан, не керак.

... Аввало кирдинг тушимга,
Ўртоқ бўлдинг умримга,
Тўлқин солдинг ичимга,
Ушандан ёрсан кўнглимга.
Худодан бўлгай, деб, эми,
Худойини мўл бердим.
Кўргандаёқ мен сени,
«Шу экан-ку, у» дедим.

Яна нозли, мунгли ёр ғуссаси тўлқинланиб келаётир. Ҳозир Айгеримнинг юзидаги қизиллик йўқолиб, ранги ўчинқираган. Ҳақиқий оқин сингари жўшқин, иссиқ илҳомга берилган. Қалби ҳам ўзининг соф нафаси блан тутош эриб, сўзларига, товушига айланган. Айтган саяин нафислашиб, муқаддас сирини изҳор этаётир. Гўё бошқаларни унутиб, фақат Абайнинг ўзи блан ўтириб нозланиб арзиҳол айтаётир. «Нима гуноҳим бор эди? Агар бўлса, сен кечирсанг бўлмасмиди?! Яна ўзинг танҳо ўзимники бўлиб келсанг нима қиларди! Уша вақтлардаги порлоқ кунларни топчи. Ўзимни топчи!...» деятгандек туюлди.

... Етган сайин уйқуга,
Дуо ўқирдим чўчиб.
Боғлаб мени хулқингга,
Юрар эдинг қўшилиб...
Еч кўнглимнинг жумбоғин,
Еки бари алданиш,
Ёш юрак ёйиб қучоғин
Толпангандир ойга олис.

Бундан кейинги сартларнинг ипак толасидек нозик ва чийратма сўзлари блан куйи, Айгеримнинг бор иродасипи, сабр-тоқатини беихтиёр емириб, мажолсизлантириб бораётгандек бўлди.

На бўлса ҳам ўзимни
Топширдим сизга, нолиниб,
Тўлдириб ёшга кўзимни,
Эслагин деймап, ялиниб...

деб келди-ю, бирдан тўхтаб ўзини тутолмай, ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди-да, жим бўлиб қолди. Уйни ҳазин ва оғир сукунат босди. Абайнинг ранги қум-қуйт ўчиб, икки кўзи косасидан чиқиб, вужудида ажиб бир титроқ туриб, қошларини чимирди. Ёнида ўтирган Айгеримни қаттиқ қисиб қучоқлаб, бағрига босди-ю, ёшли кўзаларидан бўса олди.

— Айгерим! Азизим! Куйинг блан, кўз ёшларинг блан мени яна топдингми! Чин садоқатли, соф қалбинг.

толпиниб келиб топти-ку! Татьянанинг куйи, нозли нола-си сенинг ҳам юрагингдаги чин дардларга айланиб чиқди-ку!— деди.

Икковининг атрофида ўтирган ёш дўстлар булардаги кайфиятни жуда яхши англашди.

— Оббо, Татьяна, қозоқ қизидан ҳам ўз мунгдошинини топдинг-а! Қанча-қанча софдил ёшларга тил берарсан ҳали!— деб қўйди Кўкбой.

Бошқа ҳечким гапирмади. Лекин, «Тўғри, бу турган гап, албатта» деяётгандек, бир-бирларига қараб қўйишди. Ёшлар Абай блан Айгеримни энди суҳбатга тортишар-олмади. Бу икковининг юрагига ҳеч гапнинг ҳожати йўқ эди. Сукут қилиб ўтирганлари ҳолда садоқатли кўнгил-лари ҳозирнинг ўзидек дардлашиб, сирлашаётган эди. Яна қайтиб уйғонган кучли ишқ ўти туташиб, орага сўз киришини ҳам, кузатучи бегона кўз бўлишини ҳам истамас эди. Буни сезган Муқа блан Кўкбойлар бирин-кетин чиқиб кетишди. Уйда танҳо ўзлари қолган Абай блан Айгерим бир-бирларига аламли муҳаббат блан қучоқ ёзишиб бориб, узоқ-узоқ ўпишди.

Бирнеча йиллар давомида бир-бирини англайолмай, юракларида пайдо бўлган чигал тугунни куй ёзди. Тенг илҳомга эга бўлган, тенг сифатида топиштирди. Энди бир умр айнимас, битмас-туганмас муҳаббат блан топиш-тирди. Татьянанинг мунгли сози блан аламли нози қайтадан қувонтириб, сўнганларини ёндириб топиштирди.

Шундай қилиб, 1887 йилнинг қишида улуг рус оқи-ни Пушкин ўзининг севиқли Татьянасининг кўлидан етаклаб келиб, кенг қозоқ саҳросига илқ даф'а қадам қўйди.

Ўзи тингловчиларини мафтун этган қадрли оқин бўл-ди. Татьянаси қозоқ ёшларининг қалбидаги ҳисларига ил-гари қозоқ сўзи блан ифода қилиб бўлмаган кўркем, жо-зибали тил бериб, уларнинг жондан ҳам ширин, энг яқин жигари бўлиб келди.

Иккинчи китоб тамом.

ЭПИЛОГ

Оқшўқида туғилган ўлан, ўлан блан куй, чуқур ма'но-ли қўшиқлар кўчирилиб, ёдланиб, куйланиб, тўлқинланиб тарқалаётган эди. Алвон-турли сирларга эга бўлган янги сўз, Сари Орқанинг майин шабадаси сингари аста силжиб, лекин кенг ёйилиб тарқалди... Бу атроф, бу саҳро илгари эшитмаган янги садо эсди. Асрлар бўйи сукут ичи-да унсиз сўроқлаб, мудраб ётган саҳрога ел қанотида куйлаб келаётган жавоб эсди. Эзгулик елди. Янги йил келаётганидан дарак беручи баҳор елидек эсди. У — тарихнинг янги бир авлодининг нидоси эди. Утган қишдан туғилган эмас, олдаги ёз учун, ёзнинг янги ҳаёти чечак ёзиб ўсиб-униши учун туғилган янги бўғиннинг овози... Унинг қўшиғи — янги ҳаёт орзу қилиб, янги юксалишга интилуши қўшиқ. Барча ёрқин фикрли хуш'ёрлар учун, сезгир қалблар учун, тинимсиз ўйлар учун курашга доим тайёр бўлган виждон эгалари учун яратилган қўшиқлар...

Оқшўқида туғилган ўлан, ўлан блан куй кўчирилиб, ёдланиб, куйланиб, тўлқинланиб Эралига етди. Абай шаҳарга олиб бориб ўқитган, жотоқдан чиққан етим болалар: Ҳасан блан Са'диваққос ҳар оқшом ўзлари кўчириб олган ўлашларни ўқишарди. Қудуқ бошида, кечки пайтда овул ёнида, овқат чоғида ҳамавақт Даркембой бошлиқ бир гуруҳ ёшу қарилар тўпланишиб, Абайнинг ше'рларини буларга ўқитиб тинглашарди.

Абайга оға, дўст бўлган Даркембой носвой искаб бироз сесканиб қўяр, хат ўқиётган ёшларга ёндашиб, узоқ-узоқ ўтириб, қулоқ соларди.

Қалин элим, қозоғим, шўрлик юртим,
Устарасиз оғзингга тушди муртияг...

деб, эл ғамхўрига айланган Абайни кўз олдига келтирарди. Даркембой унинг сўзларига ишонар ва оқиннинг қайғуларига кекса кўнглидаги ҳасратларини қўшиб бош агарди.

Дандибой, Эренойлар бўлишиб ба'зан «Куз»ни ўқитишарди. Бир эмас, қайта-қайта ўқитишарди.

Қора қийдан уришмай озроқ берса,
Бу — қашшоққа қилинган улкан эҳсон...

деганда, кексалар ҳузур қилиб кулишарди. Бу ғамни бирорта Такежон, Мойбосар, Урозбойлар бекор деб айта олмас... Бу куйда мана шу кексалар оиласи блан бой овулларнинг атрофида юриб, кечирган кунлари, кўйлари тасвир этилган. Улар ўз дардларига ҳамоҳанг бўлган ўланларни айниқса кўп ўқитишарди... Ўқишга қаноат қилмай, «Оҳанги блан ўқи», «куйга солиб айт» дейишиб, бирхил ёшларга куйлатиб эшитишарди. Ба'зан бутун ёшлар бир бўлиб куйлашарди. Ғамгин кеч пайти бирқанча ёшларнинг овози блан тўлқинланаётган ҳақиқат кўшиги қулоқ солаётган кексаларни ҳайратда қолдирарди. Завқ блан айтилаётган гаплар эшитиларди.

— Қандай сўзлар!

— Қандай айтилган-а!

— Олтмиш икки томиринггача жимирлатиб юборадиган сўзлар...

— Айтарсан... Шу йўсин айтарсан.. Қозоқ боласи айтмаган гапларни сен айтарсан Абай!.. Асилим!.. Чўлимдаги ягона олтин терагим. Чўлда битган бўстон — гулистоним! Ҳуш'ёри-хушфаҳмим! — дейди Даркембой. У, сукут ичида тингланаётган кўпчиликнинг кўнглидаги оташин ҳисларни изҳор этарди.

Оқшўқида туғилган ўлан, ўлан блан куй кўчирилиб, ёдланиб, Муҳамеджон томонидан куйланиб, Улжон овулига етган эди. Муҳамеджон кеча кеч бўйи Ўспоннинг уйида Абай ше'рларини ҳам ўқиб, ҳам куйлаб берди. Бу овулдаги ёш-яланглар, бирқанча қўни-қўшнилари Эркежон блан

Успон ўтовини лиқ тўлдириб, сиғмаганлар ташқаридан епирилишиб эшитишди.

Улжон Абайни кўпдан, қишдан буён кўрмаган эди. Опа кўнгли соғинчга тўла эди. Эрталаб Муҳамеджонни чақиртириб олди-да, Абайнинг шеърларини ўқитди.. Қирган-чиққанларга ҳам, отда келган йўловчиларга ҳам қайрилиб қарамади.

Сўз тузалди, тингловчим, сен ҳам тузал,
Келайин сизларга ҳам энди аста...

депти боласи. Бу онасига ҳам эслатгани-да! Бурунги ба'зибир нодонларни, сўзни пулловчиларни, мансабпарастларни боласи хўп савалапти.

Эл ғаломуси Тўбуқти,
Кўп пухтага мўлиқти!..—

депти яна бир жойда.

Улжон Абайнинг сўзларига ҳайрат ичида шодланиб, чуқур ўйга кетиб ўтираркан, Успоннинг тўсатдан қаҳқаҳуриб кулиши хаёлини бўлиб юборди. Онасидан пастроқда ўтирган Успон ҳам кечадан буён дамини чиқармай, жимгина тинглаётган эди. Шу дамгача: «яхши-ёмон» деб бирор оғиз сўз ҳам қотмаган эди. Уша тинч ўтирган Успон, ҳозир бирдан тошиб кетгандек бўлди. Шарақлаб кулиб, ўз-ўзидан завқланарди. Нарироқда, бир четда ўтириб қимиз ичаётган Такежонларга қараб, нягини қоқиб, ўшаларни эрмак қилиб кулаётир.

— Ана... Ана, ўтиришипти-ку! Епирим, худди мана шуларнинг ўзи-да, ўша айтганлари.

«Эл ғаломуси Тўбуқти,
Кўп пухтага мўлиқти!»

деб қўйиб, яна кулди.

Такежоннинг ёнида Урозбой блан Жиренше ўтирган эди. Успон ўланга ҳам, ўзининг кулгисига ҳам уларнинг эңсаси қотганини сезиб қолиб, яна батарроқ қилди. Энди очикдан-очиқ эрмак қилиб кулаётган эди.

Жиреншенинг назарида, ўша тентак, думбил табиат, шўх бола Успон яна ўша болалик ҳолига қайтиб, масхара қилаётгандек туюлди.

— Узи нима гап, Успон, гўдакларга ўхшаб бунча ҳиринглайсан, сенга нима бўлди?!— деди.

Успон унинг сўзларига парво ҳам қилмади. Қайтага баттарроқ гашига тегиб шанғиллаб:

— Ҳозирги Тўбуқтада уччалангдан ғаломус амалдор-ни излаб топаоладими киши... Абай бошларингга яхшилаб мушт туширмадими, худолигингни айтчи ўзинг, ҳой Жиренше!— деб, аския қилиб кетди.

Абай ше'рларининг ҳақиқий сири Успонга энди очиқ англашилган эди.

Успоннинг гапи Улжонга ҳам ма'қул тушиб, пиқ этиб кулди-ю, яна ўйлашиб қолди.

Кўп ше'рлар ўқиб берган Муҳамеджонни энди бир нафас тўхтатди-да, уйдагиларнинг ҳаммасига эшитдириб, салмоқли қилиб:

— Туғилганидан... ҳатто бир қарич болалигидан буён, Абайим бир тепа, қолган қавм-қариндош ҳаммаси бир тепа эди. Оналик бағримни бутун қилиб турадиган бир қимматли хазинадек кўрар эдим. Кўнглимда оналик умиди, тилаги ҳам у блан бирга туғилган эди. Мана, бугун ўша умид блан тилак рўёбга чиқипти, сермева дарахтлик бўлибман. Энди ўлсам, беармон кетадиган она бўлибман! Ўзингга шукурлар бўлсин, тангрим... парвардигори олам!— деди.

Уйда жимжитлик ҳукм суриб, ҳамма меҳрибон она-нинг самимий дуо ва муножотини тинглаётган эди. Броқ жимликини Такежон бузди. Успоннинг ҳалиги гапига энсаси қотиб ёйинганидек, ҳозир онасининг гапидан ҳам норози бўлди.

— Эй, опа-ей!— деб, Улжонга қаради-да: — ишқилиб, бишо қўйганинг ўша бўлгандан кейин, албатта шундай дейсан-да. Бўлмаса, сенинг болангдан бошқа ҳам олийжаноб, сўзамол қозоқлар ўтган эдику. Ушалар: «Худога шукур, авлодимиздан бахши блан оқин чиққани йўқ» демаганмиди. Сен, болам бахши-қучноч бўлди деб нима-сига бунча қувонаётирсан?!— деди.

Жиренше, одатдагидек айёрлик блан товуш чиқармай кулиб, Урозбойнинг сопини чимчиладида, Улжонга кўз қирини ташлаб қараб турди.

Улжон Такежоннинг гапидан жирканиб кетди.

— Ҳа, уядош кучукчалармиз дейсан-да. Худоё товба, уядошнинг ҳам, биттаси қумай¹ бўлганда, биттаси сенга ўхшаш олабўри бўлар экан-ку!.. Нима десанг, де! Лекин,

¹ Афсонавий овчи ит.

сени Абайнинг кесиб ташлаган тирноғига ҳам олмайман!
— деди

Улжоннинг сиймосида ғазаб акс этди. Ажин босган кўркам юзлари оппоқ оқариб икки кўзига ёш тўлиб, қизариб, қон қуйилганича Такежонга бир ўқрайиб қўйди.

Такежон дарҳол тумоғи блан қамчисини қўлига олди-да:

— Қани тур! Кетақолайлик энди!— деб, Жиренше блан Урозбойни ҳам, ўзи блан бирга турғизди.

— Алжиган онадан эшитадиган гапни эшитиб бўл-дик-ку! Юр!— деб тез-тез қадам ташлаб чиқиб кетди...

Оқшўқида туғилган ўлан, ўлан блан куй ёдланиб, ўша кунларнинг бирида кечаси бедор ётган Қунанбойнинг қулоғига етди. Тун-кечада узликсиз гинғиллаб бир куй келаётир. Тўшакда дам у томонга, дам бу томонга ағнаб кўп беҳаловат бўлаётган чол ўша гинғиллаб келаётган узлуксиз садодан асти қутила олмади. Бир сўз ҳадеб такрорланаверди. У — қоровул Қарибжон айтаётган куй эди. Сўзлари ҳам Қунанбойнинг қулоғига қадалаётгандек бўлаётир. Қарибжон яқинда эшитган, лекин чала ўрганган куй: — «Тангри қўшган ёр эдинг сен...» эди.

Қоровул йигит, ўланнинг фақат дастлабки бандинигина айтарди. Қизиқиб қолган сўзларини такрорлай берарди. Қунанбой қулоғига бу ёт сўзлар йироқдан айниқса бузилиб, бошқача бўлиб эшитиларди. «Тангри сўққан», «тангри сўққан»¹ деб бошланадиганга ўхшарди.

Улан оҳанги блан қулоққа чала-чулпа чалинаётган сўзларидан қутилаолмаган Қунанбой, охир ҳовлиқиб Нурғонимни уйғотди.

— Қалмоқ! Ҳай, Қалмоқ!— деди. У кичик хотинини Қалмоқ деб атарди.

— Қарачи, ана у қоровул, «тангри сўққан», «тангри сўққан» деяётирми, нима деяётир ўзи?.. Кимни қарғаб, қақшаётир бунча? Билчи!— деди. Нурғоним қоровул йигит айтаётган куйни яхши биларди.

— «Тангри қўшган ёр эдинг сен» деяётир. Абай чиқарган ўлан, деб шу кунларда ҳамма айтиб юрибди-ку!— деди.

Қунанбой, уҳ, деб бир хўрсинди-да, девор томонга ағдарилиб ётди.

¹ Сўққан — урган.— *Ред.*

— Бас қилсин! Зорлапмасин! Бориб товушини учир! Беҳузур қилаётир!— деб уни ўчди.

...Тапгри қўшган ёр эдинг сен,
Ёр этолмай кетгандинг...

Нурғоним Татьянанинг зорини биринчи марта эшитганда, ғам-ғуссага тўлиб қайтган эди. Бу сўзларда унинг ўз дарди ҳам тараппум этилган. Бозорали ёдига тушиб кетган эди. Куй бошланиб қўшиқчи «а» деб оғиз очиши бланок интизор этиб, доғи ҳасратга қўйиб кетган ўша дўстини ўйлаб дардига дард қўшилиб, термулганича ўтирганди.

Нурғоним қоровулни чақириб унга: «айтма, бас қил» демади.

— Куйингни нариги томонга бориб, узоқдан айт! Бу томонга келганингда, секинроқ айтмасанг, оташин куй чолнинг кўнглини ўртаётир. Утдан баттар куйдиришини билмайсанми? Қулоғига ёқмайди!— деб, хўрсиниб қўйдида, уйига қайтди. Бу қоровулга эмас ўз-ўзига айтаётган нозик сирлари эди.

Оқшўқида туғилган ўлан, ўлан блан куй ёдлашиб, бутун атрофга кенг ёйилмоқда. Саҳронинг мулойим, оромбахш шабадаси сингари аста-секин тўлқинланиб, Тўбуқти яйловларини кезиб ўтди. Юқоридаги Керейга, қуйидаги Уоққа, орқадаги Қоракесек, Қуондиқ элларигача кетди. Аяғўз, Торбоготой, Олтой Найманларига ҳам бориб етди.

Шу пайт Мошондаги Найман деган чолнинг овулига ҳам етган эди. Кутилмаган бир вақтда овулнинг четидаги қашшоқ қўшнилardan бирининг уйига, қаллиқ айтиб қўйилган куёвлар: қашшоқ овулининг юпингина кийинган иккита йигити келди. Ўзларига ўхшаш камбағал оиладан қиз олаётган йигитлар эди. Ўша куёв ўланчи Мўлдабек деган йигит эди. Камбағал қўшнилар Тўғжонни жуда ҳурмат қилишарди. Энди куёв келиб, мўмин қўшини кичкина шодлигини ўртоқлашгани чақиргач Тўғжон ҳам келди. Шу йиғинда тўсатдан: «Татьяна хати», «Онегин жавоби», «Татьянанинг иккинчи сўзи» янграб кетди. Жамжит, ғамгин кечда илгари эшитилмаган нозик ва ғоят мунгли садо кўтарилди. Куй бошланиши блан Тўғжонда:

«Абай», «буни фақат Абай айтган» деган қат'ий ишонч пайдо бўлди. Уланни ким чиқаргани, қаердан келганини суриштириб ҳам ўтирмади.

Татьянанинг Онегинга айтган иккинчи сўзига келганда, Тўғжон тоқат қилолмади. Кўпдан бери ҳис этмаган бир аланга лоп этиб юзини ҳам, қалбини ҳам бирпасда ўртаб, жон-жаҳонини куйдирди.

Мана бу ўз сўзлари эмасми?!— «Бошқа ҳаётга рози бўлмасам ҳам, кўндим» деяётир. «Севгини, интизорликни тарк этмасам ҳам, энди бизга бахтли ҳаёт йўқ» деяётирку. «Шу эмасмиди?» Кўз ёшларини ютиб ўтириб айтган бўлса ҳам, Тўғжоннинг ўзи бемор ётган дўстига, дардли дўстига айтган гаплар шу эмасмиди? Унутилмапти. Ушандаги аланга ўчиб, йўқолиб кетмапти... Уша ғусса, ўша аламлар энди куйга тушиб, шунчалик гўзал қўшиққа айланипти. Кутилмаган ердан бунга етган қалб саломи, сабрини олмай қўядими! Тўғжон, ўтдек ёшлик чоғидаги сингари, қаттиқ ҳаяжонга тушди.

Узоқ ўтирилган кеч бўйи, бир ўртаниб, бир совуқ қолади. Тинмай оқаётган, туганмас кўз ёшларини тўкди. Ичида Татьяна куйини ажойиб оҳанг блан такрор-такрор куйлаб кетди...

Тинч, ёз кунларидан бирида, кеч пайти, Абай Қасқабулоқдаги баланд бир тошлоқ тепа устида овулнинг кечки ҳаёт нафасига қулоқ солиб ўтирипти. Унинг овули бу йил ёзда яйловга чиқмай, ғала-ғовурдан холироқ, деб тоғ бағирларида қолиб, Уйқудуқ, Эрали жотоқларига қўшни бўлиб ўтирди.

Бугун эрталаб яйловдан бир тўп ёш меҳмонлар, оқин, ўланчи, дўстлар келишган эди. Абайга улар анчагина хуш хабарлар олиб келишди. Абайнинг ше'рлари халққа ёқиб, бутун атрофга тарқаб кетипти. Қарқарали — Қўянди ярмаркасига йиғилган тўрт элнинг ёшу қарисига Абайнинг донғи кетипти. Ҳамма жойда: «Абай деган бир яхши одам чиқипти... Сўзлари, насиҳатлари бошқача бўлган билимдон экан». «Халққа ғамхўр, кўнгли синиқларга дўст, зўравон-золимларга қасд одам экан», «Тўбуқтида туғилган бўлса ҳам, ёлғиз Тўбуқтига эмас, бутун халқ ғамхўри, халқ ўғли бўлиб туғилипти». «Унинг сўзларини уқайлик, ўғитларини эшитайлик», дейишаётган экан.

Абайга бу хабарни топиб келган Кўкбой, Муҳаммеджон, Мағаш ва Қакитойлар хурсанд бўлиб оға оқини, дўсти ва устозини қуршаб олишди. Улар Абай блан фахр-

ланишарди. Абай блан Айгерим бу хабарни ўз ичларида мамнун бўлиб, сукут ичида тинглашди.

Ҳозир Абай булардан айрилиб чиқиб, ёлғиз ўзи хаёлга чўмиб ўтирарди. Гўзал табиатнинг кечки манзарасига сингиб кетиб, кўнгил сирларини очиб, дардлашаётир...

Эрали, Уйқудуқ ва Қўриқнинг бепоён далалари чўзилиб ётарди. Кенг оламнинг текис сатҳи сокин нафас олаётганга ўхшарди. Ботиб бораётган қуёшнинг қийғоч тушаётган шу'ласи далани қипқизил нурга кўмган. Бу текис ва майин нурдан чексиз далалар мамнундай кўришарди. Илҳоми жўш ураётган шоирнинг кўз олдида ҳозир дала эмас — денгиз, кенг ва тинч денгиз сатҳи жилвалаймоқда. Ана шу ҳаёт ва тарих денгизида ёлғиз бир кема елканини кўтариб йўлга тушди. Елканида «Кураш», «Умид» деган шиори бўлган бу кема олға босди. Нома'лум бўлса ҳам узоқ сафарга, ажойиб нурли соҳилга қараб йўл олди. Халқ умидини юклаб бораётган бу кема, «Келажак» деган соҳилга қараб кетаётир. Бу «Абай кемаси» кенг оламда ишончли, тўғри йўл чизиб бормоқда. Олға кетаётир, узоқлаб кетаётир... Абай баландликда туриб олисдаги уфққа тикиларкан, хаёл кўзи блан ўша кемани оқ йўлга узатиб, узоқ термулиб қолди. Теп-текис далалардан баланд бўлган тепаликда ўз илҳоми қучоғида ўтирган Абайда фахрланиш ҳисси пайдо бўлди. Зотан у ҳозир фахрланишга ҳақли ҳам эди.

Бу кайфият бир нафасгина йилт этиб кўринган шодликнинг ёруғ юзи экан. Энди унинг кетидан яна бошқа хаёллар тўлқини пайдо бўлиб, кўнгил қирғоғига урилди. Кўчманчи қора булут сингари қуюқлашиб келаётган бу огир хаёллар шафқатсиз ҳаёт, аччиқ ҳақиқатни гавдалантирди. Бояги ёрқин нурга чўмган шодлик шу'ласини энди сўнгги ўйларнинг қайғули, қора булутлари қоплаб босиб кетаётир.

Олдинда ҳаёт ва кураш. Бу курашда — у ёлғиз. Танҳо ўзи. Тўғри, унинг бир суянчиги — қуввати, бир умиди бор. Қуввати — оқинлик, умиди — халқ. Лекин биттаси ҳали уйғонмаган куч бўлса, иккинчиси тушунилмай, англашилмай кетадимми? Ирода ва ғайрат етадимми! Ёлғизликда енгилмас ирода етадимми!


У ҳаёт довоғига чиқипти. Орқада қолган йўлда қўлдан кетгани кўпми, қўлга киргани кўпми? Тўғри, қўлдан кетганларнинг кўпига ўқинмайди. Яқинда ёт қаторига ўтиб отаси Қунанбой кетди. Жигарлардан Такежон, бирқанча

Такежонлар ёвлашиб кетди. Ҳрозбой, Жиреншелар ҳам кетма-кет кетишаётир. Майли, бундан узилиб кетсин. Кетадиганлар кетаверсин. Кетучилар ҳали ҳам топилар. «Лекин, халқ қолса йўлимни халққа ёритиб кўрсату-чи, фидокорлигини билдиручи қўлимдаги ўша ёлғиз шам қолса бас!» деди. Гўё шу ўтирган ерида ўз-ўзича қасам'ёд қилаётгандек бўлди.

Ҳалиги денгиз қани?!

Абай кенг саҳрога яна бир назар ташлади. Энди денгиз эмас, кундагидек бўм-бўш ғамгин дала кўринди. Мажолсиз Эрали даласи. Ўша далада энди чанг-тўзон кўтарилди. Тўзғиб-тўзғиб кўтарилаётир. Бу нима? Абайнинг олдига шошганича тасирлатиб, бир салт отлиқ чошиб келди. Орқа томондан келган отлиқни Абай эндигина пайқади. Йўловчининг остидаги оти қора терга ботган эди. Жотоқлардан, Эрали жотоқларидан Даркембойларнинг топшириғи блан келган экан. Абай ўқишга ўрнаштирган шогирдларидан бири, ёш йигит — Са'диваққос экан.

— Анави чанг-тўзонни кўринг Абай оға! Ўша ёв! Жотоқларнинг озгина йилқисига чанг солган ёв. Ана, ҳайдаб кетаётир. Яна босиб олиб кетишаётир, мугтаҳамлар! — деди, йигит ўпкаси тўлиб. Денгиз ҳам, хаёл ҳам ғойиб бўлди. Озгина юпанч ва шодлик ҳам сўниб кетди. Ҳаёт яна ўзининг аччиқ ҳақиқати, шафқатсиз тортишуви блан Абайни янгидан зўр курашга чақирабошлади.



М У Н Д А Р И Ж А

Тойғоноқда	3
Яйловда	55
Қуйида	126
Ұнқир-чұнқирликда	235
Довонда	332
Чоррахада	380
Чұққида	450
Эпилот	488

На узбекском языке

МУХТАР АВЕЗОВ

А Б А Й

(Роман)

Книга вторая

*Госиздат УзССР
Ташкент — 1953*

Редактор *И. Муслим*,
Рассом *Б. И. Урманче*,
Техредактор *П. А. Уманский*
Корректор *М. Рустамов*

Теринга берилди 19/XII 1952. Босишга
рухсат этилди 24/II 1953. Р 01616. Қоғоз
84×108₁₆—7,75 қоғоз л. —25,42 боҳма л. Нашр
л. 26,1. Договор № 124—50. Тиражи 25000
Баҳоси 7 с. 85 т. Муқоваси 1 с. 60 т.

ЎзССР Маданият министрлиги Узглавида-
тивинг 1-нчи босмахонаси. 1953. Тошкент,
Ҳамза к., 33. Заказ № 14.